XX АСР ЎЗБЕК РОМАНИ

ШУҲРАТ

ОЛТИН ЗАНГЛАМАС

РОМАН

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ-1995

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ислом ШОҒУЛОМОВ (ҳайъат раиси), Бобур АЛИМОВ (ҳайъат раиси ўринбосари), Музаффар АЪЛАМОВ, Саид АҲМАД, Аҳрор АҲМЕДОВ, Машраб БОБОЕВ, Наим КАРИМОВ, Тоҳир МАЛИК, Омон МУХТОР, Умарали НОРМАТОВ, Анвар ОБИДЖОНОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Носир ФОЗИЛОВ, Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Барнобек ЭШПЎЛАТОВ (ҳайъат котиби), Бегали ҚОСИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ.

© «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИНИНҒ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ 1995

БИРИНЧИ ҚИСМ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Меҳрибон онам,
севикли муаллимим,
қадрдон дўстим,
азиз фарзандларимга
бағишлайман.

МУАЛЛИФ.

1. АТЛАС КЎЙЛАКЛИ ҚИЗ

Қодир умри бино бўлиб бунақа келишган қизни кўрмаган эди!

У боғда, майса устида, кўйлагини чиқариб, ботинкасини ечиб, майкада дарс тайёрлаб ўтирарди. Ҳаво дим. Қилт этган шамол йўқ. Дарахтларнинг барглари қўрғошиндан қуйилгандек вазмин солланиб туради. Фақат анҳор четидаги ўсиқ гиёҳларни сув эпкини ўз ҳолига қўймай тортқилайди, «юр биз билан!» дегандек букиб кетади.

Қодир на ҳавонинг димини, на вақтнинг ўтганини биларди. У билан ўчакишгандек бир жуфт мусича парр этиб қаёқдандир олдинма-кейин учиб келди-да, унинг ёнига тушди. Олдин учиб келгани кейингисига тутқич бермас, у «ку-ку»лаб қаршисига борса қочади. Йўрғалаб ёнига ўтса, учиб сал нарига тушади. Яна кейингиси хушомад қилади... Бирдан чўқилашиб кетишди. Икки юввош парранданинг бу ножўя иши Қодирнинг ғашига тегиб, энди ҳайдамоқчи бўлиб турган эди, биттаси дарахтга учиб ўтди, кейингиси кетидан қараб қолди. Қодир «қани, энди нима қилар экан!» деб турган эди, қаршисида бир қиз кўринди. У, кенг атлас кўйлагига шамол тўлдириб, қаршисидаги соясини қувгандек елиб келарди. Қиз Қодирга яқинлашгач, қадамини секинлатди. Қодир унга тузуккина қарагунча бўлмай, қиз сўради.

— Шу ердан иккита қиз ўтмадими? Биттаси чамандагул дўппили.

— Пайқамадим, — деди Қодир. У илон авраган қурбақадек бақрайиб қолган эди.

— Олдидан ўтган қизни пайқамайдиган қанақа йигит экансиз!

Қиз шу сўзни кулиб айтди-ю, йўлида давом этди. Кулганда икки қатор садаф тишлари бир ҳуснига ўн ҳусн қўшиб юборди. Қиз нарироқ бориб «гапимни уқдингизми, яхши йигит» дегандек яна бир орқасига

www.ziyouz.com kutubxonasi

қараб қўйди. Мана шу қараш умрида бирон қиздан, айниқса, «бугун тушдан кейин дум бераман» деб турган қовундек етилган қиздан икки оғиз ширин сўз эшитмаган Қодирни адойи тамом қилди. Қўлида дафтари билан кетидан бақрайиб қолганини анчадан кейин пайқади. Пайқади-ю, фикрида шу кунгача бўлмаган ажиб ғалаён бошланганини, бу ғалаён унга ҳам ширин, ҳам ваҳимали алланарсалар ваъда қилаётганини ҳис этди. Унинг фикри-ўйи шамол шопирган ўша атлас кўйлак қатига ўралиб кетган эди. «Ойиси баҳорда, қизил гул сайлида туққанми, бунча кулиши чиройли бўлмаса», деб қўйди ўзича.

Қиз ўша бедана йўрғалашида сўқмоқ йўлдан бориб дарахтлар орасида кўздан ғойиб бўлди. Бир оздан кейин ўша томондан қизларнинг кулгиси эшитилди! Бу кулги ичидан Қодир қизнинг овозини таниди ва юраги гурсиллаб уриб, ларзага келди...

Қодир ўзини зўрлаб дарс тайёрламоқчи бўлган эди, кўзи китобда яхмалак отиб, ҳеч нарса бошига кирмади. Лекин, нима учундир, бирдан хаёлига ўша атлас кўйлак, чилвир соч, кулиши ёқимли қиз эмас, бояги мусичалар келди. Атрофига қараб уларни кўрмади. Шунда яна хаёлига келди: қизиқ, улар ўша қиз келгунча учиб кетишдими, ёки кейинми? Нега мен пайқамай қолдим? Улар ярашганмикин, ёки ҳали ҳам қувлашиб юришибдими? Ярашгандирлар! Ярашишлари керак. Гуноҳи бўлса ҳам кечириши керак, ялиниб-ялпоғланиб ўляпти, бечора! Бағри тошлик яхши эмас. Аҳиллик, меҳру муҳаббатга нима етсин!

Қодирнинг хаёли мусичаларда бўлса ҳам, кўзи қиз кетган томонга йўл чизиб қолди.

Уни яна бир кўргиси, жонон пиёла жаранггидай товушини эшитгиси келди. Юраги қиз кетган томонга ундаса ҳам, оёғи тортмади. Лекин кечаси шундай аҳволга тушдики, орада тубсиз жар бўлса ҳатлаб ўтишга, чўққида бўлса тирмашиб чиқишга тайёр эди. У қизни кўриш орзудан кўра эҳтиёжга айланган эди.

Эрталаб туриб, «йўқ, боққа чиқмайман, шу ерда дарсимни тайёрлайман», деб аҳд қилди у. Йўғон қайрағочга суяб қўйилган тумбочкага мук тушди. Бир оз тайёрлаган бўлди. Сал ўтмай соғяси қалин, ялпоқ қайрағоч тагида кулги кўтарилди. Кимдир хуштак чалди. Атрофга қараб қулай жой тополмади: институт ҳовлиси каравотларга тўла. Уларнинг усти қурама. Бирининг устига беқасам тўн кўндаланг ташланган бўлса, бирида

шинель, бирининг ёстиғи остида каттакон тугун, бирида кимдир ҳалигача ухлаб ётибди...

Ҳаммаси кўзига эриш кўриниб, ҳар куни шу ерда бепарво дарс тайёрлаганига, тинимсиз, шовқин-суронни пайқамаганига ажабланди. Фақат кечагина боққа чиққан эди.

Боғ эсига тушди-ю, қалби ўша томонга ундади. Назарида, кечаги атлас кўйлакли, кулиши ёқимли қиз кутиб тургандек, ёки у бориб ўтириши билан яна олдидан ўтадигандек бўлиб кўринди. Лекин қиз у ерда йўқ эди, Қодир тушгача дарс тайёрласа ҳам ўтмади. Олдинроқ ўтиб кетдими, деб кеча кулги келган томонга қулоқ солди: жимжит. Фақат тўғондан ошиб тушган сувнинг шарқирашигина эшитиларди. Кимдир унинг қулоғига «энди кулишмасдан тўғри гаплашиб ўтирибди» дегандек бўлди. Қодир бу меҳрибон ғойиб ҳамроҳининг сўзига жон деб ишонди. Ўрнидан туриб кеча қиз кетган томонга йўл олди. Юраги гуп-гуп урар, кўз олди баъзан жимирлашиб кетар эди. Ҳар дарахт, ҳар чечак, ҳар гиёҳ жонли, кўзи тўрт бўлиб уни кузатиб тургандек. Олам нақадар чиройли! Ҳар нарсанинг ўз ҳаёти, ўз ҳусни, ўз камолоти бор. Ўз кўрки, ўз фазилати билан бир-бирини тўлдиради, бир-бирининг ҳуснини очади, бир-биридан ажралмас бир бутунлик ташкил этади.

Қодир илгари ҳеч қачон пайқамаган ажойиботлар орасидан ўтиб бораётгандек завқланиб, ҳар япроққа, ҳар гиёҳга, ҳатто маржондек тизилишиб сўқмоқни кесиб ўтаётган чумолиларга гап қотгиси келар, улар дунёсини қалбига яқин сезар эди. Лекин бу билан бир вақтда унинг юрагида номаълум бир ташвиш, ҳис-ҳаяжон ётарди. Нимадандир чўчир, нимадандир ҳадиксираётгандек бўлиб, аланглаб қўярди. «Тўхта, — деди ички бир нидо, — хўш, у қизни топдинг. Кейин нима? Унга айтадиган бирон гапинг борми? Йўқ!! Шундай бўлгач, қидириб нима қиласан. Бор, жойингга ўтир, дарсингни қил, у қиз баҳор шамолидай ўтди-кетди!»

Қодир чиндан ҳам бундоқ ўйлаб қараса, у қизда ҳеч қандай иши ҳам йўқ, айтадиган сўзи ҳам! Шундай бўлсада, кеча кулги эшитилган томонни айланиб келди. Учратиб қолса, нима дейишини билмаса ҳам, уни қидирди. Ҳеч қаерда йўқ: на ерда, на кўкда.

Қайтиб кеча ўтирган жойига келса, мусичалар донлашиб юрибди. Жуда аҳил, бир-бирига меҳрибон, сахий. Ё кечагилар эмасми? Йўқ, ўшалар. Ўшаларнинг ўзи! Аҳиллик, меҳрибонлик қандай яхши!!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Атлас кўйлакли, кулгиси ёқимли ўша очиқ қиз Қодир учун олтин узукнинг сувга тушиб кетган зумрад кўзи бўлди.

Эртасига, индинига, бир ҳафтагача уни шу боғдан излади — топмади, кўча-кўйни кузатиб борди— учратмади. Унга қизнинг ўзидан ҳам хаёли ширин бўлиб қолган эди.

Охири, «тушимда кўрдиммикан», деди ўзига-ўзи.

Атлас кўйлакнинг оловидан бағрига тушган учқунни кул босгандек бўлди.

* * *

Қодир институтга қабул қилиниб, уч-тўрт кун она шаҳрининг ҳавоси билан нафас олгани қайтганида имтиҳонлардан яхши ўтганидан хурсанд бўлса ҳам, юрагининг аллақаери нимадандир ачишиб турарди. Ўсиб-улғайган ҳар битта тошигача унга таниш бўлган она шаҳрини тарк этганида юраги қанча энтиккан бўлса, институтга кириб, ўз шаҳрига қайтаётганида ҳам кўнгли шунчалик ғалати бўлиб кетди. Бегона шаҳарда нимасидир эсидан чиқиб қолгандек, нимасидир кўнглига ғашлик солаётгандек туюлди. Ҳеч ким уни кузатгани чиқмаган бўлса ҳам, кўзлари жавдираб кимнидир қидирди, кимгадир айтадиган гапи бордек ўзича пичирлаб қўйди. Поезд жилганда-ку, купеда туролмай, ўзини деразага урди, кимнидир кўрмоқчи эди... Бу ҳолатнинг боиси ўша атлас кўйлакли, кулгиси ёқимли қиз, олтин узукнинг сувга тушиб кетган зумрад кўзи эканини Қодир яхши биларди.

Қодирдаги бу ўзгаришни ҳаммадан олдин унинг онаси Адолат хола оналик қалби билан сезди шекилли, катта ўғли Содиққа:

— Йўқ, болам, укангга бир нарса бўлган. Бунақа эмас эди, — деди.— Ўқишга киргани ростми? Ё номусдан ёлғон гапириб, ич-этини еб юрибдими?

— Қоғозини кўрсатди, ўз кўзим билан кўрдим,— деди Содиқ ишонч билан.

— Бўлмаса уканг касал, биздан яширяпти.

— Чарчаган бўлса керак, менинг кўзимга ҳам шунақа кўринади. Яна суриштирарман.

— Шундай қил, жон болам, ёш, билмайди.

— Хўп, хўп!

Фарзанд доғини кўраверib, юраги безиллаб қолган Адолат хола, Қодирнинг дардини билолмай армонда эди. Бир чеккаси, ёлғиз ўзини ўқишга юборишга ҳам раъйи

йўқ. Шунинг учун, Содиқ укаси ўқишга кирган шаҳарга кўчиш, у ердаги катта докторларга Жаннатни кўрсатиш, ўзи ҳам аспирантурага кириш ниятида эканини айтганда, аввалгидек, «мени ота-онам ёнига қўйгин, кейин ўз билганингни қил» демади, тезгина кўна қолди. Икки йил Армияда «мусофир» бўлган Қодирни яна бегона шаҳарда ёлғиз ўзини мусофир қилгиси келмадими, ёки яна соғиниб кўз ёши тўкишга бардоши етмаслигини билдими, Содиқни қувватлади:

— Майли, жон болам, ҳаммамизнинг бир жойда бўлганимиз маъқул. Қодир ҳам иссиқ-совуқсиз қолмайди, ёнимда бўлади.

Содиқ бу қарорни Қодирга билдирганда, унинг ортиқча қувонмаганидан ҳайратда қолди.

Бу лоқайдлик Содиққа оғир ботди. Укасига бир нарса бўлганига шубҳа қилмай қўйди. «Ойим бекорга ташвишланмаган экан», деди-ю, сабабини билишга жиддий киришди. Уни бошлаб сойга кетди. Йўл-йўлакай укасининг қўйнига қўл солди. Бир-икки шўнғиб чиқиб, офтобда ўтиришар экан, пайти-пайти билан унинг харакатини кузатиб, гап ташлади:

— Марказда анчадан бери бўлганим йўқ, жуда обод бўлиб кетгандир.

— Ҳа.

— Боғларида ҳалиям дам олиш кунлари одам кўп бўладими?

«Боғ» сўзи Қодирни уйқудан уйғотгандек бўлди, ғалати бўлиб кетди.

Содиқнинг бугунги сайлдан фаҳмлагани шу бўлдики, Қодир аввалгидан кам гап, кишилар билан учрашишга майли йўқ, ёлғизликни хуш кўради. Тани-жони соғу, фақат қаттиқ чарчаган. Вақти билан ёзилиб кетади. Икки йил Армия хизматини ўтаб, бугунги кунда институтга имтиҳон бериб киришнинг ўзи бўладими!

Лекин Қодир имтиҳон азобларини аллақачон унутган, очиғини айтганда, унчалик ҳис қилмаган, фақат ёшликнинг бошқа бир имтиҳони олдида минг бир хаёл билан турарди.

Бу имтиҳон аввалгисидан осон эмас эди.

2. ТИРНОҚҚА ЗОР ОИЛА

Дунёда бефарзандликдан ёмон нарса борми!

Ёшликда билинмайди, умр ўйин-кулги билан ўтавера-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Бола муҳаббатини эр-хотинликнинг қайноқ бўсаси ва ҳеч тамом бўлмайдигандек ширин суҳбати босиб туради. Шундай пайт келадики, бу муҳаббат ва бўсани фарзандга кўчириш керак, фарзанд эр-хотинликка файз киритади, оилани безайди. Лекин фарзанд йўқ. Ана шунда зил кетади, ҳалигача ширин деб шимиб келган оғзингдаги обакидандоннинг тахири чиққандек бўлади. Айниқса сен билан олдинма-кейин турмуш қурганлар бир-икки фарзанд кўриб, каттасини етаклаб гузарга чиқадиган бўлганда, қўғирчоқдек ясатиб, бошлаб юрганда ёмон! Ардоқлаб оққа кўчираётган хатингга сиёҳ тўкилгандек юрагинг ачишади.

Содиқ билан Жаннатнинг ҳаёти худди шундай бўлган эди. Улар севишиб турмуш қуришган, юлдузлари жуда ўнг келган, бир-бирларини кўпдан синашган кишилардек фазилатларини ошириб, нуқсонларини яшириб, бошқалар ҳавас қилгудек тинч-тотув яшашди.

Ҳамма ўзбек келинларида бўлганидек болага ҳавас бошлаб Жаннатда уйғонди, ахир қизлар бекорга муштумдаклигидан «оббо, болам!» деб қўғирчоқ қучоқламайди-да! Йиллар ўтган сари бу ҳавас заруратга, энг зўр заруратга айланди. Аввалига эрига билдирмай ичида куйди, бировга айтгани уялди, ёшлик қилди, хилватга ўтиб аччиқ-аччиқ йиғлади. Таниш-билишининг кўзи ёриганини эшитса, аъзойи бадани зирқираб, изтиробдан титраб кетарди, кимдир «нега сен туғмайсан?!» деб таъна тоши отаётгандек бўларди. Унинг кўнгли бузилганини кўрган Адолат хола дарров бошини силарди:

— Сабр қилинг, жон болам, худо севган қулини бефарзанд қўймайди. Сабр сўнги — сариқ олтин.

— Сабр қилмай, нима қиляпман, ойижон! — дерди Жаннат ва яна баттар ёнарди, сирти кулиб, ичи йиғларди.

Адолат хола табиатан ҳалимдек юмшоқ, ширин сўз аёл эди. «Сиз» ҳам, «сен» ҳам бир оғиздан чиқади. «Сиз»ни «сен» қилиш яхшимас! дерди, ўзи шу ақидасига амал қилар, икки сўзининг бирида «жон болам» деб турар эди. Шунинг учун бутун маҳалла унинг исмини айтмай «жонболам хола» дейишар, бу сўз холанинг қулоғига кириб қолса кулиб қўя қоларди.

«Жонболам хола» бундоқ қараса, Жаннат кундан-кун чўпдек бўлиб кетяпти, кечагина бармоғига зўрга сиғган узуги бугун бармоғидан тушса тушиб қолгудек. Рангини айтмайсизми?! Йил — ўн икки ой кўрпа-ёстиқ қилиб ётган касалнинг ўзи! Нима қилсин она бечора! Қўлидан

келган ирим-сиримни қилди — бўлмади, аллақачон иргитиб ташлаган паранжисини аллақайси бурчакдан топиб фолбинга қатнади, отинга ўқитди — бўлмади, доя хотин айтган «дори-дармон»ни қилди — бўлмади. Ҳеч нарсадан қайтмади. Тирик илонни ют, шу сенга шифо деса, уни ҳам ютишга тайёр эди, Жаннат бечора!

Жаннатнинг назарида тинч турмушининг қасри боласизлик туфайли йилдан-йил нураб бораётгандек кўринади. Кимдир «орқангда бир туёқ қолмаган умр умрми!» деб кесатаётгандек бўларди. Тўй-ҳашамга боришдан юраги безиллайди, хотинлар «туғмас Жаннат ана шу» деб бир-бирига кўрсатаётганга ўхшайди, фарзанддан гап очилган тўйдан ҳамма хурсанд қайтса, у йиғлаб қайтади.

Жаннат «эрим ичида куйса керак», деб ўйларди. Чунки эри билдирмас эди. Минг қилса ҳам эркак! Бунинг устига иши бошидан ошиб ётибди. Яқинда мактабга директор қилиб қўйишди. Қишлоқ жой эмасми, айниқса, қиз болаларни ўқишга тортиш қийин. Сал бўйи чўзилди дегунча кетиб қолади, ота-онаси қўймайди. «Бу ишингиз яхшимас!» деб излаб борса, «хотин кишидан пайғамбар чиқибдими» дейишади. Ўша кезларда Содиқ хотинини ўқишга киритиб қўйди. Боғча мураббиялари тайёрлаш мактабини битиргач, боғчада ишлатди. Бу билан, бир томондан, уни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатмоқчи бўлса, иккинчи томондан хотинини овутмоқчи, «болага бўлган меҳрингни шу ерга тўк!» демоқчи эди.

Жаннат буни пайқади. Демак, эри уни хафа қилмоқчи эмас. Ичида ёнади-ю, ташқарига тутунини ҳам чиқармайди. Шундан биладики, Содиқ унинг ярасини тирнамоқчи эмас, демак, у қалбида, Жаннат эса кўзида кўрсатиб йиғлайди!

Нима учундир, Жаннат ҳамма айбни ўзида кўрарди. Шунинг учун Содиқ марказга кўчиш қарорини унга айтганда йўқотган нарсасини бирдан топган кишидек қувониб кетди. Лекин, шу билан бир вақтда юрагининг аллақаери «жиз» этиб ачишди, нимадир кўнглини хира қилди.

— Хўш, нима дейсан, сенга маъқулми? У ерда катта докторлар бор, ўзингни ҳам қаратасан, — деди Содиқ.

«Ўзингни ҳам қаратасан» сўзи Жаннатнинг қулоғига алланечук бўлиб эшитилди. У, шу вақтгача ўзини туғмаслиги бир касал эканини билмас, касални бунақа хили ҳам борлигини тасаввур қилмас эди. Демак, эри уни касал ҳисоблайди, касал ҳисоблаганда ҳам катта докторлар муолижа қиладиган касал экан. Мана шу «катта доктор-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар» сўзи ҳам унинг бағрига учли найза бўлиб қадалди. Яхши, булар у шаҳарга кўчиб боради, Жаннат эри айтган ўша «катта докторлар»га ўзини кўрсатади, дардига даво топса-ю, нур устига аъло нур, борди-ю топмаса», «доридармоннинг фойдаси йўқ!» деса нима бўлади? ЙЎҚ, катта доктор бўлганидан кейин ҳар қандай касалга даво топиши керак.

Жаннат шундай қарорга келган бўлса ҳам, ҳалиги «нимадир» ҳамон кўнглининг бир чеккасини хира қилиб турарди. Бўлмаса унинг бу ерда қоладиган ҳеч кими йўқ. Энг яқин кишиси — эри, энг меҳрибони — қайнанаси.

Ўша «нимадир» унга кечаю кундуз тинчлик бермади. Ҳамон кўнглининг бир чеккасини хира қилиб ётарди. Марказга кўчиш эсига тушди дегунча энтикади, қалбини муздай бир нарса кесиб ўтади... Эрталаб кўчишга оёғи тортмаётганини аниқ ҳис қилди. Сабабини тушунтириб беролмайдиган бўлгани учун эрига айтмади. Фақат дея олди:

— Кўчмасак нима қилади? Доктор бўлса, Қодиржоннинг олдига бориб туриб...

— Нима? У ер сенга ёқмаяптими? Жуда яхши шаҳар, кенг, ёруғ, гавжум...

— Яхшиликка яхши-ю, шундай бўлса ҳам... кўчмайлик... оёғим тортмаяпти...

— Жинни! — деди кулиб Содиқ, — юрагинг увишяптими? Ўрганиб кетасан.

Содиқ хотинининг руҳий ҳолатини тушунмади, тўғриси, хотинларда бўладиган «нуқсон»лардан деб кулиб қўяқолди. Лекин бу «нуқсон» Жаннатнинг қалби тубига чуқур ботиб борар, кўнгил ғашликдан диққатга айланмоқда эди.

— Бормайлик! — деди охири қатъий.

— Чарчабсан, хотин, дамингни ол!

«Нега Жаннатнинг феъли бунақа айниган? Нега яна кўчишга раъйи бўлмай қолди? Сабабини тузук суриштирмай, гапини қайтарганим яхши бўлмади».

Содиқ ўзича муҳокама қилди: Жаннатнинг катта бир далили бўлиши мумкин эмас. Туғилиб ўсган шаҳридан кетгиси, сирдош ўртоқларидан ажралгиси келмаётгандир. Ё ишини қизғаняптими? Эҳ, аттанг, у ерда ҳам ишлашини айтсам бўлар экан. Тўғри, шу иши учун қиляпти. Хафа бўлма, Жаннат, у ерда ҳам севган боғчангда ишлайсан. Ўзингнинг болаларинг ҳам бир боғча бўлиб кетса ажабмас. Ажойиб бир доктор Ленинграддан

келибди деб, эшитдим. Ўшанга боқтирасан. Ўксима! Оёғинг тортаверсин, жоним!

* * *

Кўчиб кетишлари аниқ бўлгандан кейин, Содиқ маориф бўлимининг илтимосига кўра, ўз ўрнига одам танлади. У билан бир неча кун ишлашди. Севган мактабининг келажакда ҳам мавқеи тушиб кетмасин учун қўлидан келган бутун маслаҳатларни берди. Ўқитувчиларга қисқа-қисқа характеристика ҳам бериб чиқди, «баъзи сир»лар-гача ўртоқлашди. Бир кекса ўқитувчи:

— Кўнглимизни чироғи олиб чиқиб кетилган уйдай қилиб кетяпсиз, Содиқжон, — деган эди.

— Ёритиб турган мен эмас, сизларсиз, сизларнинг ўзингиз, —деб кулди Содиқ. Қоровулдан тортиб, янги директоргача ҳамма билан қўл олиб хайрлашди. Хайрлашув орасида ҳар кимнинг ўзига яраша ҳазил қилди, гап қотди. У суяб юрган, ишчидан чиққан ёш ўқитувчи бағрига ташланиб «энди менинг аҳволим нима кечади?» деганга ўхшаган бир гап қилган эди, Содиқ:

— Кўпчиликка суянинг, кўпчилик кўтаради. Лекин мутолаани сусайтирманг. Мен сизнинг ҳаракатингизга ишонаман, — деди ва бағрига босиб ўпди, қўлини қаттиқ сиқди. Лекин мактабдан чиқиб кетиши енгил бўлмади, юрагининг аллақаери узилиб қолаётгандек ачишиб кетди. Нимадир эсидан чиқиб қолгандек орқасига бир-икки қараб қўйди, аммо рангининг сал оқаринқираганидан бехабар эди. Эшик олдида мактабга кириб келаётган болани тўхтатиб, иши бўлмаса ҳам исмини сўради, синфини суриштирди, унинг жавоб беришидан завқ олаётгандек кулиб турди, кейин бағрига босиб, лўппи юзларидан чўп-чўп ўпди:

— Яхши ўқи, хўпми? — бола ҳайрон эди. Содиқ нарироқ бориб болага хайрлашиб, қўл силкиди.

Содиқ ҳамма билан хурсанд хайрлашган бўлса ҳам, уйига кўнгли ғалати бўлиб қайтди. Ана шунда мактабини қанчалик севганини бутун қалби билан ҳис этганди. У ўйинчоғи сувга оқиб кетган боладек анча вақт хомуш юрди. Фақат кечқурун, оила аъзолари жамулжам бўлиб, овқатга ўтирганда кўнгли аста-секин ёришди. Чунки суҳбат энди бутунлай эртаги кунга, кўчиб борадиган шаҳардаги ҳаётга, ишга бағишланган эди.

Маслаҳат шунга келиб тўхтадики, Содиқ Қодиржон

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан бирга олдинроқ кетиб, уй-жой тараддудини кўрадиган бўлишди.

Кўчишга ҳаммадан олдин рози бўлган Адолат хола, иккала ўғлини кузатиш вақтида ўпкаси тўлиб йиғлади. Ёшлигини, бу уйга келин бўлиб тушган чоғларини, кетма-кет нобуд бўлган болаларини эслади. Эрталаб туриб, ҳали-ҳозир жўнаб кетаётгандек, ота-онасининг қабри тепасига бориб келди. «Аллақаерларда ўлиги қолиб кетган»— мардикордан қайтиб келмаган раҳматли эрини ёдлади. Нобуд бўлган болалари тирик бўлганида неча ёшга киришини хаёлидан ўтказди. Охири Содиқнинг қилич-қалқон тақиб «Оқ подшонинг думи — босмачиларни бира тўла йўқотмасак, яна бева-бечора кўпайиб кетадиганга ўхшайди», деб чиқиб кетгани, у йиғлаганда: «Йиғламанг ойи, сиз йиғласангиз, босмачи қаҳ-қаҳ уради», дегани эсига тушди. Ўшанда коптокдек ерга урса кўкка сакрайдиган азамат йигитча эди. Мана, кеча кўрса унинг ҳам чаккасига иккита оқ тола из солибди. Лекин манглайи шўр келди, фарзанд кўрмади. Битта сиқиладигани шу, бўлмаса кам-кўсти йўқ. Эл орзу қилса қилгудек, маслаҳат солса ақл олгудек эс-ҳушли. Келини Жаннатдан ҳам айбситадиган жойи йўқ. Очса кафтида, юмса муштумида. Йўқ, йиғлаши бекор. Яхши умидлар билан бошланган сафарнинг оқибати хайрли бўлади. Майли, Содиқ олдин борсин, жой топсин, кўчиб кетади. Болаларининг ўз қаноти остида бўлганига нима етсин! Қодиржон икки йил аскарда юрганида соғингани ҳам бўлади. Энди кўтаролмайди. Мусофир бўлса ҳам болаларининг олдида бўлади, айниқса, Қодиржонга кўзқулоқ бўлиб туриши шарт. Яхши қиз топса, ўзи бош бўлиб уйлантиради, ёши ҳам анчага бориб қолди. Аслида, шу ердан уйлантириб кетганда яхши бўларди. Боласи тушкур, кўнмади, «олдин ўқийман» деб туриб олди. Онага қолса-ю, йиғлаб-сиқтаб кўндирарди, ўртага Содиқ тушди, «шахтини қайтарманг!» деди. Жаннат бўлса, «шаҳар кўрган йигит қишлоқдан уйланадими, кўз остига олганлари борми ҳали», деб ҳазилга олди. Шунда ҳам она қарши турмади, «вой айланай, розиман. Ҳар ким кўнгли тортган ошни ичади», деди. Лекин Қодирдан ҳадеганда садо чиқмади, фақат анчадан кейин: «Мен оладиган қизнинг қулоғини кеча тешибдилар, бугун исирга буюртириб келаман!» дея китобини қўлтиқлаганича чиқиб кетди. Ана шу «олдин ўқиш» деган ўғли муродига етяпти. Ўқишга кирди, беш йил ҳам «ҳа-ҳу» дегунча ўтиб кетади. Аскарга жўнаганда «икки йил

қачон ўтади!» деб бекор куйган эканман, кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Буниси ҳам ўтади. Майли, ўқиши битгунча уйланмаса, кейин уйланади, эс-ҳушини таниб уйланган яхши бўлади. Ишқилиб, танисоғлик, хотиржамлик бўлиб турса бас.

Адолат хола хаёлида ҳамма ишни тарозига солиб, ўзини тутиб олгандан кейин, йўл тараддудини кўраётган ўғиллари олдига кирди. Дераза остида, бир тирсагини рапига қўйиб ўтирди.

— Ҳой, болам, қулоғингда бўлсин: жой олсанг қўниқўшнисини суриштир. Қўшнинг тинч — сен тинч. Кейин, мен гаплашадиган қари-қартанги ҳам бўлса яна яхши, — деди у. Чамадоннинг қорнидан камар боғлаётган Содиқ онасига қараб, тузатди:

— Квартир олсанг денг.

— Кавартир бўлса, кавартир. У ёқларда турадиган жойни кавартир дейишадими-а, жон болам? — Адолат хола келини Жаннатга мурожаат этди. У «ҳа, шундай» дегандек бош силкиб қўяқолди. Унинг юраги ҳамон ғаш. Кўчишни эшитган куни юрагида пайдо бўлган, сабабини ҳалигача билолмаган «алланима» ҳозир ҳам тинчлик бермас эди. Бу яхшиликдан кўра, кўнгилсизликни ваъда этаётгандек бўларди. Кечаси жиндай йиғлаб, юрагини бўшатиб ҳам олди.

Содиқ вазминлик билан тасалли берди:

— Киши унар-унмасга диққат бўлиб, ҳар нарсани ўзига ола бермайди. Бағрингни кенг тут.

Содиқ хотинини ҳам, ўзини ҳам чалғитмоқчи бўлди:

— Сен ишдан бўшашингни кўп чўзма.

Хотинининг кўнглига қил сиғмас эди, жавобни қисқа қилди: — Хўп.

— Узоқ ҳаяллаб кетсанг, хат ёз, жон болам! — деди она.

Эшик тагида, хайрлашиш вақтида она ўзини тетик тутди.

Ирим қилиб, битта кулчани ушатиб, бир бурдадан иккала ўғлига берди, қолганини олиб қолди:

— Ризқимиз бир-биримиздан узилмасин!

Содиқ кулиб оғзига солар экан, ҳамон кўнгли ғаш Жаннатга назар ташлади: «Бунча хафа бу! Орамизда бир нарса ўтгану, мен билмайманми! Ё ойим билан... Йўғ-э... Баъзан киши ўзи шунақа сабабсиз диққат бўлади», деди ичида ва Жаннатнинг қўлини олиб, қаттиқ сиқди. Бу билан «хафа бўлишнинг сира ўрни йўқ, жоним!» демоқчи бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир ҳафтадан кейин Содиқдан «йўлга чиқинглар» деган телеграмма келди.

Содиқнинг иккита ўртоғи уларни поездга кузатиб қўйди, Адолат хола бир оз хомуш, Жаннатнинг кўзида ёш милтилларди.

— Сафар олдидан ниятингизни яхши қилинг, жон болам! — деди Адолат хола келинига.

Жаннат ноилож кўзини артди.

Аслида унинг оёғи тортмаганича бор эди, истиқболда уни бахтсизлик кутарди.

3. ЯНГИ ЖОЙ, ЯНГИ ТАНИШЛАР

Шаҳар маорифи бўлимидан йўлланма олиб, район маорифига келганда Содиқнинг биринчи учратган кишиси Мирсалим бўлди. Ғўлабирдан келган, сурма ранг дўппили, сертакаллуф бу одам маориф эшигида унга рўпара келди-ю, саломлашганга ўхшаш бир ҳаракат қилиб, унинг диққатини ўзига тортди. Одатда, нотаниш ерга кириб келаётганингда илк учраган одамдан, айниқса, у очиқ юз билан сенга боқса, кўнглинг сув ичгандек бўлади, ўзингда унга яқинлик сезасан. Содиқ ҳам худди шундай бўлди, ундан маориф мудирининг кабинетини сўради. Кейинчалик ўқитувчи Мирсалим эканлиги маълум бўлган бу одам кўриниб турган эшикни «ҳу, ана!» деб қўяқолмасдан аввал юмшоқ кулди, кейин Содиқнинг олдига тушиб бошлаб кетди. Уч эшик ўтгандан сўнг қора дермантин қопланган қўш қанот эшикни сал қия очиб:

— Марҳамат! Мудирнинг ўзлари ҳам шу ердалар! — деди. Бунга ҳам қаноат қилмай, унинг кетидан мушукдек силлиқ кириб, шафтоли қоқидек камгўшт секретарь хотинга тушунтирди:

— Бу кишига ўртоқ мудиримиз керак экан.

Секретарь хотин «ўзининг тили йўқми» дегандек, унга кўзойнаги остидан қараб қўйди, кейин бу «корчалон»га зарда қилгандек, бир ҳаракат билан машинкасига қоғоз қўйди. Унинг бутун ҳаракатидан кўриниб турардики, бу одамни у яхши билади, унинг нимасидир хотиннинг ғашини келтиради, энсасини қотиради. Лекин секретарь хотин машинкасида иш бошлашидан олдин кўзидан кўзойнагини олиб, ёқимли бир табассум билан Содиққа мудирнинг олдида одам борлигини айтди ва ўтиришга таклиф қилди.

Содиқ кўрсатилган ерга ўтираётиб овора бўлгани учун

Мирсалимга миннатдорчилик билдирган эди, у яна ўта такаллуф билан нималардир деди, лекин машинканинг шақ-шуқида эшитилмади. Мирсалим Содиқ билан қуюқ хайрлашиб, ҳатто ўз ишига банд секретарга ҳам хайрлашув ишорасини қилиб эшикдан чиқди.

Маориф мудири кабинетидаги кишини кузатиб чиқиб, Содиқни кўриб қолди.

— Сиз Содиқ Қўчқоровмисиз? Жуда яхши. Эрталаб менга телефон қилишган эди. Қани, марҳамат!

Мудир Содиқни кабинетига эмас, коридорга бошлади. Йўл-йўлакай аҳволини, соғлиғини сўради, келиб тушган жойини суриштирди. Меҳмонхонадалигини эшитиб:

— Ўша ерда турмоқчимисиз? — деди.

Содиқ «меҳмонхонада туриб ўқитувчилик қилиш жуда бойваччалик бўлади-ку» дегандек маъноли кулиб, жавоб қайтарди:

— Йўқ. Ишлайдиган мактабим аниқ бўлгандан кейин, ўша атрофдан жой қарасам деган ниятдаман. Маорифнинг жойи бўлмаса керак?

— Бору, банд. Яхшиси, ҳозирча ижарага ўтириб турингу, бир бошпана қуришга ҳаракат қилинг. Биз ёрдам берамиз.

Мудир кадрлар бўлими билан келишиб қўйган экан, кира солиб:

— Мана, ўртоқ Қўчқоров келдилар. Йўлланмаларини беринг, эртаданоқ иш бошласинлар. Сизга эса, ўртоқ Қўчқоров, муваффақият тилайман. Сизнинг тўғрингизда яхши гаплар эшитганман, аминманки, ўшандай ғайрат билан бизни ҳам хурсанд қиласиз.

Бундай ширин-чучмал гапларга Содиқнинг тоқати йўқ, хижолат тортса ҳам жавоб қайтаришга мажбур бўлди:

— Ишончингиз учун раҳмат! Лекин ким мени бунчалик улуғлаб сизга айта қолди, ажаб!

— Ёру биродарлар, иннайкейин, жумҳурият муаллимлар кенгашида сўзлаган нутқингиз ҳам эсимда. Тарих фанини ўтиш ҳақида жуда мантиқли гапирган эдингиз.

Содиқ қулоғигача қизариб, ўнғайсиз аҳволга тушди. Индамади.

— Ҳа, айтгандек, — деди мудир, кадрлар бўлимига қараб, — директорига икки энлик хат қилиб беринг, ўртоқ Қўчқоров бу томонларда янги, яхши билмайди, квартира топишга кўмак беришсин. Оилангиз каттами? Қачон кўчириб келасиз!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Содиқ иккинчи саволга жавоб бериб қўя қолди:

— Жой топдим дегунча хабар қиламан. Шундай келишганмиз.

— Жуда яхши. Демак, тезлатсин, шундай деб ёзинг директорга.

Кадрлар бўлими ходими муҳим бир нарса бирдан эсига тушгандек иргиб ўрнидан турди, кўзини эшикка тикди:

— Мирсалим ака ҳали шу ерда юрган эди, кетиб қолмадимикин?

Кадрлар бўлими мудири эшикка елиб чиқиб кетди.

— Мирсалим бунақа ишларнинг жонини киритади.— Мудир ён чўнтагидан папирос олиб Содиққа тутди, у чекмаслигини айтгач, бир донасини ўзи лабига қўндирди, гугурт чақиб тутатгунча йўқ эди, кадрлар бўлимининг мудири боя Содиққа дуч келган ғўлабир, сурма ранг дўппили, сертакаллуф кишини бошлаб кирди.

— Мирсалим ака, бу киши билан танишиб қўйинг, бундан кейин бирга ишлайсизлар. Бу кишининг сизга жиндай илтимоси бўлади,— деди мудир, «шу қуш боласи уясидан тушиб кетибди, жойига олиб қўймасангиз увол бўлади» дегандек бир оҳангда.

Мирсалим, район маорифи мудирининг унга иши тушганиданми, ёки табиати шунақами бирдан ешилиб кетди, юзида табассум қалқди, қаддини сал эгиб, қўлини кўксига қўйди:

— Бош устига! Биз танишмиз. Приёмингизга ўзим бошлаб кирган эдим.

Мудир, бемеҳр отанинг совуқ ўғлини эркалашидек бир табассум қилиб қўйди.

Мудир айтганидек, Мирсалим «ишнинг жонини киритди». Шу куннинг ўзидаёқ Содиқни мактабга бошлаб бориб, ҳамма билан таништирди. Кейин:

— Дарс жадвалингиз билан танишиб туринг, мен бир соатларда келаман. Илтимос: кетиб қолманг, — деди.

Мирсалим майда қадам билан шошганича чиқиб кетди. Содиқ орқасидан «бунақа одамлар юриб чарчамайди», деб қўйди. Мактаб илмий мудиридан уни суриштирди: биринчи босқичда илмий мудир ва она тилидан дарс берар экан.

— Дарсидан ҳам кишиларнинг ҳожатини чиқаришни яхши кўради. Оёғидаги куч-қувват бошида бўлганда... билмадим, ким бўларди, — деди илмий мудир, — бирор нарса илтимос қилганмидингиз?

— Бирор жой бўлса девдим.

— Ҳа, бунақа ишларга суяги йўқ. Дўндириб ташлайди. Томи қанақа бўлсин, туникалими, тупроқлими, демадими? Полини-чи?

Илмий мудир Мирсалимнинг ипидан-игнасигача биладигандек, унга кўп иши тушган, ҳаммасини ўзи айтгандек «дўндириб ташлаган» кўринади, лекин унинг лабидан Мирсалимнинг нимасинидир менсимаслиги, паст кўришлиги, таҳқирлашга яқин бир назарда эканлиги сезилиб турарди. Илмий мудир Содиқ буни пайқаганлигини сезди шекилли, изоҳ берди:

— Ўзи тузук одам. Сал бачканалиги бор, холос. Табиати шунақаки, тўрвасини тешган сичқонга ҳам индамайди. Оиласи кичкина: хотини-ю, бир қизи. Бутун шаҳарни танийди, ярми қариндош-уруғи ёки дўсти. Яхши қизи бор. Бу йил ўнинчини битириб кетди. Қарқиноқдан булбул чиққан. Ўғлингиз борми?

— Ўғлим йўғу, укам бор, — ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди Содиқ. — Баҳорда армиядан келган.

— Ниятингиз бўлса, отингизни қамчиланг, тўғриси, отини укангиз қамчиласин.

— Нега укам?

— Совчи билан эр қиладиган қиз эмас.

Содиқ бундай қизни кўз олдига келтиролмади . У шунча йил директор бўлган мактабдан бунақасини учраттани йўқ. Минг қилса ҳам бу ер пойтахт, маданияти баланд.

Мирсалим одатдаги шошинқираши билан айтган вақтдан анча олдин келди. Тез юргани шундоқ кўриниб турарди. Оққа мойил юзлари қизил тортган, манглайида майда тер резалари бор. Лекин қўлидаги қоғоз папкасини қаергадир ташлаб келган. «Уйига ҳам кириб чиққанга ўхшайди, шу атрофда экан-да!» деган фикр Содиқ хаёлидан ўтди. Лекин унинг уйига «меҳмон келади!» деб тайинлаб чиққанидан хабари йўқ эди.

Мирсалимнинг ўз ҳисоби бор. Ўзи билан танишмоқчи бўлган одамдан ҳайиқса ҳам, лекин биров билан танишувни яхши кўради. Бегона одам билан қўл олишиб танишаётганидаёқ хаёлидан ўтади: «бир куни асқатиб қолиши мумкин». Шу хаёл билан сертакаллуф муомала қила бошлайди. Бу танишнинг ўнг қўлтиғидан кириб, чапидан чиқади, юзидан табассумини аритмайди. Чойхона олдида бўлса, чойга, ошхона яқин бўлса овқатга таклиф қилади. Эпини қилса, ҳақини тўлаб «ўтқизиб қўяди», ўзининг тили билан айтганда, «қўлтиғига сув пуркайди», мабодо ўша одамга иши тушиб қолса, салом-

www.ziyouz.com kutubxonasi

аликдан сўнг бир амаллаб шу ўтиришни шама қилади.

Худди шундай, Содиқ билан ҳам тезда иноқлашди. Ахир, қўлидан бир иш келмаса, бир нарсасига ишонмаса қишлоқдан шундай шаҳри азимга келадими! Албатта, бир нарсаси бор. Ҳаракати бардам, боқишлари тетик. Маориф мудирининг олдида туришини қара, «истасанг иш бер, бўлмаса ўзим топиб оламан!» дегандек виқор билан турибди. Ҳурмат юзасидан тишининг оқини кўрсатмади-я! Бунинг, албатта, бир балоси бор. Ҳали кўтарилиши ҳам мумкин. Бугун ўқитувчи, эртага директор бўлмайди деб ким айтади! Ҳозир унинг ҳеч кими йўқ, ёрдамга муҳтож. Айни пайти.

Бу режасининг дебочаси сифатида йўл ости уйига кириб, қазилик ош буюриб қўйди. Ундан чиқиб асосий ишга киришди: квартира масаласида маҳалла комиссиясига йўлиқди. Яқинини келиб кўрди, биладиганини кўз олдига келтириб, иккитасини танлади. Ишнинг бунчалик тез битганидан хурсанд Мирсалим: «Кўр, сенинг учун қанчалик куйиб-пишяпман» дегандек, Содиқлар олдига кириши билан катта даструмолини олиб, юзи ва бўйин терларини артди.

— Сизни кетиб қоласизми деб... Ҳа, айтгандек, сўраб олмабман: томи қанақа бўлсин, туникалими, ёки ўзимизнинг жайдари — тупроқлиги ҳам бўлаверадими? Биттаси шунақа, лекин поли ер.

Илмий мудир ўзининг боя айтгани тўғри чиққани учун ялт этиб Содиққа қараб кулиб юборди. Содиқ ўзини аранг тутди. Мирсалим кулгининг маъносига тушунмай, сўзини изоҳлади.

— Тўғри-да, сўраган яхши. Ҳар кимнинг ўз диди бор. Масалан, мен, қишда тахта полли уйни, ёзда ўзимизнинг жайдаримизни яхши кўраман, салқин бўлади.

— Гапингиз тўғри, — унинг ёнини олди Содиқ.— Квартира кўргани кетганингизни билмадим, бўлмаса сизни икки-икки овора қилмасдан, бирга бора қолардим.

— Ҳечқиси йўқ. Киши кишига яхшилик қилиш учун дунёга келади. Бугун мендан, эртага сиздан...

Шу гапдан кейин Мирсалим Содиқни бошлаб кетди. Мўлжалидаги квартираларни кўрсатди. Содиққа биттаси ёқди. Бу бир одамнинг алоҳида эшикли ташқариси эди. Икки уй, бир айвон. Сал эскироқ демаса, ўзи бежирим, кичиккина ҳовли саҳни ҳам бор.

— Шу дуруст, — деди Содиқ хоналарни айланиб чиқиб, — бу ёғини ўзингиз гаплашасиз-да!

У ижара ҳақи тўғрисида ишора қилган эди, Мирсалим пайқади:

— Хотиржам. Сизга ёққан бўлса бас.

Содиқ ишнинг бунчалик енгил кўчганидан мамнун бўлиб, Мирсалимга миннатдорчилик билдирди. Кўча муюшида яна бир марта ташаккур айтиб, хайрлашувга қўл узатар экан, Мирсалим қўлини олди-ю, қўйиб юбормади:

— Каминанинг кулбалари ҳам шу яқинда. Бугун бизда бўласиз. Барибир борадиган жойингиз йўқ. Мусофирхона (у меҳмонхонани шундай дерди) бир зарурат кунидан тушиладиган жой. Хўп денг. Бу ёғини ҳам айтай: келинингиз ҳам сал огоҳлантирилган. Тиқ этса, кўзи эшикда бўлиб, пойлаб ўтиргандир. Хўп денг.

Содиқ шунча яхшилик қилган одамнинг сўзини ерда қолдиргани ботинмади. Унинг розилигидан Мирсалимнинг боши осмонга етди:

— Сизни маорифда кўрдиму, «шу одам мен боп» дедим. Юлдузингизга юлдузим тўғри келди-қўйди. Бўлмаса, ҳар ким билан иноқлашавермайман. Ҳозир яхшидан ёмон кўп. Дил тортиб гаплашадиган одаминг ишдан бўшамайди. Ҳали сизнинг ҳам ишингиз кўпайиб кетса...

— Истаган киши вақт топади.

— Албатта, албатта! Дилининг яқинлигига боғлиқ.

Содиқнинг тахмини тўғри чиқди. Мирсалимнинг ҳовлиси мактабга яқин экан. Эшикка яқинлашувлари билан Мирсалим олдинга ўтиб, шошинқираганича ичкарига кириб кетди. Бу билан Содиққа «сиз бир оз сабр қилинг», деган маънони англатди. Содиқ буни тушуниб, эшик олдида тўхтади. Эшикка назар солди: ўз вақтида анча кўркам бўлган ўймакор эшик. Албатта, аввал бўёқсиз бўлган. Кейинги вақтда замоналаштириб кўкка бўялгани кўриниб турибди. Ҳатто газета-журнал ва хат учун қорнидан кўндалангига ингичка туйнук ҳам очилган. Қадди паст, яп-алоқ эшикка бу туйнук бўз кўйлакка садаф тугмача қадагандек ярашмас эди. Содиқ кулиб қўйди.

— Нега тўхтаб қолдингиз, марҳамат! — деди Мирсалим ичкаридан чиқиб. Ваҳоланки, у атайин аввал кириб хотинига хабар берган, хотинининг «бефаросат»лигидан баъзан ҳовли юзида қоладиган жомашов, супургига ўхшаш нарсаларни четга олдирган эди. Эшикка қайта туриб, ҳатто ўрикнинг паст шохидаги қийиқни ҳам юлиб олиб, думалоқлаб хотинига отди.

Содиқ Мирсалимнинг орқасидан кириб борганда хотини қўл қовуштириб ариқнинг тепасида турар эди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

салом бериб сўрашди. Уйнинг ижозати хотинда бўлгандек, Мирсалим меҳмонни бошлаб ўтар экан, деди:

— Каравотга ўтақоламиз-да, а, хотин? Ё уйга жой қилганмисан?

Мирсалимнинг совунига кир ювиб ўрганиб қолган хотини дарров жавоб қилди:

— Вой, уй дим, ҳовли яхши!

Мирсалим бу билан меҳмонга бўлган эҳтиромини яна бир марта сездирмоқчи эди, ниятига етди. Хотинининг зийраклигидан хурсанд бўлгандек, Содиқнинг елкаси оша кулиб қўйди. Лекин хотинининг «Сохта меҳмондўст бўлмай ўлинг!» дегандек энсаси қотди.

Содиқ квартира қидириб, бир неча ерда бўлганидан беихтиёр унинг назарини Мирсалимнинг ўз ҳовлиси тортди. Ҳовли у кўрган ҳовлилардан ортиқча фарқ қилмайди. Фақат «замоналаштириб» тартибга солинган, саранжом. Ҳатто тарновнинг остига сув тушиши учун мусулмон ғиштдан жой қилиб, нишобини ҳам олиб қўйилган. Девор остига ётқизилган йўлка бир текис ва кенг; ғиштлари ўтмас тешада қириб тозаланган бўлса керак, теша излари сап-сариқ йилтиллайди. Ундан пастда ҳафсала билан ўтқазилган гуллар тизими. Садарайҳон баҳор булутидек ҳурпайиб, ҳожирайҳон бақатеракдек кеккайиб, бинафша ранг баргларини очиқ кафтдек тутиб турадиган. Улар орасида хинанинг қизил оёғи ва чақмоқ гули дарров кўзга ташланади. Гулибеор бўлса, осмонга чиқиб пақ этиб сочилган ранго-ранг мушакдек ёнади.

Рўпарада икки уй. Ўнг томондагисининг бир деразаси ердан бир газ баланд, ганчланган сиркор айвонга очилади. Айвоннинг пешида ўймакор устун. Унга қараб Содиқ: «Ҳунар! Эринмаган устанинг иши», деб қўйди. Айвон токчаларининг ҳаммаси кейинчалик кесак қалаб урилгани ингичка чизиқ бўлиб қолган зиҳидан кўриниб турибди. Фақат ўртадаги тахмон қолган. Унга мажнунтолга ўхшаган қандайдир гул сурати солиниб, бир шохига хум чойнакдек қуш қўндириб қўйилган. Оғзини очиб, сайраб туришидан булбулга, думининг ерга тегиб туришидан товусга ўхшайди. Худди шунга ўхшаган суратни Содиқ болалигида дадаси хизматкор бўлиб ишлайдиган Омил қори юзбошининг меҳмонхонасида кўрган эди. Ҳа, ўша меҳмонхона кейинчалик колхоз идораси бўлди.

Мирсалим меҳмонини ёгоч каравотга тўшалган атлас кўрпачага ўтқазиб, «одатимиз қурсин» деб қисқагина фотиҳа тортди-да, ўзи ошхонага ўтиб кетди. Хотинига нималарнидир шивирлаб, орасида бир хўмрайиб, кейин

очиқ юз билан каравотга келар экан, меҳмонининг гулларга маҳлиё бўлиб турганини пайқаб, садарайҳонни кафти билан чайқаб атрини таратди.

— Асл нарса, жонивор. Ҳиди ҳам антиқа! — деди ва шохидан биттасини синдириб, Содиққа узатди, кейин қизил гулларни мақтади, улардан ҳам бир нечтасини қайчилаб, ясатуғлик хонтахтанинг меҳмон ўтирган томонига қўйди.

— Сизнинг ҳам дидингиз яхши экан, — деди Мирсалим каравотга чиқиб ўтиргач, нон ушататуриб, — аввал кўрган ҳовлимизни ёқтирармиканисиз деб ўйловдим, йўқ, кейингисини, ҳовлисидан сув ўтадиганини танладингиз. Тўғри қилдингиз. Авваламбор, суви яхши, қолаверса, ҳовлисига гул-пул дегандек, кўнгил очар нарсалар эксе бўлади. Бай-бай, бунинг ҳидини қаранг. Шунинг сувини сиқса атир бўлади-да, а! Табиатда мўъжиза кўп. Мана шундан сизга иккита қаламча олиб бераман. Анавинисидан ҳам. Униси тўқ қизил, ҳозир сал вақти ўтди. Райҳонни шунинг учун экаманки, кузда баргини янчиб олса ҳам бўлади. Суюқ ошга жуда кетади-да! Хўп десангиз, келинингизга айтаман, тўғрилаб беради.

Мирсалимнинг меҳмон кўнглини олишга астойдил киришгани чой қуйишидан тортиб, Содиқнинг олдига гоҳ сариёғ, гоҳ мураббо, гоҳ хандон писта суришигача, райҳоннинг фазилатидан тортиб, эртага у иш бошлайдиган мактаб қўнғироғининг овозини мақташигача ҳамма нарсада сезилиб турарди.

Содиқ ҳали яқинда нонушта қилгани учун унча иштаҳаси бўлмади. Мирсалимнинг тез-тез дастурхонга таклиф қилиб туришига қарамай, ундан-бундан бир-икки чўқилади, асосан чой ичди. Мирсалимнинг нима биландир ивирсиб, ҳовлида юрганини кўриб, чўнтагидаги газетани қўлига олди. Бунинг устига келиб қолган Мирсалимга меҳмонннинг шундай нозу неъматли дастурхонга бепарво қараб, газета ўқиб ўтириши энсасини қотирган бўлса ҳам, ётиги билан савол ташлади:

— Оламда нима гап, тинчликми?

— Тинчлик. Мана шу Леваневскийнинг топилмаётгани яхши бўлмаяпти-да.

— Яна шу ҳақда ёзишибдими? — Мирсалим биров «ўзинг газета кўрасанми?» деяётгандек қўшиб қўйди: — Ҳали бугунги газетани кўрганим йўқ.

— Ёзганда қандай! Москва-Шимолий Америкага учишларни уюштирувчи ҳукумат комиссиясининг маълумоти бор. «Красин» пароходимиз Аляскадан Шимолга йўл

www.ziyouz.com kutubxonasi

олибди. Америка учувчилари Руббинс, Стуарт излашга қатнашибди.

— Дарагини топишолмаптими?

— Йўқ. Об-ҳаво ёмонлигидан йўлдан қайтишибди. Ўзимиздан ҳам тўққизта кучли аэроплан сафарбар қилишибди. Булар ичида Шимолий қутбга учиб бориб келган Совет Иттифоқи қаҳрамонлари Мазурук билан Козловнинг АНТ—6 аэроплани ҳам бор. Топса ана шулар топади. Об-ҳавонинг сал жўнашиб кетишини кутиб Рудольф оролида турганмиш.

Мирсалим янги олиб келган чойини қайтариб, тинитиб қўйди. Кейин «шамаси тушиб кетмасин» дегандек эҳтиёткорлик билан жилдиратиб пиёлага қуяр экан, сўради:

— Кечаги газетада эди шекилли, шу иш учун Америкадан қандайдир аэроплан сотиб олибмизми?

— Аэроплан эмас, ҳидроплан. Сувда ҳам сузадиган.

— Америкада шунақаси ҳам бор денг! — Мирсалимнинг завқлангани кўриниб турарди. Буни фаҳмлаб, Содиқ изоҳ берди:

— Вақти билан бизда ҳам бўлади!

— Албатта-албатта! — шошиб қолди Мирсалим. Лекин тилини бермади: — Бир машҳур учувчиси ҳам учади дейилган эди.

— Жемс Маттернми? Йўқ, учмабди. Катта пул сўрабди. Ҳозир ана шуни ўқиб, ҳайрон бўлиб турган эдим. Минг қилса ҳам буржуа кишиси-да, пул сўрабди, ҳамма нарсани пул билан ўлчайди. Уялмагани! Ахир биз уни қутқарганда пул сўрамагандик.

— У ҳам шунақа бўлганми?

— 1933 йилда Арктикада қолиб кетганда ана шу Леваневскийнинг ўзи уни ҳалокатдан қутқарган эди.

— Унда пул сўраши жуда ноинсофлик.

— Ноинсофлик эмас, виждонсизлик бу. Совет ҳукуматидек буюк бир мамлакат бутун имкониятини сафарбар қилиб, олий инсонпарварлик билан иш тутиб турган бир пайтда ўртага пулни аралаштириш — ўта пастлик. Сиз билан биз талабаларимизни ана шу балодан ҳазар этадиган қилиб тарбиялашимиз керак. Бу бизнинг муқаддас бурч.

Бу сўз Мирсалимга ёқинқирамадими, гап чалғитди:

— Олинг, биродар, дастурхонга қаранг, чойингиз ҳам совиб қолди.

Мирсалим Содиқнинг олдидаги пиёлани энгашиб олиб, совиган чойини бир четга тўкди, иссиғидан қуйиб узатди.

Чой охирига етиб қолганда хотини ошхонадан чиқиб кўриниш берди, эри тушунадиган бир тилда узоқдан лабини қимирлатди. Мирсалим сиполик билан кўзини оғир юмиб қўйди, «яхши» имосини қилди. Кейин каравотдан аста тушиб, ошхонадан дид билан тайёрланган помидор закускани олди, йўл ости ариққа ташлаб қўйилган шишага қўл узатди. Кетидан хотини гулдор хитой лаганда ихчам бўйинтуруқдай қазини норин пичоқ билан олиб келди. Сувда қоғози кўчиб кўндаланг ёпишиб қолган арақни одобсизлик бўлмасин дегандек, хонтахтанинг тагига олиб қўйиб, қазини олдига тортди. Қўлига пуфлаб-пуфлаб, паррак қилиб тўғрай бошлади, ора-сира таърифини қилди.

— Жонивор яхши нарса, кишининг йигитлигини эсига солади. Қишда-ку қаҳратонга қалқон. Қани энди яхшилаб қартаси билан еб, почапўстинга ўралиб, ойдин кечаси қалин қорда ғарч-ғурч юрсанг.

— Ченада кезсанг-чи,— қўшиб қўйди Содиқ,— ёки овга чиқсанг.

— Бу ҳам маъқул. Сиз овни яхши кўрасизми? Афсус, менинг ўқ товушидан қулоғим битиб қолади.

Содиқ унинг бу гапини ҳазил тушунди:

— Ишқилиб, каклик кабобига тишингиз қамашмайдими?

— Оҳ, оҳ, қани энди кетма-кет келиб турса!

Мирсалим оғзининг суви келиб бир паррак қазини оғзига солди, кейингисини Содиққа тутди:

— Бай-бай-бай, айни вақти экан, олинг!

Мирсалим қазини бутун қоидаси билан тўғраб бўлгач, жайдари сиркада ўлдирилган пиёз билан ўртага сурди. Хонтахта остидаги арақни олиб, чети гулдор бол пиёлаларга бир текисда қуйди.

— Олинг, биродар! Ёмон кунимиз шунга ўхшасин!

Содиқнинг ичкиликка майли йўқ эди. Улфатга кириб қолгандагина битта-яримта оғзига олмаса, бошқа вақтларда эсига ҳам келмас эди. Шу ёшга келиб, бирор шишанинг оғзини очганини билмайди, ўзиникида ичилиб қолса ҳам, кимдир, бошқа одам очади. Одоб юзасидан очишга уринса, ўртоқлари «шунга қолганда талантингиз йўқ, азизим», деб қўлидан олишарди. Узоқ қийналиб ичишини кўриб, «игнанинг кўзидан қуйяпсизми, Содиқжон, симирсангиз-чи», деб мазах қилишарди. Шунинг учун у Мирсалим узатган пиёлани олишга олди-ю, ташвишга тушди: билмаган одам «жўрттага таранг қиляпти» деб ўйлаши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирсалим «меҳмон бошлагани уяляпти» деган андишага борди-да, «мен кетдим» деб битта ташлади. Содиқ «бўш пиёлани ҳазил қилди» деган хаёлга борди. Йўқ, ичибди. Закуска қилаётганда билиб қолди. «Бунақа ичадиганлари бўлар экану», деганича кўзини чирт юмиб, биринчи қадаҳни ярмигача аранг ютди. Иккинчисини ҳўплаб қўя қолди. Мирсалим шунча қистаса ҳам «қўлидан келмаслигини» айтиб, узр сўради, ўзининг тортинмасдан ичаверишини таъкидлади.

Одатда ичкиликнинг бир пиёласи кишиларни бир-бирига таништиради, иккитаси тилини ечиб, қулфи-дилини очади, учинчиси ҳасрат бошлатади, ундан кейингилари эса, ё мақтанчоқликни уччига чиқаради, ё алам булоғининг кўзини очиб, йиглатади, ниманидир қасам ичириб, дўстлигини пеш қилдиради. Ичкиликнинг не-не гадой топмас кўчаларига кириб чиққан Мирсалим кейинги йилларда ҳадди сиғадиган кишилар билан ўтирса, учинчи-тўртинчини бемалол ичаверар, кимдандир тап тортиб, ичидаги гидири юзага чиқишидан ҳайиқса, иккинчисидан нари ўтмас, ўтса ҳам ҳўплаш билан чегараланар эди. Ҳали синашта бўлмаган Содиқ олдида ҳам худди шундай қилди. Иккитадан ортиқ ичмади. Улфатининг ортиқча майли йўқлигини билиб, ҳатто ичишни ёмонлаб ҳам кўйди:

— Кўп ичган билан кишининг шохи чиқади дейсизми! Эрмак қилармиз, девдим, сизнинг ҳам менга ўхшаган ҳафсалангиз йўқ экан. Расмга кириб қолди бу савил, бўлмаса, ичмаган маъқул.

Аслида Мирсалимнинг ичини бояги тушган икки пиёла ёстиқ жилтига ўралиб қолган мушук боласидек тимдаларди, учинчисини чақирарди. Унинг қўли беихтиёр гоҳ шишага, гоҳ тагида жиндай қолган пиёласига кетиб қолар, кўзи закускага қадаларди. Содиқнинг яна бир «сиз ичаверинг!» деган таклифига муҳтож эди-ю, лекин Содиқ «бефаросатлик» қилиб индамас, тўғриси, унинг ҳолатини фаҳмламас эди.

Мирсалим чидолмади, ош келиши билан иккала пиёлага боягидан кўра жонлироқ қуйиб, Содиқни қистади. Уни бир ҳўплатиб, ўзи эса:

— Ошдан олдингиси яхши бўлади, иштаҳа очади, — дея оқ урди. Меъёридан ошган бу учинчиси Мирсалимни қора терга пишди.

Бу шаҳарда иссиқ ёзнинг ҳам кечқуруни баҳаво бўлади. Кун ботишга яқин сал дим бўлиб турадиган-да, кейин ғир-ғир шамол эсиб қолади, кундузининг бутун ҳордиғини чиқариб юборади.

Мирсалим меҳмонини «ётиб қолсангиз ҳам бўларди, ўз уйингиз», деб кузатиб чиқиб келаётганда кеч шамоли садарайҳонларнинг ичини човуриб, атрини анқитарди. Гулибеор эса, аллақачон кўзларини юмиб олган эди.

Мирсалим ариқ бўйига келишганда Содиқни тўхтатиб, гулзорга шўнғиганда эшикдан атлас кўйлакли бир қиз кириб кела берди. Баъзи қизларга ўхшаб четлаб ўтмасдан, тўғри Содиқнинг қаршисига юрди, одоб билан салом бериб, бошини қалқиди. Худди шундай Мирсалим билан ҳам саломлашди. Шунда:

— Келдингми, қизим, қайчини узатиб юбор, бўлмаяпти, — деди Мирсалим.

Қиз қайчини олиб чиқиб, дадасига узатмади:

— Сиз чиқа қолинг, дада, мен ўзим узаман, — деди ва гулни оралаб кетди. Бир зумда бир даста гул узиб чиқди.

— Амакинг билан сўрашдингми? Янги ўқитувчимиз, қўшни маҳаллага кўчиб келяптилар. Борди-келди қиласизлар, — деди Мирсалим Содиққа гулларни текислаб тутар экан, — сувга солиб қўйсангиз бир ҳафта туради.

Содиқнинг хаёли мактаб илмий мудири билан бўлган суҳбатда, кўзи эса қизда эди: айтганича бор! Ақли ҳам ҳуснидай етукмикан?

Содиқ Мирсалимникидан тўғри почтага бориб, тўйга хабар қилаётгандек қувонч билан «йўлга чиқинглар» деб уйига телеграмма берди.

4. ИККИСИНИНГ ҲАМ ҚАЛБИ ГУРС-ГУРС УРАРДИ...

— Салом, азизим! Кеча қандай дам олдилар. Эшитдим, эшитдим! Ҳафтада бир келадиган дам олиш кунини ҳам илм йўлига сарф қилибдилар.

Мирсалим ўқитувчилар хонасига шундай сўзлар билан кириб келди ва диванда ўтирган Содиққа қўлини узатди. У ҳар вақтдагидек шоду хандон ва юзи тўла табассум эди. Содиқнинг қўлини узоқ қўйиб юбормай турди, бу билан ўзининг ҳурматини алоҳида чертиб кўрсатмоқчи бўлди.

— Шундай қилмасак бўлмайди. Дарслик билан кифояланиш жўжаларни катакда боқишдек гап. Баъзан ташқарига ҳам чиқариб туриш керак, кўзи очилади, ўзи топиб ейдиган бўлади.

— Офарин! Жуда тўғри ўхшатдингиз. Қалай, экспонатларга бойми... бойитишибдими? — Мирсалим бу тарих музейини кўрмаганини яшириш учун шошиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолди, — мен ўтган йили кўрганимда анча камбағал эди.

— Йўқ, яхши. Лекин ўтмиш кўп ўринни олиб қўйган экан.

Мирсалим ўзининг ҳам шундай нарсаларни яхши кўрганини ва талабаларнинг илми учун қайғурувчи қилиб кўрсатмоқчи бўлди:

— Афсус, бизнинг фандан музей йўқ. Бўлмаса мен ҳам...

— Шу музейлар сизга ҳам бўлаверади.

Мирсалим бу музейларнинг нимаси унинг «она тили»си учун бўлаверишини фаҳмлаб етмаган бўлса ҳам, унинг фикрига қўшилди, бирор синфни олиб боришни кўнглига тугиб қўйди. Бунинг сабаби бор эди. Содиқнинг мактабга келганига ҳали ҳеч нарса вақт бўлгани йўқ, лекин текисликдаги тепадек кўзга ташланиб қолди. Мана, кеча дам олиш кунининг баҳридан кечиб саккизинчи синфни тарих музейига ўзи олиб борди. Бўлмаса пионер вожатийга ҳам топширса бўларди. Ундан олдин бир синф билан «Гамлет»ни бориб кўрди. Нимасидир дарсига керак эмиш. Нимаси керак. Мирсалим ҳалигача тушуниб етмайди. Тўғ ри, «Бой ила хизматчи»га олиб борганда дарров фаҳмлаган эди: камбағалларнинг ўтмишда қандай яшаганини кўрсат моқчи! Яна бир синфга Тупроқ қўрғон билан нураб қолган мадрасани томоша қилдирибди. Қўшнининг тову ғи ғоз кўринади дегандек, Содиқнинг бу оддий ишлари Мирсалимнинг кўзига уни бир поғона кўтариб қўйди, шу билан бир вақтда ғашини келтириб, рашкини уйғотди. Бир ҳафта мактабда бўлмаса ҳам ўрни йўқланмайдиган бир-икки ўқитувчининг чет-четдан «мусофир доно» деб кесатганини ҳисобга олмаса, кўпчилик Содиқнинг атро фида. У дарров каттага ука, кичикка ака бўлиб қолди. Мактабга тааллуқли нима масала бўлса аралашади. Лекин ҳеч ким «нега сен ҳамма нарсага човлингни солаверасан?» демайди. Шундай бўлиши керакдай унга қўшилишади. Демак, унинг йўли тўғри: унинг изидан бориш керак, унинг бағрига кириш керак. Курмак бўлиб сув ичи туриш мумкин.

— Ҳа, айтгандай, Содиқжон, — деди Мирсалим унин ёнига ўтираётиб, — менда бир-икки китоб бор. Тарихг доир. Шуни сизга кўрсатаман, деб неча ўйлайман, ҳе мавридини тополмайман. Кеча олиб бориб бирпас ҳор диқ чиқариб келай десам, маърифат сайрига кетга экансиз.

Мирсалим кутганидек, Содиқ китобларга қизиқи қолди. Лекин «диди айвонининг тахмонига солдирга

сурати бўлса, китоби нима бўларди», деб ўйлади. Шундай бўлса ҳам, сўради:

— Қандай китоблар экан? Олиб кела қолмабсиз-да.

— Битта-яримтаси бу алмисоқдан қолган китобларни нима қилиб кўтариб юрибди демасин, дедим. Бири «Бобирнома», Қозон босмаси, яна бири Герман Вамберининг «Саёҳатнома»си.

Содиқ бу китобларнинг таърифини эшиттану, кўрмаган эди, жуда қувониб кетди:

— О, жуда бадавлат экансиз-ку. Қачон қўлга тушира қолган эдингиз.

Мирсалим «биз ҳам чакана эмасмиз» дегандек сал кибрланиб қўйди:

— Ишқибозлик...

Содиқ «бу ҳам ичидан пишган экан-ку», деган фикрни кўнглидан ўтказди. Ҳар кимда ҳам «Бобирнома» бўлавермайди. Содиқ «эски мактаб кўрган» бу ўртоғи билан ичида фахрланиб қўйди.

Аслида Мирсалим ростини айтмади, айтиши ҳам мумкин эмас эди. Бу иккала китоб ҳам унинг қўлига тасодиф билан кириб қолган эди. У растада қўш дўкон очиб, теридан бит семириб юрган кезлари бир зиёли ўртоғи, «кўриб қўйинг, бизнинг боболар қанақа кишилар бўлган», деб мақтаниб «Бобирнома»ни берган эди. То Мирсалим «магзини чақиб» ўқигунча «савдо-сотиқ ҳуррияти» тугаб, ўша ўртоғи ҳам йўқ бўлиб кетди, кейинчалик афғонда деб эшитди. Герман Вамберини шундан сал илгарироқ бир рус таниши меҳмонга қўлтиқлаб келди-ю, эсидан чиқариб қолдирди. У ҳам сўрамади, бу ҳам элтиб бермади, қанақа китоб эканини билганидан сўнг бергиси келмади.

Содиқ бундай антиқа китобларни кўришга жуда қизиқиб, эрталабгача сабри чидамай, кечқурун Қодирни ёборди. Кейинги вақтдаги хафақонлиги ҳалигача ёзилмаган Қодир ўтирган еридан вазмин қўзғалиб, салмоқлаб чиқиб кетди. Лекин қайтишда бутун бошқа бир одам бўлиб келди. Кўзлари остига яширинган қувонч чақнаб кетай-кетай деб турибди. Содиқ яхши биладики, бундай ҳаяжон ёшликда, фақат ёшликда бўлади ва ёшликка ярашади. Қодир ариқ бўйига ўтиб яхшилаб ювинди, нима учундир, артиниш эсига келмай ҳовлига сув сепди, кўм-кўк бўлиб униб чиққан кашнич билан ўсмага сув қуйди, орасидаги бегона ўтларни юлиб ташлади. Ҳозир иззатли меҳмон келадигандек эшик олдиларига юпқа қилиб сув сочиб, кетидан супурди. Кейин уйга кириб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ойнага қаради, кийим-бошини тузатди, оладиган куни эртага бўлса ҳам соқолини қирди. Унинг севинчи ичига сиғмас эди, бу шундай севинч эдики, бировга айтиб бўлмайди, айтганда ҳам тушуниши қийин.

У олтин узугининг сувга тушиб кетган зумрад кўзини топган эди!

Қодир Мирсалимнинг ҳовлисини кўрмаган эди. Шунинг учун суриштиришга мажбур бўлди. Суриштиргандa ҳам шундоққина олдига бориб сўрабди. Устига тўр тўқилган латта копток ўйнаётган иккита қизчанинг биттаси читтак чаққонлиги билан югуриб келиб, бидирлади:

— Азиза опамникими? Ҳу, анави кўк эшик.

Қодир кўк эшикни аста қоқди. Қиз яна бидирлади:

— Ичкарилик, қаттиқ қоқаверинг!

Қодир қаттиқроқ қоқди. Ичкаридан аёл кишининг «лаббай» деган товуши келди. Кейин эшикда... ўша... ўша атлас кўйлакли қиз пайдо бўлди. Ўша... Қодирнинг ада шуви мумкин эмас. Ўша қомат, ўша қош, ўша кўз. Бу кўзларнинг тенги йўқ. Бу кўзлар бутун мавжудотнинг барча гўзаллиги ва латофатини, камолоти ва саховатини ўзида жамулжам қилиб турарди. Унда ҳаёт бор, виқор бор, унда қуёш бор, сурур бор. Бу кўзларга боқиш учун эса, бир олам журъат керак. Бу тасодифдан Қодирнинг ҳуши бошидан учди, тили сўзга буралмай қолди. Бармоғининг учигача жимирлаб кетди. Нимага келгани эсидан чиқиб:

— Сиз шу ерда турасизми? — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Қиз ана шунда Қодирни таниб, ўша кундагидек ёқимли табассум билан деди:

— Ўша куни ўртоқларимни топиб олдим, сиздан сўранарида дарс тайёрлашаётган экан.

Қизнинг товуши Қодирнинг қулоғига гоҳ кирар, гоҳ кирмас эди. У бутун хаёли билан ўша боғда, ўша майсанинг устида турар эди, шу қиз, шу қаршисида ёқимли кулиб турган қиз «олдидан ўтган қизни пайқамайдиган қанақа йигит экансиз» деб таъна қиларди.

Қодирнинг юраги ўша кундагидек бир энтикиб тушди. Ҳамон юзидан табассум аримаган қизнинг юзига тик қаради. Энди у қизга яхшилаб қараб олмоқчи, шунинг интизорлиги эвазига тўйиб олмоқчи эди. Лекин бунда бўлиб чиқмади: қурби етмади! Ёниб турган қорачиқ кенг паттон кўзлар унинг дамини қайтарди. У чор-ночор кўзини олиб қочди, аммо ичини қандайдир илиқ нур тўлдирган, руҳида дарддан ариган кишидек енгиллик бо

ди. Ана шу енгиллик билан яна бошини кўтариб, сўради:

— Дадангиз уйдамилар?

— Йўқ, меҳмонга кетувдилар. Нима ишингиз бор эди?

— Мен Содиқ аканинг укалари бўламан.

— Ҳа... — деди қиз бир нарса эсига тушгандек чаққонлик билан, — китобга келдингизми?

«Бу қиз қаёқдан билади? Ёки дадаси билан акам келишиб, атайин мени юборишдими?!» деган фикр Қодирнинг хаёлига келди.

— Ҳа, топдингиз! Дадангиз айтиб кетувдиларми?

— Айтмасалар ҳам ўзим биламан! — деди Азиза ўша боғда «олдидан ўтган қизни пайқамайдиган қанақа йигит экансиз» дегандек қилиб. Бу сўздан Қодир яна тилдан қолди, яна қалби ларзага келди. Яна Азиза ўт ташлади:

— Ўзингиз кириб оласизми, ёки олиб чиқиб берайми? Ойимлардан бошқа ҳеч ким йўқ.

Аскарликда не-не тўсиқлардан ўтиш машқини олган, тобланган йигит, қаршисида турган кўк эшикнинг остонасидан ҳатлаб ўтишга журъат қилолмади:

— Мумкин бўлса...

— Олиб чиқиб берайми? Хўп бўлади!

Азиза атлас кўйлагининг этакларини чиройли ҳилпиллатиб бурилиб кетди. Қодир қанча вақт ўтганини билмайди, хазинага йўлиққан гадойдек шошиб қолган эди. Бир маҳал қиз газетага ўралган китоб билан яна ўша ўзи турган ерда пайдо бўлди.

— Кирмадингиз! Ойимлар неча ичкарига таклиф қилмадинг, деб мени койидилар, — дея эркалангансимон бир ҳаракат қилди Азиза.

Қодир қиз билан хайрлашаётиб, унда ҳам тил билан айтиб бериш қийин бир ўзгариш сезди. Унинг қорачиғи ширин кўзлари ажиб маъюс нурланиб, кафти ёнар, кафтида қандайдир майин титроқ ҳам бор эди. У Қодирнинг орқасидан йўл чизиб қараб қолди. Кейин ҳар вақтдагидек тетик шўхлик билан эмас, вазминлик билан орқасига маъюс ўгирилиб, тиззаларидан мадор кетган кишидек аста қадам ташлади. Уч-тўрт одим юргач, қандайдир ички куч уни яна орқасига қарашга мажбур этди. Ана шунда тез юриб узоқлашиб кетолмаётган Қодирнинг кўзига кўзи дуч келди. Икки ўртада ўт чақнагандек бўлди. Иккисининг ҳам қинидан чиқиб кетай деб турган қалби бир-бирига эшитилгудек гурс-гурс урарди.

3255

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қодирнинг хурсандлиги кеннойиси Жаннатнинг қон қақшаган кунига тўғри келди.

Жаннатнинг шаҳарга келишидан энг катта умиди номи кетган докторда эди. Кимга маслаҳат солса, шу докторнинг номини айтди. Унинг номини эшитган сари Жаннатнинг ишончи ортди. Не-не умидлар билан унинг кабинетини қоқди. Уни ўрта ёшлардаги чийратма ипдек бир хотин қарши олди. Нима учундир, Жаннат бу машҳур докторни кекса, сочининг қорасидан оқи кўп-роқ, кўзойнакли деб фараз қилган экан, ихлоси қайтган-дек бўлди. Аммо доктор ўзининг самимийлиги ва зийрак-лиги билан унинг аввалги ишончини ўзига қайтарди. Жаннат кўринган ва боқтирган баъзи докторларга ўх-шаб шошмади, наридан-бери у ер-бу ерига қулоқ солиб ўлчаб, дори-дармонга кўчмади. «Сен излаган докторман Умидсизланма, ҳали боладан қолганинг йўқ. Ҳали қўша-лоқ ўғиллар кўрасан» дегандек, юмшоқ гапириб қарши сидаги стулга ўтқазди. Қўлидаги, илгари боқтирган док торларнинг қогозларини олиб, шошмасдан кўздан кечир ди. Кейин гапни эридан бошлади. «Эрингиз аввал уйлан ганми? Уйланган бўлса бола кўрганми? Уруғида бефар занд ўтган борми? Сизнинг-чи? Турмуш қурганингларг неча йил бўлди? Қандай касаллар билан оғригансиз? Эрингиз яхши кўрадими? Болага меҳри қандай?»

Шундай қатор савол-жавоблардан кейин унинг ўзини кўрди. Турли кабинетларга, лабораторияларга ёзиб бер ди:

— Вақтида қатнанг! — деб алоҳида таъкидлади. Баъ зан у кирган чоқда ўша кабинет ёки лабораторияд докторнинг ўзи ўтирган бўларди. Буларнинг ҳаммаси Жаннатга ширин орзуларни етаклаб келарди. У баъзан туғилажак боласига исм танлаб қолар, қандай кийимла кийгизишни ўйлар, у билан ғойибона гаплашар, ун осмонга отиб эркалар, кулмаганига қўймай қитиқлар қиқиллаб кулишидан завқланар, унга қўшилиб ўзи ҳа кулар, хурсанд бўларди. Бола бирпасда ёшига тўлад туғилган куни катта зиёфат қилиб беради. Бир маҳалла таъна қилганларни албатта чақиради. Уларга «мана кў динглармми, орқаворотдан вайсаганинглар қолди» дейд ю, ҳаммасини кечиради, ғийбатнинг бети қурсин дейд ю, апоқ-чапоқ бўлиб кетади. Боласини етаклаб уларник га боради, боғларга ўйнатиб олиб чиқади, айтган ўйинч ғини олиб беради, синдирса ҳам, бузса ҳам хафа бў майди: қўғирчоқ нима деган нарса!

Жаннатнинг тушига нуқул бола кирарди. Тўрғайга ухшаб узоқдан товуши келарди-ю, ўзи кўринмас эди. «Дононинг йўталида ҳам ҳикмат бор» дегандек, доктор шамалаб ўтган нарсага ҳам астойдил ихлос қўярди.

Лекин бир неча ой ўтса ҳам тушига кирган ингани унгида эшитмас, бутун нияти орзудан нарига ўтмас эди.

Қодир олтин узугининг йўқотган зумрад кўзини ноги-ҳон топиб, унинг завқида маст бўлиб, айтишга сўз тополмай гангиб турганда Жаннат машҳур докторнинг насиҳатини кўзида ёш билан тинглар эди. Доктор, унга «овора бўлма, сендан бола бўлмайди» демаган бўлса ҳам, шунга яқин бир нарса айтди. Бу мўрт стаканга қайноқ сув қуйишдек гап эди. Жаннат қирсиллаб кетди, унинг кўнглини қанча кўтаришмасин — бўлмади. Қодир висол дақиқаларининг завқи-шавқида эшик олдида сув сепиб, ерди супираётганда Жаннат кўнгил уйи вайрон кириб келди. Остонадан ҳатлаб ўтди-ю, ҳўнграб йиглаб юборди. Унинг йиғисини ҳаммадан аввал эшитган Адолат хола ошхонадан югуриб чиқди.

— Ҳа, болам, тинчликми?

Жаннат индамади, айвонга ўзини ташлади:

— Кошкийди, туғилмаган бўлсам...

Адолат хола фаҳмлади. Деразадан бориб, уйда китоб-га мук тушиб ўтирган Содиққа ишора қилди:

— Чиқ. Хотинингга доктор бир нарса дедими, кўнгли бузилиб келди.

Ўзи ҳамир юқи қўли билан ошхонага ўтиб кетар экан, узун «уҳ» тортиб, «эй, худойим!» деб қўйди.

Содиқ елкасига ташлаб ўтирган беқасам тўнининг ёнгини кия-кия чиқиб келди. У уйқудан янги турган кишидек хомуш эди. Бутун фикри-зикри ҳали ҳам ўқиёт-ган китобида ва онасининг сўзи диққатини тортмаган бўлса керак, бепарвогина чиқиб, Жаннатнинг айвон четида юзини чангаллаб ётганини кўриши билан ҳушёр тортди, кўзи чарақлаб, қадамини тезлатди:

— Нима гап? Биров хафа қилдими?

— Айб сиздамас, менда! Мен ўлгурда, мен бахти қарода! — деди ўкириб Жаннат ва юзини кўрпачага урди. Содиқ гап нима тўғрисида бораётганига тушунди, хотинининг титраган елкасидан тутди, далда берди... Уларнинг бу ҳаракатини дунё ташвишларидан ҳали бехабар Қодир узоқдан ҳайрон кузатиб турарди. Унинг шод-ликлари қандай тўсатдан бошланган бўлса, худди шун-дай бир тарзда тамом бўлди. Азизанинг эшик тубида туришини кўз олдига келтирган эди, кўнглини шодлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас, ташвишнамо қайғу босди. Қайғу умидсизликка етаклади...

— Ҳай, жон болам, сен китобга мунақа мукка тушаверсанг ётиб қоласан. Ухла, вақт алламаҳал бўлди, — деди бир ухлаб турса, ҳалигача ўтирган ўглига Адолат хола. Ўғли Қодир:

— Хўп, ойижон, ҳозир, — дедию, жойидан қўзғалмади. Лекин бу жавобдан қаноат ҳосил қилган бечора она, нариги ёнбошига ағдарилиб, кўзини юмди. Салдан кейин унинг «киффа-пиш» деган майин хурраги эшитилди.

Аслида Қодир дарс тайёрлаётгани йўқ, минг бир азоб билан Азизага хат ёзаётган эди. Қиз болага хат ёзишнинг бунчалик қийин эканини у умрида биринчи марта тасаввур этарди. Нима деса ҳам кўнглидаги қоғозга тушмай қолаётганга ўхшайди, нимасидир етмайди, нимасидир чатоқ. Бошлашининг ўзига қанча вақт кетди: «Севгилим» десинми, ёки «ҳурматли Азизахон!» деб мурожаат қилсинми? Ўқиган китобларини эслади: бирортасида андаза олгудек намуна йўқ. Деярли ҳаммасида муҳаббат бор, лекин ҳеч биттаси хат ёзмабди. Демак, хат ёзмаслик керак экан-да! Мен ёзсам кулги бўлмасмикин? Эҳтимол, улар мендан кўра журъатли ва уддабуро бўлишгандир. Йўқ, мен ёзаман. Ёзмасам бу гапларни тилим билан айтолмайман, айтиб ҳам бўлмайди.

Адолат хола бир уйқуни олиб, ўглини ётишга даъват этганда Қодирнинг хати ҳали ярмига ҳам бормаган эди.

5. ЎҒРИ МУШУК

Мирсалим қуюқ хайрлашиб чиқиб кетгач, Жаннат эшикни зарда қилгандек тарсиллатиб ёпди. Эрига деди:

— Бир очилиб ёққан ҳаводан, бир кулиб боққан одамдан қўрқ деган. Мана шу ошнангиз яхши одаммас.

— Нега менинг ошнам бўларкан? — ҳазилга олди Содиқ. У хотинининг хафа бўлишига асос кўрмас эди.

— Ахир сизнинг олдингизга келади-да.

— Сенинг ҳам...

Жаннат энсаси қотгандек индамай қўя қолди. Жаннатлар кўчиб келган куни Мирсалим Содиқ билан станцияга машина олиб чиққан, куйиб-пишиб кўмаклашган эди. Ана шу биринчи кўришдаёқ жибилажибонга ўхшаган бу тиниб-тинчимас одам Жаннатнинг кўзига эски таниш, ҳар кўрганда ғашини келтирадиган танишдек кўринди. Шу-шу уни иқи севмайди. Эшикда кўринди

четунча таъби хира бўлади, сўзлаб турган бўлса сўзи ичида қолади, юзидан кулгиси қочади. Содиқ шунда:

— Ҳа, бунча? Сенга бир нарса деяётгани йўқ-ку? — деб тегишади. Жаннат ростига кўчади:

— Ўзим ҳам билмайман, нега бунақа бўламан. Ўғри мушукка ўхшайди.

— Сенинг нимангни ўғирлайди, тентак! — кулди Содиқ.

— Билмасам... — ўз фикрини исбот қилолмай бўшашади Жаннат. Лекин, барибир, кўнглида қори эриса ҳам музи қолади!

Содиқ ҳам Мирсалимнинг талай нуқсонларини кўради, «нуқсонсиз одам борми?» деган ақида билан парво қилмайди. Ундан кейин, кишининг узатган қўлини сабабсиз қандай қилиб қайтаради. Мирсалим ана шу қўл, бу улкан шаҳарга «мусофир бўлиб» келганда илк марта дўстона узатилган қўл. Бунинг устига, Мирсалимдан яхшиликдан бошқа нарса кўргани йўқ. Ҳатто «Домовая книжка»дан ўтишдек серқатнов ишга ҳам Содиқнинг қўлини урдирмади, «сизнинг ишингиз эмас бу», деди, икки кунда тўғрилатиб келди. Шундай одамни «меникига келма, хотиним ёқтирмайди сени» деб бўладими? Бунинг устига, у билан ўтирса ҳар бир жонда бўладиган турмуш ташвишидан қутулганга ўхшайди, енгил тортади. Мирсалим, мактаб илмий мудири айтгандек, «бутун шаҳарни билади, ярми ё дўсти, ё қариндоши» эди. Содиқ ўзини ухлаб тушига кирмайдиган қизиқ гапларни ундан эшитади.

Мирсалим бўлса Содиқнинг мавқеи қанча ошса, шунча яқинроқ суйкаларди. Дарси бирор соат олдин тугаб қолса, бир нарсани баҳона қилиб айланиб юрар, кейин Содиқ билан бирга узун-қисқа бўлиб чиқиб кетарди. Унинг феълини биладиган ҳазилкашларидан бири «Мирсалим ака сирғанса оёқ тираб қолишга жой тайёрлаянти!» деса, бошқаси «йўқ, соябон дегин, ёзда кундан, қишда ёғиндан асрайди», деб кулгига оларди. Тажрибали бошқа бирови нечукдир, кулгига қўшилмайди «охири яхшилик бўлсин, ишқилиб», дея салмоқларди.

Бугун ҳам Мирсалим ўралишиб, кетолмай қолди. Содиқ дарсдан чиқиб, бўр юққан қўлини ювар экан, қошига борди:

— Калхатни боплабсиз-ку! — деди. Содиқ бошида тушунмади, кейин мамнун илжайди:

— Бекорчиликка эрмак.

— Эрмагингиз шунақа бўлса, астойдил ҳаракат қил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сангиз арслоннинг ҳам терисига сомон тиқар экансиз-да. Жуда боплабсиз. Худди тиригининг ўзи-я!

— Сомон тиқиш қўлимиздан келади, — кулги билан жавоб қилди Содиқ. Иккиси қотиб кулишди. Айниқса Мирсалимники баланд чиқди — деразада ўтирган мусича ҳуркиб учди.

Гап Содиқнинг зоология кабинетига ясаб беган калхат чучелоси ҳақида борарди. Содиқ бундан бир неча кун аввал овга чиққан эди. Ҳеч нарса йўлиқмади. Қурук кетмай, деб калхатга ўқ узди. Калхат ҳам «мен сенга керакми?» дегандек шалоплаб шундоқ оёғи остига тушди. Ўқ қаерига текканига қизиқиб қўлига олди. У ёқ-бу ёғини қаради, дарров тополмади, лекин қўлига қон юқди. Ўқ шундай теккан эдики, тажрибали овчи Содиқни ҳайрон қолдирди. Гарчанд шундан кейин бир неча тустовуқ отган бўлса ҳам калхатни ташламади. Хотини Жаннатга кўрсатиб мақтанди. Чивиндай ўқ заррасидан ҳалок бўлган, териси бутун калхат Содиқни яна бир фикрга олиб келди: чучело қилиб мактаб зоология кабинетига қўйса нима қилади? Ахир қўлидан келади-ку!

Худди шундай қилди.

Мирсалим Содиқ билан бошлашиб кўчага чиққач мақсадига кўчди:

— Хўп десангиз, бир жойга борардик. Сизни менга тайинлаган.

— Қанақа жой?

— Борганда биласиз! — Мирсалим чап кўзини қочирилли қисиб қўйди. — Кўнглингизга яна бошқа гап келмасин, ҳаммаси ҳамкасабалар.

— Кимники, айтинг-чи аввал?

Мирсалим Содиқнинг иккиланганини пайқаб, отинни қамчилаб қолди. Қаерда ва кимники эканини бутун тафсилоти билан тушунтирди, ўз одатича, бир озгина қўшиб-чатди:

— Ёмон бўлмайди, мамнун қайтасиз. Мен сизни ножўя ерга бошлармидим. — Ўз дўстлигини писанда ҳам қилиб қўйган Мирсалим то Содиқ розилигини бергунича отини суриб борди.

— Хотинлар ҳам борадими? — аниқламоқчи бўлди Содиқ. Мирсалим бу томонини ўйламаганидан шошиб қираб қолди. У хотини билан бошлашиб юришни яхши кўрмаса ҳам эл-юртдан кетда қолмай деб, «хўжакўрсин»га баъзан етаклаб қоларди. Бугун-ку, хаёлига ҳам келтирмаган эди. Шундай бўлса ҳам тадбирини қилди:

— Олиб борсак бўлади, ўзи ҳам «оиланглар билан» деган. Аммо «лекин»и бор...

Содиқ тушунмади.

— Ўғлининг беш ёшга кириш ақиқаси... Жаннатхонга қандай бўлар экан... Майли, олиб бора қолинг.

— Йўқ, нотаниш жой. Жаннат ҳам кўнмайди.

Содиқ «тош тушган ерига оғир» деб ўйлади-да, қаттиқ туриб олди, кўнмади. Лекин уйига келиб, кундалик газеталарни кўздан кечиргунча бўлмай, эшик тақиллаб қолди. Чиқса, ёшгина бир йигит. Унга хат узатди. Хат район маорифининг мудиридан бўлиб, мудир уни Мирсалим таклиф қилган хонадондан ёзган, унинг шу йигитча билан бирга келишини илтимос этган. Мудирнинг имзоси ёнига уй хўжаси ҳам «рад этмаслигингизга ишонамиз» деб имзо чеккан эди. Содиқ ҳайрон бўлиб қолди. Буни Мирсалим уюштирганини тушунди. Энди нима деб боради? Бормаса менсимаган бўлади. Борай деса, Жаннатга: «Овқатингни барвақтроқ қил, паркка чиқамиз!» — деб қўйган. Бир оз ўйлаб тургач, жавоб кутиб турган йигитчага «ҳозир!» деди-ю, ичкарига кириб кетди. Жаннатга хатни кўрсатди.

— Боринг. Бормасангиз уят бўлар, — деди Жаннат.

— Парк-чи? — Содиқ «сен ҳам борасанми?» дейишга, Мирсалимнинг бояги сўзини эслаб, ботинмади.

— Парк бўлса, бошқа вақтда чиқармиз.

Хотинидан истиҳола қилиб турган Содиқ енгил тортди, тезгина кийиниб чиқди. Эрининг кишиликка кийдиган шимини чўткалаётган Жаннат оғзига тахир нарса чиқиб қолгандек юзини буриштириб деди:

— Ҳойнаҳой Мирсалим ака ҳам бўлар... Кўп ичманг!

Содиқ келганда жамоат жам эди. Қаршисига илк қанот ёзиб пешвоз чиққан киши яна Мирсалим бўлди. Кўпдан кўришмаган кишидек қўлини олиб, кейин бошқалар билан таништирди. Ёнидан жой берди. Бир оздан кейин ўрта ёшлардаги ва ҳаётда ўзини тутиб олган уй эгаси ошхонадан очиқ юз билан чиқиб келиб, миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат! Сўзимизни ерда қолдирмабсиз. Келин қани? Эй, аттанг! Шу баҳона билан танишиб олардик. Энаги галга қолибди-да, ҳа, майли! Майли! Мушарраф! Меҳмонга қара!

Содиқ бир ёнида ўтирган аёлга энди разм солди. Ўз номини эшитган қўшниси сиполик билан унинг олдига турли таомларни яқин сурган бўлди, таклиф этди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Олинг, Содиқ ака, сиз кеч келдингиз, — деди. Мирсалим арақ қуйиб узатди:

— Штрафи билан.

Содиқ Мирсалимнинг сўзини эшитмади. Унинг хаёлини ёнидаги қиз — Мушаррафнинг «Содиқ ака!» дегани тортган эди. «Бу қиз менинг отимни қаёқдан билади?» деган ўйга бориб, ўзидан сўради.

— Шунақа дейишяпти-ку! Ё исмингиз бошқами? — деди Мушарраф ва исмини янглиш айтиб қўйган кишидек қип-қизариб кетди, кўзини олиб қочди.

— Йўқ, тўғри! — деди Содиқ уни хижолатдан чиқармоқчи бўлиб, лекин шу аснода Мирсалим тутган ароқ тўла рюмкани қанақа қилиб қўлига олиб қўйганини билмади.

— Оқ урасиз! — деди Мирсалим нимадандир жуда мамнун бўлиб.

Содиқ чумоли уясига тушиб қолган пашшага ўхшарди: улкан балх тут остида безатилган дастурхон атрофида ўн беш чоғлик эркак-хотин аралаш ўтиришибди, ҳаммасининг кўзи унда. Содиқ узр айтар, бошқалар эса қистар эди. Унинг кам ичишини билган Мирсалим ҳам ёнига тушмас, аксинча, «кўзингизни юмиб, битта симирсангиз, вассалом!» деб қорашақшақдек шақиллаб турарди, бир қўлида закуска. Чорасиз қолган Содиқ бир симирди-ю, ҳаммага тенг бўлди-олди, янги келганини, кишиларнинг унга тикилаётганини унутди. Кейин кўп қатори яна бир-икки ҳўплади. Ҳеч ким ортиқча маст бўлмаса ҳам, ғовур-ғувур авжида эди. Бу маҳалларда энди расм бўлган патефон Тамарахонимнинг «Рўмолим» ашуласини янгратганда ҳамма жим бўлиб қолди. Фақат уй эгасининг эри сал кайфи ошиб, бу пластинкани Москвадан олиб келиш тарихини эзмалик билан қўшнисига тушунтирарди.

Содиқ суҳбатнинг боришидан билдики, бу бежирим ҳовли елиб-югуриб хизмат қилиб турган ўрта ёшли уддабуро ўқитувчи Собирахонники. Беш ёшга кирган ҳам унинг ўғли. Эри уч йил аввал ичкуёв бўлиб кирган Иккинчи эр. Қаердадир гаражда ишлайди.

Содиқ гоҳ қаршисидаги, гоҳ ёнидагилар билан гаплашиб ўтирди. Ёнида ўтирган Мушаррафнинг ўта сиполиги унинг диққатини тортди: шунча зўрлашса ҳам оғзига олмади. Лимонадга қўшиб вино узатишган эди, билиб қолди. Қандай билганига Содиқ ҳайрон бўлди. У жуда зийрак эди. Баъзан ўрнидан чаққон туриб уй бекасига қарашди, «опа! опа!» деб ундан нималарнидир сўради.

«Опа» тўладан келган, юз-кўзи ҳали кўркини йўқотмаган думалоқ юзли жувон. Мушарраф бўлса, акси — юзи ориқ ва узунчоқ. Фақат лаби устидаги холи ҳуснини очиб турарди. Лекин Содиқ Мушаррафни ориқ деб, хато фикр юритганини ўйин бошланганда билиб, лабини тишлади. Биринчи бўлиб ўйин бошлаб берган Собирахон ҳовлини бир айланиб келиб Мушаррафни ушлади. То уни кўндиргунча, патефон пластинкани чалиб бўлди. Собирахон югуриб бориб, пластинкани қайта қўйиб келди-да, яна Мушаррафни тортқилади:

— Тур, оповси, бу ерда бегона йўқ, ҳаммаси ўзимизники.

Содиқ Мушаррафнинг нималигини ана шунда кўрди. Кўрди-ю, кишининг юзи қанчалик алдамчи эканига тан берди.

Шундай қизлар бўладики, юзларига қарасангиз, чуваккина кўринади, оёқлари чиллак оёқ бўлса керак, деб гумон қиласиз, ортиқча қизиқмайсиз. Кейин бир маҳал кутмаганда қадди-қоматига кўзингиз тушиб қолади. Қомати шундай чиройли, келишган бўладики, ўз кўзингизга ишонмайсиз. Шундай келишган қадди-қомат ориқ юзли қизники эканига шубҳа қиласиз, пайт пойлаб юзига қарайсиз. Йўқ, ўшанинг ўзи! Ана шунда у янгича ҳусн кашф этади, латофат пайдо қилади.

Мушарраф худди шундай қизлардан эди. Буни ўзи яхши билар, керак жойда келишган қадди-қоматини намойиш қила оларди. Мушарраф ёлғиз қадди-қомати билан эмас, чап лаби устидаги кичик — мошдек тимсиёҳ холи билан ҳам фахрланарди. Унинг унча чиройли бўлмаган юзини очиб турган ҳусн калити шу хол эканини биларди. Уни яна ҳам қораroқ қилиб кўрсатиш учун баъзан икки қатор инжудек оппоқ тишларини кўрсатиб, табассум қиларди.

Мушаррафнинг ёшини аниқлаш қийин эди: йигирмада деса ҳам бўлади, ўттизда ҳам. Йигирма десанг, — ихчам юз бичими, бу юзга ярашиб тушган қора хол кафиллик беради, ўттизда десангиз — бўйнига тушган сезилар-сезилмас майда ажин ва кўзининг остидаги сўлғинлик гувоҳликка ўтади.

Уялиб, тортиниб ўртага тушган Мушарраф, гарчанд остойдил ўйнамаётган бўлса ҳам, гоҳ-гоҳ мақомга тушиб қолаётган қўл ташлаши ёки бош қимирлатиши унинг яхши ўйинчилигидан далолат бериб турарди. Буни Собира опа луқма ташлаб тасдиқлади:

— Ёзилиб ўйнай бер, синглим!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Барибир Мушарраф ёзилиб ўйнамади. Музика охирига етиб қолганда тўрда, маориф мудирининг ёнида ўтирган чиройли жувонни тутди. «Вой ўлмасам!» деб ўзини олиб қочган бу кўркам жувон қий-чувдан кейин ўртага тушишга мажбур бўлди. Ўйинни қийиб ташлади. Лекин унинг ўйини Содиқнинг кўзига Мушаррафнинг муғамбирона қўл ташлашидек чиройли кўринмади. Бу чиройли жувоннинг мақомида ҳаммаси ошкор, ҳаммаси эл кўзида. Мушаррафникида эса, нимадир яширқ, нимадир сирли, нимасидир ўзига тортиб, юракни жизиллатиб турарди.

Содиқ ўйинчи жувондан кўзини олиб, Мушаррафга разм солди. У хомуш ва сипо ўтирарди. «Унинг ўтириши ҳам ўзгача», деб қўйди кўнглида. Бир маҳал иккаласининг кўзи учрашиб қолди. Мушарраф яна ўшандай сиполик билан олиб қочди, уялгандек қимтиниб қўйди. «Буниси ҳам ўзига ярашади», деди ичида Содиқ.

Унинг бутун ҳаракатларини Мирсалим зимдан кузатиб турарди. Содиқнинг Мушаррафга маҳлиёлиги пайтида:

— Ҳа, Содиқжон, чапакни олинг! — деб унинг тиззасига шапатилаб туширди. Бу билан «қўймайсиз, иним» демоқчи, ўзининг сезиб турганини билдириб қўймоқчи эди.

Содиқ бу лўқмадан хижолат тортиб, қулоғигача қизариб кетди. Мушарраф эса, ўтирган ўрнидан ҳеч нарса билмаган кишидек оғир туриб, орқа томонга ўтиб кетди...

Зиёфатдан қайтиб келаётганда Мирсалим кайфи бор кишидек тусмоллаб, Содиқнинг қўйнига қўл солди:

— Қалай, Мушаррафнинг ўйини ёқдими?

— Ким ўзи?

— Яқинда келган. Ўқишда экан.

— Нимадан дарс беради?

— Собирахоннинг мактабида кутубхоначи. Боодоб жувон дейишади!

— Жувон бўлса эр қилган экан-да! — кутилмаганда чапани ҳазил қилди Содиқ.

— Шу ёшгача эр қилмай ўлдими! Йигирма бешларга бориб қолгандир.

— Ҳа, боргандир.

Суҳбат узилди. Қаршидаги новча терак учидаги катта ёруғ юлдуз ҳали-замон ерга шўнғиб кетадигандек пирпираб чарақлайди. Узоқдаги шаршаракнинг овози, барглар-нинг шилдираши бемалол эшитилади. Юмшоқ тун киши

хаёлини олиб қочгудек сокин. Содиқ бунақа тунни умрида биринчи марта кўраётгандек, ёки эртага такрорланиши асло мумкин бўлмагандек яйраб-яйраб нафас олар, узоқ-узоқларга назар ташлар, атрофига суқланиб боқар эди. Бўғилгандек ёқасининг тугмасини ечди, кўкрагини очди.

— Ажойиб тун, — деди Содиқ.

— Жуда! Бунақаси кам бўлади!

Содиқ индамади, яна ўз ўйига банд бўлиб кетди. Мирсалим зимдан кузатиб борарди: «Содиқ бугун кўп ичиб қўйиб ё қаттиқ чарчади, ё Мушаррафга кўнгли сув ичди». Унга шу кейингиси керак эди. У ўсмоқчилади:

— Собирахоннинг мактабини биласиз-а, анҳорнинг нариги бетида.

— Кўрганман. Яхши спорт зали бор.

— Кутубхонаси ҳам яхши, — мийигида кулди Мирсалим. Содиқ бу қочириқни фаҳмламади.

— Бўлса бордир.

Бугунги зиёфатдан Содиқда ширин бир таассурот қолган эди. Ана шу тотли таассурот оғушида мамнун келиб, эшигининг зулфини қоқди. Лекин нима учундир уйга киргиси келмас, орқага қайтиб кетгиси, кенг далаларда кўкрагини очиб, бор товуши билан ашула айтиб юргиси келарди.

— Бунча шу вақтгача қолиб кетмасангиз. Зиёфат қуюқ бўлди шекилли, — деди Жаннат эшикни очаётиб.

Унинг қулоғига Жаннатнинг товуши умрида биринчи марта қандайдир дўриллаб, хунук эшитилди.

«Нега шу вақтгача буни пайқамаган эканман?» деди ечиниб, ўринга кирар экан.

6. ИККИ ДИЛЛИ ВА ИККИ ТИЛЛИ ОДАМ

Собирахон зиёфатга таклиф этар экан, Мирсалим:

— Мушаррафхон, албатта, бўлса керак? — деб сўради. Чунки уларнинг «опа-сингил» эканини яхши биларди. Бу кутилмаган саволдан Собирахон ҳайрон қолди. Мирсалимнинг навбатдаги ҳазили деб, тегишди:

— Нима бало, жигарингиздан урдими?

— Урса арзимабмизми?!

— Арзийсиз, ундан ҳам ёшроғига арзийсиз! Мўйчинакка жабр бўлади, холос, гоҳ оқини, гоҳ қорасини тераверib.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бўяймиз-қўямиз, вассалом! — Мирсалим бўйнини ичига олиб қаҳ-қаҳлаб кулди.

Мирсалим Мушаррафни суриштирганда маълум режани кўнглидан ўтказиб қўйган эди.

Содиқ янги кўчиб келган кезлари уларнинг боласи йўқлигидан Мирсалим ажабланмади. Бир қизга кўнгли тўлмай, ўғил армонида ёниб юрган Мирсалим «дунёда ўзидан ҳам бахти қора, худонинг қаҳрига учраган кишилар» борлигини кўриб, шукур қилди. «Яхши куёв кўрсам, шу ўғлим-да!» — деб ўзига тасалли берди.

Лекин Мирсалим бир нарсага тушунмас эди: армон билан ўртаниб ётган бу бефарзанд оила нега бунчалик тинч-тотув яшайди? Бу тинч-тотувлик Мирсалимнинг кўзига ғайри-табиий кўриниб ғашини ҳам келтирарди. Биров ёнган оловда исинишга мойиллик Мирсалимнинг табиатида бор. Лекин буни у яхшиликнинг елкаси оша қиларди.

Мирсалим аввалига бу «мусофир оила» билан алоқани пухталади. Меҳмонга айтиб, меҳмонга борди. Меҳмонга боришида хотинига нимта қилиб бериб, ўзи бир жуфт коньякни қоғозга ўради. Бу билан хотини кеккайиши, ўзи мағрурланиши керак эди. Дастурхон устида ўзининг бахтиёрлигини яна бир марта намойиш қилиш учун атайин бола-чақадан сўз очди:

— Қиз бўлса ҳам бори яхши экан. Мана бизнинг қизимиз онасининг ёнига кириб қолди, уйда бўлса қўлини совуқ сувга урдирмайди.

Мирсалимнинг тахминига кўра, Жаннат қаттиқ ўксиши, ўзининг бахтсизлигидан нолиши, шу билан Мирсалимнинг ғайр кўнглига ором бериши керак эди. Бундай бўлиб чиқмади. Жаннат, кўчадиган яра кўчиб бўлган, ҳар нарсага тегиб зирилламайдиган бўлган бир тарзда гапга аралашди, меҳмоннинг иззатини сақлади:

— Қиздир, ўғилдир, бўлгани яхши. Ҳозирги пайтда ўғил ёққан чироқни қиз ҳам ёқади. Қизинглар яхши, кўриб ҳавасим келди.

— Ўқишини айтмайсизми! Нуқул беш. Тўрт олган куни биз айбдордай қовоқ-димоғидан қор ёғади, овқат унут, то саҳар чироғи ўчмайди. Қайта топширади-ю, кўнглига кун тушади.

— Ҳа, айланай, бўладиган бола шунақа бўлади. Чироғини ўчирсанг, ойдинга солиб китоб кўради. Менинг Қодирим ҳам шунақа. — Гапга аралашди «Жонболам хола».

Мирсалим яна «олтин қоп»нинг оғзини очиб, мақтанишга тушган эди, хотини стол остидан оёғини босди: «Бас, калга ўхшаб олтин тароғингизни мақтайверманг!»

Мирсалимнинг хотинига Жаннат ёқиб қолган эди: оғир-вазмин, рўзғор тутиши режали, гап-сўзи маъноли. Шунинг учун эрининг ўтмас болтага кунда тушира бериши ғашини келтирди.

Мирсалим бўлса, «кўриб қўй, мана бунақа мушфиқ оилалар ҳам бор дунёда!» демоқчи, бу билан ҳамиша «ҳаётидан нолийдиган» хотинига ўз бахтиёр турмушини таъкидлаб, миннатдор қилмоқчи эди. Лекин акси бўлиб чиқди. Хотининнинг бу оилага меҳри ошиб, ҳаваси келиб қайтди:

— Мунча аҳил! Бир-бирига муомалаларини кўринг. Боласизлик демаса... Сиз бўлсангиз... сўзингизнинг боши отамнинг гўри...

Мирсалим «ҳақиқатни тушунмаган» хотинидан куфури ошиб кетди:

— Эй, лаънати, қачон сенга ақл битади, бу аҳиллик эмас, ғарибу бенаволик.

Мирсалимнинг иккита тили бор эди: бири кўчага, бири уйга. Ҳозир шу кейинги тили билан гапирмоқда эди. Бу тилнинг бир томчиси бир челак сувни заҳарлашга етарди.

Содиқникида ипакларга ўраб пуф-пуфлаб кўкка кўтарилган қизи Мирсалим ўғил кутганда туғилган фарзанд эди. Бувиси раҳматли «бераҳм ўғлига ўчакишиб, қизим азизу мукаррама бўлади!» деб, исмини Азиза қўйган эди. Ширин кулиб, шўх талпинадиган бўлгунча Мирсалим уни қўлига олмади.

— Ҳой, бемеҳр дадаси, қўлингизга бир мартагина олсангиз-чи, талпинишини кўринг. Уйингизга этагимда олиб келмаганман-ку!

Мирсалим оғирлик билан «бас!» дегандек хўмраярди. Болани қўлига оларди. Дунё ташвишидан бехабар бола гурунч доналаридек қўшалоқ тишларини кўрсатиб, қиқиқлаб кулар, дадасининг бино қўйиб, таралган мўйлабини юлиб олмоқчи бўларди.

— Бунинг ҳалитдан эркакнинг мўйлабига чанг солади... — деди Мирсалим кулиб. Унинг сўзи тугамасдан хотини илиб кетди:

— Ҳа, бўлмаса кўзига чанг солсинми?!

Мирсалим хотининнинг устомонлигини тан олди. Хотини ўзи чеккан жафоларига ишора қилган эди.

— Ҳа, ўл! Сенга тилдан берган.

— Тилим бору йўлим йўқ. Остонада сиз турибсиз!

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Хотинни бошидан, болани ёшидан кут!» деган ақидага итоат қилиб яшаган Мирсалим хотинини инқилобдан кейин сочидан бураб, ҳовлида судраб юриб урмаса ҳам, ё пичоқни қайраттани, ёки болтага соп солдиргани югурмаса ҳам зуғумини сусайтирмади, зулмининг ўрнини ўзгартирди, холос. Ўринга кирганда тонг отгунча йиғлатади, сирдош кишилар олдида жеркиб, силтаб ташлар, бегона олдида хўмрайиб «ҳали сен тўхтаб тур!» дея давомини кечасига қолдирарди. Шундай қилиб, хотинини қайириб олди, шохини букди. Бунинг устига хотининнинг тили қисиқ ери бор. Азизадан олдин кўрган қизи ёшига етмай ўлган бўлса, ундан кейин кўрган иккала қизи ҳам нобуд бўлди. Биттаси ўлик тушган бўлса, биттасини энди «ойи»га тили келганда қизамиқ еди. Кейин боладан қолди. Боладан қолишида ўзидан кўра ҳам, аслида Мирсалим айбдор эди. Инқилобдан кейин НЭП даврида, унинг ўз тили билан айтганда, «савдо-сотиққа эркинлик» берилган йиллари Мирсалимнинг ошиғи олчи туриб, теридан бит семириб қолди. У чўнтагида ҳам, бу чўнтагида ҳам жиринг-жиринг пул. Тили бурро, қадами тез. У «ҳой» деса, икки-уч киши бирдан «лаббай» дейди. Ана шунда у босар-тусарини билмай қолди. Бир ҳамсоя дўкондор ўртоғиникида бир коньяк ичди-ю, мазаси оғзида қолди. Унга хуруж қилди. Коньяк эса бузуқ хотинларга олиб борди. Олдинига жуда ширин туюлган бу ҳаром бир куни уни қон қоқшатди. Бу касални у бир ой қўшни шаҳардаги ўртоғиникида «меҳмон»га бориб ётиб, зўрга пулнинг зўри билан даволаб олди. Бу сирни ўзи-ю, у билан бирга оғриган бир ўртоғи биларди. Ўртоғи шу касалдан ўлиб кетди. Мирсалимнинг эса, бу касал пуштини куйдириб юборди. Шундай кейин ҳам Мирсалим хотинига ён босмади, аксинча, уни қизғанадиган бўлиб қолди, аввалига эри бўлгани учун кутса, энди бегонага кунчлик қилди, «деразангни кўчага очиб берайми!» деб ўдағайлади.

Савдо-сотиқ тўс-тўполони босилиши билан Мирсалим зийраклик қилиб, муаллимликка урди. Бундан аввал ҳам бу соҳага бош суққан, фамилиясининг охирига «ий» қўшиб, афандилик қилган эди. Энди фамилиясининг сўнгига «ов» қўшди. Эски танишларидан биронтаси «Мирзоҳидий» деб қолса, «қолоқсиз, даврдан кетда судралиб юрасиз» дея кулади. Ўзи ҳам сипо тортиб, инқилоб бўлиши биланоқ «маърифат йўлига жон бағишлаган илғор муаллим»дек зиёли тўнига кирди. «Мутолаага вақт кам қолаётганини» пеш қилиб, кўп дарс олмади. «Илм

тоғдаги дўлана эмас, ўзи гуллаб, ўзи пишса, у анжир. Парвариш талаб этади», — деди. Аслида пинҳона савдо билан шуғулланарди. Савдодан келган фойдани она сутидан ҳалол кўрарди.

Мана шу йиллардан бошлаб уйига ҳам ислоҳ киритди. Шаҳарнинг анави томонидаги ички-ташқи ота ҳовлисини ворислар билан ими-жимида бир ёқлик қилди. «Мен меросга муҳтож эмасман, ота-онам арвоҳи бетинч бўлмасин, шу эзгу иш қиёматта қолмасин, деб қўл урдим», — деди ворисларга ва мероснинг карт думбасини шарт кесиб кетди. Шаҳарнинг ҳозир турган еридан жой қилди. Ёпиқ қозон ёпиқлигича қолди. «Савдо-сотиқ эркинлиги»да орттирилган давлат латтага ўраб, пўлат қутичада уйнинг тахмони остига тайинлик қилиб кўмилди. Бу «кўргуликлар»га хотини сабабчидек, унинг енгидан тортиб келиб, ғазаб аралаш деди:

— Кўриб қўй, лаънати, иссиқ жонман... Мендан кейин тўрва осиб кўчага чиқасанлар шу бўлмаса!

— Ҳа, мунча! Аввал сиз ўласизми, менми? Миннат қилмай гапиринг!

— Миннат эмас, кўриб қўй дейман!

— Ҳа, кўрдим!

— Ҳеч миннатдор бўлмас экан-да, бу хотин зоти!

— Худо хайрингизни берсин, битта мен учун бўлса... Ҳеч ким очидан ўлаётгани йўқ.

— Товуқ бўлиб ғўнг титасанми?

— Юрт-эл нима бўлса шу!

— Қизинг-чи! Бошида бир тутам сочи-ю, оғзида ўттиз иккита тиши билан бировникига кириб борадими?

— Пешонасидагини кўради! Олтин ўрага солгандан кўра, олтин бахтини сўранг.

Мирсалим қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Бахт — пул-да, жинни! Биласанми, пул нима? Кишиларнинг оёғи тагидаги пружина, сакратиб юргизади. Пули бор фармон билан, пули йўқ армон билан яшайди.

Мирсалим хотинининг эски паранжисини эл кўзи олдида барала куйдириб ташлаган бўлса ҳам, сандиқдаги қўш банорас паранжини шамоллатириб турарди. Хотинини тежаб кўчага чиқарарди. Унинг ўз сиёсати бор: бир иш қилгудек бўлса олдинга ҳам ўтиб кетмас, энг кейинда ҳам қолмас эди. Олдинга ўтиб кетса, «эскилик тарафдорлари»дан, кетда қолса замон зарбидан қўрқарди. Хотининнинг паранжи ташлаши, саводсизлар курсига чиқиб ўқиши шу «сиёсат»га амал қилиб олиб борилди. Табиа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тан қувноқ ва ўйинқароқ, тили бурро ва чаққон хотини давр билан қадам ташлашни истар, баъзан эридан шуни талаб қилиб қоларди. Шунда Мирсалим жеркиб соларди:

— Нима, этагингда менга ўғил олиб келмоқчимисан?

— Ҳамма кўчада юрганлар этагида бола олиб келяптими? Уялинг!

— Олиб келаётган бўлса сен қаёқдан биласан?

— Биламан: кўзим кўр, қулоғим кар эмас. Бино қўйганингизнинг биттаси Мулла Нормат эди. Хотини фаришта, кўча бетини кўрмайди, тўпиғидан юқорисини оврат тутиб жиякли иштон кияди, дердингиз. Охири нима бўлиб чиқди. Яхши кўрган йигити билан қочиб кетди. Ҳа, айтгандай, қиличдек ўғил туғиб олибди.

— Ҳаром! — деди бу мушкулот ўз бошига тушгандек Мирсалим.

— Ўз ота-онасига ҳалол. Сизнинг қизингизга совчи қўяётгани йўқ.

— Бир ками шу эди! Уял ёлғиз қизингни шунақаларга тенг кўргани.

Хотини эҳтиётсизлигидан лабини тишлади: у, албатта, кўзининг оқу қораси, битта-ю битта қизини шундай жойга келин бўлишини истамас эди!

Мирсалим яқингинагача хотинини бир қариндошидан қизганарди. Рашки келди дегунча ё пичоқни қайратгани, ёки болтага соп солдиргани югурарди. Ўзи эса ўлгудек суюқ, ўз хотинидан кўра бегонага кўпроқ кулиб боқарди. Бир йили томоғидан илинди-ю, кейин нафаси ичига тушиб кетди. Бу бир бегона хотиннинг унга ёзган хати эди.

Эр хўрлигини тоза тортган хотиннинг қўлига бу хат тушгач, Мирсалим ўтиргани жой тополмай қолди. Бисотидаги бутун сўз санъатини ишлатиб, хотинининг оёғига йиқилди, ўн қатор йирик марварид олиб беришга ваъда берди, қўлига кузур чиққан ўйинчидек хотини бўш келмас эди.

— Йўқ, олтин косадан қон ичадиган бўлса, менга унинг кераги йўқ. Ўлар бўлсам ўлдим. Ҳозир мактабингизга олиб бораман, ҳаммага жар соламан. Кўрсин! Билсин! Бу юмшоқ супургининг қанақа найранглари бор! Дод, бу кўча хандон, уй зиндоннинг дастидан! Ҳаромдан қайтмайди-ю яна пинҳон намоз ўқиганига ўлайми! Бу қандай бедодлик, қизининг бўйи етиб келяпти-ю, отаси ўйнаш тутади!

Мирсалим бир энлик этидан тушиб, бу ҳодисани аранг босди, онт ичди, кўз ёш тўкди. Лекин хотин хатни

бермади, «жонинг менинг қўлимда» дегандек яшириб қўйди, у сал қуюшқондан чиқди дегунса эсига солади. Стол тагидан унинг оёғини босиш ҳуқуқини ҳам шундан кейин олган.

Бугун ҳам хотини шу ҳуқуқидан фойдаланиб, Содиқникида йўргалаб кетаётганда тизгинини тортиб — оёғини босиб қўйган, буни Мирсалим тезгина тушуниб, тилини тийган эди.

Бир ҳафтадан кейин Собирахон зиёфатга айтар экан, лоп этиб Мушарраф эсига тушди. Бунинг сабаби бор эди. Чунки Содиқникига ўша кейинги боришида Жаннатнинг «ўғри мушук» деганини эшик орқасидан эшитиб қолган эди. Хотин кишининг гапидан сиркаси сув кўтармайдиган Мирсалим ичида «тўхтаб тур, сен қисирни» деб яниб, Жаннатни отгани ўқи, кўргани кўзи йўқ эди. Бирдан эсига унинг туғмаслиги тушди-ю, енгил тортгандек бўлди, гўё чигал ипнинг йўқотган учини топгандек яшнаб кетди. Мушаррафни эслади.

Мушаррафни у жамалак сочли пайтидан яхши биларди. Бу маҳалда Мирсалим фамилияси охирга «ий» қўшиб мактабда дарс берарди. Мушарраф унда ўқир эди. Ўз ҳусни ва дуркунлиги билан синфдош қизлардан лолақизғалдоқдек ажралиб турган Мушарраф Мирсалимнинг диққатини тортди. У пайти-пайти билан гап ташлаб юрди, сал муваффақиятини пеш қилиб, ўртоқлари олдида мақтади. Лекин Мушаррафнинг қулоғига эса «бу мақтовларни оқлаш керак, синглим» деди, ёрдам берди: баъзан ўқишдан кейин олиб қолиб қўшимча дарс ўтказди, унинг фазилатларини юзига айтиб миннатдор қилди.

Мушарраф эсини таниб «бир нарса»га фаҳми етадиган бўлган кундан бошлаб, ота-онасининг хоҳиши билан эр қилган қизлардан «мушук болага ўхшайсанлар, кимнинг этагига солворса индамай кетаверасанлар», деб кулиб юрарди. Ўзи ажойиб эр топиб, ҳамманинг оғзини очириб қўйишни қасд қилган эди. Унинг онаси барвақт вафот этган, отаси бошқага уйланган, инқилобдан кейинги йилларда ўз мавқеидан қўрқиб, чет элга зудлик билан қочиб кетаётганда холаси «бу менинг қизим, болалигида эмизганман», деб олиб қолди, иссиқда елпиб, совуқда пўстинга ўраб катта қилди. Эркаксиз хонадоннинг эрка қизи талтайиб улғаймоқда эди. Мирсалим уни кўзининг остига олиб, ёмон ният билан яхшилик қилиб, қўшимча дарс бериб, пайт пойлаб юрганда Мушарраф дуркунгина қиз эди. Эрталаб туриб, ойнага қараб, ўз ҳуснининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

фазилати билан қувониб, нуқсони билан ўксиб юрган чоғ эди.

Мирласим озми-кўпми Мушаррафнинг ишончига киргач, қўшимча дарсни бир куни ўз уйига кўчирди. Мирсалимнинг лофига учиб, ҳаммадана кўра яхши ўқийдиган бўлишни ният қилиб юрган Мушарраф, бу гал уникидан қон йиглаб қайтди: Мирсалим унинг қўйнини пуч ёнгоққа тўлдириб, номусига тегиб қўйган эди!

Бу ишнинг қанчалик даҳшат эканини Мушарраф Мирсалимнинг ўзини четга олиб қоча бошлаганидан кейин сезди. Чунки Мирсалимнинг «хотинимга кўнгилсизман. Уни қўйиб, сени оламан», деганлари ёлғонлиги билиниб қолган эди. Мушарраф унинг ёқасидан тутди. Ночор қолган Мирсалим аввалига ялинди, сабр қилишини илтимос этди, ҳамма билиб кетмасин, деб уни мактабдан олиб, хотин-қизлар билим юртига киритиб қўйди, охири катта бир мукофот эвазига ёқасини унинг қўлидан қутқариб қолди. Мушаррафнинг энди рози бўлишига бошқа сабаб ҳам бор эди. Қайси бир шаҳардан келиб, квартирада туриб ўқиётган қош-кўзи қоп-қора, барваста йигитни яхши кўриб қолган эди. Йигит дутор чаларди. Мушарраф эса, музикага ишқибоз эди, ўрганишга уқуви йўқ эди. Йигитнинг моҳирона дутор чертиши уни маҳлиё қилиб қўйган эди. Йигит бир кун «дуторимга ўйнаб бер!» деб қўймади. Мушарраф қараса бўлмайдиган. Дуторчининг кўзини шоҳи рўмолчаси билан боғлаб қўйиб, ўйнаб берди. Ўз навбатида дуторчи йигит ҳам унинг кўзини боғлаб қўйиб ўпди. Ҳазил билан бошланган ўйин Мушаррафнинг иккиқат бўлиб қолиши билан адойи тамом бўлди. Йигит ташлаб қочмоқчи бўлган эди, этагига ёпишди. Мирсалим ўртага тушди, йигитни «бу ишинг хотин-қизлар озодлигига қарши аксилинқилоб» деб қўрқитди. Ночор қолган йигит шаҳрига олиб кетишга мажбур бўлди. Мушарраф туғди. Қараса, барибир турмуши бўлмайдиган. Бунинг устига қўшни қишлоқда йигитнинг иккита болали хотини бор экан. «Итдан бўлган қурбонликка ярамайди» деди-ю, эмизикли болани ташлаб кетаверди. Ўқишни давом эттириши энди мумкин эмас эди. Турли ерда ишлаб юрди, кейин қисқа муддатли кутубхоначилар тайёрлаш курсига кирди. Уни тугатиб, узоқ районда бир неча йил ишлади «қор ёғди, из босилди» қилиб ўтган йил яна қайтиб келган эди. Гарчанд Мирсалимга энди даъвоси бўлмаса ҳам, барибир Мирсалим ундан ҳайиқиб юрарди, унинг эр қилиб, тинчиб кетишини истарди. Шу мақсадда уни Содиққа таништирган эди.

Таништириш олдидан Собирахон орқали уни тоза пишитган, ҳатто ўзига бир хат ёзиб, пухталаб қўйган эди. Шусиз ҳам бу кезларда Мушарраф тавбасига таянган кишидек ўзини сипо тутиб, тақдиридан нолиб юрарди. Чунки бир эмас, икки бор шўхлик қилиб тили куйган, эндигисини бошлашга юраги дов бермас эди. Собирахон ийлаб юмшатган кўнгли кутмаганда Содиқдан ғойибона сув ичиб қолди. Орқаворотдан суриштирди: у ёмон эмас, минса ҳам бўлади, олдига солиб юрса ҳам бўладиган. Ахир қачонгача бева юради, бевани туянинг устида ит қопади...

Мирсалим Мушарраф билан иккисини қамти қилиб кўрди. Дон олишуви ёмон бўлмади. Содиқнинг кўнгли қандай? Ёшли улғайиб қолган одамнинг қони тез совийди. Кечаги ўтириши, суқланиши кайфники эмасмикин? Йўқ, бу суҳбат — чақилган гугурт бўлди. У ўчиб қолмасидан устига тутантириқ қалаш керак, токи гуриллаб ёнсин. Тирноққа зор бўлса, ёнади! Мушаррафнинг кўз сузиши ҳам ёмон бўлмади. Бир қизчалик нозу таманноси бор. Содиқнинг бағрига чўғ ташлади. Бўлмаса, Содиқ, у ўйнаган пайтида бунчалик маҳлиё бўлиб қолмас эди. Бундан фойдаланиб қолиш керак.

Бу режасининг ўзига нафи тегадиган томони ҳам бор. Содиқнинг қадам олиши бошқаларникига ўхшамас, узоққа кетадиган кўринади. Ана шунда Мирсалимнинг ўтирадиган тўнкаси баланд ва пухта бўлади-ку. Мабодо, фарзанд кўриб қолса борми, Мирсалимнинг бу яхшилигини то қиёмат эсидан чиқармайди!

Шуларнинг ҳаммаси Мирсалимни зуд билан ҳаракат қилишга даъват этарди. У кечиктирмади. Эртасига пайт пойлаб, Содиқни холи учратди. Гапни яна ўтиришнинг ёққан-ёқмаганидан бошлаб, бир учини Мушарраф томонга эгиб келди.

— Яхши ўтди, — деди Содиқнинг сўзини тасдиқлаб Мирсалим, — Руслардан хотин-қизлар билан бирга ўтиришни ўрганганимиз ёмон эмас. Баъзан дилинг тортганига гап ташлайсан. Умуман, мажлисга руҳ киритади.

Содиқ нимага имо-ишора қилаётганини сезса ҳам, жавоб бермади. Мирсалим очиқ ҳужумга ўтди:

— Айниқса сизнинг ёнингиздагиси сутга чайқагандеккина эди.

— Исми нима, Мушаррафмиди?

— Ана холос, дарров кимлигини ҳам эсингиздан чиқараёздингизми? У бечора ҳаммани унутиб, сизга

www.ziyouz.com kutubxonasi

қош-кўзини сузиб ўлди-ю, сиз бўлсангиз... Қўйинг-э, бунақа бепарво муносабатда бўлманг, бечорага жабр қиласиз.

— Жабр қилмаслик учун нима қилишим керак? — деди Содиқ ҳазил қилиб.

— Бир марта «аканг айлансин!» деб сочини силаб қўясиз-да, вассалом!

— Шу етадими? — яна тегишди Содиқ.

— Етмаса... яна бирор чораси топилиб қолар! Ўзи ҳам шу кунда жуда кўзга яқин бўлибди: суйса суйгундай, куйса куйгундай. Билмадим, кимнинг бахти-да!

Мирсалимнинг тахмини тўғри чиқди. Қанча тегизиб гапирмасин, Содиқ тузук бир қаршилик кўрсатмади, кўрсатишга ҳам ожиз ўхшарди. Дадаси «уйлантириб қўяйми, ўғлим?» деса, «ўзингиз биласиз, дадажон!» деган гўл боладай бўйнини солиб тураверди. Шундай пишиқ кўпни кўрган кишининг дарров эгилиб келиши Мирсалимни «бечора, бир турткига муҳтож бўлиб юрган экан! деган фикрга келтирди. Вақт топиб уларни бир-икки «тасодифан» учраштирди.

Аслида Содиқнинг кўнгли Мушаррафдан сув ичиб қолган эди. Шундай бўлса ҳам оила Жаннатнинг таклифи билан кейинги кунларда фарзанд асрашга қарор қилган эди. Буни эшитиб, Мирсалимнинг капалаги учиб кетди. Энг яқин кишисини ўнгланмас хатодан қайтараётгандек куйиб-ёниб, исботга киришди:

— Бу ишингиз хато! Мутлақо хато! Бировнинг боласини асраш — белидан куч-қуввати кетган одамнинг иши! Худога шукур, ҳали сиз ёшсиз, пушти-камарингиз бутун, белингиз тўла бола. Донолар «етим қўзи боқсанг оғзи-бурнинг ёғ этар, етим бола асрасанг оғзи-бурнинг қон этар» деб бекорга айтмаган. Саттор бойваччанинг ҳангамасини эшитдингизми? Қизи асранди эди-да! Унашиб қўйган жойида, очилиб қолиб, куёв айнаб кетди. Минг қилганда ҳам бегона бегона-ю, ўзингники ўзнигники! Бўлмаса, Саттор бойвачча ўзи емай едириб, ўзи киймай кийдириб, қоғоздаги қантдай боққан эди. Йўргакда олиб асраган эди-я, бечора. Кишилар ёмон! Эгри ишни эллик йил ўтса ҳам унутмайди. Энди нима бўлди. Қиз номусга қолди, Саттор бойваччанинг боши хам! Дунёда шундан ёмони йўқ! Ҳа, Содиқжон, шу томонларини яхшилаб танангизга ўйланг. Саттор бойваччанинг куни бошингизга тушганда пешонангизга урганингизнинг нафи йўқ, унда кеч бўлади.

Илоннинг оёғини санаган Мирсалам Содиқни шунақа авраб ташладики, бечора лом-мим деёлмай қолди. Унинг исботига шак келтиролмай:

— Хўш, нима қил дейсиз? — деганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Бошқага уйланинг! — деди шартта Мирсалим. — Мана Мушарраф, қаршингизда кокилини ёзиб турибди. Ёмон эмас неча оғиз солганга йўқ деган эмиш. Сизга майли борга ўхшайди. Ажаб эмас қўшалоқ ўғил туғиб берса! Шунча тортган ғам-ғуссаларингиз эсингиздан чиқиб кетади. Эй, Содиқжон, киши дунёга бир келади, пушти-камар ҳам ҳар вақт бирдай турамайди, унинг ҳам охири бор! Оёғи катта сиғганни, оёғи кичик севганни кияди. Сизнинг севиб киядиган пайтингиз, кийиб қолинг-да!

Мирсалим ҳамма нарсани арчилган шафтолидай Содиқнинг оғзига солиб қўйган, унинг «қилт» этиб ютишигина қолганга ўхшарди. Масаланинг бунчалик енгил кўчиши Содиқнинг қалбидаги чўғни чақнатиб юборди. Унинг хаёли беихтиёр яна Мушаррафга кўчди. Унинг чой ҳўплашидан тортиб, келишган қадди-қоматини кўз-кўз қилиб юришигача, момиқ қўлларини мулойимгина узатишидан тортиб, хандон солиб кулишигача ҳаммасини тарозига солиб кўрди. Мирсалимга узил-кесил бир нарса демаган бўлса ҳам, ундан яшириб Мушарраф билан кўришди.

Мирсалим эса ҳар дуч келганда Содиқнинг қўлтиғига сув пуркай бериб, тобига келтириб олди. Энди Содиқ Мушарраф билан ҳар кўришганда ундан бир фазилат топар, ҳар сўзидан бир ҳикмат қидирар эди.

— Кишилар қиз олиш учун хотинини қўйди, дейишмасмикин?

— Қизиқмисиз? Одамларнинг сиз билан қанчалик иши бор! Суриштирдим: беш кунгина эр қилган экан.

— Нега беш кунгина?

— Уни ўзидан сўрайсиз! — зарда қилгандек деди Мирсалим ва баланддан келди. Чунки Содиқнинг қармоққа юрагининг қоқ ўзгинасидан илинганига шубҳа қилмас эди. — Қиз бўлса... деб бир таънадан қўрқасиз, беш кунгина умр қилган экан, десам, яна ҳадиксирайсиз. Станциянгиз борми ўзи!

Содиқнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Эй дўстим, Содиқжон, азизим, — деб яна таърифга тушиб кетди. Мирсалим. — Ёш хотиннинг нимасини айтасиз! Қаҳратонда писта кўмирли сандалга жийда данаги тутатиб, ўтиргандек маза бўлади. Биласизми,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Содиқжон, бурунги замонларда одил пошо қариса, ёшга уйлантиришар экан. Сабаб: ёш хотин эрни яшартирар эмиш. Киши ёши улғайган сари асални яхши кўради, айниқса сиз билан бизнинг ёшда жуда кетади. Ёш хотин ҳам мисоли асал. Оғзингда таъми қолади. Чақирганингизда «лаббай акажон, шу ердаман, нима ишингиз бор эди», деб бедана юриш қилиб, қошингга келишига нима етсин! Ноз қилса ярашади, йиғласа ҳам кулаётгандек ҳузур қиласан, киши!

Мирсалимнинг гапи Содиқнинг қулоғига кирмас, у Мушаррафнинг фикр-хаёли билан банд эди. Унга қарши оғиз очишдан ожиз эди.

7. ЖАННАТНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Машҳур доктор «мана, паттангни ол, сендан бола бўлмайди» демаган бўлса ҳам Жаннат ўзича тушунган, энди фарзандсиз ўтар эканман, деб йиғлаб қайтган кундан бошлаб, Содиқ билан иккисини боғлаб турган оила ипининг жуда ингичка тортиб қолганини, кичик бир эҳтиётсиз ҳаракат орқасида узилиб кетишини сезиб, юраги безиллаб юрарди. Содиқ Собирахонникидаги зиёфатдан ширакайф қайтиб хотинининг «бунча шу вақтгача қолиб кетмасангиз! Зиёфат қуюқ бўлди, шекилли?» деган гапига жавоб қайтармасдан, индамай ўтиб кетиши шу ингичка ипнинг яна таранг тортилиши эди. Эри ўзгарган эди. У шу кечадан кейин қайтиб ўзига келмади. Камгап, ўйчан бўлиб қолди. Фарзанд асраш ҳақида гап очилганда бир оз ён босиб келган бўлди-ю, яна индамади. Шунда Жаннатнинг юраги яна бир зирқираб кетди.

Содиқ ўзининг ўзгарганини сезар, Жаннатнинг кузатиб юрганини билар, қийналар эди. У Жаннат билан шундай ажралиши керакки, бу қўйди-чиқдининг оқибати кўнгилсизликка бориб тақалмасин.

Пайшанба куни ишдан қайтаётиб, юраги сиқилди-ю, йўлда жиндай вино ичди. Ҳар кунгидек онаси, Қодир, Жаннат билан кечки овқатга ўтирди. Лекин унинг безовталигини Жаннат сезди. Сезди-ю, индамади. Содиқнинг кўзига кўринмасдан алланималар билан ошхона томонда ивирсиб юрди. Қоронғи тушиб, Адолат хола чироғини ўчириб ётгандан кейин, уйга кириб келди. Индамасдан чироқни ўчириб, ўринга кирди. Бирпас жим ётди. Кейин Содиққа ўгирилиб, гап бошлади:

— Сиз ўзингизни ортиқча қийнаманг. Ҳамма гапдан

хабарим бор. Мен сизнинг умрингизга зомин бўлмайман. Мен бир кунимни кўриб кетарман.

Жаннатнинг бўғзига қандайдир думалоқ нарса тиқилгандек нафаси бўғилди...

Содиқ қоронғида кўринмаса ҳам унинг йиғлаётганни сезиб турарди. Айни вақтда унинг кўз ёш тўкишига ўзи сабабчи эканини билганидан, шошиб қолди.

— Йўқ... йўқ... мендан яширманг. Мен розиман. Мен рози!

Жаннат ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди. Эшик олдида нам бурнини кетма-кет икки марта тортиб қўйди.

Содиқнинг Жаннатга қанчалик раҳми келмасин, масаланинг бунчалик енгил кўчишини кутмаганидан, гангиб қолди. Жаннатнинг кетидан чиқишини ҳам, чиқмаслигини ҳам билмади. Чиқса, уни овутиши керак, «ҳаммаси ёлғон, сен ишонма» дейиши керак, чиқмаса раҳми келади, шунча йиллик қадрдони, умрида бирон марта хафа қилган эмас. Ўрнидан аста туриб, деразадан қаради. Ҳовли ёруғ. Ариқ бўйидаги ўрик ости қаттиқ тўкилгандек ола-чалпоқ ойдин. Ана, ўрикнинг шохи тепасида чарақлаб турган юлдуз шўнғиб кетди. Ундан қолган олов издан ўрик шохининг учи чақилган гугуртдек ловиллади... Жаннат ариқ бўйида, орқасини уйга қилиб ўтирарди. Юзини муздай сувга ювган бўлса керак, бошидан пешонабоғини олиб, сочларини текислади. Салдан кейин ўрнидан туриб орқасига қайтди. Содиқ дарров ўрнига кириб, ҳеч нарса билмаган кишидек кўзини юмди. Қўлида пешонабоғи билан хомуш кириб келган Жаннат уйнинг ўртасида бирпас тик туриб қолди, пешонабоғини танғиди. Кейин ўринга кириб, Содиққа орқасини ўгириб ётди.

Эртасига ҳамма гапни қайнанасига айтди. Адолат хола учун ўғли ҳам, келини ҳам қўлларининг панжасига ўхшарди, қайси бирини тишласа оғрирди. Шунинг учун Жаннатни юпатар экан, ўғлининг шаънига тегадиган бир нарса демади. Ўғлини оқлаб, келинининг хунибийрон бўлиб турган қалбини ҳам тирнамади. У Жаннатдан хурсанд ва мамнун эди: келин бўлса шунчалик бўларди-да! Лекин ўғлига ҳам жони ачирди, унинг бефарзанд ўтишини истамас эди. Эшикдан ҳориб-толиб кириб келганда «дада!» деб бўйнига осиладиган, бутун чарчоғини ёзиб, кўнглини чоғ қиладиган бирор фарзанди бўлмаса қийин. Ўзининг ҳам невара кута-кута кўзи тўрт бўлди. Тўртта хотин бир ерга тўпланса, «келинин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гизнинг бўйида бўлмадими?» деб сўрашгани сўрашган!

Шуларнинг ҳаммасини хаёлидан ўтказган «Жонболам хола» айбни ҳеч бирига қўйишни истамади. У яхшиликдан бошқа нарса кўрмаган одамга қилинадиган чуқур самимият билан Жаннатга деди:

— Пешонангиз, болам...

— Бирор жой топгунимча шу ерда туратураман, хафа бўлмайсиз, — деди Жаннат.

— Қаёққа борасиз, жон болам, мен сизни ҳеч қаёққа юбормайман. Аввал келиним бўлсангиз, энди қизимсиз. Қизсиз эдим, қизли бўлдим. Ё Содиқ бир нима дедими?

— Йўқ, у киши ҳеч нарса деганлари йўқ. Мен ўзим рухсат бердим.

Адолат холанинг хўрлиги келди. Кўзига ёш олди. Кўнглида «эй, худойим, бир тирноқни аямасанг нима қиларди шу бечоралардан»! деди. Келинини бағрига босди. Иккиси туғишган она-боладек аччиқ йиғлашди.

... Жаннат Мушаррафнинг ҳомиладорлиги сезилгунча, Адолат хола ёнида қолди, орқа эшикдан кириб-чиқиб турди. Кейин ўзи билан бирга ишлайдиган мураббиянинг уйига кўчиб кетди. Энди Адолат хола ҳам индамади. Фақат у эшикдан чиққач «бечора!» деб қўйди, кўзига ёш олди.

* * *

Кўчада Мирсалимнинг хотини Жаннатни учратиб қолди. Унинг эри билан ажралишганидан хабардор эди. Кўнглини сўради. Кутилмаган жавобни олиб, гангиб қолди. Жаннат дардини кимга айтишини билмаган одамдек асабий титраб, аламини сочди:

— Ҳаммасини қилди-қилди Мирсалим ака қилди. Эримни йўлдан урди. Бу дунё-ю, у дунё икки қўлим у кишининг ёқасида. У кишига ҳам худонинг кўрсатадигани бордир! Кўрсатмаса асти розимасман! Эримда айб йўқ. Бахтига тузуккинаси бўлса майли-я! Суюқ оёқроқ деб эшитаман.

— Вой, дарров уйланяптилар ҳамми? Кимга?

— Эрингиз айтмадиларми, боши-қошидалар-ку!

— Эрим ўлсин, мошхўрдага қатиқ бўлмай! Қачон кўрсанг бировни туйнугида боши. Жувонмарг, ўз аравангни тортсанг-чи, биров билан нима ишинг бор!

Мирсалимнинг хотини кўнгил сўраганидан ҳам хижолат бўлди. «Кўча хандон, уй зиндон» эрининг қилиқларини билса ҳам, бу сирдан бехабар қолган экан. Жаннатга раҳми келиб, эрини оғзидан қўймай ўхшатиб қарғади, кўзига ёш олди, уни юпатди. Хайрлашаётиб, яна эрини қора ерга киритди:

— Бу юмшоқ супурги ўлгур, нега эрингизга бунақа елим бўлиб ўляпти, девдим-а, тагида бир балоси бор эканда! Қув-да, жувонмарг, менга ҳам сездирмапти. Содиқ акамнинг ўзлари ҳам дум бериб турган эканларда, дарров хўп дебдилар-қўйибдилар.

— Билмадим!... — бўшашди Жаннат. Чиндан ҳам у масаланинг бунчалик тез ҳал бўлиб боришидан бехабар, тўғриси, ҳайрон эди!

Хотини кириб келганда Мирсалим бозордан олиб келган учта пўстдумбасининг иккитасини тозалаб, сувга солиб қўйган, учинчисини ариқ бўйидаги толга қоқилган михга илиб энди тозалашга киришган эди. Хотини эшикдан тўғри унинг олдига борди:

— Ҳой, менга қаранг, тўғри йўлингизда юрсангиз бўлмайдими? Бировнинг уйи билан сизнинг қанчалик ишингиз бор. Жаннат қарғаб ўляпти!

Мирсалим «Жаннат» исми аралашгандагина гап нима тўғрида бораётганини фаҳмлади. Бугун у жуда хурсанд эди. Пишшакка юборган моли омон-эсон етган, шериклари «айни вақтида келди» деб хабар қилишган эди. Бу хушхабарнинг чўтали сифатида бугун бозор айланган, пўстдумба харид қилган эди. Хотининг «дағдағаси» барибир унинг руҳини туширмади, лекин эҳтиёт чораси кўришга чақирди. Агар ҳозир хотинига баланд келмаса, балога қолади. Унинг жон калити бўлган «машҳур хат»ни ишга солиши, шармандасини чиқариши мумкин. (Бу лаънати хатни йўқ қилиб ташлай, деб шунча қидиради — тополмайди!)

— Нима!! — деди дағдаға билан Мирсалим ва қўлидаги пичоқни зарб билан ариқ бўйига санчди, иргиб ўрнидан турди. Хотини ургани турди, деб қўрқиб кетди.— Кўчада биров хотин қўйса ҳам мен айбдорми! Тилини тийсин!

Хотининг нафаси ичига тушиб кетди. Мирсалим баланд келиб, хотинини силтаб ташлади, айбни Содиқнинг ўзига ағдарди:

— Ёш хотинни кўнгли тусаган у киши-ю мен айбдормишманми! Ажабо! Сен нега у манжалақи билан кўришиб юрибсан! Гаплашгани ўша қисирдан бошқа одам топмадингми?

Хотини индамасди. Биладики, бундай пайтларда унга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бас келиб бўлмайди. Ҳозир эркак — авра, хотин — астар, деб турган пайти. Яъни авра ҳеч қачон астардан юқори бўлмагандек эркак хотиндан ақл ўрганмайди. Бир дўқ билан попуги пасайган хотини ўзича пўнғиллаб қўйди:

— Ҳамма эркакларнинг аҳволи шу: ёшроғини кўрса, илиқадин қолади. Жаннатхон қандай жувон эди!

— Бас қил, сендан гап сўраётганим йўқ. Нега сенга алам қилади, икки туғиб бир қолганингми! Қисир хотинни деб бефарзанд ўтсинми!

Хотин индамасдан уйга ўтиб кетди. Мирсалим «енгдим!» деб, ариқ бўйига санчилган пичоқни олиб, сувда чайқади:

— Ҳой онаси, мана буни тузлаб қўй! — деди тоғорачадаги тозаланган пўстдумбани ўзидан нарироқ суриб.

Хотин ҳали аламидан тушмаган эди, деразадан товуши келди:

— Ёв келдими, тузланар!

Бу гал Мирсалим индамади.

8. ҚАРҚИНОҚДАН ЧИҚҚАН БУЛБУЛ

Қодирнинг мактуби Азизанинг бахмал гулни кўрганда ҳаваси келиб, узиб ҳидлайдиган бўлгандан бери эркак кишидан олган биринчи хати эди.

Хатнинг қўлга тегиши ҳам қизиқ бўлди. У институтдан хурсанд қайтарди: бугун уйидагиларга билдирмасдан ёзилган танца тўгарагининг илк машғулотига қатнашган, «ўрганиш жуда қийин бўлса керак» деб ваҳима босиб юрган танцанинг илк ҳаракатларини ўрганган эди. Бу дастлабки муваффақият лабига қандайдир ашула қўндирган, .шуни трамвайдан тушиб хиргойи қилиб келарди. Бир қиз бола қаршисидан чопиб келиб, олдида тўхтади: «Мана шу хат сизга экан, ҳув анави амаким бердилар», — деди. «Қайси амакинг?» деган эди, қизча чопиб келган томонига қараб лабини тишлаб қолди. «Вой, қочиб кетибдилар» деб, йиғлагудай бўлди. Азиза хатни олишга мажбур бўлиб қолди, олмаса қизчанинг йиғлаб юбориши мумкин эди. Қизча ёлғон гапириб, хижолатга қолган кишидек: «Рост, ҳу анави теракнинг ёнида турган эдилар. Сизга ўхшаб қўлларида папкалари бор, бошларида шапкалари...» — деди. Азиза қизчани хижолатдан чиқариш учун хатни олиб, «менинг бошимда шапкам йўқ-ку» деб кулди. Қиз ҳам кулди. Орқасига хурсанд чопиб кетатуриб яна бирдан тўхтаб, бақирди: «Аналар, ана. Ўзлари келяптилар».

Қодир йўлкадаги қатор теракларнинг панасида келмоқда эди. Азизанинг унга кўзи тушиши билан ток югургандек бўлди. Қизча билан гаплашган чоқдаги хушнудлик ўрнини қандайдир номаълум қўрқув олган, бу қўрқув рангига таъсир қилиб, қонини қочирган эди. Қодир етиб келиб, Азизадан кўра дадилроқ бир алфозда саломлашди. Иккиси ҳам саломдан кейин ерга қаради, Азизанинг қўли портфелининг бандини мушукдек тирнарди, Қодир эса, чўнтагидаги дастрўмолини зўр бериб ғижимларди. Ғижимлашдан тўхтаб, уни шартта қисди-ю, гап бошлади:

— Кечирасиз, Азизахон, биров кўриб қоладими деб қизчадан...

Шу сўздан Азиза тетиклашди:

— Ҳозир кўрмаётганмикин? Ўтиб турганлар «биров» маслигини қаёқдан биласиз: манг, олинг-да, ўз қўлингиз билан бошқатдан беринг? Нималар ёзгансиз? Жуда қалин-ку.

Азиза чўнтагига қўл тиққан эди, Қодир хатини рад этиб қайтиб бераётгандай шошиб қолди.

— Майли, майли, тура берсин. Бундан кейингисини...

— Ие, ҳали яна ёзмоқчимисиз, Шоирмисиз, мунча ёзишни яхши кўрасиз.

... Қодир ҳафсаласи пир бўлиб уйига қайтди. Кечаси билан ажриққа аганаб чиқди. Баланд дорга осилиб қўймадими? Хат ёзмаган бўлса ҳам гўрга эди! Ҳаммага кўрсатиб, «мана, аскар йигитнинг аҳволи» деб масхара қилиб юрса-я. Ҳеч хомлигим қолмас экан-да! Хўп, кўнглинг кетган экан, аввал суриштир, йигитсан, дадил босиб бор. Тилинг билан шарт-шарт айт, қўй, вассалом! Хатта бало борми!

Минг хил хаёллар билан мияси ачиб кетган Қодир, қандай қилиб ухлаб қолганини билмади. Бир маҳал қараса, тепасида ойиси турибди:

— Тур, болам бугун ухлаб қолдинг-ку. Таниг соғми?

Қодир апил-тапил кийиниб, институтга чопди. Бугун кечагидан енгил, ширин орзулар руҳини эркалар эди. Ана шундай ҳолат икки жуфт дарс ўтгунча вужудини қоплаб турди.

Охирги дарснинг қўнғироғи унинг қулоғи остида чалингандек жуда қаттиқ эшитилди. Юрагини ҳовучлаб ташқарига чиқди-ю, хатда тайинлаган жойига боришини ҳам, бормаслигини ҳам билмай қолди. Оёғи орқага тортса, юрагининг аллақаерида бир кичкинагина илмоққа илиниб турган куч олдинга ундар, йўлига нур сочгандек

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўларди. «Нима бўлса ҳам бораман, тайин қилдимми, бораман! Рост гапга таъна йўқ!»

Қодир тайинлаган жой Азиза: «Олдидан ўтган қизни пайқамайдиган қанақа йигит экансиз», — деган ер эди.

Қодир боғнинг дарвозасини кўриши билан бир энтикиб кетган бўлса, тайинланган ерга яқинлашган сари юрагининг уриши тезлашди, ўзини босиш учун жимиллаб гулларга оқаётган ариқдан икки ҳовуч муздай сув ичди. Сув ҳовурини босиш ўрнига, тер бўлиб бетига тепди, бурқтириб юборди...

Шундай ташвишлар билан етиб келган жойда ҳеч ким йўқ эди. Фақат эгри-бугри бир нечта излар бор.

Азиза у кутмаган томондан, ердан чиққандек бирдан пайдо бўлиб қолди. Юзи тўла табассум эди. Қўл узатиши билан гинасини сочди:

— Шунақа вақтга тайинлайсизми! Етиб келгунча ўпкам оғзимга тиқилди. Ҳаммани ўзингизга ўхшаб уч паргина ўқийди дейсиз-да, а? Қўшимча бир пар ўлгурнинг ярми ордона қолди. Сизни деб, бир соат кейин доктор бўладиган бўлдим.

Қодир узр сўради, унинг узрини қабул қилмагандек Азиза яна ўпкалади:

— Бир соат бўлса ҳам, ўзим олдинроқ инженер бўлай дейсиз-да, а? Бўлиб бўпсиз! Бундан кейин бунақаси кетмайди. Яна шунақа вақтга тайинласангиз, ўзингиз чўпингизни чайнаб ўтира берасиз, мен дарсимни тугатиб келаман.

Чиндан ҳам Қодир Азизани кутиб, сап-сариқ қуруқ ўтни беихтиёр эрмак қилиб тишлаётгани устига у келган эди. Шу гапдан кейин хижолатда бир четга улоқтирди.

Азизанинг эркин гапиришлари унинг шубҳаларини бир зумда кучли шамолдек учириб кетди. Қиз кўпдан синашта бўлиб қолган кишиси олдига келгандек ўзини бемалол тутар, гина қилар эди. Бу унинг табиати эди. Мактаб илмий мудири Содиққа «қарқиноқдан булбул чиққан» деганда, Азизанинг ана шу хислатларини кўзда тутган эди. Бу хислат унинг болалигидан бор. «Азизу мукаррам бўлади», деб Азиза номини берган марҳум бувиси ўзи кўзи очиқлигида на отаси, на онасига бийлатди. Ўзи ювиб, ўзи таради, ўз ёнида олиб ётди. Қиз онасига тортиб, шаддот бўлиб ўсди. Отаси онасига ўхшатиб, шохини синдириб, қайириб олмоқчи бўлган эди, бувиси йўл қўймади, «битта қиз ҳам сенга ортиқчалик қилиб қолдими!» деб баланд келди. Сал эсини танигандан кейин Азизанинг ўзи бошвоғини бермай қўйди. Бу

вақтда қазо қилган бувининг ўрнини она босди, бобиллаб эрига бийлатмади. «Қўйинг, ўқисин, яйрасин, ҳам қизимиз, ҳам ўглимиз», — деди баъзан ёлвориб. Бу вақтда илмли ўзбек қизлари идораларда кўриниб қолган, ўз тақдирларини ўз қўлларига олиб, эркакларга «қани, менинг жойимдан нарироқ сурилинг», деб дадил даъво қиларди. Мана шу нарсалар таъсир қилдими, ёки қизнинг ўзи ҳақини талаб қилиб олганиданми, ҳар нечук, Мирсалим ҳар вақтдагидек бақириб-чақириб болтанинг дастасига ёпишмади. Ўзига қўйиб берди, лекин босган изига тўрт кўз бўлиб турди. Кўрдики, Азиза шўх бўлгани билан одоб доирасида, ўгил болалар билан чумчуқ боласи қидириб теракларга чиқса ҳам, бекинмачоқ ўйнаса ҳам, қувлашса ҳам, ҳақини юборадиган эмас. Ҳатто болалар ундан ҳайиқишади, эр болалар уни эмас, у болаларни йўл-йўриққа солаётганга ўхшайди. Мактабда-ку ўқиши яхши, лекин сал тўполончилиги ўқитувчиларни баъзан ранжитарди. Бир куни фарзанддан тили куйган бир муаллим ўртоғи Мирсалимга нолиб, «фарзанд бўлса сизнинг Азизангиздек қобилиятли, пишиққина бўлса экан» деб қолди. Бу хушомад Мирсалимга жуда ёқиб кетди, «менинг бола тарбия қилишимни орзу қиладиганлар бор экан», деб лабининг таноби қочди. Азиза эркин ва шўх ўсди. Бўйи чўзилиши билан бир оз ҳаё тортиб, қуюлган бўлса ҳам, барибир ўзи айтган ерни кесарди, деганини қилдиради. Тўққизинчи синфдалигида онаси бир куни совчи келганини айтиб, ҳар қандай қиз ҳам уйига совчи келса фахрлангандек, Азиза ҳам хурсанд бўлар деб ўйлади. Йўқ, аксинча, Азиза совчини юмма талаб берди, энди келса косов олиб қувишини айтиб, кетидан нима учундир жиндай йиғлаб ҳам қўйди. Шунча кучлиги билан Мирсалим»: «Аёлдан пайғамбар чиқибдими! Шаҳар олиб берармиди?» деган гапларга қулоқ солмади. Азиза ўнинчини битирганда кимдир «шундай аълочи ўқишини давом эттирмаса, ота-онасига лаънат келади» деган бўлса, яна бири Мирсалимнинг ўзига: «Бир қизингиз ўнта ўғилга арзийди, доктор қилинг, яхши ҳунар», — деди. Мирсалимнинг ўқитиш нияти йўқ, «керак бўлса эгаси чаласини ўқитиб олар» деган фикрда эди. Шунча гапдан кейин гангиб қолди. Ўқитмаса, «тушуниб туриб, ўз қизини уйга ўтқазиб қўйди» деган таънага қолади, ўқитай деса, барибир бировнинг ҳасми, кунданкун хархашаси кўпаяпти. Дадаси ўй-ўйлаб, охирига етгунча Азизанинг ўзи масалани ҳал қилиб қўя қолди. Медицина институтидан анкета кўтариб келди, кон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сультация кунлари жадвалини каравоти тепасига осиб қўйди. Мирсалим «бу қандай бўлди?» деган эди, хотини «ўзидан сўранг» деб жавоб берди. Ўзидан сўраган эди: «Докторликдан яхши ҳунар йўқ дунёда» деб фахрланди, китобини кўтариб, имтиҳонга тайёрлангани бир ўртоғиникига кетди. Мана у севган институтининг дастлабки курсида.

— Институтда ўқиш қизиқ бўлар экан, — деди Азиза портфелини ликиллатиб. — Муаллимлар гапириб-гапириб чиқиб кета берар экан. Сўраш йўқ. Такрорлаш йўқ.

— Ҳаммасини битта қилиб кейин сўрашади.

— Мен мактабдагига ўхшаш бўлади, деб юрар эканман. Қизиқ.

Азизанинг очиқлиги Қодирни ҳам тилга киритди. Лекин, бари бир, ташаббус Азизанинг қўлида эди. У севган йигитнинг эмас, қадрдон ўртоғининг олдига келгандек тортинмай ўтирар, гап-сўзларни ҳам тарозига солмасдан, пардозини келтирмасдан дангал гапириб юбора берарди.

Қодир аслида шўх қизларни яхши кўрарди, рус қизларнинг эр болалар билан апоқ-чапоқ бўлиб яйраб юришларига ҳаваси келар, «бизникилар қачон шунақа бўлишар экан», деб кўнглидан ўтказиб қўярди. Азиза ўша қизларни сал-пал эслатиб турарди. «Лекин ўшалардай шўхлиги беғуборми? Бирорта чаққон чалиб кетмаганми!» — деб ўйлади у. Бошини биринчи марта дадил кўтариб, Азизанинг юзига узоқ тикилди. Азиза қизариб кетди, «юзимга сиёҳ тегибдими?» деб жажжигина дастрўмолчасини қўлига олди. Бу қизариш Қодирнинг фикрини бутунлай ўзгартиб юборди: қизнинг табиати шўх, эркин катта бўлган, у беғубор!

Кўз олдига Мирсалим келди. Уни бир-икки марта кўрган эди. Иккисини солиштирди: икки дунё! Қизиқ, шунақа ҳам бўлар экан-да!

— Ҳеч дадангизга ўхшамайсиз, — деди Қодир Азизани ёниб турган юзларига қараб. Азиза «қанақа эканман» деб ўтирмади. Гап нима тўғрисида кетаётганини фаҳмлади шекилли, шартта жавоб қилди:

— Бизнинг дада омихта: эскичага эски, янгичага янги!

Шу зумдаёқ Азиза соатига қараб, деди:

— Вой, алламаҳал бўлибди-ку, кетмаймизми!

Қодир Азизанинг ёнида борар экан, ўйлар эди: нима қилиш керакки, бундан кейин кўришиб туриш мумкин бўлсин. Баҳона топди:

— Азизахон, баъзан-баъзан бирга дарс тайёрлаб турсак, қаршимасмисиз?

Азиза тўғри жавоб бермади:

— Бундан буёқ папкамда нуқул одам суяги бўлади. Чўчимасмикинсиз?

Аслида Қодир чўчир эди:

— Йўқ, нега! Бемалол!

Қодир унинг розилигини олгандек яшнаб кетди. Демак, Азизанинг кўнгли унга мойил, хатининг мазмунига тушунган, ҳозир севмаса ҳам кейин севади.

Азизанинг «бундан буёқ папкамда нуқул одам суяги бўлади, чўчимайсизми?» деган гапини Қодир «мендан қўрқмайсизми, мени хушингиз ёқтирадими?» деган маънода тушунди. Бу тушунча бундан сал вақт аввал жуда узоқда турган Азизани шундоқ ёнига келтириб қўйган, унга бениҳоя ҳурмат уйғотган эди. Бу тушунча уни қанот бўлиб учириши, булбул қилиб сайратиши керак эди.

Қодир Азизанинг ёнида бораётиб, йўлкага эгилиб тушган толнинг пастки шохидан бир хивич синдириб олди. Азиза уни бояги сариқ гиёҳ сингари оғзига солиб ўйнайди, деб ўйлади шекилли, оппоқ тишларини ярақлатиб кулиб, огоҳлантирди:

— Оғзингизга солманг, пўстлоғи аччиқ бўлади.

Қодир бу меҳрибонликдан мамнун бўлиб, бошқа нарсадан гап очди:

— Мен сизни ўша атлас кўйлагингизда келасиз, деб ўйлаган эканман.

— Сабаб? — деди Азиза Қодир сабабини аниқ билмас, шундай келиши керак, деб ўйлабгина қўя қолган экан.

— Қайдам... — очиғини айтди у.

— Ё сиз атлас кўйлакни яхши кўрасизми?

Қодир кутилмаганда журъат қилди:

— Йўқ, ичидаги қизни! Атлас кўйлакли қизни!

Азиза бўш келмади:

— Сизга теккан қизнинг шўри қурир экан, эримга ёқай, деб ёзда ҳам қопдек атлас кўйлакка ўралиб...

Кулишди. Бу кулишдан орада ҳеч сир қолмагандек бўлди.

Катта кўчага чиқиш билан Азиза бирдан тўхтаб деди:

— Бас, асалнинг ҳам ози яхши, бўлмаса томоғингизни бўғади, босқи қилади. Мен кетдим. Кеннойингизга салом денг.

— Ойимга-чи?

— Ойингизга ҳам, акангизга ҳам! Ҳа, айтгандек, —

www.ziyouz.com kutubxonasi

Азиза икки қадам қўйган еридан қайтди. — Кеннойингиз билан акангиз ажралишибдими? Нима бало, Тошкентга борсам қўяман, деб юрган эканларми?

— Билмадим. Бўлмади шекилли-да, — чайналди Қодир.

— Шунча йилдан кейин-а? Кўп ғиди-биди бўлармиди? Кеннойингизга ойим бирам ачиняптилар, дилдор жувон эди, дейдилар.

— Яхши хотин эди. Бола кўрмади, холос, — шу кейинги сўзни қиз болага ноўрин айтиб қўйдим, деб Қодир шошиб қолди, сўзни бурмоқчи бўлди:

— Сизларникида ғиди-биди кўп бўладими?

— Бизнинг дада ҳазил эмас-да, Мирсалимбойвачча дейишади ўз оти билан. Шу маҳал бизни кўриб қолсалар борми, оҳо... мен кетдим, хайр.

— Хайр!

Қодирнинг хаёли Мирсалимга кўчиб, бундоқ қараса, Азиза кетиб қоляпти. Шунда эндиги учрашув кунини келишиб олмагани эсига тушди. Кетидан югурди:

— Азиза! Менга қаранг!

Азиза ҳозир келиб тўхтаган трамвайга чиқиш ниятида елиб борарди. Орқасига бир ўгирилиб:

— Чоршанба, соат беш! — деди ва яна тезроқ чопиб кетди. Қодирга ҳам шу керак эди, тўхтаб, узоқдан кузатиб турди. Трамвай жойидан қўзғалиб, олдидан қўнғироғини жиринглатиб ўтиб кетгунча ундан кўзини олмади, Азизанинг ўзини кўрмаса ҳам қўлини силкиб турди. Трамвай кўздан ғойиб бўлиши билан бирдан юрагида қандайдир бўшлик, эслаган сари ҳувиллайдиган бўшлик сезди. Хат берганидан бери чеккан изтиробларининг барчаси бекорга чиқиб, Азиза билан учрашгани, унинг қувноқлиги шўх қочириқлари эсига тушиб, яна юраги завқ-шавқ билан тўлди. Катта кўчада бир ўзининг илжайиб турганини пайқаб, шарт орқасига бурилди. Яна севгилисининг хаёли билан уйига жўнади.

У катта бир имтиҳондан ўтгандек хурсанд эди!

* * *

Қодир Азизани севиб қолгандан бери безовта. Аввалари уни кўришга, суҳбатига интилса, энди негадир ҳайиқади ундан. Қандайдир ножўя бир ҳаракат ёки эҳтиётсизлик орқасида айтилган ноўрин бир сўз билан озор етказиб қўяётганга ўхшайди. У билан учрашганда ўзини жуда эҳтиёт қилади, ушлайдиган ери жуда ноқулай шиша идиш ёки бир сават тухум кўтариб кетаётган одамдек, қадамини санаб босади. Имтиҳонга бораётган студент сингари, гаплашадиган гапларини ҳижжалаб кўради. Кўча-кўйда бирор қизнинг товуши уникига ўхшаб кетса, юраги шув этади, нур тезлигида бир нарса бағрини тилиб ўтгандек бўлади. Лекин муҳаббатнинг ёзиқсиз ва такрорланмайдиган қонунлари уларни ўз оқимига солиб, гоҳ боққа, гоҳ кинога бошлар, гоҳ мажнунтол сояси — сув қирғоғида эртак айттирар, ойдин кечаларни кездирар, шеър ёдлатиб, ашула айттирар эди. Семестр тугаб, имтиҳоннинг бошланиши уларни яна ҳам яқинлаштирди. Иккисининг уйида ҳам дарс тайёрлаш учун шароит кўнгилдагидек бўлмаганидан шаҳар кутубхонасини танладилар. Энди ваъдалашиб, соат белгилаб ўтиришмайди. Ким олдин бўшаса тўғри шу ерга келаверади. Бу ерда иккисининг ўз столи пайдо бўлиб қолди. Улар келиши билан банд бўлса бўшатишади. Улар қаттиқ тартиб билан дарсга киришишади, ҳар соатда ўн минут танаффус. Бу танаффус кутубхонадан чиқиб, унинг ёнидаги камқатнов кўчада ўтказилади.

Қодир танаффус вақти бўлганини имо қилиб, Азизага соатини кўрсатди. Азиза кўзи билан «хўп» ишорасини қилди-ю, яна китобга шўнғиди. Қодир оёғининг учида юриб, ташқарига чиқди. Кеча ёққан қор кўча ўрталарида эриган бўлса ҳам, четларда бир-икки энлик қалинликда оппоқ оқариб турарди. Боядан бери конспект тузиб, бармоқлари толиққан Қодир бир қисм қор олиб юмалоқлади. Иссиқ хонадан чиққанлиги учун қор қўлига совуқ туюлган бўлса-да, қандайдир ҳузур бахш этди. Қодир қорни гоҳ осмонга отиб илиб, эрмак қилиб турар экан, ҳориган кўзларини пирпиратиб, пальтосини елкасига ташлаганича Азиза чиқиб келди.

— Мени урмоқчимисиз? — ҳазилга олди Азиза.

— Йўқ, сизни урганни.

— Мени ким урибди?

— Мабодо...

— Мени ҳеч ким урмайди. Ая-бувиларимизнинг еган калтаги ҳам мендақадан юзтасининг умрига етади. Нега индашмаган экан, улар ҳам косов олиб солишса бўлмасмиди?

— Хўп, косов эмас, теша олиб югуришди ҳам деяйлик, кейин нима бўлади? — кулди Қодир.

— Ҳисоб-китоб!

— Ҳисоб-китобни ким қилади. «Дунёда нима ёмон:

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтиб келган ёв билан, қайтиб келган қиз» деган отасими, ёки бир эркакка шариатан тўртта хотин вожиб деб турган қози поччами?

— Сиз бўлганда нима қилардингиз? — Азиза синамоқлик билан сўради.

— Ўша вақтдами? Ҳаёт шу экан, деб кўп қатори чоригимни судраб оҳ-воҳ билан яшайверардим.

— Мен бўлсам чидамасдим. Уйни тут, кирини юв, боласини боқ-да, яна урсин. Йўқ, мен чидамасдим. «Бас, тўйдим» деб бошимни олиб чиқиб кетардим.

— Қаёққа? Яна битта шунақасининг олдигами?

— Йўқ! Мени бошига кўтарадиганни топардим. Топардиму мен ҳам уни бошимга кўтарардим.

— Циркдаги акробатларга ўхшаб, бир-бирларингни навбатма-навбат бошга кўтарар экансизлар-да? Бу ўйин ўша вақтдан қолган экан-да, а, Азизахон? — ҳазилга олди Қодир.

— Мен астойдил гапирсам, бу киши... Эркаксиз-да, эркакларнинг ёнини оласиз, — ўксигандек бўлди Азиза.

— Ўша вақтда яшаган бўлсам, жон деб хотин-қизларнинг ёнини олган бўлардим, лекин барибир қўлимдан ҳеч бир иш келмас эди. Шундай фикрли кишилар ўша вақтда ҳам битта-иккита бўлган, кулга тушган кесакдек кўринмаган. Тузум шунақа эди, — деди Қодир Азизанинг кўнглини олмоқчи бўлиб. Азиза ҳамон ундан ўпкалагандек, шахтидан тушмаган эди.

— Тузуми ўлсин!

— Ўлиб бўлган ҳалиям!

— Барибир ўлганига ишонмайдиганлар, ўзи ўлса ҳам ҳидини олиб қолганлар бор.

— Бу тўғри!

— Яна ўзларини культурний қилиб кўрсатганларига ўлайми! Ёлғон гапиргани уялишмагани!

— Бир шоир айтган экан: «Ёлғоннинг тахтида шоҳ бўлгандан, ростгўйнинг чорбоғида гиёҳ бўл», деб.

— Мен ҳайронман, наҳот ўша одамлар «ёлғон гапирганимни ҳеч ким билмайди» деб ўйлашади? Дунёда ёмон кўрганим ёлғон билан қўрқоқлик! Ёлғонлари кўзларидан шундоқ кўриниб турадi.

— Кўринмайди деб ўйлашади-да!

— Бекор! Масалан, мен дарров биламан. Товуши қандайдир ғалати эшитилади, юзими, кўзими, ҳаракатими, ишқилиб, бир нимаси «Ёлғон! Ёлғон!!» деб турадi.

— Доносиз-да, — яна ҳазилга олди Қодир.

— Доно бўлсам, бошчаногини папкамга солиб, латинча нечта номи бор экан, деб каллаи саҳардан ёд қилармидим.

— Доно ҳам аввал ўрганади, кейин ўргатади, Азизахон.

— Шунақами, билмаган эканман. Вой, гапга тушиб кетиб, вақтни туя қилибмиз-ку! — у соатига қараб, югурганича ичкарига кириб кетди.

Қодир кирганда у китобга мукка тушган эди.

Вақт — севги дояси. Қодир буни кунлар ўтган сари севинч билан ҳис қилиб борарди. Кўнглида бўлган шубҳа ўрнини ишонч, иккиланиш ўрнини қатъийлик олиб, Азизага бўлган муносабати самимийлашиб, меҳрибонлик чин муҳаббат қоясига кўтарилмоқда эди. У энди Азизанинг шўхлик ва эркинлик сирларини билади. У ҳаётда ўз ўрнини топиб яшашгина эмас, керак бўлса уни жон-жаҳди билан ҳимоя қилиш қобилиятига эга. Худди шундай севгисини ҳам қадрлай билишига, севги билан яшаб, севги билан фахрланишга ишончи комил. Бу ишонч эса, Қодирни ўзини эркин тутишга, журъат билан ҳаракат қилиш, ўз севгиси билан қизнинг юрак-бағрини тўла-тўкис забт этиб олишга ундар эди. Лекин у қанча уринмасин, шошмасин, Азиза юрак қопқасини кенг очмас, «шошган, қоқилади» дегандек қия тутарди, холос. Бундан унинг узоқни кўзлаганлиги, ўз бахтининг ҳеч қаёққа қочиб кетмаслигига ишонганлиги кўриниб турарди.

Бир куни кинодан қайтишар экан, Қодир Азизани ёшларга хос иштиёқ билан қаттиқ қўлтиқлаб олган, ёшлардагина бўладиган мароқ билан «йирик мавзулар»да суҳбатлашиб келарди. Қизда ҳам турмушнинг «икир-чикир»ларидан кўра мана шундай дилкашликка майли кўпроқ сезилар, буни ҳар суҳбатида англаш мумкин эди, Азиза бошланган суҳбатни давом эттириб, хулоса ясагандек деди:

— Мен бахтнинг юрак билан топилганинигина тан оламан. Бу чин бахт.

— Мен унга ақл ҳам қўшилса, меҳнат шерик бўлса экан дейман.

— Фикрларимиз бир-бирига яқин.

— Яқин эмас, аслида битта, Фақат масалага турли томонлардан яқинлашяпмиз. Сиз «юрак» билан деганда, меҳнатни инкор этмайсиз, ақлни унга шерик тутасиз, шундаймасми?

— Албатта.

— Демак, фикрларимиз яқин, лекин ораларимиз узоқ холос.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Узоқ, — деди Азиза бирдан беихтиёр. Лекин бу ўринсиз жавобнинг маънисига тушуниб қолиб, қизариб кетди. Шу аснода Қодир асл мақсадга қараб ҳужум қилиб қолди:

— Иккимизга битта фамилия етгани ҳолда, негадир ҳалигача иккита қилиб юрибмиз.

— Ёқмай қолсин! — лабини луччак қилиб эркаланди Азиза, — нега эркаклар бунақа шошади?

— Шошмайди, ташаббускор бўлади. Ё қизлар ҳам таклиф этишадими?

— Билмасам. Астойдил севган ва севилганига ишонганидан кейин, нима, айби борми?

— Масалан, сиз ташаббускор бўла олармидингиз?

— Нега энди!

— Бўпти-да! Йигитларни айбситманг. Таклиф этиш йигитлик бурчига киради.

— Менимча, шу ҳуқуқни қизларга ҳам бериш керак.

— Сабаб?

— Сабаби шуки, йигитлар бу масалада ҳар вақт чуқур ўйлашмайди. Оқибати хунук чиқиб, ажралиб кетишганда ҳам ўзининг аҳволи қизникига нисбатан тузук бўлишини ҳис қилиб туради. Бу устунлик эса, баъзан яхши ўйламай, ҳавас билан муҳаббатнинг фарқига бормай, иш тутишларига сабаб бўлади.

— Бу тўғри, лекин қизлар бу мажбуриятни уддалай олармикан, сизга ўхшаганлар кўп эмас-да.

— Инқилобдан бир-икки йил бўлса ҳам аввал туғилганингиз сезилиб турибди, димогингизга феодализм ҳиди кирган-да, анқиб қоляпти, — деди Азиза кафтидаги Қодирнинг қўлини «тушундингизми?» дегандек сиқиб. Кетидан ўзининг шўх кулгиси билан кўчани тўлдирди.

— Мен шубҳаланаётганим йўқ, Азизахон, эҳтиёт чорасини кўряпман, — жилмайди Қодир: — Кал тарангунча тўй тарқалади дегандек, севган қизинг таклиф этишини кутиб, соқолларимизга оқ тушмаса дейман.

— Тушмайди!

— Тушмайдими? Бўлди, мен кутаман.

Ҳазилнинг бирдан жиддий тус олиши Азизани чўчитиб юборгандек бўлди, ялт этиб Қодирнинг кўзига қаради, бу икки кўз нодир китобнинг қўш варағидек бирбирини яхши умид, яхши ният билан тўлдириб турарди, уларда ҳаёт ва ишонч тўла бир завқ порларди.

Қодир Азизанинг қўлтиқлаб бораётган қўлини тирсаги билан ўзига тортиб, қаттиқ сиқди.

Биринчи курсни иккиси ҳам кўнгилдагидек тамомлаб, каникулга чиқиш олдида бир хунук иш бўлди. Навбатдаги имтиҳонни бериб, хурсанд бўлган Азиза институтдан чиқиб, тўғри Қодирнинг олдига борди. Шўхлик билан деди:

— Бугун мени ўйнатинг.

— Хўп, жоним билан! Қаёққа борамиз?

— Истаган ерингизга! — Азиза унга ишонган ҳолда ихтиёрини бераётганини кўзи билан таъкидлаб турарди.

— Марҳамат! — деди-ю, Қодир уни маҳкам қўлтиқлаб кетди. Азиза чиндан ҳам хурсанд, у серқатнов катта кўчага бошласа ҳам индамас эди, бошқа вақтда бўлганида «бу кўчадан юрмаймиз, тоши йирик» демаганида ҳам қўлини тортиб олган бўларди. Магазин витриналарини томоша қилиб, янги чиққан модаларга назар ташлаб, ўзаро муҳокама қилиб боришар экан, қаршидан лоп этиб Азизанинг дадаси Мирсалим чиқиб қолди. Азиза унинг ўзига кўзи тушган-тушмаганини билмайди, лекин яшин тезлигида Қодирнинг қўлтиғидан қўлини суғуриб, магазинга ўзини ургани эсида. Мирсалим худди шу магазиндан харид қилиб, нариги эшигидан чиққан эди. У пинагини бузмай келиб, Қодирнинг саломига бошини чайқаб алик олди:

— Акангизга салом денг! — деди бамайлихотир. Лекин унинг товушидаги титроқ буларни кўрганидан хабар бериб турарди. Ранги оқаринқираган Қодир:

— Хўп! — деганча оёғи чалишгандек юролмай қолди. Мирсалим ўтиб кетгандан кейингина бир ерда тўхтаб қолганини билди. Бундоқ қараса, Азиза магазиннинг нариги эшигидан чиқиб, одамлар орасидан пилдираб елиб кетяпти. Қодир унга эргашди. У етиб борганда Азиза қайилишдаги йўғон теракка орқаси билан суянган, ранги дока бўлиб кетган, оғзини каппа-каппа очиб нафас оларди.

— Ҳа, мунча? — деди Қодир уни ўзига келтириш ниятида.

— Ие, бу кишини қаранг. Дадам-а!!

— Дадангиз бўлса... — Қодир гап тополмай қолди. Азиза илиб кетди:

— Юринг, кетдик, кетимиздан келиб қоладилар.

— Йўғ-э...

— Сиз дадамни билмайсиз... Юринг. Балога қолдим.

Қодир нима деб Азизага далда беришни билмас, очиғи, ўзи ҳам бу кутилмаган учрашувдан гангиб қолган эди. Шунчалик ўзини тутиб Мирсалимга салом бериб сўрашганидан қойил эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Азиза олдинроқ шошиб, ундан сал кейинда Қодир елиб борар экан, Қодир деди:

— Мени танийдилар-ку.

— Танийдилар... Таниганлари билан қизимни кўчада қўлтиқлаб юргин деганмилар? Сиз ҳам қизиқсиз.

— Бир нарса дермикинлар сизга, а? — ташвишга тушиб қолди Қодир. Шу кўчадан бошлаб нима қилардим. Айб менда. Азиза ҳам «қўйинг» демади, деб ўзидан койинарди. Бу кўнгилсиз учрашувнинг оқибати нима бўларкин?

— Менга-ку, ортиқча бир нарса демасалар ҳам, ойимга жабр. Бутун заҳрини ойимга сочади, боши таънадан чиқмайди. — Азизанинг ўксигани ҳаракатидангина эмас, товушидан ҳам билиниб турарди.

Азизанинг бутун севинчлари чилпарчин бўлиб, Қодир билан совуққина хайрлашиб уйига жўнади. Қодирнинг юрак ютиб, «мен сиз билан бирга бораман, ҳаммасини очиқ-ойдин айтиб қўяқоламиз» деганига кўнмади. Лекин уйига яқинлашган сари юрак уриши тезлашди. Бу аҳволда уйига кириб борса, онасининг ўти ёрилишидан қўрқиб, бир ўртоғиникига кириб, бир оз нафасини ростлаб олмоқчи бўлди. Унга бора туриб яна айниди, орқасига қайтди. Пастликка тушиб сой бўйида бирпас ўтирди. Бирдан дадиллашиб кетди: «Хўш, мен нима гуноҳ қилдимки, бунча қўрқаман! Севган йигитим билан қўлтиқлашиб келаётган эдим, холос. Шу айбми? Нимаси айб? Керак бўлса очиғини айтишим мумкин. Наҳот, шу ёшга келиб ўз севгингни ҳимоя қилиб ололмасанг. Уят! Уят, Азиза! Тур! Тур, ўрнингдан! Ташвишланма, севиб, севилганингдан қувон, хандон солиб юр. Кишилар кўрсин, ҳавас қилсин».

Қалбида уйғониб, жўш урган бу фахрланиш ва дадиллик унга қанот боғлади. У ўрнидан ирғиб туриб, этагини қоқди, ҳалигина маҳзун ўтирганидан ўзи кулиб йўлга тушди. У шундай кўринадики, уйга кириб дадаси гап очгунича ўзи сўз бошлаб, очиқ-ойдин қиладиган, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб, кибрланадиган эди. Боя маъюс ўтган кўчаларидан ишонч билан бориб, эшиги тагига келганда яна нимадир журъатини ўғирлагандек бўлди, хавотирсирагандек эҳтиёт билан уйга кирди. Ҳовлига кириб биринчи кўрган нарсаси даҳлиздаги учи тўмтоқ қора ботинка бўлди. «Демак, у шу ерда, мендан олдин келибди» деди-ю, жавобга ўзини ҳозирлади. Шу аснода онаси уйдан чиқиб келиб, уни айвонга ишора қилди. Азизанинг юраги «шув» этиб кетди: демак, достон бошланган!

— Дадам келдиларми? — деди Азиза айвонга ўтгач. Унинг ранги бир оз оқарган эди. «Ҳа» жавобини олиши билан яна алланечук бўлиб кетди:

— Сизни уришдиларми? — деди онасига раҳми келиб Азиза ва онасининг юз-кўзига қаради. У хомуш эди.

— Нимага уришади? Даданг «Азизани кўрдим» деди, холос. Бир нарса бўлдими, айт қизим? Нега безовтасан?

— Бошқа ҳеч нарса демадиларми? — яна ўсмоқчилади Азиза.

— Йўқ! Ўзи нима гап? Кишини бунча хит қиласан, айтақолсанг-чи?!

Азиза яна азобда қолди. Очиқ-ойдин онасига айтай деса, бу кутилмаган ҳодиса уни ҳам турли фикрларга олиб бориши мумкин, айтмай деса, онаси қистаб қўймаяпти. Бундан кўра дадасидан эшитганда яхши бўларди, у вақт бунинг ёнига тушар, яккалаб қолган қизини ҳимоя қиларди, чунки киши доим заҳмат чеккан кишига раҳм қилади. Ҳозир эса, «даданг билса, нима бўлади, вой ўлмасам?» деб жим ётган илоннинг бошини қўзғаб қўйиши мумкин. Шунинг учун Азиза «ҳали тагига олиб кетаётгани йўқ, бир куни эшитар» деган фикр билан гапни чалғитди:

— Иккита-учта ўртоқларим билан хохолашиб келаётган эдим.

— Ҳа, болам, шунга шунча ташвишми! Сенга ўхшаб кўчада хохолашиб юрадиган ёшлар камми! Мен бир нарса бўлган эканми дебман.

— Нима бўлиши мумкин, ойижон?

— Ким билади, яна... — она у ёғини айтолмади, тўғриси, айтиши ҳам мумкин эмас эди, чунки у эрининг бундай нарсага муросасиз эканини биларди.

Азизанинг бу ёлғони эрталаб очилди. Дадаси кечаси айтибди. Азизанинг юраги яна кеча эшикдан кириб келганидагидек дук-дук ура бошлади. Дадасининг нима деганини ва нима хулоса чиқарганини билиб олмоқчи бўлиб ойисининг кўзларига термилди, уни кузатди. Ойисининг юзида аламнинг аччиқ изларини кўрмай кўнгли бир оз таскин топди. Шундай бўлса ҳам:

— Дадам нима дедилар, айтақолинг, ойижон?! — деди ва то онасининг оғзидан жавоб чиққунча нафаси қайтиб кетди. Она кулди:

— Кўрпа-ёстиғингни қоплай бер, деди.

— Бу нима деганлари?

— Қизингни тўй қиламиз дегани-да, нима бўларди, она қизим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўғ-э, наҳотки. Шундай дедиларми? Сизни тоза уришгандирлар «қизинг саёқ бўлиб кетибди» деб.

— Йўқ, йўқ, қизим. Индаганлари йўқ. Дадангга ҳам инсоф кириб қолди, тушунади. Лекин сенга менинг айтадиган гапим бор: ёшсан, ҳеч нарсани билмайсан, ёмон кўп ҳозир...

— Вой, унақа эмас, яхши йигит ойи! — Онасининг сўзини бўлди қиз.

— Эшитдим, эшитдим. Минг яхши бўлгани билан бегона, сўзига учма, ўзингни маҳкам тут!..

Сиркаси сув кўтармас дадасининг бунчалик «олижаноблик» қилиши жуда ғайри табиий, Азизанинг ақлига сиғмас эди. Азиза дадаси кеча кўриб қолмаганида ҳам бу сир бир куни очилишига кўзи етар, катта бир «қий-чув» билан газак олиб, кейин тинчишини, ўзининг кучи ва ҳаракати билан тинчишини кутиб юрарди. Бу тўғрида ўзининг режалари ҳам бор эди. Лекин бу «мудҳиш» воқеанинг бунчалик енгил кўчиши уни ҳайратда қолдирди. Аввалига «дадам менга ишонади» деб ўйлади, кейинидан бу ҳолни дадасининг замонага қараб иш тутаётганига, маданиятли бўлиб қолганига йўйди. Аслида бу иккиси ҳам эмас эди. Мирсалимнинг ўз режаси бор эди: бир хафтаки мактаб директори кетади, ўрнига Содиқ бўлади, деган миш-миш тарқалди. Тагини бундоқ суриштирса, жони бор, шундай тайёргарлик кетяпти. Содиқ ким? Қодирнинг акаси! Акаси бўлганда ҳам булар жуда бир-бирига меҳрибон. Мушаррафни рўпара қилиб, бир марта миннатдор қилиб қўйган бўлса, қудалиги нур устига аъло нур бўлади. Бунинг устига Қодир ҳам ёмон йигит эмас. Бир-икки гаплашганида яхши таассурот қолдирган, шу вақтнинг йигити бундан ортиқ бўлмайди! Тепасида оталик қилувчи қозиги маҳкам акаси бор. Онаси ҳам меҳрибон, ширин сўз кампир.

Мирсалим кеча Азиза билан Қодирни учратганда аввал бургадек бир сапчиб тушган бўлса ҳам, шуларни ўйлаб, нафасини ростлаб олди. «Қўлтиқлашиб юриш, ўзи гаплашиб тегиш, битта менинг бошимда эмас, юртга келган тўй!» — деди ва шундай турмуш қилиб тинчиб кетган ёшлардан бир-иккитасини эслаб кўнгли таскин топди, худодан ўшаларнинг йўлини сўради.

Азиза онасининг гапларини эшитиб, қанча хурсанд бўлган бўлмасин, янги унашилган қиздек дадасининг кўзига кўринишга ботинолмай бир ҳафта четлаб юрди. Буни дадаси «қизим юзимни ерга қаратмайди» деб тушунди, яна хотиржам бўлди, шундай бўлса ҳам хотинига: «Қизингга

айт, бошвоғини қаттиқ тутсин, ўз намига ўзи сирғалиб юрмасин», — деди. Хотини: «Вой, қизимиз унақа қуруқ хазон эмас, сал елга учадиган», — деб қизининг ёнини олган эди, Мирсалим силтаб берди: «Ўзингдан катта бир нарса деганда хўп де, шаталоқ отаверма».

«Хўп! Хўп, дадаси!» — деди бечора хотин ноилож қолиб.

Азиза онасидан эшитган хушхабарни ўша куниёқ оқизмай-томизмай Қодирга етказди. Кечаси билан гувалак устида ётгандек безовта бўлиб чиққан Қодирнинг кўзига олам яна ўз ҳуснини кашф этди, ҳатто аввалгидан серфайз ва кўркам кўринди. Шодлигини баён этишга сўз тополмасди. У Азизани уйига кузатиб келар экан, нуқул дерди:

— Ростданми, а, Азиза, ҳеч ишонгим келмайди. Кечаси билан «шу вақтда Азизаларникида нима бўлаётган экан?» деб ўйлаб чиқибман.

— Ёлғон! Ёлғон! Тилёгламалик қилмай қўяқолинг! Хуррагингиз бизникидан эшитилди. Ўз қулоғим билан эшитдим, — деди Азиза жўрттага.

— Ёлғон бўлса Карл Маркс билан Энгельс урсин! — қасамнинг бу янги хилидан иккаласи мамнун кулишди.

Одатдаги хайрлашадиган ерга борганда Азиза таққа тўхтаб: «Бас!» — деди.

— Яна озроқ, ҳу анави қайрағочгача кузатай! — деди Қодир ўша ергача кузатмаса ҳеч бўлмайдиган бир оҳангда. Азиза:

— Бугун бунча меҳрибонсиз! — деди-ю, йўлида давом этди. У Қодирнинг хурсандчиликдан ичган жиндай виносига ишора қилган эди.

— Қачон меҳрибонлик қилмовдим?

Азиза индамади. Садақайрағочнинг соясида тўхтаган Қодир Азизани гапга солиб туриб, ўзига тортди. Буни кутмаган Азиза шошиб, икки қўлини унинг кўкрагига тиради:

— Қодиржон ака, сизга нима бўлди... Биров кўриб...

Қодирнинг қулоғига гап кирмас, энтикиб уни ўзига тортар, Азизанинг қаршилиги шунчаки нарса эканини қалби билан сезиб турарди.

— Дод дейман! .. Қўйворинг! — дер Азиза, лекин ўзи ортиқча қаршилик кўрсатмай Қодирнинг бағрида кулиб турарди.

— Одам йигинг, қўрққан номард! — деди Қодир ва унинг лабига ёпишди. Қаршилиги астойдил бўлмаган Азиза ёлворишга тушди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Секинроқ, биров эшитади! — деди ва пайт пойлаб унинг бағридан чиқиб қочди: — Ёмон киши экансиз, энди ҳеч сиз билан учрашмайман.

— Учрашадиган кишингизнинг исмини айтинг, билиб қўяйлик, — тегишиб қолди Қодир. Азиза ҳам бўш келмади:

— Исмими? Исми майпараст Қодиржон!

Азиза елиб кетар экан, ҳилпиллаган этагининг шамоли Қодирнинг юрак чўғларини янада яллиглатарди. Ойсиз тун сокин ва оромбахш эди!

Қодир ўпиш мазаси лабида қолгандек тамшаниб қўйди.

9. ХУШОМАД ЗИЁФАТИ ВА АРЗ

Мирсалимнинг фикрича, кишилар кўнглига олиб кирадиган йўлнинг бошида арақ солинган шиша туради. Бу шиша кўп мушкулни осон қилади. Баъзан ақл ўргатадиган бир жилд китобнинг ишини яримта арақ бажариши мумкин. Мирсалим шундай яшаб келган эди, ҳали ҳам шу йўлни тўғри билади. Содиқнинг шиша билан бўлмаса ҳам, шиша турган дастурхон, такаллуф билан анча майлини олди. Жаннатни қўйдириб, Мушаррафга уйлантиришга муяссар бўлди, бағрига кирди. Мана бугун яна унинг бағрида қимирламайдиганроқ бўлиб олмоқчи. Бунга сабаб — Содиқнинг бундан бир-икки ой илгари директор қилиб тайинланиши эди. Аввалги директор билан апоқ-чапоқ эди, сал иложини топди дегунча Мирсалим шишага қўл узатарди. Шиша ўлгур шунақа кучли дорики, не-не доғларни ювиб кетади. Бўлмаса Мирсалимнинг нимаси кўп «иши чиқиб» қолиши, «касал» бўлиши, баъзан ота-оналарнинг унинг даґаллиги устидан арз қилиши кўп. Кечагина шунақалардан биттаси рўй берди. Яна бўлиши мумкин. Чунки дарс вақтида Мирсалим асабийлашиб кетадиган, арзимаган нарсага болаларни қаттиқ койиб синфдан қувиб чиқарадиган одати бор. Бирор ерда мўмайи учраб, кўпроқ тортиб қолган куни-ку, эртасига дарсни ўлди деяверинг!

Буларнинг давоси янги директор билан муомалани созлаб юриш ва шиша. Биринчиси бўлиб турибди, лекин иккинчисини анчадан бери рўёбга чиқаргани йўқ. Аввал Содиқни «чиллалик» деб безовта қилмади, кейин ўзининг юриши болалаб кетди. Шунда ҳам Содиқнинг тизгинини ўзича қўйиб юбормаган бўлиб «Содиқжон-чи, Содиқжон» қилиб турди, баъзан тегишиб «ёши қанақа бўлар экан, куёв бола» деб ишшайиб қўйди, кечқурун уйига келиб иккита қази билан битта катта пўстдумба юборди. Мана бугун Содиқни чақириб оғзини мойлаб қўймоқчи, бунга баҳона Мушаррафни чорлашга ўхшаган бир ўтириш.

— Сен Мушаррафни чақир. Яхшилаб дастурхон ясат! — деди Мирсалим ишидан қайтгач, «амал тўни»ни ечиб, қора беқасам чопонини елкасига ташлар экан. Хотининнинг ґаши келди. У Мушаррафни, жилпангламай ўлсин, Жаннатхон қанақа оғир-вазмин жувон эди, деб ёқтирмас эди, унга мулозамат кўрсатиш эса, яна оғир ботди. Бундан ташқари, шундай ёш бир нарсанинг капкатта кишига тегиши ҳам ґашини келтирар, эрининг ҳам унга ҳаваси келиб, патагига қурт тушиб қолганга ўхшарди. Бир куни Мушаррафни кўриб келиб, уни сочига оқ оралаб қолган Содиққа таққослаб, энсаси қотди, кечаси эрига деди:

— Унинг нимасини яхши кўради Мушарраф? Бурун лойтовоқдай ёши анчага бориб қолган бўлса...

Мирсалим эриб турган эди, хотининнинг бағрига қўлини юбориб, жавоб қилди:

— Сен билмайсан, жонгинам, баъзи хотинлар эркакнинг ҳуснидан кўра эркалашини яхши кўради.

Эрининг иссиқ қўли баданига хуш ёққан хотин:

— Содиқ ака яхши эркалайдиганлар хилидан эканми? — деди.

Мирсалим бу кутилмаган саволдан совуқ сувга шўнґигандек бўлди, буни «мўмин-қобил» хотинидан кутмаган эди. У бунақа сўзларн бегона хотинлардан эшитган, унда хуш ёққан, яна эшитгиси келган пайтлари бўлган. Лекин хотининикига чидолмади:

— Бас, оғзингни бепаровуз қилма! — деб жерикиб ташлади. Хотининнинг «эрим деб бир оғиз гапни ҳам яйраб гапиролмайман» дея хўрлиги келди:

— Ҳа, мунча, менинг оғзим қопми, боґлайсиз?

Меҳмон чақириш таклифи хотинига ёқинқирамаганини пайқаган Мирсалим эрталаб четдан айлантириб олиб келди:

— Ёшлигингда довучча терганмисан?

Хотин ҳайрон бўлди.

— Термаганмисан? Бошинг нимага қоронґи бўлган эди! Довуччагамиди?

— Ҳа, йўқ. Гилватага. Нима эди, айта қолинг?! Мунча резинкадай чўздингиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирсалим ўз кашфиётидан мамнун жилмайиб изоҳ бера бошлади:

— Мушарраф ўша довуччалик ўрикнинг бўй етадиган пастки шохи. Уни тортсак юқоридагисининг ўзи эгилиб келади. Тушундингми? Бурга тутишга ҳам бармоқни ҳўллаш керак, хотин! Тушундингми?

— Ҳа, тушундим, Содиққа хушомад деб қўя қолсангиз бўлмайдими!

— Бу хушомад эмас, тентак, одамгарчилик.

— Одамгарчилик ўлсин золдирга ўхшаб нуқул нишабга думаласа.

Мирсалим қараса, хотини яна чўзадиган, ниятига путур етказиб, ташвишга қўядиган. Дарров синалган одати — дўққа ўтди:

— Тушундингми?

Эрининг резинкадай чирт узилиб кетадиган феълини билган хотин дарров чўкди:

— Тушундим.

— Тушунган бўлсанг, ҳозирлигингни кўра бер! — деди Мирсалим буйруқ бериб ва уйга бурилар экан, яна дўнгиллаб қўйди: — Хотин кишининг узун тили уйга бахтсизлик олиб кирадиган зина, деб сенга неча марта айтдим! Йўқ, ҳеч қулоғингда турмайди, кишининг жаги-ни очирганинг очирган. Тавба!

Бу Мирсалимнинг сал туриб ярашишга кўрган тайёрлиги эди. Чунки, хотини аразлаб дастурхонни кўнгилдагидек тузатмаслиги мумкин. Шунинг учун уйдан кийиниб чиққач, очиқ чеҳра билан ҳазил қилган бўлди:

— Мушарраф бирам очилиб кетибди.

Хотин аламидан тушмаган эди, чақиб олди:

— Хоҳлаганини еб, ярашганини кийиб юргандан кейин, у очилмай мен очиламанми!

Мирсалим ўринсиз ҳазилидан пушаймон еди.

— Тилинг кесилсин, тўғри гапга ҳам қилич бўлмай!

— Ҳавасингиз келдими, сиз ҳам ёшроғига уйлана қолинг.

— Қани эди! — кўнглидаги рўёбга чиқаётгандек тиржайди Мирсалим.

— Ёқмай ўлсин! Сиз эркакларда уят борми, ишшайганга илиқасизлар... Бўйи етган қизингиз бўлса...

Хотинининг ўз тақдирига хўрлиги келди шекилли, кўзига ёш олди.

— Вой тентак, ҳазил-ку! — юпатди хотинини Мирсалим куйдирган калладек ишшайиб.

— Дилингизда бўлмаса тилингизга чиқармиди.

— Менга ўхшаган ит гажиган суякни бошига урадими. Ҳаммаси тилда, хотин.

Хотин ишонч ҳосил қилгандек баланд келди:

— Қани қилиб кўринг, нақ соқолингизни битталаб юлай.

— Қорасинимми? — деди Мирсалим қўш хотинлик афанди ҳақидаги машҳур латифани эслаб.

— Ҳаммасини ҳам! — деди хотини бунга тушунмай.

— Бўлди! Бўлди! Унар-унмасга диққат бўлиб, кишини қийнама. Мен Содиқникига бориб келаман.

Мирсалим бошидан сурма ранг дўпписини олиб, кизагини чўзди-да, қайта кийди, нимадир демоқчи бўлиб туриб, кўча эшикка қараб юрди. Бирдан орқасига бурилиб:

— Тушундинг-а! — деди. Бу савол эмас, таъкидлаш эди. Хотини яна эрининг дафтарини очтирмаслик учун бошини сал силкиб маъқуллаб қўя қолди.

Мирсалим Содиқнинг эшигида Мушаррафни учратди. Келин қошда ўсма, кўзда сурма, жиякли атлас лозимда сувга чиқиб келарди. Унинг ҳар қадам босишидан «менга ҳавасинг келсин, мен шунақа чиройлиман» деган маъно ёгилиб турарди. Мирсалим кўнглида «яна очилиб кетибди-ку!» деб қўйди, вужудининг аллақаери жимирлаб кетди.

Мушарраф келинга хос назокат билан салом бериб сўрашди. Унинг ўз турмушидан мамнунлиги кўзининг табассум билан ёнишидан тортиб, челак тутишигача, ҳаммасида ошкор кўриниб турарди. Мирсалим буни фаҳмлаб, «ёшга уйланиб Содиқ ютган, десам, аксига ўхшайди-ку! Нуқсони эрсизлиги экан-да!..» деб кўнглидан ўтказди. Мушарраф «менда ишингиз йўқми? Йўқ бўлса, нозимда куйинг» дегандек хушнуд жилпанглаб турарди. Мирсалим сўради:

— Содиқжон уйдами? Нима қиляпти?

— Ҳовончада сув талқон қиляптилар.

— Қодиржон-чи? — Мирсалим ҳам ҳазиллашди.

— Қодиржонми? Қодиржон ҳўкиз боласини ов қилгани кетган.

Мушарраф «яна ким керак сизга?» дегандек жилпанглаб турган эди, Мирсалим Содиқнинг чиқиб қолишидан ҳадиксираб, ичкарига кирди.

Бу — Содиқ яқинда кўчиб кирган, европача солинган, тўрт хонали, олдида боғчаси ҳам бор ҳовли эди.

Китоблар полига бетартиб уйиб қўйилган хонада

www.ziyouz.com kutubxonasi

Содиқ нимадир ёзиб ўтирарди. Мирсалимни кўриб ўрнидан турди, қўлини олди.

Содиқ қилиб ўтирган ишидан жуда хурсанд ва мамнун эди. Ана шундай хурсандлик билан Мирсалимга гап ташлади:

— Омади келган кишисиз-да, айни вақтда келдингиз. Сайловчилар билан бўладиган суҳбатингиз учун яхши бир материал топиб қўйдим.

Мирсалим қилган илтимоси эсига тушиб жуда қизиқди:

— Хўш-хўш?

— Шу йил бошида Ўзбекистон ССР Конституциясини қабул қилган фавқулодда шўролар VI қурултойини Тошкент хотин-қизларининг вакиллари табриклаган эди. Шунда бир хотин жуда чиройли гапирган эди. Ана шу нутқни топдим. Мавжуда Абдураҳмонова номзоди рўйхатга олинган бизнинг округга жуда кетади. Мана буни қаранг, ҳақиқатан ҳам, жуда қизиқ материал. — Содиқ стол устидан ёзганини олиб ўқиди: «Тошкентда ўттиз минг ўзбек хотин-қизлари саводсизликни битириш курсларида ўқимоқдалар. Улар «ўқиган — гулистон, ўқимаган — гўристон» деган мақолни эсга олиб, шу йил Тошкентни ялпи саводхон шаҳарга айлантиришга сўз бердилар... Илгари «ўнта хотин бир қозон қайната олмайди» дер эдилар. Қандай кулгили сўзлар! Нафис ва гўзал сўзаналар тикиб турган бу қўллар милтиқ тутишга ҳам тайёр. Машина ва станоклар бошида турган қизларимиз отларга миниб, бир томчи қонлари қолгунча севимли Ватанимизни ҳимоя қилурлар», — Содиқ ҳамсуҳбатига қаради — жойидами?

Мирсалим маъқуллаб, бош силкиди:

— Назаримда, шу қурултойда паранжи ҳақида ҳам гап бўлган эди.

— Тўғри. Ана шу вакиллар қурултойдан паранжи ёпинишни тақиқлаш тўғрисида декрет чиқаришни, қизларни 16 ёшда эрга бериш тўғрисидаги эскирган қонунни қайтадан кўриб чиқиб, 18 ёшга етказишни сўраганлар. Мана, ҳаммасини ёзганман. Марҳамат!

— Ўзингиз-чи?

— Ўзимга ҳам бор. Сайлов ташвиқотини жонли фактлар билан шундай олиб бориш керакки, конституциямизнинг жаҳонда тенги йўқ демократик ва инсонпарвар конституция экани, шу қонун асосида сайланадиган депутатлар халқ хизматкори бўлажагидан ҳар бир сайловчи қаноат ҳосил қилсин.

— Бунинг учун сизга ўхшаган кишиларни сафарбар қилиш керак, — хушомадомуз илжайди Мирсалим.

— Сиз ҳам чакки эмассиз.

Мирсалим Содиқ узатган қоғозни буклаб, ёнига солар экан, «шунақа материалим камроқ эди», деб яна илжайди. Кейин Содиқ яқинда кўчиб кирган бу уйнинг у ёқ бу ёғини қандайдир бир кузатиш билан кўздан кечириб, деди:

— Шу уйни сизга беришиб жуда яхши қилишди, узукка кўздек яраши! — Лекин бу «текин уй»га ғайирлиги келаётгани қўй кўзларининг тубида кўриниб турарди. «Ёш хотин. Директорлик. Яхши ҳовли-жой! Берганга қўшалоқлаб...» деб янди ичида. Аммо тили мойланган пирпиракдек айланар эди:

— Биз ҳам уйда ёлғиз. Зерикамиз. Келин пошша билан эртага бир бизникига боринглар.

— Эртага... — ўйлаб қолди Содиқ, — аввал сизлар келинглар.

— Биз келиб турибмиз... Тўйда шу ерда эдик.

— Эртага боролмасмиз. Мушарраф бир нарса деяётган эди. Қани, мен ўзидан... — Содиқ ташқарига чиқиб кетди. Мирсалим кетидан ўйлади: «Мушарраф қўлига заҳчадек қўндириб олибди-ку ҳалитдан!»

Олдин Содиқ, салдан кейин очилиб-сочилиб Мушарраф кирди.

— Мирсалим акам овора бўлиб ўзлари айтиб келган бўлсалар у ёқни қўя қоламиз.

Мушаррафнинг «Мирсалим акам!» дегани унинг қулоғига шундай хуш ёқдики, «сенинг шу тилинг учун кунда айтиб келишга тайёрман, акаси» деб юборишга сал қолди, ўрнидан бироз туриб миннатдорчилик билдирди:

— Бошим осмонга етди, раҳмат келин!

Мирсалим, ови ўнгидан келган овчидай уйига хурсанд қайтди. Лекин Содиқнинг бахти унинг юрагини ўртаб юборган, кўнглида қандайдир нотинч ғулув уйғонган эди.

— Қалай, келишадиган бўлдими?

— Ҳа, келишади. Бошқа жойга ваъдалари бор экану, Мушарраф: «Мирсалим акам ўзлари овора бўлиб келибдилар, олдин шу кишиникига борамиз», деб туриб олди, — мақтанди Мирсалим.

Хотинининг назарида, Мушарраф кунда меҳмонга борадигандек кўринди:

— Мунча меҳмонга боришни яхши кўрмаса! қариса

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшик санаб юрадиган хотинлардан бўлади шекилли. Ҳозирданоқ қайнанасини ҳеч нарсага бийлатмай қўйганмиш. Уял, кеча келиб, бугун шунақа қилишга.

Бахтли хонадоннинг уйидан ўтган бу чакка Мирсалимнинг ғараз билан ёниб турган юрагига малҳам бўлиб томса ҳам, сир бермасдан хотинини қайирди:

— Унчалик эмасдир. Сен кўчадаги гапни ичкарига олиб кирма, эшитган қулоққа хунук!

Содиқ айтилган вақтда Мушарраф билан келди. Эшикда икки букчайиб кутиб олган Мирсалим Мушаррафнинг кийинишини кўриб: «Яна хотинимдан балога қилдим!» — деб қўйди. Мушаррафнинг бағрига шамол тегиб қолган эди. Оёғида баланд пошна амиркон этик, унинг қўнжи атлас лозим устидан ипак пайпоқ кийган чиройли болдирини сиқиб турарди, шу кунларда энди расм бўлган гулдор крепдешин кўйлак тақимга шамол елпиб, таранг кўкрагига ҳусн бахш этарди. Бошидаги чамандагул дўппининг жиягига майда сочларининг чиройли жингалаги тармашар, пардоз билан нурланган оппоқ юзда қоп-қора хол янада ўзгача қорали кашф этган. Чаккасидаги жувон гажаги минг бир ноз билан қулоғига нимадир шивирларди.

«Кеча кўрганим ҳам бир нави экан», деб кўнглидан ўтказди Мирсалим ва Мушаррафдан анқиган яхши атир-упаларнинг ҳидига маст бўлиб уйга йўл бошлади. Уй остонасида кутиб олган хотини кечаги гина-кудуратларни унутиб, очиқ юз билан меҳмонларга салом берди, Мушарраф билан қучоқ очиб кўришди.

Мирсалим уларни уйга, уй эмас, чиройли бир қўғирчоқхонага таклиф этди. У эски, бурун солинган бўлса ҳам, замонга мослаб ислоҳ қилинган. Тоқининг устига фанер қопланганидан гулдор шипи паст бўлиб қолганга ўхшайди. Рўпарадаги қўшалоқ тахмонга шкаф қилинган, бирининг ойнасидан духоба, атлас кўрпа, якандоз ва жилти синькага солинган парқув ёстиқлар кўриниб турибди, иккинчисига кийим-бош осилган. Токчалар камайтирилиб, уларга ҳам жавон қурилган, ичига идиш-оёқ қўйилган, қопқоғи тўнтариб терилган ҳаво ранг чойнакларнинг биттаси жўмрагига каттакон хитой қоғоз гули тиқилган. Яна битта токчада оқ рух самовар «мен савлатман» дегандек ярқираб турибди. Ҳамма тахмон-токчалар қулф-калитли. Токчалардан холи деворга қизил оёқ гилам осилган. Унинг тепасида иккита сурат бор, бири Мирсалимнинг ёшлигида тушган чақмоқ телпакли, иккинчиси Азизанинг шу кунларда тушган сурати эди. Кира беришда, чап томонда обрез бўлган бўлса

керак, пол қоқилганда унга қопқоқ қилингани кўриниб турибди.

Буларнинг барчаси сепсиз эрга теккан Мушаррафнинг кўзини ёндириб юборди. У эрининг оёғини стол остидан аста босиб, «кўряпсизми, кишиларнинг уйи қанақа» деган ишорани қилди. Содиқни эса, Мирсалимнинг китоблари қизиқтирарди. Унинг назарида, «Бобирнома» каби антиқа китоби бор одамнинг бой кутубхонаси бўлиши шарт. Китобларни қаерда сақларкин? Бегона кўздан четроқда тутар экан-да!

Мушарраф шкаф-тахмондаги кўрпа-ёстиқларни санаб, суқланиб, деворда чўғдек ёниб турган гиламга назар ташлар экан, қайнанаси билан бўлган ҳангома эсига тушиб кетди. У бир куни полдаги гиламни қоқиб-тозалаб, деворга осар экан, Адолат хола «қўйинг!» деб розилик бермагандек бўлди. Шунда Мушарраф «маданият» деган, ҳола эса «маданият шу бўлса ўлсин, жон болам, оёқ остидаги гилам деворга, киши бошига осилса», деб кулган эди.

Мушаррафнинг кўзлари ёниб томоша қилишидан Мирсалим жуда мамнун, лекин Содиқнинг бепарволигидан ҳайрон эди. Шунда Содиқ кутилмаган саволни бериб қолди:

— Китобларингиз қаерда? Токчаларингиз китоб қўядиган экан!

— Китоб... китобларни... китобларимни нариги уйда сақлайман.

— Болалар титмасин дейсиз-да?

Гарчанд уйда майда болалар бўлмаса ҳам, Мирсалим эвини топди:

— Ҳа, албатта! Қариндошлар, Азизанинг ўртоқлари келиб туришади...

Йўқ китобларни бор қилиб, Содиқни ишонтирганидан кўнгли таскин топган Мирсалим, меҳмонларни дастурхонга қистади, гапга чалғитди.

Меҳмонлар ўтириши билан хотини Мирсалимга кўзини ташлаб, «фотиҳа қилиб юборинг» ишорасини қилди. Мирсалим пайти келганини билиб, қўлини очди, кетидан қўшди:

— Янаги йил шу пайтларда учта бўлиб келинглар.

Содиқ ўнғайсизланди.

Сал ўтмай Мирсалим битта коньяк, битта винони тўртта рюмка билан келтириб ўртага қўйди. Хотини эса, уй-жойдан нолиб, эрини ношудликда айблар эди.

— Қизимизнинг бўйи етиб келяпти. Шу ерда тўй қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўладими? Асти рози бўлмасман. Олдин яхши жой қиласиз! Шартим шу! Эшитдингизми, дадаси.

Мирсалим индамай коньякни усталик билан очди. Аввал Мушаррафга қуймоқчи эди, Содиқ қайтарди.

— Бўлмаса, винодан.

Қадаҳларга қуйилиб бўлгач, Мирсалим ҳамон булбулигўёлик қилаётган хотинини қайирди:

— Бўлди! Бўлди! Содиқжон уй тақсимот қилмайдилар. Қани, рюмкангни ол, Мушаррафхон билан уриштир, қўшалоқ ўғиллар ният қил.

— Сиз шунақа дейсиз-да, одамлар уй-жойга қарайдиган бўлиб қолган, — деди хотини рюмкани ола туриб.

Мирсалим Содиқ билан уриштирар экан, деди:

— Нафсамбирга қараганда бу уй эмас. Сизларники — бу бошқа.

— Алмашамизми? — деди Содиқ. Мирсалимнинг ҳаваси келаётганидан атайлаб.

— Туф-туф-туф! Ўзингизга буюрсин, азизим, — Мирсалим «шу сўзингиз ерда қолсин» деган мазмунда бир чеккага туфурган бўлди, қадаҳини жиринглатиб уриштирди. Бир хўплаб ерга қўйган хотинига тегишди:

— Сени ҳеч маданиятли қилолмадим-да! Ана Мушаррафхонни кўр, симирди-қўйди.

— У киши ёш, ичса ярашади...

Мирсалимнинг меҳмон чақиришдан мақсади ўзининг яна бир фазилатини кўрсатиб қўйиш бўлганидек икки рюмкадан ичилгандан кейин, ғилофи билан қозиқда осиғлиқ турган танбурни олиб, «созли тордан нозли куй чиқади» дегандек зерикмасдан созлади, «нима чалиб берай!» деб сўради, лекин жавоб кутмасданоқ, «Чаман йиғлар» куйини бошлаб юборди. Чиндан ҳам у танбурни яхши чертарди. Умрида биронта музика асбобини қўлида тутмаган, лекин музикага жуда ишқибоз Содиқ завқланиб тинглади. Икки рюмка винони охирги томчисигача симириб, кўзлари чарақлаб, юзлари яна бир кўрк кашф этган Мушарраф-ку, аллақачон маҳлиё бўлиб қолган эди. Мактабдалигида шунча урениб, дуторда «Вақвақа тўрам»дан бошқасини ўрганолмагани ҳали-ҳали алам қиларди. Бирорта музика асбобини чалишни билган одам, унинг назарида, дунёда ҳеч армони йўқдек бўлиб кўринарди. Чунки бундай одамлар қайғудан бегона, сал юраги сиқилса куй билан ёзади! Ўзи билмаганига яраша эри чалса кошки эди!

Икки машқдан кейин Мушарраф яна бирор нарса чалиб беришни ўтинди.

— Ё энди сиз оласизми? — деди эрига тегишиб.

— Панжа йўқ, — кулгига олди Содиқ.

— У кишиникининг хизмати бошқа: ов милтиқнинг тепкисини яхши босади, — деди Мирсалим Содиқни ҳимоя қилиб.

— Чиройли хат ҳам ёзади денг! — деди Мушарраф ҳазилидан алланечук бўлган эрига ялпоғланиб. Лекин бу сўз бадхат Мирсалимга тегиб кетган эди. Унинг жиззаккилиги тутди:

— Буни сиз яхши биласиз. Бизларга ҳеч хат ёзмаганлар.

Мирсалим «мен сени биламан, тўйинггача тоза донлашгансан» деб таъна қилмоқчи эди, уни Мушарраф шундай тушунган бўлса-да, бошқа ёққа бурди:

— Албатта! Бирор ёққа кетсалар тез-тез хат ёзадилар. Тўғрими, Содиқ ака?

Содиқ жавоб қайтармади. Хотинининг бачканаликлари ғашини келтирган эди. Содиқнинг бу ҳолатини Мирсалимнинг хотини фаҳмлаб, «бас қилинг» дегандек, стол остидан эрининг оёғини босди.

Мирсалим дарров ўзини ўнглаб, танбурни чертди. Лекин аввалги завқ билан куй таратмас эди...

Мирсалим Мушаррафнинг бу қочириғини меҳмонлар кетгандан сўнг ҳам унутолмади. «Директорнинг хотиниман. Шу ҳушингга келадими?» дегандай бўлиб, жилпанглашига асти чидамас эди, унга алам қиларди.

* * *

Директор қилиб тайинлашгандан кейин, Содиқ аспирантурага кириш ниятини эндиги йилга қолдирди. Гарчанд унинг бу шаҳарга кўчиб келишдан бир муддаоси шу бўлса ҳам, райкомга чақириб айтишгач, «Партиянинг иродаси шу бўлса розиман» деди-ю, ўзига хос шижоату, куч-қувват билан ишга шўнғиб кетди. Иш тиғиз пайтларда кечқурун қолиб ишлади. Ана шунга ҳам талайгина вақт бўлибди. «Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида ишлайдиган бир-икки ўқитувчининг кўнгли олинганини ҳисобга олмаса, кўпчилик ундан хурсанд. Буни коллективда ташаббус уйғонишидан, ўқиш-тарбия сифатининг яхшиланишидан кўриб турибди.

Содиқ шуларни хаёлидан ўтказиб ўтирар экан, кабинет эшиги тақиллаб қолди.

— Мумкинми? — эшик тирқишидан хотин кишининг боши кўринди. Содиқ ичкарига таклиф этса ҳам у

www.ziyouz.com kutubxonasi

киришга тортинарди. Содиқ ўзи бориб, эшикни кенг очиб уни ичкари киритди-да, яна ёпиб қўйди, хотинга жой кўрсатди:

— Келинг!

Хотиннинг бутун вужудидан маҳзунлик ёғилиб турарди. Салқиб тушган қовоқлари уйқусиз ўтган тундан хабар берса, маъюс кўзлари «забун бир ҳаётнинг гувоҳиман» деб ўксирди.

Хотин бошидаги рўмолининг учини ҳимариб туриб, сўзлаш ўрнига йиғлаб юборди:

— Ўлар бўлсам ўлдим. На менга, на болаларга тинчлик бор, — икки куннинг бирида дилсиёҳлик. Чой қайнатсам ҳам тагига олдирдинг, деб жанжал. Сиз ўша бир койиб қўйганингиздан кейин анча тузук бўлиб қолган эди, кейин... сиздан кетгандан кейин яна...

Содиқ хотинни энди таниди. Унинг эри Фаҳриддин Шукуров аввал шу мактабда муаллим эди. Анча шалоқ. Хотини у энди директор бўлган кези ҳам арз қилиб келган, шунда эри билан яхшигина гаплашиб, тўғри йўлга солиб олган эди. Лекин бу тўғри йўлдан юришга унинг бардоши етмади, оқибат, яқинда бўшатиб юборишга мажбур бўлган эди. Демак, яна эски изга тушиб олган.

— Нима дейди, бирор мақсади борми? — аниқламоқчи бўлди Содиқ.

— Мақсадини айтмайди, излагани жанжал, топгани уриш. Бир кун рўшнолик йўқ. На ичганимда, на еганимда ҳаловат бор. Ўлар бўлсам ўлдим. Болаларга жабр бўлиб кетди. Ўзингиз бир нарса демасангиз... сиздан ҳайиқади.

Содиқ ҳайрон бўлиб, қўлини энгагига тиради. Пичоқ суякка тақалган бечора хотинга ширин сўзлаб, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб юборишнинг қизиғи йўқ. У маслаҳатга эмас, ёрдамга муҳтож. Ёрдам қилиш учун эрига учрашуви керак. Эри бўлса, ҳозир бошқа мактабда ишлайди. Модомики, ўзида ишламас экан, унга бир сўз айтиш ноқулай. Шармандага шаҳар кенг — уни беҳурмат қилиб қўйиши мумкин. Лекин Содиқ унинг беҳурмат қилишидан чўчимади, шундай бўлса-да, маслаҳат солди:

— Нима қил дейсиз, синглим?

— Сиздан ҳайиқади... Инсофга чақириб қўйсангизмикин...

— Кейин, арзга борибсан демайдими?

— Ўтган сафар индамовди.

Хотиннинг бу жавоби Содиққа яна далда берди. Шундай бўлса ҳам, хотиндан бутун воқеани суриштириб

олди, хотиннинг ўз камчиликларини ҳам айтиб, маслаҳат берди.

— Қарс икки қўлдан чиқади, синглим, сиз ҳам ҳадеб тиклашаверманг. Инсон тили ҳар қандй ханжардан ўткир! Севдирадиган ҳам тил, бездирадиган ҳам тил.

— Вой, айланай, ўн сўзидан биттасига жавоб қайтарсам, дунёга ўт кетади-ку! Сўз бошламасимдан «гапингдан тутун ҳиди келади» деб оғзимга уради. Яна ўзидан эшитарсиз-ку, чўғни қоғозга ўраб бўлармиди!

Хотин яна болаларига жабр бўлганини, дадаси эшикдан кириши билан даг-даг титрашларини айтиб, йиғлаб юборди.

— Худойимдан ўргулай, тилаганга бола бермайди, безганга қўшалоқлаб...

Хотиннинг бола ҳақидаги гапи Содиққа қаттиқ таъсир қилган эди. У, шу болалар ҳаққи ҳозир хотиннинг эри билан гаплашишга қарор қилди. Хотинни эшиккача кузатиб, соатига қаради. Телефонда унинг мактабда борйўғини суриштирди.

— Кетиб қолмасин, мен ҳозир етиб бораман, — деди. Поездга чиқаётган одамдек шошилинч билан эшикка отилди.

Туянинг пайпоғи, отнинг одими улкан дегандек, Содиқ от юриш қилиб «бегона» мактабга етиб келганини билмай қолди. Дарвоза ёнидаги кичик эшикдан кириши билан, болаларнинг қий-чуви «шу ер мактаб!» деб турарди. У девор остига ётқизилган гишт йўлкадан борар экан, ўйларди: нимадан гап бошлашим керак. Шундай гаплашувим керакки, сиҳ ҳам, кабоб ҳам куймасин. Албатта хотинининг ҳамма гапи рост эмас, арзга борган доим қўшиб-чатади, ўзи истамаса ҳам алам ва жаҳл шунга мажбур этади. Аввал эрининг улфатларини билиш керак, яхши яхшига ёндаштиради, ёмон йўлдан адаштиради.

Лекин Содиқ айтгандек бўлиб чиқмади. Содиқнинг келаётганини эшитган Шукуров қисқа бўйнини чўзиб, олдинига «менинг аравамга шатак керак эмас», деб жўнаб қолмоқчи бўлди. Мактаб илмий мудири жавоб бермагач, «шу одам ҳам ҳар нарсага човлисини сола беради-да», деб бир оз бўшашди. Кейин яна тажанглашди. Кўзи уришқоқ хўрознинг тожисидай қонга тўлди. Худди шунинг устига Содиқ кириб келди. Самимий кўришиб, энди мулойим гап бошлаган эди, бургадек сакраб тушди:

— Содиқ ака, худо хайрингизни берсин, менга

www.ziyouz.com kutubxonasi

оталик қилманг. Ҳар қанча насиҳат бўлса отамдан олиб қолганман.

— Йўқ, эшитасан! — деди қатъий қилиб Содиқ ва баланддан келди: — Гап ёлғиз сенинг оиланг ҳақида эмас, совет ўқитувчисининг ахлоқи ҳақида. Тарбиясиз киши бошқани тарбиялай олмайди. Ахлоқдан лоф уриши пуч.

Шукуров кўрса, Содиқ қалтис жойидан олди, куч эгмаганни сўз эгадиган. Бирпасда ели чиққан пуфакдек бўшашиб тушди.

— Уйдан безибман. Уйда ўтирсам юрагимни биров сандиққа солиб, қулфлаб қўйгандек бўлади. Хотинимнинг ҳатто кулгани ҳам кўзимга хунук кўринади.

— Сен чучмал гап қилма, — деди Содиқ уни ўзига яқин тутиб. — Бу ҳаммаси ичкиликнинг оқибати. Асабларингни бўшаштириб юборди. Нима, хотин қўймоқчимисан, бешта боласи билан-а! Одамларнинг юзига қандай қарайсан? Қадамингни ўйлаб бос, бола, жар ёқасига келиб қолибсан. Эр хўрлиги — ер хўрлигидан ёмон! Тўғри бўлсанг, соянг эгри тушмайди, ўзингни оқлама! Ахир мен сени энди кўраётганим йўқ.

Шу кейинги жумла Шукуровнинг эсига анча нарсани туширди: худди шундай масала юзасидан унинг тили бир куйган, гарчанд мактабдан қувилмаган бўлса ҳам, «ўз хоҳиши билан» бўшаб қочган эди. Мана ўша унга таниш узун қўл ҳозир ҳам унинг гирибонидан тутиб турибди. У, бу мактабда яна масала қўйдириши мумкин.

Қўйдирибгина қолмай, ўзи иштирок этиши, астарааврасини ағдариб ташлаши турган гап. Ана шундан кейин у Содиқни меҳрибонлиги, оиласининг ғамини еганлиги учун эмас, ундан қўрққанидан тилёгламалик билан ҳурмат қила бошлади. Айбини бўйнига олди, узр сўради, гап орасида «янгам ҳам келинингизга жиндай насиҳат қилиб қўйсинлар, қуш тилига қуш дарров тушунади», деди. Лекин қўйнига каттагина алам тоши солиб олди. Ичида «хаф сенимн, тўхтаб тур!» деб қўйди.

10. МИРСАЛИМ МУШТУМИНИ ТУГДИ...

Ҳамма гап Мирсалимнинг бир ҳафта йўқ бўлиб кетишидан бошланди. Унинг устидан рапорт кўтариб кирган илмий мудир: «Бу ҳолва, бундан қизиқлари ҳам бор» дегандек гап қилиб, Мирсалим доим директор қаноти остида яшаб келганидан арз қилди ва «мана энди сизнинг ўтинингиз билан кириб, кулингиз билан чиқиб

турибди»га гап келтирди. Ҳеч қачон қаноти остидан бундайларга паноҳ бермаган Содиқ учун бу оғир гап эди. Демак, Мирсалим уни қора тортиб ўқиш-тарбия ишига путур етказяпти. Бу яхши эмас. Бунга Содиқ муроса қилолмайди. У Мирсалимнинг қайтишини кутиб, дастлаб ўша илмий мудирнинг ўзи билан бафуржа суҳбатлашмоқчи бўлди.

Содиқ, «Дарсдан кейин қолинг, озгина гап бор», деганда сал ҳуркиган илмий мудирнинг кўнглидан турли гап ўтди. У дўсти Мирсалим устидан арз қилганим аччиқ данакдек меъдасига ботмади шекилли, деб ўйлади, лекин айттан сўзидан қайтмоқчи эмас, аксинча, бутун тафсилоти билан фош қилиб ташламоқчи бўлиб директор олдига яна кириб борди. Директорлик креслосида ўтирган Содиқ ўрнидан туриб, пастга, илмий мудирнинг ёнига ўтди.

— Боя гапимиз чала қолгандек бўлди, — дея сўз бошлади Содиқ. — Назаримда, сиз Мирсалим акани менга яқин тутиб, баъзи гапларни ямладингиз. Менинг у кишига яқинлигим рост. Мен бу шаҳарга келганимда қаршимга илк салом бериб чиққан ва одамгарчилик қилган шу киши бўлди. Ҳали ҳам борди-келдимиз бор. Лекин бу, уни ҳар вақт ҳимоя қиламан, мактаб эшигига мих қоқиб кетса ҳам индамайман, деган гап эмас. Мени директорликка тайинлашганда, аллакимларни паноҳингда тут, пешонасини сила дейишмаган, дейишмайди ҳам, дейишган вақтда мен мактабни олмас ҳам эдим. Менга, ўша ердаги ўртоқлар билан мактабни кўтар, дейишган. Сиз билан менинг виждон бурчимиз ҳам шу. Сиз билан биз бир дарахтмиз, ҳуснимиз бўйимизда эмас, мевамизда, мевамиз шу болалар. Демак, шундай экан, кечаги гапни батафсил гаплашсак дейман, токи Мирсалим акани нуқсони газак олиб кетмаса, вақтида олдини олсак.

Илмий мудир Содиқдан бунчалик гапни кутмаган, ўз дўстини силаб-сийпаб қўя қолар, деб ўйлаган эди. У Содиқнинг гапини кўнглида муҳокама қилди, муҳокама қилган сари тузланган гўштни чайнагандек тагидан мазаси чиқиб келарди. Унга қанот битди. У ҳам очиғига кўчди:

— Мирсалим аканинг мактаб ишига ёзда қўли совуқ қотади! Қачон кўрсак кимнингдир пинжида, тош бўлиб сув оққан томонга думалайди. Бир нарса деб бўлмайди, директорнинг қўлтиғидан бошини чиқариб илжаярди. Ҳозир ҳам кишилар шундай фикрда, кечирасизу, «Содиқ акани уйлантирган тўйбоши ҳам — шу, директор қилган далолатчи ҳам — шу» деб қарашади. Маорифдагиларга ҳам ювош мушук бўлиб юмшоқ суркалгани суркалганда!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мавқеи пастроқни-ку, кнопка қилиб босиб юборишга тайёр!

— Дарси қалай? — деди Содиқ суҳбатни Мирсалимнинг ишига бурмоқчи бўлиб.

— Дарси кам, сифати миёна. Лекин қачон кўрсанг, илм дўлана эмас, ўзи гуллаб, ўзи пишса, у — анжир, парвариш талаб қилади, деб юради. Болаларга баҳо қўйишда жуда серҳиммат. Лекин афсус, баҳо билимнинг мезони деб тушунмайдиганлардан, Сиз келмасдан сал илгари икки боланинг ўзига эмас отасига қараб баҳо қўйибди.

— Бу нима деганингиз?

— Отаси ўртоғи экан.

— Бу ахир... — Содиқнинг нафаси сиқилиб келди, нафрати уйғонди.

— Гап шунда-да! Кейин, кўп «ишлари чиқиб» туради. Бир-икки дарсларига ўзингиз кириб кўринг, бўлмаса, менинг гапларим жуда ғийбатга ўхшаб кетди.

— Бу ғийбат эмас, иш юзасидан шундай гаплашмасак, ундан нима бўлади. Йўқ, сиз бемалол гапираверинг.

Лекин илмий мудир бошқа гапирмади «мана, мен дардимни айтдим, давосини қани, сен қандай топар экансан», дегандек унинг оғзига қараб турди. Хайрлашиб чиқиш олдида:

— Кўпларнинг оғзини боғлайдиган унинг дастурхони! Илдизи чуқур! — деб қўйди.

Бу гап Содиққа «сен ҳам дастурхонига учма» бўлиб эшитилди, ичидан зил кетди.

Содиқ яна бир нечта ўқитувчилар билан суҳбат қилди. Бири: «Мирсалим ака мактабга дарс бериш учун эмас, кўриниш беришга келади. Дарсига инқиллаб кириб, болалардан нолиб чиқади. Дарсидан бошқа мактаб ишини тан олмайди, ёзда қўлини совуқ сувга ургани эринади» деса, бошқаси эса уни тўлдирди. «У киши тошбақа эмас, товуқ. Тошбақа мингта тухум қўйса ҳам индамайди. Товуқ битта тухум қўйиб оламни бузади». Яна бири: «Мирсалим аканинг тили билан дили бир эмас. Ёлғонни чин, чинни худо урдириб гапиради. Лекин маишати зўр, дастурхони — қалқони! Мактабдан оладиган билан бундай яшолмайди!» — деди.

Содиқ ўртоқларнинг сўзи билан ўзининг кўрган билганларини чағиштирди: уларнинг гапида жон бор. Коллектив уни хуш кўрмайди, тўғриси, у коллективга қўшилмайди, бир поғона юқори юради. Шунинг учун унинг нуқсонлари бўртиброқ кўринса ҳам ажаб эмас.

Содиқ Мирсалимдек эски муаллимнинг аравадан тушиб қолишини истамасдан, турли тадбирлар ўйлаб юраркан, унинг келганини эшитди. Уйга қайтса Адолат хола:

— Мана буни Мирсалим ўртоғинг бериб юборибди! — деб олдига иккита катта сур тўш қўйди. Тузи юзига тепиб, мойи сарғайиб кетган тўш иссиқдан йилтилларди. «Буни менинг оғзимни мойлаш учун юборган, албатта», деб ўйлади Содиқ ва ўзини жуда ноқулай аҳволда ҳис қилди. Қайтариб юборай деса, онаси билан Мушаррафга нима баҳона топади-ю, Мирсалим қандай тушунади? Олиб қолса, эшитган қулоққа хунук. Ўқитувчиларнинг юзига қандай қарайди?

Бу орада Мушарраф луқма ташлаб қолди:

— Қаёқдан топаркин бунақа тансиқ нарсаларни? Тунов кунги қазисини қаранг: оғзингга тушмай эрийди-я!

Бу луқма Содиқнинг тилини боғлаган эди:

— Бир четга олиб қўй, нима қилиб бу ерда ётибди, — деди ижирғаниб.

— Айтинг, тунов куни уйида олдимизга қўйганига ўхшаган қазидан бир-иккита топиб берсин. Келди-кеттига жуда яхши-да! — деди Мушарраф сур тўшни олиб кетар экан. Бу чипқон устига дарддек, Содиқдан жуда ўтиб кетди:

— Аввал шуни еб туринг!

— Ҳа, мунча! Келадиган меҳмон битта меникими? Сизнинг обрўйингиз.

— Мен обрўйимни дастурхон билан эмас, меҳнатим билан топаман!

— Меҳнат... меҳнат... Меҳнат билан топгунча белларингиз қайишиб кетади. Ҳозир кишилар сердастурхон, серсовға бўлиб кетган. Тунов куни ҳам шунақа деб бир ўртоғингизникига тузукроқ совға қилдирмадингиз.

— Киши уялади ахир, пеш қилганга ўхшаб...

— Юрт-эл шунақа, нимасидан уяласиз!! — деди Мушарраф.

Содиқнинг хаёлида ҳамон Мирсалим ва сур тўш эди. Нега юборди? «Бирдан қайтариб юборсам, унинг ҳеч нарсадан хабари бўлмаса, кўнглига ёмон гап келиб элбурундан орани бузиб қўймайин. Зўр келса, ҳақини олади, қайтага қазисининг пулини ҳам қўшиб бераман!»

Мирсалимнинг ҳамма гапдан хабари бор эди. Эсини танибдики, унинг қулоғи бошқаларнинг гапигагина эмас,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзи тўғрисидаги сўзларга ҳам айғоқчилик қиларди. У гарчанд «яқин жигарим тўсатдан вафот этибди, йўлга чиқ, деган телеграмма олдим», деб важ кўрсатган, кетиш олдидан хотинига яхшилаб тайинлаган бўлса ҳам, масала бошқа ёқда эди. Телеграмма олгани ва унда хунук хабар борлиги рост, лекин хабар кишининг вафоти ҳақида бўлмай, олдини олмаса бир эмас, бир неча кишини, шу жумладан, Мирсалимни ҳам майиб қилиши мумкин бўлган ташвишли бир хабар эди. Унинг яширин савдо шерикларидан бири қўлга тушган эди. Унинг касри Мирсалимга ҳам тегиши, уни муккалатиб юбориш хавфи бор эди. Шунинг учун Мирсалим хабар топиши билан ҳеч нарсага қарамай йўлга тушди. Иш анча чувалган эди. Бирини ака, бирини ука, деб минг эшикка кириб чиқди, зимдан иш тутди, маблағ совурди. Хуллас, ўпқоннинг олдини олди, хотиржам бўлди. Лекин иш битгач, қайтаверишга, биринчидан, «бир келиб қолибсиз» деб ёру дўстлари қўймади, иккинчидан, ўзининг ҳам «оёғини бемалол узатиб» уч-тўрт кун маишат қилгиси келиб қолди.

Уйига қайтса, мактабда дув-дув гап. Олдинига ишонмади, Содиқни орқа қилди, у учун тузган дастурхонларини эслади, кейин билса тўғоннинг бошида туриб, сувни лойқалатаётган Содиқнинг ўзи! Очиқ кўкрак кериб, майдонга чиқишга кучи етмайди. Содиқдан хафа бўлиши бефойда, у тепада, бу пастда. У қўлининг тирсагидай, ёнида бўлганда ҳам барибир тишлолмайди! Яхшиси аламни ичга ютиш, заҳарни дилда-ю, шакарни тилда тутган маъқул. Шу қарорга келганидан кейин, ҳеч нарсадан хабарсиз кишидек, иккита сур тўшни корзинкага солиб юборди.

Унинг иши сал ўнгидан келмай қолса таҳорат қилиб намоз ўқийдиган одати бор эди. Шунинг учун, эрталабки намоз қазо бўлганидан пешинга таҳорат олди, ичкари уйга кириб жойнамоз устида узоқ ўтирди, тиловат қилди. Кечки овқатни барвақтроқ қилдириб, шом билан ҳуфтонни қўшиб ўқиди. Бу орада ўқишдан қайтган Азиза радиони қўймоқчи бўлган эди, диққинафас бўлиб турган онаси қайтарди:

— Отанг нохуш, эртага қўярсан, қизим!

Мирсалим нохушлигида уйда қадамлар санаб босилар эди. Азиза оёқ учида бошқа хонага ўтиб кетди.

Мирсалим ён соатини шимининг липа чўнтагидан олиб қаради. Кейин узоқ фотиҳа тортиб, ўрнидан турди, жойнамозни йиғди. Хотинига аччиқ чой дамлатиб бир

пиёла ичди-да, «бир жойга бориб келаман» деб чиқиб кетди. Кетма-кет Азиза радиони қўйиб юборди:

— Дадамни шунақа кўрсам бирам юрагим сиқиладики! Нима қилибди? Нега хафалар?

— «Ичимни топ» даданг айтармиди! — деди онаси ўксиб.

Азиза онасига далда бермоқчи бўлди.

— Ҳа, ўзлари ҳам унар-унмасга қуруқ хазондек гуриллаб ёнаверадилар!

Мирсалим Содиқнинг эшигини хурсанд кишидек, дадил қоқди. Эшикни очган Қодир салом бериб, ичкарига таклиф этди. Мирсалим Қодир билан сўрашиб, бепарво одамдек гап қотди:

— Хўш, иним, ўқишлар яхшими? Қийналаётганингиз йўқми? Нима янгиликлар? — ундан жавоб олмай, ҳовлида дуч келган Адолат хола билан сўраша кетди: — Ҳа, она, бардаммисиз, тетиккина юрибсизми? Мушаррафхон қўлингиздан ишингизни олиб, яйраб қолдингизми?

— Шукур, болам! Ўзинглар тинчмисизлар?..

— Шукур! Шукур! Бундоқ келинни бошлаб бормайсиз, қадрдонлик шунақа бўладими!

— Борамиз, вақти-соати билан, болам! Тинч бўлсанглар бўлди!

— Тинчмиз, тинч.

Уларнинг товушини эшитган Содиқ «ўзи ҳам келиб қолди-ку» деб кўнгли алланечук бўлганича, Мирсалимнинг қаршисига чиқди. Мирсалим анча вақт кўришмай соғиниб қолган қадрдонлардек сал букилиб икки қўллаб кўришди, қуюқ сўрашди. Мезбон кўрсатган ерга ўтиргандан кейин кутилмаганда икки ўртага жимлик чўкди. Содиқ уни ҳамма гапдан хабардор деб гумон қилар ва сўз бошлашини кутарди. Мирсалим эса, ундан эшитмоқчи, ҳеч ким йўқ жойда арз-додини айтиб, ёлвормоқчи. Лекин иккала томон ҳам гап бошламади, Содиқнинг бошлаш нияти йўқ, масалани мактабда кенг муҳокама этмоқчи, бошқаларга ибрат қилиб, бундан фойдаланиш истаги бор. Шунинг учун унга масаланинг бу ерда очилишидан очилмагани маъқул. Ўртага дастурхон ёзилиб, чой келса ҳам гап бу масала томонга бурилмади. Мирсалим «вафот этган» қариндошининг фазилатларини айтиб, кўзига ёш олди:

— Бешта сағири шомдаги чумчуқдек чирқиллаб қолди. Хотини ўтли-шудли бўлса ҳам гўрга эди. Топиб-тутиб турган эри ўлибди-ю, йиглашни билмайди!

Шундан кейин Мирсалим гапни мактабга айланти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб келиб, Содиқнинг носинашта коллектив билан ишлаши нақадар оғир бўлишини алоҳида таъкидлади. Номини айтмасдан баъзи ўқитувчиларнинг ношудлигидан, ишидан, қилмишидан нолиди. Содиқ гапнинг кераксиз жойда чуваб кетишидан чўчиб, уларнинг номини сўрамади.

— Сизга ниҳоятда қийин, жуда қийин. Сизни адаштиришлари мумкин. Лекин сиз тажрибали, кўпни кўрган тадбирли кишисиз. Ўрнингизда мен бўлсам борми? Дўстни ўзимга душман қилиб қўярдим. Сиз зийраксиз, тадбирлисиз, етти ўлчаб бир қирқасиз. Кишининг қадрига етасиз, меҳнатни улуглайсиз. Мана шунингизга қойилман, қандингизни уринг!

— Ҳали нима иш қилибмиз, қандимизни урамиз? — Ғаши келди Содиқнинг. «Эшитибди», деди ичида.

— Йўқ, унақа деманг. Зоология кабинетига яна учта экспонат ясаб берибсиз, шу кичкина гапми? Шу вақтгача биров қилганмиди? Йўқ!

— Биладиган одам бўлмаган, бўлмаса...

— Йўқ, билганда ҳам қилмас эди. Бошқа биладиган ишларидан нимани қилишди. Ҳеч...

Содиқ сўзини бўлди:

— Дурадгорлик-чи? Тарих кабинети-чи? Гулзор-чи! Ҳеч бирига пул сарф қилганимиз йўқ.

Мирсалим бўш келмади.

— Тўғри... Лекин сизники бошқача. Худди тирик бўрининг ўзини қилиб қўйибсиз-а!

Мирсалимнинг куйиб кетгани яққол кўриниб турарди, у бир вақтдаги чаққон ва тадбиркор кишига ўхшамас, жуда саёзлашиб қолган эди.

Мактабда, ўзи йўғида бошланган гап-сўзнинг олдини олиш ниятида келган Мирсалим шунча тил чайнаб ҳам, муродига етолмади, «шунчаки гап шекилли, тинч ётган илоннинг бошини қимирлатиб нима қиламан» деган қарорга келиб, ўрнидан қўзғалди.

Содиқ уни кузатиб, кабинетига қайтиб кирар экан, Герман Вамбери китоби билан «Бобурнома»га кўзи тушди, шу китобларнинг Мирсалимда бўлганига ишонмади, у бундай китобларни ўқийдиган кишига ҳеч ҳам ўхшамас эди.

— Вой, Мирсалим акам кетиб қолдиларми, корзинкаларини бериб юбормоқчи эдим,— деб кириб келган Мушарраф эрининг орқасидан у ўқиётган китобга кўз ташлаб, бурнини жийирди.— Ҳалиги айтганимни Мирсалим акамга тайинладингизми?

— Нимани? — ҳайрон бўлди Содиқ.

— Сиз шунақасиз, менинг гапларим, қулоғингизда турмайди, хаёлингиз қаёқда эди? Қази демадимми?

«У нима дардда юрибди-ю, сен нима орзуда» деган фикрни кўнглидан ўтказган Содиқ, гапни қисқа қилиш учун:

— Айтдим! — деб қўя қолди.

Содиқ Мирсалим устидан тушган рапорт ва ўқитувчиларнинг фикрларини дарров ўртага солиб нариданбери бир ёқлик қилиб ташламоқчи эмас, ўша фактлар асосида кузатиш олиб бориб, кенг муҳокамага қўйиш мақсадида арқонни узун ташлади. Бу гаплардан хабар топган Мирсалим беш-ўн кун фаол бўлди, ўзи раҳбар бўлган синфнинг мажлисини ўтказди, ота-оналарни чақириб суҳбатлашди, ҳатто иккитасининг уйига бориб дарс тайёрлаш шароити билан танишди, мактаб деворий газетасининг навбатдаги сонини чиқаришда бош бўлди. Буни кўрган илмий мудир, «директор суҳбатлашиб, танобини тортиб қўйибди», деб тушунди, ўқитувчилар орасида «Кесакдан чақмоқ чиқди» деган ибора тарқалди. Мирсалимнинг инсофга келиб қолганидан хурсанд, Содиқ, «қани энди бир дарсига кириб кўрай», деб қўнғироқдан ўн беш минут кейин синфига кирди, бир четга ўтиб ўтирди. Не кўз билан кўрсинки, Мирсалим дарс ўтмас, синфни бошига кўтариб дафтар муқовасидаги суратлар орасидан совет сиёсатига қарши сўз ёки белгилар қидиртирар эди. Бу иш жуда катта аҳамиятга эга нарсадек Содиқ киргандан кейин ҳам тўхтатмади, балки «мана-мана, мен топдим», деб аллақандай белгини кўрсатган болани елкасига қоқиб, зийракликда мақтади, бошқаларни ҳам шундай ҳушёрликка чақирди. Содиқнинг энсаси қотиб чиқиб кетди. Қўнғироқ чалингач, Мирсалимнинг кабинетига таклиф қилди.

— Бу қанақа бўлди, Мирсалим ака, бир ҳафталаб дарснинг қолиб кетгани етмагандек, яна бунақа бемазагарчилик.

Мирсалим чумчуқдек бир силкиниб олди:

— Бу ҳушёрлик дарси, ўртоқ Қўчқоров! — деди Мирсалим ўзининг ҳақлигига шак келтирмаган кишидек расмий оҳангда.

— Ҳушёрлик?.. Қўйинг бу бемаънигарчиликни! Дарс ўтинг! Кечагина программа катта, вақт кам деб нолиб юрган эдингиз, бугун...

Содиқнинг зардаси қайнаб бошқа сўз айтолмади. Қўлидаги қаламни стол устидаги ойнага кети билан «чиқ» этиб уриб, ўрнидан турди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шундай бўлсин, Мирсалим ака! — деб юмшатди.

Мирсалим, нима учундир, бу гал кўксига тушиб кетган бошини аранг кўтариб, эшикдан чиқди.

Навбатдаги педагоглар кенгашида Содиқ унинг камчиликларини тилга олиб, ўртоқлик маслаҳатлари берди, дафтар муқовасидаги суратлар орасидан қандайдир сўз ёки белгилар қидириш ҳушёрлик эмаслигини таъкидлаб кулди, шунда бир ўқитувчи:

— Мирсалим акамнинг хурофотга қарши кураш методлари ҳам алоҳида! — деб луқма ташлаган эди, ҳамма кулиб юборди. Кейин маълум бўлдики, рўзада Мирсалим папкасида нон олиб келиб болаларга бир тишламдан бериб юрганмиш. «Ҳа, бу нимаси? дейишса, «рўзага қарши курашяпман!» деб астойдил керилган эмиш.

Ёрилиши лозим бўлган бу яранинг ситилганидан мактаб коллективи хурсанд бўлди. Лекин Мирсалимнинг боши эгилган бўлса ҳам чўнтагида қўлини муштлаган, кўксида кек уйготган эди. Ҳаммасини Содиқдан кўрарди.

11. ҚАЙҒУ ТИЗГИНИДАГИ СЕВИНЧ

Ўн беш йил фарзанд орзусида ўртанган юракнинг ўн олтинчи йили ота бўлишини билгандаги севинчини, ҳаяжонини тасаввур қила оласизми? Албатта, йўқ. Бошидан кечиргангина билади!

Мушарраф бир куни Содиқни жуда хурсанд кутиб олди, ёш қизчалардай эркаланиб, қўлини унинг бўйнига ташлади:

— Бир хушхабар айтсам, нима олиб берасиз?

Хотинининг бачкана қилиқларини ёқтирмаган Содиқ:

— Айтганинг! — деб қўя қолди, ортиқча парво қилмади.

— Йўқ, отини айтасиз,— яна ёпишди Мушарраф.

— Айтганинг дедим-ку.

— Ростми? Айтганим бўлса, йигирма қатор йирик дур марварид олиб берасиз. Кечадан бери кўнглим нордон нарса тусайди!

— Ростми? Ростингни айт, ростми? — Содиқнинг тили бошқа сўзга келмас, кўзида ёш йилтиллар эди. Севинч тиззаларидан дармонини зулукдек сўриб, у бўшашиб стулга ўтирди. Бу дунёда ундан бахтли одам йўқ эди!

Мушарраф ҳомиладор бўлганидан кейин очилиб кетди. Жиндек бағбақа солди. Оққа мойил юзлари таранг тортиб, қўш билак узукли момиқ билаклари, бўғин оралари бўғирсоқ, гўштдор узун бармоқлари пўрсилдоқ, лаблари ўзга чирой касб этди. Айниқса тўши тирсиллаб, ҳар қандай кўйлак кийса ҳам ўзининг виқорини намойиш қилиб турарди. Содиқ Мушаррафнинг бутун гўзаллиги ва латофатини туғиладиган болада кўрар, унинг завқи билан хушнуд, ҳаваси билан маст эди. Мана шу нозик торнинг пардаларини Мушарраф яхши тушунар, унга қўл келган, уни вақти-вақти билан истаганича чертиб турар, ҳар чертиши эса Содиқнинг тинчлигини бузарди.

Мушаррафнинг кўнгли ғўра тусаган кундан бошлаб Содиқнинг тизгини хотинига ўтиб қолган эди. Ғўрадан бошланган эркалик қўш олтин билагузук буюртиришга, марварид харид қилишга, кетма-кет кўйлак тиктиришга, пальтонинг сонини учтага етказишга бориб етди. Оёқ кийимининг-ку сони йўқ. Бошлаб «фигурамни сақлайман», деб баланд пошна олдирди, кейин «докторлар айтди, баланд пошна бўлмас экан», деб паст пошна тиктирди», «ёзлик», «қишлик», «уйлик», «кишилик», деб яна инжиқлик қилди, бу орада «туққанимда кияман», деб баланд пошнали сатанг амиркон этик ҳам тиктириб қўйди. Тиш докторининг «ҳозир сизнинг тишингизни арралаб бўлмайди, бўшалганингиздан кейин ўзим яхшилаб қўйиб қўяман», деб ёлворишига кўнмасдан, битта сўлоқ тишини баҳона қилиб яна тўрттасига тилла қоплатди. У бир ҳафта амиркон туфлисини ғарчиллатиб танишбилишлариникида кўз-кўз қилиб юрди. Олма уруғини ивитиб, унинг ширасн билан чеккасидаги келинлик ғажагини қармоқ нусха қилиб елимлади... Ой-куни яқинлашган сари унинг феъли-атворида шу вақтгача яширинib ётган нуқсонлари кўзга ташлана бошлади. Бу нуқсоннинг ҳар бири бир инжиқлик, бир кўнгилсизлик ёки бир ортиқча харажат бошлаб келарди. Содиқ айтганига қулоқ солмаса, аввалига «ҳа, билиб қўйинг, болангизнинг қулоғи чиноқ бўлиб қолса мендан эмас, ўзингиз мен айтган нарсамни олиб бермаяпсиз», деб эркаланар, «хотин ҳомиладорлигида сиқилса, кам-кўстлик тортса нуқсони болага уради», деб эшитган Содиқ қаршилик қилмас, у бошлаган кўчага юриб, у очган эшикдан магазинга кирди. Кўнгли тусаган нарсани едирди, ҳавас қилган либосни кийдирди. Аввалига ҳавас ва зарурат билан бошлаган бу ишлар кейинчалик зуғумга, дағдағага айлан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Бундай пайтда Мушарраф ер тепинар, ҳали туғилмаган болани минг балога гирифтор қилар, каравотга ўзини отиб соатлаб йиғлар эди.

Бугун эрталаб ҳам Мушарраф ниманидир баҳона қилиб дилисиёҳликни бошламоқчи бўлган эди, Содиқ айтганини оғзига тутди-ю, у қаёққадир чиқиб кетди. Орқасидан ҳайрон қараб қолган Содиқ онасига нолиди:

— Бу қандай бўлди, ойи!

— Қўй, жон болам, хафа қилма! У ҳозир икки йўлнинг ўртасида ўтирибди,— деди Адолат хола Мушаррафнинг ой-куни яқинлигига ишора қилиб.— Аслида «айб ўзингда, бошида маҳкам тутмадинг, менга фарзанд туғиб берар экан, деб оғзига қарадинг, эркалаб, суйилтириб юбординг»,— демоқчи эди, лекин дамини ичига ютди. Шундоқ ҳам дили вайрон бўлиб ўтирган ўғлига раҳми келди, мисол келтириб, инсофга чақирди:

— Киши турадиган уйнинг тўрт бурчаги бор, болам, икки бурчагидан бол, икки бурчагидан зардоб оқади. Болидан лаззат кўрган зардобига ҳам чидаши керак, жон болам. Ҳамма Жаннат бўлавермайди. Гулни деб, тиканни ҳам суғаради, киши. Беташвиш уй қайда бор, жон болам. Кўзи ёриса, бола билан ўралашиб, тинчиб қолар. Қаттиқ ғапирма.

— Кейин ҳам...

— Йўқ, жон болам, худо хоҳласа кейин яхши бўлиб кетади. Баъзи хотин иккиқатлигида шунақа инжиқроқ бўлади. Омон-эсон қутулиб олсин.

Содиқ унинг кўзи ёригандан кейин яхши бўлиб кетишига ишонмасди. Чунки унинг тантиқ ва инжиқлиги ҳомиладорлигидан эмас, характерида эди. Адолат хола келинининг ёнини олиб, қанчалик меҳрибонлик қилмасин, Мушаррафнинг ортиқча харажатларидан хурсанд эмас эди. Шунинг учун сотиб келинган ота ҳовли пулининг чўғи ўчишини кўриб, «қўли очиқ» ўғлидан ўпкалади, бу билан ҳам қаноат қилмай: «Қодирнинг ҳиссасини бу ёққа бер»,— деб бир қисмини олиб қўйди. Буни эшитган Мушаррафнинг жони-фиғони чиқиб кетди.

— Дод, кундошдан баттар қайнана дастидан! Кийсам гўримга орқалаб кетаманми, ўғлингнинг обрўйи! Директорнинг хотини бўла туриб, сарпойчан юрайми! Бўз кияйми!

— Бўзни сиз билмайсиз, бўз нималигини биздан сўранг, жон болам!

Бу оиланинг тинч қўрғонидан илк ғишт кўчиши эди,

кейинчалик ғишт эмас, бутун-бутун деворлари ларзага кела бошлади. Адолат холага тушган илк оғирлик, кейинчалик Содиқнинг бўйнига ағдарилди. Икки гапнинг бирида эрининг ношудлигидан, тизгинини онасига бериб қўйганидан, эркак бўлиб орзу-ҳаваси йўқлигидан, ишдан бошқани билмаслигидан, ҳатто ёнига ўтирсанг китоб-дафтар ҳиди келишидан нолиди.

Мушарраф ўлгудек кунч эди. Бир томондан қараганда кунчликка ҳам ўхшамас, бу эрининг елкасига миниб олиш учун бир баҳонадай кўринарди. Умрида қизғаниш нималигини билмаган, бегона хотин билагини тутмаган Содиқ учун бу жуда алам қилар, айбсиз айблангандек виждонини қийнарди. «Наҳот кўча кўрган хотин ҳам шунақа кўр бўлса», деб куфури ошарди. Содиқнинг кеч қолишдан юраги безилларди. Бугун ҳам район маорифи бўлимида йиллик имтиҳонларга тайёргарлик масаласи муҳокама қилинар экан, сўзга чиқувчиларнинг баъзилари мажлисни чўзиб юборди. Уйни огоҳлантириб қўймаган Содиқнинг юраги ғаш, табиати хира эди. Кейинги нотиқнинг сўзини деярли эшитмади. Ундан сўзга чиқишини сўрашган эди, соатига қаради. Қоронғи тушган деразани кўрсатди. Мажлиснинг чўзилгани етмагандек, маориф мудири иши борлигини айтиб уни олиб қолди. Иши ўша мажлиснинг давомидек бўлди, Содиқнинг янгилигини таъкидлаб, ҳаммага маълум йўл-йўриқни берди. Мажлису йўл-йўриқдан хуноби чиққан Содиқ бурнидан тортса йиқилгудек силласи қуриб уйига етиб келганида вақт алламаҳал бўлган, Мушарраф қовоғидан қор ёғиб ўтирарди. Унинг авзойини кўрди-ю, яна достон бошланадиган бўлди, деб ичкари уйга индамасдан ўтиб кетди. Ечинаётиб Мушаррафнинг бошлайдиган «дийдиёси»дан юраги безиллар, унга ўзича жавоб тайёрлар эди. «Эй, тавба, қандай кунга қолдим?» деганича емакхонага чиқиб келди.

— Тузукроқ овқат қилувдиларингми? — деди столга ўтираётиб кўзлари киртайиб кетган Содиқ.

Содиқ кутганидек эрининг кеч қолишидан минг хаёлга бориб, ҳар хотинни ғар, ҳар жувонни ўйнаш тутиб ўтирган Мушарраф ўсмадан қора айёр қошларини чимириб, бижғиди:

— Меҳмон қилган бойвучча ош дамлаб бермадими?

Бир очга, бир касалга тегма дегандек, Содиқнинг зардаси қайнади, титраб туриб ачитди:

— Менинг қучоғимдан чиқиб боргунча тагига олиб кетибди, еёлмадик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мушарраф аччиқ билан айтилган гап эканини билсада, пўрсилдоқ лаблари кўкариб, тўнини тескари кийганда Адолат хола кириб қолди. Унинг салобати Мушаррафнинг оғзига қопқоқ бўлди-ю, лабини қийшайтирганича ошхонага ўтиб кетди. Овқатни «тақ» этиб эри олдига қўйди. Лекин Содиқнинг иштаҳаси бўғилиб бўлган эди, қўлини ҳам урмади.

— Ол, жон болам, совиб ҳам қолгандир. Ишинг кўпайиб кетдими, кеч қолдинг бугун?

Содиқ боши билан тасдиқлади, ошни олдидан суриб ўрнидан турди. Унинг гапиришга ҳам мажоли келмас эди.

«Оҳ болаларим-а, болаларим, умрнинг қадрига етмаган болаларим», деганича Адолат хола ўз бўлмасига кириб кетди. «Шамол келини»нинг феъли унга маълум эди.

Содиқ шу куни диванда ётиб қолди. Унинг фарзанд кўриш севинчи қайғу тизгинида эди.

12. ТИРНОҚ ОСТИДАН КИР ҚИДИРИБ...

Педагоглар кенгашидаги гаплар Мирсалимга ўрма қамчи бўлиб теккан эди. Унинг суяк-суягигача зирқираб, узоқ вақтгача аламдан титраб юрди. Бу ишни Содиқ бошлаб берганига сира чидамас эди. «Содиқ ким? Кечагина кўчини орқалаб келган келгинди! Пайтава бошга чиқиб, бугун директор. Шундай шаҳри азимда ўсибунган кишиларга ақл ўргатади: йўл бошлайди. Наҳот шу ердан биронта таги-тахтли, аччиқ-сучук тотиган бир одам топилмас эди! — деб ўйлай бошлади Мирсалим,— шунча соясига кўрпача солиб, қаршисига пешвоз чиқдим, дастурхон ёзиб, коньяк қуйдим, бари бир «келгинди»лигига борди, қадримга етмади. Яхши одам бўлганингда, хўп, шу хатолик мендан ўтган экан, секин чақириб, ўз қулоғимга айтиб қўя қолмайсанми? Уйингга-ку катта бошимни кичик қилиб эгиб бордим, гап бошладим — шу етмасмиди! Дўст-душман ўртасига олиб чиқиб нима қиласан нодон? Сен шохимга ошкор болта урсанг, мен зимдан остингга сув қуяман. Менинг ҳам шунақа йўлларим борки, бир куни пешонангга «оҳ!» деб урганингда биласан! Майли, қилмиш-қидирмиш! Бошладингми, жавобини ҳам кут!»

Мирсалим ана шундан бошлаб Содиқнинг изига тушди, қилдан қийиқ, тирноқ остидан кир қидирди.

Аввал унга Содиқнинг Жаннат билан боласиз бўлса ҳам тинч-тотув яшаши ғайирлик қуртларини қимирлатиб қўйган бўлса, энди бир «келгинди»нинг обрўй орттириб, мактаб директори бўлиб ўтириши, кундан-кун мавқеи ошиб бориши, йўлидаги хас-чўпларни бераҳмлик билан сидириб ташлаши унинг ғашини нафратга, аламини ғазабга айлантирар эди. У пайт пойлаб чалишни мўлжаллаб, заҳрини дилида, шакарини тилида олиб юрди. Ташқаридан кўрган одам бу икки дўст орасидан қора мушук ўтганини пайқамас эди. Содиқ эса, бу гапларга иш юзасидан бўладиган танқид деб қараган, эртасидан унутиб, бояги-боягича муомалада бўлиб кетаверганди.

Буни Мирсалим ўзича тушуниб, биринчи босқичи ўтди, энди иккинчисига замин ҳозирлаяпти, деб ҳадиксираб юрди, ўзича тадбирлар кўра бошлади. Зарур топган бир-икки идорага Содиқнинг «ишлари»дан анонимка ёзди, ҳадди сиққан кишилар орқали турли миш-мишлар тарқатиб турди. Энди у аввалгидек кимгадир орқа қилиб, дарсига бепарво, жамоат ишларидан четлаб юрмасди. Мактаб ишига боши билан шўнғиган бўлиб, Содиқнинг қадамини санайди, ҳар сўзидан бошқа бир маъно изслайди. Содиқ ташаббус кўрсатиб бошлаган ҳар ишнинг охирида «вой»и чиқишини тўрт кўз бўлиб кузатар, кетидан қуварди, лекин «пичоққа илингудек» тузук нарса қўлига кирмас, бу эса унинг баттар жаҳлини чиқарар, асабини қақшатар эди. Аммо Содиқ билан аввалгидек аҳилга ўхшар, уни баъзан уйига таклиф ҳам қилиб турарди. Аслида унинг муносабатида қори кетиб музи қолган эди.

Баҳор чиқиши билан Содиқ бошлаган ташаббуслардан бири мактабнинг орқасидаги бекор ётган каттагина майдонни обод қилиш бўлди. Ботаника муаллимини чақириб: «Тажриба боғи қилсак қалай бўларкин?» деган эди, у «қани эди!» деб яшнаб кетди. Бу фикр шу вақтгача ўзининг хаёлига келмаганидан сал хижолат тортгандек ҳам бўлди. Шанбалик қилиб бошлаган бу эзгу иш коллективнинг қўллаши билан яхши натижа берди. Майдонга турли мева кўчати, хонадонларда кам бўладиган гул ва чечаклар экилди, тажриба станциясидан нозик декоратив ўсимликлар келтирилди. Болалардан навбатчилар тайинланиб, ҳар синфга участка бўлиб берилди.

Бу ҳаракатни эшитган Мирсалим «Зора бир нарса чиқиб қолса», деган умидда ҳовлининг бурчида занг босиб ётган кетмонини наридан-бери тозалаб, иш бошига келди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Келинг, Мирсалим ака,— деди Содиқ ва ёнидан жой кўрсатди.— Шу ерга бир жуфт анжир экамиз.

«Анжир» сўзи Мирсалимнинг «илм дўлана эмас, ўзи гуллаб, ўзи пишса, у — анжир, парвариш талаб қилади» деган ўз сўзини ёдига туширди. Туширди-ю, хаёлини аллақаёқларга бевош етаклаб кетди: «Демак, Содиқ менинг пайимга тушган, яна иш чиқармоқчи, акс ҳолда шу вақтда менга анжирни писанда қилмаган бўларди».

Мирсалим авайлаб юрган ярасини уриб олган кишидек бўлиб кетди ва ҳеч нарса демасдан Содиқ кўрсатган ерга чуқур қазий бошлади. Ваҳоланки, Содиқнинг хаёлига ҳеч қандай фикр келмаган, чиндан икки туп анжир экиш мўлжалланган эди. Ўша икки туп анжирнинг биттасини келтириб ўзи тайёрлаган ерга сал ёнбошлаб ўтқазди, иккинчисини Мирсалимга узатди:

— Бу сизга!

Содиқ иккита ғиштни устма-уст қўйиб ўтирди, бир кафт нам тупроқни олиб, қўлида эзғилади, ундан баҳор ҳиди келарди. Ҳашар қайнаб турган атрофига қаради: ҳар жонда бир уйғониш, бир завқ. Баҳор ҳар қалбга кириб боргандек, баҳор ҳавоси ёшликни эсга солгандек ёқимли ва юмшоқ. Энди бўртган куртакларнинг кўрки бир олам. Бир жуфт қалдирғоч осмонда чарх уради: «Юр, биз билан бинафша кўзи милтиллаган боғларга, чучмома, лола кеккайган қирларга, малла ранг сой бўйларига!» дегандек, худди бошининг устида вижирлайди, аллақаёқларга учиб кетиб йўл кўрсатган бўлади.

Содиқнинг баҳор завқига маст хаёлини майдондаги юқори синф болаларининг қий-чуви бузди. Улар нимани-дир талашар эдилар. Содиқ етиб борди. Майдоннинг четида қачонлардир отхона вазифасини ўтаган эски бостирма бўлиб, уни бузиш мўлжалланган эди. Бузишаётиб унинг бир бурчида қалдирғоч уясини кўриб қолишибди. Бир шаддодроғи:

— Ҳеч нарса қилмайди, бошқа жойга қуриб олади уясини, деса бошқаси:

— Увол! Шунча меҳнат сарф қилган! — деб қаршилик билдирарди.

— Баҳорни ёмон кўрган одам қалдирғоч уясини бузади! — деди бир бола ва «менинг қўлим бормайди» дегандек кетмонини бир четга улоқтирди.

Болаларнинг куйиб-ёниб тортишувларига завқ билан қулоқ солиб турган Содиқ, шоир табиатли бола билан яна бирининг елкасига қўлини қўйиб кулди. Уларнинг фикрини қувватлади:

— Тўғри, баҳорни ёмон кўрган қуш уясини бузади!

— Гулхонани қаерга қурамиз бўлмаса? — деди бояги шаддод бола ҳайрон бўлиб. Унинг куйганича ҳам бор эди. Бу нураган бостирмани олиб ташлаб, ўрнига хонаки гул ва гиёҳлар учун жой қилиш мўлжалланган эди.

— Бизнинг гулхонамиз шаҳримизнинг бош планида йўқ. Нариги томонга олиб қурсак ҳам бўлади,— деди Содиқ кулгига олиб, ғолиб чиққан томон чапак чалиб қувонди.

Буларнинг барчасидан хабардор бўлиб турган Мирсалимнинг юраги эзилиб кетди: «Бир паррандага раҳми келади-ю, мени шу қалдирғочча ҳам кўрмайди, тинчимга чанг солгани солган!» Шунда яна бир бошқа қабиҳ фикр хаёлига келди. «Ҳа-ҳа,— деди ичида у,— нима учун қалдирғоч уясини буздирмаганингни биламан. У Маккадан келган! Болалар ўртасида динни яширин ташвиқот қиляпсан». Худди шундай, деб бир идорага ёзишини кўнглига олиб қўйди.

Мирсалимнинг қора ниятидан хабари йўқ Содиқ унинг ёнидан ўтар экан:

— Шундай ажойиб қушнинг уясини бузишмоқчи-я, болалари тушкур! — деди.

— Макка қуши денг! — дея тегишган бўлди Мирсалим, мақсади эса «Макка» сўзини одамлар оғзига тушириб қўйиш, керак бўлганда Содиққа тўнкаш эди.

— Гап Маккаданми, бошқа ёқданми келганида эмас, умуман, болаларда паррандага меҳр уйғотиш керак.

Тушлик жуда кўнгилли ўтди. Ҳар ким олиб келган нарсасини ўртага ташлаб, боққа ток очишга чиққан боғбонлардек яйрашиб ўтириб, тамадди қилишди.

— Икром отамни чарчатиб қўйдик! — деди бир ёш ўқитувчи қаршисида терлаб тамадди қилаётган кекса ўқитувчига тегишиб.

— Отамиз, чинор,— деди у кишининг кўнглини кўтариб Содиқ.— Минг йил яшаган чинорлар ҳам ҳар йили бир барг ёзиб, илдиз отади. Икром отам-ку...

Бошқа бири унинг сўзини бўлди.

— Отамнинг иликлари тўқ.

— Сиз чиқмасангиз ҳам бўлади, девдим, йўқ, рози бўлмадилар! — деб гапга аралашди илмий мудир.

— Бир эзгу иш қилиб, кайфини суриш ҳам ўзи бир даврон, болам! — деди Икром ота, ўз ишидан мамнун эканини билдириб.

— Шу гапдан кейин бир кекса боғбоннинг ҳикояси эсимга тушди. Кўнглингларга олмасанглар айтиб бера-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман,— деди Содиқ пиёласидан сўнгги қултум чойни ҳўплаб.

— Айтиб беринг, Содиқжон, дўстнинг аччиқ сўзидан нодон хафа бўлади!

Икром отанинг бу холис сўзи «иштонсизнинг чўпдан ҳадиги бор» дегандек, Мирсалимга тегиб кетди, ичида «менга кесак отмаган сен сассиқ чол қолувдинг», деб тишини тишига босди.

— Шунақа баҳор кези экан,— гап бошлади Содиқ.— Соч-соқоли оппоқ бир мўйсафид кўчат ўтқазаётса, оғзига кучи етмаган бир бойвачча ўтиб қолибди.

— Ота, қариганингизда кўчат экяпсизми? — дебди.

— Ҳа, яхши нав эди.

— Ҳали мевасидан ҳам умидворман денг!

— Бўлмасам-чи!

Мўйсафиднинг жавоби бойвачча йигитнинг энсасини қотириб, жаҳлини чиқарибди, ичида: «Наҳотки шу мункиллаган чол кўчати мева бергунча яшаса» деб ўйлабди-ю, бойваччаларга хос ғурур билан отани менсимай:

— Шу кўчатингизнинг мевасини ўзингиз тотиқсангиз хотиним талоқ бўлсин! — дебди ва отига қамчи босибди. Бечора чол орқасидан «ҳой-ҳой болам, қасам ичма!» деганича қолаверибди. Йиллар ўтибди. Кўчат улғайиб ҳосилга кирибди, мевасининг донги атрофни тутибди. Ўша бойвачча йигит бу боғнинг таърифини эшитиб келибди. Қараса, ўша мункиллаган чол ҳали тирик, йигит танимабди, олдига дастурхон ёзибди, мева узибди.

Такаббур йигит мевадан тотиб туриб:

— Ўзингиз ҳам олинг, ота, таом эгаси билан ширин,— дебди.

— Йўқ, болам мен еёлмайман.

— Нега? Сабаб?

— Сабаби шуки,— дебди чол,— шу меванинг кўчатини ўтқазаётган йилим бир йигит ўтиб кетатуриб «мевасини ейишга умрингиз етса хотиним талоқ бўлсин», деган. Шу йигитга жабр бўлмасин деб емайман, болам.

— Олаверинг, ота, ўша йигит мен бўламан. Уйга бориб хотинимни қайта никоҳлаб оламан! — деб узр сўраган экан. Шунақа, биродарлар, кўчат кишининг умрини чўзади. «Ўлимни ўйлаган иморат солмайди» дегандек, ноумид киши кўчат ўтқазмайди.

Ҳаммага ёққан бу ибратли ҳикоя, Мирсалимга яна бир факт бўлди: «Ёшларга талоқ ҳақида ахлоқсиз ҳикоялар айтиб беради!»

Мирсалим бундай икир-чикирларни яширин имзо

билан ёза бериб чарчади, қараса сезиларли натижа йўқ. Кута бериб тоқати тоқ бўлди. Бу орада Мушаррафнинг кўзи ёриб, Содиқнинг боши осмонда: ўғил!!

Шу ўтда ёниб бутун ёзни ўтказди. Имкон борича Содиқнинг сояси бўлиб, ажралмасликка уринди, у билан бир-икки овга ҳам чиқди, ўзи бошлаб қишлоқдаги дўстлариникига меҳмонга олиб борди. Нимаики, сал қалтис ёки қалтисликка бурса бўладиган сўз оғзидан чиқса, ёки воқеа бўлса қоғозга олди, қўшди-чатди, «материал»га айлантирди. Барибир булар уни қаноатлантирмас, куя бўлиб емириш эмас, гурзи бўлиб бошига тушишини, қоқинтиришни эмас, умбалоқ оштириб йиқитишни орзу қиларди. Ўйлаб-ўйлаб, унинг хатти-ҳаракатидан кўз-қош чиқариш эмас, тўғридан-тўғри туҳмат қилишга жазм этди. «Олдини олмасам, бу лаънати, орқамга қоқиб туриб, кетимга тепканини ҳам билмай қоладиганга ўхшайман. Йўқ, у тепгунича, мен уни қулатишим шарт!» — деди Мирсалим ўзига-ўзи ва бунга қаттиқ киришди. Бунга Мушарраф жуда қўл келарди.

Минг бир режа тузиб, Мушаррафнинг йўлини пойлади. Шу кунларда ўзича турли хаёлларга бориб, ҳар таниш хотинни эрига ўйнаш тутиб, фиғони осмонга чиқиб юрган Мушарраф Мирсалимнинг сўзига бўйнини эгиб, қулоқ солди.

Илоннинг оёғини санаган Мирсалим узоқдан сиполик билан айлантириб келиб, деди:

— Биринчи хотинини қўйиб, сени олган, сени қўйиб, бошқасини ололмайдими! Ҳозир ошиғи олчи турган пайт: ўн етти яшарга совчи қўйса йўқ демайди, худо ҳақи йўқ демайди! Бола ҳам кўзига кўринмайди. Ҳали кеч эмас, олдини ол. Бу бепарволигингда ундан ажралиб, икки қўлингни бурнингга тиқиб қоласан.

Мирсалимнинг сўзига лаққа учган Мушарраф шошиб қолди:

— Қандай қилиб?

Мирсалим жўрттага ўйлаб қолди. Жуда мушкул ишдек манглайини ишқалади.

— Эрингни унақа-бунақа куч эголмайди. Мактаб, маорифга бориб юришингнинг фойдаси йўқ. Тўғри райкомга кир. Бўлган, бўлаётган воқеанинг ҳаммасини айт, яхшироқ таъсир қилиш учун бир оз қўшиб-чатсанг ҳам бўлади. Нимаки десанг — фойданг. Тезда қайириб беришади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ростданми? — дардига даво топгандек Мушарраф яшнаб кетди. Кейин бирдан иккиланди:

— Тагин...

Мирсалим унинг нима демоқчи эканини дарров фаҳмлаб, гапиртиргани қўймади:

— Бу ёгидан хотиржам бўл, ҳеч нарса қилмайди. Шунақа қилиб, эрини қайириб олган қанча хотинларни биламан. Мана, мени айтди дерсан, кейин хурсанд бўласан. Кейин эвазига...— Мирсалим шилқимлик қилди. Мушаррафнинг юрагига бунақа гаплар сиғмас эди, унинг энгагига чўзган қўлини қайириб ташлади.

— Мунча! — деди Мирсалим ўтган кунларни эслаб,— энди бегона бўлиб қолдикми?!

Мирсалим нияти бузилиб келаётган бўлса ҳам, ҳозир мавриди эмаслигини эслаб, асл мақсадга қайтди.

— Бирдан-бир йўл шу — райком. Яна ўзинг биласан. Эр менга эмас, сенга керак. Ундан ажраб қолсанг, бунақа эрни энди тушингда кўрасан.

Мушаррафнинг назарида, Содиқ уни ҳали-замон ташлаб кетиб қолаётгандек бўлди. Олдини олиши шарт бўлиб қолди: ҳайитдан кейин хинани ачангга бер!

Мушаррафнинг лаққа тушганини кўрган Мирсалим унга йўл-йўриқ берди, ҳатто райкомга гапни нимадан бошлаб, қандай тамом қилишигача ҳаммасини уқтирди.

Мушарраф эртасигаёқ Мирсалим аниқлаб берган соатда секретарнинг эшигини қоқди. Зарур иши бўлишига қарамай секретарь кўзида ёш билан кирган бу маъюс хотинни қабул қилди, ҳатто креслосидан туриб келиб, унинг рўпарасига ўтирди:

— Келинг, синглим? — деди секретарь «арзингизни эшитишга тайёрман» деган маънода. Мушарраф ўпкаси тўлиб турган кишидек энтикди, бурнини тортди, пастга энгашиб кўз ёшини артган бўлди.

— Ўлар бўлсам ўлдим, турмуш шунақа бўладиган бўлса тоқ ўтганим яхши. На уйқуда, на еган-ичганимда ҳаловат бор; қўлим косов, сочим супурги. Эшикда оёғи товушини эшитсам, азроил келаётгандек дир-дир титрайман. Гап эшитмаган соатим, калтак емаган куним йўқ.

— Эрингиз ким? Қаерда ишлайди?

— Вой, сизни биласиз, деб ўйлабман. Содиқ Қўчқоров, 113-мактабнинг директори. Мен иккинчи хотиниман, бахти қаро бўлмасам хотин қўйганга тегаманми! Аввалги хотини бечора ҳам қонзардоб ютиб ўтган экан.

Секретарь столидан қоғоз олиб, нималарнидир ёзиб қўйди, кейин сўради:

— Сиз ўзингиз ишлайсизми?

— Ишлардим, кутубхонада ишлардим. Ишлатмай қўйди: «Чиққанимда чопонимни тутиб, кирганимда қўлимдан олиб турсанг бўлди, қачон хотиндан пайғамбар чиқибди!» — дейди.

Секретарь «ҳимм» деб яна нимадир ёзди қоғозга. Буни кўрган Мушарраф яна лаби-лабига тегмай бидирлаб кетган эди, секретарь тўхтатди:

— Тузук одам деб эшитган эдим-ку, уни...— деди секретарь, хаёл сурган кишидек.

— Ташқарига шоду хандон, бир-икки кўрган одам ичини била қолмайди. Мен ўлгур ҳам, шунақалигини билмаганман, ширин сўзига учиб, мана энди бош ургани жой тополмай, ёшимни оқизиб юрибман.

Секретарнинг иши тиғиз бўлса керак, соатига қараб, ирғиб ўрнидан турди.

— Хўп, синглим, сиз бораверинг, бу ёгини ўзимиз гаплашиб қўямиз, турмушингиз яхши бўлиб кетади, хафа бўлманг.

Мушарраф яна «ўлар бўлсам ўлдим!»ни такрорлаб эшикдан чиқди.

Бу иғвонинг заҳри Содиққа бир ҳафтадан кейин билинди.

Бу вақтда Содиқ юқори синф болалари билан шаҳар четидаги колхозда пахта терар эди. Бир ҳафта бурун шивалаб ўтган ёмғир ва кетидан бошланган совуқ пахтакорларни шошириб қўйган, шаҳарга ёрдам сўраб, илтимос қилишга мажбур этган эди. Содиқ ҳар йилгидай болаларни муаллимларга қўшиб чиқаришдан кўнгли тинчимай, ўзи олиб чиқди. Уларни иссиқ жойларга ўрнаштирди, колхоз раҳбарлари билан гаплашиб иссиқ-совуғининг ғамини еди. То болалар кўникиб, иш юришиб кетгунича ўзи улар билан бўлди, ёнларида юриб пахта терди. Шу кунларнинг бирида «Район партия комитетининг секретари шаҳардан чиққанлар ҳаёти билан танишиб юрганмиш» деган гап тарқалди. Эртасига Содиқ ўқувчилар билан ҳашарга чиққан колхозга келди. Болаларнинг турган ерларини, терган пахталарини кўздан кечиргач, Содиқни қўлтиқлаб бир четга олиб ўтди. Содиқ унинг хатти-ҳаракатларидан хавотир олмаса ҳам, секретарнинг бугун ўзи билан аввалгидек очилиб сўрашмаганидан, қовоғи солиқроқ юрганидан ҳайрон бўлди, «чарчаган бўлса керак» деб ўйлади, парво қилмади. Лекин секретарнинг қовоғи солиқлигининг сири улар бир четга ўтгандан кейин очилди. Секретарь

www.ziyouz.com kutubxonasi

гапни айлантириб келиб, Мушаррафнинг арзига шама қилди.

— Ҳеч нарса тушунмаяпман, ўзи нима гап? — деди Содиқ ҳайрон қолиб.

— Ўзингизни гўлликка олманг, ўртоқ Қўчқоров, ҳеч ҳам ярашмаяпти. Сиздан буни кутмаган эдик! Яхшимас! Яхшимас! Тарбия ўчоғининг бошидасиз-а! Коммунист!

Содиқнинг ўлимдан хабари бор, лекин бу туҳматдан хабари бўлмаганидан калтаклаб ташланган кишидек гангиб қолди.

Содиқ кутилмаган бу зарбадан шундай ҳолатга келдики, секретарнинг хайрлашган-хайрлашмаганини кейин ўйлаб, эслолмади. Барчаси мудҳиш тушга, охири йўқ тушга ўхшар, ундан ҳеч уйғониб кетолмаётгандек қийналарди. У жуда шошиб қолди. «Наҳот Мушарраф устимдан арзга чиққан, туҳмат қилган бўлса!» — деб ўйлади.

Содиқнинг Мушаррафдан шубҳаланишга қиттай ўрни бор эди. У Мушаррафнинг кўзи ёригандан кейин кишининг ғашини келтирадиган бачкана ҳаракатларидан қайириш мақсадида бир-икки қойиган, тўғриси, маслаҳатлар берган эди. «Наҳот шу холис ниятим Мушаррафга мушукнинг жунини тескари силагандек ёқмагану, ковушини судраб арзга чиққан бўлса!» — Мушаррафнинг бундай туҳматлар билан район партия комитетининг секретарига чиқиши ҳеч миясига сиғмас эди.— «У бўлмаса ким бўлади? Секретарь ичидан тўқимайдику!»

Содиқ кечгача гангиб, қилар ишини билмай юрди, муаллимни деб, пионерлар вожатийсини чақирди, идорага деб, хирмонга кетиб қолди. Ахири болалар даладан қайтгач, овқатларини едириб, шаҳарга тушиб чиқмоқчи бўлди. Аммо салдан кейин бу фикридан қайтди. Бугун тушиб борса яхши эмас, аламдан ёниб турибди. Жаҳл устида хотинини хафа қилиб қўйиши мумкин. Буни у истамас, лекин масалани очди қилиши керак. Ҳозир эса, асабим бардош беролмай қолади, деб қўрқарди у. Ана шу нарса уни йўлдан қайтарди, бир-икки кун обдон танасига ўйлаб, Мушаррафга қандай қилиб билдиришнинг силлиқ йўлини топишга қарор берди. Итининг феъли эгасига маълум бўлгандек, Мушаррафнинг пайраҳадек гуриллаб ёниб кетишини у яхши билади, ахир.

Учинчи куни Содиқ уйига тушди. Эшикдан кириб бориши биланоқ ҳаммаси кўзига ёзиб қўйилгандек хотинининг кўзига боқди. Қай кўз билан кўрсинки, унда ҳеч

қандай ўзгариш йўқ эди: Мушарраф эрининг юзидаги безовталикни пайқаб:

— Тинчликми? — деди. Бу шундоқ ҳам ўз ҳаракатидан хижолат тортиб турган Содиқни ёлғон гапиришга мажбур қилди:

— Кеча сал тобим қочди.

— Шамоллагансиз. Иссиқ кийиниб кетинг демадимми! Докторга кўриндингизми?

— Ҳа, дори берди, бугун тузукман! — охиригача ёлғон гапиришга қарор қилди. Аммо ёлғон чўзилиб кетса уддалолмаслигини билиб, ўғли Маратни қўлига олди, лўппи юзларидан ўпди, «мени соғиндингми, ўғлим?» деб унга гап қотди. Бола ҳам дадасининг гапига тушунгандек балиқникига ўхшаган тишсиз оғзини очиб кулди, талпинди. Арзанда ўғлининг бу ширин қилиқлари ҳам унинг хаёлидан мудҳиш тушга ўхшаган лавҳани чиқаролмас эди. У ҳамон хотинининг ҳар бир ҳаракатини кузатар, кўнглида «у ҳали мени бехабар, деб билса керак» деган фикрда эди.

Эрининг бевақт келганидан ташвишланган Мушарраф қайнанасининг «суюқ овқат қилинг, танамиз яйраб ичайлик» деб қайнаттирган овқатини ошга айлантирмоқчи бўлди.

— Барвақтроқ келганингизда икки қозон осиб юрмас эдим! — деб ўпкалади Мушарраф.

— Борини қайнатавер! Ўзи нима эди?

— Суюқ. Мошхўрда. Ойимлар қатиқлаб ичайлик, деган эдилар. Райҳон ҳам кертиб қўйганман.

Содиқ тошкентлик бўлмаса ҳам мошхўрдани яхши кўрар, ҳатто ариққа солиб қўйиб, сал ачитиб ичарди. Шунинг учун ошга айлантиришга розилик бермади.

Овқат ўтди. Мушарраф чой дамлаб келиб, пиёлани уч марта чайқаб ташлагандан кейин, қуйиб эрига узатди. Сўнгра «концерт вақти бўлибди» деб радио қулоғини буради. Йиғлаган боласининг оғзига кўкрак солиб ўтириб, радио тинглади. Концерт тамом бўлгач, уни паст қилиб, Маратни Содиққа узатди:

— Бор, дадангга бориб тургин, ўғлим, даданг эртага яна кетиб қоладилар, гаплаш, нималар кўриб келдингиз, дегин. Мен қозон-товоғимни ювиб олай,— деди Мушарраф ва: «Эрим хабар топибди» деган ўй билан тил ёғламалик қилди: «Нега одамга бунақа қилиб қарайсиз! Бунақа одатингиз йўқ эди-ку, ё жиндай тортиб келганмисиз?»

Чиндан ҳам Содиқ хотинидан кўзини олмас, қалбини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўртаб ётган гумонига далил қидирар эди, иложини топса, юрагига назар ташлашга ҳам тайёр эди.

У ўғлини қўлига олди. Ўғли қўлида-ю, хаёли секретарнинг таъналарида эди. «Ажабо! Ҳеч қандан белги йўқ-ку! Наҳот Мушарраф шундай усталик билан бу ролни ўйнаяптики, мен уни пайқаб ололмасам! Мумкин эмас!» — деб ўйлади ва хотини ошхонадан келгандан кейин, тусмоллаб бир-икки тош отиб кўрди. Бундан ҳам бир иш чиқмади. Лекин хотинига ошкор айтиб, подадан олдин чанг чиқаришни лозим топмади. Бир оз сабр қилишга, ипнинг ўзи чувалиб қолишини кутишга қарор қилди.

Мушарраф эса, гўё ҳеч нарсадан хабари йўқ кишидек, оғзидаги «Бухорий» сақични қарсиллатиб чайнар, Содиқнинг «қўй, уят бўлади» дейишига кулиб «тишни тозалайди, буваларимиздан қолган тиш чўткаси», дерди.

Лекин Мирсалим, секретарнинг Содиқ билан қилган кўнгилсиз суҳбатидан хабар топган, бу иш самара бера бошлаганидан қувониб, бағрига шамол тегиб қолган эди. Секретарь орқали қилинган тазйиқ юқоридан тушган мушт, энди остидан ҳам сув қуйиш зарур эди. Буни Мирсалимнинг ўзи бошлади. Пахта терими вақтида қолиб кетган дарсларни қандай қилиб ўтишга бағишланган педагоглар кенгашида сўзга чиқди. Директорни болалардан кам хабар олди, шу пайт ичида мактабда ҳам интизом сусайиб, давомад пасайиб кетди, пахтадан қочган болаларга чора кўрмади, деб айблади.

— Директоримизнинг бир оёғи у ёқда, бир оёғи бу ёқда бўлиб, оқибат яхши бўлмади. Биз пахтадалигимизда тўққизинчи синфдан бир қиз эрга узатилибди. Бунга бошлаб директор, қолаверса, биз айбдормиз. Ўқишни битиргандан кейин тегса, боши туйнукдан чиқиб кетмас эди.

Мажлис охирида Содиқ ўз адресига айтилган сўзларни самимият билан қабул қилди, коллективни ўзига ёрдам беришга чақирди. Лекин у Мирсалимнинг шунча гапни дадил айтганига ажабланарди. У шу мактабга келганидан бери Мирсалимнинг тик туриб, журъат билан айтган илк танқидини эшитиши эди. Бундан қувонди, демак, кишиларда ташаббус, жонкуярлик уйғониб келяпти. Бу яхшиликка!

Лекин ўзи ҳақидаги яхши фикрни Мирсалим Содиқ билан бирга қайтаётганда уч пул қилди.

— Кўнглингизга олмайсиз-да, Содиқжон,— деди у,— ишнинг нафини кўзлаб бир оз товонингизни босиб қўйдим, ибрат бўлсин, дедим.

— Жуда тўғри қилдингиз. Ҳар ким ўз айбини билса қорни ёрилиб ўлади, деган гап бор. Кўрсатдингиз, мана энди кўплашиб тузатамиз.

— Шундайку-я... лекин баъзилар танқидни нотўғри тушунишади. Қани ҳамма ҳам сиздек оқ кўнгиллик билан қабул этса... Дўстнинг юзига танқид қилмаслик, рақиб бўлиб чўнтакда мушт кўрсатиш билан баробар,— деди катта бир ишни бошлаб берган кишидек, бир йўсинда Мирсалим. Лекин унинг бир кўзи: «Сен менинг тинчимни буздинг, оромимни олдинг. Изингга тушганим-тушган!» — деса, бир кўзи: «Бошлиқларни танқид қилиш асрлонни ўпишга ўхшайди, даҳшати кўп, роҳати йўқ!» — дерди. Тун бўлгани учун Содиқ унинг кўзларини кўрмас, ғаразли фикрларини уқа олмас эди.

Муюшга боргандан қуюқ хайрлашишди, ҳатто Мирсалим «ойим билан келин пошшага салом денг, ўғилчани ўпиб қўйинг!» — деди.

Содиқ миннатдорчилик билдирди.

Бу хилда сусткашлик кўрсатиб бораверса, эрта-индин Содиқ яна ёнбошга олиб шунақа отиши мумкинки, унда ё ўнгланиб олади, ё йўқ. Нима қилиш керак? Бу мушкул савол эди. Бу мушкул саволнинг жавобида ёниб юрар экан, бирдан Фаҳриддин Шукуров эсига тушди. Паст бўйлик, оқ-сариқдан келган бўлса ҳам зардаси тез Шукуров аравага энди кирган отдек ўйноқлаб, ҳар томонга ўзини уриб, нима қилишини билмай юрарди. Мирсалим уни учратиб, қўйнига қўлини солди, пешонасини силади, «ўзингни ўтга, сувга урма, акаси, бунинг йўли бор», деди етаклаб кетди. Бундай пайтда кишининг кўнгли бир оғиз илиқ сўзга муҳтож бўлади. Шу илиқ сўзни Мирсалимдан эшиттан аламдийда Шукуров олдикетини суриштирмай унинг етовида бўлди-қолди. Мирсалим унинг этини аста-секин ўлдириб бориб ишончига кирди, дардкашига айланди.

— Пешонамиз шўр бўлмаса,— деди бир куни унга,— бир келгинди тўрга чиқиб, сиз билан биз пойгакда қолармидик!

— Ана шунисига мен ҳам чидамайман! — деб юборди тўлиб турган Шукуров.

— Балли! Лекин нолиш билан иш битмайди. Бунинг йўли бор.

— Йўли бор? — косови қисқалик қилиб турган Шукуров бит кўзларини ҳамсуҳбатига тикди.

— Мен унинг кўп сирларини биламан. Қалинлик пайтларимизда кайф аралаш оғзидан гуллаб қўйган. Лекин менинг бир ўзим билганим кифоя эмас. Баъзиларини сиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам кўриб юрибсиз, масалан, яхши ўқитувчиларни қувғин қиляпти. Илгариги мактабида хотин-қизлар озодлигига қарши чиққан, атайлаб ёш қизларни эрга бердириб юборган экан. Бу нима деган гап? Бу советга қарши иғво.

— Бўлмасам-чи! — лаққа тушди тўлиб турган ҳамроҳ.

— Эшитишимча, ўз шаҳрида булар бир нечта бўлишган. Иш чуваладиган пайтда бу ёққа қочган. Бу ер сер одамда, тўдага аралашиб кетаман деган. Кўриб турибсизки, яна ўша ғайри қонун ишини қиляпти.

— Хўш, энди нима қиламиз дейсиз!

— Фош этиш керак. Бу бурчимиз ахир.

Бит кўз Шукуров «қандай қилиб?» дегандек кўзини лўқ қилиб олди. Мирсалимга айни шу нарса керак эди.

— Албатта ошкора қарши чиқиб бўлмайди, унинг йилтироқ сўзига ишонганлар бизга гап бермайди. Бунинг битта йўли бор: зимдан иш тутиш.

— Зимдан?

— Ҳа, зимдан. Органга икки энлик қилиб ёзиб ташланса кифоя.

Шукуровнинг чўчинқираганини сезган Мирсалим дарров тўнини ўзгартирди:

— Бу бизнинг бурчимиз! Наҳот шундай ишларини билиб-кўриб туриб, лом-мим дейишни лозим топмасак. Уят! Жуда уят!!

Шукуров бўшашиб тушди, Мирсалим яна унинг қўлтиғига сув пуркаб, тайёр қилиб олди.

Булар ёнига кўмир ўғирлаб қўлга тушган мактаб хўжалик мудири қўшилди. Мирсалим уни ҳам «бир арава кўмир одамнинг хуними! Кишиларда ҳукуматга қарши норозилик туғдириш учун атайлаб қиляпти» деб ийлаб юрган эди. Уч бош қовушди. Бир ўтиришда Мирсалимнинг котиблигида ёзиб ташланди. НКВДга ёзилган бу хат Мирсалим кутганидан ҳам яхши, тўла чиққан эди. Шунинг учун бўлса керак, имзолар чекилиб бўлгач, таъкидлаб қўйилди:

— Ҳаммамиз ҳам ўз хоҳишимиз билан қўл қўйяпмиз-а, яна кейин айнаб юрмайлик! У идора ҳазилни ёмон кўради: нақ бошларинг кетади!

— Сўз битта! Ҳезалак тонади! — деди дадилланиб Шукуров. Лекин хўжалик мудири хомуш эди.

13. КЎНГИЛСИЗЛИКЛАР

Иккинчи чорак тугаб, болалар қишки каникулга чиққандан бери Содиқнинг кўнгли жуда ғаш, иши ҳеч ривож

топмайди, ривож топса ҳам қадр топмайди. Бўлмаса озмунча ишлар қилиб қўйдими! Унинг ўрнида бошқа одам бўлса районга байроқ бўларди: мактаб ремонтини муддатидан аввал сифатли қилиб тугатди. Тежаб қолган пулига спорт майдончаси қурди, минг ёққа елиб югуриб тарих кабинети билан физика кабинетини кўнгилдагидек қилиб жиҳозлади. Завхознинг қақир-қуқури билан банд бўлиб ётган катта подвалнинг ярмини ремонт қилдириб, буфетга берди-да, буфет ўрнини кутубхонага қўшди, унинг ёнини қироатхона қилди. Юқори синф болаларининг кучи билан ғишт қўйиб, турли тўгаракларнинг ишлаши учун ҳовлининг бир четига алоҳида иккиуч хона қурди. Ўзи лой кечиб ишлади. Ёшроқ ўқитувчиларни ҳам сафарбар қилди. Бу ишларни самарали тугатгани ҳақида район раҳбарларига ўз вақтида рапорт берди. Келиб кўришиб, маъқуллаб кетишди, район маорифи бўлимининг мудири: «Қани энди сизга ўхшаган ташаббускор директордан кўпроқ бўлса!» — деб қўлини сиқди. Лекин... лекин шундан бир оз вақт ўтгач, район ўқитувчилар конференциясида на унинг номи, на мактаби тилга олинди. Сўз сўраган эди, рўйхатга ёзишди-ю, сўз беришмади. Сабабини сўраб , район маорифи бўлимининг мудирига мурожаат қилган эди, «навбат келмади, ёзилганлар кўп эди», деб тунд жавоб қилди. Содиққа унинг жавобидан ҳам ўзига рўйхушлик бермасдан гапириши қаттиқ боғди. «Хаёли бошқа ёқда шекилли», деб ўзига тасалли берди. Конференция тугаб, энди кўчага чиққанидан унинг мактабини яқингинада мақтаб газетага ёзган кишини кўриб қолди. У Содиқнинг қўлини сиқиб кўришди-да, шундай илғор мактаб ҳақида конференцияда бир оғиз ҳам гап-сўз бўлмаганидан ажабланганини билдирди.

— Ҳа, ростанам,— деди газета ходими нимадир бирдан эсига тушганда бўладиган шошинқираш билан,— мана, докладда ҳам сизнинг мактабингиз билан номингизни, нима учундир, қизил қалам билан ўчирилган.

Ходим газетада берадиган ҳисоботида фойдаланиш учун олган район маорифи мудири докладининг ўша саҳифасини очиб кўрсатди. Чиндан унинг мактаби ва номи қизил қалам билан босиб ўчирилган, лекин ўқиш мумкин. «Ким ўчирган, нимага ўчирган?» деган фикр Содиқнинг хаёлига келди ва мухбирдан сўради:

— Ким ўчирган бўлиши мумкин?

— Ким докладни қизил қалам билан кўриб чиққан бўлса, ўша бўлади-да,— деди мухбир мужмалгина қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ. Бу унинг чин жавобими ёки ҳазил қиляптими — билиб бўлмас эди. Унинг ҳазил қилиши мумкин эмас, чунки кечагина мақтаб ёзгани учун докладда тилга олинмаганлигидан редакцияда унга сўз тегиши мумкин.

Педагогика журналида Содиқнинг «Ўзбекистонда босмачиларга қарши кураш даврини қандай ўтиш керак» деган мақоласи босилаётган эди. Бир куни редакция телефон қилиб, корректурасини кўриб беришни илтимос қилди. Корректурани кўздан кечириб, қўлини қўйиб, редакцияга миннатдорлик билдириб чиқиб келаётганида муҳарририга йўлиқиб қолди. Муҳаррир унинг мақоласидан жуда хурсанд бўлганини айтиб, фаол қатнашиб туришини илтимос қилди:

— Журнал сизларники, ўзинглар фаол қатнашмасанглар ким ғамхўрлик қилади! — деди у ва бундан кейин ёзмоқчи бўлган мақолаларининг мавзуи билан қизиқди. Содиқ боши кўкка етиб уйига қайтди. Унинг журналда унчалик фаол қатнашув нияти йўқ эди, муҳаррирнинг илтимосидан кейин имкониятларини хаёлидан кечирди. Бир-икки мақоланинг тахминий режасини тузди, ўз тажрибасидан мисоллар эслади. Унинг руҳи енгил, ўзи хурсанд эди. Лекин бу хурсандлик ҳам узоққа чўзилмади: журналнинг ўша сони чиқди-ю, Содиқнинг мақоласи чиқмади. Содиқ ҳайрон бўлиб, редакцияга телефон қилди. Котиб:

— Мен билмадим, муҳаррир олиб қолибди,— деган жавобни айтди. Пайт топиб муҳаррирга учрашди, ўтган гал қадрдон дўстлардек самимий гаплашган муҳаррир бу гал нотанишдек совуқ кутиб олди. Унинг сўроғига бепарволик билан:

— Келаси сонлардан бирида берамиз, жой етмай қолди,— деди. «Гап тамом, чиқиб кетишинг мумкин» дегандек ўз ишига тутинди. Содиқнинг «хайр» дейишига ўтган галдагига сира ҳам ўхшамаган бир тусда жавоб қайтарди. Содиқ чиқиб кетгач, кетидан келиб эшикни қаттиқроқ ёпиб қўйди. Лекин мақола келаси сонларнинг бирида ҳам чиқмади, кейинчалик ҳам унга «жой топилмади». Бир йиғинда шу журнал котибини учратиб қолди. Ундан:

— Ўзи нима гап? — деса, у ҳам ўз навбатида:

— Ўзи нима гап? — деди. Иккиси ҳеч нарса билмас эди. Муҳаррир «берамиз» дермишу, мундарижа тузаётган вақтда эсига солса, «тура турсин» деб орқага силтармиш, сабабини айтмасмиш.

— Унга ҳам биров телефон қилганмикан?..— деди котиб редакцияси учун хижолат тортгандек ийманиб.

Хуллас, мақола босилмай қолиб кетди. Бошқасини ёзишга Содиқнинг қўли бормади. Бу орада район партия комитетининг секретари билан анави кўнгилсиз учрашув бўлиб ўтди.

Буларнинг ҳаммаси Содиқнинг асабини эговлар, ташаббусини бўғар, руҳини туширар эди. Буларнинг ҳаммаси бугдойга тушган митадай вақт ўтган сари билинарди. «Омади кетган кишининг аталадан тиши синади» дегандек, у нима иш қилса кетига кетарди, бурунлари қўллаб-қўлтиқлайдиганлар четга чиқиб турадиган бўлиб қолди. Бу орада ҳамқишлоқ партизан ўртоғи Болтақулнинг қамалганини эшитди. Уни халқ душманига чиқариб, район партия конференциясида роса қоралашибди. Бу хабар Содиқни яна шошириб қўйди: наҳот, босмачилар билан курашда уч бор ўқ еган Болтақул душман бўлса!

У ҳеч нарса тушунмас ва тушунтирадиган ҳам йўқ эди. Ўйлаб ўйига етолмас эди.

Шундай дилхитлик билан иккинчи чоракни тугатди. Унинг кўнгли ғаш ва хира, чироқ ёқса ёришмайди. Тилаб-тилаб топган арзанда ўғлининг гоҳ эмаклаб, гоҳ йиқилақўпа тетапоя қилиб келиб эркаланишлари ҳам баъзан юрагига сиғмасди.

Эрининг кўнгил ғашлигини писанд қилмаган ёки фаҳмига ётмаган Мушарраф эрталаб барвақт туриб, наридан-бери нонушта тайёрлади-да, Маратни унинг қўлига тутди:

— Бола битта меникими, манг сиз ҳам боқинг! — деди карашма билан,— кўйлагимдан хабар олиб келай. Бола деб кино-театрлардан қолганим-қолган, модадан ҳам қоламанми? Кеча келган ўртоғингиз хотинининг кўйлагини кўрдингизми, битта костюм пулига тиктирибди, яна сеники қимматга тушди, дейсиз.

Содиқ индамай болани тиззасига олди. Мушаррафнинг енгилтаклигига «ўрганиб» қолган эди. Агар ҳозир қаршилик қилгудек бўлса, ана унда кўрасиз! Пиёлани чойнакка, лаганни косага уриб, айёҳаннос солади, кўз ёши қилади. Лекин барибир Содиқ бугунги тўполондан қутулмади. Уйни наридан-бери йиғиштириб, нима учундир, кўйлагидан хабар олгани ҳамон кетмаётган Мушарраф, бир маҳал ишшайиб келиб, эрининг қулоғига шивирлади:

— Пул бермайсизми, битимга олиб келаманми?

— Ўтган куни олганинг-чи, нимага сарф қилдинг?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўйнашимга олиб бориб бердим.— Бирдан қайнаб кетди Мушарраф. У шундай баланд келиши билан эрини босиб олишга ўрганиб қолган. Оғир табиатли Содиқ ҳар галгидек ади-бадига боришга юраги йўқ, шундай бўлса ҳам, аччиқ ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди:

— Ўша тортмадагидан бошқа пулим йўқ. Унинг керак жойи бор. Подпискадаги китобларимни олмаганимга анча бўлди.

— Ҳа, оларсиз, шу муллалигингиз ҳам етади.

— Йўқ-йўқ, у пулга тегма! Рўзғорга зарур бўлиб қолади.

Ана шундан кейин Мушарраф тўнини тескари кийиб олди. Уйни бошига кўтарди:

— Яхши кўрганингиз бор, худо урсин, бор. Бўлмаса мени бунақа хор қилмас эдингиз. Қани энди ўша манжалақини бир тутиб олсам эди, ҳар битта мўйини битталаб юлардим.

— Ҳай, уят, секин! — деди қўшнилар олдида номусдан Содиқ.

— Ўйнаш тутиш уятмасу, гапирса уятми! Уялмайман. Нега уялар эканман! Сиз уялинг. Дод, бу қандай бедодлик, кўчада айшини қилиб келиб, уйда хотинига зуғум қилади.

Содиқ бардош қилолмади:

— Бас, шаллақилик қилма, тутганингда гапиргин!

— Тутаман, тутмасдан қўймайман ҳам. Мана кўрасиз, тутаман.

Бу Мушаррафнинг биринчи жанжали эмас эди. Унинг мақсади битта: нима бўлса бўлсин буюртирилган кўйлагини бугун олиб келиши керак, ҳозир Содиқдан пул ундириши шарт.

Бундай пайтларда Содиқнинг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Қўни-қўшнилар эшитишидан номус қилади. Шармандага шаҳар кенг, дегандек Мушаррафга барибир, у баттар баланд келади.

Содиқ «вайсасанг, вайсаб ўл» деди-да, кўчага чиқиб кетди. Унинг орқасидан ҳам Мушарраф шаллақилик қилиб қолди:

— Худо олсин ўша манжалақини!!!

Эри чиқиб кетгандан кейин ҳам «манжалақи» анча вақтгача Мушаррафнинг оғзидан тушмади. Заҳрининг қолганини қайнанасига сочди. У бечоранинг айби Мушаррафнинг ёнига тушиб, Содиқни қойимагани! Жанжални ёмон кўрган бечора қайнана кўрпа

бўлиб иккаласини ёпмоқчи, кўприк бўлиб тинчитмоқчи бўлди:

— Жон болам, ёш эмассиз, бир боланинг онасисиз. Оғир бўлинг, эшитган қулоқ нима дейди, бу уйдан йиғи товуши чиққан эмас.

— Ҳа, ўша туғмас қисир келинингизни мақтамай қўя қолинг, унинг тили қисиқ эди. Шунинг учун ўғлингиз нима деса, сигирдек бўйнини солиб турaверган. Мен Жаннат бўлмайман. Мен Жаннат эмасман. Эр-хотиннинг ҳуқуқи баробар. Болага зор эди, мана туғиб бердим, энди у ҳам менинг айтганимни қилсин. Нега қилмайди?

— Айтганингизни қилмай нима қиляпти, жон болам!

— Уйда ўтириб ҳеч нарсани кўрмайсиз. Мундоқ кўчага чиқинг, одамларнинг кийиниб юришларини кўриб оғзингиз очилиб қолади.

— Сизники ҳам кам эмас, шу яқиндагина иккита кўйлак тиктирдингиз, бу модадан қолди деб янги туфли олдингиз. Болам бечоранинг битта ўзи топгани нимага ҳам етсин.

— Ўғлингизга айтинг, рухсат берсин, ишлайман,— деди Мушарраф гўё ишласа эрига қарам бўлмайдиган кишидек кибрланиб.

— Ўғлим бечора ишламанг деяётгани йўқ. Шу вақтгача ишлатмовдими! Бола сал ўзини тутиб олсин деяпти, холос.

— Бу бир баҳона. Мени уйга ойимқиз қилиб ўтқазиб қўймоқчи! Бир манжалақини топган-да, юрганимни кўриб қолмасин, дейди. Кўрмай бўпман, ернинг тагида бўлса топиб оларман.

— Ҳай, жон болам, бу нима деганингиз, яхши гапга ҳам фариштa омин дейди, ёмон гапга ҳам. Эрингизнинг обрўйини тўкманг, обрўйини тўкиб яна шу эр билан яшайсизми? Ё бошингизни олиб чиқиб кетасизми? Чиқиб кетсангиз майли-я, бўлмаса қўни-қўшнининг кўзига қандай қарайсиз? Уят-эй! Қўни-қўшнидан номусга ўлдим. Кунда жанжал, кунда тўполон. Бир кун уриш бўлган ердан қирқ кун барака кўтарилади, дейишади.

— Ҳа, минг қилса ҳам ўғлингиз-да, жонингиз ачийди, ёнини оласиз. Мен етим... оёқ остидан чиққанман...— Мушарраф ҳўнграб йиғлаб юборди. Ўзининг гапига ўзи чидолмасдан ер тепинарди. Бўлмаса бечора қайнана унинг етимлигини пеш қиларлик бирор сўз айтгани йўқ.

— Етим ҳам худонинг бандаси, жон болам, тавба дейиш керак. Ҳеч ким сизнинг юзингизга солаётгани йўқ. Мен қўш етим боққанман, киймаганимни кийди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб, емаганимни едириб боққанман. Шукур қилинг, ҳаммаси орқа этакдек орқада қолади. Ярашганини кийиб хоҳлаганни еб юрибсиз. Сизни ҳеч ким етим деяётгани йўқ.

— Башарамга қаранг, куяверib-куяверib, ит мужиган ошиқдек бўлиб кетдим. Хўрлик хотинни, хароблик ҳайвонни хунук қилади, деб шуни айтади-да. Чинчалоғимга тақадиган узугим ўрта бармоғимга тушиб қоляпти.— Мушарраф ип ўраб бармоғига тақиб қўйган узугини кўрсатди. «Мана-мана!»

— Айби йўқ, жон болам, яқингинада бўшалгансиз, эмизиклисиз, ҳамма билади. Бир терида қўй неча семириб, неча озади, жон омон бўлсин,— деди қайнана. У ёш болалик хотиннинг ороми бўлмаслигини жуда яхши билар, келинга ачинарди ҳам: ахир невараси жуда сер йиғи. Баъзан туни билан йиғлаб чиқади, Мушаррафни ухлатмайди, бунинг устига онасидан ажралмайди, «оғзимдан кўкрагингни олма» дейди. Ўйнаса ҳам онасининг олдида ўйнайди, Мушарраф сал кўздан жилди дегунча йиғлайди. Адолат хола баъзан ичида «онасининг худди ўзи, лўли» деб қўяди.

Адолат хола келинининг йиғидан қизариб кетган кўзига, юзларига чаплашиб кетган сурмасига, упа-элигига, тўзиган сочига қаради. Ичида «тавба, хотин деган ҳам шунақа бўладими» деб қўйди. Шунда бирдан кўз олдига Жаннат келини келди. «Фаришта экан, бечора, билмаган эканман» деган фикр ўтди хаёлидан. Мундоқ ўйлаб қараса, Жаннат шунча йил турмуш қилиб, эрига бирор марта тикланиб келмапти-я! Бундоқ хотин ҳам бўлар экан-ку, дунёда! Ҳар тўкисда бир айб дегандек, худо бечорани тирноқдан сиқди. Биттагина қулини ўша муштипардан аямаса, нима қилар экан. Дунёнинг зап ишлари бор-да.

Адолат хола ўйларига якун ясагандек «яхши жувон эди Жаннат» деган фикрни кўнглидан ўтказиб, ўз хонасига ўтиб кетди. Шу орада Марат йиғлаб қолди. Адолат хола, «менга эргашди шекилли» деб қўлига олган эди, баттар бағиллади. У бир нарса чаққандек ёмон йиғларди.

— Ҳай, келин пошша, болангизга қаранг, ўпкаси узилди,— деди Адолат хола Маратни эплолмай.

Мушаррафнинг ичкари уйдан товуши келди, лекин хола уни тузук эшитолмади. «Чиқиб қолар ҳозир» деган ўй билан бисотидаги барча эркалаш сўзларини ишлата бошлади. Невара қулоқ солмас, ҳамон бўғилиб йиғларди.

— Ҳа, болам, мунча бўғиласан, биров уряптими сени. Ҳозир онанг чиқади!

Она чиқмасди. Адолат хола шошиб қолди. Маратни кўтариб, деразадан келинига қаради: у уйнинг тўридаги тош ойна олдида бамайлихотир пардоз қиларди. Ҳаливери чиқиш нияти ҳам йўқдай эди.

— Ҳа, бас энди, қолганини кейин қиларсиз, боланинг ўпкаси узилиб кетди,— деди жаҳли чиққан қайнана юмшоқлик билан ўзини босиб. Мушарраф эшитмаган кишидек бепарволик билан пардозини қиларди. Ана шунда Адолат холанинг зардаси қайнаб кетди:

— Ҳой, ойиси, сопол товоқни кейин безарсиз!

Мушарраф нимадир деб ғудирланди-ю, ўрнидан қўзғалмади. Марат қанотини ёзиб талпинар эди. Адолат холанинг сабр косаси тўлди, Мушаррафнинг жойидан қўзғалмасдан ғудирланиши тўлган косани тоширган томчи бўлди:

— Ҳой, ноинсоф, сизга гапиряпман, бола қийналиб кетди. Шу маҳалда пардоз қисталон бўлмай ўлсин!

Мушарраф қорни тўқ одамнинг дастурхонга келишидек ҳафсаласизлик билан деразага яқинлашди: чеккасидаги майда сочлар жингалак қилиш мақсадида ўраб-ўраб боғлаб қўйилган, қошга тортилган қалам қулоққа бирор ғийбатни айтишга шошилгандек тилини чўзиб турибди, лаб устидаги хол яна ҳам қорайтирилган, юз ўртаси қизартирилиб, роса упаланган.

Буни кўриб Адолат холанинг энсаси қотди: шу вақтда пардоз ўлгурга бало борми! Ҳали кўрсанг гўсала, ҳали кўрсанг...

Мушарраф деразанинг ёпиқ бир қанотини очиб, ўғлини олар экан, дўнгиллади:

— Ҳа, мунча ўдағайлайсиз, ўғлингизники ҳам етади.

— Ўғлим бечора ҳеч ўдағайламайди-ку, ўзи йўқнинг мунча орқасидан тош отасиз. Ёлгон гапиргани уялсангиз бўлмайдими, жон болам.

— Ҳа, сиз билмайсиз, сиз кўрмаганда қиладилар,— деди Мушарраф ёлгонни ҳам дўндириб.

— Содиқжон қувлик, шумликни билмайди,— деганича Адолат хола орқасига қайтиб кетди. Мушарраф Маратнинг оғзига кўкрак солар экан, қайнанасига тегизиб ачитди:

— Сен ўлгур ҳам мунча йиғлайсан, болаларга ўхшаб мўлтайиб ётсанг бўлмайдими?

— Сиз ҳам оналарга ўхшаб тўйғизиб эмизсангиз экан: лик этиб унга туриб кетасиз, лик этиб бунга туриб кетасиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, мен шунақа енгилман.

Адолат хола унинг пичингига индамади. Шунинг ўзи етарли эди. Мушарраф анча вақтгача жиғибийрон бўлди, Маратни силтади, «нега тишлайсан, жувонмарг» деб атайин қайнанаси эшитгудек баланд овоз билан қарғади. Хола индамади-ю, ичида «норастани қарғамай, қарғишинг ўзингга урсин» деб қўйди. Бу Мушаррафнинг биринчи қарғиши эмас, эри сал кечикиб келса ҳам шу болага ёпишади, эри билан уришса ҳам бу бола гуноҳкордек минг балога гирифтор қилади. Болани турткилаб эрининг ғашига тегади, «ҳай!» дегудай бўлса балога қолади, «ишингиз нима, сизнинг жонингиз огриб туғибсизми!» деб юзига чопади. Содиқ индамай қолади, гап қайтариш бефойда эканини билади. Адолат хола шундай пайтда ўғлининг огирлигига қойил қолади, лекин ичидан зир кетаётганини сезиб «бу қандай бедодлик!» деб юборгиси келади. Тилаб-тилаб олган неварасининг бунчалик хор бўлишига асти чидамайди. Мана ҳозир ҳам Мушаррафнинг қарғишини эшитиб кўз олди туманлашиб кетди. «Эй худойим, шу болани Жаннатта бера қолганингда нима қиларди», деб нолиди. Лекин оғиздан бехос чиқиб кетганидан ташвишланиб, уй томонга қаради: хайрият эшитмади!

Адолат хола катта ўғли Содиқ билан невараси Маратнинг қисматидан ачиниб кўзига ёш олди. Хотинининг жанжалидан бош олиб қочган ўғли қаёққа кетди экан? Мактабда иши йўқ, бугун уйда дам олмоқчи эди. «Бунча пешонанг шўр бўлмаса, болам!» дея Адолат хола қўлига ишини олди.

Кеча Адолат хола «шамол келинимнинг шу бемеҳрлиги бўлса неварамни касал қилиб қўяди» деб Маратга пахтали нимча бошлаган эди. Мушарраф: «Кимнинг эскиси! Менинг болам бунақа эски-тускини киймайди» деб жирканган ва бу сўз холанинг кўнглига оғир ботиб: «Майли, жон болам, киймаса киймасин, бировнинг эскисимас, Қодир амакисининг нимдошгина костюмини бузган эдим, амакисидек катта йигит бўлиб юрсин, деб яхши ният қилиб тикаётган эдим. Яна ўзинглар биласизлар», дея йиғиштириб қўйган эди. Адолат хола мундоқ ўйлаб қараса, бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирадиган. Кеча ўғли ҳам эшитиб маъқул топди. Келини, баъзи бир келинлардек чеваргина эмас, игна-ипга қўли қовушмайди. Келин бўлиб тушибдики, йиртиқ-ямоқ холанинг қўлида. Уялмасдан эрининг пайпоқларини олиб чиқиб тўқиб-ямашни таъкидлаганига ўласан киши. Хола «тўқиб-ямаш қанақа, жон болам?» деса, қўли билан кўрсатиб, тили билан тушунтиради-ю, игнага қўли келмайди. «Ямоқ-ясқоққа ўрганинг, болам, мени сизга боғлаб бериб қўйгани йўқ, пишган ошдек нарсаман, бир куни лиқ этиб ўтаман-кетаман» деса, «бо худо, бир камим йиртиқ-ямоқмиди», деб кеккаяди, тилини бермайди.

Адолат хола шуларни ўйлаб нимчани тикар экан, ёшдан кўзойнаги хиралашди. Уни олиб, дока рўмолининг учига артди. Сал ўтмай яна хиралашди, яна артди. Хола ўпкасини тутиб ололмас эди. Шундай бўлса ҳам, бир амаллаб ўзини чалғитиб, ишга уриниб кетди. Қанча вақт ўтганини билмайди, бир маҳал мундоқ қараса тепасида Мушарраф турибди: ясан-тусан, лабида сохта табассум. Қўлида минг бир тўполон билан ўтган ҳафта эрига олдирган тивит рўмол. Чаккасининг майда сочлари жингалак-жингалак.

У, «кўйлагим эзилмасин, кигизнинг гарди юқмасин» дегандек эҳтиёт билан энгашиб Адолат холанинг тиззасидан нимчани олди. У ёқ-бу ёғини кўздан кечирди:

— Бу кечаги эмас шекилли,— деди сохта табассумини бузмасдан Мушарраф. Адолат хола унинг тилёгламалигини тушуниб, индамай қўя қолди. Мушаррафга ҳам худди шу керак эди. У чаққонлик билан қаддини ростлаб, кўча томонга бурилди. Лекин одоб юзасидан бўлса ҳам қайнанасидан ижозат сўрашга бўйни ёр бермади, фақат кетаётган ерини билдирди:

— Машиначига бориб келаман!

Бу сўзда «Маратга қараб тур» деган фармойиш ҳам бор эди. Қайнанаси индамади. Фақат кўнглидан ўтди: «Қиз хотин — уй хотини, жувон хотин — йўл хотини!»

Мушарраф шу кетганича кечки олов маҳалида келди. Адолат хола ўчоққа олов ёққан, Содиқ Маратни ўйнатиб ўтирарди. Мушарраф қўлтиғидаги қоғозга ўроғлиқ буюми билан тўғри уйга ўтиб кетди. «Марат йигламадими, яхши ўтирибдими?» дейиш хаёлига ҳам келмади. Бирпасдан кейин биров уйнинг деразасини аста-аста тақиллатди. Содиқ ўгирилиб қараса, янги кўйлакда Мушарраф турибди. Табассум билан шивирлади:

— Ярашибдими?

Содиқ эрталаб тўс-тўполон қилган хотинининг мунчалик енгилтаклик билан ишшайиб туришидан уялиб кетди. «Ойим кўрмаяптими» дегандек хижолатда ошхона томонга қаради: хайрият, онаси ичкарида экан!

Сал ўтмасдан Мушарраф уй кўйлагида чиқиб келиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

эрталаб ҳеч нарса бўлмагандек қайнанасига эшиттирмасдан эрига уқтира кетди:

— Ҳозир шу фасон мода бўлган. Этагини кўрдингизми? Битирмагунча машиначининг ҳам ҳоли-жонига қўймадим. Зарурлигини билди шекилли, хазон бўлгур, ўн сўм ортиқча берсам, рози бўлмай яна беш сўмимни олиб қолди. Майли, есин-ичсин тўймасин, шу беш сўмимга рози бўлмадим. Барибир буюрмайди.

Содиқ елга совурилган ўн беш сўмга ачинмас, онасининг эшитиб қолиб, кулишидан уялар эди. Ичида «бас қила қолса-чи!» дерди-ю, айтишга ботинмас эди. Содиқ гап чалғитди:

— Мен келсам Марат бирам йиғлаяпти. Касал бўлиб қолдими, деб қўрқиб кетдим. Ойим печеньени сувга ивитиб бериб зўрга овутдилар.

— Ҳеч нарса қилмайди. Кўп йиғлаган боланинг кўзи қора бўлармиш. Кўзи қора бўлса ёмонми! Ўзингизники ҳам қора-ку, мен қора кўзни яхши кўраман.

Мушарраф жуда хурсанд эди. Содиқнинг кўнглидан «кайфи йўқми?» деган фикр ўтди.

— Ўзинг қаерда эдинг? — хаёлидан ёмон фикр ўтиб сўради Содиқ.

— Машиначиникида.

— Шунча вақт-а?

— Йўқ,— дея эркаланди Мушарраф кўзини сузиб,— ундан чиқиб бир қиз ўртоғимникига кирдим. Анчадан бери кўришмаган эдик. У ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик.

Содиқ ана шунда Мушаррафнинг кайфи борини пайқаб қолди. Кўзига қон қуйилди, узатилган оёғини йиғди.

— Кайфинг бор-ку! — деди ғазабдан титраб.

Мушарраф эрининг гапидан ҳайиқмади, аксинча, ўзгача бир нозу карашма билан қих-қихлаб кулиб:

— Шариат-ку хотинларга ичишни ман қилади, қонун ҳам ман қиладими! — деди. Эрининг ўзгарганини кўриб, яна ялпанглади:

— Хафа бўлманг, жоним, жиндай вино ичдим. Кечаси орқаларингизни яхшилаб силаб қўяман!

Содиқ хотинини танимас эди!

Содиқ эрталаб хотини билан астойдил гаплашмоқчи бўлиб, пайт пойлаб турганда қишлоқдаги тоғасининг вафот этгани ҳақида телеграмма келиб қолди. Беш тоғаси ичида энг кичиги ва севиклисининг бирдан вафот этгани уни шошириб қўйди. У шу тоғасини жуда яхши кўрар

эди, ўқиш йиллари ундан хабар олиб турган ҳам шу тоғаси эди.

Аввалига Адолат хола билан Содиқ йўлга чиқмоқчи бўлишди. Лекин Содиқ онасининг нафас сиқиш касали совуқ тушгандан бери тез-тез такрорланиб турганидан розилик бермади. Она «бормасам уят, эшитган қулоққа хунук» деб туриб олди. Содиқ нима қилишини билмай икки ўт ўртасида ҳайрон экан, онасидан хабар олиб турган қўшни врач жонига оро кирди, «кечагина ўтган юрак приступидан кейин узоқ сафарга чиқишингиз ҳеч ҳам мумкин эмас, ўзингизни, ўғилларингизни ўйланг», деб шахтини қайтарди. Чор-ночор дами қайтган она бир-икки аччиқ-аччиқ йиғлаб, индамади, рози бўлгандек бўлди.

Онасининг ўксиб қолаётганини кўрган Содиқ яна бир нозик пардани чертиб, унга далда берди, кўнглини кўтарди.

— Келинингизнинг шу турқи бўлса, болани касал қилиб қўяди! Сизнинг шу ерда бўлганингиз яхши,— деди.

Она йиғлаб-сиқтаб ўғлини эшиккача кузатиб чиқди. Маратни унга тутиб:

— Оғзига тупуриб кет буни, келгунингча ичикиб қолмасин! — деди.

Содиқ онасининг сўзини қайтармаслик учун ўғлига энгашаркан, у мени олади, деб қанотини ёзди, талпинди. Иримини қилиб қўяқолмоқчи эди. Мушарраф гап қотди:

— Ола қолинг, ҳали қачон келасиз! Соғинишни биладиган бўлиб қолди.

Содиқ хўмрайиб хотинига қаради. Гапни чўзмаслик учун Маратни қўлига олиб ўпди. Болани хотинига узатар экан, Мушарраф эрининг қарашига бардош беролмади, кўзини четга олишга мажбур бўлди. Нима учундир, Маратнинг онасига боргиси йўқ, ҳамон Содиққа талпинар эди. Эр-хотин ўртасидаги бу совуқ манзарани пайқаган Адолат хола:

— Дадангга эргашадиган бунақа одатинг йўқ эди-ку, болам, сенга нима бўлди? — дея неварасини ўғли қўлидан ўзи олди.

Марат, гўё дадасини бундан кейин уйида ҳеч кўрмаслигини сезаётгандек ҳамон унга талпинар, қўлини чўзар, қўлини қайтарса, ўзини отгудек бўлар эди, дадаси билан кета қолгиси келарди.

Содиқ уни онаси қўлида яна бир ўпиб, шошганича йўлга тушди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кўрганларга салом дегин! — гапириб қолди она.

Оҳ, бечора она, болангнинг бундан кейин кимларни кўришини билсанг эди, уларга балки салом айтмаган бўлардинг!

14. КУТИЛМАГАН ҚОРА КУН

Поездда бора-боргунча Содиқнинг хаёлини гоҳ хотининг кечаги қилмиши, гоҳ тоғасининг етим қолган беш боласининг тақдири олиб қочди. Тоғаси нимадан вафот қилди экан? Касал бўлса эшитган бўлардик-ку! Энг катта боласининг ёши нечада эди? Оиласи қийналиб қоладиган бўлди-да. Унча қийналмас, кеннойим пишиқ, юмушкор, куйди-пишди. Бир ҳунарнинг бошини тутиб олади. Совхоз улардан хабар олиб турар, кеннойимга тузукроқ иш топиб берар. Тоғамнинг обрўйи яхши эди-ку. Совхозим деб кунни кун, тунни тун демас эди, бечора!

Мушарраф нега бундай ўзгариб қолди? Бирор алам ўтган ери борми? Ё биров йўлдан урдими? Мен уни хафа қилгудай бирорта гап қилганим йўқ, у арзимаган нарсадан ўт чиқаради. Кеча ҳам худди шундай бўлди. Мана бугун йўлга қўшнисидан қарз кўтаришга мажбур бўлди. Хотини шундай бўлмаса қўшнисига сарғайиб пул сўраб чиқмас эди. Эрининг аҳволига ҳам назар сол-да, нодон. Бор бўлиб сендан аясам, бу бошқа гап. «Эрка қилиб боқилган текис ерда қоқилар» деб шуни айтса керакда. Нега мен унинг шунақа тантиқлигини аввал билмадим? Ҳаммасини қилди-қилди шу Мирсалим қилди. Шу ўртага тушмаганида бунчалик шошқалоқлик иш бўлмас эди. Кўзимни боғлаб қўйдими, нима бало. Йўқ, ўзимдан ўтди!

Содиқ шундай сўнгги йўқ ўйлар билан жойига чўзилди-ю, хаёл сурдими ёки туш кўриб ухладими — фарқига бормади. Лекин купесидан чиқса, қўшнилар нонушта қилишяпти, уни таклиф этишди. Шундан у кеча кечқурун ҳеч нарса емасдан ётиб қолганини эслади, қорни очганини сезди. Ювиниб келиб қўшниларининг нонуштасига қўшилди. Аммо иштаҳаси бўғилди. Қўшнилар оила ҳақида суҳбат бошлашди. Япасқи бурунли бири баҳсга якун ясагандек, деди:

— Шарқ доноси яхши айтган, бундан ўтказиб бўлмайди: яхши хотин жон озиғи. Ёмондан ўзи асрасин! Хотининг ёмон бўлса, сенинг жаҳаннаминг шу дунёда!

Содиқ суҳбат унинг оиласи ҳақида кетаётгандек

баҳсчиларга назар ташлаб чиқди. Ҳеч кимнинг у билан иши йўқ... «Мендан бошқа ҳам хотин жабрига учраган бор экан. Қайси бири экан? Шу япасқининг ўзими? Ё анавими? Иккисига ҳам ўхшамайди. Хотинидан жабр кўрганнинг ранги бунақа хушрўй ва тиниқ бўлмайди. Анави чиройли, қилтириқ мўйловлидир. Хотини қизғанса керак-да!»

Содиқ поезддан тушиб, тоғасиникига етиб келгунича кун пешиндан оғиб, ўлик чиқарилиб бўлган эди. Фарёд уриб, қаршисига илк чиққан кеннойиси бўлди. Унинг сочлари тўзғиган, бош яланг, белига қора шол рўмолини икки айлантириб ўраган, рангида қон йўқ.

— Тоғангиздан ажралиб қолдик, Содиқжон! Шўримиз қуриб қолди, Содиқжон! — деб унинг елкаларига қўлини ташлаб йиғларди. Унинг товуши хириллар, кечадан бери фарёд ураверib бўғилган бўлса керак.

Содиқ кеннойисини овутмоқчи бўларди-ю, ўзи ўпкасини босиб ололмас эди.

У тоғасининг таъзиясида уч-тўрт кун қолиб кетди. Ёшгина қўшни йигит ҳар куни шинелда чиқиб Содиқ билан эшикда турди. Исми Қобилжон экан. Оёғида ҳарбийча кирза этик. Бошида манглайидан юлдузи олинган шапка. Ўзи қиздай мулойим ва хушмуомала, келган-кетганга букилиб салом беради. Содиқ уни ҳарбийдан яқинда бўшаб келган фараз қилиб, меҳрибонлик билан:

— Бирор ишга жойлашганингиз йўқми ҳали? — деган эди, у йигит ҳарбий хизматдан отпускага келганини айтди:

— Яна бир йил бор.

— Хизмат қаерда?

— Узоқ. Жуда узоқ. Олатоғдан ҳам кўринмайди,— деб кулгига олди йигит.

Қобилжон Содиқ келганидан бери ўзини унга яқин олиб юрарди. Фотиҳага келганларни кутишда ҳам унинг ёнида, нонушта ёки овқатга ҳам унинг ёнида. Шунинг учун Содиқ ундан сўрашга журъат этди:

— Сир денг! Айтиб бўлмайдими!

Аслида Содиққа йигитнинг қаерда хизмат ўтаётганининг қизиғи йўқ эди. Нима учундир, бир-икки кундан бери унинг кўнглил ғашлиги, юрак сиқилишга айланди. Кимгадир нималарнидир гапиргиси келади, алланималардан ҳикоя эшитишни кўнгли тусайди. Биров юрагини сандиққа қулфлаб, калитини олиб кетиб қолганга ўхшайди.

Қобилжон келувчилар оёғи товсилгандан кейин уйи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га чиқиб кетиб, қош қорайганда Фарғонача беқасам чопонга ўралиб кириб келди. Салом бериб, Содиқ кўрсатган ўринга ўтирди. Содиқ чойни ҳўплаб, гап бошлади:

— Боя сиз менинг хизмат еримни сўрадингиз. Одамлар олдида айтишга бўлмай, қизиқчилик қилиб қўя қолдим. Аслида сир. Ҳаммага гапириб бўлмайди. Сиз зиёли одамсиз, тушунасиз, сизга айтсам бўлади. Хизматим шимолда, ўн икки ойи қишу, қолгани ёз. Арестантларни қўриқлаймиз, сиёсий арестантлар, халқ душманларини.

Содиқнинг уларга жони ачимади. Душман бўлгандан кейин елкасига қоқиб, бошини силайдими! Кетмоннинг дамини босмаса, сопи пешонасига тегмас эди.

Содиқ кечаси билан ухлолмади. Мудҳиш туш кўрди.

Содиқ эрталаб ювиниб меҳмонхонага чиқса, болаликда кўча чангитиб бирга ўсган, босмачиларнинг додини берган бир ўртоғи ўтирибди. Уни кўриб анча кўнгли ёришди. Фотиҳага келган бу ўртоғи Содиқ билан қўл сиқишиб кўришган бўлса ҳам, «азада ярашмайди, бели боғлиқнинг дили боғлиқ» деб ўйладими, очилиб гапиришмади. «Одамлар оёғи товсилиши билан эшикка бор, кутаман» деб кетди. Содиқ ваъда бериб қолди. Фотиҳага келувчилар оёғи тийилиши билан, йўл олди.

Она қишлоғининг ҳар бир гиёҳи таниш. У суқланиб атрофга назар ташлаб борарди. Якка чўп кўприкдан ўтиб, энди сўлга бурилиши билан хаёлини ёшлик ўйлари олиб қочди.

У худди ана шу ерда илк марта Жаннатни учратган. Сочвонини қўлига олиб келаётган ўйинқароқ ёш қиз қаршисида пайдо бўлиб қолган кишидан юзини бекитаман, деганда аллақаёқдан қувалашиб чиққан иккита ит уни қўрқитиб юборган, сочвон эмас, бошидаги қизил сатин паранжиси ҳам тушиб кетган эди. Шу маҳал етиб келган йигит, четлаб ўтиб кетиш ўрнига ерда ётган паранжини олиб, қизга узатганди.

— Вой, ўлмасам, қанақа кишисиз ўзи! — деган Жаннат юзини бекитиш ўрнига қип-қизариб, ҳаё аралаш боқиб турарди. Содиқ ҳам бўш келмади:

— Кўриб турганингиз кишиман-да, энди мендан қочмасангиз ҳам бўлади, синглим! — деди.

— Нега қочмас эканман, қўйинг-е! — деган Жаннат юзини сал четга буриб, бошига паранжисини илди.

— Паранжингизни кўрса кучуклар яна қайтиб келади,— тегишди Содиқ.

— Қайтиб келса сиз бор-ку. Наҳот мени итта талатиб, кап-катта одам қараб турсангиз?

— Ундай бўлса эшигингизгача қўриқлаб бора қолай.

Қиз бу кутилмаган таклифдан чўчиб:

— Йўқ-йўқ! Ўзим кетаман,— деди.

Қиз сапчиб икки-уч қадам қўйди-ю, яна одимини секинлатди. Ана шунда Содиқнинг юраги алланимани сезгандек гуп-гуп уриб, унинг ортидан ундади. У юрагининг амрига бўйсуниб, қизга етиб олди... Ана шунда икки ёшнинг кўзи беихтиёр тўқнашди. Шунчалик журъат билан кетидан етиб келган Содиқ тилдан қолгандек бир сўз айтолмас, умрида биринчи марта бегона йигитнинг юзига тикилиб қараган қиз ҳам ўзини бир неча лаҳзага унутди... Кейин яна бир хилват топиб учрашишди... Кейин тўй бўлди... Кейин Содиқ унинг паранжисини олиб ташлатиб, ўқитди, қайнаб турган ҳаёт қўйнига тортди... Ана у ишлаган боғча. Оппоқ бўлса ҳам ботаётган қуёшнинг нурида қизил тортиб турибди. Унинг ўзичи? Ҳозир қаерда экан?

Шу лаҳзада ажралганидан бери илк марта Жаннатга астойдил раҳми келди. Ўзига-ўзи ёмон кўриниб кетди.

Қандай бедаво хатога йўл қўйганини бутун вужуди билан ҳис этди...

Ўртоғи уни очиқ юз билан қарши олиб, ичкарига таклиф этди. Олдига дастурхон ёзар экан, гап қотди:

— Оббо, дўстим-эй, шунақа қилиб пойтахтлик бўлиб олдим дегин? Ишларинг яхшими? Уйланибсан, фарзанд кўрибсан деб эшитдим. Фарзанд муборак! Тўйингга ҳам айтмадинг, энди биратўласи «фарзанд қутлуғ» қилиб борар эканмиз-да.

— Марҳамат, бош устига.

Содиқнинг хомушлигини кўрган ўртоғи аввалига бу ҳолни тоғасининг вафоти туфайли деб тушунди. Кейин суҳбат қизиб, анча ёзилишиб ўтиргандан кейин ҳам ройиш бермаганидан ажабланди. Унинг кўнглини очмоқчи бўлиб, район янгилигини айтди.

— Биздаги янгиликни эшитганмисан?

— Қайси бирини? Ёзмасанг қайдан эшитай.

— Диловархўжа қўрбошининг қўлга тушганини!

— Қачон? Йўғ-е! Ҳали ҳам тирик эканми лаънати? — бирдан тетикланди Содиқ.— Қайси кавакда ётган экан? Мен уни ўлиб кетгандир, деб юрувдим.

— Мен ҳам! Эсимдан чиқиб кетган экан. Бир куни идорада ўтирсам телефон қилиб қолишди. Мен ҳам сенга ўхшаб ишонмадим. «Лаънатининг башарасини бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўриб қўяй, тоза бизни овора қилган эди», деб борсам, йўқ, марказга юборишган экан.

— Бу ёққа нима қилиб дайдиб келиб қолибди? — Яна қизиқди Содиқ.

— Буни билмадим. Туғилган ерини соғинганми.

— Бунақа одамлар соғинишни биладими!

— Бўлмаса ажал қувиб келгандир-да!

— Бу бошқа гап. Отишса керак.

— Бўлмасам-чи!

— Ўша йиллар эсингда борми? Лаънатилар билан ўзимиз ҳам тоза қувалашдик-да. Ҳафталаб отдан тушмас эдик-а.

— Шундай қилмасак бўлмас эди-да!

Икки жанговар ўртоқ қилич ўйнатишган йилларни узоқ эслашиб ўтиришди. Диловархўжа номини эшитиб чеҳраси бир оз ёришган Содиқ, ош сузилиш олдидан яна хомуш тортиб қолди. Бунинг сабабига ўртоғи тушунмасдан, яна соғлиғини, ишларини сўради. Маъқул жавоб олгандан кейин, деди:

— Нима учундир сени орган суриштириб юрибди. Тинчмисан?

— Нима деб суриштиради? — парво қилмасдан деди Содиқ,— орган қизиқадиган бирор ғалат иш қилиб қўйибманми?

— Билмасам, мен ҳам ҳайрон бўлдим. Ишларинг яхшими ўзи? Яхши бўлса бўпти-да. Органнинг сен билан менга даҳшат соладиган ери йўқ.

— Албатта,— деди ишонч билан Содиқ.— Балки Диловархўжанинг иши юзасидан керак бўлдимми?

— Эҳтимол,— унинг фикрига қўшилди ўртоғи.— Шундай бўлса керак.

Содиқ партизан ўртоқлари Болтақулнинг тақдири билан қизиқиб, ҳамсуҳбатидан суриштирган эди, у ҳам ҳеч нарса айтолмади, елкасини қисди:

— Орган қўлга олган. Бир нарса деб бўлади-ми!

Икки жанговар ўртоқ қўл сиқиб хайрлашганда ҳулкар оққан, тун салқини этни чимчиларди.

Содиқ эртасига қий-чув билан хайрлашиб йўлга чиқди. Лекин оёғи уйига тортмас эди. Поездга чиқса ҳам, орқасига қайтгиси келаверди. Мушарраф билан бўлган дилсиёҳликданми... ёлғиз ўғлини хаёлига келтириб кўрса ҳам, дили ёришмади. «Тавба, ўзи нима гап? Бу ниманинг белгиси?» — деган ўзига ўзи. Кейин бу жинни ҳисдан кулгиси қистади, ўзича масхаралангандек қаҳ-қаҳ уриб қўйди. Поездга кечаси чиққани учун узоқ фикр

юритишга вақти бўлмай, ухлаб қолди. Эртасига поезддан тушди. Машина кира қилди.

Содиқ кўзига таниш бинолар бир неча йил кўрмагандек чиройли, файзли кўринарди. Азим теракларни энди кўраётганга ўхшайди. Кутмаганда кўзига ярқираб, ажойибот тўла мўъжизадек бўлиб диққатини тортади. Ана, таниш, неча марта сайр қилиб юрган хиёбонлари. Ялангоч дарахтларда қарғалар учиб-қўнади, ерда қор йўқлигидан осмонга нола қилади. Осмон булут. Ана, шамол булутни йиртиб, ундан қуёш кўзи билан бирпасгина мўралади. Яна булутни алллақаеридан йиртиш ниятида хира кўзи малла бўз парда орқасидаги чироқдек ёнди.

«Шаҳарни айланмаганимга анча бўлди ўзи ҳам», деб қўйди ичида. Шунда Мушаррафга уйланиш олдидан тез-тез шу томонларга чиқиб тургани ёдига тушди. Ана, улар ўтирган скамейкада бошқа бир жуфт ўтирибди. Уларнинг елкаларигина кўринади. Шу маҳал кимдир унинг отини айтиб чақириб қолди. Худди Мушарраф чақиргандек юраги орқасига тортиб «шув» этиб кетди. Товуш келган томонга қаради. Машина эндигина бурилган тор кўчанинг йўлкасида Содиққа нотаниш бир ориқ йигит турарди. Унинг ёнида — қачон Содиқни кўрса оғзи тўла олтин тишини йилтиллатиб, ажойиб тиш доктори топганини мақтайдиган бир эзма муаллим. Ориқ йигит у билан хайрлашиб, машинага яқинлашди. У оддийгина кийимда, галстук таққан.

— Милицияга кириб чиқсак,— деди у ранги оқаринқираб. Содиқ гап ким ҳақида кетаётганини билмай, аниқламоқчи бўлди:

— Менми, шоферми? Шофер бўлса мен қолай.

— Йўқ, сиз билан бирга кириб чиқамиз.

Машина Содиққа кўпдан таниш кўчалардан ўтиб бориб, темир дарвоза олдида тўхтади. Машинанинг сигналига ичкаридан ҳарбий формадаги киши чиқиб, шофер ёнида ўтирган ориқ йигитга қаради. У, ўзлари тушунадиган бирор имо қилди шекилли, тезда кириб кетиб, дарвозани очди. Уни кутиб олган командир, икки ҳарбий йигит билан тор коридордан бориб, бир хонага олиб кирди. Уни ўтқазиб, ёнида икки ҳарбийни қолдирди. Ўзи чиқиб кетиб, унвон жиҳатидан ўзидан каттароғи билан кириб келди. Янги кириб келгани қўлидаги папкадан бир қоғоз олиб, Содиққа узатди:

— Ўқинг, қўл қўйинг.

Содиқ қайси кўзи билан кўрсинки, бу республика прокурорининг уни қамоққа олиш ҳақидаги санкцияси

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. У бўшашиб, нима қилишини билмай қолди, ҳарбий киши яна эслатди:

— Қўл қўйинг.

Ярим соатдан сўнг Содиқ ботинкасининг иплари олинган, шимининг темир илгаги кесилган, бегалстук боксда ўтирарди. Тушими, ўнгими...

15. ЙИҒИГА АЙЛАНГАН АЛЛА

«Данагидан мағзи ширин» дегандек, Адолат хола неварасига бутун меҳрини тўкиб, эркалаб ўтирарди, унга қўшиқ айтарди:

Муратжоним хон-хони,
Кўкаламзор майдони.
Ҳамма ёмон кўрса ҳам,
Бувигинасининг жони!

— Ҳозир Маратнинг дадаси келади. Қани Маратга нималар олиб келаркин дадаси: жажжи оёқчаларига этикчами, белига қийиқчами, ё бошига телпакчами? Дадангга «ашшалом алайкум, дадажон, сизни соғиндим», дейсанми? Ачалом қиласанми?

Ширин болам, шакар болам,
Асқар тоғда биттан лолам.
Ёндан чиққан ён қозиғим,
Ширин-шакар жон озиғим.

Қани, қани, битта кулсин, бувижонини битта ачом қилсин! Бувиси айлансин бўйларидан, азамат ўғлим! Тўю томошаларингни кўрай, илойим! Кам бўлма!

Адолат холанинг тили тилига тегмас, неварасини гоҳ қучоқлаб бағрига босар, нафаси қайтиб, товуш бергунча қўйиб юбормас, гоҳ лўппи юзларидан ўпиб «қийнарди», гоҳ кўкка отиб кулдирарди.

Кечки овқатга олов ёққан Мушарраф ошхонадан чиқиб келиб, қайнанасининг қаршисида тўхтади. Холанинг завқ билан неварасини эркалашига ҳаваси келди.

— Бугун Маратни жуда бошқача эркалаб қолдингиз, ойи, яхши туш кўриб турдингизми?

— Ҳа, болам, хурсанд бўлмай нима қилай, мана кутакута неварали ҳам бўлдим. Энди Қодиржоннинг бошини иккита қилиб олсам эди, гўримда оёғимни узатиб, тинчгина ётардим. Ҳай, айланай келин, эрингиз келганда яна эски дафтарни очманг. Ўтган ўтди, орқадаги гап — охурдаги нишхўрд. Очилиб-сочилиб қарши олинг. Худога шукур, болали бўлдингиз; эрнинг қўлида-ю, уйнинг тўридасиз. Ҳа, шундай қилинг, жон болам! Вой, чукинг кесилгур, ҳамма ёғимни расво қилдинг-ку! Бу иззатларга сиймоқ керак дедингми, болам тушмагур! Манг, олинг, бошқа иштон кийгизиб беринг. Дарров кийгизиб беринг.

Адолат хола Маратни Мушаррафга бериб, кўйлагининг ҳўл бўлган ерини чайқаш учун тутамлаганича чиқиб кетди. Вақт ўтиши билан гина-кудурат эсидан чиққандек, Мушарраф эрини соғинган, кечадан бери тиқ этса кўзи эшикда эди. Шунинг учун қайнанасининг насиҳатлари баъзи вақтдагидек ғашини келтирмади. Маратни ундан олар экан:

— Уяти йўқ бола, бувингга ҳам гуноҳ қиласанми! — деди эркалаб ва уриш ўрнига бағрига босиб, юзидан ўпди. Ташқаридан Адолат холанинг товуши келди:

— Мушаррафхон, бу ёққа қараворинг!

Мушарраф чиққанда маҳалла комиссиясининг котиби билан икки киши ҳовли ўртасида турарди. Котибнинг ранги сал оқаринқираган, қарашлари ташвишли, у икки кишининг бири томларга қарар, биттаси қўлини чўнтагига тиққанча Мушаррафнинг етиб келишини кутаётганга ўхшарди. Мушарраф салом берди, юраги аллақандай бахтсизликни сезаётгандек гурс-гурс уриб, эти жимирлаб кетди, «нима гап?» дегандек котибга қаради. Котиб нохуш хабарни айтишга тили бормади шекилли, ёнида турганларга имо қилди:

— Булар келишган экан...

Қўлини чўнтагига солиб тургани келиш мақсадини айтиб, уйни тинтув қилишга ҳужжат кўрсатди.

— Ўзлари қани? — деди титраб Мушарраф.

— Ўзи ҳам келиб қолади,— деди новчаси.

— Бўлмаса, ўзлари келсинлар, сизлар чой ичиб тура туринглар.

— Йўқ, раҳмат, биз бошлайверамиз. Вақт зиқ! — деди биттаси мулойимлик билан ва Мушаррафнинг йўл бошлашини кутмай ичкарига қараб юрди.

«Ўзи тинчликми, болам?» деганича Адолат хола эшик олдида тошдек қотиб қолган эди.

«Ўзи ҳозир келиб қолади» билан бошланган тинтув тун оққанда тугади. У икки киши Содиқ белги қўйган, четига ёзган, остига чизган, варағини қайирган китобларнинг ҳаммасини бир бўғча қилди. Унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

конспектларини ҳам олиб кетмоқчи бўлган эди, Мушарраф:

— Буни бермайман, эрта-индин дарслари бошланганда нима қиладилар? — деб туриб олди. Новчаси:

— Келишда ўзи билан олиб келади! — деди ва шеригига «қойил қилдимми?» дегандек кўзини қисди.

У бири ўрта бўй, оқ-сариқдан келган (кейинчалик Қодир актдан исмини билган Пушкарёв) бир четда ранги бўздек оқариб ташвишда ўтирган Адолат холага тез-тез қараб қўярди. Унинг назарида кампир жуда ҳолдан тойиб бораётганга ўхшар, ҳали замон қўлидан бола тушиб кетиб, ўзи ҳам муккалаб йиқиладигандек кўринарди. У Қодирни секин ёнига чақириб:

— Валерианка йўқми, кампирга озгина ичириб қўйсангиз! — деди.

Қодир ана шундагина онасининг жуда ўзгариб кетганини, мадорсиз қўлларининг титраётганини пайқади, бир пиёла муздай сув тутди.

— Ҳа, болам, онанг энди дардда адойи тамом бўладиган бўлди, буларнинг келиши яхшиликка эмас...— деди она ва ҳўнграб йиғлаб юборди. Онанинг кўз ёшлари маржон бўлиб қўлидаги Маратнинг кўксига томарди.

— Йиғламанг, эна! — деди Пушкарёв фотосуратларни бир ерга йиғиб, газетага ўрар экан.— Қўчқоров бугун-эрта келади, унда озгина гапимиз бор.

Содиқ бугун ҳам, эртасига ҳам келмади, бир ҳафта, бир ой ўтгач ҳам келмади...

Шу куни Адолат холанинг оққан кўз ёши то умрининг охиригача тинмади!

ИККИНЧИ ҚИСМ

www.ziyouz.com kutubxonasi

I. АЙБСИЗ АЙБДОР

Содиқ қулоч ёзса деворларга қўли етгундек боксда нима гаплигига фаҳми етмай ўтирар эди. Бошига келган биринчи фикр «қаерда ва қачон жиноят қилган эдим?» деган савол бўлди. Ҳаётида битта-яримта нуқсон ёки ишида камчиликлар ўтган бўлиши мумкин, лекин буларнинг ҳеч бири жиноят эмаслигига амин. Шундай бўлса ҳам, бутун ҳаётини хаёлидан бир-бир ўтказди. Бу энг тўғри йўл эди.

Эсини танибдики, қўли қаттиқ, дили юмшоқ отаси йил ўн икки ой Омил қори юзбошиникида чорикор ишларди. Куз келганда юзбоши чети қайрилган червонларни текисласа, отасининг чўнтагида ҳар вақтдагидек шамол ўйнарди. Уларнинг супрасидан сичқон ҳазар қиларди. Текиннинг миннати кўп, меҳнатнинг зийнати, деб ҳеч нолимас, бутун умидини ўз билаги билан, ўз тилагидан кутар, жуда мўмин-қобил одам эди.

Ҳазилкаш ўртоқлари икки бўйра ерга ариқ тортиб туз эккан, кўкариб чиқмаганда хафа бўлган содда киши шу Қўчқор ака, деб ҳазиллашар, баъзан Содиқни ҳам «туз экканнинг ўғли» деб юришар эди. Лекин унинг тўнғич ўғли Содиқ унақа содда чиқмади. «Меҳнатнинг зийнати бировга-ю, миннати бизгами, йўқ, кетмайди», — деди у. Отасининг кетида юриб Омил қорининг моллари боққан кунидан бошлаб, ўз ҳаёт йўлини қидирди. Отасининг очган йўли, онасининг бичган тўни торлик қилиб қолди унга. Томчи тошни тешади, деб керак бўлган жойда ўз ҳақини талаб қилди, қўрқмади. Унинг энг биринчи «исёни» Омил қори отига минганда, жиловини ушлаб, оёғидан олиб юбормасликдан бошланди. Отаси:

— Ундай қилма, болам! — деганда:

— Уддаласа минсин! Мен от минганимда жиловини бировга ушлатмайман! - деб жавоб қилди. Буни эшитган юзбоши: «Остонамга оёқ босмасин!» — деди. Содиқ унинг айтганини қилди. Кўрса салом бермади. Бир куни Омил қори:

— Саломинг қани, бадбахт, еб қўйдингми? — деган эди:

— Айби йўқ, тақсир, есам еб қўйгандирман, камбағалчилик... — деб кулди. Қори унинг бунчалик ҳозиржавоблигига ичида тан берса ҳам, жеркиди:

— Зумраша! Беодоб!

Содиқ индамай унинг орқасидан кулиб қолди. Қорининг бўйни барглари сидириб ташланган тол новдага ўхшарди. «Нега у сира семирмайди? Биров етилтириб берганни ейиш енгилу, ҳазм қилиш оғир бўлади шекилли-да», деган хулосага келди ўзича Содиқ. У ақлини бот таниган эди. Омил қори кутганидек, отаси илтимос қилганидек, юзбошининг эшигига бош уриб бормади. Кўчада кесак тепиб, тупроқ чангитиб ҳам юрмади. Бўш қолганда балиқ овлашга берилиб кетди. Тутган балиғини ўзларидан анча нарида бўлган темир йўл разъездидаги ўрисларга бериб юрди. Улар ҳам Содиқни қуруқ қўйишмади.

— Меҳнатнинг қадрига ўрис етади! — дерди у. Шундай қилиб, ўша разъезддан иш топиб олди. Олдинига бир рус стрелкачининг атрофида ўралашиб юрди. Кейин маошли рабочий бўлиб қолди. Бўш кунлари улар билан тез оқар Қорасувда балиқ тутишди, тўқайда тустовуқ отишди. Содиқ бу атрофни яхши билганидан, рус тилига анча тушуниб қолганидан, керагида таржимонлик қилишидан разъезддагилар ҳам уни ёқтириб қолган эдилар. Омил қори унинг «ўрис бўлиб кетгани»ни бир-икки марта отасига таъна қилиб, бир кўрганда ўзига ҳам айтди, худди унинг аччиқ гапига кўзи учиб тургандай, Содиқ бир ўрис ўртоғининг кепкасини ўйин қилиб кийиб келмоқда эди. Қори уни тўхтатди:

— Бу нимаси!

Содиқ Омил қори сўзини тугатгунча маъносига тушуниб, гапни бўлди:

— Шапка, тақсир, шапка!

— Мусулмон боласига ўрис шапкасини кийиш уят!

— Кармонингиздаги пул-чи, тақсир, у ўрисники эмасми? Подшоҳ-чи? Номини ҳар куни хутбага қўшиб ўқийсиз, бу майлими?

— Подшоҳ, подшойи аъзам... — деди дудуқланиб қори, кейин фикрининг калавасини зўрга топиб олди. — Оқ подшоҳ ҳазратлари бошқа, шапка киядиган бу ўрисларинг бошқа.

— Тўғри, тақсир, бу шапкани киядиганлар ҳам шунақа дейишади.

Чиндан ҳам бир-икки йилдан кейин оқ подшоҳ билан бунақа шапка киядиган ўрисларнинг бошқа-бошқа кишилар экани ҳаммага аён бўлди. Шунақа шапка кийганлар аввалига оқ подшоҳни, кейин оқ подшоҳсиз оқ подшоҳ йўлини тутадиганларни тахтдан ағдариб ташлади. Шунда Содиқ енгига қизил боғлаган, кўкрагига қизил

www.ziyouz.com kutubxonasi

лента таққан кишиларни кўрди. Улар қизиқ нарсалар тўғрисида гаплашарди. Бунақа гапларни Содиқ аввалларн ҳам эшитган, лекин у вақтда аллакимдан қўрқа-писа секин-секин гаплашар эдилар. Энди бўлса, барала!

Сал вақт ўтмай ғарби-шимолдан эсган шабада Содиқ турган ерларнинг мағорини ҳам тозалади. Шўролар ўз ҳукмига кирди. Лекин унинг ҳукмидан бўйин товлайдиганлар ҳам топилиб, хуруж қила бошлашди. Омил қори юзбоши малла ранг салласини чор қирра тақдўзига алмаштирди. Ўзи босмачиларга чиқиб кетмаса ҳам, тўртта отини бериб юборди. Намозни қавм билан мачитда эмас, ўз уйида ўқийдиган бўлди. Хутбага оқ подшоҳнинг муборак номини қўшмаса ҳам, оқ подшоҳчиларни дуо қилади, пинҳон дуо қилади.

Ана шунда Содиқ разъезддаги руслар ва кўкрагига қизил лента таққан ўзбек чавандозлари билан бирга босмачиларга қарши курашга чиқиб кетди.

— Биз етимларнинг ҳоли нима кечади? — деб бўйнига осилиб йиглаган онасига:

— Етимлигимизни билдирмаслик учун, бошқалар етим қолмаслиги учун кетяпман! — деди. Унинг отаси оқ подшоҳнинг бузилган кўпригига ёғоч кесиш учун бир неча йил илгари мардикорликка олиб кетилган, кетганидан бери сувга отилган тошдек бедому дарак эди. Баъзилар қайтди. Лекин қайтмаганлар кўп. Қайтмаганларга қишлоқ аза очди, қора кийди, лекин Адолат хола аза очтирмади, ахир қуруқ йўталишга ҳам куч керак. «Кафан кийган кетади, капалак кийган келади» деб туриб олди, ҳамон умид қилади. Бир оқ яктагини келса кияди, деб тишида тишлаб юрди, ҳар баҳор чиққанда бир қоқиб, шамоллатиб, дадаси қизлигида қилган нурсизгина сандиққа яна солиб қўярди. Аммо Содиқ дадасидан умид қилмайди: тирик бўлса дараги чиқиб қоларди. «Кўпригини тузатаман деб, тегирмонига тушиб кетган. Унинг тегирмонидан омон чиқмаганлар озми!»

Босмачиларга қарши қонли курашга отланиб, ёнига қилич таққанида Содиқ ерга урса, кўкка сакрайдиган йигирма яшар олов йигит эди. От елдириб, қилич ўйнатди, «Қизил командир» номини олди. Мустақил бўлинма олиб, Диловархўжа қўрбошини қувди. Йигитларини тумтарақай қилиб тор-мор келтирди-ю, ўзини туголмади... Бир неча йил давом этган бу курашдан у коммунист бўлиб қайтди.

Юрт тинчиб, ариқлардаги сувларнинг ранги тиниқлашгандан кейин турли лавозимларда ишлади. Бундоқ

қараса, амал ҳар ким миниб кетаверадиган от. Сўнгра у қунт билан ўқиди. Ўқиб-ўқиб, ўқитувчи бўлди. Китобсиз уй — чироқсиз тун. Ҳар уйга бир эмас, бир нечта чироқ керак, чироққа чироғбон керак. Ҳали ёритилиши лозим бўлган талай уйлар бор.

Эшикнинг шарақа-шуруқ қилиб зарб билан очилиши Содиқнинг хаёлини бўлди. Чегара қўшини формасидаги аскар остонада турар эди: соқол-мўйловини тоза қирган, гимнастёркасига оппоқ ички ёқа тиккан, камарининг мис тўқаси, фуражкасининг юлдузи қия тушган чироқда кўзни олгудек йилтилларди. У Содиқни бошлаб, юқоридаги хоналардан бирига олиб чиқди, ўзи чиқиб кетди.

Оддийгина бир хона. Кунга тескари томонда итальянча дераза. Эшикдан кираверишда, чапда стол. Унда телефон, сиёҳдон. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Стол ёнида ўтирган лейтенант Содиқни олиб кирган аскарнинг қўлидаги қоғозга қўл қўйиб берди. У йигирма беш ёшлардаги гавдали, елкаси кенг, баланд бўйли йигит эди. Сочи тўкилиб битганми ёки кам қолганидан қирдириб юрадими, тақир боши деразадан тушган ёруғда жез қалпоқдек йилтилларди. У аввал Содиқни бурчақдаги табуреткага ўтиришини буюриб, уни бошдан-оёқ кўздан кечирди. Содиқ лабларини қисиб, термилиб турарди. Лейтенант Содиқнинг бардошини синамоқчи, кўзлари билан қалбининг тубига тушмоқчи, уни титмоқчи, унда нима борлигини билиб олмоқчига ўхшар, киприк қоқмас эди.

— Мен сизнинг терговчингиз Чухановман. Ишингиз менинг қўлимда. Ишонаманки, ортиқча гожлик қилмасдан, ҳаммасини ўзингиз гапириб берарсиз.

«Ишингиз менинг қўлимда» жумласи «тақдирингиз менинг қўлимда» бўлиб эшитилди Содиққа. Наҳотки шу бошгина йигит унинг тақдирини ҳал қилса!

Терговчи қўй кўзларини ундан олмасдан яна салмоқлади:

— Тушунарлими?

— Тушунарли-ку, ўртоқ Чуханов...

Чуханов сапчиб тушди:

— «Ўртоқ Чуханов» эмас, «гражданин терговчи!»

Содиқ бунга ҳайратда қолди-ю, индамади, сўзини тузатди:

— Гражданин терговчи...

Чуханов сохта жилмайди.

— ... Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман: ўзи нима гап?

— Тушуниб қоласиз! Қисқа қилиб айтганда, сизни

www.ziyouz.com kutubxonasi

Давлат хавфсизлигини сақлаш органи қамоққа олган. Буни тушунарсиз?

— Тушунарли. Лекин қандай жиноятим учун!

Терговчи унинг сўзини илиб кетди:

— Бунисини ўзингиз айтиб берасиз. Қанча тўла айтсангиз, шунча яхши...

— Тушунмадим.

— Бу ерда тушунмайдиган ҳеч нарса йўқ. Гап биров ҳақида эмас, ўзингиз ҳақингизда, яъни Содиқ Қўчқоров ҳақида. Наҳот ўзингизнинг ишларингизни ўзингиз билмасангиз. Қизиқ!

Содиқ совуқ сувга шўнғигандек бўлди. Яккама-якка қиличбозлик қилиб турган пайтда қўлидан қуроли учиб кетган кишидек бўшашиб тушди: қаршилик кўрсатиш учун қўлида қуроли йўқ, таслим бўлишни эса асти истамасди.

Унинг ҳар бир ҳаракатини синчиклаб кузатиб, таҳлил қилиб турган терговчи, соатига бир қараб қўйди-да, бугунги суҳбатга якун ясади:

— Боринг, сизга жой тайёрлаб қўйишган бўлса керак, яхшилаб ўйланг, ҳаммасини ўйланг. Ўйлашингизга истаганингизча вақт берамиз, шошмаймиз.

Чиндан ҳам унга жой тайёрлаб қўйилган экан. Уни терговчи олдидан олиб тушган аскар тўғри камерага бошлаб борди. Бу камера кундузлари ҳам чироқ ёниқ турадиган узун ва тор коридорнинг энг охирида, ўнгда эди.

Содиқ каравотга ўтирди. Бошини икки қўли орасига олиб, ўйга толди. Инига чўп тиқиб тўзитилган аридек, ўйининг тартиби йўқ, бири тугамасдан иккинчиси босади. Учинчиси иккинчисини қувиб чиқаради, яна бири келиб унга қоришиб кетади.

Терговчи Чуханов, ўзи айтганидек, кечаси ҳам, эртасига ҳам чақирмади, гўё Содиққа ўйлаш учун имкон берган эди. Дам олиш кунидан кейин эса нонушта ўтар-ўтмасданоқ, чақириб қолди. Курсига ўтиришга рухсат бериши билан:

— Хўш, яхши дам олдингизми? — деди. У пичинг қиляптими ёки чиндан аҳвол сўраяптими — Содиқ тушунмади. — Ўйлаб бўлгандирсиз, албатта. Қани энди бошлайлик. Чўзганингизнинг фойдаси йўқ.

— Нимани бошлаймиз, менинг сизга айтиб берадиган ҳеч қандай жиноятим йўқ.

— Яна фойдаси йўқ гапни бошлаяпсиз, ўзингизни қийнаяпсиз. Жинояти йўқ одам бу ерда нима қилади!

— Ўртоқ... кечирасиз, граждани терговчи, сиз қандай тушунсангиз, тушунинг, лекин бу ерда ноҳақлик бор. Мен норозилик билдираман. Рухсат беринг, Марказий Комитетга мурожаат этаман.

Содиқ кутмаганда терговчи ўрнидан турди:

— Боринг, яна яхшилаб ўйланг, ҳали вақтимиз бор.

Чуханов уни яна жойига тушириб юборди ва бир неча кун чақирмади.

Содиқ терговчининг бунчалик жим бўлиб кетишини ўзича тушунди: қўлларида етарли ҳужжат йўқ, нима қилишни билишмайди, чиқариб юборгани эса гап-сўздан қўрқишади. Ёки уларни тўғри йўлдан тойдирган туҳматчининг таъзирини бериш билан бандмикан?

Бу фикр қоронги уйга чироқ олиб киритилгандек, Содиқнинг кўнглини ёритиб юборди. У бугун-эрта чиқиб кетади. Душман учун мўлжалланган бу камерада чин душман ётади. Душман учун бу ҳам кам.

Содиқнинг ўйига ўғли келди. У ҳамон йўлга чиқиш олдидагидек эшик бўсағасида қулочини ёзиб талпиниб турибди, гўё бола дадасининг ҳали-бери қайтиб келмаслигини билгану, сўнгги марта дадасининг меҳрига тўйиб, нафасини, исини, ҳидини олиб қолмоқчи бўлиб интилганга ўхшарди. Аслини олганда ёлғиз ўғли билан ораси олис ҳам эмас. Бир соат келар-келмас йўл. Эҳтимол, онаси уни етаклаб шу девор орқасида юргандир. Ана, бола йиғиси эшитилгандек бўлди. Содиқнинг қулоғи дингайди. Йиғлаган ўғли, унинг ўғли, ёлғизи, арзандаси! Нега йиғлади? Айб онасида, унар-унмасга болани турта-веради. Шундай севимли ўғлининг Мушаррафнинг қўлида бўлганидан юраги эзилиб кетди. Томоғига нимадир келиб тиқилди, аччиқ бир нарса димоғини ёндирди, ачитди.

Неча йиллар орзиқиб етишилган фарзандини бир кўришга, бир лаҳзагина лўппи юзлари, мунчоқ кўзларига боқишга муҳтож. Гўё тақдир уни энг ширин орзусига эриштириб қўйиб, кейин атайин жазолаётгандек, бешафқат. Унинг бутун орзу-умиди шу болада эди. Ҳаёти у билан гўзал, у билан мукаммал эди. Энди-чи! Ўйласа ўйида, ухласа тушида. Ҳеч хаёлидан кетмай қолди. Соғми? Саломатми? Ишқилиб, омон бўлсин. Албатта, кўришади, яқинда кўришади. Унга ўзи тарбия беради. Меҳнатдан ҳайиқмайдиган, қора ишдан жирканмайдиган қилиб таълим беради. Марат ажойиб йигит бўлади, ота келажагини ўз қўли билан унга топширади. Коммунизмдек олий ҳаётда шулар, фарзандлар яшайди. Улар боқий

www.ziyouz.com kutubxonasi

экан, оталар барҳаёт. Эҳтимол, Содиқ ҳам у чоқ невараларини етаклаб, боғларга, хиёбонларга чиқар, суратли китоблар кўрсатиб ўқиб бериб ўтирар. Улар оталар кўрган қийинчиликларни фақат китобдан билажаклар. «Босмачи нима? Ёт унсур қанақа махлуқ? Нега нонни тарозида тортиб беришган?» деб сўраб қолишса ажаб эмас! Улар ноҳақлик, туҳмат, ёлғон, манманлик, лаганбардорлик, мунофиқлик нима эканини билмайдилар. Булар бари у вақтгача баҳор қоридек эриб битади, тонг уфқидаги тумандек йўқолиб кетади. Содиқнинг бу кўргилиги эса, бирор туҳматчининг иши. Узоққа бормайди. Ҳақ жойини топади.

У шундай ширин ўйлар билан ўзини овутар, яхши кунларини эслаб кўнглини кўтарарди. Ахир куйганинг фойдаси йўқ. Содиқдек кишига ярашмайди ҳам. Ҳали қиладиган анча ишлари бор! «Бўш ўтирган» вақтларида босиб ўтган умрини кўздан кечириб боқса, анча ишлар ҳали қилинмаган, қилинганлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Мактабда ҳам анча имкон бор экану, қилмабди. Ҳаммасини тарозига солиб, ўлчаб, мўлжаллаб қўйди. Чиқди дегунча, шу ишларга киришади. Мактабини район эмас, шаҳарда намунали қилмаса асти ҳисобмас!

Шундай ширин орзу ва умидлар билан бугунни ҳам ўтказди. Енгил тортиб, ўрнига ётди. Ўрин ҳам ҳар кундагидан юмшоққа ўхшарди. Эрталаб нонуштадан кейин соқолини олишди. Ўша енгил руҳ билан сартарошга гап қотган эди, у «кимга гапиряпсан?» ҳам демади. «Тўхтаб тур, кўчада кўрганимда бир қизартирай» деб қўйди кўнглида Содиқ. Ундан кейин ҳаммомга туширишди. «Булар ҳаммаси чиқариб юборишга тайёрлик бўлса керак, деган фикр кўнглига келди унинг. Қачон чиқаришаркан? Кундузими, кечасими? Қачон бўлса ҳам бари бир. Лекин қоидаларини бузишмагани яхши!»

Шу пайт оғир эшикнинг тамбаси тортилиб, кейин қулфига калит солинди. «Мана кетдим!» — деди юраги сапчиб Содиқ ва ирғиб ўрнидан турди.

Назоратчи эшикни очиб:

— Кийининг! Юринг! — деди.

2. ҚИЗ ИСЁНИ

Одам боласи кимга тилёғламалик қилишга мажбур бўлса, ўшани ёмон кўради, тер тўкиб, қўлга киритган муваффақияти унда ҳасад уйғотади.

Мирсалим ҳам худди шундай. Содиқни ҳар кўрганида бир салом бериб, муваффақиятларидан ёниб юрганида, унинг «бирдан» қамалиб қолиши сал чўчитди уни, ўзи қазиган чоҳнинг бунчалик даҳшатли эканини энди фаҳмлагандек бўлди, уч-тўрт кун таҳорат олиб, намозга зўр берди. Ўзини одамлардан четроқ тутди. Ҳар кўрган одам «ўртоғинг қамалиб қолибди-ку, оранглар жуда қалин эди» ёки «бошини еган ўзинг эмасмисан, жилла-бўлмаса сабабини биларсан ахир, бир қошиқдан ош ичардинглар» деяётгандек кўринарди. Лекин ҳеч ким ҳеч нима демади. Фақат кейинги вақтларда у актив бўлиб қолган мактабда баъзи бировлар ундан ўзини четга олди, бирга йўлга чиқиб қолса, бир нарсани баҳона қилиб чапга бурилиб кетишарди, ҳатто бир куни кекса ўқитувчи Икром отанинг «ғаламис» деганини ҳам ўз қулоғи билан эшитди, аммо ботиниб жавоб қайтаролмади. Шунда билдики, бу хилда оғзига сўк солиб яшаши яхши эмас, тиқилиб қолиши мумкин. Ўзига хос чаққонлик билан тўнини ўзгартирди, қаерда тўртта одам бўлса орасига суқилиб, тўдага ўзини уриб, гапга аралашди, ўзини софдил кўрсатиб, Содиқнинг саганасига тош қалади, ҳатто бир мажлисда сўзга чиқиб уни обдан қоралаб бўлгач:

— Мендан порага қази билан сур тўш олган! — деди.

— Қассоблик ҳам қиласизми! — деди кимдир пастдан. Сокин тунда отилган ўқдек кулги кўтарилди. Кутилмаган бу луқма Мирсалимни шошириб қўйди; қази билан сур тўш келадиган жойдаги унинг яширин савдо иши очилиб қолаётганга ўхшарди.

— Нега! — деди ўзини ўнглаб Мирсалим, — топиб беринг деган эди, минг машаққат билан топиб берсам...

— Зўрлаб олибди-да! — яна ўша таниш товуш қичқирди.

— Йўқ, ўзим юборганман... Зўрлаб берганман.

Унинг чулдираб қолганидан яна кулги кўтарилди. Яна биров:

— Зўрлаб берган ҳисобга кирмайди, мажбур қилиб олса экан! — деди.

— Мажбур қилган... йўқ... мажбур қилганман...

Мирсалимнинг дудуқланиши узоқ чўзилмади. У гапни бошқа ёққа буриш билан калавасининг йўқотган учини топиб олди. Дастрўмол билан пешонаси ва қизариб кетган бўйинларини артиб, баланддан келди.

— Сиз менга луқма ташлаб сўзимдан адаштирманг. Мен сизнинг мақсадингизни ҳам биламан, халқ душмани

www.ziyouz.com kutubxonasi

Содиқ билан бирга ошхонага кирганингизни ўз кўзим билан кўрганман, бешта кабобнинг учтасини унга бергансиз. Мен бўлсам унинг зулмини тортиб келдим. Талабалар рўзасини нон бериб очтирганимда мени масхаралаб, рўзани ҳимоя қилган ким? Содиқ! Ўқувчиларни ҳушёрликка чақириб, дафтар муқовасидан ҳар хил тамга, сўз қидиртирганимда мендан кулган ким? Содиқ! Педсоветларда ким менинг обрўйимни тўккан? Содиқ! Мен бу халқ душманининг ҳазилакам жабру жафоларини тортганим йўқ! Лекин мен унинг кирдикорларини ичимга ютиб кетавермадим, қаршилик кўрсатдим. Ким бошлаб уни педсоветда танқид қилди? Мен! Бошлаб уни мен фош қилдим, мен синфий ҳушёрлик кўрсатдим. Эсларингда борми, у болаларга «қалдирғоч Маккаий мукаррамадан келган муқаддас қуш, уясини бузиб бўлмайди, бузманглар»деганда ҳам, талоқ ҳақида ўқувчи болаларга ахлоқсиз ҳикоялар айтиб берганида ҳам сизлар индамадинглар. Мен, йўқ, ундай эмас, дедим, унинг ёвуз ниятини фош қилдим.

Залдаги сукунатни кекса ўқитувчи Икром отанинг заҳархандаси бузди:

— Керакли жойга ҳам бориб айтганмисан?

Ота сўзини тугатмасдан Мирсалим шошқалоқлаб кетди:

— Айтганман... йўқ, бориб айтишим мумкин. Айтаман...

— Айтмаган бўлсанг, тезроқ бориб айт, яна чиқариб юбормасин!..

Кимдир пиқиллаб кулди, кимдир йўталиб қўйди.

— «Ўртоқ Қўчқоров икки кун кўринмаса, мактаб соқолсиз кишидай бўлиб қолади», деб соясига якандоз солиб юрган ким эди? — деди яна бир ўқитувчи.

— Деганман! Деганим рост, лекин бу гапни тўғри тушуниш керак. Соқол эски одамларда бўлади. Содиқ бўлмаса мактаб йигитлардек яшнаб кетади, деганман. Бу менинг унга қарши олиб борган курашимнинг бир хили эди, замон аравасидан кетда юрмасдан, ҳушёр бўлиш керак, ўртоқ...

Мирсалим луқма ташлаганнинг номини тополмади, энсаси қотиб ҳеч ким айтмади. Унга-бунга: «нима эди фамилияси?» дегандек жовдираганча қолаверди...

Мирсалим бундай сўзларни мажлисларда неча бор такрорлаб юрди, кейин район доирасида бўлган бир катта йиғилишда ҳам ёзиб келиб, ўқиб берди. Унинг бу «фош қилувчи нутқи» кимгадир ёқди-ю, у бир обрў топиб

қолди. Шу мажлиснинг ўзидаёқ район раҳбарларидан бири уни тилга олиб, қўлтиғига сув пуркаб қўйди. Сал вақтдан кейин унинг мактаб директори қилиб тайинлангани ҳақида маорифнинг буйруғи чиқди. Бу Мирсалимнинг кутганидан ҳам ортиқ эди. Дарров ўзига сиполик бериб, мактабда «ҳушёрлик»ни кучайтириб юборди. Содиқнинг вақтида эътибор топган кишиларни чўқилади. Икром отани «ўз аризасига кўра» ишдан бўшатди. Зоология кабинетида Содиқ ясаб берган калхат, бўри, юмронқозиқ чучелоларини «бу халқ душманининг ёвуз ниятли иши, акс ҳолда йиртқич бўри билан олғир калхат, кемирувчи юмронқозиқни ёшларимизга ибрат қилмас эди» деб олдириб ташлади, Содиқни эслатадиган ҳар бир нарсани қириб-қиритишлади, ҳатто «ботаника боғи» деб ном олган мактаб орқасидаги майдонни текислаб юборишига сал қолди, кўпчилик «биз обод қилганмиз» деб қалқон бўлгани учунгина қолди. Оз муддат ичида мактабни ўз расаматига солиб олди. Ҳадди сиққанлардан айғоқчи тайинлаб, кишилар орқасига қўйди. Измидан чиққанларни кабинетига чақириб, бигизини тиқди, Содиққа ҳамтовоқликда айблаб дўқ урди, халқ душманини фош қилишдаги ўз хизматларини пеш қилди, мўйлов силади. Энди ҳеч ким мактабнинг камчилиги ҳақида гапиролмас, гапирган киши минг балога гирифтор бўларди! Бу вақтда Мирсалим сурма ранг дўппини фуражкага, кўйлакни гимнастёрка билан энли чарм камарга алмаштирган эди.

Мирсалим мактабни «тозалаб», ўз қолипига солиб олгандан кейин, ўзининг уй ичини бегумон қилиб қўйишга қарор берди. Қизи Азизанинг Қодир билан ҳамон учрашиб туришини билар, бу нарса бир кун эмас, бир куни ўзига путур етказиши мумкин. «Халқ душмани»нинг укасини куёв қилиши ўзини ёниб турган оловга ташлаш эмасми? Мирсалим минг қоқилиб, неча йил орзу қилиб энди минган амалига жони-жаҳди билан ёпишиб олган эди.

Ичида у Қодирнинг ёмон йигит эмаслигини биларди. Қизи билан унинг алоқасини бошлаб сезганда ўзини билиб, билмасликка солган, орқаворотдан кузатган, қизининг дидидан мамнун бўлган эди. Бунинг устига, Қодирнинг акаси ҳам чакки обрўга эга эмас эди-да. Эндичи? Энди бу оила — қора қозон, яқинлашганга қораси юқади. Бунинг устига, Мирсалимнинг ўзи ҳам кутмаган бахт қуши бошига қўнган пайт. Наҳот икки боланинг қандайдир севгисини деб, мавқеидан ажралса. Наҳотки омад нарвонининг илк поғаларига энди оёқ қўйганда

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўра-била туриб сирғаниб йиқилса! Йўқ, бунга йўл қўймайди! Оталик мавқеи билан бир силтаб, қизини қайтариб олади, кейин мансабида бахавотир ўрнашиб ўтиради, омади бардош берса, яна юқорига кўтарилиш нияти ҳам йўқ эмас.

Мирсалим бу масалани бир неча кун ўйлаб юргач, охири хотини орқали иш кўришга қарор қилди. Ишдан қайтиб келса, қизи ҳамон ўқишдан келмаган, хотини ҳовлини супуриб бўлиб, ахлатни ҳокандозга олаётган эди.

— Тўплаб нима қиласан, ариққа оқиз қўй-да.

— Вой, ахлат-а! Кишилар ичади, юз-қўл ювади...

— Кишилар... кишилар... Уни олдириб ташлашнинг ўзи бўладими, муллажиринг керак! Ё дадангиздан мерос тегдими! — деди Мирсалим, лекин бугунги нияти эсига тушиб дарров юмшади. — Ке, майли, тўплай бер, мактаб аравасига айтсам олиб кетар. Қани, бу ёққа кел, маслаҳатли иш чиқиб қолди.

Ҳеч маҳал бундай маслаҳатлашиб иш тутмаган эрининг бу сўзи хотини қулоғига алланечук эшитилди. «Ишқилиб хайрли бўлсин» деганича нақшли жез обдастада сув олиб келди. Ҳар кунгидай эрининг оёғига оз-оз қуяр, эри терлаган бармоқларини битта-битталаб орасига қўлини тиқиб ювар экан, гап бошлади:

— Қизингга айт, Қодир билан учрашувни бас қилсин, охири яхши бўлмайди. У дунёю, бу дунё косаси оқармайди, оқартиришмайди. Ўзиники оқармагани оқармаган, бизга ҳам касри уради. Ёпиқ қозон ёпиқлигача қолсин, айт, тайинлаб айт қизингга.

Муҳаббат нималигини билмаган, муҳаббатга иши тушмаган, ҳатто унинг борлигига шубҳа қилга Мирсалим Азиза билан Қодирнинг учрашувига ёшлик ҳаваси деб қараган, икки оғиз сўз билан ажралиб кетишига ишончи комил эди. Шунинг учун хотинига йўл-йўриқ бериб, уйга кириб кетди. «Бир оз дам олай» деб ётиб, кўзи илинибди. Бир вақт Азизанинг йиғи аралаш бақириб, кимгадир гап уқтираётганидан чўчиб уйғонди, ташқарига қулоқ солди.

— Бас, даданг уйда, эшитиб қолади! — дерди хотини.

— Эшитса эшитар. Мен дадамникини эшитдим, дадам ҳам меникини эшитса эшитар, — деди Азиза чўрт кесиб.

Мирсалимнинг эти жимирлаб, нафаси тиқилиб келди, устига ёпган чопонини ирғитиб ташлаб, дир-дир титраганича ҳовлига чиқиб борди. Дадасини кўриб, айвон четида турган Азиза бошини қуйи солди, хотини

«энди балога қолдим!» дегандек, пастки лабини тишлаб, юзини четга ўгирди.

— Нима гап? Нима лўлилик? — деди Мирсалим худди ҳеч нарса билмаган кишидек ўзини босиб.

Бир оз жимликдан кейин хотини қизига ер остидан қараб олгач, деди:

— Ҳалиги гапингизни айтган эдим...

— Хўш, нима дейди, номаъқул маслаҳатмишми! — деди Мирсалим жўрттага қизи эмас, хотинига қараб. Лекин жавобни хотини эмас, Азизанинг ўзи қилди:

— Акаси учун у жавобгар эмас!

— Жавобгарми, йўқми, менинг ишим йўқ. Унут уни, вассалом!

— Энди ёмон бўлиб қолдими? Қўрқяпсизми? Гап тегадими?!

Мирсалим бундай жавобни кутмаганидан, ялт этиб қизининг юзига қаради. Азизанинг кўзларида ўт чақнар, лаблари асабдан қисиқ, «мен ўзимни, ўз севгимни ҳимоя қиляпман» деган ирода бутун вужудидан барқ уриб турарди. Ғазабдан Мирсалимнинг панжаси муштга тугилди, бўйни чўзилиб, кўзига қон қуйилди.

— Ҳа, қўрқаман! Ўша мишиқини деб обрўйим тўкилишини истамайман!

— У мишиқи эмас, ҳалол йигит, меҳнаткаш йигит! Акасининг кимлигини билмайману, лекин унинг соф виждонли киши эканига бошим билан жавоб бераман.

— Акаси ҳам шунақа, тили бийрон, усти йилтироқ одам эди.

— Акасини билмайман!

— Зато мен биламан!! — деди ўдағайлаб Мирсалим. Лекин биров «Ҳа, тўғри, сен уни яхши биласан, бошини еган ҳам ўзингсан» деяётгандек чўчиб кетди. Дарров қарорини айта қолди: — Гап шу: халқ душманининг укасини куёв қилмайман!

— Мен сиздан сўраб ўтирмайман!

— Нима?!

Азиза жавоб ўрнида бошини мағрур кўтариб чақнаб турган кўзини отасига қадади. Унинг кўзида ҳақсизликка қарши нафрат, исён, изтироб ва ўз ишига ишонч, фидокорлик ёнар, даданикида эса ўжарлик, манманлик ва ғараз, ҳусумат акси бор эди.

Мирсалим Азизанинг бу тикилишига бардош беролмади, ўз мағлубиятини бақириқ билан яширди:

— Йўқол! Дийдорингни кўрмай! Менинг сендай қизим йўқ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хотини фарёд билан бошини чангаллаб, Мирсалимнинг оёғига ташланди. Азиза вазмин қадамлар билан Мирсалимнинг ёнидан ўтиб, сўрига илиб қўйган портфелини олди. Оҳиста, вазмин қадамлар билан эшикка қараб юрди.

Эртасига онасини безовта қилмаслик учун ётоққа жойлашганини айтиб, одам юборди.

Мирсалим эса, бир ҳафтадан кейин Содиқ оиласи билан турган ва бир вақтлар ҳаваси келиб юрган тўрт хонали ҳовлини Адолат холанинг кўз ёшларига қарамасдан бўшаттириб олиб кўчиб кирди. Мункиллаб қолган, ғам-ғуссадан сочлари оқариб кетган Адолат хола кўчага улоқтириб ташланган юклари устида ўтириб:

— Бу қора кунлар ўтар-кетар, юзингизнинг куйгани қолади, Мирсалим! Содиқжон келса нима дейсиз? Уят!— деган эди, Мирсалим эшитмагандай бўлиб дарвозани холанинг юзига тарсиллатиб ёпиб кириб кетди.

3. ИШОНЧГА КИРГАН ТУҲМАТЧИЛАР

Сўнгсиз ширин орзулар оғушида экан, назоратчи эшикни зарб билан очиб, «Кийин! Юр!» деганида қувончдан ичида «ана, уйга кетдим» деб апил-тапил кийинган Содиқ, сал ўтмай ўзини яна Чуханов кабинетида кўрди.

Терговчи ўз ўрнига ўтириб, стол тортмасидан оқ қоғоз олиб кўздан кечирди. Кейин бошини кўтариб, Содиққа қаради:

— Демак, иқрор бўлмоқчи эмассиз? Фойдаси бўлса давом эттираверинг, ўзингизга қийин.

Содиқ чурқ этмади. Терговчи ўз жойига бориб ўтирди. Телефон қилиб бир кишини ўрнига вақтинча кириб туришга таклиф этди. Сал ўтмай у одам эшикда кўринди. Янги кирган лейтенант Содиқнинг саломига алик олиб, Чухановнинг ўрнига ўтирди. У тунов куни ҳам бир-икки кириб-чиқиб кетган эди. Шунда кимдир уни Пушкарёв, деб чақирганда, фамилиясини билиб олган эди. У мулойим кириб, Чуханов билан қўл олиб кўришади-да, Содиққа юмшоқ назар ташлаб қўяди, саломига бош чайқаб алик олади.

Пушкарёв ҳозир ҳам Содиққа қараб бир-икки оғиз жуфтлади-ю, гапирмади. Яна қўлидаги китобини варақлади, қизиқ суратга кўзи тушди шекилли, мийиғида кулиб қўйди. Кейин юмшоқлик билан унинг аҳволини сўради, кўнглини кўтарган бўлди.

Содиқ Пушкарёвнинг бу меҳрибонлигидан курортга бепул путёвка олган кишидек қувонди ва айни вақтда хўрлиги келиб кетди. Инсоннинг кўнглини олиш, уни мамнун қилиш учун ахир кўп нарса керак эмас-да!

Пушкарёв буни тушунди, ўрнидан туриб келиб, юпатиш оҳангида гапирди:

— Хафа бўлманг, кераги йўқ.

У яна нималардир деб юпатмоқчига ўхшарди-ю, лекин журъат этолмагани кўриниб турарди. Содиқнинг фаҳмича, Пушкарёв бу ерда рўй бераётган баъзи ноҳақликларни ўз кўзи билан кўриб турибди, ичидан куяди, аммо бирор иш қилишга, бир иш қилиш эмас, ҳатто айтишга ҳам ожиз!

— Юрагингиз касал эмасми? — деди бир оздан кейин.

— Йўқ, — бош қимирлатиб жавоб қилди Содиқ.

— Унда ҳеч нарса қилмайди, ўтиб кетади, сал толиқибсиз.

Содиқнинг кўзи шу кичик суҳбатдан кейин чарақлаб очилди. Кўзига шу лейтенант дунёда энг меҳрибон киши бўлиб кўринди. Бошини кўтариб, Пушкарёвга қаради. Назарида жуда ўзгачадек бўлиб туюлган бу ёшгина йигит оқ-сариқдан келган, кўзлари кўм-кўк, қошлари сезилар-сезилмас кул ранг, бурнининг учи биров чертиб қўйгандек тўмтоқ, энгаҳи учли, лаби чўғдек қизил экан. Бунақа оддий рус кишиларни у кўп кўрган. Улардан қанчадан-қанча ўртоқлари бор эди.

У Пушкарёвнинг кўзига термилиб қолди. Бу кўзлар унга ҳаёт ва истиқбол ваъда этарди, бу кўзлар умид ва ишонч бахш этарди. Бу кўзларда одамийлик ва ҳақиқат ёнарди.

— Сиз ҳам шу ерда ишлайсизми? — деди журъат қилиб Содиқ.

— Ҳа, — деди Пушкарёв ва кўзини китобдан олиб кулимсиради. Бу табассум Содиқда яна жасорат туғдирди.

— Сиз ҳам терговчимисиз?

— Буниси сир, — деди у яна кулиб, лекин салдан кейин қўшиб қўйди: — Сизча кимман?

— Билмасам.

— Мен ҳам терговчиман, албатта.

Содиқнинг фикри равшанланиб, ўйлай кетди: Чуханов ҳам терговчи, бу ҳам терговчи. Иккаласи икки дунё. Биридан кишининг кўнгли сув ичади, иккинчисидан энсанг тош қотади. Пушкарёвга ўхшаганлар бўлгани ҳолда нега Чухановлар бунақа иш тутади экан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Содиқнинг Пушкарёвга раҳми келди. Унга ишлаш жуда қийин бўлса керак. Ахир унинг мана ҳозир Содиққа қилаётган раҳмдиллигини Чухановга ўхшаганлардан биронтаси кўриб қолса, индамай турмайди-да!

Пушкарёв китобни бир четга суриб қўйиб, Чуханов тез-тез кўздан кечириб турадиган папкани очди. Ҳар қоғозни ўқиганда юзи ўзгариб турди. Бу Содиқнинг делоси. У анчагина қалин, кепак рангидаги муқоваси уринган. Содиқ унинг ўз делоси эканини биринчи марта кўрганда ишонмаган, шунча материал қаёқдан йиғилади деб ўйлаган, Чуханов муқовасини кўрсатиб, унинг фамилиясини ўқиб беришга мажбур бўлган эди. Бари-бир, ҳали ҳам унинг ичидаги материалнинг ҳаммаси ўзига тааллуқли эканига ишонмайди.

Пушкарёв делони ўқийвериб зерикди шекилли, хўрсиниб ундан бошини кўтарди. Ўрнидан турди. Оғир қадамлар билан Содиқ ўтирган бурчакка келди.

— Ростингизни айтинг, советлардан норози бўлган йилларингиз бўлганми? Ҳеч жиноятга қўл урганмисиз?

— Мутлақо! Хаёлимга ҳам келмаган. Бунинг учун асос ҳам йўқ: бадавлат хонадондан чиқмаганманки, отамнинг Совет ҳукумати туфайли қўлдан кетган мол-мулкини эслаб, хумори тутса; чет элда бўлганим йўқки, унинг усти ялтироқлигига учсам, ўшандай ҳаётни орзу қилсам; бирорта мафкураси бузуқ одамда ўқиганим йўқки, у мени йўлдан урган бўлса!

Содиқнинг астойдил куйиб-пишиб гапириши Пушкарёвнинг диққатини тортди. У тушундики, қаршисида уйқудан қолиб, ҳолдан толиб ўтирган киши ҳаётга бефарқ қарайдиганлардан эмас, бундайлар комил ишонч билан яшайди, икки юзламаликни билмайди.

Пушкарёв ана шу хулосасини яна бир тасдиқлаб аниқлаб олмоқчи бўлгандек, Содиқни бошдан-оёқ кўздан кечирди, ҳорғин кўзига боқди, юзларидан нималардир излади. Кейин яна ўз жойига ўтиб, делони кўрди. Елкасини қисиб қўйди.

— Қизиқ, жуда қизиқ...

Шундан кейин орага узоқ жимлик чўкди. Анча ҳушёр тортган Содиқ фикран бир неча марта уйига бориб келди, севган мактабини айланди, дарсга кирди, овга чиқди. Ширин орзулар оғушида маст бўлиб ўтирар экан, Чуханов кириб келди. Қўлида бир варақ қоғоз. Пушкарёв чиқиб кетди.

Чуханов стулига ўтириб, Содиқни олдига чақирди.

— Мана буни ўқиб, қўл қўйинг.

Содиқ Чуханов узатган қоғозни ўқиди-ю, устидан совуқ сув қуйилгандек ҳушёр тортди. Қоғоз унинг партия билетини шаҳар партия комитетига топширилгани ҳақида эди.

— Ўчдимми? — дея олди ўзин бу даҳшатли хабардан аранг ўнглаб Содиқ.

— Бўлмасам-чи!

Содиқ шундан кейин қандай қилиб жойига келиб ўтирганини, қоғозга қандай қўл қўйганини, қачон уни камерага олиб тушганларини эслай олмайди. Партбилети ҳақидаги тўрт энлик қоғоз кўз олдидан кетмай қолди...

Содиқ ўз ўлимига ўзи аза очгандек, ҳўнграб йиғлаб юборди, бу унинг умрида балки биринчи марта ҳўнграб йиғлаши эди.

Бир неча кун ўтгач уни яна терговчи чақирди.

Содиқ кириб борганда Чухановнинг хонасида Мирсалим ўтирганди. Содиқни кўриши билан сал безовталанди, лекин тезда ўзини ўнглаб, ютиниб олди. «Бу нима қилиб юрибди?» — Содиқнинг миясига келган илк фикр шу бўлди. Хаёлида бунга жавоб топгунча, нечундир, юраги орқасига тортиб кетди.

Мирсалим қандайдир сохта ишшайиш билан ўрнидан қўзғалиб, саломлашган бўлди.

Содиқ ўтирар-ўтирмас терговчи сўз ташлади:

— Таниш бўлсанглар керак?

— Ҳа, бирга ишлардик, — деди Содиқ бўшгина. Мирсалим боши билан тасдиқлади.

— Таниш ҳам гапми, сирдошлар-ку. Қанча-қанча шишаларни бирга бўшатишган, — гапга аралашди Чухановнинг ёнида ўтирган қорачадан келган, юзларига ҳуснбузар тошиб кетган новча ёш йигит. Содиқ бу йигитни билади. Фамилияси Сайдуллаев. Буни илк бор эшитганда наҳотки фамилиясининг нотўғри эканини билмаса, асли Саъдуллаев-ку, деб кўнглидан ўтказган эди. Унинг талаффузидан Самарқанд шеваси яққол сезилиб турарди. У баъзан-баъзан кириб Чухановга кўмаклашади. Ҳатто бир куни Содиқ билан ёлғиз қолиб, «бўйнингизга олинг-қўйинг-да, ўзингизни қийнаб нима қиласиз, сиз куч берган тўнка энди кўкармайди», деган эди. Шу-шу йигитни ёмон кўриб қолганди.

Чуханов «барвақт луқма ташладинг!» дегандек Сайдуллаевга қараб, аввалги юмшоқ товуш билан яна сўради:

— Бир-бирингизга шахсий адоватларинг йўқми?

Бошлаб Мирсалим жавоб берди:

— Йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хизматдаги баъзи бир тўқнашувларни ҳисобга олмасак, албатта, йўқ.

Содиқ шундай дейишга деди-ку, аммо ичидан совуқ ел ўтгандек бўлди. Юраги қандайдир кўнгилсизликни сезаётгандек ҳаприқиб кетди.

— Хизматда бунақа гаплар бўлади, адоватга кирмайди! — чўрт кесди Чуханов.

Ана шундан кейин Содиқ етти ухлаб, тушига кирмаган гаплар бошланди.

Мирсалим гувоҳликка келган экан. У шунақа айбларни Содиққа тақадики, унча-мунча одамнинг тилигача музлаб кетади. Содиқ ўз туғилган қишлоғида бир неча маслакдош кишилари билан советларга қарши ишлар қилган эмиш. Мақсади — ёшларни йўлдан уриш бўлган эмиш. Шу ниятда маориф соҳасига кўчган, қамалган Болтақул унинг ўнг қўли экан. Ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида марказга кўчиб келган, Мирсалимни вербовка қилишга уринган, у ён босмаганидан кейин турли йўллар билан қиса бошлаганмиш.

— Ёлғон! Туҳмат! — бардош беролмади Содиқ.

— Бақирманг! Қўл остингиздагиларга бақирадиган директорлик вақтингиз ўтиб кетган. Мен бу гапларни ўз оғзингиздан эшитганман.

Мирсалимнинг бу сурбетлигидан Содиқ яна тутақиб кетди:

— Туҳматчи! Ғаламис! Бўҳтон қилгани уялмайсизми!

Уни Сайдуллаев қайириб ташлади.

— Совет кишисини ҳақорат қилманг, гражданин Қўчқоров.

Содиқ терговчиларнинг танбеҳига парво қилмай, иғвогарнинг ўзига ташланди:

— Сенинг-ку тилёғлама, ичидан пишганлигингни билардим, лекин юраги қора, ифлос, иғвогарлигингдан бехабар эканман. Майли, гапир, оғзингга сиққанча гапир, виждонсиз!

Чуханов ишнинг бузилиб кетишидан қўрқдими, нима учундир, оғирлик билан орага тушди:

— Қўчқоров! Енгиллик қилманг! Ҳақиқат доим шунақа аччиқ ва залворли бўлади. Шуларнинг барчасини шу вақтгача ўзингиз тартиби билан айтиб беришингиз мумкин эди. Бировнинг оғзидан эшитиш ва фош бўлиш, албатта, оғир! Нечора!

Мирсалим хизматлари эвазига мукофот олаётган одамдек бемалол ўтирарди. Лекин қандайдир безовталик юзига шарпа солиб турарди. У Содиқнинг юзига боқолмас эди: ё бардоши етмайди, ё туҳматининг сезилиб қолишидан чўчирди. Содиқ эса, аксинча, унинг қарашини овлар, кўзини учратиб, ичига назар ташламоқчи бўларди, пайт пойларди. Охири бунга муяссар бўлди, унинг кўзини учратди: Мирсалим бир неча лаҳзага бардош беролди, холос! Содиқ унинг бу беҳаёларча боқишидан ғаламислик, иғво, туҳматчилик қон-қонига сингиб кетган, қотилликдан қайтмайди, кишилар бошига қора кун солишдан завқланади бу одам, деган ишончга келди, «Эҳ, аттанг, нега аввал билмаган эканман» деб ўкиниб қўйди.

Содиқ қанчалик қаттиқ туриб ўзини ҳимоя қилмасин, Мирсалим шунчалик безбетлик билан унга туҳмат тошларини ёғдирар эди.

Содиқ бу ерда ҳақлигини исбот қилишга қурби етмаслигини билди. Иши судга ошса, ўша ерда узилкесил ғалаба қозонишга умид боғлаб, ўзига далда бериб турганда яна бошқа бири пайдо бўлди. Бу бир вақтлар дарсга ичиб келгани учун Содиқдан дакки еган ўқитувчи Шукуров эди. У Мирсалимга ўхшаш сурбетларча гердайиб ўтирмаган, шартта-шартта гапирмаган бўлса ҳам, Мирсалимнинг айтганларини баъзан тўлдирди, баъзан тасдиқлади. Содиқни мактабдаги ҳалол ўқитувчиларни қувғин қилиш, таъқиб остига олиш, талабалар орасида диний тарғибот олиб бориш (қалдирғочни Маккаий-мукаррамадан келган деган, талоқ ҳақида одобсиз латифа айтиб берганмиш), маиший жиҳатдан бузилиб, ёш хотинга уйланиш, очилган хотин-қизларни таҳқирлашда айблади. «Ҳукумат хотин-қизларни эркаклар билан тенг қиламан, деб бекор уринади, йигирмата хотиннинг ақли бир товуқникича йўқ. Бир айёлнинг ғийбати қирқта эшакка юк бўлади», деган эмиш.

— Қачон? Қаерда? — сўради ажабланиб Содиқ.

— Мактабда, коридорда. Мавжуда Абдураҳмонова номзоди депутатликка кўрсатилганда.

Содиқ Шукуровнинг бу туҳматидан ёқа ушлади: — ё тавба! — салдан кейин ўзини тутиб олди, — Шукуров, сизнинг туҳматчилигингизга эмас, ит еганини қусадику, лекин қўлингизга тарбиялаш учун ишониб топширилган болаларга жоним ачияпти. Эсиз болалар! Эсиз тарбия!

— Сиз ўзингизнинг ғамингизни еяверинг, — уни чўқилади Сайдуллаев. Унинг кўкрагидаги Осоавиахим нишони қийшайиб, ўнг кўзи остидаги қора холи йилтиллаб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менинг виждоним пок. Итнинг тили теккани билан дарёнинг суви ҳаром бўлмайди. Ёлғоннинг оёғи қисқа, узоққа боролмайди, бир куни миси чиқади. Лекин сизларнинг бундай ғаламислар гапига ишонганингларга ҳайронман.

— Халқ душмани Болтақул сизнинг маслақдошингиз эканини унутманг! — чўрт бўлди Чуханов.

— У душман эмас!

— У сиздан кўра ақлли экан: ўзини қийнагани йўқ, ҳаммасини айтиб берди, — деди Чуханов.

«Наҳот шу гаплар тўғри бўлса! Болтақул душман, ўзи иқрор! Йўқ, мумкин эмас!» — деди ичида Содиқ ва яна ажабланди.

Содиқ гангиганча камерасига кириб келди. У мудҳиш тушдан уйғонолмаган одамга ўхшарди.

4. ЮЗМА-ЮЗ

Шундай вақтлар бўлдики, терговчи ҳафталаб уни чақирмади. Бир куни яна бир киши билан юзма-юз қилди. У босмачиларга қарши кураш йили унда аскар бўлган экан. Уни Содиқ танимади, сўнгра билса, бир оз кунгина хизмат қилган экан. Анча ёшларга бориб қолган, соқол қўйган, сўйлоқ тишли, бир кўзи кўр, новча бир киши эди. У Содиқни босмачиларга қурол етказиб беришда айблади.

Содиқ мана шу найрангларни хаёлидан ўтказиб, янги камерага кириб келди. Бу камера аввалгидан кенгроқ ва қўш каравотли эди. У биттасига ўрнини ёзиб, иккинчисига қайси «бахтиёр» келар экан, деб кўнглидан ўтказди, кирадиган одамнинг қандай бўлиши уни қизиқтирмайди. У одам зотини кўришга, сўзлашишга муҳтож. Аввалги камерада ёлғиз ётганида ҳафталаб оғзидан бирор сўз чиқмаган вақтлари бўлди-да, ахир.

Учинчи куни прогулкадан қайтса, бир одам ўтирибди, Содиқнинг кирганини кўриб, бошини кўтарди. Саломлашди. Қамоқда бир-бировга бериладиган одатдаги сўроқлар бўлиб ўтди: қачон қамалгансиз? Нимага? Қайси камерадан чиқдингиз? Кимларни кўрдингиз?

Содиқнинг бошлаб кўзига ташланган нарса, ҳамсуҳбатининг хумкалла, дўнг пешоналиги, қошининг қошдан кўра мўйловга ўхшашлиги ва рўпарасидан сочма ўқ егандек чўтирлиги бўлди. Содиқ унинг исмини сўраган

эди, нима учундир, исмини эмас, фамилиясини айтди: Бадалхўжаев экан.

У бошлаб суҳбатга мойиллик кўрсатмади. Нимадандир ҳадиксираши, ўзини эҳтиёт қилаётгани, юрагида эса, тўфон ҳайқириғи ётгани яққол кўриниб турарди. Содиқнинг:

— Нима иш билан ётибсиз? — деган саволига:

— Эски нарса. Ёшлик хатоси, — деб қўя қолди. Бу хато нимадан иборат эканини айтишни истамади. Содиқ уни ўз гази билан ўлчаб, «бу ҳам туҳмат қурбони шекилли» деб қўйди ичида ва унинг юрагини ҳам ўзиникидек ловиллаб ёнаётган ҳисоблаб, унга туз сепишни лозим топмади.

— Туҳмат ёмон! Туҳмат — тошни ёради, — деди унга ачиниб ва ўз гувоҳларининг туҳматини гапириб берди. — Мен босмачига қурол етказиб берган эмишман. Туҳматни қаранг: ҳалок бўлган аскаримнинг милтиғини олишга рухсат этмаганмишман. Милтиқ Диловархўжа қўрбошининг йигитлари қўлига тушганмиш, шу қурол етказиб бериш эмиш.

Ўзининг ташвишли ўйлари билан банд, суҳбатга лоқайд қулоқ солиб ўтирган Бадалхўжаев, «босмачи» сўзини эшитиши билан бошини кўтарди, Диловархўжа исми қулоғига кириши билан ялт этиб Содиққа қаради.

— Ким дедингиз? Диловархўжа қўрбоши?

— Ҳа. Сиз уни танийсизми?

— Ўша йиллари бир қулоғимга чалингандек бўлган эди.

— Сиз ҳам ўша томонлардансиз?

— Ҳа, сиз-чи?

— Ғир-ғир шамол қишлоғидан.

Бадалхўжаев яна қизиқиб қолди. Хаёл билан қисиқ кўзлари чарақлаб, мўйловга ўхшаган бароқ қошлари қовоғи устига уюлиб келди.

— Сизни-ку танимаяпман, отангизнинг номлари нима эди? Балки у кишини танирман.

— Босмачилик йиллари «мусулмон командир», «Содиқ командир» деганни эшитганмисиз?

— Ўша киши сизнинг отангиз эдими?

Содиқ кулди:

— Йўқ, ўзим.

— Ўзингиз? Йўғ-е! — Бадалхўжаев ирғиб тушди. Чўтир башараси оқаринқиради, чап кўзи пирпираб кетди. Дарров ўзини босиб, гапни бўлди: — Унда неча ёшда бўласиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Айни йигит чоғим, шернинг оғзига кириб чиқ деса, қайтмайдиган чоғим эди.

— Ҳа, давр сургансиз, номингизни кўп эшитганмиз. Хўш, бу ерда нима қилиб юрибсиз?

Содиқнинг ёшлик — жанговар йиллари эсига тушиб, руҳи кўтарилиб кетган, қулоқ солувчи бўлса эрталабгача гапиришга тайёр эди. Ана шу кўтаринкилик билан жавоб қайтарди:

— Бир айланиб кириб қолувдик, чиқиб кетиш қийин бўляпти, эшиги қўшқулфлик экан.

— Қўшқулфлиги-ку майли, — унинг кулгисига қўшилди Бадалхўжаев, — то кўчага чиққунча етти эшиги борлигини айтмайсизми!

— Санадингизми?

— Мени-ку бу шаҳарга умрим бино бўлиб биринчи келишим, шу ерлик биттаси айтган эди.

— Санабди денг? Шундай қилиб, бизнинг томондан экансиз-да. Нима, ишингиз босмачилик билан боғланганми?

— Зўрлаб боғлашяпти, — деди Бадалхўжаев боягидек гап-сўзга майли бўлмай. Содиқ бошқа титкиламади, суҳбатдоши ҳам тафсилотини айтмади. Иккиси ўз ўрнида хаёл оғушига сингиб кетди. Ётиш олдидан ўрнини тузата туриб, Бадалхўжаев сўраб қолди:

— Диловархўжа қўрбоши қочиб қутулиб кетган дейишади, шу ростми?

— Рост. Уч кун қувиб уддалолмаганмиз. Яқинда қўлга тушган деб эшиттандим.

Бадалхўжаев яна жим бўлиб қолди. Кўрпасининг бир четини қайириб, ётиш ҳуштагини кутарди. Гўё унинг юрагида портлаб кетиши мумкин бўлган зўр туғён ётибди-ку, уни кўрпа билан бекитиб, уйқу билан босмоқчидек безовта.

Ҳуштак чалиниб, у ёшига ярашмаган шошма шошарлик билан ўринга кирар экан, яна деди;

— Ушланмагандир. Ушланса эшитиб қолардик. Чаққон бўлган дейишади.

— Қўй туриб, эчки имомликка ўтадими, дегандек, бир нарсаси бўлмаса қўрбоши бўлармиди?

Бадалхўжаев яна индамай қолди. Энди у гапини тарозига солаётгандек, шифтга тикилиб ётар эди. Содиққа орқасини қилиб, ўгирилар экан, луқма ташлади:

— Шу кунда ушлашса нима қилишарикин?

— Билмадим.

— Отишадими?

— Отишлари ҳам мумкин, — деди Содиқ гап рўёбга чиқмайдиган нарса ҳақида бораётгандек бепарвогина.

Бадалхўжаев яна жим бўлиб қолди. Унинг мушукмижоз, ухламай хуррак отадиган одати бор шекилли, кўзи очиқ хуррак тортди.

Бадалхўжаев ўз саволидан ўзи рози бўлмади. Кечаси билан ажриққа аганаб чиқди. Мижжа қоққани гумон. Содиқ бир уйгониб қараганда ҳам кўзи шифтда эди.

— Ухладингизми? — деди Содиқ.

— Хаёл олиб қочди.

Содиқ бошқа ҳеч нарса демади. Бунақа кечалар унга таниш, қанчасини тоқи санаб ўтказган.

Эрталаб Бадалхўжаев сўлиб турди. Тез-тез силаб турадиган мўйловсифат қоши билан ҳам иши бўлмади, у болаларнинг тепадиган ланкасидай, қовоғи устида ёпишиб ётибди. У оғир касалдан тургандек, бемажол, камгап эди. Чой томоғидан қувурдан сув ўтгандек, қулт-қулт қилиб ўтди. Шу куни уни терговга чақирдилар. Кечаси яна. Индинига куни билан терговда бўлди. Кейин яна... Ана шу кейингисидан фарёд уриб қайтди:

— Мени худо урди! Тамом бўлдим! — деди эшикдан кира солиб. Дунёда Содиқдан бошқа меҳрибони йўқдек, унинг елкасига ўзини ташлади. Содиқнинг: «Нима гап ўзи?» — дейишига қулоқ солмас, нуқул пешонасига муштлар, «Худо уриб қолди мени!» — дер эди.

Содиқ катта одамнинг бундай йиғисини биринчи марта кўраётганидан, шошиб қолди. Бечоранинг бошига биронта номард туҳмат тоши ёғдириб кетдими? Оқни қора қилиш учун кўп бўёқ керак эмас-да!

— Сабр қилинг, ноумид шайтон.

— Йўқ, сиз билмайсиз. Мен тамом бўлдим.

Бадалхўжаев фарёд уриб, ўз жойига ўтиб ўтирди, бошини узун бармоқлари орасига олиб қаттиқ чангаллади, терисини шилиб олгудек чангаллади. Шу ўтирганича куни бўйи қилт этмади. Кечаси ухладими, йўқми — Содиқ билмади, лекин анча тетик тортиб турди. Унинг боқиши аламзада, лаби қисиқ, қошлари чимирилган.

— Биласизми, Содиқжон, ким билан бирга ўтирибсиз?

— Йўқ.

Бадалхўжаев кечаги Бадалхўжаев эмас эди, уни биров тунда алмаштириб кетганга ўхшарди. У човут солишга тайёр, овчидан ҳурккан тулкидек ҳушёр эди.

— Энди яширишимнинг фойдаси йўқ. Ишим кеча тамом бўлди, судга ошди. Ўладиган ҳўкиз болтадан той-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мас, дегандек, менинг қўрқадиган ерим қолгани йўқ, ҳаммаси очилиб бўлди, ҳаммасини очдилар, органга қойилман. Ўн беш йиллик ишни хато қилмасдан тасбиҳ доналаридек бир ипга тизиб чиқишди. Буларда ҳунар катта. Ўша сиз айтган Диловархўжа мен бўламан.

— Йўг-е! — бармоғини тишлади Содиқ.

— Ҳа, мен, ишонинг! Энди талашадиган ҳеч нарсамиз йўқ. Сиз ҳам бу ерда бекорга ўтирмагандирсиз. Бир сабабсиз шудгорда қуйруқ ётмайди.

Содиқ унинг сўзини эшитмас, қаршисида ўтирган одамнинг ўша Диловархўжа қўрбоши эканига ҳали ҳам ишонгиси келмас эди.

Диловархўжа эса, шу вақтгача ўғирлик молни яшириб келган кишидек, ичида йиғилиб ётган, йиғилиб ётавериб, тайёр ҳикояга айланиб қолган юрак сирларини бир чеккадан айтмоқда эди. Энди яширишнинг фойдаси йўқ, жиноят ишига тикилган эди.

Ислом байроғининг сопига қизил аскар ўқи тегиб, шарт синиб тушгандан кейин, иккита жиловдори билан Тожикистонга қочибди. Бир жиловдори йўлда жарга юмалаб кетибди. Иккинчиси билан ғарибона кийиниб, бир чет қишлоқда, тоғда мусофир умр кечириб турибди. Бир куни қараса, жиловдори яшириб қўйган қуролини оляпти.

— Ҳа? — дебди.

— Қишлоғимга кетаман. Нима бўлса пешонамдан кўрдим, бола-чақамни соғиндим.

— Ҳой, бола, шўролар билан ўйнашма, қозиқ қилиб қоқиб юборади, — деса:

— Мен камбағалдан чиққанман, пичоқ ўз сопини кесмайди, — дебди.

Мундоқ қараса, боланинг тўқими ўзгариб қолган, сўзга кирадиган эмас.

— Майли, бор! — дебди. — Лекин бир куни қўлингни узатсанг, олмайман, хафа бўлмайсан ўшанда.

— Хафа бўлмайман! Бир еганим ҳам бўғизимда турибди.

Рухсат берибди. Рухсат берибди-ю, унинг қораси кўздан ўчгунча ваҳима босибди. «Менинг шу ердалигимни ҳукуматга бориб айтса-я!»

— Бу таги пастга нима, мен ваъда қилган ботмонботмон ердан энди умиди узилган, ким бошини силаса мушукдек ўшанинг тиззасига чиқиб ётади, — дебди Диловархўжа ҳаром нарсадан жирканаётган кишидек лабини буриштириб. — Чақирсам, қайтмайди, бунга

ақлим етади. Қувсам қочади. Қўшнимнинг отини бир кунга сўрадиму, олдидан тўсиб чиқмоқчи бўлиб, бошини қўйдим. Тўрдан чиққан беданадай йўрғалаб, анча ерга бориб қолган экан. Йўлини тўсдим. Ҳеч кимга ҳеч нарса демаслиги ҳақида қасам ичирдим, худони ўртага солдим. Бундан кейин менинг исмим Диловархўжа эмас, Тошмат эканини, бирор ерда учратиб қолса, шу ном билан аташини таъкидладим. Ҳаммасига хўп деди. Оға-инидек хайрлашиб қолдим. Биров кўрса гумон қилмасин деб, ёнидаги фарғонача пичоғини ҳам олиб қолдим. Сал нари боргандан сўнг орқасидан қараб, яна кўнглим ўрнига тушмади. Буларга қасам нима! Тўхта, пичоғингни ола кет, йўлда керак бўлади, деб олдига бордиму, қорнига солиб юбордим. Ичак-чавоғи ағдарилиб тушди. Ҳамманинг жони ўзига керак. Бир ялангоёқни деб қачонгача жон ҳовучлаб юраман.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин нима бўларди. У қишлоқдан ҳам бошимни олиб кетдим. Яна исмимни ўзгартирдим. Сочилган насибамни териб еб юрдим. Тунов куни сиз исмимни сўраганингизда қайси бирини айтишни билмай фамилиямни айтгандим. Унда кўп нарсалар ҳали терговда очилмаган эди. Энди... бари бир... Мен тепкиси босиғлиқ тўппонча қаршисида турибман, «қарс» этиши қолган, холос.

Содиққа энди бу гап таъсир қилмади. Унинг қаршисида оддий жиноятчигина эмас, қотил ўтирарди. Шундай бўлса ҳам, бу хунрезнинг бутун ҳаётини билгиси келиб қолди. Қизиқ, нима билан тугар экан?

— Қандай қилиб шунча эҳтиёткорликдан кейин яна қўлга тушиб қолдингиз?

Диловархўжа қўрбоши шу саволга муҳтож бўлиб тургандек, ғазаби қайнаб, купури ошиб, гапира кетди:

— Мен ўзим аҳмоқман, ўзим! Ит ҳидлаб топмас ерда юрган эдим. Нима бўлди-ю, онамнинг касаллигини эшитиб қолдим: онам мени бир кўришга зор эмиш. «Шунча йил ўтиб кетди, ким ҳам танийди. Бир борсам бориб келай» дедим. Йўлга чиқдим. Келсам, чиндан Азроил онамни бир қўлидан ушлаб турибди. Қувонди, йиғлади, тузалгандек бўлди. «Энди мен кетай» десам, эртага ўладиган кишидек: «Сенга илҳақ эдим, ўз қўлинг билан ерга қўй!» — деди. Нима дейишимни билмай, лабимни тишлаб қолдим. Шу куни бир ёмон туш кўрган эдим, тушимга қараганда, кетишим шарт эди. Ноилож қолдим. Онам ўлмай ўлсин, эртасига мени ушлаб олдилар. Мана, ўкинчимдан ўкириб, беш ойдан бери шу ерданман. Онам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг сўзига қулоқ солиб нима қилар эканман, ўлгандан кейин мен кўмдим нимаю, бошқа кўмди нима! Она ҳам хотин киши-да, аҳмоқ бўлади. Аҳмоқлиги менинг бошимни еб ўтирибди. Энди буларнинг панжасидан қутулиб бўбман! Қўлга тушибманки, онамни сўкаман. Ҳа, лаънати, интизор экансан, кўрдинг, бўлди-да, йўлдан олиб қолиб нима қиласан!

Ўз фарзанди лаънатига қолган номаълум онага Содиқнинг раҳми келди:

— Бечора она сизни ушлаб олишларини туш биладими!

— Нега билмайди! Шунча йилдан бери писта чақиб, ёнгоқ ўйнаб юрганмидим. Ватангадолигимни биларди! Энди нима бўлди!

Содиқ қараса, Диловархўжа оқ сут бериб катта қилган ўз онасини яна беҳурмат қиладиган, ўлигининг устига чиқиб тепадиган кўринади. Онанинг нима гуноҳи бор; от миндириб, қилич тутиб, босмачи бўлгин дебдими! Ўзингдан кўр.

Содиқ билдики, қўрбоши ҳозир худосини ҳам танимайди, ўз жонидан бошқа нарса кўзига кўринмайди. «Онасидан узоқлашиб меҳри совиб кетган бўлиши мумкин. Бола-чақаси бўлса, уларни севар, ахир ота-ку! деган хаёл билан Содиқ гапни чалгитмоқчи бўлди.

— Онангиз олдида бола-чақангиз йўқмиди?

— Бир қизчам бор эди. Ҳовузга чўкиб ўлганини эшитган эдим.

— Фотиҳасига бормаганмидингиз?

— Бе! Ўлса ўлибди-да. Азамат ўғил боламидики, уйимнинг чироғи десанг. Қиз бола — қуш. Қанот чиқаргунча қўлингда, кейин тузоқ қўйиб ушлаб ололмайсан.

Унинг бу жавоби яна Содиқнинг таъбини тирриқ қилди. Дунёда қизиқ одамлар бор: сигири ургочи туғса севинади-ю, лекин хотини қиз туғса энсаси қотади. Қиз туғилмаса, сенга онаю, хотин қаёқда!

Содиқ бу билан гаплашмай деса, ёлғиз ўтираверив юраги сиқиладиган бўлиб қолган. Одам товуши сандиққа қулфлаб, калитини ташқарига улоқтирилгандек, димиқ-қан юрагига теккан енгил шамол эди. Бу ҳол уни яна гапиришга мажбур этди:

— Хотин-чи? Хотин кутиб ўтирган эканми?

— Йўқ. Қиздан кейин уй қилиб кетган экан. Колхозда мишиғини оқизиб юрибди. Номаҳрам деб, мендан лойтовоқдек юзларини бекитдилар.

Содиқ уни яна бева қолган эканми, деб ўйлади.

— Эри қаёқда экан?

— Шу ерда. У ҳам колхозчи экан. Бир кўзим тушди, тиззасигача лой, елкасида кетмон.

Содиқнинг кўнглидан ўтди: ўша тиззасигача лой, елкасида кетмон бўлган меҳнаткаш эри минг чандон сендан яхшидир. Бегоналигида орқасидан шунча гап қиляпсан, хотинлигида сендан нима рўшнолик кўрди-ю, кутиб ўтирганда нима кўрарди. Эсли хотин экан! Меҳнат билан топилган нон беминнат бўлади!

— У томонларда ҳам бола-чақа қилгандирсиз, албатта.

— Ҳа, қилганман. Хотин эмас, чўчқа олганман. Йилига икки марта туғадими-ей! Ҳамма ёқни чурвақа бостириб юборди. Уйга киргани юрак безиллайди: вақирвуқур. «Бас, бўлди!» десам, худо берса нима қиламан, дейди. Лаънатига барим тегиб кетса, туғади-я! Мана энди нима бўлди!!

Содиқнинг кўз олдига ёлғиз ўғли Марат келди, у ҳамон сўнгги марта хайрлашганидек эшик олдида қанотини ёзиб, унга талпинади. Бундоқ ўйласа, уни жуда соғинибди, бир эслашидаёқ кўзидан ёш чиқиб кетай деди. Диловархўжанинг ҳам болаларини соғинган фараз қилиб, сўради:

— Болаларингизнинг чағир-чуғурини соғингандирсиз?

— Эсимни танибманки, соғиниш нималигини билмайман. Кўрсам, эсимга тушади-ю, икки кун узоқлашсам, ёдимдан кўтарилади.

Содиқ ажабланди: ўз боласини соғинмайдиган ота ҳам бўладими! Демак, у одам исини ёқтирмайди. Бу одам ҳатто ўз туққан онасини ҳам соғинишга қобил эмас.

— Болаларингизга жабр бўлибди, — деди Содиқ бир уй болани кўз олдига келтиришга ҳаракат қилиб.

— Болалар... болалар... Болаларга нима! Бир кунини кўриб кетади. Менга жабр бўлди, менга! Эҳ, аттанг, бу томонларга келиб нима қилардим-а!

Содиқ бир маҳал ўқиган шарқ эртагини эслади. Табиат одамни яратганда, бундоқ қараса, янги ҳаёт кўрган мурғак учун кун жуда узун экан. Қисқартириш мақсадида унга уйқуни ҳамроҳ қилибди. У камолга етгандан кейин кўрса, бир уйқунинг ўзи инсон учун жуда кам, жуда зерикарли. У зерикмасин, еган таомининг таъмини билсин, қадрига етсин деб меҳнатни буюрибди. Меҳнат унинг баҳрини очади, чиниқтиради. Ҳаётига маъно киргизади. Лекин бу ҳам у учун етарли эмас. Сўнгра унга қарши

www.ziyouz.com kutubxonasi

душманни яратибди. Душман эса унинг меҳнати самараларини ҳимоя қилишга мажбур этади, майдонга чақиради, курашга отлантиради. Ана шундан бери уйқу, меҳнат, душман инсоннинг ҳамроҳи эмиш. Тўғри, душмансиз ҳаёт йўқ. Лекин мен душманми? Тўғри, душманлик қилган кишиларим бор. Улар менинггина эмас, бутун бир синфнинг, улкан бир жамиятнинг душманлари. Уларга қарши курашдим, кўп қатори ғалабам билан қувондим. Менинг бу курашим меҳнатимнинг олий тури эди: кураш — меҳнат, меҳнат — кураш! Наҳот энди мен ўша қарши курашганим кишилар сафига ўтиб қолсам. Ҳаммасидан ҳам Диловархўжанинг гапи алам қилади: «Келадиган еримиз битта экану, жонингизни мунчалик жабборга бериб нима қилардингиз ўша йиллари!»

Диловархўжа қўлга тушган бўлса ҳам, шу ўтиришдан мамнун. Бир маҳаллар номини эшитса бир чўчиб тушган «қизил командир» бугун у билан ёнма-ён ўтирибди, бир қозондан атала ичиб, бир ҳуштак билан ётиб туради. «Аслида у ҳам бизга ўхшаган шўроларга тоқати йўқ экану, замона зайли билан ёшлик қилиб, от, қилич, «урра»га қизиқиб юрган экан. Бўлмаса уни ҳукумат қамармиди!» деб ўйласа керак.

Диловархўжа қўрбоши ўз фикрига якун ясагандек салмоқлади:

— Сизга ўхшаган ола ичимиздан чиқмаганда, балки...

— Сиз билан «битта-яримта ола» эмас, халқ курашган, бутун халқ. Халқ нима эканини биласизми? Довул! Ҳар қандай тўсиқни йўлидан олиб ташлашга қодир! Ҳали ичимиздан ола чиқиб енгилганмиз, деб юрибман денг?

Диловархўжа бу сўзларга ишонмас, ишонгиси ҳам келмас эди. Унинг ўз фикри салкам йигирма йилдан бери тинчлик бермайди. Бу унинг метин ишончига айланган, бу фикрни занглаган михдек суғуриб олиш қийин.

— Ҳа, хўп, халқ курашган экан, халқ билан бирга экансиз, нега энди бу ерда ўтирибсиз?

Содиқ неча ойдан бери ана шу саволга жавоб беролмай қийналар эди. Энди бунга нима десин. Туҳмат деса, ишонмайди. Тушунмовчилик деса, шунча вақт давом этадими?

Чиндан ҳам Диловархўжадан кўра, унга қийин эди. Қўрбоши қилган жиноятни билади, нимага ўтирганидан хабардор. Лекин тақдирга тан бермайди: гоҳ онасига ёпишади, гоҳ қонуннинг узоқ кек сақлашига.

Содиқ-чи? Содиқ ҳайрон. Етти ухлаб тушига кирмаган айблар унга тақаляпти. Рад этса, ҳеч ким ишонмайди. Ҳатто уни Диловархўжа қўрбошидан ҳам хавфли қилиб кўрсатишяпти. У онгсизлигидан босмачи бўлган эмиш. Содиқ эса, онгли, олий маълумотли, атайин шўроларга қарши курашга отланган ва курашини эсини танигандан бери тўхтатмаган ёт унсур, хавфли душман эмиш. Содиқ ҳаммасидан шунисига чидамас эди.

Дунёда ҳалок бўлишига иқрор кишидан тили ўткир ва узун одам бўлмайди. Диловархўжа худди шу аҳволда эди. У ҳеч нарсадан ҳайиқмас, бутун дардини тўкмоқда эди:

— Ҳаммамиз бир бўзнинг учи бўламиз, ука, бойкамбағал — нимаси, мусулмон-кофирни ажратиш керак. Дин оёқ ости бўлиб кетди. Бухоройи шарифдан нима қолди! Амир аркида болалар сигир боқиб юришганмиш. Ичимиздан ола чиқиб, «вой, сочимни босиб олманг» дейдиган эркаклар кўпайиб кетди. Ўша вақтда ҳам «андоқ қилодурмиз, мундоқ қилодурмиз» дейдиган кўп эди. Вақти келганда ўнтаси битта пичоққа соп бўлмади. Кўрганман бу ҳезимкашларни, ошга қўли, гапга тили узун, холос. Менда битта бедана томоқ, соқоллиги бор эди, жадид. Сал ҳолимиз танг бўлиши билан «юмуши» чиқиб қолди, сичқоннинг инини ижарага олди. Улар тушида шер минади, ўнгида мушукдан қўрқади. Сиз менинг гапларимдан ажабланманг, Содиқжон, мен ўлган қўйман. Ўлган қўй бўридан қўрқмайди. Ичимда йиғилиб ётганини айтяпман. Ичимда қолиб кетганидан фойда йўқ. Ҳеч бўлмаса сиз эшитиб қолинг.

Чиндан ҳам у шунча йил ичида, ҳатто ўзидан ҳам сир сақлаб келган, кимга айтишини билмай ёниб юрган, ҳеч кимга ишонмаган фикрларини гапириб қолишга шошилаётган эди. У курашиб муродига етолмаган, яшириниб уддалолмаган аламзада эди.

Содиқ уни қаттиқ қайириб ташлаши мумкин эди. Лекин нима фойда, бари бир унга кор қилмайди, қўндоқда теккан. Содиқ қанчалик ғижинмасин, қулоқ солишга мажбур бўлди. Бошқа жойда бўлганда-ю, ўзи биларди: гапирганига пушаймон қилдириб қўярди! Ундан кейин, Содиқнинг тили қисиқ жойи ҳам бор: бирга, бир камерада ўтирибди, ахир иштони йўқнинг тиззаси йиртиқдан кулишини қаранг, дейиши, жуда бўлмаганда, отдан тушсангиз ҳам, узангидан тушмас экансиз, иним, бу ер қизиллик қиладиган минбар эмас, деб у ҳам қайириб ташлаши мумкин.

Содиқ Диловархўжанинг мўйловга ўхшаган қошларига боқди. Отилишига кўзи етиб қолгандан бери Дило-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вархўжанинг ичида ҳеч нарса қолмади, ҳаммасини ахлат идишини ағдаргандек тўкди. Ичини бўшатиб, ғўё кўнгли тинчиди. Бўш қолди дегунча қуръон тиловат қилади, намоз ўқийди. Жаҳли чиқса, жойнамоз хизматини ўтаб турган рўмолчасини бир четга улоқтириб қолади, ҳалигина укпари олинган уккидек кўзларининг шосоққасини ўйнатиб, бир нуқтага тикилади. Соатларча шундай ўтиради. Ана у ҳозир ҳам, жойига ўтира туриб, бароқ қошини асабий силаб қўйди.

Содиқ шу мўйловсифат қошларга қараб туриб, ўйга толди: қўрбошилигида бу қошларнинг бир чимирилиши қанчадан-қанча одамнинг ёстиғини қуритгандир!

Содиқ унинг қўрбошилик даврини, кийим-бошини, юриш-туришини ўзича тасаввур қилиб кўрди: бошда чақмоқ телпак, бурама қалин мўйловнинг учи қулоғи тагида, кўкрак очиқ, ёқасига пилта урилган яктак устидан беқасам тўн, белда қўш-қўш белбоғ, оёғида ағдарма, баланд пошна этик, қўлда кумуш қопланган ирғай сопли қамчи. «Ҳайт!» деса, булутни нишон оладиган қорабайир доим эгарлоғлиқ. Минса қўш жиловдор ёнида. Чилим тутган бошқа-ю, май тутган бошқа. У соясида ўтирган дарахтнинг шохига беижозат қуш қўнолмайди. У ўтирган ерда қадамлар санаб босилади. Ана шунда кўрсанг эди, бу қошларни! Энди бўлса чўлтоқ супургидек осилиб ётибди.

Содиқ ана шуларни ўйлаб, ўзини унга тенг кўрилганига, у билан бир дарахтнинг меваси ҳисобланганига чидолмади. Ғазаб билан туфуриб, ўрнидан туриб кетди.

— Оғир бўлинг, Содиқжон, сизни отишаётгани йўқку, — деди Диловархўжа.

— Нимамга отади, қайси қилган жиноятимга отади!!

— Агар мен Шўро ҳукумати бўлсам, сизни бундай камерага қўйиш эмас, бу ерга отингизнинг гўнгини тўктирмас эдим. Ҳар мўйингизга бир гавҳар осардим. Буларнинг ана шуниси биз аламазадаларга ёқади. Ғумай билан буғдойга чақ-аралаш ўроқ солади.

Диловархўжа жилмайиб қўйди, чўтир юзлари йилтиллади, дўнг пешонаси остидаги қаттиқ кўзлари қисилди.

Содиқ бир нарса дейишдан ожиз эди...

Уч кун ўтгандан кейин Диловархўжани судга чақирдилар. Кечқурун унинг ўрин-бошларини сўраб олдилар. Содиқ ҳукм чиқибди, деб ўйлаб, уни отилганга чиқарди.

Лекин раҳми келмади.

5. ЎЛГАННИНГ УСТИГА ТЕПГАН...

Сокинликнинг ҳам ўз товуши бор. Бунинг нималигини қалин деворли, темир эшикли, дераза ўрнида кичик туйнукли камерада ўтирган одамгина яхши билади, бу шунақа товушки, қулоғингдан зинғиллаб ўтиб, бутун асабларингни қақшатиб, қалбингга электр токидек чирсиллаб тегиб туради.

Тун. Эртага баҳор байрами. Ариқлар лаби барра ўт, бинафшалар ўтган йилдан қолган қуруқ шохлар остидан мунчоқ кўзларини йилтиллатиб тургандир. Ё шўх болалар байрамга олиб чиқамиз деб, териб кетишдимикан? Эртагача яна бодроқдек очилиб қолади. Лола ҳам чиққандир. Қизил гул-чи? Қизил майдон роса ясатилгандир. Кўчалар-чи?

Содиқ шундай хаёллар оғушида ўтирганида, ўзининг қаердалиги ёдига тушиб қолди-ю уҳ тортди. Ўтиришга сабри чидамай,ўрнидан туриб, асабий бир тарзда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кейин яна ўтирди. Ташқарига қулоқ солди. Ҳар товуш уни қизиқтирар эди: маъносини англамаса ҳам, инсон товуши қулоғига кириб турса бас. У шундай диққат билан қулоқ солардики, гўё ўзига таниш йўл ёқасидаги дарахтларда тунаган қушларнинг ҳам юрак уришини эшитишга қодирдек кўринарди. Эрталаб уйғонса байрам овозаси ҳамма ёқни тутган — кўчаларга катта радиокарнайлар қўйилган бўлса керак. Баъзан ўткинчиларнинг товуши эшитилиб қолади. Кишилар шоду хандон. Юртда, жонажон шаҳарда байрам. Бу байрамни шаҳридек севарди у. Ҳозир ўглини кўтариб, бир қучоқ гул билан Қизил майдондан ўтмасмиди!

Радиодан гоҳ музика янграйди, гоҳ шиор. Парад бошланди. Аскарларнинг шаҳдам қадамидан кейин, танкларнинг ерни ларзага солган гулдуроси эшитилди. Кейин жимлик. Кейин бирдан яна оркестр янгради. Болалар товуши кўчаларни тўлдирди. Эҳтимол, унинг мактаби ўтаётгандир. Одатда, мактабини ўзи бошлаб ўтарди. Кундалик ҳаёти ва байрамини мактабсиз тасаввур қилолмас эди. Ўртоқлари: «Онанг мактабда туққанми?» — деб кулишарди, Содиқ эса: «Мен туғилган чоқда мактаб анқонинг уруғи, китоблар бизга ўхшаганларга гапирмас эди»,— деб мамнун жавоб берарди. Қани ўша кунлар? Тушмиди бари? Кишилар унинг ҳақида нима дейишаётганикин?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамон радио янграйди. Шу радио қаерда экан? Қайси кўчада? Нега аввал уни ҳеч эшитмапти! Бу кўчалардан кўп ўтар эди-ку!.. Ҳаво яхши. Одамлар роса ясанишгандир. Мушарраф нима кийдийкан? Онам-чи? Марат, Маратжон-чи? Унга бирор байрам совғаси олиб беришдимикан? Ёки бўз кўйлакка садаф тугма яраш-мас, деб, уйда диққат бўлиб ўтиришибдими? Шундай қилишган бўлса яхшимас! Нега хафа бўлишади, эрта-индин чиқиб боради-ку. Мушарраф ўз қилмишларига роса пушаймон бўлаётгандир. Эркалаб боқилган текис ерда қоқилар, деб шуни айтади. Майли, унга сабоқ бўлди, энди қатиқни ҳам пуфлаб ичади.

Кўлда юрган қўнғир ғоз чўл қадрини билмайди,
Чўлда юрган тувалоқ кўл қадрини билмайди.

Жуда тўғри айтилган. Эй, тентак, тикан бўлиб оёққа киргунча, гул бўлиб ёқага санчилгин эди! Энди нима бўлди! Изимга зордир.

Содиқ ҳамон ўзи-ўзи билан гаплашар, гоҳ онасининг қариганда қора кунга қолганидан ўкинар, гоҳ ёлғиз ўғлини соғиниб, хўрлиги келар, гоҳ Мушаррафнинг енгилтакликларини кечириб, инсофга чақирар, кўргиси келар, гоҳ Қодирга гап тегиб қолишини ўйлар эди. Ташқарида эса, Биринчи Май байрамининг шукуҳини радио карнайлари оламга таратмоқда.

Бугун байрам, шунинг учун бу ердагиларга прогулка йўқ. Содиқнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. У севган юрт, у севган кишилар байрам қилади, лекин унга халқ байрами куни йигирма минутлик прогулкани ҳам раво кўрмайдилар.

Содиқ қанча ёниб-куймасин, унинг игнаси синиқ, ипи узун эди.

* * *

Содиқнинг тергови тугади. Лекин унинг на «советларга қарши фаолияти», на «яширин ташкилотга аъзолиги» исбот этилди.

Шу куни передача олди. Палов, ёғлиқ патир, қанд, пиёз ва беш думалоқ махорка. Ичида бирор нарса яширилмаганмикин, деб патир ушатилган, пиёз кесилган эди. Содиқ дунёнинг шунчалик нозу неъмати борлигини илк марта кўраётган кишидек бақрайиб қолди. Дами қайтиб қолган паловнинг тотли ҳиди димоғини ёриб юборгудек анқир, оғзининг сувини тийиб ололмас эди. Ошдан нафси бир оз ором олгач, махорканинг

нимага киритилганини билмай қолди. «Диққинафас бўлганда чекар, хуморини тарқатар!» деб киритишган. Бу кимнинг фикри экан: онамнингми ёки Мушаррафнинг?

Содиқ шуларни ўйлар экан, хаёли ўргатилган каптардек ўз уйига, хонадонига учди, улар билан ғойибона суҳбат қурди. Суҳбат қурди-ю, уларнинг Содиққа эмас. Содиқнинг уларга раҳми келди: онаси ориқлаб кетган. Сочининг битта ҳам қораси қолмаган. Юзининг ажини яна ҳам чуқурлашган, ёнига янгилари қўшилган, Мушарраф ҳам хафа, «қилмишларимга минг бор пушаймонман» деб узр сўрайди. Марат эса, юриб кетган, парвойи фалак. Ёғоч от миниб, ҳовлини гир айланади, Чапаев бўлиб, ёвни қиради. Қодир уйда йўқ. Кутубхонада дарс тайёрлаётган бўлса керак.

— Махоркадан бир чекайлик, биродар.

Ҳамхоналарига махорка таклиф қилиш Содиқнинг эсига келмаган экан. Чувалиб кетган хаёлини йиғиб, уч бўлагини бўлиб олинглар, деб узатди. Ўзи ҳам ўраб чекди. Бадани яйрагандек бўлди. Махорканинг шунчалик «каромати» борини энди сезиши! Шундай ҳузур нарсадан бебаҳра бўлиб юрганидан ажабланди. Босиб-босиб тортди. Ярим соатлардан кейин хумори тутиб, яна чекди, кечга яқин яна чекди... Кўзи бировнинг чекканига тушса, қўли махоркага югурди. Ўрганди!

Чекишга ҳеч нарса қолмай, хумори тутиб ўтирган кунларнинг бирида Содиқни юқорига чақириб қолишди. Қайси кўзи билан кўрсинки, Чуханов кабинетида Мушарраф ўтирибди. Уни ёлғиз кўриши билан юраги орқасига тортиб кетди.

— Марат қани? Соғми?

— Соғ-саломат, — деди бўшгина қилиб Мушарраф.

— Нега олиб келмадинг? Ойим қани? Тинчликми?

Мушарраф жавобни учинчи саволдан бошлаб, биринчисига жавоб бермади:

— Тинчлик. Бирдан рухсат бериб қолишди. Ойингизни олиб келолмадим.

Нега «ойимни» демасдан, «ойингизни» дейди, уйдан кетиб қолган шекилли, деб ўйлади Содиқ.

— Уйдамисан?

— Ҳа, уйда. Кўрган куним қурсин.

— Нима, ойим билан урищдингми?

Мушарраф асл мақсадига замин тайёрлаб, ёлғон тўқиди:

— Гулим кетди, тиканим ундан нари, дейдилар нуқул. Марат билан иккаламизни кўргани кўзлари йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўғ-э! — онасининг феълини билган Содиқ ишонмади.

— Кўзингиз кўриб, қулоғингиз билан эшитмагандан кейин ишонмайсиз-да. Қачон менга ишонувдингиз...

Содиқ ўзи қамалгандан кейин унинг куйиб эт йўқотганини ёки руҳий азоб чекканини кўрсатадиган бирорта белги тополмади. «Олдин куйгану, кейин тақдирга тан бериб, ўзини тутиб олган, ёш эмасми!» деган фикр билан ўзини босди Содиқ. Лекин Мушарраф, нима учундир, Содиқнинг юзига тикилиб боқолмас, нимадир ичини тирнаётгандек нуқул кафтларини бир-бирининг орасига олиб уқаларди.

— Қийналиб қолгандирсизлар. Ишлаяпсанми?

— Ким мени ишга олар эди, халқ душманининг хотинини!

— А?

— Ҳамма ўртоқларингиз юз ўгириб кетган. Мирсалим-ку...

— Нима, Мирсалим?

Терговчи Чуханов уларнинг сўзини узди:

— Ўз оилавий ишинглардан гаплашинглар. Беш минут қолди.

Мушарраф терговчининг сўзини ўзига берилган танбеҳ ҳисоблаб, асл мақсадга кўчди:

— Менинг... сизнинг олдингизга киришимнинг... киришимдан мақсад... менинг талоғимни беринг.

Содиқ ўз қулоқларига ишонмай, аграйиб қолди. Мушарраф пинагини бузмай ўтирарди. Демак, бу фикрини чийраб, пишитиб кирган, деди Содиқ кўнглида, ё бирортаси ўргатдими?

Бу кутилмаган гапдан Содиқни совуқ тер босди, кафтигача совиб кетди.

— Менга қара, — деди у, — мен сени зўрлаб олганим йўқ эди, зўрлаб ҳам хотин қилмайман. Лекин шартим бор.

Боядан бери ерга қараб ўтирган Мушарраф ярқ этиб унга кўзини тикди. Содиқ унга кўзини бигиз қилиб қадади:

— Шартим шуки, болани ташлаб кетасан.

— Ҳақингиз йўқ! Бола онаники.

— Йўқ, ҳақим бор. Ўтай отаникига етаклаб боришингни истамайман. Онамда қолдир! Гап шу! — Содиқ терговчига боқди: — Мени жойимга тушириб юборишингизни сўрайман.

Содиқ ўрнидан қўзғалди. Мушарраф ҳам иргиб турди:

— Йўқ, менинг жавобимни бериб кетасан! Менга сендақа халқ душмани керак эмас!! Сен билан турмайман! Жавобимни бер! Жавобимни бериб кет!

— Жавобинг ўзингда, шарт ўша! — оғирлик билан деди Содиқ.

— Йўқ, болани бермайман. Энди қайтиб келмайдиган бўлганингиздан кейин ўглингизни... ўглимнинг қаерда бўлишининг сизга қанчалик фарқи бор.

— Қайтиб келаманми, йўқми, энди бунинг сенга дахли йўқ. Талоғингни олдингми, кетавер.

Мушаррафнинг талоқ сўраб келиши Содиқ учун дарз косанинг синишидек бўлди. Лекин Маратнинг тақдири хаёлидан кетмай қолди.

...Янги ойнинг бошида тергов бўлими Содиқни чақириб, махсус кенгашнинг қарорини ўқиб эшиттирди. У ўн йилга ҳукм этилган эди!

«Ҳақиқат зўлдир эмас, нишабга думаласа, у қирғий қўнмас қиядан ҳам ўз жойини топади!» — деди Содиқ ишонч билан ўзига-ўзи.

6. МУШАРРАФНИНГ ҲИРСИ

Содиқ воқеасининг бутун даҳшатини Мушарраф уч кундан кейин билди.

Бошига тушган тақдир гурзисининг нақадар оғир эканини ҳис этди. Дилсиёҳликка йўл қўйган онлари учун ачиниб ўкинди. Энди Содиқнинг оёқларига йиқилиб узр сўрашга тайёр эди-ю, лекин Содиқнинг ўзи йўқ, сўзи йўқ, кўзи йўқ эди.

Мушарраф бир ҳафта ичида озиб-тўзиб кетди, атирупа, улама соч ордона қолди, баланд пошна амиркон этик, атлас лозим эсига келмади. Ҳар куни кечаси билан хаёлнинг минг бир кўчасига кириб чиқади, баъзан ёлғиз ётгани қўрқиб, Адолат холани олиб кириб ётади.

Шунда ҳаёт тазйиқларини кўп кўраверib иродаси пишиб кетган Адолат хола далда беради:

— Балога сабр, қазога шукур керак, жон болам. Ўзингизни ўтга, сувга урганингизнинг нафи йўқ. Содиқжонгинам игна топса эгасига топширмагунча кўнгли тинчимайдиган ҳалол йигит эди. Чиқиб қолади. Тушимда раҳматли дадаси от эгарлаб юрибдилар. Манг, Маратжонни эмизинг, жуда қорни очиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бир оз совий, тёрлаб турибман.

Адолат хола куни билан қўлидан қўймаган арзанда неварасини онасига узатиб, ўрнидан турди. Нима иш биландир, Содиқнинг хонасига кирди-ю, унинг қозиқдаги чуст дўпписига кўзи тушди. Тобутга ёпилган чопонни кўрган кишидек алланечук бўлиб кетди. Содиқ уни ҳар куни ишдан қайтганда киймасмиди! Дам олиш куни-ку, бошидан қўймас эди. Қани ўша ўғил! Ёлғизгина фарзандини соғингандир. Ўзи саломатмикин? Очин-тўқин қолмаётганмикин?

Хола дўппини қозиқдан олди, тоза бўлишига қарамай қоқди, ўғлининг иси келадигандек бурнига тутиб ҳидлади. Гўдаклигидан ўзига таниш Содиқнинг исидан роҳат қилаётгандек кўзини юмди, очганида ёши дув тўкилди:

— Ишқилиб ўзинг келиб кийгин, болагинам!

Мушарраф эртасига Собирахоннинг мактабига борди. Унинг бахтига Собирахон ўзида экан. Уни «ҳа, синглим, суянган толинг омонат экан», деб ачингандек кутиб олди. Лекин очилиб гаплашмади, кеча қаттиқ чарчаб, бугун бўшашиб ўтирган кишидек бир-икки эснади, ниманидир столи ғаладонидан қидирди, сиёҳдоннинг қопқоғини ёпиб қўйди. Мушарраф унинг «кел, синглим, аҳволларинг яхшими, эрингдан дарак борми?» дейишини кутарди — ахир опа-сингил тутинган-ку. Лекин Собирахон бундай қилмади, ҳамон нима биландир паришонҳол шуғулланарди, «қўли тегмас» эди.

— Собирахон опа, — деб гап бошлади Мушаррафнинг ўзи — отпускада юриб бўлдим, энди ишимни бошласам.

Собирахон шуни аллақачон кутган, жавобини ҳам тайёрлаб қўйган кишидек оҳиста унга қаради. Унинг кўзлари Мушаррафга бегонага ўхшаб кўринди.

— Ие, ҳали хабаринг йўқми, мен сени биласан деб юрибман. Ўз ҳисобингдан неча ойга отпускага чиқувдинг? Ҳа-а, — деди Собирахон ясама хаёл суриб, — айтмовдимми? У штат қисқариб кетган.

Гапнинг тубига тушунмаган Мушарраф:

— Яқингинада кимдир ишлаб юрувди шекилли! — деди.

— Ҳа, кечаги ҳафта қирқишди. Шунча қилдим бўлмади.

— Вой... — бўшашди Мушарраф, — энди нима қилдим? Бир томони рўзғор...

Собирахоннинг «Билмасам, ўзинг биласан» дейишга

тили бормади, «фалончига учраш» деса, ўзики ёлғон гапириб, четлатиб турган халқ душманининг хотинини бошқа одам пешонасини силармиди! Баҳона топди:

— Мен бир суриштириб кўрай, бирор иш топармиз.

— Шундай қилинг, опажон! — ёлворди Мушарраф.

Собирахоннинг сўзига ишонган Мушарраф бир ой ичида икки-уч хабар олди. Ишдан дарак бўлмади, Собирахон «йўқ» демас, нуқул ваъда берарди, бировнинг олдида бўлса хўмрайиброқ, ҳеч ким бўлмаса сал дилхушлик билан гаплашарди. Шундай қатнашларнинг бирида бир аёл ўқитувчи уни четга имлади. Мушарраф қулоғини тутган эди, у аёл:

— Овора бўлманг, синглим, Собирахон истаса ўрнингиз жойида турибди, — деди. Мушаррафга ҳамма нарса ойдин бўлди-қўйди: демак Собирахон ҳам қора қозондан ўзини четга олиб қочяпти!

Мушарраф бутун гапни Адолат холага айтди.

— Банда қилса маломат, худо қилсин саломат, жон болам. Қиш ёзсиз бўлмайди, бу кунлар ҳам ўтиб кетади, олақарғанинг қағиллагани қолади, — деди Адолат хола келинига чой узатаётиб, — олинг, бир пиёла чой билан икки бурда нон еб олинг, дармон бўлади. Кўчадаги гапсўзга ҳадеб куйиб-ёнаверманг, дўст куйиб гапирса, душман ошириб гапиради. Бирорта кўр бўлғурнинг иғвосига қолди болам бечора! Сиз ҳаммадан хафа бўлаверманг, доим ёмондан яхши кўп, ҳаромдан ҳалол. Ичида бизга ачиниб, «жабр бўлди» деб юрганлар қанчайикин! Тили билан айтишга ҳайиқса нима қилсин бечоралар!

Ана шундай тили билан ҳам айтишга ҳайиқмайдиганлардан бири — Икром ота шу куни кечқурун эшик қоқиб келиб қолди. Эшик очган Қодир билан қуюқ сўрашди-да, ичкарига кирди, кўрсатилган ерга ўтириб, ҳол-аҳволларини сўради. Содиқни тилга олиб, «Азамат, покдомон йигит эди!» деб қўйди. Анча гапдан кейин Адолат холага пича пул узатди:

— Содиқжондан олган эдим, вақтида жамғариб беролмадим, — деди узр сўраган бир тарзда.

— Бировда оласим бор демовди-ку, ё сизга айтувдими, Мушаррафхон? — деди Адолат хола хижолат тортиб.

— Йўқ, йўқ! Менда бор эди, келганда ўзидан сўрарсиз, — яна шошиб изоҳга киришди Икром ота. Гапни чалғитди: — Ишга кирмоқчи экансиз, келин, мен бир жой билан гаплашган эдим, хўп десангиз, эртага бориб учрашинг, кичик қизим ўша ерда ишлайди.

Икром ота қаерда ва қанақа иш эканини батафсил

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтиб берди. Ўрнидан турар экан, Содиқнинг девордаги суратига қараб «қарчиғай эди» деб қўйди яна. Кейин Содиқнинг чиқишини аниқ биладиган, бунга сира гумони йўқ кишидек ишонч билан далда бериб кетди.

Мушарраф эртасига Икром ота айтган ерга бориб учрашди ва ишга кирди.

Иш Мушаррафни овутгандек, сўнгсиз мудҳиш ўйлар гирдобидан четга олиб, нафасини ростлагандек бўлди. Вақт қалбидаги аччиқ алам изтиробларини аста-секин елга совуриб, ўрнини яшаш иштиёқи билан тўлдириб бормоқда эди. Бора-бора эрининг қамалишига кўникканидек, номини эшитсагина бир энтикиб, бошқа вақтда хаёлига ҳам келтирмай ҳаётнинг кенг оғушига кириб кетди. Уйнинг аллақайси бурчагида ётган улама соч яна юзага чиқди, аста-секин упа-элик асл ҳолига келди, қошга ўсма, кўзга сурма тортилди, кўйлак кунига алмаштирилиб, навбат баланд пошна амиркон этиккача бориб етди. Айниқса баҳор табиатнигина эмас, эри қамалгандан бери сокин уйқуга кирган Мушаррафнинг ҳиссиётларини ҳам уйғотди, этига эт, ҳуснига ҳусн қўшди. Керишса эрининг қучоғини соғиниб, кўзлари сузиладиган бўлди.

Бир дам олиш куни эрталаб Икром отанинг Мушарраф билан бирга ишлайдиган кенжа қизи келди. Ойисининг тайинлаб юборганини айтиб, Адолат холани олиб кетмоқчи бўлди:

— Юринг! Ойимлар «холанг диққинафас бўлиб ўтиргандирлар, гаплашиб ётиб кетсинлар» дедилар. Юринг! Уйда ҳеч ким йўқ, дадамлар аммамларникига қишлоққа кетганлар.

Уни Мушарраф қувватлади:

— Боринг, уйда ўтира бериб сиқилиб кетдингиз, бағрингизга шамол тегиб келади.

Ўтган ҳафта ҳам Икром отаникидан одам келганда Адолат хола: «Ҳа, жон болам, менга ўйнаб-кулишни ким қўйибди», — деб рад этган эди. Шунда уларнинг кўнгли анча олинганини кейинчалик Мушаррафдан эшитган эди. Шунинг учун холанинг қанчалик боргиси келмаса ҳам, йўлга тушди.

— Сиз уйдан хавотир олманг, ҳеч қаёққа бормаймиз,— деди Мушарраф Қодирни ҳам қўшиб. Ҳовлида дарс тайёрлаб ўтирган Қодир бошини кўтариб тасдиқлади:

— Ҳа, уйдаман. Ишим кўп!

— Уйда бўл, жон болам, ҳувиллатиб чиқиб кетма, кеннойинг чўчийди, — деди Адолат хола неварасини

ўпиб хайрлашар экан. — Сен ҳам тўполон қилмай ўтиргин!

Мушарраф Адолат хола йўлга чиқмасидан олдиноқ бошини ювмоқчи бўлиб қатиқ чаплаб қўйган эди, у кетгач ювгани ўтирди. Қодир айвонда ўз машғулоти билан банд, бир вақт бошини чертёжидан кўтариб қараса, кеннойиси ярим тўшини очиб, кир ўра оғзида бошини ювяпти, эти жимирлаб кетди. Кеннойиси сезиб қолса, хижолат тортишидан ҳайиқиб, ҳовли томонга ёнини қилиб олди. Унинг бу ҳаракатини фаҳмлаган Мушарраф, кўкраги ярим очиқ, сочини охирги марта жомга шалопшалоп солиб чайқар ва қўли билан сувини сидирар экан, эркакнинг ҳавасини келтирадиган бир оҳангда деди:

— Қодиржон, соч ўришни биласизми? Билиб қўйинг, Азизахон келганда керак бўлади.

— Акам сизникини ўрармидилар? — деди Қодир ҳазил тушуниб.

— Акангиз ўришдан кўра кечаси силашни яхши кўрар эдилар. Ё сиз ҳам шунақа қиласизми?

Қодир охирги жумла ўзигами ёки Азизагами тегизиб айтилганини ажратолмаган бўлса ҳамки, қулоғигача қизариб кетди.

Мушарраф сочини ҳўл тараб, бошига омонатгина рўмолча билан танғиб қўйгач, уйга ўтар экан, деди:

— Бошини ювгандан кейин хотин кишининг сочини ҳеч ҳидлаганмисиз? Хушбўй бўлади шекилли-да, акангиз яхши кўрардилар. Сиз-чи? Ёмон кўрмассиз! Ё ёмон кўрасизми?

Қодир индамади. Мушарраф уйга ўтиб кетди. Ойна олдида ўзига оро бериб, сочини таради, пардоз қилди. Чаккасидаги майда соч толаларини эринмасдан жингалак қилди. Юпқа ҳарир кўйлагини кийди, ўзини ойнага солиб кўрди, шундоқ ҳам бутун кўксига ҳусн бахш этиб, тирсиллаб турган тўшини остидан кўтариб янада бўрттириб боқди, улама сочини серкиллатиб уйнинг у бошидан бу бошига юрди, ойнадан ўзини кузатди. Кейин ҳовлига чиқиб, иш билан юрган кишидек Қодирнинг олдидан бир-икки у ёқ-бу ёққа сатанг юриш қилиб ўтди. Адолат хола тушда қозон осганидан Мушарраф кечқурунга чой қайнатиб қўя қолди. Қодирни таклиф этди. У қоронги тушиб қолганидан чертёжни йиғиб, китоб мутолаа қиларди. Кеннойисининг таклифига икки марта: «Ҳозир! Ҳозир», — деди-ю, китобдан бошини кўтармади. Мушаррафга худди шу керак бўлгандек, бўйдоқларнинг ҳирсини уйғотадиган бир мақомда юриб борди. Қодирнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўқиётган китобини кўрмоқчи бўлган кишидек, орқа томондан ўтиб, атир анқитиб туриб:

— Китобингиз муҳаббат тўғрисида шекилли, бошингизни кўтаролмай қолдингиз, — деди. Қодир китобини келган ерида шарт ёпиб, ўрнидан турди, дастурхонга юрди.

Мушарраф гоҳ қошини, гоҳ кўзини сузиб унинг орқасидан гапириб борар эди, унинг нозу карашмаси ҳатто товушидан ҳам сезилиб турарди.

— Дунё шунақа экан, Қодиржон, йигит қиз деб, қиз йигит деб ўларкан. Қариганда бунақа бўлмас-а?

— Билмасам, қариб кўрганим йўқ, — деди нохушлик билан Қодир.

— Қарилик қурсин! Ёшликка не етсин! Ёшсиз, ўйнаб қолинг, айш қилинг. Кейинги афсус бекор. Азизахон билан тез-тез учрашиб турасизми? Акангиз бунақа бўлиб кетмаганларида шу кунда тўй ҳаракатига тушиб қолармидик. Баҳордагиси яхши бўлади.

— Ўқишни тугатмагунча...

Мушарраф Қодирнинг сўзини бўлди, чой узатди:

— Яна уч йил! Унгача зерикиб қоларсиз.

Қодир жавоб қайтаришга ийманиб, нон тишлади.

— Сиз эркакларга маза! Айшингизни қилиб юрсангиз биров билиб ўтирибдими, мисқоли камаядими! Азизахонга қийин, қиз бола...

Аёл билагини ушлаб бирор марта хилватга тортмаган тажрибасиз Қодир Мушаррафнинг бу гапларини яхши фаҳмламас, фаҳмлаганда ҳам нима қиларди. Бегонамаски, «кет, бетинг қурсин», деб силтаб ташласа! Ундан кейин, кеннойисининг оғзи бачканалигини билади, бу ҳақда акаси неча марта койиганини эшитган. Гапирадиган оғиз уники экан. Қодирга нима, вайсай бермайдими! Шунинг учун у наридан-бери чойни ичиб, туриб кетди. Мушарраф эса, унинг ҳар бир ҳаракатини очкўзлик билан кузатар, бақувват билакларига суқланиб боқар эди. Баҳор қонини ўйнатиб, кўзини тиндириб, ҳатто донлашиб юрган бир жуфт мусича ҳам унинг ҳавасини келтирарди...

Кеч кирди. Уфқ анордек қизарди. Том четига келиб қўнган «Адолат холанинг мусичаси» бирдан қувалашиб, Мушарраф рўпарасида тарс-тарс тепишди, «Ачомлашиб ўйнасанглар-чи, жувонмарглар», — деб ўтиб кетди у.

«Бўйдоқнинг ақли икки кўзида бўлади, айниқса, баҳор кези. Жон дейди. Нега жон демасин! Кимдан камлигим бор. Бир ўргатиб олсаму... Биров билиб ўтирибдими!» — деди Мушарраф ўрнига кириб ётгач, уйқуси ўчиб. Эти увушгандек, ширин керишиб ўрнидан турди. Унинг вужуди ўт бўлиб ёнар, юраги эшитилгудек гурс-гурс урар эди. Дераза олдига келиб, Қодир ётган уйга кўз ташлади. Чироғи ўчган. «Қачон ётибди? Нега чироғи ўчганини билмадим? Сезди. Атайин чироғини барвақт ўчирди. Бало!» — ўйлади Мушарраф ва ҳирс билан ҳовлига чиқди. Кўча эшикдан хабар олмоқчи бўлиб, Қодирнинг уйига қулоқ солди. Жимжит. «Пойлаб ётибди», деб ўйлади, яна бадани жимирлаб кетди. У ўгридек оёқ учида бориб, Қодир ётган уйнинг эшигини аста очди. Шиппагини шу ерда ечиб, ичкарига яланг оёқ кирди. Қодир ҳеч нарсадан хабари йўқ, бемалол ухлаб ётарди. Деразадан тушган ой ёруғи унинг азамат кўкрагини ёритарди. Қодирни жўрттага ўзини уйқуга солиб ётибди, деб гумон қилган Мушарраф ҳирс тўлғоғида титраб бориб, чўғ бўлиб ёнган лабларини унинг лабига босиб, жон-жаҳди билан қучоқлади. Чўчиб уйғонган Қодирни еб қўйгудек бўлиб, дер эди:

— Мен... мен, Қодиржон... Ўзим айланай! Жоним қоқиндиқ... Ҳеч кимга айтмайман...

Қодир ирғиб ўрнидан туриб ўтирди. Мушарраф ҳамон унга ёпишиб, «мен... мен... ўзим айланай!» дерди, дир-дир титрар эди. Қодир шошиб қолган, тилига сўз келмас эди. Номус кучи билан кеннойисини итариб ташлаб, ҳовлига ўқдек отилди. Салдан кейин эшигининг очилиб-ёпилгани эшитилди.

Мушарраф турган ерида қотиб қолган эди. Бир томондан муродига етолмагани алам қилса, иккинчи томондан кўз олдига қайнанаси лип-лип келар эди. Ҳаммадан ҳам мақсадига етолмаганига чидолмас эди, йиғлаб юборди, ўзини Қодирнинг каравотига зарб билан отди!

Эрталаб у ишига кетгунича, «яхши ётиб-турдингларми?» деб етиб келган қайнанасига Қодирдан гинахонлик қилди:

— Ўғлингизнинг борадиган жойлари бор экан, шунча қилсам ҳам мени ёлғиз ташлаб кетдилар. Кечаси қўрқиб ўлдим.

Нима дейишини билмаган Қодир:

— Ҳа, сизга айтиш эсимдан чиққан экан, ойи, бормасам бўлмайдиган иш эди! — деди дудуқланиб. Мушарраф эса, «қойил қилдимми!» дегандек унга кўз қирини ташлаб қўйди.

Ўз тадбирининг муваффақиятли чиққанидан қувонган Мушарраф ишига жўнади. Кечқурун шошиб келиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

наридан-бери овқатланиб «мажлисим бор» деб пардозандоз билан чиқиб кетди. Уч кун ўтгач яна... Келининг авзойи бузуқлигини сезган хола ётиги билан насиҳат қилган эди:

— Уйга тиқилиб ўл, дейсизми! — деди.

Хола гапни бошқа ёқдан айлантириб келиб, этини ўлдирмоқчи бўлди:

— Майли, болам, ёшсиз, ўйнаб-кулсангиз ярашади, уйда тухум босиб ўтиринг демайман. Лекин болангизга жабр бўляпти. Очин-тўқин қоляпти. Баъзи болаларга ўхшаб берганни еб кетавермаса.

— Ҳа, ҳеч нарса қилмайди!

— Ундай бўлса кўкракдан ажратиб қўя қолинг, зора овқатга ўрганса.

— Ҳалиям шундай қилмоқчиман, ҳамманинг жони ўзига керак: кундузи ишласам, кечаси бу сўрса!

— Майли болам, лекин сал ҳақи бор эди ҳали.

— Ҳақи!.. Ҳақи!.. Ўлар бўлсам ўлдим. Кеч қолсам сиз хўмраясиз, мажлисига бормасам идора... — деди Мушарраф ва бу ишлардан жуда норози кишидек косани товоққа чойнакни пиёлага уриб, дастурхонни наридан бери йиғиштирди-да, уйига кириб кетди. Ярим соатлардан кейин қайнанадан сўров йўқ, истов йўқ улама сочни серкиллатиб кўчага чиқиб кетди. Тун оғганда қайтди. Эшик тиқиллаганини Адолат хола эшитса ҳам, атайин алламаҳалгача «сарғайиб ўл!» деб очмади. Буни пайқаган Мушарраф эшикдан кириши билан ўдағайлади:

— Нега мунча тош қотиб ухламасаларинг.

— Ҳа, уйқу ўликка тенг, болам, — деди элагини тешиб кетган сичқонга ҳам озор бермайдиган Адолат хола.

Мушарраф қия очилган эшикдан ёнбошлаб кирар экан, ичкиликнинг аччиқ, қўланса ҳиди Адолат холанинг димоғини ёргудек анқиб кетди. Холанинг сабр косаси тўлиб, уйга киришгач, деди:

— Ичиб турган ошимга кўз ёшларим тўкилгани етмасмиди, келин! Бу нима қилиқ? Уятмасми!!

— Именинада эдим, ичмасам қўйишмади.

Адолат хола унинг изоҳига муҳтож эмас эди, у неварасини бағрига босганича олиб чиқиб кетди. Мушарраф ҳам астойдил «қаёққа олиб кетяпсиз?» демади. Шу кундан бошлаб Мушарраф бошвоғини қайнанаси қўлидан бўшатиб олди. Бу ҳам етмаганидек, «аллакимлар»нинг маслаҳати билан Содиқнинг олдига талоғини сўраб кирди.

Бегона эркакнинг қўлидан унинг бадани сесканмайдиган бўлиб қолган эди.

Уч ойдан кейин Мушарраф Азиза практикада бўлган касалхонага уни йўқлаб бориб қолди. Азиза уйидан кетгандан бери Мушаррафни кўрмаган, фақат Қодир орқали бу оиланинг бошига тушган бахтсизликдан хабардор эди. У Мушаррафни очиқ юз билан кутиб олди, лекин пардозини кўриб ҳайрон бўлди: наҳот бошига қора кун тушган хотин шунақа юрса!

Азиза Мушаррафга яхшилаб назар солди: ўзини ҳам олдирмапти, фақат қовоқларининг остида халтум ва чуқур чизиқ пайдо бўлибди. У Азизани бир чеккага бошлаб ўтди. Жилпанглаб, кулиб қўйди.

Азизанинг ғаши келиб, сўради:

— Иш билан келганмидингиз?

— Аввалам сизни соғиндим, кейин... кейин бир маслаҳатли ишим ҳам бор эди...

— Марҳамат!

— Айбга қўшмайсиз... — Мушарраф уялганга ўхшаса ҳам, лекин енгилтаклик билан жилпанглашини қўймас эди, — Содиқ акангиз унақа бўлган кезлари гумоним бор эди. Қаттиқ куйганимдан ўсмай қолди шекилли, мана энди яна сезяпман. Шуни бир нарса қилсам девдим.

Азизанинг суриштиришидан шу нарса маълум бўлдики, Мушарраф Содиққа тақаётган бола у айттандан кўра ёш, бунинг устига Азизанинг қулоғига кирган гаплар унинг гумонини қилиб, унга Мушаррафни кўрсатди. Доктор очиқ айтиб қўя қолди.

— Бола икки-икки ярим ойлик.

Бу ошкора гап Мушаррафни Азиза кутганидек шошириб қўймади, ишшайиб қўя қолди. Бу ишшайиш Азизанинг шунчалик нафратини қўзғадики, ҳайдаб чиқаришига сал қолди. Бу етмагандек Мушарраф:

— Энди нима қилдик, Азизахон? — деб қолди, — ёрдам беринг.

— Нимага? — деди Азиза ўзини аранг босиб, — бизда аборт қилинмайди.

— Таниш-билишингиз бордир. Хафа қилмасман, хизмати учун мана шу билагузугимни берардим.

Бу сўз ёниб турган оловга қуйилган бир челак мой бўлди, Азизани тирноғигача ларзага келтирди:

— Дадасига берсангиз, абортчи ҳам топиб беради! Уятсиз! Шарманда!

Бир ҳафтадан кейин шаҳарнинг кам қатнов кўчалари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан бирида хотин кишининг мурдаси топилди; ҳамма ҳайрон: қўлида қўшбилагузук, сумкасида анчагина пул. Бирор ери чақа бўлмаган.

Кейинчалик экспертиза аниқлашича, шу атрофда кимдир уйида яширинча аборт қилган. Ҳомиладор абортдан омон чиқмагач, кечаси ўлигини кўчага чиқариб ташлаган.

Бу Мушарраф эди.

7. «СИЗНИ ДЕГАНИМ ДЕГАН, ҚОДИРЖОН АКА!»

Мирсалим қизининг ташлаб кетганига сира чидолмас эди!

Аввал у Азизанинг бунчалик кўнгли қаттиқ деб ўйламаган, ёлғиз ота-онасига раҳми келади, қиз боши билан қаёққа ҳам боради, бугун биронта ўртоғи ёки қариндошиникида ётиб қолса, эртага сувга тушган мушукдек бошини эгиб кириб келади, деб ўйлаган эди. Шунинг учун ортиқ ташвишланмасдан, ҳатто хотини у чиқиб кетгач, кўз ёши билан:

— Дод, бу қандай ноинсофлик! Қайтаринг-чи, қайтаринг! — деб ёлворганда ҳам пинагини бузмаганди. Ҳаммадан унга Азизанинг: «Қўрқасизми? Амалдан тушиб қоласизми?» — дегани алам қилар, ўз қизининг, яккаю ёлғиз қизининг оғзидан чиққан бу сўз унинг энг нозик ерига бориб теккан.

— Қизингнинг томони бўлсанг, сен ҳам бор кетидан, бор! Менга бунақа қиз керак эмас! — деб туриб олди. Айвон четида турган човгумни тепиб юборди, қозиқда илиғлиқ сочиқни олиб ерга отди, уйга кириб кетди. Лекин уйда ўтиролмади. Бошини қаёққа уришни билмас, уйнинг шифти паст ва ўзи торга ўхшар, ҳаво етишмасдан бўғилаётгандек безовталанар эди. Бир ерда ўтиришга сабри чидамас эди. Агар шу чоқ Азиза эшикдан кириб келса, яна ҳайдаб юборишга тайёр эди. Наҳот шу гапларни ўз қизи, бино қўйиб, пуф-пуфлаган қизи айтган бўлса!

Вақт ўтган сари Мирсалим совиб, аслига қайтди, лекин Азизанинг сўзи ва шиддат билан эшикдан чиқиб кетиши кўз олдидан кетмади.

Қизининг феълини эридан кўра яхши билган хотини туни билан йиғлаб чиқди, тиқ этса қулоғи эшикда бўлди, ҳатто шифтнинг қаеридадир сичқоннинг қитирлатиши ҳам эшикнинг тақиллашига ўхшаб эшитилди. Эрига бир

оғиз сўз демади. Эрталаб нонуштасини дастурхонга қўйиб, ўзи ўтирмади.

Мирсалим унинг хотинлигига бориб ортиқча ташвишланишига парво қилмай, ишига кетди. Келгунича Азизанинг уйида бўлишига шубҳа қилмас эди. Лекин у уйга қайтганда Азизанинг ўзини эмас, у юборган хабарни эшитди: у бундан кейин институт ётоғида яшар эмиш!

Бу Мирсалим учун кутилмаган янгилик эди. Қизининг бунчалик бир сўзлигига энди ишонгандек бўлди, жаҳл устида ёнида турган хотинини:

— Мана ўстирган арзандангнинг қилгани! — деб тарсаки билан қўйиб юборди. Кутилмаган тарсакидан гангиган хотин ҳатто йиғлашини ҳам билмай:

— Урмай қўлингиз синсин! — деди чаккасини ушлаб. Унинг юзида шапалоқнинг изи қолган эди.

Мирсалим қизининг кетиб қолганидан кўра, маҳалла-кўйнинг таънасидан кўпроқ қўрқар эди. Эртага биттаси чиқиб, «битта қизини эплаб ололмаган одам, директор бўлиб қаёққа борди!» дейиши мумкин. Шу гап маорифда қўзғаб қолса борми, унда, вассалом!

У шу пайт қизини ўнинчи синфни битиргандан кейин уйга ўтқазиб қўймагани, жойи чиққанда оёқ-қўлини боғлаб бўлса ҳам эрга бериб юбормаганидан пушаймон бўлди. «Ўқисин, ўғил ўрнини босадиган қиз», деганларнинг ҳаммасини минг балога гирифтор қилиб қарғади, пайти келганда ўч олишни кўнглига тугиб қўйди. Улар дўстлигидан эмас, гўё шундай куннинг унинг бошига тушишини олдиндан билиб, атайин қўйнини пуч ёнгоққа тўлдирган бўлиб кўринарди.

Энди нима қилди? «Узоқлик қилди, ётоқда ётиб ўқияпти» деса, кишилар ишонармикин? Керак бўлса бундан ҳам яхши вож-корсон топади. Лекин Азизанинг тилини боғлаб қўёлмайди. Уйини, ота-онасини ташлаб кетган қиздан ҳар нарсани кутиш мумкин. Олдини олиш керак!

Чора топди: «Онасини юбориш керак. Бу лаънатиларнинг тили битта. Йиғлаб-сиқтаса қайтиб келишга унаши мумкин».

Азиза онасини қучоқлаб қарши олди, бир оз кўз ёши ҳам қилишди. Лекин уйга қайтмаслигини қатъий айтди:

— Албатта, ота безорилик яхши эмас. Лекин бошқа иложим йўқ. Бир томондан, билмаган эканман, ётоқ яхши, дарс тайёрлашга қулай экан.

Қиз онасининг оғир аҳволда қолганини яхши фаҳм-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар, унга жабр бўлганидан хафа эди. Не чораки бошқа йўл тутиши эса, виждонини қийнар, қорани оқ, ёлғонни рост, совуқни иссиқ деб ўзини алдаш бўлар эди. Бу онасининг қийналишидан ҳам оғир бўлар эди. Шунинг учун онасини қучоқлаб:

— Ойижон! Мен сиздан хафа эмасман. Келиб туринг, соғинтириб қўйманг, — деди.

— Даданг мени тириклайин гўрга тиқади-ку, қизим, бу йўлингдан қайт! Қайси ота қизини қойимапти!

— Бу қойиш эмас, ойижон, ҳақорат, остида катта гап бор. Қодирни севганим ёки у ёмон одам бўлгани учун эмас, ўзининг амалини, нафсини қизғаниб мендан узоқлатмоқчи. Бундан ўтар пастлик борми! Агар Қодир ёмон бўлиб, мен уни фаҳмламай юрган бўлсам, дадамнинг бу гапига раҳмат дердим. Ҳозир Қодирнинг қандай аҳволда эканини билсангиз эди! Бу гапларни мен унга билдирганим йўқ, билдириб ҳам бўлмайди. Унга шу кунларда мадад бўлмаган киши дўстми? Йўқ! Қодир ҳалол йигит! Кўнглингиз мендан тўқ бўлсин!

Қизининг жавоби узил-кесил эканига ишонган она бўшашиб уйига қайтди. Эрига юмшатиб «ётоққа келиб қолдим, энди беш-ўн кун тура турай, дарс тайёрлашга яхши бўлар экан» деяпти деб етказди. Мирсалим бу жавобга унча ишонмаса-да, бир оз кўнгли таскин топти. Демак, Азиза одамларга ҳам шундай дейди, бу жавоб эса, Мирсалимни гап-сўз бўлишдан асрайди. Лекин Мирсалим бир ҳафтадан кейин яна куз ҳавосидай бирдан айнаб қолди; кўнглига бир фикр келди: Азизанинг Қодирдан узил-кесил умидини узиб, уйига қайтариб келтирадиган бирдан-бир йўл — Қодирни институтдан ҳайдатиш. Шунда у лаънатидан кўнгли совийди.

Мирсалимга бу фикр жуда ёқиб кетди, ўзининг ақлига қойил қолиб «қичқир хўрозим»ни гинғиллаганича уйга кириб кетди. Қуриб қолган сиёҳдонга сув қуйди, қоғозни найча қилиб, учи билан сиёҳдонни ковлаштирди. Ним ранггина сиёҳ бўлди. Олдинига «шу ҳам яхши. Сиёҳга кам иши тушадиган меҳнаткаш одам ёзибди», деб ўйлайди, кўнглидан ўтказди у, кейин қуриганда яна ҳам рангсиз бўлиб, ўқиш қийинлашувидан қўрқиб, бинафша ранг қаламдан тарашлаб солди, ҳалиги қоғоз найча билан аралаштирди. Яхши эрисин, дегандек, бир оз қўйиб берди, яна «қичқир хўрозим»ни хиргойи қилиб, уйнинг у бошидан бу бошига юрди. Ўз суратининг нақшин рамкасига ўтирган чангни қўли билан артиб «ёшликда

ҳам чакки бўлмаган эканман, телпакни чаккага қўндиришни кўр!» деб фахрланди, йўқ мўйловини силаб қўйди. Деразадан ҳовлига қаради. Хотини ўзича ниманидир пичирлаб, ивирсиб юрибди. Қизи кетгандан бери шунақа ўзи билан ўзи пичирлаб гаплашадиган бўлиб қолган, баъзан ёнидаги киши бемалол эшитадиган қилиб ҳам сўзлаб юборади. Мирсалим хотинининг бу аҳволи қаттиқ хафалигидан эканини билса ҳам, бирон марта кўнглини кўтариб қўймайди, икки оғиз ширин сўзини хайф кўради.

У сиёҳни яна бир аралаштириб, ўтириб ёзишга киришди. У ҳаммага маълум дастхати билан эмас, уни бузиб, ҳарфларга турли шокилалар улаб, бошқа томонга қийшайтириб ёзар эди. Хат Қодир Қўчқоров халқ душмани Содиқ Қўчқоровнинг туғишган укаси экани, бир ҳовлида туриб, бир қозондан ош еб, бир чойнакдан чой ичгани, унинг ҳам «севимли Шўро ҳукуматимизга» хайрихоҳ эмаслиги тўғрисида борар эди. «Бундай ёт унсурнинг қўли қадоқ, чопони ямоқ меҳнаткаш халқ болалари билан бир партада ўтириб ўқиши биз соф виждонли кишиларни ажаблантиради. Бундай унсурга билим ўчоқларимизда ўрин бўлмаслиги керак!!!» деган сўзлар билан тамомланди.

Мирсалим хатни қайта ўқиркан, ўзи заковатига қойил қолиб, ишшайиб қўйди, эҳтиёт билан буклаб, конвертга солди. Биров йўлда очса сезиладиган қилиб, яхшилаб елимлади. Устига Қодир ўқийдиган институтнинг адресини ёзиб, директор номига юборди.

Бир ҳафтадан кейин Қодирни институт директори чақирди. У юраги орқасига тортиб кириб борди. У директор билан ҳеч вақт қамти келмаган, фақат кўрганидагина салом бериб ўтарди. Кабинетда директордан ташқари яна ўқув ишлари бўйича ўринбосари, декан, комсомол комитетининг секретари ва Қодир лавозимини билмайдиган яна икки киши ўтирар эди.

Қодир ўртада тўхтади. Гапни директорнинг ўзи бошлади:

— Бизга маълумот тушди. Шуни аниқламоқчимиз. Содиқ Қўчқоров сизга ким бўлади?

Қодирнинг юраги «шув» этиб кетди:

— Акам.

— Туғишганми?

— Ҳа.

— Ҳозир қаерда!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қамоқда.

Комсомол комитетининг секретари орага суқилди:

— Нега шу вақтгача яшириб келдингиз?

Директор унга, мен ҳали саволимни тугатганим йўқ эди-ку, дегандек норизо қараб қўйди.

Қодир бундай савол тушишини аллақачон кутган ва бунга жавоб ҳозирлаб қўйган эди:

— Ўртоқ Сталин бола ота учун, ука ака учун жавобгар эмас деган.

— Мен сиздан ким ким учун жавобгар эканлигини сўраётганим йўқ, нима учун институт коллективидан яшириб келдингиз?

Секретарнинг баланд келиши Қодирни чўктирди, товуши титради:

— Яширганим йўқ.

— Бу яшириш бўлмай, нима?

— Хеч ким сўрамаса, кимга айтаман.

— Хабар қилсангиз, албатта, яхши бўларди, — деди директор вазмин бир тарзда ва секретарь томонга «Сиздан катталар ҳам бор бу ерда, кўп шаталоқ отаверманг», дегандай назар ташлаб, бошқаларнинг ҳам ўз фикрига диққатини тортди. — Эҳтимол, сиз атайин бекитиб келмагандирсиз. Лекин натижаси яширганга ўхшаб қолибди, шундай деб шубҳа қилишга ўтирганларнинг ҳақи бор.

Ғамхўрлик билан бошланган бу салмоқли гап ўпкаси тўлиб турган Қодирнинг тик бошини эгди, кўзига ёш қуйди. Директор ундан яна оиласига доир саволлар сўраб бўлгач, деканга юзланди:

— Қандай ўқийди? Ахлоқи?

— Ўқиши аъло, одоби ҳам яхши, аммо мана шу томони сал яхши бўлмапти-да... — деди тил чайнаб декан. Студентлар ичида «Ажойиб одам, студентнинг устига тоғ қуласа тутиб қолади», деб шуҳрат топган деканнинг бундай латта чайнаши, ҳатто суяб турган директор томонига ўтишга ҳам юраги бетламаётгани Қодирнинг ихлосини қайтарди.

Комсомол комитетининг секретари сўз олиб, Қодирга шунақа сифатлар бердики, Қодирнинг ўзи ҳам «гап менинг ҳақимда кетяптими?» деб ёқа ушлаб қолди. Охири секретарь институтдан ҳайдашни талаб қилди. Декан яна эзмаланиб, гапни айлантириб-айлантириб секретарнинг таклифига қўшилганга ўхшаш мужмал бир хулоса чиқарди.

Энг сўнг Қодирнинг ўзига сўз берилди, лекин у шунчалик шошиб қолган эдики, дилидаги гапини тузатиб айтиб беролмади. Ўқишни жони-дилидан севишини, икки йил армияда шуни ўйлаб куни-тунини ўтказганини айтиб, йиглаб юборди, ўқишда қолдиришларини ялиниб илтимос қилди.

Директор ўрнидан туриб, кабинетининг ўртасига тушди. Бошини қуйи эгиб, ёшини маржон қилиб тўкаётган йигитга оталарча қараб қўйди. Бошини кўтариб, ёшини артиб қўйиш кўнглидан ўтган бўлса ҳам, журъат этмади. Олдига бориб, елкасидан сал ушлаб, чиқиб кетавериши мумкинлигини айтди.

Қодир эшикни орқасидан ёпар экан «тамом бўлдим, ўқиш ҳам ўлди» деб кўнглидан ўтказди. Трамвайга тушса юраги сиқилиб кетадигандек пиёда жўнади... Уйига етиб боргунича ҳаммасини муҳокама қилди: акасининг қамалганидан тортиб, Азиза билан бўладиган бундан кейинги муносабатигача, институтга киришга ариза беришдан тортиб, ҳайдалиши (наҳотки!), ундан кейин қиладиган, қилиши мумкин бўлган ишигача — ҳаммасини бир-бир ўйлади, тарозига солди, ўлчади, қирқди. Лекин ҳайдалиши ҳақида буйруқ чиққунча, ҳатто буйруқ чиққандан кейин ҳам ўқишга қатнай бермоқчи бўлди. Бара бир шу институтга бир куни яна киради, уни битиради, бу унинг аҳди, орзуси.

Қодир эртасига барвақт келиб буйруқ ва эълонлар ёпиштириладиган тахтага югурди. У ерда ҳеч нарса йўқ, эртасига ҳам, индинига ҳам ҳеч нарса чиқмади. Лекин хафтанинг бошида чиққан деворий газетада унинг пўстаги тоза қоқилган эди. Унинг аудиторияда хўмрайиб ўтиришидан тортиб, кутубхонанинг китобини атайлаб кечикиб топширишигача, ўз биографиясини яшириб, халқ душмани акаси билан ҳамон алоқа тутишигача тилга олинган эди. Студентлар ёпирилиб ўқир, бир-бирига пичирлаб нималарнидир тушунтиришар, яна бошқатдан ўқишар эди. Қодир газета олдида туролмади, ташқарига чиқиб кетди. Касалга ўхшаб уйига қайтди. Бир ҳафта ётиб қолди. Тузалиб, институтга келганда унинг ҳайдалгани ҳақидаги буйруқнинг бир чети аллақачон йиртилган, ўтган-кетганнинг шамоли уни ҳилпиратарди.

* * *

Азиза билан ҳамётоқ бир қизнинг олдига ўртоқлари келишди. Улар ҳам студентлар экан. Гапдан гап чиқиб, қизлар институтларида кечагина бўлиб ўтган воқеани

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзлашиб қолишди. Бир студентни аввал деворий газетада дўппослашибди, кейин комсомолдан ўчириб, институтдан ҳайдашибди!

— Жуда қобилиятли студент эди! — деди бири.

— Боодоблиги-чи! — деди бошқаси.

— Совуқ ҳам мевали дарахтни уради, — деди Азизанинг ҳамётоғи нотаниш студентга ачиниб. — Ҳимоя қилмадингларми, аммамнинг бузоғидай кўзларингни лўқ қилиб туравердиларингми!

— Акаси халқ душмани экан, — деди биринчи қиз.

— Ёнига тушганлар ҳам бўлди, — деди бошқаси.

«Халқ душмани» сўзи қизнинг ҳам нафасини ичига тушириб юборди. Лекин бу гаплар Азизанинг юрагига ташвиш солди, ўзини босиб сўради:

— Ким деган?

— Қўчқоров. Исмини билмадим. Сен биласанми? — шериги ҳам исмини билмади.

— Қўчқоров? — деди ўз қулоқларига ишонмай Азиза, тирноғигача музлаб. — Йўғ-э! Акаси қамалган бўлса, унга нима!

— Сиз уни танийсизми? — деди қизлардан бири.

Азизанинг қулоғи остида тўппонча отилгандек том битган, ҳеч нарсани эшитмас эди. Меҳмон қизлар кетгач, у ҳамётоғига аста:

— Фамилияси Қўчқоров бўлса Қодир-да, — деди оғир касалдан энди турган кишидек инқиллаб.

— Йўғ-е, бошқадир! — деди ҳамётоғи Азизани хафа қилгиси келмасдан.

— Кошки эди! Лекин юрагим сезишича, ўша!

Азиза соатига қаради. Ҳамма ерда машғулот тугаган. «Қодир қаерда экан? Бошига шундай оғир кун тушса-ю, мен бехабар қолсам! Нега ўзи ҳам айтмади, ёки «энди нима қилдик?» деб келмади? Қизиқ! Ё бошқа Қўчқоровмикин? Бошқадир! У бўлса келарди, дардини ўртоқлашарди! Йўқ, у эмас! Бошқа, нотаниш одам!» — деб ўйлади Азиза ва ўша нотаниш студентга ҳам ачинди. «Бечора! Энди нима қилади? Наҳот одамлар бир-бирига шунақа бераҳм: акаси учун укасини ўқишдан маҳрум қилишса! Наҳотки, ёмоннинг укаси ёки ўғли, қизи ҳам ёмон бўлса! Бу жуда галати-ку! Ноинсофлик, бағритошлик-ку! Бундай бўлмаслиги керак. Кишиларга ишонч, эртасидан умидвор бўлиш керак. Ахир инсон балиқ эмаски, зўравони ожизини ютиб, ҳаёт кечирса!»

Хаёли узоқларга қанотлаб кетиб, қалбига тушган ташвишни сал унутган Азиза, яна бир оздан кейин

қаттиқ безовталаниб қолди: унинг юрагига ташвиш солган студент бегона эмас, ўз кишиси, ўз севиклиси Қодир! Юраги шундай дерди.

— Мен билан бирга бўлсангиз, — деди ҳамётоқ дугонасига. У Қодирникига бормоқчи, эшикни ўзи тақиллатгани уялиб, у қиздан илтимос қилмоқчи эди. Қиз рози бўлди. Лекин бу режаси Азизанинг ўзига жуда эриш кўриниб кетди: «Наҳот шундай пайтда ҳам уятни тиқиб қўйган бўлса!» деб ўйлади ва ўзи ёлғиз боришга қарор қилди.

— Майли, кечирасиз, ўзим бораман, — деди у ва эшикка ўқдек отилди.

Бу шахти Қодирларникига яқинлашган сари пуфакдек бўшаган бўлса ҳам, анча дадиллик билан эшик қоқди. У Қодирнинг ўзи чиқишини истарди. Йўқ, Адолат хола кўриниш берди:

— Келинг, болам?

Азиза салом бериб, елкасини тутди. У дардини қанақа қилиб айтишни билмай турган эди, «Ким, ойи?» — деб Қодирнинг ўзи чиқиб қолди.

Азизанинг эшик қоқиб келишига мажбур этган нарса нима эканини дарров тушунган Қодир:

— Ойи, мен ҳозир келаман! — деганича Азизанинг олдига тушди.

— Вой, ичкарига кирмадингиз-а, қизим, чой тайёр эди! — деганича Адолат хола қолаверди.

Иккиси ёнма-ён борар, иккисидан ҳам нидо чиқмас эди. Қодир шу ҳафта ичидаёқ сўлиб тушган, кўзларида аввалги чақнаш, юришларида дадиллик, туришида ғурур йўқ. Хаёл ва ташвиш билан ўтган шу кунлар унинг қадам олишидан тортиб, нигоҳ ташлашигача — ҳаммасига ўз тамғасини босган. Гўё ўзга бир олам кишиси бўлиб қолган эди. Ҳаётдан ўз улушини олишга қодир, шу улуши умидидан қайтмаган, лекин шу умидини қандай қилиб рўёбга чиқариш дардида ёнаётган азамат бир вужуд Азизанинг ёнида борарди. Бу вужуд бутун қалби, кучқуввати, орзу-эҳтироси билан истиқбол ишқида ёнарди, унга ўз ҳиссасини ҳалоллик билан қўшиш иштиёқида эди. Лекин интилиш йўлида тўсиқ пайдо бўлган, бу тўсиқ уни вақтинча тўхтатган, лекин кетига қайтармаган ва қайтаролмас эди.

Бунинг барчасини ақли билан кўриб, қалби билан сезиб бораётган Азиза тафсилотини сўрашга ботинмади. Фақат бу кўнгилсиз воқеани ўзидан сир сақлаганининг сабабини билмоқчи бўлди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега мендан яширдингиз, Қодиржон ака? Ишонмадингизми? Қўрқдингизми?

— Йўқ, Азиза, яширмадим, яширадиган ери йўқ. Ишнинг бунчалик терс бўлиб кетишини ўзим ҳам кутмаган эдим. Гангиб қолдим. Кейин сизнинг ўз ташвишингиз ўзингизга етади. Қўйинг, ўзимникини ўзим тортай! Сизга теккан касрим ҳам етади.

— Йўқ, шундай эмас! Демак менинг елкамга тушган оғирликдан сизнинг белингиз қайишмаган экан-да, мендан яширасиз!

— Йўқ, Азиза, сиз тўғри тушунинг! Фараз қилайлик, мен сизга барчасини айтдим, аламингизга алам қўшдим, бирга хафа бўлдик. Хўш, бундан нима чиқади, менинг ишим ўнгланмайди-ку. Шунинг учун жиллабўлмаса, биттамиз ортиқча ташвишдан холи бўлиб турайлик, дедим. Бошқа мақсадим йўқ.

— Шундай қилсам эшитмайди, деб ўйладингизми?

— ...Киши ташвишли хабарни кечроқ эшитгани яхши! — деди Қодир ўзини зўрлаб кулиб.

Улар қаерга боришларини аниқ билишмас, кўз тушиб, оёқ юрган томонга кетишмоқда эди. Олдиларидан хиёбон чиқиши билан Қодир, шу ерга ўтирмаймизми, деган маънода:

— Қаёққа кетяпмиз? — деди.

Азиза индамади. Қодир бошлаган томонга юриб, четроқдаги скамейкага ўтиришди. Бу ерда одам кам, ўткинчилар сийрак. Дарахт орасидаги чироқлар ҳўл ўтиннинг оловидек нурсиз.

Азизани Қодирнинг жавоблари қаноатлантирмаган, бу воқеанинг остида бошқа бир сир борга ўхшаб туюларди. Акс ҳолда наҳотки, шунча воқеа бўлсаю, бир марта дардлашгани бормаса! Тўғри, Азиза ётоққа келгандан бери улар кам ваъдалашиб учрашар, Қодир ўзи истаган пайтида кириб келаверар эди. Азиза ой сари оғирлашаётган дарси билан бўлиб, Қодирнинг сўнгги ҳафта ичида келмаганини ҳам унутган экан. Ё шундан хафа бўлиб, ўзинг хабар олмадинг демоқчими? Ҳар ҳолда унинг юрагида нимадир бор. Буни Азиза билиши керак. У гапни асосий масаладан бошлади:

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Нима қилардим: ишлайман, ойимни боқаман. Иш ҳам топиб қўйдим.

— Дарров-а? Қаердан?

— Нима, азасини тутишим керакмиди? Қўшни райондаги МТСдан. Электро-механик вазифаси бор экан. Кимман, қанақаман — ҳаммасини директорига айтдим. «Бизга яхши ишласангиз бўлди», — деди. Оғир-енгилни кўрган одамга ўхшайди.

— Энди ўқишдан умидингизни уздингизми?

— Мен-ку, узганим йўқ... Ким билади тағин... Бу тўзонли шамол ўтсин-чи!

— Ҳеч кимга учрашмадингизми!

— Кимга учрашаман? Аввал акамнинг иши бир ёқлик бўлсин.

— Кесворган дейишади-ку!

— Кесишга кесган. Сигир қора сут беради деса, ишонаман, лекин акамнинг сиёсий жиноятн борига ишонмайман. Мутлақо ишонмайман! Жиноятчи эмас, покиза киши томонида эканимдан, виждон азоби тортаётганим йўқ. Фақат ноҳақликнинг оқсоқ оёғи бунчалик тез юришидан ҳайратдаман. Лекин буни ҳам бировга айтиб бўлмайди. Мана шуниси оғир!

Улар узоқ ўтириб қолишди. Тун қоронғилиги чироқлар рангини равшанлаштирди. Ўткинчилар сийраклашди. Кўршапалак чарх уриб, дарахтлар орасида изғийди, кутилмаган чаққонлик билан шохлар орасидан шўнғиб чиқиб қолади. «Қалдирғочдай чаққон-ку, нега кишилар уни ёқтиришмас экан, а? Кечаси учгани учунми?» Азиза кўршапалакни кўзидан қочирмай, изидан кузатиб турди. Йўқ, имкони бўлмади, иккинчиси унинг кўзини чалғитиб кетди.

— Азиза, — деди Қодир кафтларини бир-бирига ёпиштириб, икки тиззаси орасига қисар экан, ерга қараб, — бу нарсалар ҳаммаси ўтиб кетади, ҳақ жойини қачондир топади. Лекин...

Азиза ялт этиб унга қаради.

— Азиза, очиғини айтайми? Сиздан хавотирим бор. Сиздан ажралиб қолиш олдида бу ташвишлар бари...

— Нима деяпсиз, Қодиржон ака?

— Йўқ, Азиза, мендан яширманг. Энди мен сизга тенг эмасман. Сиз уч йилдан кейин врач бўласиз? Менчи, мен... Йўқ, мени қўйинг! Ҳозир бўлмаса ҳам, бари бир бир куни ўкинасиз, яхшиси ҳозир орани очиб... Кейин менга жуда оғир бўлади, ҳозир чидайман, шунча қийинчиликлар орасида ўтиб кетади.

— Менга қаранг, нима деяпсиз?

— Азиза, шунда тўғри бўлади. Бари бир кейин армон қиласиз.

— Ҳой, сизга бир нарса бўлдими? Бировдан бирор гап эшитдингизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, эшитганим йўқ! Ахир бу кўриниб турган нарса-ку, Азиза.

— Ҳали шунинг учун сендан четда юрибман, денг!

— Рост, яширмайман. Буйруқ институтдан ҳайдалишим учун эмас, сиздан ажралиш учун чиққанга ўхшайди, шу буйруқ билан ҳамма нарса тамом бўлди, Азиза...

Қиз унга ўгирилиб, бирдан елкасига қўлини ташлади.

— Қодиржон ака, — деди у, — мен сизни инженер бўлишингизни эмас, ўзингизни яхши кўрганман. Сизни деганман, сизни дейман ўла-ўлгунимча.

— Ростми? Ростданми, Азиза?

— Рост, Қодиржон ака! Сизни деганим деган!!

Қодир кўзида ёш билан Азизани бағрига босди.

Азиза бу гал унинг бағридан чиқиб қочмоқчи эмас эди.

Қодир билан Азизанинг муҳаббати чийланган ипга ўхшарди, узаман деганнинг қўлини қийса қиярдики, узилмас эди!

Кўршапалак ҳамон дарахтлар орасида чарх урарди. Тун ойдин, ёруғ...

* * *

Бир ҳафтадан кейин Азиза касал бўлиб қолди. Унинг касалхонада ётганини эшитган Қодир нафаси оғзига тиқилиб етиб борганда, кўричакни операция қилиб бўлишган экан. Ранги ўчиб кириб борган Қодирни Азиза табассум билан қарши олди:

— Яхшиман, қутулдим, — деди ва севган кишисининг бунчалик куйиб кириб келганидан боши осмонга етди. Чиндан ҳам Қодир жуда қўрқиб кетган эди. Шунинг учун ҳадеганда тилига сўз келмади. Азизанинг қон қочган юзлари ҳамон ташвишда.

— Ўзингизни анча олдириб қўйибсиз, — деди.

— Енгил бўлса ҳам операция-да! — яна кулди Азиза, — уч-тўрт кунда оёққа туриб қоламан.

— Мен эртага яна келаман.

— Овора бўлманг, Қодир ака, бир-икки кун ўткизиб келсангиз ҳам бўлади. Яхшиман, руҳим енгил, ойимлар келиб-кетдилар. Хабар олиб турадилар.

— Дадангизчи, келдиларми?

— Йўқ. Қўли тегармиди у кишининг, амалларига путур етади! — «орамизни биласиз-ку», дегандек, Қодирнинг кафтидаги қўлини сиқиб қўйди.

Қодирнинг узоқ ўтиргиси келса ҳам, ҳамшира «бўлди, касални уринтирманг», деб қаршилик билдирди. Ночор қолган Қодир муҳаббатдан маст, хомуш кўзларини Азизадан узолмай, зўрга ташқарига чиққанда бирдан Мирсалимга рўбарў келиб қолди. Қодирнинг кимнинг олдидан чиқиб келаётганини яхши билган Мирсалимнинг тепа сочи тикка бўлди. У кейинги вақтларда пайдо бўлган димоғ билан, Қодирни менсимаган бир оҳангда:

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? — деди. Қодирга гапининг ана шу оҳанги жуда малол келди. «Минг қилса ҳам Азизанинг отаси» деб турган эди, кейин бирдан андишани шартта йиғиштириб, унинг ўз оҳангида жавоб қайтарди:

— Мен сиздан сўрамоқчи эдим, сиз нима қилиб юрибсиз?

— Мен қизимни кўргани...

— Мен ҳам севган кишимдан хабар олгани келдим!

— Биласизми, йигитча, бу тентакликни қўйсангиз, Азиза сизнинг тенгингиз эмас.

— Қачондан бери? Акам қамалмасдан илгари ҳам шунақамиди?

Мирсалимга бу таъна тикан бўлиб ботди, зардаси қайнади:

— Акам... акам! Аканг нима! Акангнинг кимлигини билдик! Гап шу: оёғингни тий!

— Азиза келма, демас экан, оёғимни тиймайман!

— Йўқ, унинг ихтиёри менда: отасиман!

— Амалим деб уни уйдан ҳайдаган отасисиз-да! Мен сизни яхши танийман.

Қодир нозик жойидан олган эди, Мирсалим шошиб қолди:

— Мен уни қувганим йўқ, ўқишга қулай деб ўзи ётоққа кетган.

— Шунақами! Жуда яхши жавоб топиб қўйибсизку! Уялинг оқни қора дегани! Бўлмаса сиз ҳам билиб қўйинг: Азиза сизнинг қизингиз бўлгани билан ихтиёри ўзида. Мен уни, у мени севади — қўлингиздан нима келса шуни қилишингиз мумкин, осмон қўлингизда бўлса ташлаб юборинг.

Қодир шу гапни айтди-ю, шарт бурилиб чиқиб кетди. Қўлида пакетини қучоқлаганча Мирсалим қолаверди.

У учрашишнинг бунчаликка бориб етишини кутмаган эди: у хивич ҳисоблаб юрган Қодирнинг эгиб бўлмас йўғон чинор эканидан ҳайратда қолди. Қодирнинг сўзлари унга шунақа алам қилдики, Азизанинг олдига кириш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан ҳам воз кечиб, қўлидаги совғасини ерга урди-да, орқасига қайтди:

— Бундан бешбаттар бўл.

8. МАРАТНИНГ АЯСИ

Нима бўлди-ю, Жаннатнинг йўли шаҳарнинг бу томонига тушиб қолди.

Куз. Дарахтларнинг мўрт бўлиб қолган тилла ранг япроқлари сал шамол билан дув тўкилади. Юқори шохлари аллақачон ялангоч бўлиб бўлган, уларга мезоннинг укфа иплари илинган.

Ҳаво яхши, илиқ. Эрталаблари сал салқин бўлмаса, кундузлари «чивинсиз ёз» — эрталаб кийган кийиминг тушга бориб оғирлик қилиб қолади. Ҳозир айни туш чоғи бўлганидан Жаннат жакетини билагига солиб олган. Аввалгидан сал тўлишган юзлари бўғриққан кўринади.

Ҳа, у ўзини тутиб олган. Гарчанд Содиққа «Ўзингизни қийнаманг, мен рози» деб, уйланишига розилик берган бўлса ҳам, бу ўртада Мушаррафнинг дарров тиқилиб қолиши, ҳадемай ҳомиладор бўлиб ҳамма ёққа овоза тарқатиб юбориши Жаннатга пишмаган патани ёришдек азоб берди. Шундан кейин бу уйда туролмади, энди орқа эшикдан кириб-чиқиб юриш ҳам унга малол келиб қолди. Бунинг устига, бир куни Мушаррафнинг Содиқ билан бўлган кўнгилсиз тўқнашувига, тўғриси, жанжалига беихтиёр гувоҳ бўлиб қолди. «Оҳ бечора эрим, кўмир деб оловни чангалланган экансан», — деб юраги ачиди. У Содиқни ҳамон астойдил севарди. Унинг озор чекишига асти чидамас эди. Адолат холанинг «жон болам, энди сиз қизимсиз, қаёққа борасиз, рухсат бермайман», дейишига қарамай, кўчиб кетди. Гарчанд «келиб тураман, ойи, сиздан бошқа кимим бор бу шаҳарда» деган бўлса ҳам, кейинчалик келолмади. Мушаррафдан ҳайиқди. «Ўзи жанжални пулга сотиб оладиган, лаби юпқагина экан, тағин кўнглига бошқа нарсалар келиб, тинчлигимни бузаётган кундошим деб юрмасин» деган андиша билан келмади. Соғинчини, аламини ичига ютди. Бу орада Мушаррафнинг кўзи ёриди, Содиқнинг оғзи қулоғига етиб, қувониб юрди. Бунинг ҳаммасини орқаворотдан эшитиб, Содиқнинг орзуси ушалганидан ғойибона севинган бўлса ҳам, юрагининг аллақаерини совуқ шамол елпиб кетди, бадани зирқиради. Ўша зирқирашни инсоф кучи билан енгиб, «ҳа, майли, дунёда битта бахтсизнинг камайгани яхши», деди ичида.

Лекин Содиқнинг бу кечиккан бахти узоққа чўзилмай, баҳорнинг мунаввар кунларида бирдан бўралаб қор ёққанидай, унинг бошига кутилмаган қора кун тушди. Етти ухлаб тушига кирмаган бу воқеа Жаннатни шошириб қўйди, сабабини билмай гангради. Ахир уни Жаннатдан ортиқ ким яхши билади! Содиқ баъзи эркаклар сингари ишларини «бу аёллар иши эмас, улар билмаса ҳам бўлади», деб ундан сир тутмас, балки ошкора ўртоқлашар, маслаҳатлашар эди. Ёки, Жаннатдан кейин бирор ғалат ишга қўл урдимикин? Йўқ, Содиқ унақа дарров ўзгариб қоладиган иродаси мўрт кишилардан эмас эди! Бирор иғвогар, ғаламиснинг касрига қолмадимикан?..

Ана шунда Жаннат Содиқнинг ўз юрагига жуда чуқур ўрнашганини, уни ҳеч қачон бегона ҳисоблай олмаслигини, унинг елкасидан босган оғир юкдан ўз тиззаси титрашини қалби-қалби билан ҳис қилди. Унга раҳми келди. Шундай оғир кунида унга ҳеч қандай кўмак қўлини чўзолмаслигидан ўкинди. Воқеани зимдан кузатди: ҳеч ким ҳеч нарса демас, Содиқ гўё сувга отилган тош эди.

Жаннат муюлишда бурилиши билан кичиккина ариқчага дуч келди. Омбордан шариллаб оқиб чиққан сув кўча бўйлаб анча ергача борарди. Ариқчада бир бола қоғоз қайиқча оқизиб, кетидан югурар, товушининг борича қийқириб қувонар, энди девор остига кириб кетай деганида ушлаб олиб, оқимнинг юқорисига чопарди. Шундай чопиб бораётганида ўзини Жаннатга уриб олди. Уни йиқилишдан ушлаб қолган Жаннат:

— Секинроқ югур, ўғлим! — деди.

— Мен сизнинг ўғлингиз эмасман, дадамнинг ўғлиман, — деди у бийрон тили билан, баъзи ҳарфларни ямлаб. Кейин, омборга қараб елиб кетди. Боланинг чақнаб турган кўзи Жаннатга аллакимни эслатгандек бўлди. У боланинг орқасидан боқиб қолди. Кейин кетидан югуриб бориб, бағрига олди, яна ўша кимнидир эслатган кўзларига боқиб, ёнидан иккита конфет олиб қўлига тутди. Бола яна ўша бийрон тили билан раҳмат айтиб, қайиғини сувга қўйди.

— Қайиғинг одам кўтарадими?

— Бўлмасам-чи!

— Қани бўлмаса мени тушир-чи.

— Йўқ! Аввал дадамларни олиб келаман.

— Даданг қаёқда?

— Узоқда. Жуда узоқда. Томдан ҳам кўринмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаннатнинг юраги «жиг» этиб кетди. Хаёлига жуда яқин кишининг исми келди. Наҳотки...

— Отинг нима?

— Марат Содиқович Қўчқоров, — деди пишиқ қилиб бола.

Жаннатнинг кўзидан ёш тирқиради, болани бағрига босиб, у юзидан, бу юзидан ўпди, ўзидан сал узоқ тутиб кўзларига боқди, яна ўпди, яна кўзига, бўйларига боқди. Марат ҳайрон бўлиб турарди. Бирдан Жаннатнинг бағридан чиқиб чопди:

— Вой, қайиғим кетиб қолди.

Жаннат бундоқ қараса, Марат қайиғига етиб боролмайдиган, ўзи югуриб бориб, энди нариги омборга кириб кетай деганда ушлаб олиб берди. Бола раҳмат ўрнига:

— Яхши чопар экансиз-а? — деди қувониб, кейин қайиғини бир четга қўйиб конфетни очди.

Жаннат бу оиланинг бошига тушган кулфатдан хабардор, Мушарраф фожиасини ҳам эшитган эди. Лекин бола бу томонда нима қилиб юрибди? Улар шаҳарнинг нариги томонида яшайди-ку! Бирор ерга меҳмонга келишганмикин? Боланинг ўзидан сўради, боядан бери бийрон-бийрон гапириб турган Марат у саволга жавоб беролмади.

— Уйимиз шетда! — дейишдан нарига ўтмади.

Жаннат ҳайрон бўлиб, Маратдан бувиси билан Қодирни суради. Турган ҳовлиларини кўриб олди. Лекин ҳозир киришга ботинмади. Бўлмаса у туққан онасидай меҳрибон, ўз феълига яраша «жонболам хола» лақабини олган Адолат холани кўришга жуда-жуда муштоқ эди. Бошқа бир куни, албатта, келишини кўнглига тугиб, лунжини шишириб конфет шимаётган Маратни яна бағрига босди, бир-икки ўпиб, хайрлашди. Узоқларда туҳмат қурбони бўлиб юрган жабрдийда Содиққа, қариганда қаддини ғам буккан Адолат холага, не-не умидлар билан дунёга келганида ота меҳрига қонмай, йўлига муштоқ Маратга ачиниб, юраги эзилиб кетди.

Салдан кейин неварасидан хабар олиб кўчага чиққан Адолат хола Маратнинг қўлидаги конфетни кўриб, ким берганини сўради.

— Ҳу, анави яхши холам берди, — деди Марат анча ерга бориб қолган Жаннатни орқасидан кўрсатиб, Адолат хола пешонасига кафтини қилиб қанча термилмасин «яхши хола»ни таниёлмади.

— Ким бўлса ҳам, худо хайрини берсин, умридан барака топсин! — деб дуо қилди.

— Ўша хола-чи, буви, — деди Марат, — мени қучоқлади, юзимдан ўпди, кейин мен индамасам ҳам ўзи йиғлади.

Ана шунда Адолат холанинг юраги «шув» этиб, «ким бўлди экан», деб кўнгли эзилди, ўйлаб ўйининг охирига етолмади, «Содиқнинг бирорта ўртоғининг хотинидир» деб ўзига тасалли берди. Лекин хаёлига Жаннат, фарзандидай яқин бўлган Жаннат, нима учундир, келмас эди.

Адолат хола учун сир бўлиб қолган бу меҳрибонлик Октябрь байрами арафасида очилди. Кўчада ўйнаб юрган марат пакет қучоқлаб югуриб кирди:

— Буви! Буви! Ҳув анави кофет берган холам келяптилар. Ана!

Бўсағада Жаннат кўринди, қўлтиғида бир қучоқ совға-салом. Мусичаларга айвонда нон уқалаб бериб турган Адолат хола «Вой, сизми?» — деб қаршисига пешвоз чиқиши билан, Жаннат қўлидаги нарсаларни бир четга қўйиб, бағрига ташланди. Иккиси ҳам товуш чиқармай мунгли йиғлади, бир-бирларига узоқ суяниб туриб қолдилар.

Марат ҳеч нарса тушунмай ҳайрон эди.

Адолат хола Жаннатни қўярда-қўймай айвон тўрига ўтказди. Жаннатнинг овора бўлманг, дейишига қарамай, самоварга олов ташлаб юборди. Кейин Жаннатнинг ҳолаҳволини бадастир сўради.

— Шукур, ёмон эмас, ўша боқчамда ишлаб турибман. Бу ерга кўчиб келиб қолибсизлар? — деди Жаннат бўғотлари нураб қолган айвон томига қараб, — бу ерда Мирсалим ака турарди шекилли?

Мирсалим номи тилга олиниши билан, унут бўлаёзган дардининг оғриғи тутиб қолгандек Адолат хола алланечук бўлиб кетди.

— Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бир куни Мирсалим ёнида бир югурдаги билан кириб келди. На салом бор, на алик. Қўлида икки энлик хат. Менга узатиб, ўқинг, деди. Менда савод борми! Кейин билсам, бу ҳовлимизнинг қора хати экан. Шу куниёқ кўчимизни кўчага улоқтириб ташлади. «Ҳой, Мирсалим, сизга нима бўлди? Ўртоғингиз келганда қай юз билан қарайсиз?» десам, нима дейди денг, умринг қисқа бўлгур, «Менинг унақа ўртоғим йўқ. У энди келмайди». «Вой жувонмарг бўлгин, тилларинг лаҳадда чирисин», дедим ичимда. Қарғадим-йиғладим, йиғладим-қарғадим... Шу-шу, мана бу ерга келиб қолдим. Тупроқдан ташқарида бир амаллаб юрибман.

Бу ноҳақликдан Жаннат изтиробга тушди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қора босгур, биринчи кўришимдаёқ иқимга ўтирмаган эди-я! Ўглингизга, «шу одамдан яхшилик чиқмайди, юмшоқ супурги бўлмай ўлсин, кўп пашшахўрда қилманг», деб неча марта айтгандим.

— Болам бечора содда, ҳалол-да, ҳаммани ўзига ўхшатади.

— Энди нима бўлди? Жабр жабр ўзларига бўлди. Шу ишларда Мирсалим мунофиқнинг ҳаром қўли йўқмикин? Бордир? Эл олдида шунча хунук ишлардан тап тортмаган, зимдан хиёнат қилишдан тоярмиди! Мана мени айтди дерсиз, бир куни ҳаммаси очилиб, шу хазон бўлгурнинг қўли бор бўлиб чиқади.

Бировга туҳмат ва хиёнат қилишни ҳазар билган Адолат хола, қўли билан ушлаб, кўзи билан кўрмаганидан Мирсалимга тўнкашни ўзига эп кўрмади.

— Билмадим, қайси бир умринг қисқа бўлгур қўй оғзидан чўп олмаган боламга чох қазиди. Ўзига ҳам аталгани бордир. У эмас, бу эмас, кўргилик, келин. Кўрмаганим шу ғам қолган экан!

Адолат хола уҳ тортиб ўрнидан қўзғалди. Самоварнинг қорнига чертиб, кейин ўтхонасига ўтин ташлади.

— Бекорга овора бўляпсиз, ойи, мен ҳалигина нонушта қилган эдим.

— Сиз учун эмас, ўзим учун, келин. Худо ёрлақаб бир келиб қолибсиз, ҳасратлашиб ўтирамиз.

«Бир келиб қолибсиз» сўзи Жаннатнинг қулоғига «сиз ҳам мени унутиб юбордингиз» бўлиб эшитилди. Ялт этиб холанинг юзига қаради. Унинг юзини кексаликдан кўра, шу кейинги йилларнинг кўргиликлари ғижимлаб ташлаган эди. «Темирни занг, одамни ғам чиритади», деди кўнглида Жаннат. Лекин холанинг кўзида ёниқ умид учқуни кўриб, ўзига тасалли берди: «Чинор, худди кекса чинор. Шохлари қуриса ҳам илдизи бутун. Қирсиллайди-ю, синмайди».

Айвоннинг нариги бошида Марат жажжи бармоқларини ўйнаб ашула айтарди. Ҳаракатлари ашуласининг оҳангига жуда мос тушарди:

— Буви, буви! Дадам келди.

— Қани? Қани?

— Мана! Мана!

— Омонмисиз эсонмисиз!

— Тилгинангдан бувинг айлансин, — деди Адолат хола самоварни олиб келгани ўтиб борар экан ва бағрига босиб манглайидан ўпди.

Келганда иши қисталон, ҳали замон кетгудек бўлиб

турган Жаннат чойдан кейин ҳам қўзғалмади. Кечгача қолиб кетди. Самоварда қолган сувга холанинг жамошов олдига эрталаб олиб бориб, қўйган кирини ювиб берди. Холанинг «Қўйинг, болам, кейин ўзим ювиб оламан, йилда бир келганингизда ишлатишим уят», дейишига қулоқ солмади. Маратни даҳлизга олиб кириб чўмилтирди, кийимини алмаштирди.

— Яхши бола байрамга тоза бўлиб чиқади, — деди унинг тугмаларини қадар экан Жаннат. — Юз-қўлларингни ифлос қилмасдан юргин, хўпми? Кийимларингни ҳам тоза тут.

— Ундан кейин нима қилади? — деди Марат гўё тоза юришнинг оқибатида яна бир нарса бўладигандек қизиқиб.

— Ҳамма, яхши бола экан, дейди.

— Байрамга дадам келадиларми?

— Эҳтимол. Бу байрамда келолмаса, янагисига келади. Бундан кейин ҳам тағин байрам бўлади.

— Нега бу байрамда келмайдила?

— Дадангнинг иши кўп.

— Ҳамманинг дадаси ишдан кейин ҳар куни уйига келади-ку.

Бу саволга жавоб беришдан қийналиб қолган Жаннат гап чилғитди:

— Визвизак қилиб берайми?

— Қанақа визвизак?

— Мана ҳозир кўрасан.

Жаннат Маратни чалғитиш, ва сўзининг устидан чиқиш учун Адолат холанинг ишпечидан ип олиб, картон қирқиб визвизак ясади. Уни, қанақа қилиб ўйнашни ўргатди. Қалб эзадиган саволлар бирпасда Маратнинг эсидан чиқиб, визвизак билан овора бўлиб кетди. Жаннат эса, айвондаги шохларни олиб ўчоқбоп қилиб кертди, самовар тараша қилди, бир чеккага тез қурийдиган қилиб тахлади.

— Ойи, ўтинингиз ҳўл экан, қиши билан эсингиз кетади-да.

— Қодиржоннинг ёзи билан қўли теккани кечаги ҳафта бўлди. Шуни ҳам бировдан тушириб юборибди. Келаси ҳафта бориб ўзим майдалаб бераман деган экан, нима учундир, келмай турибди.

— Ишлари яхшими? — қизиқди Жаннат.

— Шукур, ёмонмас. Бировдан олдин, бировдан кейин яшаб турибди.Бир кунимиз ўтяпти. Қуюғига бўлмаса ҳам, суюғига қорнимиз тўқ. Яхши ҳам шу бола бор экан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмаса ҳолим нима кечарди? Лекин бояқиш ўқишдан қолиб кетдим деб баъзида ўкиниб қўяди. Ёмон ҳамма ерда бор. Мактабида «аканг фалон экан» деб чиқиштиришмади. Бўлмаса боламнинг ўқишга ихлоси баланд эди.

— Ҳали ёш, ўқиса бўлади, — холанинг кўнглини кўтарди Жаннат.

— Ўзи ҳам, акам келди дегунча ўқишга кириб кетаман, деб яниб юрибди.

— МТСда нима иш қилади?

— Электрларига қарар экан. Обрўйи яхшимиш. Май байрамида мукофот беришди. Болам ўтли-шудли, ушлаган ерини омбирдек тишлайдигангина.

— Ишқилиб яхши бўлсин, — деди Жаннат ҳам қувониб.

— Ҳар бандайи мўминнинг боласи яхши бўлсин, — уни қувватлади хола.

Унинг кўнгли Жаннатни кўриб, ҳасратлашиб анча ёзилди. Қайғуларини унут қилгандек, руҳи енгил тортди. «Бунинг ҳам эшикдан кириб борганда «кел» деб кутиб оладиган меҳрибони йўқ, иссиқ татиб кетсин» деб кечки авқатга вақтлирок қозон осди. Шу маҳал чўнтагини «яхши хола» олиб келган туршакка тўлдириб чиқиб кетган Марат бир кафт данак билан кириб келди, бувисига илтимос қилди:

— Буви, ўрикнинг суягини чақиб беринг.

— Суяк эмас, данак, болам, — неварасининг гапини тузатди бувиси ва ёнида турган ҳавонча тоши билан чақишни ўргатди. Жаннатга Маратнинг тили чиқиш тарихидан гапира кетди.

— Болам тушкурнинг тили жуда бот чиқди. Тили бот чиққан боланинг юриши кечроқ бўлади. Юриб кетганларга ҳаваси келдими ёки ботинкамни кийсам юриб кетаман деб ўйладими, бир куни ботинкасини қўлига ушлаб олибди. «Кийгизиб қўйинг» дейишни билмай, нуқул «Ботинкамга оёгимни солиб қўйинг! дейди. Тунов куни салқин тушганда «Шапкамнинг думини боғлаб қўйинг», — деб кўчадан чопиб келди. «Эшикни қанақа қилиб очдинг?» — десам, «Қўлидан ушлаб тортдим», — дейди. Кўйлагини ювсам гули кетинқиради, уни кўриб, «Кўйлагимнинг гули сўлиб қолди», — деб хафа бўлиб юрибди. Кеча кўчадан келиб, «Фаттоҳ китобининг пальтосини йиртиб қўйди», — деб бирам куйиб-пишади, асти қўйинг. Суриштирсам, китобнинг қалин муқоваси йиртилган экан. Сиз келмасингиздан сал илгари водопровод жилдираб оқса, «Сув чарчаб қолибди», — деб юрибди.

Омон бўлгур боламнинг тили жуда ширин, ҳали сиздан уялиб турибди. Қани шу тилларини дадаси эшитса! севинганидан юраги ёриларди!

Боядан бери хушнуд ўтирган Адолат хола кўзига ёш олди. Жаннат бошини қуйи солди.

Кечга яқин Жаннат қайтар экан, Адолат хола: «Қолинг, гаплашиб ётамиз», — деб қистади, Марат барига ёпишди. Унинг тилини қилиб, хола деди:

— Кетманг аяжон, дегин!

Марат ҳам:

— Кетманг, ая, — деди.

Умри бўйи эшитмаган «ая» сўзидан Жаннатнинг вужуди титраб кетди. Ана шу лаҳзада Адолат хола билан кўзи учрашди. Адолат холанинг хира тортган кўзларида «Кўрдингизми, болам, сизни нима деб атаяпти? У сизни яхши кўриб қолди, барингизни қўйиб юбормоқчи эмас. Раҳмингиз келсин, шу тирик етимнинг бошини силанг», деган маъно бўлса, Жаннатнинг кўзи «Дунёда мени ҳам «ая» дейдиган бор экан-ку! Бу сўз менга жуда ёқади, мен шунинг гадосиман!» деб ёнарди.

Жанат Маратни қўлига олди, жавдираб турган кўзларига боқиб, юзларидан ўпди:

— Энди тез-тез келиб тураман, ўғлим. Сени соғинтириб қўймайман. Уйимга олиб кетаман.

— Уйингизда ўғлингиз борми? — бирдан сўраб қолди Жаннатнинг бўйнидан қучоқлаб турган Марат. Хола Жаннатни мушкул аҳволдан чиқарди:

— Сен-да ўғиллари. Аянгнинг сендан бошқа ўғли йўқ.

Жаннат маъқуллаб бош иргади.

Жаннат узоқ хайрлашиб кўчага чиққанда, уфқ эзилган анордек қип-қизил, кўча гавжум эди. Кеч салқини билан бошланган изғирин дарахтларнинг сўнгги япроқларини ширт-ширт узиб ерга отарди.

Жаннат сал Юргандан кейин шаҳарни иккига бўлиб ўтадиган анҳорнинг ёқасига чиқди. Анҳор тўлиб оқар, туби кўринмаса ҳам, суви қаймоғи олинган сутга ўхшайди. Сокин. У изгиринда жимирлайди, балиқнинг сиртини эслатади. Юзида қалқиб бораётган барглар банорас тўннинг малла ямоғига ўхшаб кўринади.

Жаннат анҳорнинг жимир-жимирига маҳлиё бўлиб энди кўприкдан ўтган ҳам эди, қаёқдандир пайдо бўлган сўхтаси совуқ Мирсалимга қамти келиб қолди. Бу кутилмаган учрашув иккисини ҳам тўхтатди. Кундузи холаникида бўлган суҳбат Жаннатнинг эсига тушиб, энсаси қотди, ўтиб кетмоқчи бўлди. Лекин Мирсалим нимадир

www.ziyouz.com kutubxonasi

демоқчи бўлиб, уни бир четга олди. Ана шунда Жаннат унга назар солди. Мирсалим аввалгидан анча ўзини қўйган, чала ошган хамирдаккина қорин ҳам пайдо қилибди. Пиджаги остидаги учи попукли оқ ипак тизимча камарининг фасон тугуни унинг савлатини яққол намайиш қилиб турибди. Кўйлаги пиджагидан икки энлик узун, ёқаси қийшиқ очилган. Бошида фуражка, оёғида этик. Бурнининг остида нос туфуриб қўйгандеккина мўйлов.

Мирсалим яқинда мартабага минган кишиларга хос ғурурда Жаннат билан сўрашди; унинг юзидан кишининг ғашини келтирадиган табассум аримас эди. Ўзининг одамшавандалиги, меҳрибонлиги билан Жаннатни миннатдор қилиб қўймоқчи, кўнглини овламоқчи.

— Мен сизнинг зийраклигингизга қойилман, жуда қойилман. Ҳаммамиздан ҳам ҳушёр экансиз. Содиқнинг жавобини вақтида берганингизни қаранг. Айни вақтида-я! Хотинлардан пайғамбар чиқмаган дейишади. Нотўғри! Чиққану, эркаклар тан олмайди. Бир пайғамбарнинг башорати сизникича бўлар-да! Ортиқ бўлмас! Мен сизга қойилман, ҳамма қойил. Буни қаранг, одамнинг оласи ичида бўлади деб, шуни айтади-да, бўлмаса, Содиқни шунақа одам деб ким ўйлабди. Сиз ўйлабсизми — йўқ, мен ўйлабманми — албатта йўқ.

— Нима иш қилган экан? — деди Жаннат, энсаси қотиб турса ҳам жўрттага.

— Эй, қўйинг, сиз сўраманг, мен айтмай.

— Хўш? Хўш?

— Ҳукуматимизга қарши шунақа ишлар қилган эканки, тунов куни биттасидан эшитиб тепа сочим тикка бўлди, тилимгача музлаб кетди. Аввал турган шаҳрида қилгани етмагандек, бу ерга келиб ҳам авж олдирган экан. Тавба, нега шунақа қилади бу одамлар! Бизнинг ҳукуматдан яхши ҳукумат борми дунёда! Қонунимизнинг биттадан ортиқ хотин олишга рухсат бермагани унга ёқмаганми? Нафси ғолиб эркак-да, хўрозга ўхшаб тўрт-та-бештасини бошлаб юргиси келади. Эй, аттанг! Ўзига жабр қилди. Битта Содиқ бўлмагани билан давлатимизнинг мурвати бўшаб қоладими? Албатта, йўқ!.. Мен сизга қойилман, хотин киши бўлсангиз ҳам ўнта эркакдан ҳушёр экансиз. Мен нодон ҳеч нарсани фаҳмламасдан улфатчилик қилиб, қанча гап-сўзга қолдим.

— Гап-сўзга қолдим? — ажабланди Жаннат.

— Ҳа, бўлмасам-чи! Эшитмадингизми? Гўр оғзидан

қайтдим. Сиз вақтида талоғингизни олганингиздан, тинч қолдингиз-да, бўлмасам...

— Бўлмаса, Адолат холага ўхшаб ҳовли-жойдан ажралиб қолармидим!

Мирсалим буни кутмаган, Жаннатни Содиқнинг қамалиб кетишидан хурсанд, «ўл, ажаб бўлибди» деб юрган ўйлаб, олдига похол солаётган эди. Аталадан суяк чиқиб, эсанкираб қолди. Шунда ҳам бўш келмади, ётиғи билан:

— Бу даъвонгиз ғалат, — деди. — Мен тортиб олганим йўқ. Катталар, кўчиб кир, деб қўйишмади. Менда нима айб? Айтганларини қилдим. Бари бир бошқа биров олиб қўярди.

— Ўша бошқанинг кўчиб киргани яхши эди.

Мирсалим жавоб тўқигунча Жаннат хайрлашмай жўнаб қолди. Унинг ичи нафратдан лов-лов ёнар эди.

Мирсалим безрайиб қолди. Кутилмаган зарба уни гангитиб қўйди. Ўзига келиб, аламдан: «Бу қисирнинг ҳам тили тагида тил бор экан-ку!» дея олди ва пешонасининг терини бармоғи билан сидирди...

* * *

Уч кун ўтмай, Маратнинг соғиниб «ая» дегани Жаннатнинг қулоғида жаранглай бошлади. Боғчасидаги ҳар бола Марат бўлиб кўринар, «ая» деб чақираётганга ўхшарди. Кечаси туш кўрди. Маратни эмизаётган эмиш. Марат ҳеч кўкракка тўймасмиш. Бу тушни ўзича таъбирлади, бировга айтгани ботинмади. Эртасига ишдан чиқиб, Адолат холанинг олдига ўтди. Тушини унга айтган эди, хола:

— Маратнинг меҳри сизга умрли бўлиб тушибди, жон болам. Яхшиликка кўринсин! — деб таъбирлади.

Буни тасдиқлагандек, кетгунича Марат ундан ажралмади, «аячи, ая» деб ялаб-юлқади. Йиғиб қўйган гаплари сира адо бўлмас эди. Кейин уни анча ергача қўлидан ушлаб бориб, қўйиб қайтди. «Эртага ҳам келинг», — деб ялиниб қолди. Унинг юзидан ўтолмаган Жаннат байрам куни кечқурун яна келиб, Адолат холанинг ёнида ётди, эрталаб туриб Маратни намойишга олиб чиқди. Пуфак, «эскимо» олиб берди.

— Ичига ях қамаб қўйган экан, тилим совуқ еди. Иссиғи йўқми, ая, — деди Марат. Унинг болача мантиқи Жаннатни кулдирди, меҳрини товлади.

— Совуқ бўлса емай қўя қол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, истиб ейман.

Жаннат яна кулди. Эскимонинг устки қоғозини пастроқ суриб берди:

— Кийимингга оқизмасдан егин, хўпми?

— Хўп!

Қизил майдондан ўтгандан кейин Марат аясини яна саволга тутди.

— Анави киши ким? — деди Ленин ҳайкалини кўрсатиб.

— Ленин бобо.

— Доим ўша ерда турадиларми?

— Ҳа.

— Қишда совуқ емайдиларми?

Жаннатнинг юзига яна кулги тошди. Маратнинг саволи тамом бўлмас эди...

Уларнинг эшикдан бошлашиб кириб келишини кўрган хола, ич-ичидан қувониб:

— Кўз тегмасин, бир-бирларингга жуда ярашибсизлар! — деди. Кейин яна қўшди: — Сиз келадиган бўлгандан бери болам яйраб қолди, келин. Кўчада сизни қийнамадими? Болам тушкур, жуда сергап, ҳар нарсани суриштираверади.

— Йўқ, яхши юрдик. Болалар бу ёшда шунақа бўлади, — мураббияларга хос мантиқ билан жавоб қайтарди Жаннат.

Жаннат яна бир-икки марта келиб кетгандан кейин:

— Сиз йўғингизда Марат ўғлингиз ичикиб қоляпти, аяси, — дея бир нимага ишора қилди хола. Буни Жаннат дарров пайқади, тушунганича жавоб қилди:

Олиб кетиб турардим-ку, ойижон, шеригимга ёқадими, йўқми, деб истиҳола қиляпман. Юраги торроқ жувон.

Адолат хола отган ўқининг нишонга текканини пайқади. Чунки Жаннатнинг келиб-кетиб юрганидан бери кўнглида ўзгариш бошланганини кексаларга хос зийраклик билан сезиб юрган эди. Лекин Жаннат ўз ниятини очиқ айтишга ботинолмаслигини ҳам яхши билар эди. Мана иккиси айни муддао эшигидан келиб чиқишди. Бундан хурсанд бўлган хола очиғини айтиб қўя қолди.

— Ўзингиз шу ерга келиб қўя қолсангиз нима қилади. Мен ҳам ёлғизман... Қодиржоннинг аҳволи бу — ойда бир келса келади,келмаса йўқ. Бир-биримизга ҳамроҳ бўлардик.

Жаннат ўйлаб қолди, минг хаёлга борди. Унинг бу ҳовлига келиб-кетадиган бўлганидан бери ўз режаси бор

эди: агар Қодир МТСда квартира олса (у ҳозир тракторчилар тайёрлаш курсининг ётоқхонасида турарди), холани, албатта, кўчириб олиб кетади, шунда у Маратни илтимос қилиб олиб қолмоқчи. Содиқ келгунча ўзи тарбия қилмоқчи, кейин яна бир гап бўлар, деб ўйлаб юрарди. Лекин холанинг ҳозирги таклифи уникидан ҳам нақд чиқди. Буни ўйламаган экан у. Энди бундоқ фикр қилиб қараса, холанинг таклифида жон бор. Бағрига қулоқ солса, Маратгагина меҳри тушиб қолмай, Содиққа бўлган меҳри муҳаббати ҳам аввалгича. Гарчанд Содиқнинг кўнглини билмаса ҳам, севгиси ҳаққи-ҳурмати унинг шундай қора кунида тиргаги бўлишни ўз бурчи ҳисоблади. Қолаверса, бу дунёда Адолат холадан меҳрибон кими бор? Соясига кўрпача солади. Унинг устига, бечора, қариб қолди, боши ёстиққа теккудай бўлса, иссиқ-совуғидан ким хабар олади?

Жаннат шуларни ўйлаб, ўзича аниқ бир фикрга келган бўлса ҳам, дарров рози бўлиб қолишдан ийманди, истиҳола қилди, бўшашибгина деди:

— Эшитган қулоққа хунук. Чиқиб кетган жойим...

— Аввало сиз бу уйдан чиқиб кетмагансиз, — деди хола Жаннатнинг ён босганини сезиб, ҳазил қилиб. — У уй бошқа, бу уй бошқа. Орқадаги узун қулоқ гапга қулоқ солмаган ютади. Оғзига кучи етмаганлар нималар демайди!

Жаннат индамади: хола ҳақ. Ундан кейин кўнгли чопиб турган ишга ортиқча «гож»ликнинг нима кераги бор? Синамаган жойими!

Шу фикрга борган Жаннат, уч кун ўтгач, квартирасини шеригига қолдириб, Жаннат холанинг ёнига, Марат ўғлининг бағрига кўчиб келди. Марат эса, эртасидан бошлаб аяси билан унинг боғчасига қатнайдиган бўлди.

9.КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

Содиқ ўн йил муддат олиб лагерга жўнатилганда айни баҳор эди.

Унинг сўнгги марта олган передачасига Адолат хола тўрттагина исмалоқ сомса билан ошига беш-олтита довучча солган эди. Содик ана шундан, ташқарида қай фасл эканини тасаввур этган бўлса, юкини орқалаб этапга чиқаётганда эса, вокзалдаги ғуж дарахтларнинг кўм-кўк шода баргларига кўзи тушди. Лекин уни икки ҳафтадан кейин поезддан туширган ерларида эса бир метр мўл қор

www.ziyouz.com kutubxonasi

бор эди. Совуқ қирқ градус атрофида-ю, дарахт зоти қилт этмас, бутун борлиқ сукунат ичида гунг қотиб ухлаётгандек. Этапда Содиқ билан келганлардан бири:

— Бу ер ҳам ўз юртимиз! — деб қўйди. Лекин Содиқ унинг нима демоқчилигини тушунмади.

Бир ой карантинда тутганларидан кейин, қулоқчин, пахтали шим, телогрейка, бушлат ва пийма бериб, лагерга чиқардилар. Гарчанд бу кийимлар янги бўлмаса ҳам, ҳали иссиғи кетмаган, бу ернинг совуғига дош бериши мумкин эди. Ҳаммадан ҳам Содиққа пийма эриш кўринди. Умрида киймаганидан унда юролмас, қўнжи тақимига тегиб ғашини келтирарди.

Гоҳ-гоҳ кўзга ташланиб қоладиган кишини ҳисобга олмаса, лагерда ҳеч ким йўқ. Аллақайси баракдан чиққан тутун оғир таралади. Кун совуқ, иғнали. Содиқни пакана бараклардан бирига бошлаб кирган соқчи навбатчи маҳбусни чақириб:

— Меҳмонни қабул қил, — деди.

Баракка кираверишда тумбочка олдида ўтирган қотма навбатчи индамади. Фақат, Содиқ кўтариб кирган кўрпа-ёстиғини ерга қўймоқчи бўлганида қаршилик билдирди:

— Юринг, биратўласи жойингизга қўя қолинг.

У бошлаб кетди. Барак катта бир саройга ўхшайди. Ўртасида йўл, икки томонида икки қаватли ёғоч каравотлар, уларнинг орасида тумбочка. Ўринлар бир хилда бўлмаса ҳам, анча тартиб билан тузатилган. Барак қоронғилигидан одеялларнинг рангини ажратиб бўлмайди. Лекин навбатчининг яқинда баракни супуриб-сидириб чиққани, нарсаларни саранжом қилгани сезилиб турибди.

— Сизнинг бригадангиз шу ерда туради.

Содиқ бир бўш жойга ўрин-бошини ирғитди. Наридан-бери ўрнини тузатиб, устига ўтирди. Ана шунда баракдан эркак тери ҳидига қоришган захликни пайқади. Бу ерда кимлар туради-ю, нима иш қилишади? Наҳот шу ерда ўн йил ҳаёт кечирса? Ичидан келган бир нидо уни овутди: одам кўп. Одам одамнинг ҳоврини олади, очиқ ҳаво, совуқ бўлса ҳам тоза. Ундан кейин, бу ердан туриб истаган ерига арз қилиши, ҳуқуқини талаб қилиши мумкин. Бир кунда ўнта ариза ёзса, биров йўқ дейдими? Бири бўлмаса бири нишонга тегиб, ижобат топиши мумкин.

У, кечиктирмасдан, шу бугундан бошламоқчи бўлди. Бир четда ўтириб, СССР прокурорининг ўзига шикоятнома ёзди. Қамалишидан тортиб бўлган ҳамма воқеани маржон қилиб тизди, туғилишидан тортиб, қилган ҳамма ишларини бир-бир баён қилди. Гражданлар урушида олган, номи ёзилган қиличини писанда қилгандек, бир ерига тиркаб қўйди... «Афсус, ўртоқ Фрунзе ўлиб кетган, бўлмаса ўзи гувоҳлик бериши мумкин эди» деди бир ерида.

Шикоятнома анча узун бўлди. Уни оққа кўчирар экан, навбатчи маҳбус келиб қолди:

— Уйга хат ёзяпсизми! Узун бўлиб кетибди-ку! Нималарни ёздингиз? Унча-бунча гап цензурнинг маъдасига ботмайди. Бу ерда хатнинг қисқаси яхши — тез боради.

Шунча меҳрибонлик қилиб турган навбатчи маҳбус ёзилган нарсанинг нималигини билгач, мийиғида кулиб қўйди. «Эй ғофил банда, нимадан умид кутяпсан?» дегандек, салмоқлаб қадам босиб жойига кетди.

Бир маҳал ташқаридан одамларнинг олаговури эшитилиб, кейин барак эшиги тарақлаб очилди. Дувиллаб, бир нарсага шошгандек одамлар кирди. Улар билан совуқ ҳаво кирди. Одамларнинг усти боши бугун Содиққа берганларига ўхшаган қалин ва қўпол. Қулоқчинлар энгаҳдан боғлиқлиқ. Баъзи бирови баракка кирди дегунча устидан қалин қўсқонини ечиб, ўрнига ётар, сочиғини олиб қўшни хонага отилар эди. Баъзи бировининг ҳеч нарса билан иши йўқ, кира солиб ўрнига ўзини оғир ташлайди.

Бу ишдан қайтиш ғувури сал ўтмай босилди. Баракда янги одам пайдо бўлганини шундагина пайқаб, Содиқни ўраб олишди. Лагерь одатича саволга кўмиб ташлашди: Ўзи ким? Қаердан? Нимага? Неча йил?

Худди шу пайтда кимнингдир жуда таниш товуши Содиқнинг қулоғига чалинди:

— Бизнинг томондан? Ким экан бахти қора?

Товуш эгаси одамлар орасини ёриб, олдинга ўтди. Ҳаммадан олдин унинг бароқ қоши кўринди, кейин ҳайрон бўлиб оғзини очганда сўлоқ тиши кўриниб кетди. У Содиқни кўриши билан бир лаҳзагина ҳайратомуз боқиб турди-ю, кейин эски қадрдонини ногаҳон учратиб қолган кишидек: «Содиқжон, ие, сизми?» — деганича қулочини очди: Содиқ таниб, индамай тураверди.

— Ана холос, яна шундай жойларда кўришармиз деб ҳеч-ҳеч ўйламаган эдим!

Бу Диловархўжа эди, Содиқ ҳайратда эди. Наҳот қаршисида турган ўша Диловархўжа! Содиқ, унинг фарёд уриб йиғлаганича бор, жиноятн оғир экан, отиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди шекилли, деб ўйлаб юрарди. Уни бу ерда кўриши, ўлган одамнинг тирилишидек, жуда ғалати туюлди. Диловархўжа ҳам Содиқнинг қамалиши бир хатолик оқибати, бир оздан кейин чиқиб кетади, деб ўйлаган, унинг бу томонларга келишини ҳеч хаёлига келтирмаган эди. Шунинг учун иккаласи ҳам ҳайрон тикилиб қолишди.

Кийим-бошининг бошқалигини ҳисобга олмаса, Диловархўжа ўша-ўша: бароқ қош, сўйлоқ тиш, рўпарадан сочма ўқ егандек чўтир юз. Лекин у энди анча оқарган, кўзи уҳфасини ҳалигина олдирган уккиникидек чақнаб турибди.

— Сиз ҳам шу ердамисиз? — деди Содиқ ниҳоят. У ҳамон ўз кўзларига ишонмаётгандек эди.

— Ҳа, шу ерда... Совуқ ялаб ётибмиз. Отилиб кетган деб ўйловдингизми? Йўқ, отмадилар. Худо кўнгилларига раҳм солди. Ундан кейин, очиғини айтганда, ўзи ҳам ўн беш йил аввалги иш-да. Эскилигининг ҳам нафи тегди. Қонунда ҳам «шу ерига бир оз эгилиб қара, судья» деган жойи бор шекилли-да! Хуллас, насибамиз шу ёқларга сочилган экан, териб еб юрибмиз.

Диловархўжа Содиқни қўярда-қўймай ўз каравоти томонга бошлаб кетди. Аллақаердан қайнаган сув топиб келиб, котелокда чой дамлади, дастурхон ёзди. Бисотида бор нарсасини тўкиб солди.

— Олинг, йўлдан толиқиб келгансиз.

Диловархўжа жуда меҳрибон эди. Шу ўтиришларини кўрган киши уларнинг бир-бирига ашаддий душман эканига, бир вақтлар бир-бирининг пайига тушиб, ўқ отишганига сира ишонмас эди.

— Содиқжон! Мен сизни бу гадой топмас томонларга сира ҳам келмассиз деб ўйлаган эдим. Ахийри қўйишмабди-да. Нима жиноят қила қолган эдингиз,хизматларингизни ҳам ҳисобга олишмабди.

— Туҳмат. Туҳматнинг зарби ёмон бўларкан.

Диловархўжа ишонмади. У органнинг кучини яхши биларди: ахир унинг ўн беш йил аввал қилган ишларининг ипидан игнасигача очиб ташлади-да. Шундай фактларни топдики, ҳатто ўзининг ҳам эсидан чиқиб кетган экан. Наҳот шундай орган туҳматни бир ёқлик қилолмаса, жез билан тиллани ажратолмаса? Йўқ, мумкин эмас. Содиқнинг сирли жинояти бору, айтишга ботинмаяпти.

Диловархўжа ҳазилга олди:

— Сизнинг бир балойингиз бор, мендан яширяпсиз, майли. Энди фойдаси йўқ, айтаверсангиз ҳам бўларди.

— Тўрга тушган балиқ қармоқдан чўчимайди, нимасини яшираман. Туҳмат!

— Тўғри, чивин бирлашса, филни ҳолдан толдирар-кан. Туҳматчининг кимлигини билолдингизми?

— Билганим ҳам бор, билмаганим ҳам — ёнган оловнинг тутунини яшириб бўладими?

— Қани энди ўшалар қўлимга тушса-ю, гирибонидан тутиб бурда-бурда қилиб ташласам, деб юргандирсиз.

— Туҳматнинг оёғи қисқа, узоққа бормайди. Ҳақиқат тўқ данак, кўмса ҳам кўкариб чиқади.

— Шулар бировга туҳмат қилмаса яшолмайдими?

— Яшолмайди, кўнгилдагидек яшолмайди! Бировнинг бахти ғашини келтиради. Ақли, меҳнати билан истаган бахтига эришолмагандан кейин, туҳмат билан, хушомад билан орқа эшикдан тўрга чиқиб олмоқчи бўлади.

— Чиқиб ҳам олади денг.

— Ҳа, чиқиб ҳам олгани бўлади. Лекин узоқ яшамайди; баҳорда пахса девор устида унган ўтнинг худди ўзи, ёмғир нами кетгунча, кўкариб туради, холос!

— Қуруқ туҳматдан ўзинг асра, деб машойихлар бекор айтмаган.

Диловархўжанинг гапи охир бўлгунча кимдир Содиқнинг бригадасини айтиб ужинга тиклиф қилиб қолди. Диловархўжа ҳам унутган нарсаси эсига тушгандек ирғиб турди:

— Эй, гап билан бўлиб, обиравонни бой бериб қўяй дебмиз-ку. Туринг, овқатга боринг. Яна кўришамиз.

Содиқ уни кўргиси келмаса ҳам, то янги танишбилиш орттиргунча, учрашганда уч-тўрт оғиз гаплашиб турди.

Диловархўжа лагерни ўзиники қилиб олган, туйнугидан кириб, эшигидан чиқар, қозонида сузиб, чўмичида ўйнар эди. Унинг ўзини олдирмаганлиги сабабини Содиқ энди тушунди. У баъзи бировларга ўхшаб, ҳаётдан нолий бермас ҳам эди. Балки бу отилмай тирик қолганидандир, ахир у ҳаётдан умидини узиб қўйган эди-да. Текинга қолган ҳаёти эса, бу ерда ёмон кечмас эди. Лагерга тушиши билан очофат мушуклардай сезгирлик билан атрофни ҳидлади, ўзига ўхшаган олғирлар бу ерда ҳам топилиб қолди. Улар бош бириктирди. Бундайлар ҳаромдан ҳазар қилмас, хиёнатдан қайтмас, «дунёни ўт олса, майли, лекин менинг кабобим пишса бўлди», деган ақида билан яшар эдилар. Чунки бу тўдадаги маҳбусларнинг озодликдан умиди кам, улар ўз жиноятларига иқрор,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг виждони ҳеч нарсадан қийналмайди, ҳаёти ўтса бас.

Лекин Содиққа қийин. У умрида бировга ботиниб қаттиқ гапирмаган луқмаи ҳалолини фақат меҳнат билан топиб еб юрган бўлганидан диловархўжалар тўдасига қўшилмас, улардан жирканар, улардан кўра оғирроқ ҳаёт кечирар эди. У фақат қорни учунгина қайғурмай, туҳматга қолган қадри учун ҳам йиғларди, бу ерда ўзини тутиши, виждони қийналадиган бирор ишга қўл урмаслиги керак. Ишга чиқиши билан энг ҳалол заҳматкашлардан бири бўлди. Унинг бригадаси қурилишда ҳар хил ишлар қилар эди. Унда яхши ғишт терувчи, арматурачи, сувоқчилар билан бир қаторда, дастёрлар ҳам бор эди. Улар ана шу усталарга ғишт, қоришма олиб бориб туради, сув келтиради. Содиқнинг бу ерга мос келадиган бирорта ҳунари бўлмаганидан бригадир уни ҳар куни ҳар хил ишга қўяди. У гоҳ ғишт терувчига ёрдамчи, гоҳ арматура судраб қолар, гоҳ ер ковлаб қувурларга жой тайёрлар, гоҳ вагондан цемент туширар эди. У ҳеч биридан ҳазар қилмади, қилиниши лозим бўлган зарур иш деб қаради.

Бир куни усти очиқ вагондан ғишт туширар эди. Содиқ бундоқ қараса,ёнидаги шериги ғиштни дуч келган томонга ирғитяпти, кўпи синиб кетяпти. Ваҳоланки, бригадир вагон зийига тахта қўйиб, шундан сирғантириб туширишни тайинлаб кетган. Ғиштга жони ачиган Содиқ шеригига: «Кўпи нобуд бўлиб кетяпти-ку!» — деди. Шериги унга шундай хўмрайиб қарадики, Содиқнинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Жонинг ачияптими? Тушиб тур, мен ирғитаман, илиб олиб, бошини силаб ерга қўясан! Патриот!

Ана шунда Содиқ билдики, бу ерда эҳтиёт бўлиш керак. Куйди-пиштилик кетмайди. Лекин бари бир, у ўз виждонини қийнаб, хўжа кўрсинга ишламади. Биладики, бу кўргилик унинг учун вақтинчалик, эртами-индин ҳаммаси бартараф бўлади. Шунинг учун ўзини руҳан тетик тутишга уринар, баъзи бировларга ўхшаб фарёд урмас эди. Модомики, синфий кураш борар экан турма ва лагерь бўлиши керак, унда душман ўтириши керак. Душман билан бўладиган муомала аниқ: уни маълум режим билан ишлатиш, тўғри ҳаёт йўлига солиш керак. Содиқ эса, бу даргоҳда вақтинча, у эртаги кун — адолатнинг тантанасидан умидвор, уни кечаю кундуз сабрсизлик билан кутганлардан бири. Агар унинг қалбида шу умид машъали пориллаб ёниб турмаганда, унинг эртасини ёркин кўрсатиб турмаганида, балки Содиқ бу кутилмаган ва кўникиш оғир бўлган ҳаётга бунчалик бардош бериб яшолмас эди. Эртаги кун умиди ишончига айланган, ишонч эса унга бардамлик бағишларди. Эртанинг тонги қанчалик суст отмасин, бугуннинг шомидан нурли ва умидбахш эди.

У ташқаридан келган ҳар бир хабарни чанқоқ кишининг сув симиришидек бесабрлик билан кузатар, у кучли шамолдек умид чўғини алангалатиб юборар эди. Бу хабарлар турли режа ва тахмин туғдирар, оқибати яна ўша муқаддас эркинликка бориб тақалар эди. Эркинлик эса, баъзида, узоқдаги саробдек бетиним ёнарди-ю, унга етиб бориш умиди амри маҳолдек, жуда мушкулдек кўриниб кетар эди. Ўртада қалин ва баланд девор, қаторқатор тиканли симлар бор. Лекин, бари бир, унинг юраги шу тўсиқдар орқасида, ўз оқими билан тинмай камол топиб бораётган, гўзаллик кашф этаётган катта ҳаёт қўйнида, унинг бир зарраси бўлганлиги учангина яшарди, ундан бир лаҳза бўлсин узуқлик сезмас эди. Меҳнатининг самараси улкан ҳаёт дарёсига қўшилган жонли ирмоқ эканини сезиб, шу оғир кунида ҳам инсон ва юрт учун нафи тегаётганидан ичида мамнун эди. Фақат меҳнатини қадрлаб ташқаридагидек «балли, офарин!» деб елкасига қоқувчи йўқ, икки оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтариб қўювчи йўқ. Мана шуниси жуда оғир, ўтмас пичоқдек оғир ботар эди.

Содиқ фақат бадном бўлиб ўлиб кетишдан қўрқади. Бўлмаса, ўлим ҳаёт қонуни, туғилган киши бир куни албатта, ўлади. Лекин туҳмат сиртмоғида ўлиш жуда даҳшатли. Агар гражданлар уруши йилларида ҳалок бўлганда»умрини шараф билан тугатди, гражданлик бурчини ўтаб кетди» дейишарди. Ундан кейинроқ вафот этганида ҳам ёмон бўлмас эди, «бир одамча яшаб ўтди», деб эслашарди. Энди-чи? Пок оилага иснод келтириб, қора ном билан умрини тугатиш нақадар даҳшат! Йўқ! Бу чидаб бўлмас катта доғ. Нима бўлса ҳам қутулиши керак.

Содиқ ҳалол ишлар, турли-туман ғапларга қулоқ солмас, тўғри келган ерда ғаламисларни силтаб ташларди, оғзига урарди. У ўз эркини фақат ҳақиқатнинг тантанасидан кутарди. Лекин кўникмаган иқлим ва меҳнат уни кундан-кун енгандек бўлиб, тез чарчайдиган бўлиб қолди. Энди кечқурун толиқиб ётиб, эрталаб енгил тортиб турмас, кечаги куннинг ҳордиғи ҳамон танасидан аримагандек, карахтлик сезарди бутун баданида. Бугун ҳам худди шундай бўлиб ишга чиқди. Кечқурун қайтганида

www.ziyouz.com kutubxonasi

Диловархўжага йўлиқиб қолди. У билан кўришмаганига бирор ҳафта бўлган, иккиси икки ерга ишга қатнарди. Анча ўзини олдириб қўйган Содиқни кўриб, у меҳрибонлик қилди.

— Ие, ўзингизни олдириб қўйибсиз-ку?

— Сал тобим қочиб турибди.

— Тобингиз қочган бўлса бу ерда нима қилиб турибсиз? Юринг докторга.

Содиқ унга ноилож эргашди.

Тиббий бўлим бараклардан анча четда, уч хонали алоҳида бонода. Улар кириб борганда анчагина одам бор эди. Бу ернинг поли баракникига ўхшамас, деворлари оппоқ. Деворида тиббиётга хос плакатлар бор.

Содиқнинг бу ерга биринчи кириши бўлгани учун тартибни билмас эди. Диловархўжа эса, бу ернинг ҳавосини олган, кириши билан одамларнинг орасини ёриб олдинга ўтди. Навбати келиб қолган биттасининг олдига имо-ишора билан суқилиб, Содиқни ёнига олди. Навбат келиб, Содиққа шиша банкадан термометр олиб бердилар. Унинг иссиғи деярли жойида эди. Доктор унинг башарасига қараб:

— Янгимисиз? Толиқибсиз, — деди, лекин уни эртаги ишдан озод қилмади, дори-дармон бериш билан кифояланиб қўя қолди. Гап-сўзлари ўқдек, тетик Диловархўжанинг иссиғи 38,5 чиқди. Доктор у билан анча гаплашди. Диловархўжа ўз касали ўзига аёнга ўхшаб, докторга изоҳлар берарди. У эртаги ишдан озод бўлди. Содиқ ҳайрон қолди: соппа-соғ одам-ку!

— Иссиғингиз борми?! — ажабланиб сўради.

— Бўлганда қандай! Кўрдингиз-ку.

Содиқ ишонмади. Унинг жавоби ҳам касал одамникига ўхшамас эди. Диловархўжанинг илтимоси билан унинг пешонасига қўлининг орқасини қўйди:

— Сезмадим.

— Сиз доктор эмассиз-да, — хихиллаб кулди у. Сал юргандан кейин у чўнтагидан бир нарса олиб отди. У нарса қорга қизиқ темирдек биғиллаб тушиб, эритиб кириб кетди.

— Нима у? — сўради Содиқ.

— Иссиғим! — хандон солди Диловархўжа. Кейин бировга айтмаслик шарти билан қулоғига аста пичирлади:

— Қўмир шлаги. Даструмолга ўраб қўлтиғимга қисган эдим.

Эртага ишга чиқмаслигидан мамнун бўлган Диловархўжанинг тили бийрон, дили хуш эди.

— Шунақа ишлар, Содиқжон, бу ерда фидокорлик эмас, устомонлик керак. Жонни сақлаш керак. Шўролар жонингизни жабборга берганингиз билан миннатдор бўлмайди. Буни бошингиздан кечириб, билиб турибсиз-ку, шунда ҳам кўзингиз очилмас экан-да. Сизга қийин, жуда қийин! Жилла бўлмаса, шу ерда ўзингизни тийинг, бунчалик жон койитиб ишлашнинг ҳожати йўқ.

— Нега? Иш эл-юртники. Ўша эл-юртда онам, укам, ўғлим яшайди. («Хотиним»деб юбормоқчи эди. Мушарраф эсига тушиб, тилини тийди.) Нафи менга бўлмаса, ўшаларга тегади. Ҳар ким ҳам ўзи эккан дарахт соясида ўтиравермайди.

Диловархўжа Содиқнинг бу гапидан кулди. Кружкадаги сувни олиб узатди:

— Мана буни ичворинг, бўлмаса тиқилиб қолади! Наф! Наф!! Шунча нафингиз тегиб нима барака топдингиз. Шу ергача етиб келдингизми? Эртага ўлсангиз, уйингизга икки энлик хат билан хабар қилмайди! Тентак бўлманг. Шунча йил тентаклик қилганингиз бас! Қайси гуноҳларимизга шунча азоб чекамиз. Ахир худонинг бизга атаган ёруғ куни ҳам бордир, шундай қўймас.

Диловархўжа нимадан ёки кимдан умидвор эканини очиқ айтмади, тўғриси, айтишга ботинмади. Лекин Содиқ унинг ёлғиз худодангина мадад кутишига ишонмас, унинг мажруҳ кўнглига далда бериб, саробдек кўринаётган нимадир бор эди. Бу ҳақда синашта бўлган, маслакдош маҳбуслар хилват топиб очиқ гаплашишади. Буни Содиқ ҳам баъзан эшитиб қолади. Диловархўжа Содиқни яхши синаб бўлмаганидан фақат қармоқ ташлаб кўрарди.

Содиқ уларнинг бу умиди нимадан эканини тахминларди. Уларнинг умиди Европада оч бўридек изғиб юрган урушдан эди!

10. ОЛИЖАНОБЛИК

Иродаси метин кишини молу мулкидан, бола-чақасидан маҳрум қилиш мумкин, бироқ эсанкиратиш, йўлидан тойдириш қийин.

Содиқ лагерга янги келган кезлари энди ўтқазилган кўчатдек сал елга бир эгилиб юрган бўлса ҳам, кейин ўзини тутиб инсоний хислат билан яшаш керак. Унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

назарида бу ерга яна бир катта имтиҳондан — иродаси, бардоши, асаби, ишончи, эътиқодини имтиҳондан ўтказиш учун юбориб қўйганга ўхшайдилар.

Энди у келган кунидагидек нима ишга буюрсалар шуни қилиб юрган ҳунарсиз ишчи эмас. Олдин сувоқчиликка ўрганди, кейин катта мис тозалаш фабрикаси қурилиши бошланиши билан ғишт терувчиликни ўрганди. Табиатан, серзавқ ва ҳар нарсага қузиқувчан бўлган. Содиқ учун ҳар ҳунар бир завқ бахш этар, кўнглини кўтарар, соғлиғини сақларди... Нега ўтган ой ёзган аризасига ҳалигача жавоб йўқ. Йўлда йўқолиб кетдимикан? Адреси тўғри эди, шекилли.

Шу хаёл билан ўрнига кирган Содиқ, кечаси алланима бало тушлар кўриб, эрталабки юрак эзар қўпол сигнал билан уйғонди. Уйғонди-ю, тушларига парво қилмай, ўзининг иккинчи қаватдаги ўрнидан сакраб пастга тушди.

— Хуш, дўстим, — деди қўшвиси Богун, — бирор фалсафий фикр топдингми?

Содиқ гап нима ҳақида бораётганини дарров пайқади. Бугун мис тозалаш фабрикасининг бир қанотидаги майдонга тушаётган иморатнинг девори кўтарилади. Кеча пойдевор қўйилиб бўлди. Богун билан туркман йигити Журменек ўзларининг тақдирлари ҳақида хат ёзиб, шу иморат остига бостириб юбориш тўғрисида маслаҳатлашишган эди.

— Бу ерда фалсафанинг кераги йўқ. Рост гапни пухта қилиб қоғозга туширсак бўлди, — деди Содиқ.

Нонушта пайтида ошхонада учрашган. Журменек ҳам «Ёдларингдан чиқмадими?» — деб эслатиб қўйди.

Улар ишлайдиган жой икки-уч километрлик масофада эди. Содиқ Богун билан ёнма-ён борар, уларнинг тақдирида қандайдир ўхшашлик бор эди. У ҳам аввал ўқитувчи бўлиб, кейин МТС сиёсий бўлимига сафарбар қилинган экан. «Менга-ку бало ҳам урмайди, эртаиндин чиқиб кетаман, лекин жўжабирдай жон билан хотинимга жабр бўлди: беш бола-я! Бир-биридан сал катта — бўйсира қилиб қўйгандек», деб эртаю кеч уйидагиларни ўйлагани-ўйлаган. Ҳозир ҳам уйидан кеча олган хатининг мазмунини Содиққа ҳикоя қилиб борарди.

— Ўртанча ўғлим, дадам овга кетган, айиқполвон отиб келади, дермиш.

— Билмагани яхши. Билса кўнгли ўксийди, — дея тасалли берди Содиқ. — Бу кунлар ҳам ўтиб кетади.

— Ўтармикан?

— Ўтади! Ўтиши шарт. Ўтмаслиги мумкин эмас. Мен партияга ишонаман: бу аҳволнинг узоқ давоми этиши ҳеч мумкин эмас. Бунда сен билан мен тушунмайдиган мураккаб бир сир бор. Бир куни тагига етилади. Мен бунга аминман.

— Қайси аҳволга тушиб қолмайлик, партияга ишонмаслик — кўрнамаклик бўлади. Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Шахсан менинг ишончим комил. Лекин аҳволни ўйлаб, баъзанг ёқамни ушлайман: ўзи нима гап?

Улар ҳаётлари, кўргиликлари ҳақида суҳбатлашиб, қизишиб, совуқнинг аччиқ заҳрини ҳам сезишмас, ҳатто қаердаликларини ҳам унута ёзгандилар.

Богун ҳам кела солиб овчиларга хос чаққонлик билан гулхан қалаб, ўт туташтиради. Унга бағрини очар экан, «Тошкент иссиғини эсга солади-я!» — деб кулиб қўйди. Шу билан Содиқнинг диққатини ўзига тортди.

— Тўғрими, дўстим? — Богун унинг елкасига қўлини қўйди, — ҳозир сизда неча даража совуғикин?

— Совуқ нима қилади, ҳали палакда қовун бор.

— Йўғ-е!

Содиқ бир оз ошириб юборганини сезиб сал паст тушди:

— Ҳозир боғбонникига кирсанг, ишкомдан узмаса ҳам, олдингга олтиндек сап-сариқ ҳусайни қўяди.

Бу гапдан ўзининг ҳам оғзининг суви келди.

— Ажойиб юртларинг бор. Лекин бизнинг Украина ҳам чакки эмас.

— Она юртнинг ёмони бўлмайди, дўстим. Она юртини ёмонлаган хор бўлади, одамнинг пачоғи юртига тил тегизади.

— Лекин шунақа одам ҳам бўлар экан! — деди Богун, кейин бир тарихни ҳикоя қилиб берди.

— Унақалар «Юртимга нима нафим тегди» дейиш ўрнига, «Юртим менга нима қилиб берди» деб қарашади. Улар учун дунёда ҳеч нарса муқаддас эмас, қорин ташвишидан бошқа илинжлари йўқ.

— Ҳайвон дегин.

— Фарқи — гапиришида, — қатъий деди Содиқ.

Гулхан чирс-чирс учқун сачратиб ёнар, ёлқин тили совуқ ҳавода эилпанглар, гоҳ изғирин билан бор томонга салом бериб оларди. Қаршидагилар: «Қоч, ўт кетди», — деб тегишарди, яна ўтин қалашарди. Қишнинг гўли — олов, ҳам ўзингни, ҳам кўзингни яшнатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўлда увушган баданини гулханда бир оз яйратгач Содиқ Богунни бир четга имлади:

— Ҳалигини қилайлик, ҳозир иш бошланиб қолади. Ана, Журменек ҳам келяпти.

Уч ўртоқ бир хилватга ўтиб, бино остига бостириб юборадиган «келажакка хатлар»ини маслаҳатлашиб ёзишди. Ҳаммага манзур бир текст тайёр бўлгандан кейин, уни тушь билан оққа кўчиришни ҳусниҳат Содиққа топширишди. Содиқ маҳбус инженерлар ишлайдиган чертёжхонага кирди. Ўша ерда ҳаммасини тўғрилаб чиқди. Инженерлардан ҳам бир нечтаси имзо чекишга хоҳиш билдирди. Хат имзоланиб бўлгандан кейин, нам ўтмас мумли қоғозга ўраб темир банкага солишди. Кеча бетонлаштириш пайтида атайин қолдирилган каваккa жойлаб, устидан ғишт териб юборишди.

Ўз ишларидан мамнун ўртоқлар бир-бирига маъноли кулишиб, кундалик хизматларига тарқалиб кетишди. Содиқ эса, ана шу хат кўмилган деворга ғишт қўярди. Навбатдаги қатор устига ётқизилган қоришмаси музлаб қолиб ғишт тишламаётганидан, дам ўтмай ёрдамчисини шоширар, «Ҳа, бўл, қани!» деб турарди. Ёнидан қиялаб қараб, ўз санъатига маҳлиё бўларди. Режа ипини яна юқорига сурар экан, нариги бошдан ғишт териб келаётган Богунга гап қотди:

— Қойилми?

— Қойил! — кулди Богун.

— Ишлагандан кейин, астойдил ишлаш керак.

— Бўлмасам-чи!

— Бир хил одамнинг гурунчдан курмак тергандек имиллаб ишлашини кўрсам пақ ёрилиб кетай дейман. Атайин шунақа ишлармикин ўшалар, ё бўлгани шумикин? — Содиқнинг ўзи жавоб қилди: — Атайин қилишади. Менингча, қалби билан ёниб меҳнат қилмаган киши, севинганида ҳам хандон уриб кулолмаса керак. Меҳнат самараси севинч, севинч ахир самимий табассум ва хандон кулги туғдиради.

— Қалби пок кишигина самарали меҳнат қила олади, — деди гапни якунлагандек Богун.

Иккаласи ҳам фикрларини меҳнатда исбот қилмоқчи бўлгандай, ишга астойдил киришиб кетдилар. Содиқ ғишт устига қоришма тўкиб, андава билан текисларкан, ёрдамчисига тайинлади:

— Нуқул бутунини узата берсанг, синиқларини нима қиламиз, биродар? Аралаштириб узат, ишлатилиб кетсин. Қани, бўл, тез қимирла!

Содиқнинг қора терга тушиб, жон куйдириб ишлаётганини кўрган қоришма ташувчи маҳбус димоғида пинғиллаб қўйди:

— Ишла-я, ишла, начальник миннатдор бўлади! Кучинг узилганда бир коса оби равонни ортиқча берармикин!

Бу гап Содиқнинг қулоғига пашшанинг ғинғилашидек булиб кирди. У индамади. «Кўрамиз, ким олдин оёғини узатади: меҳнатдан қочган сенми ё менми?» дегандек кўзининг қирини ташлаб қўйди. Бунақалар лагердагина эмас, «ташқарида» ҳам топилиб туради.

Содиқ тушлик овқатга занг урилгандагина манглай терини артиб, девордан тушди. Кўп қатори идишини кўтариб тушлик берадиган дарчага навбат турди. Салдан кейин совуқда қалин буғ чиқараётган суқ бўтқани олиб гулхан ёнига келди. Тўрвадаги нони билан еди. Устидан бир кружка қайнаган сув ичди. У энди танаффус охиригача бирор ерда сал мизғиб олмоқчи эди. Ўз қадрини билганлар шунақа қилади. Уйқудан кўра яхши дам берадиган нарса борми кишига!

У тахлаб қўйилган эшиклардан биттасини ерга ётқизиб, энди устига чўзилган эди, бировнинг чақиргани эшитилди. Ғужанак қилган оёғини ёзиб, бушлатининг ёқасини туширди, товуш келган томонга қаради. У Журменек эди.

— Ҳалигини бопладик-а? Деворини анча кўтариб қўйибсан-ку!

Ҳавонинг очиқлигини ҳам билиб бўлмас эди. Боя уфқнинг анави этагидан қалин хом сурп орқасидаги чироқдек бир нарса чиқиб, ўша атрофни бирпасгина сарғайтириб турди-да, кейин берироққа ботиб кетди. Бу ернинг қуёши шу.

Сал ўтмай хуррак эшитилди. Иккаласи бир-бирини қучоқлаб, ғужанак бўлиб ётарди. Совуқ эса, «қаердан ичингга кириб, сал ором олсам экан?» дегандек, атрофда изғирди. Салдан кейин уйқунинг айни ширин пайтида қоқилган занг уларни ирғиб туришга мажбур этди.

Яна иш... То навбатдаги занг қоқилгунча...

Содиқ ишдан қайтиб, дарвозадан кириши билан соқолининг ўсгани эсига тушди. «Бугун олдириш керак, жуда уят бўлиб кетди», — деб тезроқ ювиниб, сартарошхонага чиқиш ниятида елиб кетди. Энгидаги бушлатини ечмасданоқ тумбочка устидаги хатга кўзи тушди. Дастхатни таниди-ю, юраги ҳаприқиб, кўзи тиниб кетди: наҳотки ундан?

Бу фикр ўзига эриш кўриниб хат ушлаган қўлининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

аста титраётганини сезди. Ҳатни қандай қилиб очганини билмади. Биров қўлидан тортиб олиб қўяётгандек шошиб хатга кўз юритди. Юритди-ю, бутун аъзойи баданини муздай тер босиб кетди. Пичирлаб ўқиётган лаблари асабдан титради, кўнгли бузилиб, кўзига ёш келди.

Кутмаган одамингиздан хат олиш нималигини биларсиз, албатта. Лекин ўша одамингиз бир маҳаллар тақдирнинг зайли билан узоқ вақт азоб чекиб юрган бўлса, бунинг устига сиз ўткинчи ҳис-туйғулар тизгинига эркингизни бериб, унга яна озор етказсангиз, уйингиздан кўзида ёш билан чиқиб кетишга мажбур этсангизу, у ҳаммасини унутиб, кечириб, сизнинг бошингизга мушкул, қора кун тушганда, баланд ҳиммат билан шафқат қўлини чўзса, бунинг устига, ўша чеккан азоблари ҳақида лом-мим демай, сизнинг соғлиғингизни сўраб, кўнглингизга тасалли берса, киши қандай ҳолатга тушишини тасаввур қила оласизми?

Содиқ ана шундай ҳолатда эди!

Хат Жаннатдан эди. Содиқ унинг бунчалик олижаноблик қилиб онасининг бағрига келишини, Маратнинг бошини силашини ҳеч хаёлига келтирмаган экан, хатнинг охирига еттунча энтикиб кетди. Қулоқларига Жаннатнинг ўша сўнгги кечада кўзида ёш билан титраб «ўзингизни қийнаманг, мен розиман, уйланинг» дегани эшитилиб турди. Қандай муқаддас маъсумлик!

Жаннатнинг хати таъсирида ганграб, қилар ишини билмай қолган Содиқ гоҳ атрофга жавдирар, Жаннатнинг ўзи кириб келаётгандек барак эшигига қарар, гоҳ ҳеч нарсани кўрмай бир нуқтага тикилиб қоларди.Анчадан кейингина ўзига келди. Ўзига келди-ю, нега жавоб ёзмай турганидан ажабланди, ахир бундай мактубга тезда жавоб қайтариш керак-ку! Кечиктиришнинг ўзи жуда бўлмаганда ноинсофликка киради!

Содиқ Жаннатга узр сўраб, бутун бўлиб ўтган ишлардан ўзи ҳам пушаймон эканини, пушаймонини кимга айтишни билмай юрганини баён қилиб, унинг олижаноблиги учун қалбидан миннатдорлик билдириб жавоб ёзмоқчи бўлди. Кейин бу ниятидан қайтди. Биров: «Ҳолинг шу экан-ку,хотин қўйиб нима қилардинг, бечора», деб таъна қилаётгандек, Жаннатнинг ўзига ҳам бу мазмундаги хат малол келадигандек туюлди. «Битган ярани тирнашдан нима фойда. ўтган гап — бўз кўйлак, эт қичитади. Меҳрибоним кетса ҳам, меҳри дилимдан кетмади, деб турган одамга писанданинг нима кераги бор. Кейин сал бачканалик ҳам бўлади, бировнинг қўлига тушса, қулоғига чучмал эшитилади», деган мулоҳазага борган Содиқ, ўйлаб-ўйлаб оддийгина бир мактубча юбормоқчи бўлди. Мабодо у қалбидаги сўзини, андишага бормай, рўйирост айтишини лозим топганида шундай деб ёзган бўлар эди:

«Азизам! Ўксук кўнглимга умид чироғини ёқиб, қанчалик миннатдор ва бахтиёр қилганингизни билсангиз эди! Наҳот, наҳот мени кечирдингиз! Сизнинг олдингиздаги гуноҳим кечирилмас, кечириб бўлмас гуноҳ. Мен енгилтак ҳислар кетидан эргашиб, сиздек одамнинг юзига оёқ тирадим, изтиробга солдим. Сиз бўлсангиз ҳаммасини унутиб, орамизда ҳеч нарса бўлмагандек хат ёзибсиз, таъна ҳам қилмабсиз. Юрагингиз бунча кенг! Сизнинг бу олижаноблигингиз қаршисида бошимни эгаман».

Жаннатнинг хати Содиқнинг оила ҳақидаги мудроқ фикрларини уйғотиб юборди. У бир неча кун Жаннатнинг хаёли билан юрди. Юборган хатининг жавобини сабрсизлик билан кутди. У хатнинг мазмунини ўзича тахмин қилди. Лекин хат ҳадеганда келавермади. Шундай бўлса ҳам, Содиқ умидини узмади, унинг хаёли билан яшаб, руҳини тутиб юрди. Кейинги кунлар енгил ўтаётганга ўхшарди.

Ахийри хат келди. Бу хат биринчи хатдан ҳам кўра самимий, ҳаётбахш эди. Жаннат ўзининг иши, оналарининг соғлиғи, Қодиржоннинг обрў билан МТСда ишлашини айтиб, Маратнинг бийрон-бийрон гапларини келтирган эди.

Содиқ бу хатни тузлаб қотирилган гўштдек чайнаб, чайнаган сари яна таъми чиқиб, оғзи маза қилган кишидек қайта-қайта ўқиб юрар экан, бирдан посилка ҳам келиб қолди. Уни ҳам Жаннат юборгани аниқ эди.

Посилка берадиган жой дарвозанинг ёнидаги хонада бўлиб, бу хона икки бўлакдан иборат эди. Бири кийимбошларни ремонтга оладиган жой. Иккинчи хона ундан кўра кичикроқ. Бу ерда посилка соқчи-аскарнинг кузатувида очилар, сўнг эгасига берилар эди. Бундан ташқари, бу хона олинган посилкаларни сақлаш учун ҳам қулай ва хавфсиз эди. Посилкани тумбочкада асраб бўлмас, «туя қилиб қўювчи»лар доим топилиб турарди.

— Сизга ҳам посилка келганми? — деди соқчи-аскар. У Содиқнинг кўзига иссиқ кўриниб кетди. Худди танишга ўхшайди. Ким бу? Бирор ерда кўрганми? Аскар ҳам унга бошдан-оёқ қараб қўйди, ниманидир эслагандек қошини чимирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Содиқ посилкани очганда ҳам кузатиб турди. Қутидан кишмиш, баргак, туршак, бир идишчада сариёғ, бешўн бош саримсоқ пиёз, унинг остидан бир талай ғалвир ёнғоқ чиқди. Унинг бир чеккасида бир-бирининг устига қўйилган беш қути папирос. Иккита қази.

Қутичадан газетага авайлаб ўралган фотосурат ҳам чиқди. Унда Адолат хола, Жаннат, Марат, Марат Жаннатнинг тиззасида ўтирарди.

Аскар Жаннатни кўрсатиб:

— Хотинингизми! — деди. Ўз сири ўзига аён Содиқ нима дейишини билмай қолди.

— Ҳа, хотиним, — деди кейин ўзини тутиб. Лекин бу эҳтиёткорлик билан секин қайтарган жавобини Жаннат эшитиб, «Нега тил учидагина айтяпсиз? Малол келса, тўғрисини айта беринг!» деяётгандек бўлиб кетди, шундай сўнг қатъий қилиб такрорлади:

— Ҳа, хотиним! Буниси ўглимиз. Мана бу онамиз... Жуда қариб қолибдилар.

—Ғам буккан! — деди ёнида турган бир маҳбус.

Содиқ нарсаларидан сахийлик билан аскарга тутди. Агар ўша Содиқ ўйлаган киши бўлса, унинг тахминича жалла бўлмаганда, одамгарчилик юзасидан, бир-иккитасини оғзига солиб, раҳмат айтиши керак эди. У олмади. Демак у йигит эмас, бошқа, Содиқ адашибди.

Содиқ баракда чой дамлаб, олиб келган мева-чевасини шу ерда орттирган дўст-ёрлари олдига қўйди, чекишни ташлаб юборганидан папиросни тақсимлаб берди.

— Эй Содиқжон! — деди меҳмонлардан бири, — овора бўлиб нима қилардингиз? Асраб қўйиб ўзингиз еявермайсизми?

— Тансиқ. Юртдан келган нозу неъмат! — деди Содиқ.

Ўтган ҳафта посилка олиб, исини ҳам чиқармаган Диловархўжанинг энсаси қотди, бир четга қаради. Бу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги такаббурлиги, ҳар нарсага човлисини солиб ақл ўргата берганидан Диловархўжани ёқтирмас, «Кишига эл бўлмайди, тўймаса имонини сотиб ейди», — деб юришарди.

Эртасига Диловархўжа посилкасидан бир кафт баргак, битта қаттиқ патир кулчани қўлтиғига тиқиб яна келиб қолди.

— Бизникидан ҳам тотиб кўринг, Содиқжон. Бизнинг меваларнинг таъми бошқа, обаки ўрнида шимиса бўлади.

Диловархўжа оғзига солган баргак устидан сув ҳўпла-

ди, маза қилаётгандек тамшаниб қўйди. Фақат кетиш олдидангина асл мақсадига кўчди:

— Содиқжон, — деди ҳазиломуз кулиб, — қазини ҳам кечаги сингари хомталаш қилиб, ўртага ташлай берманг, увол кетади. Ўзимиз дам олиш куни резалаб эрмак қиламиз, мен жиндай спирт топаман, — фельдшер билан имо-ишора қилишиб қўйдим. Ундан кейин анави баракда ўзимизга ўхшаган икки-учта азамат ҳам бор. Биттаси оқ генераллардан.

Содиқнинг энсаси қотди, ғазаби қўзғади. Бу сўз Диловархўжанинг маза-бемаза гапларини эшитиб, бемаъни қилиқларини кўриб, тўлиб юрган Содиқнинг сабр косасини тоширган сунгги томчи бўлди. «Ҳамма айб ўзимда, вақтида қайириб ташламадим» деб ўзидан ўпкалади Содиқ. Лагерга янги келган кезлари хомлик қилиб, оғзига урмади, мана бугун уни ўзи билан бир қаторга қўйиб, қандайдир оқ генералга улфат қилмоқчи, иложини топса, йўл чизиб, шундан юргизмоқчи. Унинг назарида Содиқ ҳам аламзада, нима деса шунга кўнади. Мана шунисига Содиқ чидолмай қолди.

— Менга қаранг, қўрбоши, мени қаёққа бошламоқчисиз? Сиз билан менинг йўлим бошқа-бошқалигини биласизми ўзи?

Диловархўжа бу гапни ҳазил тушунди, кулди:

— Ҳалиям-а? Ўн йилни бўйнингизга бўйинтуруқ қилиб осиб олсангиз ҳам-а?

— Ҳа!!! Нима, сиз билан бир лагерга тушган бўлсам, орамиздаги тафовут йўқолибдими? Йўқолмайди! Имонингиз комил бўлсинки, менинг қонимни қайнатганда ҳам сизникига, сизга ўхшаганларникига қўшилмайди. Минг қилинг сиз юрган кўчадан мен юрмайман ва юролмайман. Менинг йўлим бошқа. Бу йўлдан мени сиз тугил, сиздан зўрроғи ҳам қайтаролмайди.

— Улсам ҳам, яша Шўро, деб ўламан денг? — Диловархўжа яна ҳазилга олмоқчи бўлди. Лекин Содиқ жиддий жавоб қайтарди:

— Ҳа, худди шундай деб ўламан! Шўронинг меҳри қоним билан кирган, жоним билан чиқади. Шуни ўнг қулоғингиз билан ҳам, чап қулоғингиз билан ҳам эшитиб олинг!

— Хўп-хўп! — ўсал бўлган Диловархўжа кўксига қўлини қўйиб, орқаси билан чиқиб кетди.

Содиқ шу маҳал қамалганидан эмас, Диловархўжа билан бирга бўлиб қолганидан афсус қилди. Ана шунақа

www.ziyouz.com kutubxonasi

«тузлиқ булғарлар» билан бир қозондан овқат еб, бир эшикдан кириб-чиққанига асти чидолмас эди.

Лекин, бари бир, Диловархўжа оёғини тийиб кетмади. Уч кун ўтгач, «Ўша куни роса хафа бўлиб турган эканси-з-а?» — деб ишшайиб яна кириб келди.

Посилка олишда кузатиб турган аскар эртасига келиб ўзини танитмаганда, Содиқ уни тоғасининг ўлимига борганда танишган йигит Қобилжон эканини билмас эди.

Эртасига одатдагича Содиқ овқатга занг урилиши билан ҳавозадан сакраб тушди, идишни олиб ошхонага югурди. Ошхонада одам тиқилиб кетган, тик тургани жой йўқ. Ташқарида холироқ жойни кўзи билан мўлжаллаб турар экан, биров:

— Яхшимисиз Содиқ ака, — деб қолди. Бундай ўгирилиб қараса, ўша аскар йигит. Кулиб турибди. «Хали овқатингизни еб бўлганингиз йўқми?» — деди-ю, бир четга бошлаб ўтди. Содиқ унинг Қобилжон эканига энди шубҳа қилмади. Лекин унинг кечаги тундлиги ҳамон кўнглини хижил қилиб турарди. Худди шуни Қобилжоннинг ўзи ҳам билгандек юпатди:

— Кечаги учрашувимиздан, гап-сўзларимдан тоза ҳайрон бўлгандирсиз?

Содиқ ростига кўчди:

— Аввалам яхши танимадим, кейин...

— Шароит шунақа, Содиқжон ака, — унинг гапини илиб кетди Қобилжон, — Шунақа қилмаса бўлмайди. Бизнинг ҳам мурватимизни қаттиқ бураб қўйган.

Содиқ Қобилжоннинг гапига дарров тушунди: демак бу соқчи йигитларга ҳам қийин. Улар аслида маҳбуслар ўйлагандек, тунд кишилар эмас. Шу ерга келиб шунақа бўлиб қолишади, тўғриси, шунақа қолипга солишади.

— Сиз нима қилиб бу қармоққа илиниб қолдингиз? — ажабланиб сўради Қобилжон.

— Илинмадим, илинтирдилар! — деди Содиқ ва қисқача қилиб айтиб берди.

— Шунақа сизга ўхшаб, чирқиллаб қолганлар кўпми бу ерда?

— Анчагина бор.

— Щикоят ёздингизми?

— Жуда кўп ёзаман, жавоб йўқ.

— Мен сизга бир сирни айтайми, Содиқ ака? Аризаларингизнинг ҳаммаси шу ерда қолади!

— Шу ерда қолади?

— Ҳа! Эски қадрдон бўлганимиз учун сизга айтяпман, бўлмаса мумкин эмас. Шу ерда қолади. Очиб кўрганларида олиб қоладилар.

— Бекорга жавоб кутиб юрибсан денг? Эҳ, аттанг! — Содиқ қўлидаги идишни овқати билан улоқтириб отди: — бу қайси қонунда бор!!

— Ўзингизни босинг, фойдаси йўқ, — ердан идишни олди Қобилжон, — Қонунни бузиб, ўзингизни шу ерга келтириб қўйганларидан кейин шикоятингизни ўтказмаслик нима бўпти? Ўша катта занжирнинг битта ҳалқаси, холос. Ундан кўра, келинг, мен сизга бир яхшилик қилай. Ўша шикоятларингизнинг нусхаси борми?

— Хўш? — жонланди Содиқ.

— Шундан битта мукаммалини менга яхшилаб кўчириб беринг. Мен уйимга юбораман. Уйимдагилар тоғангизникига чиқариб беради. Улар тайинлаган жойингизга ё етказади ё юборади. Бизнинг хатни бу ерда очишмайди.

Содиқ яшнаб кетди.

— Раҳмат, ука! Бормиз! Бизга ҳам шафқат қўлини чўзадиган инсон топилар экан-ку!

— Лекин ҳеч ким билмасин.

— Албатта!

Қобилжон Содиқ билан хайрлашар экан:

— Ҳамма гапларимиз ўз орамизда қолсин-а, Содиқ ака! — дейишни унутмади.

Содиқ эртасигаёқ ўз шикоятномасини Қобилжоннинг қўлига тутди.

11. СОҒИНИБ

Жаннат Адолат холаникига кўчиб келгандан бери, Содиқни ўйлайди. Унинг назарида Содиқ ҳаётида рўй берган бахтсизлик бир туш, узоққа чўзилмайдиган мудҳиш туш. Ҳали замон тонг отиб уйғонади-ю, ҳаммаси тугайди. Назарида Содиқ одатдагидек ишидан ҳориб қайтади, адасини кўриши билан бўйнига осилган Маратни кўтариб олади. Шунда Жаннат: «Туш, ўғлим, даданг чарчаб келдилар», — дейди, унинг қўлидан Маратни ўзи олади. Ҳа Мушарраф «тарихи» ҳам бир туш. У ҳам ўтиб кетиб бўлган. Осмондан тушгандек оилада бир ўғил пайдо бўлиб қолган. Фақат шу мудҳиш туш тезроқ тугасаю, Содиқ келса бас!

Лекин, афсус, бу «туш» ҳамон тугамас, тонг отмас, Жаннатнинг дили мунаввар бўлмас эди.

У Содиққа мунтазам хат ёзиб турар, кўнглини кўта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рар, соғлиғини сўрарди. Унинг маслаҳати билан бир-икки идорага бош суқди, ёрдам сўради. Лекин бундан ҳеч нарса чиқмади. Бу ишга ҳеч кимнинг аралашгиси келмас ёки аралашишга журъат этмас эди. Шунга қарамасдан, Жаннат, ҳатто Москвага боришни ҳам ният қилиб қўйди. Бу ниятини бошлаб Қодирга билдирди.

— Нафи бўлармикин? — деди Қодир. У ўз вақтида тоза ҳаракат қилган; не-не кишиларга мурожаат этган, фойда чиқмаган эди. Тўғри, улардан биронтаси «уринма, бола, бефойда» демади, кўкрагидан итармади, эшикни орқасидан тарсиллатиб ёпмади. Арзига бошини қия эгиб ёки қалам кетини столдаги ойнага аста уриб ўтириб ёки кабинетда у ёқдан-бу ёққа юриб қулоқ солишди. Лекин жавоблари бирор хулоса чиқариб олиш қийин бўлган даражада сочиқ, паришон эди. Кодир бориб-бориб шу хулосага келдики, бу одамлар нимадандир, кимдандир ҳадиксирайди, дилидаги маслаҳатини беришга ҳам журъат қилмайди. Бўлмаса, уларнинг Содиқ тақдирига ачинаётганликларини кўзларидан, баъзан сўзларидан пайқаб олиш қийин эмас эди. Қодир бу ҳаракатини чарчаганидан ёки акасининг жиноятчи эканига иқрор бўлганидан эмас, балки ишининг кўпайиб кетгани, шаҳардан четда турганидан ва қолаверса, натижа чиқавермаганидан сал камайтирган эди. Келинойисининг бугунги маслаҳати уни яна жонлантирди.

— Бутун бошли бир одам сувга отилган тошдай жим кетаверадими? Бечорага жуда жабр бўлиб кетди, жуда увол бўлди — деди Жаннат. — Сизнинг ишдан қўлингиз тегмаса, мен индамасам... Йўқ, бу инсофдан эмас. Шу отпускамда Москвага бораман. Оқни оқ, қорани қора қиламан.

— Харажатингизга мен ҳам қарашардим... — деди Қодир дилида умид учқунланиб.

— Харажати бўлса бир гап бўлади. Кўрпа-ёстиғимизни сотсак ҳам боришим керак. Сиз борманг. Сизга бир гап теккани етади. Ўзим бораман. Мен хотиниман, бир ёнғоқнинг ярим палласиман, мени ҳеч жин урмайди!

Жаннатнинг сўзлари Қодирнинг нафсониятига теккандек бўлди: гўё уни қўрқоқликда айбларди. У изоҳ беришга мажбур бўлди:

— Акам туфайли гап тегишидан чўчисам, аллақачон ундан тониб, ўқишимни давом эттирган бўлардим. Отасидан тонган, эридан чиққанлар камми? Биттаси Мушаррафмиди? — «келинойи» дейишга тили бормади, — Йўқ! Акамнинг ёмон одам эканига мени ишонтирмагунларича

мен ҳам тинчимайман. Афсус, бу йилги отпускам ўтиб бўлган. Бўлмаса ўзим борардим. Энди ишдан жавоб беришлари қийин. Бутун қишлоқни шу ёз электрлаштириб, ҳар уйга радио туширишимиз керак. Иш кўп. Қўл тегмайди. Ҳали ойдинда ҳам ишламасак деб турибман.

— Хафа бўлманг, Қодиржон, сизни айблаётганим йўқ. Қани ҳамманинг ҳам укаси сизга ўхшаган бўлса! Акангизга жабр бўлганидан куйиб айтдим. — Жаннат узр сўрагандек мулойим гапирди.

— Майли, келинойи, сиз боринг. Мен бир яхши адвокат топиб маслаҳатлашай, лозим топса бир ариза ҳам ёздириб олай, зора акамнинг иши ўнгидан келса.

— Зора! Олма пиш, оғзимга туш, деб ўтиришимиздан фойда йўқ, вақт ўтади.

Жаннат бу фикрни Қобилжон орқали Содиққа ёзди. Содиқ Москвага арз қилиб борувчининг ўз қўлига берадиган «маслаҳат калити» борлигини уйга маълум қилди. Демак, Жаннат аввал унинг олдига бориб шу калитни олиши керак. Жаннатнинг Содиқ олдига боришини эшитган Адолат хола: «Жон болам, мени ҳам олиб кетинг, беш куним борми, йўқми, Содиқжонни кўриб келаман», — деб туриб олди.

— Харажат икки бўлади-да, ойи.

— Йўқ, жон болам, ундай деманг. Ўлимлигимни сотсам ҳам бораман, қарз ҳавола қилсам ҳам бораман, боламни жуда соғиндим. Кўрмай кўзимни юмсам, гўримда тик тураман. Зомин бўлманглар!

«Жон болам хола» масалани шундай кўндаланг қўйган эдики, уни ва Қодир, на Жаннат рад эта олди. Рози бўлишди.

— Унда Маратни ҳам ола кетамиз, дадасини кўриб келади, — деди Жаннат, кейин Маратга тегишди: — Дадангни танийсанми?

Марат «ҳа» деб югурганича уйга кириб кетди, салдан кейин дадасининг суратини олиб чиқди:

— Мана дадам! Мен худди дадамнинг ўзиман. Катта бўлганимда мен ҳам дадамга ўхшаб кўп соч қўяман, шунақа галстук тақаман.

Марат кўзи уйқуга кетгунча дадасини қанақа қилиб қучоқлаши, нималар дейишини гапиравериб, ҳаммманинг миясини қоқиб қўлига берди. Ухлади-ю, оғзи тинди.

— Бугун Содиқжоннинг қулоғи тоза қизиди, — деди Адолат хола, — бола бечора, сен ҳам бизларни тоза соғингандирсан. Маратнинг бийрон тилини эшитиб, севинчдан юраги ёрилиб кетади боламнинг. Худди дада-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сининг ўзи Марат! Дадаси ҳам тез тилга кирган эди. «Юмшоқ»қа тили келмасдан «ҳушмоқ», «ҳушоқ нон беринг» деб юрарди. Юмшоқ нон танқис экан-да ўша вақтда. Ҳа, болам, мана энди қаёқларда юрибсан: тилингдан қоқилдингми, оёгингдан қоқилдингми — билмасам! Сенга қасд қилганнинг ўзи паст бўлсину, сен тойчадай кишнаб эшикдан кириб кел, илоҳим!

Содиқ олдига боришларини эшитган Икром ота дам олиш куни Маратга тенг кенжа набираси билан келиб, узоқ ўтирди.Йўл харажатига» деб бир оз пул ташлаб кетди. Адолат хола ёки Жаннатнинг қаршилик қилишини билиб, олдини олди:

— Бу ўзимнинг омонат кассадаги пулимдан. У ерда ҳам турады, сизларда ҳам. Еб кетарга эмас. — Содиқжон келганда қанақа қилиб олишни ўзим биламан: проценти билан! Қўлимни қайтарманг!

— Илоҳим айтганингиз келсин, Содиқжон келиб, ўз қўли билан қайтарсин. Болам албатта қайтаради. Бировнинг ҳақидан ҳайиқадиган йигит.

— Қайтармаям кўрсин-чи, нақ... — яна кулгига олди ота.

— Урасизми? — бирдан гапга аралашди Марат.

— Ҳа, бўлмасам-чи, қулоғини кесиб оламан.

Икром ота хайрлашиб, эшикдан чиқар экан, қўлидаги неварасига деди:

— Оёгингиз билан юрмайсизми, ўғлим?

— Ҳо, батинкам жий бўсинми.

Кулишиб хайрлашдилар. Икром ота то муюшдан бурилиб кетгунча Адолат хола, Жаннат ва Марат учаласи орқасидан қараб туришди.

— Барака топкур, туққандан афзал, — деди хола кўча эшикни юзига ёпаётиб.

Эртасига Содиқдан хат келди. У соғлиги яхшилигини баён қилгандан кейин, турган ерининг ёзи беш кунликкина эканини, ҳадемай совуқ бошланиб, изгирини гашга тегадиган бўлиб қолишини ёзарди. Жаннат буни, йўлга чиқсанглар тезроқ отланинглар, бўлмаса совуқда қийналиб қоласизлар, деб тушунди, йўл ҳозирлигини тезлатиб юборди.

Вокзалда Адолат хола ўғлига: «Қодир жон, бор-йўғингни бизга шилиб бериб қўйдинг, иссиқ-совуқдан қийналиб қоласанми, болам!» — деб бағрига босиб ўпди, ҳали эсини танимаган боладай алланималарни тайинлади. Поезда кузатиб чиққан Икром ота билан Қодир узоқ қўл силтаб туришди. Поездга жилиши билан, Адолат холанинг бағрида нимадир узилгандай бўлди, сабабсиз йиғлади. Эртасига ўзини тутиб олиб, неварасини дадаси билан кўришишга тайёрлаб, турли сўзлар уқтириб, кун ўтказди. Ҳамма нарсага қизиқаверадиган Марат поезд ойнасидан кўрган, одамлардан эшитган парсаларини сўрай бериб, бувиси билан аясининг энка-тинкасини чиқарди. Унинг саволи ҳеч тамом бўлмас эди.

— Сен ҳам чарчайсанми ўзи? — деди кулиб Жаннат.

— Чарчаш нима, ая?

— Чарчаганда киши жим ўтиради, ёнбошлаб дам олади.

— Ана бўлмаса бувим чарчабдилар, — у ётган бувисини кўрсатди. — Буви, нега чарчадингиз?

Марат бўлмаганда шунча кунлик йўлда қайнанакелин диққинафас бўлиб кетишарди. Марат эрмак бўлиб, кунлар ўтганини билмай қолишди. Марат ухлаганда купе болалари тарқаган синфга ўхшаб қоларди.

Кунлар ўтган сари поездда одам сийраклашди. Марат билан ўйнашиб келган ҳамкупелар ҳам тушиб қолди. Бири эсдалик қилиб ўқиб келаётган «Крокодил»ини ташлаб кетди. Қувониб олиб қолган Марат, ўша заҳоти:

— Вой, бундаги одамларнинг ҳаммаси қийшиқ-ку, бунақа китоб менга керакмас, — деб эгасига қайтариб берди. Жаннат таржимасидан унинг гапини тушунган қўшни қаҳ-қаҳ солиб кулди, «Молодец, мальчик! Тўғри айтасан, бундаги одамлар ярамайди», — деб, ўрнига ён чўнтагидаги «Огонёк»ни чиқариб берди:

— Бу-чи, яхшими?

Марат тезда икки-уч бетини очиб, боши билан маъқуллади.

Поезд еттинчи куни эрталаб сердарахт ўрмонни иккига ёриб кириб кетди. Манзилга етганда улар билан тушган тўрт-беш кишидан учтаси ҳарбий формадаги эди. Жаннат улардан бирига мурожаат этиб, қўлидаги адресни кўрсатди.

— Ҳозир машина бўлади, бирга олиб кетаман, — деди бир ҳарбий. Кейин кулиб Маратга гап қотди:

— Хўш, йигитча, бу ёқларда нима қилиб юрибсан? Оқ айиқни кўргинг келдими?

Марат ётсираб бувисининг этагига ёпишди. Хижолат тортган Жаннат:

— Нега қочасан, — деди қўлидан ушлаб, — дадангнинг командири-ку бу киши!

Жаннат гарчанд ўйламасдан айтиб юборган бўлса ҳам, аслида башорат қилган эди. У ҳарбий чиндан ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўша лагерда ишларди. Шунинг учун уларни ўзига келган усти ёпиқ юк машинасида лагерь дарвозасигача олиб келиб туширди. Меҳрибонлик қилиб, келувчилар учун ажратилган махсус хонага жойлаштирди. Кейин ичкарига кириб кетиб, анчадан кейин бир аскар билан чиқиб келди:

— Энди сизлар дам олинглар, йўлда чарчагансизлар. Мана бу йигитчани иссиқроқ кийдириб қўйинглар, шамоллаб қолади, — деди у Маратни кўрсатиб. — Мен ҳам бориб нафасимни ростлай. Қўчқоров ишда экан, кечқурун қайтади. Нима ишинглар бўлса мана шу навбатчига айтинглар. Хайр! — ҳарбий орқасига бурилар экан, навбатчи аскарга алоҳида тайинлади: — Сиз булардан хабар олиб туринг. Мен у ёгини гаплашиб қўйдим.

— Хушфеъл одам экан! — деди унинг орқасидан Адолат хола ишларининг енгил кўчганини кўриб. Ахир кела-келгунча «Ҳали қандай топамиз? Қаерда сарсон бўламиз? Кимникида турамиз?» деб, озмунча ташвиш тортганмиди!

— Боламнинг обрўйи бу ерда ҳам яхшига ўхшайди,Жаннатхон. елиб-югуришларини кўринг.

Ахийри Содиқ ҳам келди. Колонна олдида келаётган Богун меҳмонларга кўзи тушди-ю, қандайдир ички бир ҳис билан, уларнинг кимлигини фаҳмлади, орқада келаётган Содиққа хабар қилди:

— Келишибди!

Содиқнинг юраги бирдан гурсиллаб уриб, одамлар орасидан олдинга ўтди.

— Ана дадаси! — деди бошлаб пайқаган Жаннат.

— Қани? Қани? — деб шошиб қолган «Жон болам хола» ўғлини айириб ололмас, олазарак бўлиб қидирарди.

Содиқ Адолат холалар назарида йил бўлиб кўринган ярим соат ичида кийим-бошларини алмаштириб, кулганича чиқиб келди. Қувончини ҳам, йиглашини ҳам билмай титраб турган онасининг бағрига ўзини отди. Она «Болагинам!» дейишдан бўлак сўз айтолмасди. Ўғли билан узоқ кўришди, елкаларига қоқиб пешонасидан қайта-қайта ўпди. Навбат Жаннатга келганда бир зумгина сокинлик рўй берди. Содиқ шошиб қолган, қандай кўришувини билмас, қучоқлашай деса, ойисидан ийманади, қўлини бериб қўя қолай деса, Жаннат гўё, «Ҳали оқибат шуми? Балли!» деб ўксиётганга ўхшайди. Йўқ, бу мушкулотдан Жаннатнинг ўзи қутқарди. Онаси қучоғидан бўшаган Содиқнинг иккиланмай елкасига қўлини қўйди, кўзи ёшли бўлса ҳам тетик сўрашди.

Марат бир четда тортиниб турарди. У ҳайрон, нима бўлаётганини тушунмас эди. Бувиси «Болагинам!» деб йиглаб кўришаётган киши унинг шу кунгача хаёлида суратини чизиб келган одамига ўхшамас эди. Уйда дадасининг расмини кунда кўрарди. Унда дадасининг сочлари текис қилиб таралган, бўйнида чиройли галстук, эгнида янги кўйлак, костюм. Бувиси, аяси билан кўришаётган киши эса бутунлай бошқача.

Жаннат Содиқ елкасидан қўлини олиши билан Адолат хола ҳамон бўзрайиб, этагига ёпишиб турган Маратга:

— Ана даданг! Кўришмайсанми? Ачом қилмайсанми? — деди ва Маратни ўзидан айирган эди, у Содиқнинг бағрига отилиш ўрнига, «Ая!» деб Жаннатга ёпишди, юзини бекитди, зум ўтмай ҳуркович кийикдай қиялаб қаради.

— Ҳе, уяти йўқ! Киши дадасидан шунақа қочадими?

Содиқ арзанда ўглини ортиқча хижолатда қолдирмаслик учун бир қадам олдинга юриб, уни бағрига олди, юзларидан ёшли шўр лаблари билан ўпди, тик турғизиб арчадек бўйларига боқди, яна бағрига босди. Энди Марат ўзини четга олиб қочмас, дадасининг соғинчи — меҳрини болалик идроки билан ҳис этиб, ўз ихтиёрини унга бериб қўйган эди. Дадаси эса, тилаб олган ўглининг дийдорига тўймас, меҳнатда териси қалин тортган қўллари билан бошини силар, бу сийпаш ҳорғин қалбига ором бахш этарди. Буларнинг барчаси унинг учун камдек, ингичка, ёқимли товушини эшитгиси келиб қолди:

— Қани, ўглим, «дада» дегин.

Марат дадасиникига ўхшаган кўзларини жавдиратиб гоҳ бувисига, гоҳ аясига қаради. Жаннат аяси унга ёрдамга келди:

— Айт, ўглим, қани бир адажон дегин.

— Айт, болам, айта қол, ўзингнинг даданг-ку! Кунда суратига қараб тавоб қилган адажонинг-ку.

Содиққа ўглининг ётсираши оғир ботмади. Чунки унинг қаршисида бўйи чўзилган, кийим ярашган, ҳатто уялишни ҳам биладиган ўгли турар: у бир вақтда ҳам ғурур, ҳам ўкинч бахш этарди. Охирги марта эшик олдида хайрлашгани кўз олдига келди: бундан кейин узоқ вақт кўришолмасликларини сезгандек, шу ўгли митти қўлларини қанот қилиб ёзиб, унга толпинган эди.

Содиқ Маратнинг бошини силаб туриб, кўзи Жаннат билан учрашди.

Жаннатнинг ҳам чеҳрасида Содиқ ҳеч қачон кўрма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган шундай жозиба бор эдики, бундай жозиба одатда одам бахтини топганда пайдо бўлади. Жаннат ҳозир буни яширишга қанчалик уринмасин, бари бир, шамол елпиган шамдек лопиллаб, ёрқинроқ кўринарди. Бу ҳусн таънадек туюлиб, Содиқ мана шу маъсум аёл билан бир қанча йил ҳаёт кечирганини, кейинчалик қандайдир ўткинчи ҳисга берилиб йўлдан адашганини, оқибатда шу покиза хотин азият чекканини хаёлида бир-бир тиклади. Қаршисида бошини сал қуйи солиб ўтирган маъсума хотиннинг кўз ёшлари, аччиқ аламлари, изтироб аланга-лари эвазига, ўзининг поймол бўлган файзи-ҳаловати, асабий титроқлари эвазига орттиргани Маратни ҳисобга олмаганда, иложини топса ўша адашган дамларини умри ҳисобидан жон деб ўчириб ташларди. Эсласа юраги орқага тортиб кетадиган ўша кунларнинг ширин ёдгори шу азамат Марат. Бадбахт онадан туғилган бу бегуноҳ фарзанд, ана шу бир парча эт, бир дона тирноқ учун неча йиллаб заҳмат чеккан, қайғурган, қон ютган бир меҳрибоннинг, беғараз чин бир меҳрибоннинг тиззасида осуда ўтирибди. «Ким мени орзу қилиб зардоб ютган эди-ю, кимдан дунёга келдим,ҳозир мени эркалаётган, меҳрини дарё қилиб оқизаётган бу хотин ким!» дейиш унинг эсига ҳам келмайди. Табиатнинг мўъжизасини қарангки, бола Жаннатга тортиб, унга ўхшаб кетибди. Бу унинг меҳри туфайли эмасмикин?

Содиқ шу хаёллар оғушида экан, маҳалласида бўлган бир ғайри табиий воқеа эсига тушди.

Унинг дунган қўшниси бор эди. Ўзи мўмин-қобил, бефарзанд эди. Кўчанинг нариги бошида ёшгина бир келиннинг кўзи ёриди, сал ўтмай ўзи нобуд бўлди. Омон қолган мурғакни эр-хотни дунган икки ойлигида олиб асради. Бола йиғлоқи эди, раҳми келган қўшни кампир «сўрғичингиз ўлсин, минг қилса ҳам резинка, ундан кўра кўкрак солинг, ҳар нарса бўлса ҳам она тўши» деб маслаҳат берди. У шундай қилди. Бир куни қараса, қизи чўлпиллатиб эмаяпти, кўкрагига сут келибди! Қизчадан хабар олиб турган врач табиатнинг бу мўъжизасидан ҳайрон қолди. Шунда ўша маслаҳат берган кампирнинг ўзи: «Бу маҳридан, айланай яхшилар, астойдил меҳр қўйганидан», — деган эди. Қизча юриб кетгандан кейин бундоқ қарашса, худди унинг ўзгинаси, дунган қиз бўлибди-қўйибди.

Содиқ бир лаҳзада шуларнинг барчасини хаёлидан нур тезлигида ўтказиб, Маратнинг Жаннатга ўхшаб кетганининг боисини ҳам худди ўша доно кампир айтган

ҳикматда кўрди. Киши қаҳри тошни ёргандай, меҳри темирни эритади!

Жаннатнинг меҳрибонлигидан шу лаҳзада қувониб кетган Содиқ ҳазиллашди:

— Ойи, неварангиз Жаннатга ўхшаса ҳам, лекин қулоғи ўзимники, супрадаккина. Уни қаранг, орқасидаги чироқ кўриняпти.

— Боланинг қулоғи бевақт кўчириб қўйилса, шунақа шалпангроқ бўлади. Сал эт қўйса билинмай кетади. Бу йил бўйига ўсди, шунинг учун ориққа ўхшаб турибди, — деди Адолат хола Маратнинг қулоқларига қараб,— Икром ота пешонасининг кенглигини сенга жўяди. Ҳа, ростдан ҳам Икром отадан оласинг бор экан, келтириб берди. Ўша қамалган кезларингдаёқ берган эди.

— Ҳеч қанақа қарзи йўқ эди! — деди Содиқ ҳайрон бўлиб, кейин тагига тушунди: демак шундай йўсин билан кўмак берган! Содиқ маъноли қилиб бошини чайқади. Буни она ҳам, Жаннат ҳам пайқади.

— Қарзи бўлмаса, яхши кунларида қайтарарсан, болам. Шу келишимизда ҳам «йўл харажатларингга» деб, бироз пул берди. Қачон бўлса «элнинг юкини енгил қилиб юрган азамат эди!» деб сени тилга олади. Кўп меҳрибон одам.

— Дада-чи, дада, ўша киши сизнинг қулоғингизни кесиб олармиш! — бирдан гапга аралашди Марат.

—Нега? — кулди Содиқ.

Хола бўлган воқеани ўғлига айтиб берди. Маратнинг ширин тилидан ийиб кетган дадаси уни яна бағрига олиб эркалади:

— Қологимни кестирмайман, ўғлим, қарзини албатта бераман. Бировнинг пулини еб кетган, ёмонлик қилган кишининг қулоғини кесадилар. Сен билан биз ёмонлик қилмаймиз, тўғри яшаймиз.

— Нега сочингизни олдириб ташладингиз, дада? — Бу саволни Содиқ эшитмади. Унинг хаёли ёмон кунида яхшилик қўлини чўзган Икром отада эди. Уни жуда яхши эслайди: соддагина кийиниб юрадиган, камгап,серфикр одам эди. Қоматли чўққи соқоли ўзига шунақа ярашар эдики, ношуд сартарош сал кемтик тарашласа, ҳусни бузилаётгандек бўларди. Ўзи ҳам хушфеъл,вазмин чол. Қўш-қўш азамат ўғиллари, қизлари бор. Фарзандлари: «Бўлди, дада, энди ишламанг, оёгингизни узатиб ётинг», — деганда, «Тинч турган сув бузилади, оқиб тургани яхши!» — деб кўнмаган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳавасга дарс берарди. Мактабга ҳам пиёда келиб, пиёда кетарди. Бир куни Содиқ:

— Трамвайга тушсангиз бўлмайдими? — деб тегишса.

— Буни нимага бериб қўйибди? — деди кулиб ва иккала оёғини кўрсатди, — буни ҳозир минмасам, қачон минаман.

— Ўлгудай хасиссан-да! — тегишди тенгдош ўртоғи.

— Ҳа, мен пулга, сен соғлиғингга хасиссан. Туппатузук юриб турган йўрғани қантара бериб, оёғингга ел тушириб олдинг, — деди Икром ота ўртоғининг хассага суянганига ишора қилиб, — юришда гап кўп, дўстим.

— Азроил эшигинг турмини қоқиб турганда-я?

— Азроил... Мен подачиман, ҳаммадан кейин бораман, — деди яна кулиб Икром ота. — Азроил сенга ўхшаб ўтирганни ушлайди, менга етиб бўбди!

Икром ота шунақа чол эди.

Содиқ шуларни эслаб туриб сўради:

— Икром ота, анча қариб қолгандирлар?

— Йўқ, ҳали тетиклар, — деди Жаннат.

— Ишлаб турибдиларми?

Буни Жаннат билмас эди, она жавоб қилди:

— Бе, қаёқда, болам! Сендан кейин Мирсалим ўлгур мактабга сиғдирмади, бўшаб кетганлар.

— Ишлаяптилар шекилли? — гапга аралашди Жаннат.

— Бошқа мактабда.

Мирсалим исмининг гапга аралашуви холанинг тилини қичитди:

— Лайча деб, қопоғон кўппакнинг бошини силаб юрган экансан, болам!!

Шу билан Мирсалим тўғрисидаги гап тугади, ҳеч кимнинг у ҳақда гапиргиси келмас эди. Содиқ мавзуни яна Икром отага бурди:

— Яна кейин эсимдан чиқиб қолмасин, мендан Икром отага кўпдан-кўп салом айтинглар.

— Айтаман, жон болам, албатта айтаман. Тез-тез келиб турадилар. Кўчада кўрсалар ҳам тўхтаб ҳаммани сўраб чиқадилар. Бошлаб сени сўрайдилар. Иннайкейин, кечаси қоронғилатиб келиб-кетадиган битта-иккита ўртоғларинг ҳам бор, исмларини билмайман.

— Ҳаммасини борганимда кўрсатасиз.

— Албатта кўрсатаман, болам.

— Ўшанда исмларини сўраб бераман, билиб оласиз, ҳазил қилди Содиқ.

— Исмларини билмасам ҳам, барака топишсин. «Хафа бўлмай ўтиринг, кампир», деб кўнглимни кўтаришади. Ўтган куз-ку, биттаси бир машина саксовул юборибди. Маза қилиб қиши билан ёқиб чиқдим, бечорани шундоқ дуо қилдимки... Ишқилиб, болам, бир кунимиз ўтиб турибди, нолисам ноинсофлик бўлади. Фақат сен йўқ. Ҳар куни дастурхон устида бир йиғлаб оламан.

Шундай азамат ўғли турганда ҳеч кими йўқдек бировларнинг кўмагидан маннатдор бўлганидан ўпкаси тўлдими, холанинг кўзларидан икки қатра ёш силқиб чиқиб, юзини чизиб тушганича лабининг тепасидаги чуқур ажинда туриб қолди.

— Қўйинг, йиғламанг! — ўзини зўрлаб кулди Содиқ.— Мана олдингизда ўтирибман-ку. Яқинда бўшаб қоламан, Жаннат Москвага ўтаман деяпти, ишқилиб...

Жаннат пастки лабини қаттиқ тишлаб ўтирарди. Унинг бу одати Содиққа таниш, буни у юраги жуда сиқилиб кетганда қилади.

Хола ўпкасини босиб, яна гап бошлади:

— Иннайкейин, — Жаннатни кўрсатди у, — мана бу умрингдан барака топкур, кечаю кундуз биз билан. Қизимдан аъло. Бу бўлмаганда ғам мени еб, адойи тамом қиларди.

Хижолат тортган Жаннат бошини қуйи солди. Содиқ тишини тишига босди. Онаси гапирган бу гапларни у хатда ўқиган бўлса ҳам, шу маҳал Жаннатнинг қаршисида алланечук бўлиб кетди. Ахир бир маҳал қаттиқ гапириб, дилига озор бермаган бўлса ҳам, уни қўйиб, ёш хотин олган, ўз орзусини ўйлаб, уни қаттиқ ўкситган эдида! Мана ўша хотин онасига меҳрибонлик қилиб, тирик етим ўғлининг бошини силаган. Мана бугун бўлса уларни бошлаб келиб ўтирибди.

Содиқ гапни чалғитмоқчи бўлиб, онасининг мусичаларидан гап очган эди, суҳбат яна Мирсалимга бориб тақалди.

— Мирсалим жувонмарг бўлгур ҳовлимизни тортиб олгандан бери у томонларга ким ўтибди дейсан. Шу кунларда яна иккитаси айвонга қўниб, уйга кириб юрибди. Ўшаларми — билмадим.

— Худди ўшанинг ўзи, ойи, — тасдиқлади Жаннат.

— Бўлса бордир. Мирсалим тулкиникида мусича турадими!

Яна суҳбат қовушмади. Мирсалим номи аралашган сари охири дилихитликка бориб тақаларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин салдан кейин гап қовушиб кетди. Қодирнинг иши, Мушарраф фожиаси, турган шаҳарларининг обод бўлиши, об-ҳаво, нархи наво — ҳаммаси ҳақида гаплашдилар.

Ана шунда соғинчнинг ҳоври бир оз кўтарилгандек бўлди. Марат ҳам энди Содиқдан ётсирамас, дадажонининг тиззасида оёқларини ликиллатиб ўтирарди.

* * *

Жаннат гапни ўз шахсий ишларидан четга олиб қочмоқчи бўлса ҳам, бари бир, Содиқнинг кўнгли ҳамон хижил, ҳамон ўрнига тушмас эди.Агар кўнглидагини очиқ-ойдин айтиб, юрагини бўшатиб олмаса, армон бўлиб қолиб, янаги кўришгунларича ич этини еб юришини биларди. Уни қўрқув аралаш шодлик босарди. Қўрқуви шундан эдики,Жаннатнинг маъзурини эшитгани йўқ, балки маъзур тутмас. Бу қора кунлар ўтгандан кейин, «мен ўз инсоний бурчимни ўтаб, ҳақ жойини топишида сизга ёрдам бердим, лекин ўша гуноҳингизни кечиролмайман» дейиши мумкин. Жаннатга ўхшаган хотинлар қўлидан бу иш келади. Бу эса, Содиққа ўлимдан оғир, то сўнгги дамигача кўнглини хижил қилган, қалбини эзган армон бўлар эди.

Бу фикр Содиқнинг хаёлидан кетмади, соатлар ўтган сари парма бўлиб чуқурроқ кириб борди. Ана шундан кейин Жаннат билан албатта гаплашишга қарор қилди. Ўғлининг худди шу фикрини кўзидан уққан Адолат хола неварасини етаклаб, «шамоллагани» чиқиб кетди. Жаннат қайнанаси олдидагина ўзини дадил тутаётган эканми ёки шу гапнинг очилиб қолишидан эҳтиёт чораси кўраётган эканми, у чиқиб кетиши билан хомуш тортиб, бошини қуйи солди. Содиқ учун бундан қулай вақт йўқ эди, бутун кучини қалбига йиғиб, уни ёнига сурилди, лекин бетига қаролмади.

— Жаннат, сен мени кечирасанми, йўқми — билмайман. Лекин сенинг бу яхшиликларингни қайтаришга умрим етмаслигини биламан. Мен сендан ўла-ўлгунча миннатдорман. Бу олижаноблигинг ҳаққи-ҳурмати, ўғлим Марат сеники. Омон қайтиб борсам, қабул қилсанг ўзим ҳам...

Жанннат бундоқ қараса, Содиқнинг ўпкаси тўлиб боряпти, ҳали замон йиғлаб юбориши мумкин. У умрида эркак йиғисидан қўрқади —эркак бағри сув бўлиб эзилиб оққанда йиғлайди. Буни эса, Жаннат сира ҳам истамас эди, айниқса Содиқдек кишининг кўз ёшини

кўриш унга ўлимдан қаттиқ. Шунинг учун ўзини тутиб, ҳазилга олди:

— Ўзингизни қабул қилмасам, ўғлингизни олиб қўясизми?

Содиқ буни жиддий тушунди, шу пайтда ҳазил бўлишига у ишонмасди:

— Йўқ! Йўқ, бундай деб тушунма! Марат сеники, умрбод сеники! Ота бўлиб унга нима қилдим. Уни тарбия қилаётган сен. Мен сенинг олдингда айбдорман. Бирор нарса дейишга ҳақим йўқ. Ҳатто кечирим сўрашга тилим бормайди.

— Йўқ, — деди Жаннат, гўё ўтган ҳамма гапларга якун ясагандек жиддият билан, — мен бу ерга сизнинг гуноҳингизни кечирсаммикин-кечирмасаммикин деб келганим йўқ. Ўтган-кетган гапни қўйинг. Ўзингизни ўйланг, тезроқ қутулишни ўйланг. Менинг нима ёрдамим керак бўлса, айтинг, тортинманг, керак эшикни қоқай, турми бузилгунча қоқай!..

Қолган вақт ичида улар шу ҳақда келишдилар.

Орадан уч кун ўтгач, Адолат хола ўғли билан хайрлашар экан:

— Болам, эди кўришамизми, йўқми, ким билади. Кўришмасак, берган оқ сутимга мингдан-минг розиман, — деб кўзига ёш олди.

— Нима деяпсиз, ойи, албатта, кўришамиз. Мана, келинингиз Москвага тушади. Москвага бориш деган сўз, ҳақ жойини топади деган сўз!

— Илоҳим шундай бўлсин... — ўзини тутиб олиб деди хола. Кейин Содиқни бир четга тортди. — Энди нима қилганда ҳам мен қариб қолдим, болам, кузакдаги сариқ япроқман, сал шамол турса чирт этиб узилиб кетишим ҳеч гапмас. Шунинг учун сенга битта илтимосим бор.

— Хўш, хўш! — жон қулоғини тутди Содиқ ҳам шивирлаб.

— Жаннатни энди хафа қилма. Унга тез-тез хат ёзиб тур.

— Хўп, ойижон, хўп!

— Умридан барака топкур, топилмас жувон. Ўғлингни ҳам унинг ихтиёрига бериб қўйганман.

— Майли! Майли!

— Онасидан аъло. Ширин сўзингни ундан аяма.

— Хўп, ойижон, хўп.

Икки кундан кейин Жаннат Адолат хола билан Маратни проводникка тайинлаб, ўзи Москва поездига ўтиб ўтирди.

12. ҚОЧОҚЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки ҳафтадан кейин Содиқни этап рўйхатига тиркадилар.

Лагердан лагерга кўчириб туриш аслида, одат, лекин у кўчадиган одам учун ташвиш: ҳеч ким «иссиқ жойини» совутгиси келмайди!

— Қаерга экан, эшитмадингми? — папирос тутатаётиб сўради Богун. Унинг ҳам миясида Содиқники сингари ўйлар кезиб юргани кўзидан аён эди. Содиқ елкасини қисди. Шу маҳал яна кўч кўтарган кишилар кўринди. Улар бошқа бригада, бошқа барраклардан эди. Улар орасида Диловархўжа ҳам бор экан, Содиқни кўрди-ю, қоқилсам, тутиб қоладиган бор экан, дегандек, яшнаб кетди. Этап бўлишини эшитгандан бери юрагини босган ваҳимани унутди.

— И-е, Содиқжон. Сиз ҳам шу ердамисиз? Майли, майли, яхши бўлибди, бир-биримизга ҳамроҳ бўламиз.

Содиқ жавоб бергунича йўқ эди:

— Юкларингни қўлларингга олинглар! — деган буйруқ бўлди.

Бир соатдан кейин этапга чиққанлар икки вагон бўлиб, поезд жўнашини кутарди. Содиқ, Богун, Диловархўжа бир купега тушди. Диловархўжа мамнун эди.

— Омадни қаранг, Содиқжон, ниятимиз бир-да, яна биргамиз. Қаёққа олиб боришар экан, билмадингизми? Узоқ эмасмикин?

— Билмадим. Юртимиздан чиқиб кетмайсиз.

— Чиқаради дейсизми!

— Рози бўлса чиқиб кетармидингиз? — ўсмоқчилади Содиқ. Диловархўжа сир бой бермади:

— Сиз-чи?

— Ўзини билган одам учун муҳожирлик ҳам лагердай гап. Бегона қўрага кириб қолган итдек доим думинг қисиқ.

Диловархўжа тили билан ҳеч нарса демаган бўлса ҳам, Содиқнинг бу жавобига дилида қўшилмади. У чет эл деганда Афғонистон билан Туркияни тушунарди, холос. Ўзи кўрмаган бўлса ҳам, эшитган, ўша ўқ отиб юрган йиллари эшитган.

— Сиз шунақа дейсиз-ку, четда жилла бўлмаганда, мана булари бўлмайди, — Диловархўжа соқчиларни кўрсатди.

Содиқ хандон солиб кулди:

— У ердагисини кўзингиз кўрмайди, холос, бўлмаса ҳар қадамингизни шунақа санаб юрадики, асти қўяверинг!

— Бе! — ҳайрон қолди Диловархўжа.

— Ундан кейин, бегона юртга кўникиш учун мушукдан баттар бўлиш керак киши. Ахир мушукни ҳам бегона уйга элтиб қўйсангиз қочиб келади-да!

— Қочади! Қайтиб келади! — ташнинг тагига гўзук тушунмай унга қўшилди Диловархўжа. — Болалигимда бир мушугим бор эди, адаштиролмай ўлганман, охири ўрага ташлаб қутулганман.

«Тошбағирлик қўндоқда теккан касал экан-да» дегандек Диловархўжанинг мўйловга ўхшаган бироқ қошига қараб қўйди Содиқ.

Поезд шу кетганича манзилга етиб бора қолмади, икки ерда узоқ тўхтаб қолди. Борадиган ерлари номаълум ва қисталон бўлмаса ҳам, маҳбусларнинг ҳолини чиқариб юборди.

— Этапнинг мана шуниси ёмон, қонингга ташна қилади! — деди Богун ирғиб ўрнидан туриб. «Ўзи бу ер қаер?» дегандай, ташқарига қаради, ҳеч нарсани кўрмади, жойига ўтирди.

— Юрагингни кенг тут, дўстим. Етиб борармиз ҳам, у ер ҳам жонга тегар. Оёғингни узатиб дамингни ол! — деди Содиқ.

Богун Содиқ табақасидан: айбсиз айбдор. Юраги тору, ўзи ҳақгўй. Содиқ билан иқи чиқишиб қолган. Ҳаммадан унинг сўзини маъқул кўради. Жаҳли чиқиб турганда ҳам мовий кўзларини пириллатиб унинг хоҳишига кўна қолади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. аламини махоркадан олди.

— Ҳей, дўстим, бу чекишингда мени элтиб қўясанку, сал эви билан чек-да!

— Мазасини билмайсан, бир тортгин, бутун дардингни ичингдан суғуриб олади.

— Раҳмат! Ўзингга буюрсин.

— Ана шу-да, ишонмайсан. Мана, бир торт! Лаънатини ақлли одам топган.

— Келинг, қўлингиз қайтмасин! — деди Диловархўжа ва Богуннинг қўлидан ўрта бармоқдек қилиб ўралган махоркани чилимга ўхшатиб узоқ тортди. Тутунини бурнидан бурқсатиб чиқарди: — Бай-бай-бай! Ўзимизнинг жайдари тамакига ўхшайди. Қаёқдан топдингиз бунақа бир тортганда қулатарини?

— Хотиним юборган. Ўзи экибди.

— Эрим кўп тажанг бўлавермасин, хуморини ёзиб турсин деган-да, — деди Содиқ, тутунни ҳайдаб.

— Хатида ҳам, сенинг учун экдим, дебди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани шунга жиндай наякидан ҳам қўшсанг — оромижон-да! — Диловархўжа ўтган кунларини — мис қоплаган чилимига наша солиб чеккан кунларини эслаб, кўзини сузиб қўйди.

— Улдиради-ку кишини!

— Аксинча, ўпкадаги қуртларни ўлдиради.

— Ие, дорининг бунақа хили ҳам бор денг! — мазах қилди Содиқ.

— Мен-чи, — деди Богун, — хотинимнинг шу олижаноблиги учун қайтиб борсам беш йил қўлини совуқ сувга урдирмас эдим!

Содиқ Богуннинг эриб кетганидан ҳазилга олди:

— Овқатни ҳам ўзинг пиширармидинг!

— Ўзим пиширардим!

— Болаларингни ҳам ўзинг ювиб-тарармидинг?

— Ювиб-тарардим!

— Кир ҳам ювармидинг!

— Ювардим!

— Ана шу ерда сал ошиб кетдинг.

— Нега?

— Эркак ювган кир очилмайди.

— Очилгунча ювардим.

— Қўшниларинг таънасига қолиб ўлар экансан.

— Нега энди! Хотиним менинг ўрнимда ер чопиб, ариқ олганда индамаган қўшним, мен унинг ўрнида ишласам куладими! Кулсин, нақ тишларини қоқиб оларман!

— У хотин, сиз эркак, — чертди Диловархўжа.

— Ана шунинг учун жўрттага кирини ҳам юваман.

— Бари бир хотининг йўл қўймайди, — деди Содиқ.

— Мана бу бошқа гап! Бунингга ишонаман! Лекин, очигини айтсам, хотинимга жабр бўлиб кетди. Бирор дурустроқ ҳунарга ўқитмаганимга ачинаман. Мен топиб келибман, у ширин қилиб пиширибди, шунга маст бўлиб юраверган эканмиз. Дунёда мана бунақа чигал ҳангомалар бўлар экан-ку! Ҳа, айтгандай, кейинги аризангга ҳам жавоб бўлмадими?

— Йўқ, хотиним Москвага тушиб ўтадиган бўлди.

— Агар сеники шу йул билан ўнгидан келса, мен ҳам хотинимни сеникининг изидан юбораман. Лекин, Содиқ, билиб қўй, қора кунда топишган дўстлар ажралмас бўлади. Тагин ўзинг биласан-ку...

— Гап битта, Микола, агар мен олдим чиқсам, ишинг билан ўзим шуғулланаман. То қиёмат бир-бирини унутган номард!

Икки дуст қўл олишди, бунга қаноат қилмаган Богун Содиқнинг бўйнига қўл солиб лабидан ўпди:

— Мен олдин чиқсам ҳам худди шундай қиламан!

Гап маромига бориб тақалган эди. Икки дўст жим қолди, фақат йўлга чиққан поезднинг: «Ҳақ гап! Ҳақ гап!» дегандек ғилдирак товуши эшитиларди. Ёмонга кун ҳам қоронғи, тун ҳам, дегандек, икки ўртоқнинг самимий қасами Диловархўжанинг ғашини келтирди. «Минг қилса ҳам Содиқ ўриспарастлигига боради!» деб қўйди ичида. Кўзига Богун хунук кўриниб кетди.

Поезд шу йўлга чиққанича фақат катта станциялардагина тўхтаб, маҳбуслар вагони ҳеч қаерда узиб олиб қолинмади. Бундан хотиржам бўлган Содиқлар, энди манзилга етиб оладиган бўлдик, деб қоронғи тушиши билан уйқуга кетишди. Содиқ бир уйғониб, иккинчи ёнбошига ағдарилганда ҳам ҳали тим қоронғи, кимдир пихиллаб, кимдир чийиллаб хуррак отиб, ҳамма миқ этмай ухлаб ётарди. Лекин Содиқ тонг яқинлигини уйқуси пишиб қолганидан билди. Шундай бўлса ҳам кўзини юмди. Энди кўзини уйқу элтиши билан самолётларнинг жуда паст учганини эшитди. Шу товуш билан уйғонган бўлса ҳам, ҳеч нарсадан хавотир олмай, «қаерда тўхтаб турибмиз?» деган фикрни хаёлидан ўтказди. Худди шу пайт самолётларнинг шўнғигани, кетидан устма-уст портлаш эшитилди. Бу портлаш шундай яқинда эдики, уларнинг вагонини ларзага солди, ойналари чилпарчин бўлиб кетди. Ҳамма бирдан уйғониб, нима гап эканини фаҳмлагунича булмай, яна портлаш, қарс-қурс ҳамма ёқни тутиб кетди. Сал ўтмай яна қайталанди. Шу қайталанишида бир бомба улар вагонининг шундоққина ёнига тушиб, уни издан ағдариб, парчалаб юборди. Содиқ ана шундагина станцияда бетартиб қий-чув бошланганини, аллақаер ёниб, алланималар ағдарилиб тушаётганини кўрди. Тутундан кўз очиб бўлмас эди. Содиқ аввалига нима қилишини билмай кўзи тушган томонга қочди. Жонни сақлаш керак эди. Станциядан чопиб чиққан, кўзи тушган чуқурга ўзини отди. Бу ер назарида уни хавфдан сақлай оларди. Шундай бўлса ҳам ўлим қувиб келаётгандек орқасига қараб қўйди. қоронғи тун эди. Фақат вагонлар ва шу атрофдаги баъзи биноларнинг бурқсаб ёниши теваракни ёритиб турарди. Ҳамон станция устида самолётлар доира ясар, пайти-пайти билан шўнғиб, бомба ташлаб турарди. Ҳар сафар портлаш атрофни ларзага келтириб, темир йўл изларини ер бағридан ичакдек суғуриб олиб улоқтирар, вагонларини парча-

www.ziyouz.com kutubxonasi

парча қилиб ташлар, ёндирар, янги бир қий-чувни авжга чиқарар эди.

Содиқ ўйлар гирдобида экан, кимнингдир ўзига томон йиқила-қўпа чопиб келаётганини кўрди. «Часовой мени қидириб юрибди, шекилли!» деган ўй миясига келиб, маҳбуслигини, вагон қулаши билан бу ёққа қочганини эслади. Астойдил қочиш нияти йўқлиги, фақат жонини сақлаб бу ерга келгани учун, хавотир олмай жойида тура берди. Лекин елиб келаётган у одам часовой бўлиб чиқмади.

— Ким у? — нидо берди Содиқ.

— Содиқжон, сизми! — дея орқасига қайтди Диловархўжа. У етиб келиб, Содиқнинг оёғига ўзини ташлади. — Бу ерда нима қилиб турибсиз? Қочмайсизми?

— Ҳа, айтгандек, Богун қаёқда?

— Бирга эдик. Ҳу анави ерга келганимизда бомба гумбурлаб қолди-ю, бир-биримизни йўқотдик.

— Сатқаий одам кетинг! — койиди Содиқ. — Киши шунақа вақтда ҳам шеригини ташлаб қочадими!

— Тўс-тўполонни кўрмайсизми, сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди.

— Хўп, майли, сиз шу ерда туринг, мен дарров хабар олиб келаман.

— Эй, ушланиб қоласиз.

Содиқ уни эшитмади. Елиб кетди. Олдида бирдан бомба портлади. Ўзини ерга отди, яна туриб, Диловархўжа кўрсатган томонга энгашганича югурди.

Содиқнинг бу куйди-пиштилиги Диловархўжага ҳеч ҳам ёқмади: уни қидириб нима қилади? Ҳозир бировни излайдиган вақтми? Мендан кўра, ўша сенга азиз экан, у билан қолавер. Мен кетдим. Ҳар кимнинг гўри бошқа, тўри бошқа. Дарё бўлсанг оёгимни ювмадим!

Шу хаёллар билан Диловархўжа тўш бериб ётган еридан ирғиб турди. Барини қоқиб, чуқурликдан чиқди. Бир оз елиб кетди. Лекин бирдан тўхтади, қаёққа боришини билмай қолди. «Хўп, ҳозир-ку, қочаман, бир кавакдан бошпана топарман. Кейин-чи! Кейин нима бўлади. Бу томонларни билмасам. Ўзи қаердаман ҳозир? Кўрган киши ўша заҳотиёқ ҳиқилдоғимдан хиппа бўғиб, дуч келган милицияга бериб кетади. Кейин нима?

Диловархўжа шахтидан тушиб орқасига қайтди. Богунни минг балога гирифтор қилиб қарғади. Содиқнинг унга меҳри тушиб қолганидан хафа бўлди. Шу вақт ошна қидирадиган пайтми! Ўзингни бил, ўзга билан нима ишинг бор? Сенинг бошингга қор ёғса, Богун курармикин! Тили бошқа, дини бошқа бўлса...

Узоқда икки шарпа кўринди. Булар Содиқ билан Богун эди. Богуннинг кийим-бошлари йиртилган, бош кийими қаердадир тушиб қолган. Диловархўжани кўриши билан ачитди:

— Қойилман! Қуёндан ҳам оёгингиз енгил экан. Устимга тушган тахталарни олиб ташланг деб, шунча бақираман...

Диловархўжа Богуннинг чақирганини эшитган бўлса ҳам, ўз жони кўзига ширин кўриниб, жуфтакни уриб қолган эди. Лекин у қасам ичди:

— Тил тортмай ўлай, эшитган бўлсам!

Барча соф кўнгил кишилардек, Богун билан Содиқ ҳам бунга ишонишди.

Диловархўжа, хайрият, ишонтиролдим, деб енгил нафас олди.

Богун қўлининг шилинган ерини дастрўмоли билан боғлади. Шунга ҳам шукур қилгандек:

— Анча одам нобуд бўлди, — деб қўйди.

— Нимасини айтасиз, менинг ёнимда иккитаси «мама» деганича ер тишлаб қолди. Жон ҳолатда устидан ҳатлаб бу ёққа ўтсам, яна биттаси қоп-қора қонига беланиб ётибди. Одам нархи арзон бўлиб кетди. Ўзи нима гап?

Богун ҳам, Содиқ ҳам Диловархўжанинг бу саволига жавоб беришдан ожиз эди. Вагон қулаб, эсини ўнглаб олган лаҳзадан бери уларнинг ҳам ўзига берган саволи шу эди.

Улар тун қоронғилигида жадаллаб станция атрофидан анча четлаб олишди. Уларнинг бахтига, станция шаҳарнинг четроғида бўлиб, тонг ёришгунча тошлоқ дала йўлига чиқишга улгуришди.

Тонг ёришиши билан уларнинг кўнглидаги саволнинг жавоби ҳам равшан бўлди: Гитлер шартномани бузиб, Совет Иттифоқига уруш очган!

Жумбоқнинг ечилиши уч қочоқнинг энди нима қилишини ҳам белгилаб берди. Қизиқ устида қочишга қочиб қўйиб, «бу ёги энди нима бўлади?» деб минг бир хаёлда бораётган Содиқнинг фикрини тизгинлади, қатъий қарорга келтирди:

— Модомики уруш бошланган экан, биз учун йўл битта: фронт Эртага ялпи сафарбарлик бошланиб, ҳар одамнинг жойи фронт бўлиб турганда орқага қайтиб лагерь панжарасидан томоша қилиш ҳам, қочоқ бўлиб бир кавакда маҳор босиб ётиш ҳам мен учун малол

www.ziyouz.com kutubxonasi

келади. Арғамчи кучи қил, мен фронтни танладим.

Бу фикр, юртимиз кенг бўлгани билан бу қочоқликда ҳеч қаерга сиғмасак керак, деб келаётган Богунга ҳам маъқул тушди, у иккиланмай:

— Сен нима бўлсанг, мен ҳам шу! — деди.

Фақат Диловархужа икки ўт ўртасида эди. Мабодо йўқ деса, қаерга боради? Энди нима қилди? Тиканли симдан қочиб, ўтга киришга ҳеч тоқати йўқ эди. «Ҳозирча рози бўлаверай-чи, кейин йўлимни топиб кетарман», деди-ю, илжайди:

— Э, Содиқжон, мендан сўраб нима қиласиз, мен қўлингизда бир парча лойман, истасангиз золдир қилиб думалатасиз, истасангиз сопқонга солиб отасиз. Сиз нима десангиз, шу-да!

Лекин ҳалимдай бўлиб тилёғламалик қилган бу «бир парча лой» ҳарсанг бўлиб Богуннинг бошини еди.

Йўлда, бир тепаликдан ошиб, жарликка тушишди. Богун думалаб кетиб оёғини майиб қилди. Олдинига арзимаган бўлиб кўринган бу оғриқ кечга бориб аламга кирди, шунақа аламга кирдики, туни билан ажриққа ағанаб чиқди. Эрталаб бундоқ қараса дўмбира бўлиб кетган. Кейин маълум бўлдики, ўнг оёғининг тўпиғи чиқиб, ундан сал юқориси синган экан. Олдинига Содиқ, кетидан Диловархўжа «табиблик қилди». Ҳеч нарса чиқмади. Эрталаб чўғдек ёниб турган оёқ тушга бориб мўматалоққа айланди. Шу шишиб боришида кечга қолмай пақиллаб ёриладиган кўринарди. Богуннинг бардоши тугаб, ўлимига рози бўлди: бир томондан оғригига чидамаса, иккинчидан, у туфайли ҳамроҳлари йўлдан қоляпти. Унинг бу ётиши айниқса Диловархўжага малол келаётгани кўриниб турибди. Содиқ сокин. Унинг дарди ичида.

Богун шерикларини ёнига чақирди:

— Менинг ишим тамом. Оёққа турганим билан ҳам бари бир фронтга ярамайман. Сизлар кетаверинглар. Мен бир амаллаб бирор қишлоққа етиб оламану, у ёғини бахтимдан кўраман.

Содиқ сакраб тушди:

— Сени ташлаб-а!

— Бошқа қандай илож бор? Мени деб сизлар ҳам нобуд бўлманглар, дейман-да! Гожлик билан тошни тепсанг, оёқ оғрийди, холос.

Содиқ кўнмади.

— Йўқ, — деди у, — кучимиз етганча олиб борамиз. Жуда бўлмаганда бирор тайинлик ерга қолдирмагунча

мен ҳеч қаёққа кетмайман. Гап шу!

Содиқнинг феълини билган Диловархўжа қанчалик ғазабланмасин, бир нарса дейишга ожиз, деган чоғида ҳам гапи ерда қолишига ишонарди. Чўнтагида қўлини мушт қилганича бақрайиб тураверди.

— Ўзингиз биласиз, серкамиз сиз, — деди у пичинг-намо.

— Унинг ўрнида сиз бўлсангиз, ташлаб кетсак хурсанд бўлармидингиз?

Диловархўжа ялатма жавоб қилди:

— Мен сизга ташлаб кетинг деяпманми! Мен майиб қилгандай гапирасиз-а!

Аслида Содиқнинг бу гапи Диловархўжанинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетган, қани энди аввалги вақт бўлса-ю, бир имо билан иккаласини тавбасига таянтирса! Тишини тишига босди, қўлини чўнтагида қаттиқроқ мушт қилди. Инқиллаб ётган Богунга қараб ғазаб билан бароқ қошини чимириб қўйди.

Содиқ ўйлаб ўйининг сўнгига етолмас эди. Албатта Богунни бу ерга ташлаб кетолмайди, ташлаб кетиши инсофдан эмас, ҳатто пастлик. Бу унинг қўлидан келмайди. Минг хил режа билан бу кун ҳам ўтди. Эрталаб Содиқ барвақт уйғониб, чаққонлик билан жардан чиқди.

— Хўш, йўл бўлсин? — деди кўзи очиқ ётган Диловархўжа. У Содиқни ўз гази билан ўлчаб ёлғиз қочиб кетяпти, деб ўйлаган эди.

— Атрофни бир айланиб келай, зора Богунга бирор жой топсам. Бечора кечаси билан иситмасидан алаҳлаб, бола-чақаси билан гаплашиб чиқди.

— Билдим, — деди Диловархўжа ачингандек, — ёмон бўлди.

Содиқ кетиши билан Диловархўжаннинг мудҳиш ғазаби яна тўлқин урди. «Агар шу лаънатининг оёғи лат емаганда, анча ерга бориб қолардик. Худо кўрсатмасин, қидириб қолсалар борми, иш расво! Шундоқ қўлтиғининг тагида ётибмиз-а! Икки туғишиб, бири қолгандек жони ачийди Содиқнинг. Тавба манглайидан ой кўрдингми! Мана ҳозир яна шуни деб, жонини тикиб аллақаёққа кетди. Ҳали кетидан бирорта шум оёқ айғоқчини эргаштириб келиб ишнинг расвосини чиқармаса эди! Йўлдан тутилиб қолишимизга ҳам, хавф остида кечадан бери ўтиришимизга ҳам мана шу инқиллаб ётган Богун сабаб. Шу ўлади-ю, биз қутуламиз. Ўлармикин? Ўзи кичкинагина бўлса ҳам, жони итникидан қаттиққа ўхшайди. Бизнинг бошимизни еб, ўзи омон қолмаса эди! У тирик экан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Содиқ ундан ажралмайди».

Диловархўжа бирдан кўзларини чақчайтириб, мўйловга ўхшаган қошини керди. Рўпарадан ўқ егандай бужур юзи йилтиллаб кетди. «Жонига Азроил чанг солишини кутиб ўтирмасдан... ўзини унинг баграга итариб кўя қолиш керак...»

Диловархўжа қатъий бир қарорга келган кишидек Содиқнинг орқасидан чиқиб, асабий алангглаб унинг узоқлашувини кутиб турди. Пастга шошинқираб тушди. Богуннинг бошига келди. Бошарасидан бир нарсанинг изини қидираётгандек, бир лаҳза қараб турди. Богун кечаси билан қийналиб, тонгга яқин уйқуга кетганича хали қимир этмай ётарди. Отриқнинг зўридан сарғайиб кетган ориқ юзлари, майин киприклари қилт этмас, майиб оёғининг тиззасини мурғакдек қучоқлаб олган, дунё ташвишларидан холи кишидек сокин ётарди.

Унинг заъфарон юзи, озиб-гўзиб кетган чакаклари раҳмини келтирмади. У раҳм қиладиган аллозда эмас эди. Унда ўша босмачилик йилларининг ёвуз ҳирси уйғонган, кўзига қон тўлиб кетган эди, у шундай ёвузлик, тажрибали қотилга хос совуққонлик билан иш тутарди, ҳатто қўли титрамас эди. Шундай бўлса ҳам яна жардан чиқиб, атрофга алангглади. Содиқнинг узоқлашиб кетганига қаноат ҳосил қилгач, барини орқасига силтаб ташлаб, пастта ўзини урди. Тўғри келиб, оч қашқирдек Богуннинг томоғига чанг солиб, устига ўзини ташлади... Жон талвасасида типирчилашлари тинган, ҳатто майиб оёғи узатилиб қолган бўлса ҳам, Диловархўжа унинг ўлганига гумон қилиб, анча вақтгача қўлини бўғзидан олмади. Лекин ўрнидан турганида қора терга ботган, тиззаси титрар эди. Бушлатининг барига юзларининг терини артди.

Богуннинг кўзлари очиқ қолган эди. Бу, қотил Диловархўжани титратиб юборди. У кўзларни ёпишга журъат этмай, Богуннинг қалпоғини юзига тортиб қўйди. Бир оз ўзини тутиб олгандан кейин, Содиқ билан бўладиган савол-жавобини бир карра кўнглидан ўтказиб қўйди. Агар Содиқ Богуннинг ўзи ўлганига ишонмай, гумонсирайдиган бўлса, у билан ҳам ҳисоб-китоб қилишни мўлжаллаб, ҳужумга ҳозирлик кўрди.

Содиқ эса, қайтмас эди. Шу пайт Диловархўжанинг юраги сиқилиб, аччиқ чилим чеккиси, ўша «довруқли йиллари» қўлидан тушмаган мис қоплама чилимининг оловини бир қарич гуриллатиб чеккиси келди. Қани у чилим? Сарханаси учиб, қаерларда пачоқланиб қолиб

кетган! Шунда Богуннинг вагонда бир тортиб берган аччиқ тамакисини эслади.

У аста босиб жарга, мурданнинг олдига борди. Богун бир қўли билан тупроқ чангаллаганича ётарди. Қотил унинг чўнтагига қўл солиб, бўғма тўрвадаги тамакисини олди. Ўраб чекди. Тўрвачани эса, оғзини яхшилаб боғлаб ўз ёнига солиб қўйди.

Содиқ анчадан кейин қайтди. Унинг қайтишини жар ёқасида мўралаб кутиб ўтирган Диловархўжа эгасини таниган итдек қаршисига югурди. Нафаси оғзига тиқилиб, гапира кетди:

— Богун ўлиб қолди. Уйғонди-ю, томоғини бўғиб, типирчилади, сув сўради. Сув тамом бўлган экан, чопиб кетдим. Олиб келгунимча оламдан ўтибди. Энди нима қилдик, яхши йигит эди бечора! Олдига тушгани юрагим бетламай, боядан бери сизни пойлаб шу ерда ўтирибман.

Содиқ «ўлиб қолди»дан бошқасини эшитгани йўқ, чопиб кетди, гўё Богун ҳали ўлиб қолмагану, тезроқ борса олиб қоладигандек, елиб кетди. Диловархўжа ундан узилмай, олдинма-кейин чопиб, ўлим тафсилотини айтиб келарди. Содиқ жарга ўмбалоқ ошиб кетгудек елиб тушди, бир-икки тошга қоқилиб, думалатиб юборди. Унинг биттаси худди Богуннинг ёнига бориб тўхтади. Богунга тегиб, озар еткизадигандек Содиқнинг юраги шиғиллаб кетди.

Содиқ энтикканича келиб, дўстининг юзига ёпиб қўйилган қалпоғини олди, гўё шу қалпоқ Богуннинг нафасини қайтараётгандек туюлди Содиққа. Богуннинг очиқ қолган бир кўзи «қаёққа кета қолган эдинг? Сенга сўнгги марта боқиш ва мудҳиш воқеадан сенга гувоҳлик бериш учун юмилмай турибман. Мана сени кўрдим, энди ўзинг мени ёпиб қўй!» дегандек тош қотиб турарди. Кутилмаган бу фожиадан гангиб қолган Содиқ, дўсти қошида гир айланар, томирини ушлаб кўрар, кўзига боқарди. Унинг бадани совий бошлаганини сезса ҳам, ўлганига ишонгиси келмас эди. Диловархўжа эса мурдадан қўрқадиган кишидек бир четда турар, бошини қуйи солиб Содиқни «ачиниш» билан кузатарди.

— Жуда қўрқиб кетдим, Содиқжон, юзига қарашга юрагим йўқ. Кўзини ёпиб қўйсангиз-чи!

Содиқ индамай, унинг айтганини қилди. Шундан кейингина Диловархужа Богунга яқинроқ келди:

— Икки марта сизни сўради. Хайрлашмоқчи бўлган экан-да, бечора. Аксига олиб, сўнгги дамида бошида бўлмадингиз. Қадрдонингиз эди, оғзига ўзингиз сув

www.ziyouz.com kutubxonasi

томизар эдингиз. Мендан буюрди.

— Қаёқдан биламан бунақа бўлишини! — деди содда Содиқ унинг гапига ишониб. У ўзини Богун ўлимида гуноҳкордек ҳис қилди. Буни пайқаган айёр Диловархўжа ёнлатиб ҳужумга ўтди:

— Ахир кечаси алаҳлаб чиққанини ўзингиз гапириб турган эдингиз, яна кетиб қолдингиз.

— Қизиқмисиз, алаҳлаган ўлаверадими! Дарди бор ҳар қанақа касал ҳам кечаси безовта бўлади-да!

Диловархўжа Содиқнинг қаршилик билдирганини кўриб, дарров ён босди:

— Ҳа, рост. Бундоқ бўлишини туш кўрибсизми! Бизнинг қишлоқда биттаси қирқ кеча алаҳлаган экан. Шундан кейин тузалиб, эвара-чевара кўрган. У эмас, бу эмас, кўргилик, етган ажал. Иссиқ жоннинг иши шунақа. Ютган нафасинг қайтиб чиқиш, чиқмаслиги худойи таолонинг ўзидан бошқа ҳаммага сир. Банданинг иши шу, Содиқжон, лип этиб чироқдек ўчади-қолади.

Содиқ ҳеч нарса демас эди. Кутилмаган бу мусибат унинг идрокини шол, фикрини ўтмас қилиб қўйган эди. У фақат мурданнинг атрофида айланарди...

Диловархўжа кўрдики, Содиқ шошиб қолди. Уни йўлга солмаса, ўлик атрофида гирди капалак бўлиб вақтни ўтказади.

— Содиқжон! Тепасида ёш тўкиб туришингизнинг энди фойдаси йўқ, — у ўпкаси тўлиб, кўзига ёш қуйилиб келган кишидек энтикиб, дастрўмолини кўзига тутди, димоғини устма-уст чуқур тортди. — Нечора, қисмати шу экан! Вақти соатида жойига қўяйлик, бир кафт тупроғи шу ердан олинган экан. Нечора!

Қуёш жар ичига қиялаб боқиб, унинг ингичка ирмоғини пичоқ дамидек йилтиллатганда Богунни ерга қўйишди. Содиқ қизариб кетган кўзларидан ёшини артиб, дўсти устига шағал аралаш ҳўл тупроқ тортарди...

УЧИНЧИ ҚИСМ

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШГАНДА

Хотини уруш бошланганини айтгани кирганда Мирсалим донг қотиб ухлаб ётарди. Хотинининг йиғлаб:

— Ғафлат босмай ўлсин, туринг, дунёга ўт кетди! — деганини ҳам эшитмади. Хотин жон ҳолатида елкасидан силкиган эди, аранг кўзини очиб:

— Юз грамм борми? — деди.

— Юз грамм ҳам ўлсин! Уруш бошланибди!

— А!

Мирсалимга ана шундагина етиб борди. Ирғиб туриб, ўрнига ўтирди. Қовоғи шишиб, мижжаларининг чети ёпишиб қолган кўзларини ишқалади. «Нима деяпсан?» — дегандек хотинига боқди. Хотинига ҳам фақат эрини уйготиш, унга урушнинг бошланганини билдиришгина керак экан шекилли, индамасдан чиқиб кетди. Эшикни ёпа туриб:

— Кап-катта одам... — деб қўйди.

Хотин бу билан ярим кечада ичиб келиб, шу вақтгача учиб ётган эрига «ачиб суйилмаган, қариб қуйилмаган» деб таъна қилдими, ёки уйнинг бир четига қайт қилиб қўйган «кап-катта одамдан» нафратландими, билиб бўлмас эди.

«Уруш» сўзи Мирсалимнинг кўзини очирган бўлса ҳам, ҳушига келтирмади, пахтавон ўқдек панг этди-ю, жароҳати кўринмади. Эринибгина ўрнидан туриб, икки қадам қўйди. Бош карахт, оғзи елим эди. Хотини кечаси бошига қўйган чойнакдан муздай сувни симириш олдидан бир кавшаниб, кейин туфурди: милклари қонаб кетибди!

Муздай сув бир неча лаҳза кўзини мошдек очди. Ана шунда ўйлаб кетди: кеча «таги кўрган» бир ўртоғиникида меҳмонда эди. Анор сувини закуска қилиб анча ичди. Қазини парраклагани эсида. Думба-жигардан олиб турди. Ёнида ўтирган, гап-сўзидан жуда тайёрга ўхшаб турган бир сўрқилдоққина бева ўқитувчининг сонига қўл юборган эди, қўлини омбирдай чимчилаб олди, бунга ҳам иззат-нафси қонмадими, «турқинг қурсин, бит кўз» дегандай шунақа бир хўмрайдики, Мирсалим жойини ўзгартиришга мажбур бўлиб қолди: ҳовлига чиқиб келиб, ўша хотин кўзи тушмайдиган томонга ўтиб ўтирди. Шериги:

— Ҳа, у ердан мих чиқдими? — деган эди:

— Стул нобопроқ экан, яна синдириб товонига қолмай, — деган баҳонани қилди. Яна икки рюмкадан кейин хотиндан еган даккиси эсидан чиқди. «Сен, тўнка, мендан ҳазар қилиб ўтирибсан, ҳали менинг шунақа ҳунарим борки, кокил ёйиб ўзинг келасан олдимга» дегандай танбурни олиб машқ қилди, бирининг кетига бошқасини улади. Куйнинг охирини олифтагарчилик билан чертиб, танбурини ёнига олиб қўяркан, ҳаммадан раҳмат ёғилди. Ҳалиги чимчилаган хотин ҳам кўп қатори қисқагина қилиб ташаккур айтди. Буни пайқаган Мирсалим: «Ўл-а! Ёнингдан кеттанимга энди ачинаётгандирсан!» — деб қўйди ичида. У хотиннинг кўнгли сув ичиб қолганига энди ҳеч шубҳа қилмас эди.

Шўрва тортилиб, ичкилик қизигандан кейин хотинлар бошқа уйга чиқиб кетишди. Хотинининг «бас, бўлди!» деб тирсак туртишидан қутулган эркакларнинг «бити тўкилди». Норинни қанақа қилиб қорганини Мирсалим элас-элас эслайди, лекин норин тортилганини билмайди. Бир-икки ошамни оғзига солганини сал-пал хотирлайди, лекин уни ютдими, қайтиб ташладими, ҳозир айтолмайди. Бир маҳал кўчага чиқса, ҳали тегишган хотини ҳам кишилар билан хайр-хўш қилиб кетяпти. Кетидан эргашди. Бир-икки гап ташлади. Хотин индамади. Мирсалимнинг назарида, хотин бояги қилган «маданиятсизлиги»дан хижолатда, Мирсалимнинг бошқа ерга ўтиб чалган танбуридан эриб кетган, қўрғошиндек қалқиб турибди, истаган қолипга солиб олса бўлади!

Хотин унинг луқмаларига оғирлик билан жавоб қилиб борди. Мирсалим билиб билмасликка олиб биқинига тегиб кетган эди, бунга ҳам индамади. Мирсалим яна бир погона кўтарилди. Хотиннинг бир жуфт қамчидек узунгина, бақувват сочини ушлаб тегишди:

— Уламамасми?

— Йўқ, уламани сиз олиб берасиз-да.

—Жоним билан! Ўзи қаерда сотади?

— Олиб берадиган одам, сотадиган ерини билмайдими? — хотин жилпанглади. — Янгамга қаердан харид қилган эдингиз?

— Янгангизни қўйсангиз-чи, жонгинам, шарти кетиб, парти қолган. У кишига уламани ким қўйипти.

— Ҳамма эркаклар ҳам шунақа: бегона хотинни кўрганда, уйидагини ёмонлайди.

— Йўқ, рост гапни айтяпман. Шу маҳал олдингиздан чиқиб қолса борми, нақ лабингизга учуқ тошиб кетади!

Хотин индамади. Мирсалим, эритдим, қўлга олдим,

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб шилқимликка кўчди. Бу маҳал хотин уйига етиб қолган эди. Тўхтади. У пастки лабини тишлаб турар, кўзи нимадандир чақнаб ёнарди.

— Мен етдим, — деди у. Кейин сунъийроқ кулди. Кайфдан кўзи қисилиб бораётган Мирсалим буни пайқамади, у чангакдаги гўшт остида сапчисам оламанми йўқми?» деган мушукдай, лабини ялаб, суқланиб турарди.

— Уламани энди қачон олиб берадиган бўлдингиз? — сўради боягидай ясама кулиб хотин.

— Истасангиз эртага-да, жоним! — ялпанглади Мирсалим ва хотиннинг бағрига қўл юбормоқчи бўлди.

— Тўхтанг! Ҳали ташлаб ҳам қочарсиз, — деди хотин, бир қадам орқага тисарилиб. — Ҳу анави кўриниб турган эшигим. Ўғилчам билан иккимиз турамиз. Эримдан ажраганимга бу йил беш йил тўлади.

Бу гапларни эшитган Мирсалимнинг «нахтига йўлиқдим» деб кўзлари лўқ, хаёлида оппоқ тўшалган сим каравот эди.

— Йўлда ёлғиз келгани чўчирдим. Кузатиб келганингиз учун раҳмат. Мен сизни яхши биламан, Мирсалим ака, хотинингизни ҳам танийман. Боринг уйингизга, ҳар кўринган жувонга эргашиб, тилингизни осилтириб юрманг. Уламанинг пулини янгамга бериб қўйинг, эрталаб ўша кишидан оламан.

Хотин истеҳзоли кулиб, шарт орқасига бурилиб кетди. Мирсалим турган ерида шалвираб қолаверди. Унинг қимирлашга мадори йўқ эди. Фақат милиционернинг ҳуштаги ва «ким у?» деган нидоси унга жон киритди. У гандираклаб, икки бор ариққа йиқилиб, уйига етиб келганда қўшнисининг бобоқ хўрози тонг юлдузини қанот қоқиб қутламоқда эди...

Мирсалим бир пиёла муздай сувнинг далдасида ана шуларни эслаб, юраги орқасига тортиб кетди. Урушдан ҳам тундаги аҳволи кўзига даҳшатли кўринди, чунки минг қилганда ҳам уруш узоқда, бу шармандалик эса, чақирса эшитилгундек жойда, ҳали замон шармандасини чиқариши мумкин. «Лаънати нима қилиб ёнимга ўтира қолган экан, — ўзича пушаймон бўлди, — мен ҳам хотинимни олиб борганимда-ку олам гулистон эди. Лекин хотини билан яйраб бўладими? Ўзи ким эди шу хотин? Қайси мактабда ишларди? Ортиқча шилқимлик қилганим йўқми! Шу вақтда «уламанинг пулини беринг» деб кириб келиб қолса-я! Ана шармандалигу, мана шармандалик!

Шунинг ваҳимаси билан Мирсалим наридан-бери кийиниб кўчага чиқди. Кўча ҳар куни кўрган кўчасига ўхшамас эди. Одам қайнайди. Одамлар хомуш, лаблар қисиқ. Қадамлар зарворли, кўзлар ташвишли. Радио карнайлари бор овози билан гитлерчи Германиянинг жиноятқорона уруш бошлагани ҳақида оламга жар солади. Одамлар тўп-тўп бўлиб жон қулоғи билан эшитишади. Ана, бир кампир йиғлаб, дока рўмолининг учини ҳимариб, кўзини артди. Бошқа бири Гитлерни «тўнгиз қўпдиради», асабдан соқолини ҳадеб тутамлаётган чол Гитлернинг соғанасига тош қалайди, ёш жувон эрини қўлтиқлаб туриш ғаниматдай, эрта-индин шунга ҳам зор бўлиб қодадигандай унинг қўлтиғига кириб кетгудек бўлиб, икки қўллаб ушлаб турибди, бошқа бири ташвишдан ёнида йиғлаб келаётган боласини эшитмайди. Ҳар куни кулгиси билан кўчани тўлдириб юрган ёшлар бугун сокин, кулги ўрнига алланимани куйиб-пишиб гаплашади, бир-бирига маъқуллайди. Хуллас, мамлакат бошига зўр ташвиш тушгани етидан етмиш ёшгача ҳамманинг фикри зикрида. Фақат Мирсалимгина катта дарёнинг, тўлқинли дарёнинг бир четида оқимдан узилиб, бир жойда айланаётган чўпдек бақрайиб турарди. Бу узоққа чўзилмади, тўлқин уни ҳам қамраб кетди. Ана шундагина у кечаги хотиннинг «уламанинг пулини беринг!» деб одамлар орасидан чиқиб қолиши, уни шарманда қилиши мумкин эмаслиги, юрт бошига тушган мушкулот олдида ўзининг ташвиши урвоққа ҳам арзимаслигини фаҳмлаб, анча енгил тортди, -шундай пайтда жанжал кўтаргани келадими» деб ўзини юпатди. Уйига қайтиб, юз граммни хотинидан ўғринча ютиб, ўрнига ўзини ташлади. Хотинининг:

— Ҳа, яна уйқуми? — деганига:

— Бошимни сал ремонт қилиб олай, — деди ва орқасини ўгириб олди.

— Камроқ ичинг, сизни биров зўрламагандир. Ё зўрладими?

«Зўрлаш» сўзи Мирсалимнинг хаёлига ичкиликни эмас, тундаги хотинни келтирди. «Оббо, лаънати эрталаб келган экан-да!» деб юраги шувиллаб, кўз олди жимирлаб кетди. Хотини томонга бирдан ағдарилди.

— Кимни зўрлабман? — баланддан келди Мирсалим. Бу кутилмаган дағдағадан чўчиб кетган хотин паст тушди:

— Бировни зўрлабсиз деяпманми! Ичкиликни...

— Ҳа, бундай демайсанми! Менинг қулоғимга...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирсалим яна орқасига ағдарилди. Хотини пичинг қилди:

— Ҳа энди бир камингиз, бировни зўрлаш қолувди. Ўтган йил Қаюм қўноқнинг тўйида ўйинчи қизга пул қистира туриб, томоғидан ушлаганингизни тўртта хотин йиғилишса ҳали-ҳали гапиришади.

— Буни ҳам йигитнинг юрагида ўти бор, қони ўйнаб тургани қилади! — чиранишнамо ҳазил қилди Мирсалим.

— Сизнинг қонингиз қайноқми? Мен сезмайман-ку! — рашк билан ачитди хотини. Бу гап чиранчоқ Мирсалимнинг эрлик нафсониятига тегиб, сирини фош қилиб қўйгандек бўлди. Бошини кўтариб, хотинига елкаси оша сигир қараш қилди: унинг кўзлари қинидан чиқиб кетай дерди.

— Қайноғини кўчада совитиб келаман!!

Эрининг астойдил жаҳли чиққанини кўрган хотини индамади, фақат чиқиб кета туриб, чимчилаб олди:

— Эҳтимол...

Бу гап Мирсалимга боягидан ҳам алам қилди. Лекин тундаги хотин келган бўлса, яна «олтин тўрва»нинг оғзи очилиб кетмасин, деган хаёл билан аччиғини ичига ютди. агар шу томондан хавфи бўлмаганда хотинига «бирор бўйни йўғонни топган бўлсанг,кетаверишинг мумкин» деган бўларди.

Урашнинг бутун даҳшатини Мирсалим эртасига мактабга борганида сезди. Кечаги кунни уйда хотини билан адибади айтишиб, бачканалашиб ўтказганига ҳайрон бўлди.

Мирсалим ўзи шунақа: бир нарсанинг таъмини ҳам, даҳшатини ҳам ўтиб бўлганидан кейин билади, биладию, вақтида пайқамаганидан ажабланади, ёмон нарсанинг ўтганидан хурсанд бўлса, ширинини сезмаганидан ачинади. Ҳозир ҳам худди шундай бўлди. Кечаги энг даҳшатли кун ваҳимасини шундай енгил-елпи ўтказганидан мамнун.

Бир ҳафтада мактаб ёшлардан бўшаб қолди, мактаб тугул шаҳар бўшаб қолди. Военкомат эшигида одам тирбанд. Кунига вокзалдан колонна-колонна ҳарбий эшелон жўнайди. Бугун кўрган одамингдан бир ҳафтадан кейин аллақайси шаҳардан «фронтга кетяпман» ёки «ҳарбий тайёрликдан» деб хат келади. Бу ерда қолганларнинг ҳам бутун хаёли фронтда. Фронтдан эса кунига аҳоли яшайдиган қандайдир пункт, баъзан эса бутун бир шаҳарнинг «қаттиқ жанглардан кейин ташлаб чиқилгани» ҳақида кўнгилсиз хабарлар келади.

— Ўҳў, қадам олиши тез-ку! — деди Мирсалим эрталаб радиога қулоқ солиб. Кейин тишини кўрсатмай сал ишшайиб қўйди.

Яна бир ҳафта ўтди.

Мирсалим юзини ювмаёқ радио ёнига келди. Эшитмай қоладигандек қўлини қулоғи орқасига ҳовуч қилди. Яна нохуш хабар.

— Зўр! Келиши ёмон, — деди, кейин тойчадай ўйноқилаб ювингани кетди. «Қичқир, хўрозим» ашуласини хиргойи қилиб ювинди. Ичидан севинчи тўлқин уриб чиқарди. Хотинига ҳам умрида бир марта кулиб қаради:

— Ишларинг яхшими, хотин?

Хотин ҳайрон: «Бу нима дегани бўлди?» Эрига қараб кайфи борми ўзи, деб ўйлади. Ундай деса ҳозиргина ўрнидан турган. Кеча ҳеч қаёққа боргани йўқ.

Нонуштадан кейин сурма ранг дўппини фуражкага, қора беқасам тўнини гимнастёрка билан энли камарга алмаштирган Мирсалим эшикдан чиқиши билан юзига жиддий тус берди. Юрт бошига тушган ташвишни бирга тортишаётган кишидек бошини сал қуйи солиб кетди. Худди шундай алпозда кабинетига кириб борди. Бугун дарсга кечикиб келган ўқитувчини зуд билан чақиртирди:

— Ҳозир қандай вақт эканини биласизми? — деди зуғум қилиб.

Ўқитувчи важ кўрсатди:

— Қизимиз туни билан иситмалаб, эрталаб ухлаб қолибман.

— Важ қидирманг. Ҳозир важ қидирадиган пайт эмас. Мен бунга йўл қўёлмайман, совет болаларимизнинг тарбиясига путур етишига, айниқса шу масъулиятли кунларда йўл қўёлмайман. Бу жиноят.

Содда ўқитувчи жиноят қилганини энди англаган кишидек гангиб қолди, шошиб ўзини оқлашга киришди.

— Ўзингизни оқламанг, — унинг сўзини бўлди Мирсалим, — бу ёмон одмт. Яхшиси айбингизга, иқрор бўлинг, тузатишга урининг. Мен, албатта, буни педсоветга қўймайман.

Бу «олижаноблик»дан юки енгиллашган ўқитувчи унга раҳмат айтиб чиқиб кетди. Мирсалим ўз тутган йўлидан мамнун эди. Бурнининг остидаги туфланган носдек кичкина мўйловини кўрсатгич бармоғи билан силаб қўйди. «Қичқир, хўрозим»ни беихтиёр хиргойи қилаётганини сезиб қолиб, бирдан тўхтади: бу уйда айтиладиган ашула! Бу ерда ўзини раҳбарона тутиши лозим. Кнопкани босиб котиба қизни чақирди, йўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўриқлар берди. Сўнгра ҳар қачонгидан сал юмшаб, ўзи ҳақида, мактаби ҳақида коллективда қандай гап-сўз юрганини суриштирди.

— Жимжит, — деди қиз қизаринқираб, — фақат Қурбоновни ёқтирмаганидан директорнинг ўзи телефон қилиб фронтга юборди, дейишяпти.

— Масалан, сз шуни кимдан эшитдингиз? — қаттиқ қизиқди Мирсалим лекин мулойим қилиб суриштирди.

— Ҳамма шунақа дейди, — қиз дудуқланди. Аслида у кимдан эшитганини эслолмас эди.

— Менга ҳамманинг кераги йўқ. Биттасини айтинг. Ўша биттаси керак.

Қиз «ўша битта»ни айтолмади. Мирсалимнинг қанчалик жаҳли чиққан бўлмасин, ўзини босди: қизни хафа қилишдан фойда йўқ! Ҳали кўп керак бўлади. Лекин Қурбонов масаласидаги «сир»ни коллектив билиб қолганидан ҳайратда эди. Ахир у жуда эҳтиёт билан ишлаган эди-ку! «Майли, — деб қўйди ичида Мирсалим, — бундан буён шунга қараб иш тутаман. Шарт шу: мактабда менинг олгимни босадиган ҳеч ким бўлмаслиги керак. Ўсиб чиққанини чеканка қилиб, кемтиб тураман».

Мирсалим хижолатдан бармоқларини қирсиллатаётган котиба қизни аста кузатди.

— Киши бунақа бепарво бўлмайди, қизим. Пишиқ бўлинг, чийратма бўлинг. Ҳали мен сизни директорликкача тарбия қиламан, деб юрибман-ку...

Қиз бирдан қизариб кетди. Мирсалим унга яна бирикки ширин сўз қилиб чиқариб юборди. Бу тадбиридан ҳам ўзи мамнун бўлиб қўйди.

Шу кунларда у яна бир одат чиқарган. Ишга сал барвақт келиб, ҳаммадан кейин кетади. Мақсад: мамлакат бошига шундай оғир кун тушган кезларда ўзини қаттиқ ишлаётган қилиб кўрсатиш. Бирор ерга кетса, албатта, котиба қизга тайинлаб, келадиган соатигача айтиб кетади. Вақтида қайтса-ку майли, лекин сал кеч қолгудек бўлса, эшикдан терини артиб, аллакимдан нолиб, шу кунларда иш кўпайиб кетганини таъкидлаб кириб келади. Бу ерда у талай иши қолиб кетган кишидек дарров кабинетга ўзини уради. Бироқ... кабинетда бўлмаґур хаёлларни суриб, ҳадди сиґадиган кишиларига телефон қилиб, ҳиринглашиб ўтиради, унча-бунча бозорўчар ишларини ҳам шу ерда битказиб олади. Лекин столнинг устида доим турли қоґозлар бўлади.

Яна бир ой ўтди. Мирсалим яна одатдагидек радио ёнига келди, қўлини қулоґи орқасига ҳовуч қилиб тинглади. Ҳамон фронтдан хушхабар йўқ, ҳамон душман босиб келарди. Миясига келган фикри шу бўлди:

— Шўро тамом! Нари борса яна бир ойга чидайди, кейин ичи пўкак дарахтдай ағдарилади.

Яна «Қичқир, хўрозим»ни айтиб, ўтган даврларини эслади. Ўтган кунлар кўнглига чироқ ёқди. Бу чироқ тафтида бир вақтлар гўштга тушган қуртдек ғимирлаган, кейинчалик замона зайли билан ухлатиб қўйилган бойвачча орзулари уйгона бошлади, ҳа, хаёлини олиб қочди. Бу орзулар инқилобдан у ёққа олиб ўтар, ўн ёшидаёқ бошига шоҳи салла ўраган тотли йилларини эслатарди. У бобосининг қорабайирига минглашиб растага тушарди, бежирим дўконларида ўтирган, кўкрак чўнтагидан соат занжири чиқиб турган жужун камзул, духоба дўппилик бойваччалар ўринларидан иргиб туриб бобосига салом беришар, отнинг жиловини ушлаб, хушомад билан гап қотишар, бир пиёла чойга таклиф этишарди. Бобоси виқор билан кулиб, барчасига ўзига яраша муомала қиларди. Кейин карвон саройга кириб, карвонидан хабар оларди, уйга қайтиб, меҳмонхонада анча маҳалгача чўт соларди. Овқатдан кейин Мирсалим чой олиб кирганда бобоси чўт қоқиб ўтирган бўларди. Мирсалимни кўриши билан меҳрибонларча кулиб, қўлидан чойнакни оларди ва меҳмонхона охиридаги ҳужрадан гоҳ бир кафт хандонписта, гоҳ пашмак олиб унга берарди.

Бу давлатнинг бир қисмини дадаси бобосидан кейин қиморга бой берган бўлса ҳам, қолганини ички-ташқи ҳовли билан инқилоб олиб қўйди. Вақтни ґанимат билган дадаси бир кечадаёқ Пишпақдан шўнгиб, Мирсалим ҳозир турган шаҳардан чиқди. Бир оз вақт ўтгач, оиласини чақиртириб олди, «туя кўрдингми? Йўқ!» деб, тўнини ўзгартирди, фуқаро бўлиб олди.

Мирсалим ҳозир ана шуларни ўйлаб туриб, дадаси ўлими олдида чақириб, мана буни олиб, хуфия ерга қўй, бир куни керак бўлади, деган тўрвани аллақаердан топиб чиқди. Ундан ўша Пишпақдаги уй-жой ва ер сувларнинг сарґайиб кетган васиқасини олиб, завқ билан кўздан кечирди, ёмби топган одамдек қувониб, кўзларига суртди, чангини қоқиб яна жойига солиб қўйди. Уйнинг у бошидан бу бошига ҳаяжонланиб юрди. Шу пайт унинг кўзига ҳамма нарса чиройли, ҳамма нарса кулиб қараётгандек кўринди. Шунда бирдан кўнглига бир гап келди: у немис тилини билмайди-ку! Жилла бўлмаганда салом беришни, «хуш келибсиз?», «Бизникига ташриф буюрсалар ґоят хурсанд бўлардим!», «Қандай таом кўнгилла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рига хуш келади», «Шу арзимас совғани олиб қўясиз-да» дейишни билиши керак-ку. Азизанинг ўрта мактабда ўқиган немис тили китобини эслаб, уни аллақаердан топиб олиб, чангини қоқиб варақлади... Жон-жаҳди билан ўрганишга киришди...

Эрининг ҳар куни ишдан келди дегунча уйга қамалиб олиб, аллақандай сўзларни ҳижжалаши, тилларини бураб талаффуз қилиши хотинининг ғашини келтирди, унга бачкана бўлиб кўринди. Бир-икки кун индамай юрди, бундоқ қараса, эри бу «қилиғини» ҳали бери тарк қиладиган эмас. Битта-яримта одамнинг кўзи тушиб қолса нима дейди!

Хотин дераза остидан бир оз қулоқ солиб турди. Мирсалим кичкина блокнот-дафтарнинг орасига бир бармоғини солиб, ушлаб олган, икки кўзи уйнинг бурчагида, у ёқдан-бу юққа бориб келиб, ҳар хил сўзларни қироат қилади, эсидан чиқиб қолганини тўхтаб, ўша блокнотдан кўриб олади. «Тавба, ҳеч бунақа одати йўқ эди-ку, — деб ўйлади хотини, — бунча астойдил киришмаса. Эрталаб намоз ўрнига ҳам шуни қироат қиладиган бўлиб қолди».

Эрининг бу иши хотинига ёқмади.

— Бу нима бачканалик кап-катта одамга! — деди эшикдан кириб бориб, — «Гутин таг», «гут гут»дан бошқа ишингиз қолмадими?

Бу Мирсалим учун кутилмаган танбеҳ эди, жаҳли чиқди:

— Кирингга сув ташиб берайми!

— Қачон ташиб берувдингиз, энди ташиб берасиз. Ёшингизга яраша иш тутинг, бирам ярашмаяптики...

— Нима десам ярашади, томоғингни тут бир ўпай десамми? — Мирсалим суюқлик қилиб келиб, хотининнинг энгагидан ушлади. Хотини унинг қўлини силтаб олиб ташлади. Мирсалим салмоқлади:

— Нодонсан, хотин, нодон!

— Ҳа, сиз доносиз!

Мирсалим унинг таънасига парво қилмади:

— Ҳали сен тўхтаб тур, яқинда менинг кимлигимни билиб қоласан.

— Қуруқ кекироқ! Пуч ёнғоқнинг нархи неча пулдан бўлди? Ҳали ёшроғини ҳам кўнглингиз тусаб қолар.

— Тусайди!

— Йўл қўйиб бўлибман!

— У вақт мен ҳам сендан сўраб бўлибман!!

— Нима, подшоҳ янги бўлиб, тахтга хон ўтирасизми?

Хотиннинг оғзидан беихтиёр чиққан бу сўз уни чўчитиб юборди, зотан, унга хуш ёққан бўлса ҳам, оғзига урди:

— Тссс!! Деворнинг қулоғи бор-а!

Хотин хандон солиб, масхаралади:

— Ҳали шу юрак билан юрт сўрамоқчимисиз! Қочинг том босиб қолади.

— Аҳмоқ! Бор, қозонингни юв, мушук ялаб кетади!

Мирсалимга бу суҳбат чалиб турган танбурининг иши узилгандек таъсир қилди. Бағрини эркалаб, руҳини аллалаётган ажойиб куй чала қолди. Мана шундай оромбахш онларни фаҳмламаган хотинидан ранжиди. Бу нима дардда ёняпти-ку, хотини нима деб юрибди, минг қилса ҳам хотин хотинлигига борар экан-да! Лекин Мирсалим бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдириб ўтирмасдан, яна машқини давом эттиришга киришди. Ахир кун эмас, ҳатто соат ғанимат! Фақат деразадан хотинига қараб ичида яниб қўйди: «Шу қилганингга ўша вақт устингга «боссам ер заха бўлади» деб нозу карашма қилиб турган бир дўндиқчасини олиб сени куйдирмасам, Мирсалим эмасман!»

2. ЭЛГА ҚЎШИЛГАН ЭР БЎЛАДИ...

Содиқ қора кунда орттирган дўсти Богунни кўмиб, жардан чиққанда кун алламаҳал бўлиб қолган эди. У йўл биладиган, борадиган ери аниқ кишидек бошлаб кетди. Қишлоқ четидаги бир қўрачанинг эшигини очиб, ичкарига кириб борди. Унга пешвоз чиққан, луччак шафтолидек бежирим кампир Содиқ орқасида хомуш келаётган Диловархўжани кўриб:

— Юриб кетибди-ку, шу кишимиди? — деди.

Содиқ боши билан қандайдир имо қилди шекилли, кампир бошқа сўраб-суриштирмай хонага йўл бошлади. Ғарибгина хонанинг тўридан каравот шу яқин орада кўздан кечирилиб, аллакимга тайёрлаб қўйилгани ёстиғи тўғрилаб, одеялининг бил чети қайрилиб қўйилганидан маълум эди.

— Мана шу ерга жой қилдим, болам... Бу хона холи, — деди кампир хона тўрига ўтиб.

Содиқ жавоб бермай, хона ўртасидаги стол атрофига қўйилган табуреткалардан бирига оғир ўтирди.

— Раҳмат, она, — деди у ахир. — Ҳимматингизга раҳмат! Энди унга ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кампир сапчиб тушди:

— Вой, ўлмасам, нима қилди, вафот этдими?

Содиқ жавоб ўрнида бош қимирлатди. Кампир кўзидан ёш тўкканича, мункайиб қолди, пиқ-пиқ йиглади. Содиқ ҳам бошини қуйи солди, Диловархўжа унга тақлид қилди.

Кампир ўзи бир умр кўрмаган Богунга жони ачиб, унинг вафоти тафсилотини куйиниб сўради, кетидан гапириб юриб дастурхон тузатди, ҳатто, унинг шерикларига далда берди:

— Киши умри бир қултум сув, қулт этди — вассалом, адойи тамом. Қани дастурхонга қаранглар. Олинглар.

У бирпасдан кейин буғи чиқиб турган боршч олиб кирди. Сал титраган қўли билан идишларга сузар экан, индамай ўтирган Диловархўжага гап қотди:

— Ҳа, сен нега жуда хомушсан. Тобинг қочдими? Қўрқиб кетдингми?

Шошиб қолган Диловархўжа кампирнинг гапига қўшилиб қўя қолди:

— Ёлғиз эдим...

— Шунақа бўлади: киши ўликдан қўрқади, энг яқин кишинг бўлса ҳам қўрқасан. Минг қилса ҳам жон чиққан тана-да! Қани, мана буни хўриллатиб, нон билан ичиб олгин, ўзингга келиб қоласан. — Кампир лиммолим тўлдирилган талинкани унинг олдига аранг сурди.

Диловархўжа қорни тўйиши билан, Содиқнинг оёғини босиб, энди йўлга чиқайлик, деган имони қилди. Кампир ҳам уларни тутмади.

— Раҳмат, она!

Хайрлашаётиб, кампир деди:

— Ўртоғинглар қабридан ўзим хабар олиб тураман, шам ҳам ёқаман. Бу томонидан кўнглинглар тўқ бўлсин!

Икки қочоқ узун-қисқа бўлиб йўлга тушди. Содиқнинг кўнглига қўрқув келмас, фақат олган йўлининг тўғрими эканлиги уни ташвишлантирарди. Йўлда биров ушлаб олиши, яна лагерга тушиш даҳшати гўё Богун билан бирга ўша жарда қолган, Богун бирга бўлгандагина қўрқиш мумкинга ўхшаб туюларди.

Диловархўжа, нима содир бўлса ҳам аввал Содиққа йўлиқсин, дегандай ундан икки-уч қадам орқада, етиб ололмаётган одамдек борарди. У безовта эди, Богунни бевақт ўлдирганидан бир лаҳзагина афсусланди. «Жой тайёр экан, ўша ерда қоларди-қўярди» деб кўнглидан ўтказди. Лекин сао ўтмай бу фикридан қайтди. «Қолишга-ку, иссиққина ер экан, қоларди, аммо биров суриштириб қолса нима бўларди? Шармандамиз чиқарди. Ўзининг боши кетса майли, бизга зомин бўларди. Ўла қолса, уларни билмайман, демасди! Жон шунақа ширин нарсаки, ошна-оғайни тугул, ота-онадан тондиради!»

Ана шу мулоҳазага борган Диловархўжа бу томондан кўнгли тўқ эди. Бироқ йўл хавотирлиги, эртаги кун тақдири, бундан кейин қиладиган ишлари темир занги бўлиб ич-ичини кемирар, учраган ҳар киши унинг жонига қасд қилган бўлиб кўринар, ҳар қишлоқ бир қопқондек туюлар эди. Содиқнинг ишонч билан боришини кўриб, унга ҳаваси келар, ҳатто: «Шу серка бўлмаганда бу томонларда йўл топиш менинг учун ўзи бўлармиди!» деб кўнглида мамнун бўлиб қўярди, унга орқа қилиб, унинг далдаси билан дадилроқ борар, бўлмаса шу вақтгача аллақайси кавакка уриб кетган бўларди.

Бир ҳафта деганда улар қишлоғи кўриниб турган ўрмоннинг бир четида тунашга қарор қилишди. Содиқнинг тахминига кўра, фронт энди жуда ҳам олис бўлмаслиги керак эди.

— Энди бу ёғи нима бўлади, Содиқжон? — деди Диловархўжа хавотирланиб ва курсидаккина бўлиб турган тўнкага ўтирди.

— Бу ёғи ҳақида эрталаб бош қотирамиз. Ҳозир дам олиш — ухлаш керак, — деди Содиқ режасини аллақачон тузиб, қаноат ҳосил қилиб қўйган кишидек, сўнгра хазондан наридан-бери жой тайёрлаб, устига чўзилди.

— Киши юраги шунақа ҳам дарё бўладими! — деганича Диловархўжа унинг ёнидан ноилож жой олди. Унинг тахминича Содиқнинг юрагини дарё қилиб, кенг туттираётган нарса ҳамон ўз гуноҳига иқрормаслиги ва энди қочиб бўлса ҳам яна ҳаётдан ўз ўрнини топаётганига бўлган ишончи эди. Бу нарса унинг юрагига юрак, ишончига ишонч қўшади, уни хотиржам тутади. Худди шуни тасдиқлагандек, сал ўтмай Содиқ бемалол хуррак отиб, уйқуга кетди. Диловархўжа ҳам кўзини юмди, лекин ҳадеганда ухлолмади, хаёл тизгинсиз отдек ҳар томонга судраб кетди, бир ерда тўхтамади. Унинг юрмаган тошлоғи, кирмаган кўчаси қолмади, охири хаёлининг кети тушга улангандек бўлди-ю, ухлаб қолди. Қанча вақт ўтганини билмади, бирдан оёқ товушлари келди. «Бўри қулоғи овда» бўлиб, қуш уйқусида ётган Диловархўжа, албатта, биринчи бўлиб пайқади. Дик этиб бошини кўтарди, қулоқ солди: чиндан оёқ товушлари...

— Содиқжон! Содиқ! Бизни қуршаб олишди. Туринг! — деди нафаси бўғизига тиқилиб у.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Содиқ қаттиқ уйқуда эди, унинг қулоғига «турин-г»дан бошқа сўз кирмади. У алан-қалан бошини кўтариб:

— Ухласангиз-чи! Мунча шошасиз, ачангизнинг палови қирмоч олиб кетадими!.. — деди. Диловархўжа унинг гапи тугамасданоқ бояги гапини такрорлади. Содиқ ишонқирамай кўзини уқалади:

— Сизнинг нимангизни қуршайди. Қаноти синган қушдай чўзилиб ётибсиз-ку, керак бўлса босади-олади.

Шу пайт беш-олти кишининг шарпаси кўринди. Улар тўғри шу томонга келарди: ҳарбий формада, қўлларида милтиқ.

«Булар ким бўлди?» деб кўнглидан ўтказиб, Содиқ ёнига қараса, Диловархўжа йўқ: анча нарида энгашганича пилдирлаб кетяпти. «Қаёққа қочасан, нодон» дея кулиб кўнглидан ўтказди Содиқ. Буни гўё эшиттандек Диловархўжа қўшалоқ ўсган дарахтнинг орқасига ўзини олиб, унинг айрисидан қуён мўралаш қилди. Бу орада милтиқли кишилар Содиқ олдига етиб келишди. Содиқ уларни кўриб жуда ҳайрон бўлди: кийим-бошлари кирчир, соқол-мўйловлари ўсиб кетган, пойгадан қайтган отдек юз-кўзлари ҳорғин, милтиқларининг қўндоғига лой теккан.

Улар Содиқнинг кимлиги билан қизиқмай, унинг қаршисида тўхташди. Биттаси, манзилимизга етдик, дегандек кеча Диловархўжа ўтирган тўнкага оғир чўкди. Бошқалар ҳам ўтиришди. Тўнкада ўтиргани ҳеч нарсага парво қилмай:

— Бир чектиринг! — деди Содиққа. Содиқ «йўқ» дейишга тили бормай, ҳамон бутоқ айрисидан «қани Содиқни нима қилишар экан?» деб кўзи ола-кесак териб турган Диловархўжага қўли билан «бу ёққа келинг» деб ишора қилди. Ҳуркиб дарахт орқасидан зўрга айрилган Диловархўжа уч-тўрт қадам қўйиб, яна хавотирсираб тўхтаб қолди.

— Тамакидан олиб келинг! — деди Содиқ. Ана шундагина Диловархўжага жон битиб, қадамини тезлатди, юзида кулгига ўхшаган бир нарса пайдо бўлди.

— У ким? — қизиқди милтиқлилардан бири.

— Шеригим. Сизларни немис гумон қилди шекилли. Ўзинглар қаёқдан келяпсизлар?

— Қуршовдан чиқдик. Ўн кун деганда зўрга ёриб ўтдик. Кўплар қолиб кетди. Лаънатининг миномёти нафас олдирмайди. Солдатини танкка ўтқазиб, қўлига автомату, миномёт берганга ўхшайди.

Бу орада қўлида тамаки тўрвасини ушлаб Диловархўжа етиб келди. Унинг қўрққани ҳали ҳам қўлларининг титраб туришидан ва асабий боқишидан аён эди. У тамакини кир-чири, ўсган соқоллари билан ўзини ҳайратга солган аскарларга эмас, нима учундир, чекмайдиган Содиққа тутди. Содиқ:

— Уларга беринг! — деди боши билан аскарларни кўрсатиб.

Аскарлар донга ёпирилган товуқдек тамаки тўрвани қуршаб олишди. Сал кечикишса кайфи тарқаб кетадигандек шоша-пиша ўраб чекишди. Кайфини баданга сингдираётгандек гап-сўздан қолиб, кўзларини сузиб ўтиришди, аччиқ тутун ҳам уларни ташлаб кеттиси келмагандек, даврада ҳалқа-ҳалқа бўлиб айланарди. Папиросларни чекилиб бўлганидан кейингина улар астойдил танишдилар. Содиқ ўзларини аскарликка чақирилиб, бомбардимонда қолган қилиб кўрсатди.

— Энди нима қилмоқчисизлар? — деди тўнкада ўтиргани.

Содиқ ҳали бир фикрга келмаган кишидек елкасини қисди.

— Бу кунларда қисмингларни топиш амри маҳол. Истасанглар биз билан бўлинглар.

Содиқ умрида бир марта ёлғон ишлатди. У аскарнинг таклифини жон деб эшитиб турган бўлса ҳам, «сиз нима дейсиз, ё ўз қисмимизни қидириб топамизми?» дегандек Диловархўжага қараб қўйди. Диловархўжа бу ҳаракатнинг маъносини тушунмай ҳайрон эди.

— Майли, жанг қиладиган фронтимиз бир, душманимиз битта бўлгандан кейин қайси қисмда бўлишимизнинг нима фарқи бор, — деди Содиқ.

— Тўппа-тўғри! — унга қўшилди аскар. Лекин бошқа бири ҳадеб суриштираверган эди, ўша тўнкада ўтиргани силтаб ташлади, Содиқлар ёнини олди:

— Бунча суриштиравердинг, онанг терговхонада туққанми? Сендан ош-нон сўраб, ўқ товуши келмайдиган жойга олиб бориб қўйинг деятгани йўқ-ку, бирга жанг қилмоқчи. Ё сенга фашист камайиб қоладими? Хотиржам бўл, сен эмас, оға-инингга ҳам етади!

— Ҳушёрлик... — деб гап бошлаган эди у, яна тўнкада ўтирган оғзига урди:

— Ёнини тит, яна радиопередатчиги бўлмасин!

Бирдан кулги кўтарилди. Шу билан гап-сўз тугади.

Содиқ, гарчанд ўша ҳушёрлик ҳақида гапирган аскарнинг фикрига қалбан қўшилса ҳам, ўзининг яхши ният

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ноилож шу қалтис йўлни тутаётганидан, шу лаҳзада унинг турқи совуқ кўриниб кетди. «Бир балони бошламасайди кейин», деб кўнглидан ўтказди. Диловархўжа ҳам ўша аскардан чўчиётган бўлса керак, унинг хатти-ҳаракатидан кўзини олмасдан, баъзан «мана бунисининг гаплари илмоқли-ку, кейин тахири чиқмайдими?» дегандек, Содиқ билан кўз уриштириб оларди.

Ваҳима билан бошланган бу тасодифий учрашув уларнинг жонига ора кирди.

Улар уч кундан кейин қуршовдан чиққанлардан тузилган қисмда, форма кийиб сафда туришарди. Ишнинг бунчалик енгил кўчганидан мамнун Содиқ «қалай, энди хурсандмисиз?» дегандек, Диловархўжага кўзини қисган эди, у ҳам «охири хайрли бўлсин» деб жилмайиб қўйди.

— Дўстлар билан бирга жанг қилишдан яхши нарса борми, — деди Содиқ кечқурун ўрнига чўзилар экан, — ҳалок бўлсанг бир чуқурда, тирик юрсанг бир тепада бўласан!

Ёнига ётган Диловархўжа уни эшитса ҳам, ўзини ухлаганга солиб, индамади.

3. ЁВУЗ НИЯТЛИ КИШИ

Мирсалим қанча уринмасин, йўлини қилолмади — фронтга кетадиган бўлди. Гарчанд мактабга «эл бошига тушгани — эр бошига тушгани» деб мақол айтиб, мамнун кириб келган, «ўзим бориб, йўлини тўсмасам бўлмайдиганга ўхшайди», деб керилган бўлса ҳам, остонадан ҳатлаб уйга кирди дегунча, бутун заҳрини хотинига сочди.

— Мана, хотин, бачканалик қиладиган эрдан қутулиб қолдинг. Қуруқ кекирмайдиган бирорта бўйни йўғонни топиб оласан энди.

Хотин гапнинг нима ҳақида бораётганини дарров фаҳмлади. Бошқа вақт бўлса ҳақини юбормаган бўларди. Не чораки у фронтга кетяпти, қайтиб келиши гумон ерга кетяпти. Бу албатта эри учун эмас, ўзига ҳам оғир эди. Лекин хотин эрининг турқини кўриб, ўзини тутиб олди, тиқилиб келган аччиқ ёшни зўрга қайтарди. Агар у шундай қилмаса, бу йиги ё эрининг яна аччиқ таънасига дучор қилар ёки унинг фарёдига сабаб бўлар эди. Хотин иккисини ҳам истамас, жуда бўлмаганда, шу охирги кузатув кунларида ўзини тутишга, шу билан эрига ҳам далда беришга қарор қилди.

— Юртга келган тўй, дадаси. Ўзингизни бунақа диққинафас қилиб, куйиб-ёнишингизнинг фойдаси йўқ. Худо насиб қилса тўрт кўз тугал кўришамиз. Қирқ йил қирғин бўлса ажал етган ўлади.

— Борди-ю, менинг ажалим етган бўлса-чи... — Мирсалимнинг кўзида ёш қалқиди.

— Ниятингизни яхши қилинг! Ҳар иш ниятга яраша бўлади.

Мирсалим кечаси билан безовталаниб аганаб чиқди. Сурмаган хаёли, кўрмаган туши қолмади, эрталаб шундай бўлиб ўрнидан турдики, туши билан хаёлини ажратолмай қолди. Кечаси икки марта йиғлади. Хотинининг қилмаган тадбири қолмади. Ширин гапирди, далда берди, орқаларини узоқ силаб ётди, оёқларни ўқалаб қўйди. Агар бошқа вақт бўлганда Мирсалим хотинининг қўлидан шунчалик меҳрибонлик келишини билиб қувонган бўларди. Лекин у ҳеч бирини ҳозир қадрламас, бунинг барчаси касалнинг ўлими муқаррар бўлганда доктор «энди парҳезнинг кераги йўқ, кўнгли нима тусаса, бераверинглар» дегандек туюларди.

— Мана мени айтди, дерсиз, кипригингизга гард юқмай омон-эсон қайтиб келасиз, —деди хотини эрини хаёлдан чалғитиш учун.

— Йўқ, хотин, йўқ... сен билмайсан, — деди Мирсалим шифтга қараб, тоқи санаб ётганича. Лекин хотини нимани билмаслигини айтишга тили бормади, юрагини оч мушукдек тимдалаб ётган дарди уни минг балога мубтало қиларди, унга тинчлик бермас эди: у фронтга борса, бекорга ўлиб кетса, немис ғалабасидан кейин даври давронни ким суради! У орзу қилганича, дард чекиб ёнганича кўзини юмиб кетаверадими! Йўқ, бунга у асти чидолмас эди, чидагиси келмас эди.

Бу аламини Мирсалим хотинига айтмоқчи эмас, айтгани билан у тушунмайди, башарти тушунганда ҳам қўлидан нима иш келади. Мирсалимдан кейин «вой эримлаб» минг фарёд чексин, бир йил эмас, беш йил қора кийиб азасини тутсин — бундан унга нима наф бор! У ўзи ўша кунларни кўрмоқчи, ўзи даврон сурмоқчи!

Мирсалим эрталаб барвақт уйғонди. Таҳорат олиб, узоқ намоз ўқиди, кўзидан ёш оқизиб, алланарсаларни жойнамоз устида ният қилди. Ихлос билан ўрнидан туриб, қизарган кўзлари билан икки ёнига салом берди. Эшикдан нонушта кўтариб кирган хотинига очиқ юз билан қараб, «бисмилло» айтиб дастурхонга ўтирди. Одоб билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

нон ушатиб бир бурдасини оғзига олар экан, қизи Азизани сўради:

— Келмадими?

— Келиб қолади, кеча тайинлаб айтиб юборганман.

Азиза дадаси билан Қодир туфайли ўша гапга боришиб қолгандан бери бир қанча вақт ўтган бўлса ҳам, ҳамон яра битиб, изи йўқолмаган, қори кетиб, музи қолган эди. У ҳамон ётоқда турарди. Лекин илгаригидек дадаси билан «пўм» эмас, онасининг илтижо-илтимоси билан дадасининг бир оз тоби қочган бир кези салом бериб келган, ҳолини сўраган, шундан бери уйга келиб-кетиб турарди. Ҳа, ростдан ҳам, ўша биринчи тўқнашувдан кейин Азиза яна дадасини бир ачитиб олганди. Бу Мирсалимнинг сурбетлик билан Адолат холаларнинг уйини бўшатиб олганидан кейин содир бўлганди. Бу гал Азиза дадасига тик туриб, башарасига очиқ айтмаган бўлса ҳам, унга эшиттириб, онасига бундай деди: «Бир дастурхондан нон еб, бир пиёладан чой ичган одамнинг ҳовлисини тортиб олгани уялмадингларми! Эртага эшик қоқиб кириб келса, қайси юз билан башарасига қарайсизлар? Майли, бошқа одам олсин эди, ўша яхши эди. Лекин сизлар эмас! Бу пасткашлик! Қайси бола-чақангларга жой етмаётган эди. Мен ўлсам ҳам бу ҳовлида турмайман, илгари қайтиб келиш фикрим бўлса ҳам, энди қайтмайман. Кишилардан номус қиламан, уяламан. Уят!»

Азиза ўз сўзида турди. Бу ҳовлига қайтиб келмади, Келиб-келиб турди, эл-юрт олдида «ота безори, она безори» бўлиб кўринмаслик учун онда-сонда келиб турди. Лекин ғишт қолипидан кўчган, муомалалар жуда «ўта расмий» эди. У дадасига букилиб пешвоз чиқмаганидай, дадаси ҳам эгилиб «кел қизим» демас, дейишга иззат-нафси йўл қўймас эди. Шундай бўлса ҳам Мирсалим фронта кетиши аниқ бўлгандан кейин, уни айтиб юборишни хотинидан илтимос қилди.

Азиза, уларнинг тахминича, нонуштага етиб келиши керак эди. Чиндан ҳам нонушта охир бўлиб қолганда кириб келди. Орада ҳеч нарса ўтмагандек улар билан сўрашиб:

— Сиз хавотир олманг, — деди у Мирсалимга, — ойим ёлғиз қолмайдилар, хабар олиб тураман.

— Кўчиб кела қолсанг-чи! — майингина қилиб деди Мирсалим.

— Буни бир ўйлаб кўриш керак. Эҳтимол, кечалари ойимни ёлғиз қўйиб, чўчитмаслик учун кўчиб келарман.

Лекин ҳозир эмас. Сал имтиҳонларимдан қутулиб олай.

Бу гап шу билан тамом бўлди. Энди нима ҳақида гап боришини ҳеч ким билмас, ҳар ким шундай пайтларда бўладиган ўй-хаёл билан банд эди.

Охирги қултум чойни ҳўплаб, пиёлани бир четга суриб қўяр экан, Мирсалим Азизага қараб ҳазин товуш билан салмоқлади:

— Нима қилсам, сенлар учун қилдим, нима десам, сенларга жоним ачигандан дедим. Мана энди фронт кетяпман. Фронт борса келмасдай жой. Сени бир кўрай деб чақиртирган эдим, қизим...

Азизанинг назарида дадасини биров алмаштириб кетганга ўхшарди! Наҳотки, айтганини қилдирадиган, ушлаганини кесадиган дадаси шу киши бўлса!

Азизанинг ўзгариб қолган дадасига раҳми келди, уни «Бағри тош, дийдаси қаттиқ» деб юрганидан ҳозир ажабланди. Дадасининг кўзида қилт-қилт қилиб турган ёш уинг ҳам кўзига ёш чиқарди, лекин уни тўкишдан Азиза ўзини эҳтиёт қилди. Қандайдир био сўз айтиб, ўлими олдида хайрлашаётган кишидек кўзида ёш билан эзилиб турган дадасининг кўнглини кўтармоқчи бўлди-ю, шундай таъсирли бир сўз тополмади. Фақат: «Ундай деманг, дада, фронт кетаётган битта сиз эмас», — дея олди, холос.

— Уларнинг йўли бошқа, меники бошқа, — деди беихтиёр Мирсалим ва бундан чиқадиган маънодан чўчиб, бошқа бир таърифга бурди: — Менинг ёшим улгайиб қолган...

— Ёшингиз катта бўлса ҳам, соғломсиз, бақувватсиз.

— Ажал соғлиқ суриштирмайди, қизим, учган ўқнинг ақли йўқ.

Азиза энди билдики, шу вақтгача қамчисидан қон томиб, сўзидан илон пўст ташлаган ва ботир кўринган дадасининг ичи пўнг экан. Фронтга боргиси йўқ, ҳар қанча ботирлик керак бўлса шу ерда қилмоқчи.

Мана шуларни ўйлаб туриб, Азиза кўзида пайдо бўлган ачиниш ёшларининг қаёққа кетиб қолганини сезмади. Унинг ўрнини қандайдир бошқа бир ҳис олган эди. Бу раҳм ҳисси эмас, балки бўлак бир нарса эди. Шунинг учун ҳам у йиглаб турган дадаси билан совуққина хайрлашиб қолди. Кейинчалик онаси:

— Бунча дийданг қаттиқ, қизим кўзингга ёш ҳам келмади-я! Даданг ўтай эмас эди-ку! — деган эди, Азиза:

— Ўзим ҳам билмайман нега шунақа бўлди, ойижон, — дейишдан бошқа жавоб қилолмади ва нима учундир кўзидан дув ёш тўкилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирсалимнинг режаси бўйича, у тўғри фронта тушмаслиги керак. У билан бирга кетаётганларнинг барчаси тойланмаган пахтадек бўш, хом кишилар. Умрида қўлига милтиқ ушламаганлар ҳам бор. Демак уларни бирор ерга олиб бориб ўргатишлари, машқ қилдиришлари шарт. Бу машғулот камида уч ой, бўлмаса ярим йилга чўзилади. Бу муддат қисқа фурсат эмас. Бу орада уруш тугаши, жилла бўлмаса, «яраш-яраш» бўлиши мумкин.

Поездда кетаётган Мирсалимнинг фикрига шу хаёллар келди-ю, кўнгли равшан тортди. «Саронжомингизни олинг, фалон куни кетасиз» деб буйруқ олгандан бери бўғилган иштаҳаси очилди. Ҳамманикидан кўра каттароқ сафар қопини олдига сурди. Унда нималар йўқ эди: шакар аралаштирилган талқон, яхна гўшт, патир, мева-чева, ширинликлар, бир қутичада чой, чойнак-пиёла, иккита қошиқ (биттаси запас), зарур бўлганда биронта командир билан «отамлашиш»да жуда ўнг келадиган хом қази (пиширилади жой доим топилади!), иссиқ пайпоқ...

Мирсалим кўнгли тусаган нарсаларни олиб, олдига қўйди...

Учинчи кун кечқурун Мирсалимни яна ташвиш босди: нега ҳалигача бирор ерга тушишмайди? Бу кетишда ҳадемай фронта етиб қолишади-ку! Йўғ-е! Машқ қилдирмасдан-а!

Мирсалимни машқ, ҳарбий тайёрлик эмас, шу орада ўтадиган вақт қизиқтирарди, албатта. У фронтга тушиш, ёғилиб турган ўқлар, портлаб турган мина ва снарядлар орасида жанг қилишни тасаввур этолмас эди. Унинг назарида уруш тугаб қолди, вақтдан ютиш керак, холос. Лекин поезднинг ҳамон елиб боришига тушунмасди.

— Тўппа-тўғри фронтга олиб бориб туширадилар шекилли, — деди Мирсалим жўрттага ҳамроҳининг фикрини билиш учун. Қорачадан келган, дўнг пешона ҳамроҳи унинг бу қизиқ саволидан «бунинг ўзи соғ одамми?» дегандек мийиғида кулиб қўйди.

— Бўлмасам-чи! — деди қатъий қилиб у, — далага чиқиб «ҳоммопиш» ўйнамоқчимидингиз?

Мирсалим ичида «тўнкага ўхшаб қўпол бўлмай ўл» деган бўлса ҳам:

— Ахир машқ-пашқ деган нарса бўлади. Ҳали милтиқ олганимиз йўқ, — деди ётиғи билан.

— Хавотирланманг, ёқалаштиргани эмас, жанг қилгани олиб кетишяпти. Ҳали қурол ҳам беришади, қанақа қилиб урушишни ҳам ўргатишади.

— Мен ҳам шуни сўраяпман-да, элат, — деди кўнгли

бир оз тинчиб Мирсалим. — Юзингда кўзинг борми, демасдан, кишини силтаб гапиришингиз яхшимас.

Дўнг пешона яна кулиб қўйди, узр сўраган бўлди:

— Кўнглингизга олманг-ку, қўшни, саволингизнинг ўзи йўнмаган таёқдек бесўнақай эди. Қанча тез фронтга тушсак, шунча яхши эмасми! Душман мамлакат ичкарисига қанча кўп кирса шунча ёмон, ахир уни қувиб чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Унинг йўлига тезроқ ғов ташлаб, тўхтатиш керак. Буни сиз билан мен қилмасак, ким қилади!

— Кейин орқасига қайтариш-чи? — унинг гапини бўлди қаршида ўтирган қош-кўзларига сурма қўйгандек чиройли йигит. — Ҳали қиладиган ишимиз кўп, биродар.

— Эҳтимол, сиз билан биз анави дўстим айтганидек, ғов бўлиб душманни тўхтатганча ўша ерда кўз юмармиз, бошқалар уни кетига суриб кетар. Шер ҳамласига қарши ташланган киши ўлимини ҳам бўйнига олиб қўйиши керак. Биз сайилга эмас, жангга кетяпмиз, — деди Мирсалимнинг ёнида ўтирган суяклари бузуқ, елкаси кенг лўлинамо ўрта ёш киши.

— Албатта! Албатта! — деди жуда ўнғайсиз аҳволда қолган Мирсалим. Лекин у бу кишиларнинг ёниб гапиришига ишонгиси келмас эди: наҳотки кишилар ўлимга кета туриб, анави лўлинамо айтгандек, шер ҳамласига қарши бора туриб, шунчалик дадил бўла олади, бирор ерда беш-олти ой тинчгина машқ қилиб ётишдан кўра тезроқ қиёмат қирғин бўлиб турган фронтга тушишни афзал кўради. Йўқ, бу одамлар ё мен кўриб юрган кишилардан эмас ёки ўшаларнинг ўзи-ю, фақат тилини сал қайраб олган ва ё бўлмаса, улар бирдан ўзгариб қолган, мен тушуниб бўлмайдиган, менинг ақлим етмайдиган даражада ўзгариб қолган. Бу ёғи энди душман билан қамти келганда маълум бўлади деб кўнглидан ўтказди Мирсалим, аммо яна ичида, булар ҳам фронтга тушишга кўзи етмаганидан шунақа дейишяпти. Наҳотки буларнинг жони савил, деб қўйди. Пайти билан уларни бир-бир кўздан кечирди. Дўнг пешонанинг бирор фирибгарлик қиладиган турқи йўқ, боя гапираётганда қандай бўлса ҳозир ҳам шундай: хотиржам, бошини сал бир томонга ташлаб поезд тебратишида аллаланиб бормоқда. На хомуш кўзида бир қувлик бор, на ўтиришида. Қош-кўзига сурма қўйгандек чиройли йигит суҳбат тугаши билан яна қўлига китобини олиб завқ билан ўқиб кетяпти. Ҳатто чиройли кўзи, кам гўштгина юзида кулги аломатлари ҳам кезади. Ташвишли, қув, тили билан дили

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқа одам бунақа сафарда ўзини бунчалик эркин ва бемалол тутолмайди, ҳар қандай ичидан пишган бўлганда ҳам, сохталиги очилиб, миси чиқиб қолади. Анави суяклари бузуқ лўлинамо-ку, икки дунё менга бир қадам. Яшашни билардим, ўлишни ҳам биламан, курашни-ку қойил қиламан. Онам мени асли шунга туққан, дегандек оғир жангда ўзига тенг келадиган йўлдош қидиргандек ҳаммани бир-бир кўздан кечириб, ўзича хулоса чиқариб, ишонч билан ёнбошлаб ўтирибди. Унинг хатти-ҳаракати ва сўзида бирор ясамалик бўлишига киши ишонмайди. «Менинг бўлганим шу. Менга ишонсанг мана, ишонмасанг ачангнинг арвоҳига» дегандек, юзига нисбатан кичкина кўзлари сокин йилтиллайди. Унинг нимасидир Мирсалимга Содиқни эслатди. Лекин нимаси ўхшашлигини топиб ололмади. Содиқнинг эсга тушиши эса, Мирсалимни туни билан ухлатмади: уруш эрта-индин тугаса, Содиқ қайтиб келса, унда нима бўлади? Бутун сирларимдан воқиф бўлмаганида ҳам, у ўтирган ҳовлини тортиб олганимнинг ўзи бахтимни қора қилиш учун кифоя эмасми? Эй, калтафаҳм Мирсалим! Бошини ейишга-ку единг, шу ҳовлига чангал солишнинг сенга нима кераги бор эди! Мана энди нима бўлди? Арзимаган ўша ҳовлини деб, тилинг қисиқ, юзинг шувут. Ширин сўзлик билан бўшатиб олган бўлсанг ҳам майли эди. Адолат холанинг оппоқ сочлари билан қон йиғлагани эсингдами? Нималар деб чирқилламади, нималар деб илтижо қилмади — ҳеч бирига қулоқ солмадинг, «давринг келди, сур бегим» деб орқа-ўнгингга қарамадинг. Энди-чи. Энди нима бўлади?

Эрталаб турганда Мирсалимнинг мияси бу ташвишлардан анча холи эди, ҳатто кечаси беҳудага шунча изтироб сурганидан мийиғида кулиб қўйди: нодон бошим!

Поезд эса, ҳамон километрлар танобини тортиб, уфққа бигиздек санчилиб борарди. Кечаси саҳро тугаб, ўрнини рус ерининг манзаралари: ям-яшил қарағайзор, буғдойзор, кўм-кўк ўтлоқ, томи ниш, ёғоч уйлар алмашган эди. Ана шапкасини бостириб олган рус бола ўтлатиб юрган сигири ёнида туриб поездга қўл силкиятти.

— Бу ерларнинг ҳавоси бошқача, — деди қоши кўзи сурма қўйгандек чиройли йигит. — Ҳу анави ўрмонларни қаранг: ичи роҳатижон!

— Бўлганмисиз? — сўради дўнг пешона.

— Йўқ, ўқиганман.

«Ёш-да, ўқиганининг ҳаммасини рост деб юради» дея кўнглидан ўтказди Мирсалим уни эшитиб. Йигит эса

бутун умри рус ўрмонида ўтгандек, оғзидан бол томиб таърифини қиларди.

— Шундан озгинасини бизнинг томонга бермаганда! — дея ўкиниш билан сўзини тугатди йигит. Дўнг пешона эса, Ўзбекистон тоғларидаги арчазорларни мақтаб, турли-туман мевалари билан рус ўрмонидан қолишмайди, деган фикрни айтди. Суҳбат табиат бойликлари ҳақида кетиб, анча вақтни олди. Лекин Мирсалим фронтга, тиштирноғигача қуролланган душман билан жанг қилгани кетаётган бу одамларнинг юрагига шу гаплар сиғганига ажабланарди. Бу ҳам етмагандек, чиройли йигит китоби ичига газетадан қирқиб солиб қўйган бир парчани олиб:

— Ўқиб берайми? Эшитасизларми? — деди.

— Хўш? Хўш? Қани! — деди суяклари бузуқ лўлинамо киши гавдасига ярашмаган бир қизиқиш билан.

Йигит, сизлар нима дейсизлар, малол келмайдими, деган каби кўзларини атрофга югуртириб чиқди, кейин ўқиди. Бу ўзбекнинг севимли шоири Мақсуд Шайхзоданинг «Кураш нечун?!» деган оташин шеъри эди. Йигит бу шеърни илгари ҳам катта давраларда ўқиган ёки яхши машқ қилган бўлса керак, расмият учунгина қўлида ушлаб турарди, аслида ёд ўқирди.

Бу кураш истиқбол машъали учун,
Лениннинг мужассам ҳайкали учун,
Бу — элнинг гўдаги, чоли, гўзали,
Навоий «Хамсаси», Бобир ғазали,
Дуторнинг мулойим унлари учун,
Ижоднинг муҳташам кунлари учун.
. . . . . .
Шу учун курашмоқ бизга фарз бўлди,
Юраклар оташин нафратга тўлди.
Эй Ватан, эй дунё, эй инсон, қардош,
Халқлар эрки учун берамиз бардош.
Зафарнинг нашъасин тотиган эрлар:
«Эрк десанг, урушда енгиб чиқ!» дерлар.

— Шоирлар ҳам ўлмасин, дўндириб айтади, дилингдагини топиб айтади, — завқланиб кетди дўнг пешона.

— Дўндирса ёзсин-да! Ўликнинг нафасидай совуқ шеърнинг кимга кераги бор! — деди шеър завқидан кейин ўрнига ўрнашиб ўтирар экан суяги бузуқ лўлинамо киши.

Мирсалим бу гапларга аралашмади, тўғриси, бу гаплар унинг юрагига сиғмас эди. Поезд юрган сари унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўзига кўлоб бўлиб ётган фронтдаги қон, мурдаларни босиб-янчиб келаётган немис танклари, ўзининг жонигина кўринарди. У бу хаёллардан ўзини зўрлаб ҳам ажратиб ололмас, боши зирқираб оғриб, чаккаларига биров бигиз санчётгандек азобланар, қовоғи оғирлашиб, мудроқ босарди. Уйқусида ҳам боши кетини тушуниб бўлмайдиган алламбалоларни кўрар, кўзини очганда бирортасини эслаб ололмас эди. Ёнида кетаётган, ўзи билан сафари бир, тақдири бир кишиларга ўхшашни баъзан истар, уларнинг суҳбатига гоҳо аралашарди-ю, бари бир қўшилиб кетолмас эди. Бошқалар эса кундалик ҳаётини янги бир шароитда давом эттираётган, бундан кейин ҳам ҳар қандай шароитда давом эттириши мумкин ва қўлидан келадиган кишилардек боришарди. Улар учун фронт Мирсалим тушунганидек даҳшат эмас, балки булар фронтга, фронтдаги душманга даҳшат солиш учун кетаётганга ўхшайди. Мана шуниси Мирсалимга яна ҳам қизиқ туюларди.

Поезд бешинчи кун кечаси бир станцияда тўхтади. Мирсалимнинг вагондан чиқиши билан қилган иши атрофга қулоқ солиш бўлди: ўқлар овози келаётгани йўқми? Бу томондан хотиржам бўлганидан кейин станцияни кўздан кечирди. Бу ерда унинг диққатини тортадиган ҳеч нарса йўқ эди. Дала жойларда бўладиган оддий станция: икки қаватли бир бино.

Нарсаларини машинага солиб, ўзлари саф тортиб, йўлга тушдилар. Сокин тун. Осмон тўла юлдуз, лекин ёруғи йўқ. Йўл бўйидаги дарахтлар ҳурпайган товуққа ўхшаб кўринади, қоп-қора. Саф ярим соатча юргандан кейин ўрмонга кириб кетди. Ўрмон ичи боягидан ҳам жимжит, фақат баланддан дарахт бошларини тебратиб ўтган шамолнинг пихиллашга ўхшаш бўғиқ товуши бир текисда келади. Аскарлар ҳам бу ўрмон тинчлигини бузгиси келмагандек чурқ этмай боришарди, фақат баъзида старшинанинг: «Сочилмасдан юринг!» деган товуши янграб қолади, чопиб олдинга ўтгани кўринади. У колонна этагидагилар етиб олиб, саф тартибга тушгунича, саф олдида ўзи секин бошлаб боради, кейин яна ёнига ўтиб кетади.

Бир маҳал палаталар тикилган каттагина майдонга чиқдилар. Бу ерда аввал ҳам аскарлар бўлгани биринчи қарашданоқ кўриниб турарди. Янги келганларни отделениелари билан палаталарга бўлдилар...

Қош-сўзи сурма тортгандек чиройли йигит эрталаб ювиниб келиши билан:

— Поездда менга «ўзинг ўрмонни кўрганмисан?» деяётган ким эди? Қани, ўша одам айтсин-чи, ўрмон ёмон эканми? Роҳатижон-ку! Анави дарахтларни қаранг, сафга тизиб қўйганга ўхшайди-я. Адллигини кўринг,— дея ўрмон сайилига келган кишидек қувонч билан кунини бошлади.

— Шунинг ўндан бири мева дарахти бўлармиди! — гапга аралашди кеча Ўзбекистон тоғларини мақтаган дўнг пешона.

— Боғбонга ўхшайсиз-а, дарахтнинг мевасизини тан олмайсиз.

— Йўқ, деҳқонман, пахтакор. Дарахтнинг ҳусни бўйида эмас, иним, мевасида.

Мирсалим уларнинг гапига қулоқ солиб туриб, уларнинг ҳамон йўлдагидек бу ерда ҳам беташвиш, бехавотир ҳар кунгидек оддийгина ҳаёт бошлаётганларига ҳайрон бўлди.

Шу маҳал отделение командири ёрдамчиси билан нон ва қанд олиб келиб қолди. Уларни палата ўртасидаги «қўл бола» столда тақсимлади. Эҳтиёт билан, имкон борича баравар қилиб бўлинган нон устига бир неча чақмоқдан қанд қўйди. Кейин ҳаммани тўплади. Мирсалим кутганидек ўзи улашиб қўя қолмади.

— Қани ким чақиради? — деди атрофга қараб. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Битта аскарни тайинлади. У аскар орқасини ўгириб турди. Отделение командири тақсимланган нондан қанди билан биттасини қўлига олиб: Кимга? — деди, орқасини ўгириб тургани унга қарамасдан бир аскарнинг фамилиясини айтди, нонни номи чиққанга узатди. Худди шундай Мирсалим ҳам ўз ҳиссасини олиб, тумбочкаси устига қўйди. Ҳамма тарқалиб бўлгандан кейин ёнида қолган суяклари бузуқ лўлинамо кишига:

— Бу нима бачканалик? — деган эди:

— Кўринишдан-ку, бачканаликка ўхшайди, аслида яхши нарса: бегидир бўлади. Финляндия урушида менга ҳам аввал сизга ўхшаб ғалати кўринган эди...

Мирсалим унинг сўзини бўлди:

— Финляндия урушида бўлганмисиз?

— Бир ҳафтагина.

— Кўзи пишганлардanман денг. Бахтли экансиз, соғсаломат қолибсиз.

— Урушга борган ўлаверадими, биродар, урушнинг бошидан охиригача қатнашиб, гард юқмаганлар бор.

— Йўғ-е! — ажабланди Мирсалим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўз кўзим билан кўрганман. Одамлар ўқнинг ақли йўқ дейди, бу бекор гап. Ўқ ақлли. Ўқ аввалам қўрқоқни қидиради, кейин бошқага тегади. Боболаримиз, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, деб бекорга айтишмаган. Ўша ажал ёвқурлиги, довюраклигидан, ўлимни ўйламаганидан етмаган, ҳа, ботирлигидан етмаган, хўп деяверинг! — Унинг гавдасига нисбатан майда бўлган кўзлари, ишонаверинг, бу одам ёлгон гапирмайди, дегандек чақнаб кетди. Лекин, бари бир, Мирсалим ишонқирамади. Мирсалим ҳар нарсани ўз қолипига солиб, ўз гази билан ўлчарди. Буларнинг қолипи ҳам, гази ҳам уникига ўхшамайди, ўхшатаман деса ҳам ўхшамаяпти.

Биринчи кун ҳаммомга тушиш, кийим-бош — форма олиш, гимнастёркага ички ёқа тутиш, қуроллар олиш, уни кишиларга бириктириш билан ўтди. Эртаси тонг қоронғисидан бошлаб сиқса суви чиқмайдиган пишиқ қилиб тузилган жадвал билан машғулот бошланди.

Мирсалим муродига етган кишидек кўкрак кериб, мамнун нафас олди. Машғулотлар қанчалик оғир бўлмасин, фронтда қон тўкиш, ҳар лаҳза ўлим кутишдан енгил эди. Солдат камарини қандай қилиб боғлашдан тортиб, душманга қай вақтда қандай ўқ узишгача, бир-бировга честь беришдан тортиб, яраланган жангчига ёрдам кўрсатиш, уни қуроли билан бир четга олиб чиқиб кетишгача, походда қанча ва қай вақтда сув ичишдан тортиб, окоп қазиш, мудофаа тутиш, кейин шиддатли ҳужумга ўтишгача — ҳамма-ҳаммаси ҳақида, «билмасанг ўргатамиз, истамасанг мажбур этамиз» деган қаттиқ шиор билан машғулот борарди. Ҳаммадан ҳам Мирсалимга командирнинг: «Бу ерда қанча кўп тер оқизсак, фронтда шунча кам қон тўкилади», — дегани ёқиб тушди. Кўнглида «қани энди шу ердаги тер тўқишнинг ўзгинаси узоқроқ чўзилса!» деб қўйди. Лекин ҳеч ким бу машғулотларнинг қанча вақт чўзилишини билмас эди. Биров «Этигимизнинг ғарчи кетиб, милтиғимиз нишонга тегадиган, ўзимиз ҳар қандай қулфга тушадиган калит бўлган куни кетамиз», — деса, бошқаси: «Ҳали замбарақдан отишни ҳам ўргатишади», — деб, муддатни орқага сурар, яна бири: «Ҳа, сенларни боқувга олиб келган, семириб қолинглар», — деб пичинг отарди. Бу орада Киевга душман кирди. Рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари шу куни ўтказган машғулотида: «Бу жуда нохуш хабар, лекин бизни ваҳимага солмаслиги керак. Киевни

вақтинча босиб олган душманни ҳам тор-мор келтиришга ишонч билан ҳарбий техникани ўрганиб, маҳорат билан жанг қилишга ҳар соат тайёр туришимиз керак», — деди. Политрук бу ғапларни фронтга кетиш муддатини билиб айтган эканми, эртаси тонготарда тревога билан йўлга чиққан батальон икки кундан кейин фронтга келиб тушди. Эртасига жангга кирди.

Батальон душманнинг икки ҳужумини қайтарди. Бирида суяги бузуқ лўлинамо жангчи бир танкни ёндириб, командирнинг ташаккурини олди. Қош-кўзи сурма тортгандек чиройли йигитнинг танкка эргашиб келаётган фашистларни жуда яқинига келгунича қўйиб бериб, кейин қўл пулемётидан тутдек тўкканини ўз кўзи билан кўрган Мирсалимнинг кўзи ўйнаб кетди. Лекин бир вақт қараса, у йигит яраланибди, замбилда олиб ўтиб кетишяпти, бу унга боягидан ҳам таъсир қилди. Дўнг пешона жангчи эса, иккинчи марта душман ҳужуми бошланиши биланоқ нобуд бўлди. У Мирсалимнинг кўзи олдида манглайидан ўқ еди, милтиғи душманни нишонга олганича брустверда қолаверди. Шериги окоп ичига олиб ётқизди. Бу даҳшат Мирсалимга туни билан тинчлик бермади, эрталаб сарғайиб чиқди. Душман яна ҳужумини бошлаганда Мирсалим ҳеч нарсани фаҳмламайдиган девонасифат ағрайиб ўтирар, ҳар гал снаряд тушгандагина кўзини пирпиратиб қўярди. Душман бугун кечагидан уч баравар кўп куч билан ҳужумга ўтиб, батальонни чекинишга мажбур этди. Батальон тушга бориб чекинди.

Лекин Мирсалим ўтирган окопида қолаверди...

4. ҚОТИЛ ЯНА ҚОН ИСТАБ ҚОЛДИ...

Бундан сал кун аввал биров «фронт шунақа бўлади» деса, Диловархўжа асти ишонмас, «ваҳима ҳам сал эви билан-да!», деган бўларди.

Наҳотки яқинлашиб келаётган фронт қаршисига юриб, каттагина бир шаҳар бўсағасида мудофаа тутишганидан бери немис кўзларини очирмаса! Гоҳ осмондан келиб бомбалайди, гоҳ узоқдан мина ташлаб бетинч қилади.

Диловархўжа фронт деганда ўша ўзи кўрган пақ-пуқ билан қиличбозликни тасаввур қилиб юрган экан. Бомбалар ернинг ҳалқумидан тутиб, чангини минора қилиб осмонга отишини, қулочга сиғмас азим дарахтларни илдизи билан қўпориб ташлашини, ғиштин иморатларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

қумдек тўкишини, не-не тепаликларнинг қаншарини сал вақтда пастга тушириб юборишини ҳеч хаёлига келтириб кўрмаган экан. Ҳаммадан қизиғи шу бўлдики, эрталаб бошланган шунча тўс-тўполондан кейин ҳам одамлар тирик қолибди. Диловархўжа шунча бомба ва мина портлаганини, ҳамма ёқнинг ўйдим-чуқур бўлиб кетганини кўриб, «Фақат мен худо ёрлақаб тирик қолдим шекилли» деб ўтирган эди. Бир маҳал бомбалашув, мина ташлаш тугаб, гувиллаган бўғиқ товуш келди. Бу нотаниш товуш унинг ҳуркиб қолган миясига бир фикр келтиргунича бўлмай, кимдир томоғи йиртилгудек бўлиб «Танки!» деб бақирди. Бу товуш хўрозларнинг тонгдаги қичқириғидай мудофаа бўйлаб кетма-кет такрорланди. Окопларда аввал милтиқлар найзаси йилтиллади, кетидан жангчиларнинг боши кўринди. Айниқса, атайин олдинга ташланган бронтешарнинг ҳаракати тезлашиб кетди. Сой томондан кетма-кет ўшқириб чиқиб, дарров очиқ майдонга сочилиб кетган, тўшида иккита оқ илонни бир-бирига кўндаланг қўйгандек фашист белгиси бор танклар «бу майдон ўзимники, бу атрофда одам зоти қолмагандир, қолгани бўлса менинг емим» деган виқор билан мудофаа қаршисига ўрмалаб қолди. Лекин мудофаа линиясига яқинлашуви билан шунақа ола-тасир ўққа дучор келдики, олдиндаги иккитаси чўғ тушган хазондек гувиллаб ёнди, кетидагилар эсанкираб қолгандек бир зум тўхтади, кейин шартта орқасига бурилиб, елиб кетди. Нарироқ бориб яна биттаси ёнди. Ичида экипажи люкни очиб чиқиши билан кимнинг автоматдан берган сидирга ўқи ер тишлатди, ҳатто биттаси танк устидан ўмбалоқ ошиб тушди.

Диловархўжа, олдинда битта-иккита мерган қолган экан-да, деб унга аҳамият бермади. Душман учта танкнинг аламига чидолмади шекилли, бир пиёла чой ичгунча вақт ўтмай, мудофаани шунақа тўпга тутдики, Диловархўжа, энди ажалим етди, боя бир худо асраган экан, деб юборди. Окопнинг тубига тушиб, бошини елкалари орасига олганича ғужанак бўлиб, ҳар ер силкинишида бир қалқиб, жонини ҳовучлаб ўтирди. Турли катта-кичикликдаги снарядлар бечора ерни минг оҳангга солиб, қўпориб ётар, зарралари қуюн бўлиб кўкдан ёғилар эди. Унинг назарида боягиси ҳам ҳаловат экан. Бу ҳам етмагандек немис яна танкини майдонга чиқарди. Улар келаётганда ҳам тўпдан отишни тўхтатмади. Яна танклар ўша ерга келганда қаршиликка учради. Биттаси ёнди. Лекин бунга улар бу гал парво қилишмади. Танклар йўл-йўлакай ўқ

узиб келар, ҳар ўқ узганда қаттиқ йўталган кишидек бутун вужуди билан бир силкиниб тушарди. Улар мудофаанинг олдинги қаторига келиб, окопларни чир айланиб изғилади. Ана шунда танкларни паноҳ тутиб уларнинг орқасида келаётган автоматчиларнинг чағир-чуғури эшитилиб қолди. Диловархўжа бундоқ қараб, ҳангу манг бўлди. Бақа ранг кийимдаги бу кишилар калта автоматларини қоринларига тираб, баъзан қисқа-қисқа ўқ узиб йиқила-қўпа келарди.

Диловархўжа бу ёғи нима бўлганини билмади, окоп ичида алланималарни пичирлаб, эси кетиб қолибди. Бир вақт кўзини очса, қўшни окопдаги Содиқ қўл пулемётини окопи четига қўйиб олиб, тариллатиб ўқ узяпти. Ўқи тугил, кўзлари билан ўққа тутаётган кишиларини еб юборгудай бир ҳолатда эди. Турган окопи торлик қилиб қолгандек, пулемётини кўтарганича чопиб кетди, ундан ўнгроқда бўлган бошқа бирига сакраб тушиб, яна ўқ ёғдирди.

Диловархўжа кўзи Содиқда бўлиб, пайқамаган экан, унинг бу ёнидагилар ҳам, умид билан келибсан, насибангни ол, дегандек ҳоли-қудрат ўқ узиб турибди. Танклардан биттаси ундан сал нарида занжирлари узилиб тўхтаб қолибди. Лекин у ҳамон ўқ узарди. Диловархўжа ичида, бу нима қилгани, ишдан чиқса ҳам, тавба қилмайди-я! Тоза ашаддийси экан-ку, деб турган эди, ўрмонда учрашганда ҳадеб Содиққа савол бериб, кимлигини суриштира берган, кейинчалик «ҳушёр» лақабини олган жангчи (исми Шубин эди) окопидан чиқиб, танкка қараб эмаклаб кетди. У худди сув остида сузиб бораётгандек бошини қуйи эгиб борар, баъзан тўхтаб, ён-верига қараб олар, терлаб кетган юзига қурум ўтирган, кўзида ўт ёнарди. Бўйнига осиб олган автомати эмаклашга халақит берди шекилли, уни бир қўли билан силтаб, орқасига ўтказиб юборди. Худди шу пайт танк ичидагилар уни пайқаб қолишди шекилли, пулемётдан ўқ узишди, чумчуқ галасидай чийиллаган ўқлар бошидан бир қарич баланддан ўтиб кетди. Энди ўқлар панд беришига кўзи етган Шубин читтакдек чаққонлик билан олдинга сапчиб ўтди, яна атрофга олазарак қараб эмаклади. Танкка беш метрча қолганда чалқанча ётиб ёнидан, немис таъбирича, «Сталин коктейли» номли ёнилғили шишани олиб, яна қорнига ағдарилди. Автоматини бир қўлида ушлаб туриб, шишани танкка ирғитди. Диловархўжа унинг танкка

www.ziyouz.com kutubxonasi

тегиб синганини эшитмади, лекин «гуп» этиб олов кўтарилганини кўриб чўчиб кетди. аммо нима учундир Шубин орқасига қайтмай, ҳамон ўша еда автоматини ўқталиб ётарди. Диловархўжа уни қотиб қолган фараз қилди. Йўқ, ундай бўлиб чиқмади. Шубин тирик, атайин сичқон пойлаган мушукдек бўлиб ётган экан. Бир маҳал гулхан бўлиб ёнаётган танк жон талвасасига тушиб қолди шекилли, тўпидан устма-уст икки-уч ўқ ўзди. Шу ўқ билан нафаси ичига тушиб кетди. Шубин танк жуда гуриллаб ёнаётганидан ҳафсаласи пир бўлган кишидай орқасига хомуш эмаклаб қайтди. Диловархўжанинг ёнидан ўтар экан, чиқмади лаънатилар. Ичида куйишини афзал кўрди, деб қўйди ва қурум босган юзидаги терини енгил артди. Диловархўжа шунда билдики, у танкни ёқиб юборганидан кейин ҳам кўнгли тўлмай, ичидан экипаж чиқишини пойлаб ётган экан.

«Бу одамларнинг жони бунча савил», деган Диловархўжа немисларнинг шунга ўхшаш ҳужумидан кечгача яна иккитасига гувоҳ бўлди. Кечгача ўнга яқин танк ёнди, унинг орқасидан каламушдай ўрмалашиб келган солдатларнинг камида ярми майдонда қолиб кетди. Аммо мудофаани ёриб ўтолмади. Эртасига яна шу ҳолат такрорланди. Эрталаб барвақт учган иккита самолёти қандайдир қоғозлар ташлади. Улар ерга тушгунча, комиссарнинг буйруғи окопларда пайдо бўлди: «Варақаларга тегилмасин! Агитаторлар йиғиб олиб, куйдириб ташласин!

Одатда ниманики моне тутилса, қизиқувчилар шунча кўп бўлади. Худди шундай Диловархўжа ҳам қаттиқ қизиқди-ку, қўлга туширолмади. Окопидан сал нарироққа тушган биттасини кўзи остига олиб турган эди. Шубин пайқаб қолди. Диловархўжа, қани ўқирмикин, агар ўқиса мен ҳам сўраб кўраман, деб турган эди у, ҳатто башарасига қарамади, ердан ола солиб қийма-қийма қилиб йиртиб ташлади. «Чийратма, лаънати бу «ҳушёр» деб қўйди Диловархўжа ва бу орзуси армон бўлиб ичида қолди.

Бир маҳал, сал тўс-тўполон тинганда, зарурат билан сойга тушса, бир нарса кўзига оқариб кўринди. Қўлига олса, ўшанақа қоғоз. Дарров қўйнига тиқиб, ўз ишига кетди. Хилватга ўтиб кўз югуртди. Кўз югуртди-ю, кўнгли ёришгандек бўлди. Немис совет жангчиларига мурожаат этиб, Диловархўжанинг кўнглига хуш ёқадиган гапларни ёзар, ўз хоҳиши билан немис томонига ўтганларга олтин тоғ ваъда қиларди.

Бу варақа Диловархўжанинг юрагида устини кул босиб ётган ўлимтик умид учқунини яллиғлатиб юборди. У қайта туғилгандек бўлди. Варақадаги гапларга юз фоиз ишонди. Агар шўроларнинг қурби етганда шунча ергача чекиниб келармиди! Демак шўро урушда ютқизди, бугун бўлмаса эртага ютқизади. Шундай экан, эси борида этагини ёпиб қолиши керак. Ҳаммадан ҳам варақанинг «уруш тугаши билан ҳар ким ўз юртига жўнатилади» деган ери Диловархўжага ёқиб тушди. Варақада қуролни ҳам ўзи билан олиб ўтиш алоҳида таъкидланган эди. Шунисига у бир оз ҳайрон қолди. «Қурол унга нимага керак бўлди, шу қурол билан яна урушга солмайдими?»

Шундай фикрлар билан Диловархўжа бир ҳафтача ўй суриб юрди. Бу орада полк, яхши қаршилик кўрсатиб турган бўлишига қарамай, тунда чекинди. Янги мудофаа тутган тепаликда ҳам узоқ туролмади, энди ўрнашиб олишганида чекиниш ҳақида буйруқ келди: немис, ўнг томондаги қисмни ёриб, буларни ёнлаб ўтиб кетибди, қуршовда қолиш хавфи туғилибди. Уч кунлик поход — чекинишдан кейин полк яна мудофаа тутди. Уларга янги куч келиб қўшилди. Лекин Диловархўжа буларнинг барчасига энди ишончсизлик билан қарар, пропуск ўрнида ўтадиган, ёмон кўздан холироқ қилиб «ўғри чўнтаги»га солиб қўйган немис варақасини баъзан «жойида турибдими» дегандек устидан ушлаб қўярди. Уни жон деб ишга солмоқчи бўлади-ю, йўлини тополмас, топган йўлининг оқибати «вой» бўлиб чиқаётганга ўхшаб кўринарди. Назарида ҳамма ҳам ҳолдан толган, ҳатто Содиқ ҳам варақани кўрсатса «бормисиз, биродар, жуда увол бўлиб кетдик-ку» деяётгандек, «ўзим шу ергача бошлаб келувдим, бу ёғига ҳам ўзим бошчилик қиламан. Лекин шартим бор, у ёққа борганда менинг «қизил командир», коммунист бўлганимни ҳеч кимга айтмайсиз, ўтган ишга саловот» дея ёлвораётгандек туюлди.

Чиндан ҳам бу мудофаа жанглари Содиқни, ҳамма қатори ҳолдан толдирган, руҳан жуда эзиб юборган эди. «Кўнгил учун бир қадам олга силжишмаса-я! Жонни жабборга бериб жанг қилишади-ю, бари бир чекинишади, бу лаънати немисларнинг техникаси бунча кўп экан, қирган билан адо бўлмайди, ўзидан олдин техникаси ўрмалайди. Солдатининг ҳам кучи шу техникада, техникасини мажақладинг дегунча ўзи қуён бўлади, яна техникасини олдига солиб ўрмалаб келади, яна техкаси бардош бергунича урушади. Бўлмаса солдати унча юракли эмас. Қани бизда ҳам шунча техника бўлса!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бизнинг шунча ҳарбий маневрларда қатнашган, таърифи оламга ёйилган техникамиз қани, қаёқда? Душманни бир қарич ҳам еримизга киритмаймиз деган эдик-ку! Қани ўша куч?»

Ертўла оғзида Диловархўжа пайдо бўлди. Мўловга ўхшаган бароқ қоши қовоғига уюлиб тушган, бужур бетлари баттар қорайиб кетган. Қовоғидан қор ёғади. Биров билан уришиб, бир-икки мушт ортиқча еб аламда қолган кишидек салом-аликни ҳам унутиб, бир четга оғир чўкди. Содиқ унга қўл узатар экан тегишди:

— Мунча қўлингиз совуқ, йилингиз қурбақами? Салом-аликни ҳам еб қўйдингизми?

— Жанозага борган одамга «хуш келибсиз!» дейилмайди.

— Тағин нима гап? — тушунмади Содиқ.

Диловархўжа айтадиган гапи кўпу, бир оғиз сўз билан ифодалаб қўя қолишга қийналаётган одамдек оғзини бир-икки жуфтлаб яна жим қолди. Охир бошини қуйи солиб:

— Содиқжон, биз ютқиздик, урушда ютқиздик, — деди. Кейин варақани узатди. — Мана буни қаранг.

Содиқ варақадан ҳазар қилгандек қўлига ҳам олмади.

— Олтин тувак ваъда қиляптими? — деди у, сўнгра сўзига якун ясагандек ҳижжалади: — Олтиндан бўлса ҳам, бари бир тувак!

— Аввало сиз буни бир ўқинг, бошқа гап бор.

— Биламан, ўқиганман. Бизни кафанга ўраб қўйибдими? Ишонманг, ёлғон! Тушга нималар кирмайди, душман нималар демайди.

— Ёлғон? — ажабланди Диловархўжа ва Содиққа тикилиб қолди.

— Сабр қилинг, той минган от ҳам миниб қолади, немисни қанақа қилиб қийратаётганимизни кўряпсиз. Кўплашса чивин филни ҳолдан тойдиради дейишади. Биз-ку арслонлармиз. Шунақа қила-қила муккалатамиз.

Диловархўжа ғайри табиий ҳикоя эшитаётган одамдек бўлиб турди-ю, бирдан ғаши келиб, пўнғиллади:

— Унгача суякларимиз чириб кетмаса денг.

— Чиримайди. баҳорда лой кечган кузда мой чайнайди. Тарихда бунақа фактлар кўп.

Диловархўжа очиғига кўчди:

— Бўлса бордир. Лекин бунисини ютқиздик, чув тушдик. Борди-ю, чув ҳам тушмадик, шўронинг қайси қилган яхшиликлари учун лой кечишим, эгар қучоқлаб ўтириб от минишни орзу қилишим керак? Атала ичириб

тергов қилгани, бундан кейин ватанинг бетини кўрмайсан деб, ўн йил бергани учунми? Йўқ, Содиқжон, шуларни эслаганда кишига жуда малол келади.

Диловархўжанинг бу гапидан Содиқнинг чойига пашша тушгандек таъбир хира бўлди. Унинг аввалги сўзлари ёнидан ўтган бўлса, буниси жонидан ўтиб кетди.

— Бўлмаса боринг, катта ҳолангиз палов дамлаб турибди! Уятмасми! Шу гапларни менга гапиргани уялмадингизми! Қайси юзингиз билан гапирдингиз! Кишида жиндай номус ҳам бўлиши керак. Бир марта тузлигингизни булғаб, ўзингиз сув ичадиган қудуққа туфлаб, азобини тортган эдингиз-ку.

Диловархўжа бундоқ қараса, Содиқ уни деворга тақаб қўядиган. Бирдан тусини ўзгартириб, қаҳ-қаҳ солиб кулди.

— Яшанг, пухта экансиз, Содиқжон! Бир синамоқчи бўлган эдим.

— Мени синамаган энди сиз қолувдингиз.

— Аслсиз! Жуда асл,— бўш келмас эди Диловархўжа,— минг марта айтаман-ку, шўро сизни қамаб хато қилган, ўз оёғига ўзи болта урган. Қани энди барча ҳам сизга ўхшаб шўрога жонини тикса. Афсус, сиздақалар...

— Кам демоқчимисиз?

Диловархўжа худди шундоқ демоқчи бўлса ҳам, гапни бошқа ёққа бурди:

— Йўқ! Кўпи қамоқда ётибди демоқчиман.

— Очиқда ҳам кўп. Тўхтаб туринг, ҳали кучини кўрасиз!

— Аслсиз! Асл айнамас, олтин зангламас, деганлари шу. Лекин... аввал жиноятингиз бўлмаса ҳам, энди хиёнатга қўл уриб қўйдингиз.

Диловархўжа суҳбатдошига ер остидан муғамбирона қаради. У, бу гапни Содиқнинг тилини қисиб қўйиш учун атайин бошлади. Ахир Содиқнинг бояги ҳужуми ҳазилакам бўлмади, агар ҳазилга йўйиб, кулиб қутулмаса, худо билади, яна нима кунлар бошига тушарди. Содиқ, ўша аввалги Содиқ, шунча азоб чекиб ҳам эътиқодига куя тушмаяпти!

Диловархўжанинг нимага ишора қилаётганига тушунган Содиқ яна аниқлаб олмоқчи бўлиб сўради:

— Қочибми?

— Ҳа, бўлмасам-чи! — Диловархўжа яна унинг юзидаги ўзгаришни кўрмоқчи бўлиб зимдан кузатди. Содиқ парво қилмади. Чўчиш ўрнига юзида табассум пайдо

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлди. Бу табассум узоқ чўзилмади, ўрнини ишонч тўлқини алмашди:

— Яхшилик йўлидаги ёлгон айб эмас!

— Шундай бўлса ҳам...

— Бўлмаса бориб айтинг! — пичинг қилди Содиқ.

Диловархўжа муродига етолмади: ноинки Содиқни ўз нияти йўлига буриш, унинг тилини қисиб қўйишни ҳам уддалолмади. Шу гапларнинг чин эканини билиб қолса-я, деган хаёл миясига келди-ю, унинг юраги сиқилиб кетди, чекмоқчи бўлиб тамаки тўрвасини қўлига олди. Ҳафсала билан папирос ўрар экан, Содиқнинг ҳайрон бўлиб қўлига қараб турганини пайқаб қолди. Аввалига унинг бунчалик термилиши сабабини билмади, кейин унинг иккала кўзи тамаки тўрвасида эканини кўрди-ю, юраги «жиғ» этиб кетди. Қўлидаги тамаки тўрва Богунники эди. У эсини йиғиб олгунча Содиқ:

— Богуннинг тўрвасими? — деб сўраб қолди.

— Ие, ҳали сизга айтмовдимми? Йўғ-е! Айтгандирман! Ёдингиздан кўтарилибди. — Ўзини тутиб, ўсмоқчилади Диловархўжа. Ундан қатъий «йўқ» жавобини олгач, биров «ёлгон, гапинг ёлгон» деётгандек изоҳлаб кетди: — Раҳматли, бир маҳал тўрвасини узатиб, «ўранг, бир чекайлик» деб қолди. Шундан дардига даво излаяпти шекилли бечора, дедиму, қўлидан олдим. Ўраганимча йўқ, сув сўраб қолди, бу ёғини айтувдим шекилли, бир вақт нафасим бўғзимга тиқилиб сувни олиб келсам, бечора, дунёдан ўтибди. Қўли мен томонга узатиғлиқ қолибди: сувга узатганми, тамакигами — билмадим. Шу-шу тўрва менда қолиб кетди. Бечорани эслаб, ёдгорлик қилиб олиб юрибман. Ё сизга берайми?

— Йўқ-йўқ! Раҳмат! — ғалати бўлиб кетди Содиқ. Бундай ҳолат киши қўли қоронғида шилимшиқ нарсага тегиб кетса ёки жонли нарсани ногаҳон босиб олганда пайдо бўлади. Унинг хаёли чувалди: нега шу вақтгача кўрмаганман ёки яшириб юрганми? Яширса, нега яширади? Ўзининг бошқа тўрваси бор эди шекилли. Ўрмонда аскарларга тамаки сўраб олиб берганимда шу тўрвамиди? Йўқ, бошқа эди! Агар шу бўлганда таниган бўлардим. Демак яшириб юрган! Бир балоси борки, мендан яширган. Богуннинг ўлиши ҳақида ўша куни ҳикоя қилганида унинг чекмоқчи бўлганини айтмаган эди. Рост, айтмаган эди. Энди нега бунақа деяпти? Ранги ҳам ўзгариб кетди. Уни ҳеч маҳал шундай кўрмаганман. Богуннинг мурдаси тепасида ҳам худди шунга ўхшаган ҳолатда кўринган эди. Майли, унда қўрққан бўлиши мумкин. Ҳозир нега

ўзгарди? Нимадан ўзгарди? Бу ерда у қўрқадиган ҳеч нарса йўқ-ку. Демак тўрванинг тагида бир сир бор! Ана, папирос ўраётган бармоқлари ҳам сал титраяпти. Кўзини ердан ололмаяпти!

Содиқ ўз ҳаяжонини билдириб қўйишдан қўрқиб, бирпас Диловархўжани кузатиб турди-да, бир баҳона билан ертўладан ташқарига чиқди. Уфққа бош қўйган қуёшдан баркашдаги оловдек яллиғ кўтарилиб турибди. Унга яқин турган увада булутнинг этаги титилган қизил латтадек товланади. Сал ўтмай, уфқ тўқ қизилдан тўқ сариққа ўтди, кейин сариқнинг туби қорага яқин тус олди, бориб-бориб ним малла рангга айланди. Унга яқин турган увада булут эса, бир парча қора доғдек жойида қотиб қолди. Содиқ шу уфқдан кўзини олмас, хаёли ҳамон ўша тамаки тўрвада, қулоғида Богуннинг вагондаги гапи: Бу, хотинимнинг ўзи эккан тамакидан. Атайин мен учун экибди... тўрваси ҳам ўзининг ҳунари... Жабр бўлди бечорага, болаларимиз бир-биридан кичик... Борсам, қўлини совуқ сувга урдирмайман...»

Содиқ бир нарса эсига тушгандек шарт орқасига бурилди, қўлида хаёл билан эзғилаб ўтирган кесакнинг бир бўлагини зарб билан кукун қилиб, сочди. ертўлага ўзини босиб кириб борди. Уни кўриб, хомуш ўтирган Диловарҳўжа бирдан тетикланди. Қаёққа чиқиб келганини сўради. Биров чақиргандай бўлди, деб баҳона кўрсатди Содиқ. Сўнгра Диловархўжанинг икки бармоғи орасидан буралиб чиқаётган тамаки тутунига қараб қолди. Ертўланинг нишига қўйилган «жинчироқ»ни олди, унинг пилиги учидаги сўхтасини икки бармоғи билан уқалаб туширди, кейин ёқди. Атайин қилгандай уни ўртага қўйиб, ертўланинг оғзига тутиб қўйилган плашпалаткани ташқарига ёруғ ўтмайдиган қилиб, тўғрилади. Жойига ўтираётиб, Диловархўжадан сўради:

— Богун уйғонганда сиз тепасидамидингиз?

— Ҳа, шундоқ ёнида чўзилиб ётган эдим.

— Чўчиб уйғондими?

— Йўталиб уйғондию, типирчилайверди.

— Унда тамаки тўрвани сизга қачон берди?

— Шунда-да! Ишонмаяпсизми? Худо ҳаққи, шунда берди.

Диловархўжанинг қасами Содиқнинг шубҳасини оширди. «Наҳотки уни... Йўғ-е! Нима учун, нима учун уни ўлдириши керак. Бир тўрвачаю бир кафт тамакигами? Лагерда эмас эди-ку! Сўраса, Богуннинг ўзи ҳам берарди, сахий, танти йигит эди. Ё у ўлганидан кейин

www.ziyouz.com kutubxonasi

очкўзлик қилиб, ёнидан олдими? Чўчимасдан-а! Йўқ, гап тамакида эмас. Бу чиройли тамакидонда ҳам эмас, бу ерда бошқа бир сир бўлиши керак. Акс ҳолда Диловархўжадай одам асабий титраб, қасам ичмас эди.

Содиқнинг қўли мурданинг совуқ баданига теккандек сесканиб кетди.

Диловархўжа Содиқнинг ёмон ўйга борганини сезиб турарди-ю, уни очиқ рад этишга қурби етмас эди. Шунинг учун гинахонликка кўчди.

— Ўликнинг ёнидан уялмасдан тўрвасини олибди, деб гумонсираяпсиз-а, Содиқжон? Ўзим ҳам шундай дерсиз деб ўйловдим. Айтганим келди. Кўнгли бегидир одамманда, бўлмаса, тамакисини олиб, ўзини бир четга улоқтирганимда билиб ўтирувдингизми? Айб ўзимда, ўзим аҳмоқман. Бу вақтда одамлар тўғри гапга ишонмайди, ёлғонни ёқтиради. Ёлғон чин бўлиб, чинга чечак чиққан. Мана биттаси сиз. Эчкига салла ўратиб, имомликка ўтказяпсиз. Наҳотки мен мурданинг ёнига қўл солсам, қўлим синиб, кўзим ситилиб оқса бўлмайдими!

— Нега қасам ичиб, ўзингизни қарғайсиз! Сизни биров бир нарсада айблаяптими?

— Саволларингизни кўрмайсизми, терговчиникидан ўтиб тушади, гўё мен Богунни ўлдириб, тамакидонини ёнидан олгандай зугумли.

Содиқнинг кўнглига «ҳа, сенга гумоним бор. Гумоним фақат тамакидонгагина эмас!» деган сўз келган бўлса ҳам, ўзини тутди. У оғир аҳволда қолган эди. Даъвоку қилиш мумкин, лекин исботига қўлида нима бор? Ҳеч нарса! Мана шу нарса тилини боғлаб, шахтини қайтарарди.

— Шу тўрвачани сиз олиб қўйинг, Содиқжон, худо ҳайрингизни берсин. Раҳматли, мендан кўра сизга яқин эди.

Диловархўжа Содиқ қўлини узатгунча тўрвачани унга ирғитди. Тўрва Содиқнинг қўлига «пап» этиб тушиши билан тамаки ҳиди анқиди, унинг бурнини қичитди. Бир қўли билан димоғини эзғилаб, тўрвачага кўз солди «шайтонтери»дан тикилган, устига Богун исми ва фамилиясининг бош ҳарфлари ип билан қайд этилган, оддийгина тамакидон. Оғзини бўғиб қўйган чийратма ипининг учларида бинафшадек попуги бор.

Содиқ тамакидонни олгиси келиб турган бўлса ҳам, Диловархўжанинг шубҳасини оширмаслик учун қайтариб берди:

— Мен чекмасам, нима қиламан.

— Дўстингиздан эсдалик.

— Сизнинг қўлингизда кўриб юрганим ҳам бўлади.

— Ўқ тегиши бор, фронтдамиз...

— Менга тегмайдими? — кулди Содиқ.

— Тегишга-ку, ҳаммамизга тегиши мумкин... Кўнглингизга гап келгани учун...

— Олсам келмайдими? — яна ўша алфозда деди Содиқ.

Шу билан гап узилди. Диловархўжа яна бир тамаки ўраб чекди. Қолдиғини ерга ташлаб, тупроққа қоришиб кетгунича оёғи билан эзғилади. У шу билан Содиқнинг шубҳасидан кўнгли олинганини билдирмоқчи эди. Чиқиб кета туриб:

— Нима бўлса ҳам босмачи ўтганмиз, Содиқжон, бизларга шубҳа билан қарамасанглар бўлмайди. Одатда, игна ўғирлагандан йўқолган сигирни ҳам гумон қилишади, — деди. Содиқ бир сўз дегунча у ертўладан чиқиб бўлган эди, шунинг учун пардани четлаб орқасидан қаради: у сувга тушиб бораётган одамдек қоронғиликка сингиб борарди.

У кетгач, Содиқ нима қилишини билмай қолди: ўтирса ўрни, юрса йўли куярди!

* * *

Диловархўжа ичидан ёнар эди. Гарчанд у Содиқнинг олдидан пичинг билан аразлагандек бўлиб чиққан бўлса-да, аслида ўзининг бутунлай қармоққа илиниб қолишидан қўрққан, асабларининг қақшаб бориши бунга гувоҳлик бермоқда эди. У ортиқча ўтиролмади, ўтириши ҳам энди мумкин эмас эди. Унинг назарида Содиқ бутун сирдан воқифу, тамакидон шуни чуватиб очишга бир восита бўлмоқда. Бўлмаса у шу вақтгача бунақа тилда биров билан гаплашган эмас, худди терговчининг ўзи-я! Аввалам менинг ўзим аҳмоқман. Унинг гумон қилганича бор. Бу лаънати латтани нимага ҳам олган эканман. Ҳа, яхши, тамаки-ку сенга керак экан, тўрвачаси билан олиб нима қиласан, чўнтагингга бўшат, қўй. Ё тешиб чиқармиди! Тешиб чиқмасди! Мана энди шу арзимаган нарса битган ярани газак олдириб, унут бўлганни эсга солиб ўтирибди. Ҳали бошингни емаса гўрга эди! Эй Диловархўжа, шунча қоқилганинг етмаганидай, яна ғадир-будур кўчадан юрасан-а! Ҳеч ақлинг кириб, тавбангга таянмас экансан-да! Зора шу ҳам ўтиб кетса! Ўтиб кетармикин? Шу Содиқ бўладиган бўлса

www.ziyouz.com kutubxonasi

бости-бости бўлиб кетишига қўярмикин? Қўймас, сира ҳам қўймас! Турқи бузуқ. Яхши ҳам шубҳа қиляпти, мабодо анигини билиб қолса борми, нақ ўша ернинг ўзида қозиқ қилиб қоқиб юборади. Хўш, айт-чи, Диловархўжа, сен нима қилиб, унинг кетида лайчадек эргашиб юрибсан: ўша станциянинг ўзида йўлингни терс солиб кетаверсанг бўлмасмиди? Майли, учратишга-ку уни учратиб қолибсан, бу ёққа юр, деганда «тақдиримиз бир тушган бўлса ҳам, энди йўлимиз бошқа! Сен ўз йўлингдан боравер, мен ҳам жойимни топиб оламан» деганингда «қаёққа, хўжам?» деб ёқангдан бўғиб судрармиди? Ҳеч ҳам-да! Ахир у ҳам сендек иштонсиз, чўпдан ҳадиги бор эди! Уч-тўрт ой бирор кавакда жон сақлаб турардинг. Немиснинг шу босиб келиши бўлса, унчага ҳам бормайди. Эй, режасини билмаган хом калла! Энди нима бўлди?.. Ҳа, майли, станцияда, бомбалаш пайтида учратганингда-ку хом эдинг, энди кўзи очилган кўрдек қаёққа боришингни билмасдинг. Кейин-чи? Кейин нега ақлинг кирмади. Содиқнинг сенга эш бўлмаслигини, қайнатса қони қўшилмаслигини билмасмидинг. Ё шўродан алам кўрди, энди бошқа бўлиб қолди деб ўйладингми? Унинг шўродан айнамаслиги ўша, лагердаёқ кўриниб турган эди, бирор марта ғинг дегани йўқ. Аксинча, унча-мунча ғинғиллаганни оғзига уриб юрди. Шундай бўлгандан кейин, яланғоч ханжарнинг ёнида юришнинг нима кераги бор эди. Жуда бўлмаганда Богундан кейин, унинг ҳам жанозасини ўқиб қўя қолгин эди. Бир лаҳзанинг иши эди-ку. Ухлаб ётганда бўғиб кетиш қўлингдан келмаганда, бирорта темир ёки сўйил топилмасмиди? Тош-чи? Каттароқ бир тош билан ухлаб ётганида миясига ўхшатиб солиш кифоя эди. У маҳалда бу ёқларга келиб, ҳар учган ўқдан кўзингни чирт юмиб, мина портлаганда астағфирулло айтиб, «ҳозир устимга тушади, ҳозир устимга тушади» деб жон ҳовучлаб ўтирмас эдинг. Ўзингдан кўр, хўжа! Аҳмоқ бош оёққа тинчлик бермайди, деб шуни айтади.

Аслида Диловархўжа фронтга Содиқнинг маслаҳати билан эмас, ўз режаси билан келганини ҳозир эсламас эди. Ахир Содиқ фронтга бориш масаласини айтганда, Диловархўжанинг хаёлига Советлар учун жанг қилиш эмас, мана шу яқин йўл билан ўз мақсадига етиш — яъни бир амаллаб немис томонга ўтиб олиб, жонини сақлаш учун келган эди. Имкони бўлиши билан бир маҳаллар кишилар орқали алоқа қилиб турган «мусулмонобод» Туркия ёки Афғонистонга сафар қилмоқчи эди. Лагерда

кимдандир Иброҳимбек билан Кўршермат йигитларидан анчаси ўша томонда деб эшитган, шундан бери ўша томонларга яна кўнгли суст кетиб юрарди. Уни танийдиганлар ҳам топилиб қолса ажабмас эди. Ана унда дориламон ҳаёт бошлайди. Ўлдимики, ҳали ҳам бирор эллик кишига саркорлик қилолмаса. Немиснинг шу келиши бўлса шўроларнинг бошини ейиши муқаррар. Унда яна яхши. Шўродан азият чеккан, бир маҳаллар унга қарши курашган «ислом азамати» сифатида кириб келади, ҳақ-ҳуқуқини олади, эҳтимол бир шаҳарга ҳоким бўлса! Қани ана шунда Содиқ қамти келса-ю, у билан гаплашса. Гаплашиб, ади-бади айтишиб ҳам ўтирмас эди. Бир бармоғи ишораси бунга ўхшаган юзта яланг оёқнинг товонига мих қоқарди.

Диловархўжа ҳозир бу орзуларини унутган, ҳамма айбни Содиққа қўйиб, тақдиридан нолиб ўтирарди, ичичидан ёнарди. Иложини топса, унинг этини бир бурдадан қилиб ташлашга тайёр эди-ю, беиложлигидан яна баттар ўртанар эди. Асабдан сонидаги қичитмасини қичиб, қоп-қора қонга белади! Ётмоқчи бўлиб ўрнига чўзилди — бўлмади, бир пиёла чой ичмоқчи бўлди — томоғидан ўтмади, папирос чекди — диққатини ёзмади. Тамаки тўрвача мудҳиш дақиқаларни яна бутун даҳшати билан эсига солди, жаҳл билан уни ерга отди, сўкинди, яна бориб олди — тамакини кўзи қиймади. Яна ўраб чекди, бармоғини куйдирадиган бўлгунича чекди. Бари бир аламдан чиқмади. Тўппа-тўғри Содиқнинг олдига бориб: «Хўш, менда нима аламинг бор, очиқ айт. Қасдинг бўлса майдонга чиқ, жуда жонимдан тўйиб кетдим!»,— демоқчи, ҳатто тик бориб, томоғидан олиб, бир ёқли қилмоқчи, кейин немис томонига ўтиб кетмоқчи бўлди. Шунда қандайдир ички бир товуш «бу нодонлик. Осмонга туфласанг бетингга тушади! Ўзингни бос, модомики, қасдинг бор экан, ўйлаб иш тут. Уни ўлдираман, деб ўзингни сиртмоққа тутиб берма. Бир маҳал у билан олишиб, ўқинг тошга теккани эсингдан чиқдими? Нодон бўлма. Уни шундай ҳам бирорта ўқ ғажиб кетади. Сен аҳмоқ бўлиб у билан олишиб юрмасдан, ўз ишингни бил: отагингни қоқу, ҳайё-ҳу деб нариги томонга ўт-кет. Шундан яхшиси йўқ» деса, бошқа бир алам ўтган, асабий товуш — «Йўқ, ҳеҳимкаш шунақа қилади. Сен бу йўлдан бормаслигинг керак. Аввалам унинг бошини ейишинг шарт. Наҳотки уни тирик ташлаб кетиб, тинчгина яшай оласан! Яшолмайсан, яшатмайди. Ўша от ўйнатиб, ўқ чақнатиб юрган кездаги журъатларингни эсла-ю, яна

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир мардлик қил, худо ўзи мададкор бўлади, савобига қоласан. Сен учун бирдан-бир тўғри йўл — шу!» дея уни талвасага соларди, қўлини мушт қилдирарди.

Диловархўжа ана шу кейинги товушга қулоқ солди, Содиқнинг жонига қасд қилди: бунинг учун фронтда озмунча имкониятлар борми!

Шу лаҳзадан бошлаб, итнинг хаёлидан ёғлиқ суяк кетмаганидек, Диловархўжанинг фикри-ўйи Содиқнинг жони бўлиб қолди.

5. ҚОДИРНИНГ ҚОРА КУНЛАРИ

Омадинг келмагандан кейин қийин, текис ерда қоқиласан.

Қодир худди шундай бўлди. Уруш бошланадиган кун кечаси қўярда-қўймай Азизани ўзи ишлаётган қишлоққа олиб чиқди. Шу кечаси у электрини қурган қишлоққа ялпи ток берилди. МТС клубида шунга бағишланган кеча бўлди, шаҳардан артистлар чиқиб концерт қўйиб берди. Зиёфат бўлди. Зиёфатда жиндай қизиб олган Қодир, ўтириш охирида Азизага зўрлаб бир оз вино ичирди. «Рақибларимизнинг кўзи куйсин», деб қўлтиқлаб, қишлоқнинг чароғон кўчаларини айланди, кечаси ўзига теккан бир хонали квартирасида олиб қолди.

— Эшитган қулоққа хунук, мени кузатиб қўйинг! — деган Азизага;

— Ҳайиқадиган одамингиз борми? Сиз учун сувга ҳам, ўтга ҳам кираман, деганингиз ёлғон экан-да! — деб хафа бўлди. Ўзининг инженер бўлолмаганини эслаб, шундан баҳона топди.

— Сиз докторга мен чорва албатта тенг эмас! — деб Азизани ҳам хит қилди. Кайф аралаш йиғлади.

— Ҳой, Қодиржон ака, сизга нима бўлди, биров бир нарса деяптими! Ичкилик ҳам ўлсин! Кишини хурсанд қилади дейишар эди, турган-битгани ғурбат экан-ку, — деб, Азиза Қодирнинг маъюс бошини тиззасига олди. Қодир шу ўтирганича «учиб» қолди.

Бир вақт уйғониб кўзини очса, томоғи қақраб, бир пиёла музлай сувга муҳтож. Стол устида турган чойнакка қўлини чўзиб, диванда ётган Азизани кўриб қолди-ю, вужуди титраб кетди. Сув ичишни ҳам унутди. Бошига келган биринчи савол «мени ким ечинтириб ётқизди?» бўлди. Азизани эслади-ю, баданидан музлай тер чиқиб кетди, кайфидан асар ҳам қолмади. Соатига қараса, тонг

яқин. Боши лорсиллаб туришига қарамай, иргиб ўрнидан турди, наридан-бери кийинди, юзини деворга қилиб ётган Азизанинг орқасидан яланг оёқ аста ташқарига чиқди, қўлидаги туфлисини кийиб, орқасидан биров қуваётгандек йўргалаб қолди. Салқин шамол таптини олиб, эси ўзига келди. Гоголнинг «Уйланиш»и ёдига тушиб «Азиза уйғонса, нима деб ўйлайди» деган андиша билан орқасига қайтди. Лекин бари бир хонасига киролмай, кичкина хат ёзиб, очилганда ерга тушадиган қилиб, эшик тутқичига қистириб қўйди. Хатда шундай дейилган эди: «Азизахон! Мен бадбахтнинг бу беодоблигини кечирасизми, йўқми, лекин менинг бошим қаршингизда мажнунтолдек эгик. Сиздан узр сўраб Қ.».

Қодир «Азизанинг кўзига қайси юз билан қарайман энди»» деганича минг бир истиҳола билан МТСга келди. Устахонасини очиб, бирор иш қилмоқчи бўлди-ю, қўли ҳеч нарсага бормади. Хаёли чироққа ёпишган капалакдай кечаси бўлиб ўтган гап-сўзлардан нари кетмас эди. «Бунақа ичиш одатим йўқ эди-ку. Нима жин тегди менга! Азиза «мендан чет, бу ёққа чиқиб олиб, шунақа ичадиган бўлиб кетган экан-ку, мен билмасдан юрган эканман» деб ўйласа-я! Ана шармандалигу, мана шармандалик!»

Қодир пешонасини кафтига олиб, зўр бериб эзгиларди.

Кимдир буради шекилли, МТС ҳовлисидаги радиокарнайи тилга кирди. Ундан берилган мудҳиш хабар олдида Қодиржоннинг ташвиши урвоқ бўлмай қолди. У «Уруш!», «Уруш бошланибди!» деганича устахонасидан чиқиб, кимгадир хабар бериши жуда зарур кишидек учиб кетди. Энди унинг кўзига на тундаги кўнгилсизлик, на Азиза олдидаги хижолат кўринарди. У квартирасига кириб борганда Азиза ювиниб-тараниб, уй ўртасида сочини бошига турмак қилаётган эди. Бу мудҳиш хабарни эшитди-ю, қўлидан сочлари елкасига илондек тўлғаниб тушди, ўзи ҳанг-манг бўлиб қолди.

Уч кун ўтгач, Қодир военкоматнинг ҳовлисида кетишга шай бўлиб турар, унга Азиза нималарнидир уқтирар эди. Марат эса этагига уралашиб Чапаевникига ўхшаган қилич олиб келишини илтимос қилиб, қайта-қайта такрорлар эди. Девор остидаги скамейкада ўтирган Адолат хола билан Жаннат Қодирдан кўзини олмас, баъзан «жон болам хола», «йигитларнинг жонига кўз тикмай, кўзинг тешилсин» деб Гитлерни минг балога гирифтор қиларди, баъзида қариганда шох-шаббасидан ажралган дарахтдек шўппайиб ўғилларисиз ёлғиз қолаётганидан уксиниб йиғларди. «Ўғлим кўрмасин, эслаганда кўз олди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га кўзимда ёшим билан келмайин» дегандай юзини четга ўгириб ёшларини артарди, ўзини тетик тутарди.

Қодир бу ердан ҳамма билан хайрлашиб кетган бўлсада, эртасига ҳам ҳали шаҳардан жўнамаган эди. Унинг қаердалигини топиб келган Азиза, у фронтдан ғалаба билан қайтгандек бўйнига қўлини ташлаб қучоқлади, юзларидан ўпди. Яна хайрлашар экан:

— Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, тошлар эриб, дарёлар қуриб кетгунича кутаман. Сизни деганим деган, — деди. Ана шунда Қодир кўнглида доғ бўлиб ётган дардини очди:

— Азизахон, ўша куни кечаси...

Азиза уни гапиртиргани қўймади:

— Ўша ҳам ўзингизга яращди. Бошқа одамга ҳам шунақа қилинг-чи! Севгига ишониб, бепарво бўлгандан, ундан хавотир олиб, ардоқлаб турган яхши. Сиз шунақа эмасмиканси деб қўрқар эдим, йўқ, кутганим келди. Хурсандман.

— Шунақами, Азизахон! — яшнаб кетди Қодир, — ўшандан бери кўнглим ғаш эди.

— Ҳа, айтгандай, фронтда ҳам кўнглингизни унарунмасга ғаш қилаверманг.

Шу орада дарахтда омонат ўтирган мусичаларни чўчитиб, сигнал янгради. Бу сафга чақириқ эди. Қодир шошганича, Азизани бағрига босиб, лабларидан чалачулпа ўпди. Йўл-йўлакай қўлини силкиганча чопиб кетди. Кўзи мўлтиллаганича Азиза қолди.

Бу уларнинг охирги учрашуви бўлди.

Эртасига поездга чиққанларида ўйлаб қараса, Қодирнинг Азизага айтадиган анча-мунча гаплари қолиб кетган экан, шунча бирга бўлиб, айтишга вақт топмабди!

Поезд йўлда икки марта осмондан душман ҳужумида қолиб, охири фронт бўсағасида уларни туширди. Осмон тўла юлдуз бўлса ҳам, тун қоп-қоронғи эди. Узоқ-узоқлардан тун сокинлигида ер остидан келгандек бўғиқ гумбурлаш эшитиларди.

Улар туни билан қандайдир паст-баланд дарахтзорлардан ўтишди. Туннинг қоронғилигиданми ёки даҳшат ва қон уфуриб турган фронт ваҳимасими, сафда ҳеч ким чурқ этмас, гўё ҳамма ўзининг ички дунёси билан яшар, бу дунё сирларини ташқарига чиқаришни истамас эди. Фақат баъзан олдинда бошлаб бораётган командирнинг «чуқурлик», «кўндаланг ёғоч», «чапда ботқоқлик» деб сафни огоҳлантирган товушигина эшитиларди.

Қисм эрталаб очиқ майдонга чиқиб, ўзини ўнглаб

олгунча бўлмай, жанг бошланиб кетди. Бу жанг Қодир икки йил хизмат қилганида ўргатилган машқларга ўхшамас, жуда ҳам «бетартиб» эди. Душман ўзи кўринмайди-ю, ҳамма ёқ гумбур-гумбур. Осмонга чиққан учта самолёти тосдаги сувга солиб қўйилган балиқчалардай жилпанг-жилпанг қилиб, истаганича ўққа тутди. Улар шунчалик пастлаб бемалол учардики, қорнига ёпишган тутун излари, қанотидаги илон нусха крести, баъзан бир томонга ёнбошлаганда учувчисининг жигар ранг шлёми ҳам аниқ кўринарди. Баъзан на бир ўқ узар, на бир бомба ташлар, фақат қандайдир чинқироқ бир асбобини асабга тегадиган қилиб чинқиртирганича окопларга қанотини уриб олгудай бўлиб ўтиб кетарди. Жангчилар жон ҳолатда қулоғини беркитади, асаби бутунроғи эса, машқда ўргатилганидек кетидан пақ-пуқ қилиб милтиғидан ўқ узиб қолади. Қодир ҳам бир шўнғиганида нишонга олди, лекин улгурмади. Шўнғиб келаётган самолётни остидан худди унинг тепасига келганда икки-учта зулукка ўхшаш қора нарса ажралиб, ерга туша бошлади. Қодир уларнинг майда бомбалар эканини билиб, кўзини чирт юмди ва ўзини окоп ичига олди. Бомбанинг ўзидан қанча нарига ва қачон тушганини билмайди, фақат салдан кейин ернинг гумбурлаб силкиниб кетганини элас-элас эсларди. Бир маҳал кўзини очса тупроққа кўмилиб ётибди, лекин ҳеч ерида қон йўқ, яраланмаганидан, ёлғиз бомбанинг шамоли елпиб, окопини бузиб устига ағдарганидан бир қадар хурсанд бўлиб, ён-верига қараса, бақа ранг кителли, камарининг, тўқасида бургут нақши бор немис солдатлари юрибди. Бошқатдан кўз олдини қоронғилик босди. Кўзини очиб, ўзидан бир қадам нарида кимнингдир тирсагидан узилиб тушган қўлини кўрди. Узуқ билакдаги соат ҳамон чиқиллаб юриб турарди. Юраги орқасига тортиб, бир зум шошиб қолди: ўзини ўлганга солиб ётаверсинми ёки ўқ узсинми? Ҳали бир қарорга келмай, устидаги тупроқни сал сидириши билан орқасидан унга бировнинг нотаниш тилда нимадир дегани эшитилди. Орқасига қараб, автомат ўқталиб турган немисни кўрди. Қисмнинг чекингани маълум бўлди.

Шу куниёқ уни майдонда қолиб кетган бошқа ярадорлар билан ҳарбий асирлар лагерига келтириб ташлашди. Қодир шунда билдики, унинг бошига нимадир қилган, қулоғи ёмон эшитиб, ҳамон ғувиллайди. Миясида бўшлиқ пайдо бўлиб, у қандайдир ҳавога тўладек туюлади.

Қодир қўли, боши боғлиқ ёки ҳали ярасини боғлашга улгурмаган, кийим-боши қон аскарлар билан лагерга

www.ziyouz.com kutubxonasi

кирганда у ердаги кишиларни кўриб, яна даҳшатга келди: усти бошлари кир-чир, соқол-мўйловлари ўсиб ёввойилаштирган, фақат кўзларигина милтиллаб инсон боқишидан дарак беради, бечора ярадорларнинг қачонлардир оппоқ бўлган докасига қараб бўлмайди, қорадан ўтиб, йилтироқ қозон сочиқ тусига кирган эди. Буларнинг ҳам ўзи каби ҳарбий асирлар эканини билди-ю, ваҳимага тушди. Эрта-индин ўзининг ҳам ўшалар аҳволига тушиши мумкинлигини ўйлаб, тирик қолганига пушаймон қилди: нега ўша кунги бомба ўлдириб қўя қолмапти!

Янги келганларни «томоша» қилиб турганларнинг орасида бир киши кўзига иссиқ кўриниб кетди. У одам ҳам Қодирни кўрди, бир зумгина бир нарсани хотирлагандек термилиб турди. Кейин орқасига шарт ўгирилиб, кета бошлади. Бу вақт Қодир унинг кимлигини эслаган эди. Бу бир вақт акаси қамоққа олингандан кейин уйларини тинтув қилиш учун келган НКВД ходимидан бири эди. Уни Қодир яна бир иш билан телефон қилганида ҳам кўришган, икки оғиз гаплашган ҳам эди. Адашмаса унинг фамилияси Пушкарёв эди. Қодир Пушкарёвнинг орқасига бурилиб кетиш сабабини билди: у ўзини эҳтиёт қиляпти. Ахир немислар унинг НКВД ходими эканини билса тирик қўймайди-да! Шунда бирдан хаёлига келди: у бу ерда нима қилиб юрибди? уруш бошланганига ҳали ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку, бу қачон асир туша қолибди.

Гарчанд Қодир Пушкарёвни ёмон кунлари гувоҳи сифатида эсласа ҳам, ундан шахсан ёмонлик кўрмаганидан, ўша қабул қилган куни меҳрибонлик билан суҳбатлашганидан, бунинг устига мана шундай даҳшатли ерда биринчи учратган таниш кишиси бўлганидан унинг кўнглида қандайдир шафқат уйгонди. У билан гаплашгиси келди. Кетидан бориб:

— Салом ўртоқ Пушкарёв! Мени танияпсизми? — деди.

Пушкарёв уни биринчи марта кўраётган кишидек елкасини қисди. Бу йўли эди. Аслида у ҳам боя қарашидаёқ Қодирни таниган, таниб туриб, «яна бир балони бошламасин бу» деган фикр билан ўзини олиб қочган эди. Қодир унинг лагерга тушганидан бери учратган биринчи таниши эди. Тағин қанақа таниш! Унинг НКВДда ишлашинигина эмас, балки акасининг қамалишида, терговини олиб боришида бевосита иштирок этган киши сифатида билади. Қодирнинг бир оғиз сўзи унинг бошини ейди.

Бу даҳшатли хаёл Пушкарёвнинг юрагига ништар бўлиб қадалиб, дунёни кўзига қоронғи қилиб кўрсатган, нима қилишини билмай, икки ўт ўртасида қолиб келмоқда эди. У ўйларди: ишқилиб таниб қолмасин! Таниганда танишдан бошқа чорам йўқ. Лаънати тасодиф!

Мана ўша «ишқилиб, таниб қолмасин! деган одами у кутганидан ҳам тезроқ ишга киришиб, кетидан қувиб келиб, йўлини тўсди. Демак унинг юрагида акасининг алами қат-қат бўлиб ётган экану, фронтга тушиши билан асир туша қолибди. Энди эса, унинг омадини бериб, қаршисидан мен лаққа гўштдек тайёр чиқиб турибман.

Шундай бўлса ҳам Пушкарёв ўзини йўқотмади. Ҳатто бундай ишларда чиниқиб кетган одамларга хос оғирлик билан бефарқ қараб туриб:

— Йўқ, танимаяпман. Сиз кимсиз? — деди.

Бу Қодир учун кутилмаган жавоб эди: наҳот уни танимаса? Йўқ, йўлини қиляпти. Кўзидан кўриниб турибдики, йўлини қиляпти. Ҳа, иложи қанча! Коммунистлигидан бир чўчиса, НКВД ходимлигидан икки бор ҳайиқади! Наҳотки мени хоинлик қилади, деб ўйласа.

Хоинлик ҳақидаги фикрни ўйлаб юраги орқага тортиб кетди. Бироқ уни хоинликда айблаётгандек, сесканиб тушди. Ваҳоланки, унинг Пушкарёв тугул, бошқа бировга ҳам ёмонлик қилиш хаёли йўқ. Фақат шу оғир дақиқада танишини, унинг жуда узоқда қолган она шаҳрини, Азиза билан бирга юрган кўчаларини, яйраб нафас олган боғларини кўрган танишини учратганидан кўнгли сув ичиб кетидан келган эди. Бу бўлса, кўзини лўқ қилиб, ўзини четга олиб турибди!

— Қўрқманг, сотмайман! — деди унинг сариққа яқинроқ юзларига, тикан бўлиб ётган малла соқолига дадил қараб.

— Нимадан қўрқаман? Қизиқ гапни гапирасиз-а! — Пушкарёв бўш келмас эди. Лекин шу билан баравар унинг олдидан қўрққан кишидек шоша-пиша жўнаб ҳам қолмоқчи эмас, «яна нима демоқчисан, гапиравер!» дегандек бамайлихотир турарди, ўзини тутишидан қилаётган ишига ишончи маҳкамлиги аён эди. Қодир аскарлик тамакисини олиб, папирос ўради ва ҳурмат билан унга тутди:

— Чекинг!

Пушкарёв раҳмат айтиб, бир чимдимгина олди.

— Кўпроқ олаверинг, тамом бўлса бирга хуморлашамиз.

Пушкарёв индамади, олганини ўрайверди, шу пайт

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг атрофида уч-тўртта кашанда пайдо бўлган, бири қўлини чўзиб, сўраб турарди.

— Сахий бўлсангиз ана уларга беринг! — деди Пушкарёв ўраётган папиросидан бошини кўтармасданоқ.

Қодир папиросини оғзига қистираётиб:

— Тамаки одамдан азиз бўлибдими! — деди ва атрофдагиларга бўлашиб берди.

Буралиб чиққан тутунни кўрибми ёки хумор димоғларига ҳиди дарров бориб урдими, уларнинг атрофини бир талайгина асирлар ўраб олди. Бир хили сўлакайини оқизиб, чекаётганларнинг оғзига кўзини лўқ қилиб қараб турган бўлса, бошқа бирлари, ақлли одамнинг ўзи билади, дегандек ўзларини нима биландир машғулдек қилиб кўрсатарди. Бошлаб Пушкарёв ярмига бориб қолган папиросини устма-уст бир-икки тортиб, ёнида турган бирига узатди. Қодир ҳам шундай қилди. Сал ўттач, Қодирдан сўраб олган киши ҳам бошқага узатди. У ундан нарига узатди. Папиросслар қўлма-қўл ўтди. Лекин энг биринчи сўраб олган чиноқ асир юзини бир четга қилиб, ёлғиз ўзи чекарди. Пушкарёв унинг тирсагига турtди:

— Уялмайсанми бир ўзинг чеккани!

Чиноқ асир ҳеч нарса демасдан, яна бир узун сўриб, қўшнисига узатган эди, у олмади:

— Аввал ўзинг тўй. Ўзи тўймаганнинг сарқити юрак оғриғи қилади! — деганича бурилиб кетди. Чиноқ ўсал бўлганича қолди.

Кечқурун Пушкарёв мудраб қолган Қодирни уйғотиб:

— Овқатга юринг! — деди. Уйқуга тўймаган Қодир телба бузоқдек унга эргашди.

Узун навбат туриб, минг қий-чув билан, идиш-оёқ етишмасдан, пачоқ котелокда иккалаларига олган нарсани бошқа ном топиша билмаганидан «овқат» деб аташса керак. Сув борлиги суюқлигидан аниқ, аммо ичида ундан бошқа нималар сузиб юрганини, унинг рангини аллама-бало нотайин тусга киритган нарса нималигини билиб бўлмас эди.

Эркинликнинг ширин таоми димоғидан кетмаган Қодир қорни оч бўлса ҳам, кўнгли тусамади, ирганганга ўхшаб, навбати келганда бир-икки ҳўплади. Бир гал унинг қўланса ҳидидан кўнгли ағдарилиб келди-ю, иштаҳа билан ичаётган Пушкарёв олдида номус қилиб, ўзини куч билан зўрга тутди. Пушкарёв билиб турса ҳам, ўзини билмасликка солди. Лекин Қодир мен «тўйдим, ўзингиз

ичиб қўя қолинг» дегандан кейин, қўлидаги нонни таклиф қилишга мажбур бўлди, чунки унинг нима сабабдан «тўйганини» яхши биларди: янги келган кезлари ўзи ҳам бир ҳафтагача оғзига ололмаган.

Аввалига рози бўлмай, оғриниб олган Қодир нонни ҳам тузук еёлмади. Ундан нондан кўра, бошқа бир нарсанинг таъми келарди, чайнаса оғзида ў ёқдан-бу ёққа ўтиб, томоғига кетмас эди.

«Ҳа, шу ерда очимдан ўлар эканман-да» деб ваҳимага тушган Қодир, бир ҳафтадан кейин бу «таъмли овқатни» талашиб-тортишиб ейдиган бўлди. Лагерда каравот, кўрпа-ёстиқ йўқлигини ҳам унутиб, «ит ётиш, мирза туриш»га ҳам кўникиб қолди. Энди у ҳақини талаб қилиб, муштлашишдан ҳам тоймас, керак ерда энгаҳини чўзиб ҳам борарди. Унинг ёш, қизиққонлигини билган Пушкарёв бу йўлдан қайтариб, дакки бериб турарди. Нима учундир унинг сўзи Қодирга дарров таъсир қилақоларди. Сабабини ўзи ҳам очиқ билмас эди.

Бир куни эрталаб Қодир кўзини очса, ёнида қорачадан келган, қоши-кўзи чиройли, бурни тўмтоқ, энгаҳи уч бурчак бир йигит турибди. Йигит шоша-пиша салом берди. Қодир алик олди. Йигит ғайри табиийроқ бир ишшайиш билан:

— Мени танимадингиз, а?— деди.

— Йўқ! — деб ростига кўчди Қодир. Гарчанд уни аввал кўрган бўлганда ҳам, ҳозир таниши қийин эди. Унинг лосдек қоп-қора соқоллари то кўзининг остигача юзини қоплаб олган, паст томони кўкрагининг жунига улашиб кетган эди. Пешонасидаги икки қалин ажинига ўтирган кир қора ип ёпишгандек бўлиб кўринарди. Кўкрагига қўйиб турган қўлларининг кирига-ку, қараб бўлмас эди: тирноғи қошиқ бўлиб кетган, ости тўла кир.

Йигит ўша қалбаки ишшайганича ўзини таништирди:

— Сиз Содиқ аканинг укасисиз, шундаймасми? Мен у кишида ўқиганман. Заб муаллим эдилар-да, бунақаси бўлмайди. У киши синфга кирганда бирон бола қилт этмас эди. Дарсни ҳам кийдириб юборардилар. Лекин имтиҳонни ҳам тоза олардилар. Мени жуда яхши кўрардилар. «Сендан ажойиб тарихчи чиқади» деб, нуқул «беш» қўярдилар. Ўзим ҳам тоза тайёрлардим.

Табиати хушчақчақ бўлиб кўринган бу йигит Қодирни қизиқтириб қолди:

— Сизники қаерда эди ўзи?

— Шундоққина мактабнинг ёнида. Директор бўлиб турган ерларида қамалиб кетдилар-ку. Ўшанда мен тўқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қизинчи синфда эдим. У кишидан кейин Мирсалим ака директор бўлди. Икковлари жуда қалин эдилар, лекин Содиқ ака қамалгандан кейин Мирсалим ака дарров тўнини ўзгартириб олди. У кишининг ёздирган конспектларини, «халқ душманиники ярамайди» деб йиғдириб олди, мактаб ҳовлисига гулхан ёқтириб, ўзи тепасида туриб, куйдириб ташлади. Лекин коспектларида хато йўқ эди. Битта ўртоғим бекитиб олиб қолган экан, ўшани ўқиб имтиҳон бердик, ҳаммаси тўғри чиқди.

Акасининг шаънига айтилган бу сўзлар Қодирга хуш ёқди, унинг меҳрини товлади. Бу ёқимтой йигитнинг кимлигини яхши билиб қўйиш, вақти вақти билан ўтган кунлар ҳақида суҳбатлашиб туриш учун унинг исми-шарифини сўради. Шунда йигит нима учундир жуда ўнгайсизланиб, юзида боядан бери барқ уриб турган кулгиларни йиғиштириб олди, алланечук бўлиб кетди. Қодир, бунинг бир балоси бор шекилли, деб сабр қилиб турди. Бир оз жимликдан кейин йигит журъат этиб, оғзини гапга жуфтлади.

— Сизга тўғрисини айтмасам бўлмайди: асли исмим Мўрдахай, лекин Мардон бўлиб кетганман, ҳамма Мардон дейди. Сиз ҳам шундай деяверинг. Шу исм яхши, шуни ўзим ҳам яхши кўраман: Акангиз ҳам «Шу исм сенга ярашади» дердилар Рост! Бир неча марта айтганлар.

Қодир бу йигитнинг исмини айтишдан олдин нега бунчалик безовта бўлганини энди тушунди. Ҳозир ҳам, айтиб бўлгандан кейин ҳка, кўнгли жойига тушмаганини, балки аввалгидан кўра бешбаттар ташвишда эканини ҳам фаҳмлаб туради. Уни шундай нозик жойда «бухор яҳудийимисиз» деб, кўнглига баттар ғулғула солишни истамасдан:

— Ўқчиликман денг! — деди.

Мўрдаҳай ҳам тушунди, дарров жавоб қилди:

— Лекин ўзбек бўлиб кетганман. Уйда ҳам нуқул ўзбекча гаплашардик. Дадам раҳматли, ўзбекдан бағри кенг халқ йўқ. Жаҳли чиққанда ҳам кулиб тургандай гапиради, гапи оғир ботмайди, дер эдилар. Шунинг учун мени ўзбек мактабига берганлар. Тилимдан билинмайди, а?

Унинг талаффузида бухор яҳудийлиги сал-пал сезилиб турса ҳам, қодир унинг юрагига ваҳима солгиси келмади:

— Сира сезилмайди.

— Раҳмат! Катта раҳмат! Мен билиниб қоладими, деб

қўрқиб юрган эдим. Энди сиздан битта илтимосим бор.

— Хўш? Хўш?

— Мабодо биров суриштириб қолса «уни танийман, ўзбек» деб юборсангиз. Жон ака, шундай дейсизми?

Мўрдаҳай ҳали замон биров томоғидан хиппа бўғиб олиб кетадигану, Қодирнинг бир оғиз сўзи олиб қоладигандек унинг оғзига илтижо билан термилиб турди.

Қодир унинг жавдираб турган кўзига қараб «бу бечораларга биздан ҳам қийин. Билди — бесуд, бетергов ўтиб ташлайди. Халқнинг ҳам яхши, ёмони бўладими!» деди-ю, унга раҳми келди.

— Хавотирланманг! — деди.

Мўрдаҳай ташаккур айтганича юзида ўша таниш ғабассум билан туриб кетди. Бир соатлардан кейин тўрт чақмоқ қанд олиб келиб, Қодирга узатди. Қодир бу яқин орада қанд бетини кўрмаган эди, шундай бўлса ҳам биттасини олди.

— Раҳмат! Қолганини ўзингиз енг, Мардон! — деди.

У табиати ёришиб ташқарига чиқди. Куз осмонида тивитсимон булут сузиб боради. Этаги лагерни ўраб турган тикан симларга илиниб қолгудек паст. Эҳ, бу тикан симлар! Шу занг босган тикан симларга, вишкаларда тез-тез алмашиб турадиган бақа ранг кителли соқчиларга кўзи тушганда Қодирнинг бутун аъзойи бадани жўшга келиб фарёд қилгиси, ана шу ҳайқириқ билан соқчиларнинг тилка-порасини чиқариб, тиканли симларни бурда-бурда қилиб ташлагиси келарди. Лекин бунинг мумкин эмаслигини танасига ўйлаб, юрак-бағри эзилиб, бош ургани жой тополмай қоларди.

Ҳозир ҳам у худди ана шундай диққинафаслик билан ҳар ер-ҳар ерда беҳол-бедармон чўзилиб ётган, кийим-бошлари у ёқда турсин, башараларига ҳам одам қараб бўлмайдиган кир-чир асирларга маъсум назар ташлаб кунгай ерга ўтиб борар экан, ўзининг ҳам бора-бора бир куни шу аҳволга тушиши мумкинлигини ўйлаб, юраги ёрқасига тортиб кетди. «Йўқ, бунга йўл қўйиш ўзимни ўзим ўлимга маҳкум қилишдир» деган фикр билан яна ўзига далда берди ва кунгайга ўтиб ўтирди. Куз бўлишига қарамай, қуёш баданини иситди. Қўлтиғи остида бир нима ғимирлаб, этини қичитди. Қодир беихтиёр қўлини юбориб аста қичинар экан, ёнида ўтирган чиноқ асир ўқма ташлади:

— Тортинмай қичина беринг, у ўзимизнинг бит бўлади, — деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўғ-е! Бит эмасдир! — дея Қодир гимнастёркасини бошидан чиқараркан, чиноқ унинг ёнига сурилиб келди ва Қодирдан аввал кўзи синашта бўлиб қолган чок орасига назар ташлаб:

— Бу-чи? Мана бу нима? — деди у. Кейин Қодирнинг соддалигидан кулиб, биттасини кафтига олди, унинг кўзи олдига тутиб, яна тегишди:

— Таниялсизми? анчагина семиртириб қўйибсиз.

Битлаш у ёқда турсин, умрида бит зотини кўрмаган Қодир номусдан қизариб кетди.

— Мана, эртага яна келишармиш. Рози бўлсангиз, бу азобларнинг ҳаммасидан қутулиб қоласиз.

Қодир ҳеч нарса тушунмай, чиноққа боқди. Чиноқ бошқа гапирмади. «Жонга тегди бу ҳаёт, ўлик бўлиб гўрда, тирик бўлиб тўрда йўқсан. Онам ўлсин мени шу кунларга туғмай!» деганича тўнғиллаб туриб кетди, сал нари бориб яна қайтиб келди:

— Шу ҳам умр бўлдими! Итдан суяк қарз бўлиб яшагандан... Йўқ, мен бундан ортиқ чидолмайман.

— Ахир бу аҳволга тушган битта сизми!.. — уни юпатмоқчи бўлди Қодир.

— Ҳар кимнинг гўри бошқа, биродар, фалончи ҳам юрибди-ку, деб ажал ёқамдан тутгунича пойлаб ўтиришим керакми? Аввалбор урушда биз ютқаздик. Хўш, энди нимани кутамиз? Бас, ўз жоним ўзимга керак.

Қодир унинг фикрига қўшилмаса ҳам, шу пайт бирор нима деб уни эпақага келтиришига ишонмади. Бир томондан унинг немислар томонидан қўйилган айғоқчи эканидан чўчиб:

— Жуда ҳам қисқа ўйламанг! — дейиш билан кифояланди.

Чиноқ «шу ҳам гап бўлибдими!» дегандек қўлини силтаб, жўнади.

Қодир унинг бунчалик изтироб билан нимага тайёрлик кўрганининг сирини эртасига билди.

Эртасига туш пайтида Ўрта Осиё республикаларидан асир тушган «мусулмон» аскарларни бир ерга тўпладилар. Улар қаршисига лагерь идорасидан уч эркак, бир хотин чиқиб келди. Бир эркак граждан кийимида бўлиб, бошида шляпа, эгнида дазмоли бузилмаган жигар ранг костюм, ёқаси крахмалланган кўйлак, бўйнидаги бежирим қилиб тақилган қора галстукнинг тугилган ерида немис фашизмининг крест белгиси. Ўзи буғдой ранг, ориққина, бошига нисбатан энгаҳи жуда кичкина ва учи нишли. Хотинчалиш юриш билан у ҳаммадан олдинда

келар, ундан ўнгда немис офицери, чап томонда эса, ялтиши кийинган бўлишига қарамасдан истараси совуқ, хунук бир хотин. Орқада эса, автомат тақкан солдат.

Костюмлик киши саф тортиб турган асирлар олдига кулимсираган бир алпозда хотинчалиш қадамлар билан келиб, ҳезалак товуш билан ўзбекчалаб сўрашди. Асирларнинг юриш-туриши «ҳол кўр, ранг сўр» бўлса ҳам, уларнинг ҳол-аҳволини сўради. Уларга ачинган бўлди. Узоқ гапирди. Кимнидир қарғаб, аллакимни кўкларга кўтариб мақтади, немис қуролининг кучига ҳасанот ўқиб, «жаҳонгир, музаффар фюрер»га ташаккур билдирди. Ўзининг мусулмонлигини пеш қилиб, уларга «ҳиммат ва мурувват қўлини чўзишга жазм этиб, фюрери аъзамдан фатво олганини» таъкидлади. Яна алланималарни узундан-узоқ гапириб, «барча мусулмон болаларининг бир байроқ остига тўпланиш пайти келганини» уқтирди. Шу ниятда фюрери аъзам қаноти остида музаффар мусулмон қўшини тузмоқчилигини, бу қўшин ўзагини мана шу рўпарасида турган азамат йигитлар ташкил этажагини, бу қўшинга ҳазрат Амир Темурнинг руҳиноклари мададкорлигини гоҳ ғурур билан, гоҳ ҳазин бир ёлвориш билан айтиб чиққач, ёнида турган немис офицери билан бир оз немисчалашиб, кейин кийим-бошлари титилиб кетган, очликдан ранги рўйига одам қараб бўлмайдиган ғариб асирларга мурожаат этди.

— Мана шу қўшинга ёзилишга хоҳиш билдирган мусулмон фарзанди бир қадам олдинга чиқсин!

Ўзини Али Наимхон деб таништирган костюмлик киши, «мен буларни ўз нутқим билан мойдек эритдим, бу оч-яланғоч ҳаётдан албатта воз кечишади, ҳаммаси гув этиб олдинга қадам қўйса, яна мени босиб кетишмасин» дегандек икки-уч қадам орқага чекинди. «Бу заифа менинг хотиним, немис фарзанди бўлсалар ҳам, Туркистонга нисбатан бўлган ҳурмат ва эҳтиромлари сабабли мусулмонликни қабул этганлар!» — деб бундан сал аввал таништирган ёнидаги хунук хотинга назокат билан ишшайиб чап қўли билан унинг билагини қисиб қўйди. Бўлажак аскарларининг сафдан чиқишини кутиб турди у. Оч-яланғочлар сафи бу кутилмаган командадан бир қалқиб, кейин шундай сокинлик чўккан эдики, осмондан ўтган қушнинг қанот қоқиши эшитилди. Али Наимхон сафни кузатиб турар, тоза қириб упа суртилган бўлса ҳам, соқолининг излари шундоқ қорайиб кўриниб турган юзлари тагида қандайдир шумлик яширинган табассум кезарди. Вақт ўтган сари бу табассум устига кул

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтирган чўтдек сўниб борар, ўрнини асабий бир ҳолат олмоқда эди. Бу ўзгариш охирига етмасдан, унинг кўзи бирдан чақнаб, тишининг оқи кўринди. У Қодирдан ўн одимча нарига қараб:

— Боракалло, азамат! — деди ва барчанинг диққатини ўзига тортди. Қодир у «боракалло» деган томонга боқиб, кечаги чиноқ асирни кўрди. Чиноқ бир қадам олдинга чиқди-ю, атрофда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўриб, шошиб қолди. Яна жойига қайтмоқчи бўлиб, тисарилган эди, унинг олдига етиб келган Али Наимхон:

— Бемалол, бемалол, азизим, тортинманг! Турк ўғли журъатли бўлиши керак! — деб уни тутиб қолди. Бу ташаббусдан руҳи кўтарилган Али Наимхон чиноқни мақтаб, бошқаларнинг ҳам чиқишини кутди, бу орада уларнинг «мусулмон аскарлигида» қандай кийиниши, қандай маишатда яшашларини оғиз кўпиртириб мақтади. Лекин бари бир саф қилт этмади, бошқа бир асирнинг чиқиши амри маҳол эканини аста-секин фаҳмлаб, сўзининг маромини ўзгартириб борди, охири асабий бир титроқ билан қойиди, кейин яна «таналарига ўйлаб кўришни» ётиғи билан маслаҳат берди. Бу маслаҳатидан сўнг яна кутди. Бари бир чиноқ ёнига бошқа биров қўшилмаслигига ақли етгач, у ёнидаги немис офицери билан нималарнидир чуғурлашди, хотинига юзини ўгириб ўзини зўрлаб кулди.

— Қўрқишяпти, маликам. Большевизм зулми булар-нинг юрагини олиб қўйган-да, — деди у ўз хатти-ҳаракатини оқлаган кишидек.

— Қизиқ, нимадан қўрқишади! Ўз юртлари гўзал Туркистонга улуғ фюрер хайри-паноҳида ғолибона кириб боришади-ку, — деди хотини ҳаммага эшиттириб. Унинг оғзи калхат боласиникидай жуда хунук ва бесўнақай катта эканини эндигина пайқаган Қодир. «Оғиз ҳам шунақа эски кавушдай бўладими! Лойтовоқдай юзига бирам ярашгани! Гитлер ҳам ўз немисидан қолган сарқитини, ташлагани жой тополмаганидан кейин, бу «Туркистонпарвар» жанобга ҳадя қилганга ўхшайди. Дунёда бундан чиройли хотин зоти йўқдек ялаб-юлқашини қара!» деганича анча вақт бу лойтовоқ башара, калхатоғиз «малика»дан кўзини олмади. Шу пайт кимдир орқа томондан:

— Ўзинг ботган ботқоққа тортма бизни! — деди. Яна бошқа биров бу томондан:

— Биз хоин эмасмиз! — деб бақирди.

«Малика»нинг кўзи ўйнаб, шерикларига нимадир деди, немис офицери ҳам безовталанди. Лекин Али

Наимхон уларга нималарнидир қисқагина тушунтириб, сафга юзланди. Юзида остини заҳар босиб ётган ғалати бир жилмайиш бор эди.

— Ватандошлар! — деди у, ўзини аранг босиб, — бу подонликни ташланг. Шайтонга мусулмон кўнглингиздан жой берманг. Биз яхши ният билан ташриф буюрганмиз. Бу жаҳолат нечун!

У анча гапирди. Лекин кўзи билан ўша луқма ташлаганларни ҳамон қидириб турарди. Уни топгандек бўлди шекилли, хотинча юриши билан олдига борди, суриштирди, қойиди. Шу пайт, бирдан Қодир унинг бошқача товушини эшитиб қолди:

— Сен жуҳудбача, бу ерда нима қилиб турибсан? Сенинг касофатингмиди бу!

— Ким? Менми? Мен ўзбекман, — деди сафдан бири. Бу товушни Қодир таниди, бу Мўрдахай эди. «Оҳ, бечора, қўлга тушди» деб эгилиб қаради: Мўрдахайнинг юзида қон қолмаган.

— Олдинга чиқ! — буюрди Али Наимхон.

Ноилож қолган Мўрдахай саф олдига чиқди. У Қодир кутганидан кўра тетик кўринарди.

— Нега ёлғон гапирасан? Қани менга қара! — Али Наимхон унинг кўзидан, серсоқол юзидан бир нарса уқиб оладиган кишидек синчиклаб қаради. Кейин нима учундир оёғига, йиртиқ шинелининг куйган ерига кўз ташлади: — Ўзбеклигингни нима билан исбот қиласан?

Мўрдахай бундай савол қачонлардир берилишини кутмаганиданми ёки жавоб қайтаришга ожизлигиданми елкасини қисди, ажабланди, кўзини милтиллатди.

— Йўқ, сен жуҳудсан! Жуҳудлигинг кўзингдан кўриниб турибди, — деди қатъий ҳукмдек Али Наимхон. Бу ҳукмини немис офицерига етказмоқчи бўлгандек, орқасига бурилиши билан Қодир:

— Мен уни танийман, афандим! — деди. «Афандим» сўзи қулоғига хуш эшитилган Али Наимхон юзида табассум ёйилди, Қодирга юзини ўгирди:

— Жуҳудлиги тўғрими?

— Йўқ! Мен у билан бир мактабда ўқиганман. Ўзбек, исми Мардон.

Али Наимхоннинг бирдан қовоғи солинди. У ишонмади. Буни сезган Қодир яна тасдиқлади.

— Рост!

Ҳеч ким легионига хоҳиш билдирмай турган шундай нозик бир пайтда «ўзимники тўғри» деб гожлик қилишни ўринсиз билган Али Наимхон бир исқирт асирнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

гувоҳлигига ишониб қўя қолишни ҳам истамас эди. Бу ўта соддалик бўлар эди. Шунинг учун у яна бир исбот талаб қилди:

— Қани ўзбек бўлсанг, мусулмонлигингга калима келтир.

«Калима» нималигини умрида эшитмаган Мўрдахай яна ҳайрон бўлди. Унинг бу мушкулини яна Қодирнинг ўзи енгиллаштирди:

— Афандим, биз ёшлардан ким калимани билади! Ким ўқитибди-ю, ким ўқитгани қўярди. Наҳотки шуни билмасалар!

Али Наимхон бўшашиб тушди: ахир Туркистонда диний мактаблар бекитилган-ку! Бу йигитнинг гапида жон бор!

— Агар «калима»га қараб ажратадиган бўлсангиз, мени ҳам ўзбек демаслигингиз мумкин. — Яна исботини чуқурлаштирди Қодир. Лекин «мусулмоншунос» Али Наимхон Қодирни ўзбек демасликка ҳеч қандай асоси йўқ эди, чунки Қодир талаффузидан тортиб, қош-кўзи, юриш-туришигача қўйиб қўйган ўзбек эди.

Қодир «енгдим, энди нима важ топар экан?» деб турган эди, лагернинг дарвозаси даранглаб, очилиб, ичкарига юк машинаси кирди. Устида уч-тўртта асир аскарлар. Улар ёнида ва кабинкада учта немис автоматчиси. Машина сафдан сал нарида тўхтади. Ҳамманинг кўзи машинада эди. Қодир уларга қаради. Қаради-ю, ҳангу манг бўлиб қолди: асирнинг бири Мирсалим, унинг севиклиси Азизахоннинг дадаси Мирсалим эди. «Бу ҳам асир тушибди-да!» деб ажаблангунича бўлмай, Али Наимхон битта ўзи саф олдида ҳамон тумшайиб турган чиноқ асирни машинага чиқишга буюрди. Ана шунда Қодир машинадагилар кимлигини тушуниб, ўз кўзларига ишонмади. «Наҳотки, кўкрагига муштлаб юрган «қизил Мирсалим» хоинликка розилик билдирган бўлса! Йўг-е! Эҳтимол адашаётгандирман. Одам одамга ўхшаши мумкин». Қодир шундай ўйлар билан машинага кўзини қадади, ҳатто ўзининг сафдан ажралиб чиқиб қолганини ҳам пайқамади. Йўқ, ўшанинг ўзи. Қодир адашмаган! Худди ўшанинг ўзи! Ахир оралиқ киши адаштирадиган даражада олис ҳам эмас. Қодирнинг кўзи эса, яхши кўради.

«Шу яқиндаги лагерда экан-да, сотқин» деб кўнглидан ўтказган Қодир, зўр бериб, унинг кўзини учратиш ниятида ундан кўзини узмас эди. Мирсалим бу томонга боя бир қараганича, энди бошини ердан кўтармас эди. Аксинча, Қодирнинг бургут бўлиб тикилиб турганини пайқагандек, юзини терс ўгириб олди. То машина жўнаб кетгунича ҳам

бу томонга қарамади. Қодир унинг кетидан чақириб, ўзининг кўрганини билдириб қўймоқчи бўлди-ю, бир томонда лагердошларининг «ҳали шунақа танишларингиз ҳам бормиди!» деб таъна қилишидан, иккинчидан, Али Наимхоннинг қаҳрига учраб қолишдан чўчиди. Ахир бу юмшоқ супургининг бир лаҳзада кирпига айланиши ҳам ҳеч гап эмас-да! Мўрдахайнинг ёнига тушгани ҳам етади!

Ови кўнгилдагидек ўнгидан келмаса ҳам, бўрилигини яшириб, қўзиларча муомала қилган Али Наимхон» «мен сизларнинг сўзларингга ишонаман. Сизлар ҳам менинг айтганимга киринглар, бошлаган йўлимга юринглар!» дегандек, Мўрдахайни сафга қайтарди.

— Яхшилаб ўйланглар! Шайтон сўзига кирманглар. Биз яна келамиз! — деганича ширин хайрлашиб кетди.

Унинг бу ширин сўзининг тахири эртасигаёқ чиқди. Лагерь унинг яна келишига тайёрлик кўриб, нималиги шундоқ ҳам номаълум бўлган «овқат»ни яна расво қилди, энди уни оғизга олиб, нонини тишга босиб бўлмас эди - турган-биттани қипиқ. Бу ҳам етмагандек «овқат»нинг ичидан соч толалари, тирноқ, жун, темир-терсак, резина, тери ва яна алланимабало чиқарди. Буларнинг ўз азоб уқубати ўзига етмагандек, бошқа бир қўшни лагердан озиб-тўзган, кийим-бошининг бутун ери қолмаган, умри саноғлик бир тўда асирларни келтириб ташладилар. Улар ўз лагерларида норозилик ғалаёни кўтаришган экан. Қўзғолон бошлиқларини териб олиб, кўзлари олдида отиб ташлашибди. Қолганларини эса, икки ҳафта бутунлай очнаҳор қўйиб, кейин ибрат бўлсин учун бошқа лагерларга тақсимлаб юборишибди. Улар чиндан ҳам ҳолдан толган эди. Эшикдан кириб, тақсимланган баракларига етиб боришгунча бир нечтаси йўлда сочилиб қолди. Қодир улардан бирига кўмак бермоқчи бўлиб бориб чўчиб кетди: одам боласи ҳам шунақа ориқлаб кетадими! Агар кўзининг милтиллаганини айтмаса, тирик ўлик эди у.

Бу ҳол Қодирнинг раҳмини келтириши билан баравар, уларни шу кунга солганларга нисбатан битмас-туганмас нафратини ҳам уйготди. У бу ерда ҳам кураш зарурлигини англади. Лекин қандай қилиб? Буни билмас эди!

6. МАШЪУМ УМРНИНГ СЎНГГИ

Диловархўжа Содиқнинг жонига қасд қилганидан кейин яна безовталаниб қолди — ахир буни кечиктирмай бажариш керак-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аввалига жуда енгил бўлиб кўринган бу тадбир, тафсилотига ўтган сари мураккаблаша борди. Содиқ инқиллаб ётган Богун эмаски, ухлаб ётган ерида кавушини тўғрилаб қўя қолса! Бунинг устига атроф тўла одам, арининг уясидай ертўлага бири кириб, бири чиқиб туради. У шундай йўлини қилиши керакки, ноинки товуши, ҳатто ҳиди чиқмасин. Бу енгил эмас, албатта. Кечаси ёнига кириб, бўгзига найза санчиб бўлмаганидек, биқиниб туриб пақ этиб отиб ҳам бўлмайди. Демак пайт, хилват, фурсат ва эпчиллик керак.

У «мушкулимни ўзи осон қилсин!» деди-ю, ўнг ёнбошини босиб ётди. Эрталаб барвақт туриб, таҳорат олди. Бир четга ўтиб намоз ўқиди. Дуо қилди, нола қилди.

«Эй худойим, бир меҳрибонлик қилсанг-чи! Мени қийнаб ўтирмасдан шунча учган ўқдан бирини, шунча бало уфурган бомбанинг аччиқ данакдек бир парчасини унинг жон ерига қадасанг нима қилади. Мен-ку сенинг мўмин-қобил бандангман. Эсимни танибманки, изминг-даман. Фарзингни фарз, суннатингни суннат тутдим. Ёшлигимдаёқ «бу сенинг амринг» деб қишлоқ имомининг оғзидан чиқиши билан рўза тутмаган, намоз ўқимаган, фитр рўза бермаганинг пўстагини қоқдим, қўли эгриларнинг таъзирини бердим. Кейинчалик ўзим шу йўлга кириб кетган бўлсам ҳам, сени унутганим йўқ, масжидинга бўйра, жойнамоз олиб бериб турдим, закотни канда қилмадим. Ўйламаки, барча топганини ёлғиз ўзи босиб еди деб. Йўқ. Нимаики ўлжа қилган («ўғирлаган» дейишга тили бормади) бўлсам имомга ҳам, қозига ҳам, юзбошига, аминга ҳам чўтал бериб турганман. Улар ҳаммасидан хабардор эди. Бир сафар бир деҳқоннинг қўшга қўшиб турган ҳўкизини ўмарганимда («ўғирлаганимда» дейишга яна тили бормади) қози поччамнинг ўзлари «бадбахт, қўни-қўшнига қиласанми! Нариги қишлоқда, сал нарироқда иш тутсанг, оёғингга ел тушадими!» деб қутқариб юборганлар. Бу яхшиликларини, албатта, қуруқ қўйганим йўқ, бир овчининг иккита тулкисини (ўғирлаб, йўқ, сўраб) олиб берганман. Қишлоқ оқсоқолику, ўзимнинг отахоним эдилар. Бир почапўстин эвазига мардикор рўйхатидан ўчириб берганлар. Кейинчалик бериб турган «совға-саломларим» бунга кирмайди. Омил қори кенжа хотини — аячамни ҳалала қилиб, мардикорига қўшганда, мардикор «энди менинг қўядиган хотиним йўқ» деб туриб олганда, унинг бошига ит кунини солганман. Ҳа, ростдан ҳам шуларнинг ҳаммасини «бисмилло» демасдан бошлаган эмасман, ҳар вақт ўзингни ёдлаб

турганман. Демак ҳаммасидан ўзинг воқифсан, маъзур тутсанг бўлади.

Инқилоб бўлиши билан «Ислом туғи остига ўт!» дединг, ўтдим. «Йигит тўпла!» дединг, тўпладим. «Кофирни қир!» дединг, қирдим. Ҳа, шуни ҳам сенга эслатиб қўяйки, бизнинг сафимизда кадет ўрислар ҳам бор эди, улар кофир бўлмаса керак, чунки ҳазрат муфти улар билан бир дастурхондан нон ушатиб, бир қозондан ош ердилар, ҳатто саллаларини олиб қўймасдан хушчақчақлашиб ўтирар эдилар. Неча-неча қишлоққа ўт қўйиб, неча одамни тигга торттирган бўлсам, сенинг номинг билан, байроғинг остида қилдим. Ахир ўзинг «менинг ихтиёримсиз бандамнинг баданидан бир дона мўйи тушмайди» дегансан. Демак шуларнинг ҳаммасига ўзингнинг ижозатинг бўлган, ўзинг буюриб тургансану, мен содиқ қулинг, бажо келтирганман. Ўша вақтларда, азиз қулинг бўлиб юрган вақтларимда, баъзан маишат билан бўлиб, беш вақт намозингни канда ёки қазо қилган бўлсам айб мендамас, мен билан «бу шаръийдир» деб май ичишган уламонгда. У кишининг бетидан ўтиб, ўзбошимчалик қилгани ботинмадим. У ҳазрат бўлса, кўп вақт маишатдан кечиб, намозга турмас эдилар... Байроғингнинг сопи синиб, ўзи қизил аскар оёғига пайтава кўрган ит кунларим ўзингга аён — қоқмаган эшигим, кирмаган тешигим, дайди итдек санқимаган кўчам қолмади. Қишда оч қолган қашқир ҳам мендан аъло эди. Шунда ҳам сени эсдан чиқарганим йўқ, ойнинг ўн беш куни қоронги бўлса, ўн беш куни ёруғ деб, «бу — бирор қилган гуноҳимнинг жазосидир» деб сабр қилдим. Бу ёғи яна ўзингга маълум: қўлга тушиш, тергов, лагерь... Шундай қилиб ҳамма синовингдан «ғинг» демай ўтиб келяпман. Мана энди шу кунга келиб, ўзинг мусулмонободликка ибрат қилиб қўйган юртга юз тутай деб турганимда, яъни оғзим яна ошга етганида, Содиқ кофир томоғимга балиқ қилтанаги бўлиб тиқиляпти. Содиқнинг кимлигини ўзинг биласан: бирор марта боши саждангга эгилгани гумон. Бу ҳам майлику-я, ўша йиллари байроғинг остида бўлганларнинг озмунчасини шаҳид қилганми! Бу қилмишларига яраша жазо бериб, қаматган, лагерга ташлатган бўлсанг ҳам, тавбасига таянгани йўқ, таяниш у ёқда турсин, хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳали-ҳали аввалгидай, ҳамон ўз йўлим тўғри дейди, ҳамон ғайри динлар измида. Мен ана шу кофирнинг жонига қасд қилдим. Шу мушкулимни ўзинг осон қил, йўл кўрсат! Ўзинг «ол қулим, бахтинг ёр бўлсин» демасанг, асти

www.ziyouz.com kutubxonasi

иложи йўқ. Бу лаънати юрсам йўлимда, ўтирсам дилимда тўғаноқ. Э, худованди карим, сендан шу ёшга келиб, ҳеч нарса илтижо қилган эмас эдим, шу биттаю битта тилагимни рўёбга чиқар. Содиқни немис тиғғи-баронига учрату, мени муродимга етказ — яъни немис томонига омон-эсон ўтиб олайин. Ишқилиб, шарманда қилма! Омин!»

Диловархўжа ўпкаси тўлиб, димоғини тортиб қўйди. Аста туриб ертўлага қайта ётиб, Содиққа дуч келди.

— Ҳа, йиғлабсиз? Тинчликми?

— Кечаги гапларингизни ўйлаб, хўрлигим келди. Номинг ёмонга чиққандан кейин, тавбангга ишонч йўқ экан!

— Тентак бўлиб қолибсиз, сизга биров бир нарса деяптими. — Ўтган гаплар Содиқнинг хаёлидан анча кўтарилган эди.

Диловархўжа «ҳа, кечаги гапларингиз-чи», демоқчи бўлди-ю, бетга чопишни ҳозир ўзига эп кўрмади. «Ҳа, найрангбоз, олдимга тўртта ёнғоқни ташлаб қўйиб, қўйнимга қўл соляпсан-а!» деган фикр кўнглидан ўтиб, ўпкалаб деди:

— Содиқжон, сиз билмайсиз, одам ўлдиргандан туҳмат ёмон: иқрор бўлсанг дилинг оғрийди, рад этсанг ишонмайдилар.

Содиқ ана шундагина унинг бутунлай бошқа нарса устида ўйлаб келаётганини пайқаб қолди. Лекин ўзининг жонига қасд экани етти ухласа тушига кирмас эди. Шундай бўлса ҳам, уни зимдан кузатиб, кўнгли ғаш бўлди. Топшириқ билан келгани учун мақсадга кўчишга мажбур бўлди:

— Ўқ-дори олиб келарканмиз.

— Қачон? Ҳозирми?

— Албатта эртагамас! Ҳозир.

— Қаердан?

— Сойнинг нариги бетидаги чакалакзордан. Полк ўқ-дорихонаси ўша ёқда-ку.

— Иккаламизми? Ё яна одам борми?

— Иккаламиз борсак бўлармиш.

Диловархўжанинг юрагида бир нарса чақмоқ чаққандек ялт этиб кетди. Унинг кўз олдига қонли режаси ва Содиқнинг оппоқ мурдаси келди. «Эй худо, мушкулимни ўзинг осон қиляпсан шекилли!» деган қувончли фикр уни энтиктириб қўйди ва бўғилиб кетган кишидек гимнастёркаси ёқасини чиқарди, камарини бўшатди. Гарчанд бутун умиди

милтиқда бўлса ҳам, ўзини гўлликка солиб Содиқдан сўраб қўйди:

— Милтиқни ҳам олайми ё ортиқча бўлармикин?

— Ўзингиз қанақа одамсиз, фронтда жангчи ҳам қуролсиз юрадими! Олдингиздан немис чиқиб қолса, менга тегма, милтиғим йўқ» деб мақом қиласизми?

— Сизда бори-чун...

— Мендаги ўзимга керак. Ё навбатма-навбат отамизми?

Содиқнинг кулиб айтган бу сўзини Диловархўжа тузук идрок этмади. У ўлиб қолса ҳам милтиқни қолдирмоқчи эмас, бутун умиди шундан эди. У яхши билардики, ҳозир борадиган жойлари анчагина йўл. Сойни ёқалаб ўриб, пастга тушилади, кейин чакалакзор бошланади, ўқ-дорихона эса ана шу чакалакзорнинг аллақаерида. Гарчанд у ҳеч бормаган бўлса ҳам, шу ерда мудофаа тутганларида командир эҳтиёт юзасидан айтган эди. Диловархўжа Содиқ билан олдинма-кейин бора туриб, пастдаги сойга қараб қўйди: сойнинг суви яхши, лекин чуқурлиги қалай экан, одамни кўмадими? Кейин сойнинг у бетига назар ташлади: дарахтнинг орасида ниқоблар қўйилган тўп-замбараклар, атрофида битта-иккита аскар юрибди. Улар ҳам анча нарида. Ён-верида эса ҳеч ким йўқ. «Айни жойи экану, қаршидан бирорта одам келиб қолиши мумкин-да? — деди Диловархўжа ва икки қадам олдинда бораётган Содиқнинг сочи ўсиб кетган бўйнига, кўйлаги ёқасидан сал чиқиб турган оппоқ ички ёқасига, шалпангроқ кўринган қулоғига, ҳаммадан ҳам найза сапчишни мўлжаллагани чап курагининг остига ички ҳаяжон билан яна бир қараб қўйди. Бу ниятдан унинг ёдани сесканмаса ҳам, юраги дов бермади. Сал нариоқ ўтраверайлик-чи! Ҳали вақт бор-ку.

Шу вақт олдинда уч жангчи кўринди. Уларни кўриши билан Диловархўжа ўзини шошма-шошарлик қилиб қўймаганидан қувонди, ўз ақлига қойил қолди. «Шарманда бўлишимга сал қолган экан-а!» деб шукур қилди. Қаршидан келаётган жангчилар иккитадан қутини камарлари билан хуржун қилиб, елкаларига осиб олган эдилар. Айниқса, жуссаси кичкинаси қора терга тушиб кетган эди, уларни кўриши билан:

— Шарбатга кетяпсизларми? — деб сўради, жавоб ҳам кутмай нолиди: — Тентаклик қилиб сизлар ҳам иккитадан олиб юрманглар. Жуда оғир экан. Олдинига ошлинмаган эди, энди елкани узиб юборай деяпти.

У юкини ерга авайлаб қўйиб, гимнастёркасининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

енгига терини артди. Бошқа бири ҳам тўхтади, учинчиси эса, «тўхтаганинг билан биров тақимингни мойлаб қўядими, юриб қолсанг-чи!» дегандек, индамай ўтиб кетди. Нарироқ бориб орқасига қарамай бақирди:

— Осмонга «юнкерс» амакинг чиқиб, нонуштангни бергунча турасанларми? Қани юринглар!

Жуссаси кичкина жангчи пўнғиллади:

— Ҳамманинг сенга ўхшаб уруғидан фил чиққанми! — кейин Содиқдан кўтартириб юборишни илтимос қилди. Юк унча оғир эмас эди. У узоқлашгач Содиқ:

— Этагини ҳилпиллатиб, шоҳи кўйлак кийиб юрганлардан шекилли, — деди. Диловархўжа ўз мудҳиш хаёли билан банд эди. Эшитмади, шошиб қайта сўради:

— Нима дедингиз?

— Хаёлингиз қаёқда ўзи? Ниманинг ташвишига тушиб қолдингиз тағин? — У орқасига ўгирилиб ҳамроҳига қаради.

Диловархўжа сири фош бўлган кишидек типирчилаб қолди. Содиққа жуда ғайри табиий кўринган бир ҳаракат билан важ кўрсатди:

— Шу бугун кечаси ёмон туш кўрдим.

Содиқ қаҳ-қаҳ солиб кулди:

— Шунинг мотамини тутяпман денг. Балли-е, ким айтади сизни иссиқ-совуқни кўрган деб.

Диловархўжа шундай аҳволда эдики, Содиқ ҳозир «нима туш кўрдингиз?» деса жавоб қилолмас эди. Унинг бахтига тушга унча аҳамият бермайдиган Содиқ қизиқиб суриштирмади. Фақат кап-катта одамнинг кўрган тушидан мунчалик безовталанаётганига кулиб қўя қолди. Диловархўжа бундан жуда мамнун бўлиб, ўзини тутиб олди. Яна миясида ўша мудхиш хаёллар изғиб қолди... Гўё унинг мушкулини чиндан ҳам осон қилаётгандек сал юришгандан кейин бир томони тик қия, бир томони сувга бориб тақаладиган тор сўқмоқ йўл бошланди. Бу сўқмоқнинг полк мудофаа тутгандан кейин пайдо бўлгани ҳали яхши топтолмаганлигидан кўриниб турарди. Диловархўжага айни шундай жой керак эди. Ахир қўндоқ билан орқасидан бошига бирни ўхшатиб солса, вассалом! У гангиб сувга тушгунича бир неча тошга урилиши турган гап. Бу тошлар ҳам анча ерини чақа қилади, кўкартиради, қонатади — биров унинг қўндоқ билан урилганини билиб ўтирибдими! Кейин, то ҳуши ўзига келгунича оғзи-бурнига сув тўлади, бу ундан яхши! Маълумки, бўккан киши дарров сувнинг юзига чиқа қолмайди. Ичи сувга тўлиб, шишиши керак. Унгача

Диловархўжа немис ташлаган варақани чангаллаб, фронт линиясидан ўтиб бўлади. У ёққа ўтиб кетиш дарров мумкин бўлмаса, Содиқнинг ўлганига кўзи етганидан кейин, айниқса солиб бошига одам тўплаши, уни қутқармоқчи бўлиб ўзини сувга ташлаши ҳам мумкин. Бу йўл ҳам ёмон эмас. Фронт мамлакат ичкариси эмаски, ота гўри қозихона қилиб текшириб юришса! Ана шундан кейин, немисга бемалол ўтиб кетади.

Содиқ эса бу ёвуз ниятдан бутунлай бехабар, кечаги отишмадан жароҳат топган дарахтларнинг шох-шаббаларига, снаряд ёки минадан ўпирилиб кетган сой бўйига, кўм-кўк майсалар ўртасида сўгалдек хунук кўриниб турган бомба чуқурликларига назар ташлаб, хаёл суриб борарди. Урушга тили йўқ дов-дарахтлар, бегуноҳ еру паст-баландликлар ҳам қатнашади, дарё, тоғ, унгурлар қатнашади, бир умр инсон оёқ қўймаган қияликлар, ердан чиқиб кетган сўқмоқ йўллар қатнашади, улар ҳам инсондек жароҳат топади, сафдан чиқади, бир умр ногирон бўлиб қолади. Демак урушнинг машаққатини фақат кишилар эмас, бутун мавжудот тортади, унинг оғирлигини бутун мавжудот елкасида кўтаради, қалбида ҳис этади. Уруш пайтининг гулу чечагидангина эмас, унинг музикасидан, ашуласидан ҳам порох ҳиди келади. Уруш оқ билакларни ёмон кўради. Душмандан нафратланиш мардлик ва матонатни туғдиради. Курашда душманга бешафқатлик эл-юртга меҳр-муҳаббатнинг олий босқичидир.

Содиқ шундай одамий ўйлар билан парвойи фалак экан, Диловархўжанинг ичини ит тирнаб, ёвуз ниятини амалга ошириш учун елкасидан милтиғини қўлига олди. Буни Содиқ пайқади-ю, яна ўшандай бепарволик билан тегишди:

— Ҳа, милтиқни қўлга олиб қолдингиз, чумчуқ отасизми?

Диловархўжа ички бир мудҳиш ҳаяжон билан кўзига қон тўлиб турган бўлса ҳам, баҳона топа олди:

— йўлнинг торлигини кўрмайсизми? Киши тойиб кетса...

— Қўлда кўтарган яхшими? Ундан кўра, менга бера қолинг, унда жуда ҳам бемалол бўлади. — Содиқ орқасига ўгирилиб қўлини узатди.

— Йўғ-е! Бир кишига икки милтиқ оғирлик қилади.

— Бўлмаса олдинга ўтинг, шошмасдан йўл бошлайсиз. Тағин тойиб кетсангиз балойингизга қолмайин, ҳали қиладиган ишларимиз кўп-а!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Диловархўжа «оҳ, билиб қолди!» деди ичида ва бутун аъзойи бадани титраб, ранги қув ўчди, Содиқ қиялаб туриб, уни олдинга ўтказар экан, кўнглига «нега бу бунчалик безовта? Мана ранги ҳам девор бўлиб кетди!» деган фикр келди. Лекин шунда ҳам ёмонликка жўймади:

— Очиғини айтинг, бирор ерингиз оғрияптими?

— Нега? Йўқ!

— Алланечуксиз-ку! Тобингиз қочиб турган бўлса орқангизга қайта беринг. Бирорта одам топиб, ўзим олиб келарман. Бизга ҳам ҳалигиларники сингари танкка қарши ёнилғи берсалар керак-да!

Диловархўжа орқасига қайтишга рози бўлмаганидек, нега бунчалик ўзгариб турганига тузуккина сабаб ҳам кўрсатолмади. Содиқ эса «эркак киши эмасми, дардини айтгани номус қилянти» деб бир оз индамай борди. Лекин ўз взводидан икки жангчини учратиши билан уни зўрлаб орқасига қайтариб юборди:

— Ўралиб ётинг, — деб тайинлади, — киши ўзига бепарво бўлмаслиги керак.

У, бу билан ҳам қаноатланмай, ёнилғиларни келтириб командирга доклад қилганидан кейин, доктор бошлаб Диловархўжанинг ертўласига кирди. Касали нозикроқ бўлса у менинг олдимда уялмасин деб, ўзи ташқарига чиқиб турди. Доктор бирор касал тополмай, елкасини қисганича чиқиб кетди:

— Қўрққанми...— деди у холос.

Докторнинг кетидан Содиқ ҳам ажабланиб елкасини қисди.

* * *

Диловархўжа ўзини бутунлай фош бўлган ҳисоблаб, ўтиргани жой тополмай қолди.

Содиқдай устаси фарангдан келгани йўқ. Кеча Богуннинг тўрвачаси туфайли гапни шунақа айлантириб бордики, дод деб юборишимга сал қолди. Шунда ҳам дилидагини айта қолмасдан, чиқариб юборди. Бугун эрталаб гўё ҳеч нарса бўлмагандек мулойим кириб келди. Менинг нима туфайли яниб ўтирганимни пайқади-ю, яна олдимга хашак ташлаб, кўнглимни олди, «ўқ-дори олиб келамиз» деб йўл бошлади. Бу кураш тушаётган полвоннинг рақиби белидаги белбоғини бўшатиб туриб, бирдан қўлига ўраб, ёнбошига олиши эди. Мен содда буни тушунмай уни йиқитаман деб, қасд қилиб юрибман.

Айни долигулига келганда пайқаб қолди, шунда ҳам очиғини айтмай, гўё меҳрибонлик қилиб соғлиғимни сўради, қўярда-қўймай ярим йўлдан қайтариб юборди. Ваҳоланки, ўша пайтда ҳамма нарса ранги-рафторимдан кўриниб, қўлларим титраб турувди. Шарт ёқамдан олиб, «Хўш, ниятинг нима?» деганда, қўлимдан нима иш келарди. Ҳеч нарса! Ё милтиқни кўтаришга улгурардим ёки йўқ. Шунда ҳам у юрагини кенг туриб, яна арқонни узун ташлади. Кичик бир ҳазил билан чегараланиб қўя қолди. Лекин мени олдига ўтқазиб олди, у билиб туриб шундай қилди. Тавба, кишининг шунчалик ҳам асаби маҳкам, юраги дарё бўладими! Бошқа одам бўлганида кечаёқ ойимни ўттиз кун қилиб, ҳисобимни тўғрилаб қўя қоларди. Бугун-чи? Бугунгиси-ку, жуда ўтиб кетди. Бунақаси бу ёруғ жаҳонда бўлмайди. Лаънатининг жони мунча сабил бўлмаса! Ўлмасликка хат олганми деғин. Пинагини бузмайди-я! Тавба! Унинг ўша инқилоб йилларидаёқ «қизил командир» лақабини олиб, бутун бева-бечорани ўргаштирганича бор экан. Ахир мендай одам тан бериб ўтирганидан кейин, у ёғини айтмаса ҳам бўлади. Ажаб, шўролар шундай садоқатли одамининг оёғига кишан солиб, лагерга ташлагани қизиқ. Бошингга кўтармайсанми, бошингга! Соянгга кўрпача солиб, йўлингда жонини фидо қилиб юборай деяпти-ку, «қоч, душмансан!» деб кўкрагидан итарасан! Булар ҳаммаси-ку майли, нега энди билиб туриб доктор бошлаб келди? Унинг жонига қасд қилиб турган одамнинг соғлиғи унга нега керак бўлиб қолди? Йўлдаги хатти-ҳаракатимни хашпўшлаб, ўз оғзимдан иқрор бўлгунимча қўйиб бермоқчими? Ҳаммасини билиб турган одамга, оғзимдан иқрор бўлдим нимаю, ёқамдан бўғиб иқрор қилдирди нима? Бу мушукнинг чала жон сичқонни у ёқдан-бу ёққа отиб ўйнашига ухшайди. Йўқ, мен бунга чидолмайман. Модомики, яна ўқим тошга теккан экан, бошқа чорани кўришим керак. Осим борида этагимни ёпиб олмасам, шармандам чиқади. Бу ер энди менга тор. Бугун бўлмаса, эртага унинг қиқилдоғимдан тутиши турган гап. Ё ўзим бориб, унинг ҳам, ўзимнинг ҳам кимлигимни, қанақа қилиб фронтга тушиб қолганимизни айтиб берсаммикан? Хўш, бундан менга нима наф? Ўз бўйнимни ўзим тутиб бераманми? Унга ҳам тикилган бало бордир. Мен ўз ишимни тўғрилаб кетаверай, то мен ўйчи ўйлагунимча, у таваккалчи ишимни тўғрилаб қўймасин тагин! Тўғрилаб қўйиши ҳам ҳеч гапмас.

Диловархўжа устига ёпиб ётган шинелини бир четга

www.ziyouz.com kutubxonasi

отди, иргиб ўрнидан турди. Содиқ иккита одамни бошлаб кириб, «қўлингни кўтар, қотил» деяётгандек, эшикдан кўзини узмай йиғиштирилди. Эҳтиёт юзасидан милтиғининг ўқдонига ўқ жойлади, ёнидаги немис варақасини «ўғри» чўнтагидан юзароққа олиб қўйди. Сафар тўрвасини олмоқчи бўлди-ю, кейин қайтди. Биров «ҳа, йўл бўлсин!» деб сўроқлаб қоладигандек туюлди. Унинг ичида бўлган колбаса, консервани чўнтагига тиқди, нонни ҳам пайтава учун берилган, лекин ишлатишга кўзи қиймай юрган оппоқ газмолга ўради, қўйнига тиқди. Оғир сафарга отланаётган кишидек қандайдир дуо ҳам ўқиди. «Ишимни ўзинг ўнгидан келтир», — деб юзига фотиҳа тортди. Ертўладан чиқди.

Унинг режасича, ҳамма ўзи билан овора. Бугун отишма бўлмаганидан хурсанд бўлиб, ертўлаларда дам оляпти. Албатта, душман томонни кузатиб ўтирган навбатчи кузатувчилар бор. Уларнинг асосий вазифаси душман томонга кўз-қулоқ бўлиб туриш. Шундай бўлса ҳам Диловархўжа уларни имкон борича узоқроқдан четлаб ўтишга қарор қилди. Бунинг учун бирдан-бир йўл тўғри немис томонга эмакламасдан, сойга ўтиш. У ерда нима кўп — паст-баландлик. У ернинг буталари ҳам ётган кишини кўмиб кетгудай ўсиқ. Ана ўшалар жонига оро кириши мумкин.

У ўзини босиб, постга чиқиб кетаётган аскардек милтиғини осиб, анча ергача борди. Бир-икки учраган одамга турли баҳона кўрсатди. У ҳаммадан ҳам Содиқдан қўрқарди. Фақат Содиққина унинг ичини билиши мумкиндай кўринарди. Унинг бахтига Содиқ тугул, умуман, бу атрофда жангчилар кўринмас эди. У мўлжал қилган еригача юрак ўйноқилик билан келиб, «Худога шукур, энг оғир еридан ўтиб олдим», — деганича чуқурликка ўзини ташлади, кўкраги тўлиб нафас олди. То нафасини ростлаб олгунича бу ердан қимирламади. Бир кўнгли шом қоронғиси тушишини шу ерда кутгиси келди, бироқ бунга юраги дов бермади, биров кетидан қувиб келаётганга ўхшади. Белини қаттиқ боғлаб чуқурдан чиқди-ю, «бисмилло» деганича эмаклаб кетди. Чиндан ҳам ўсиқ ўтлар, ўнқир-чўнқирлар, баъзан чакалакзорга ўхшаган ерлар уни бегона кўздан яшираётгандек эди. Аслида Содиқ «ундан хабар олиб тур» деб тайинлаб кетган жангчи, Диловархўжа ертўладан чиқиши билан унга хабар берган, бу қизиқ ҳаракатдан ажабланган Содиқ унинг изига тушган эди.

Содиқ Диловархўжа чуқурликка тушиб анча вақт

жим бўлиб кетганида «ўзи нима гап?» деб тепасига боргиси келди-ю тағин «тўхтаб тур, қани бу ёғи нима бўларкин?» деб қизиққанича узоқдан кузатиб турди. Диловархўжа чуқурдан тик туриб чиқиш ўрнига ўғри кишидек у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради, кейин бошини паст қилиб, елиб кетди. Сал нарироқ бориб, ерга ётиб олди, ётганича эмаклади. Бу ҳаммаси аввалига Содиққа ғалати туюлди, кейин бундоқ ўйлаб қараса, унинг нияти бузуқ, оёқ олиши хунук. «Ҳа, ит, — деди Содиқ ичида нафрат билан, — олтин тувак хумори тутиб қолибди-да! Тўхтаб тур сени!»

Содиқ то узил-кесил ишонч ҳосил қилгунича уни қўйиб берди. Кейин «тўхта!» деганича тик туриб унга ташланди. Диловархўжа унинг товушини эшитиши билан ўрнидан туриб немис томонга чопа кетди. Содиқ яна товуш берди. Қараса, у ҳадемай немис томонга ўтиб қоладиган, мўлжаллаб туриб ўқ узди. Диловархўжа ўқ теккандан кейин йиқилдими ёки ундан олдин ўзини ерга ташладими, билмай қолди. Йўл-йўлакай милтиғининг ўқдонига ўқ юбориб, кетидан чопди. У етиб борганда Диловархўжа мукка тушиб ётар, милтиғи қўлидан учиб кетган эди. Содиқ унинг ўқ еганига гумон қилиб, ғазаб билан:

— Тур, хоин! — деди милтиғини ўқталиб, Диловархўжа туриш ўрнига ётган жойида ингради. Шундан Содиқ билдики, у оғир яраланган. Тепасига келиб, оёғи билан уни орқасига ағдарди. Кўкраги, қорни қоп-қора қонга беланган эди. Тили сўзга келмади. Чангалида ўша мудҳиш варақа.

Содиқнинг жиндай бўлсин унга раҳми келмади, аксинча нафратидан дир-дир титрар эди...

7. ЭЪТИҚОДИ БУТУН КИШИ

Содиқ ўзини ҳамон бир нарсада кечиролмас эди: нега у сўнгги дамгача Диловархўжанинг ёвуз ниятини пайқаб ололмади? Наҳотки у унча-мунча тош билан чақилмайдиган ёпишқоқ ёнғоқ эди? Унинг-ку бир вақтлар атрофида йигит тўплаб, босмачилик қилганини биларди, шундай экан, нега энди кўз-қулоқ бўлиб кузатиб юрмади? Бу ҳушёрлигининг дами қайтиб қолганиданми ёки унинг бир вақт «ўша йиллар тентаклик қилиб юрган эканмизда, эсласа кишининг кулгиси қистайди» деб тавба қилганига ишонганиданми? Тўғри, гражданлар уруши йилла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рида тавбасига таяниб, бизнинг томонга ўтган, кейинчалик ўзининг оқ кўнгиллиги, мардлиги, садоқати ва ишбилармонлиги билан ўтмиш гуноҳини ювганлар озмунча бўлмаган. Диловархўжани ҳам ўшанақалардан бири, мамлакат бошига оғир кун тушганда асқатар, ўзини оқлар деб ғафлатда қолдими? Ундай деса, унинг варақа кўтариб келиши, «урушда биз ютқаздик» деб синамоқчи бўлганлари кўзини очиши керак эмасмиди? Йўқ, барча айб ўзимда, гражданлар уруши йилларининг бундай «сайёҳлар» ҳақида «уларга ишон, лекин изини йўқотма, тўрт кўз бўлиб тур» деган ажойиб шиорини унутиб қўйдим. У тулкининг тавбаси-ю, муғамбир йиғисига ишонмаслик керак эди. Энди нима бўлди? Ҳамманинг оғзида дув-дув гап: «Бир ўзбек жанғчиси қўлида немис варақаси билан душман томонига ўтиб кетаётган экан, отиб ташлашибди. Қандай уят!»

Содиқ ҳаммадан ҳам шунга сира чидамас эди, ҳар эшитганда бир энлик этидан тушарди. «Мен уни яхши билардим, асли душман — босмачи эди, адашиб фронтга тушиб қолган» деса, биров «ўзинг ҳам ўшанақалардан бўлма, сени ҳам бир текшириб кўриш керак» деётгандек бўларди.

Бу итялоғни ўзимга ҳамроҳ қилишимнинг нима ҳожати бор эди? Кўчаларда дайди итдек санқиб, қўлга тушиб кетмасмиди! Бунақаларнинг жойи асли ўша ерда. Қонун буларни тиканли симдан ташқарига чиқармай тўғри қилади. Буларнинг оғзи теккан сув ҳаром бўлади, оёқ изи тушган тупроқда гиёҳ унмайди, нигоҳ ташлаган боғи қуриб, гулнинг исини, ҳаётнинг баҳорини ўғирлайди. Бир жиҳатдан шармандаларча бўлса-да, қўлга тушгани яхши бўлди, ичимизда юриб, зимдан зиён етказаверганда нима қилардик? Бундан даҳшати йўқ эди! Яхши бўлди, ҳар ҳолда яхши бўлди!

Шу сўнгги фикр унинг кўнглига тасалли берди, у майда-чуйда гапларни орқага ташлаб, эркин нафас олди, Йўқ, шон-шараф излаган ҳам, ўлимни ўйлаган ҳам жанг қилолмайди. Лекин ўлимни писанд қилмаган ҳам панд ейди. Снаряд тушиши билан вақтида ётиб, вақтида туриш, вақтида бирор тепа орқасига ёки чуқурликка чопиб ўтиб олиш қўрқоқлик эмас, балки жанг санъати. Ана шу лаҳзадаги онгли ҳаракат яшаш мақсадида, душманга чап бериб яна курашга имкон топиш учун қилинади. Кимки, ана шу лаҳзада ўлимни ўйлар экан, ваҳимага берилар экан ёки уни писанд қилмай бепарво бўлар экан, нобуд бўлиши турган гап. Жанг ваҳима ва манманликни

ёмон кўради. Чунки майдон мардлар учун, эътиқоди бутунлар учун, кўплар қатори яшаш умиди билан ёнганлар учунгинадир.

Содиқ ана шуларни хаёлидан ўтказиб ўтириб, ўтган кунларини кўз олдига келтирди. Уни гражданлар урушидан соғ-саломат олиб чиққан ана шу тушунчаси ва метин эътиқоди эмасмикин! Ахир ўша йилларда унинг жонига қасд қилиб отилган беҳисоб босмачи ўқлари тупроқларга қоришиб, тошлар орасида қолиб кетган. Мана, яна ўша душман қаршисида тишини ғижирлатиб, кўзига қон тўлиб турибди. Фақат номи бошқа, жанг майдони бошқа, бўлмаса қонли нияти битта: совет тузумига қасд!

Содиқ ана шундай пайтда тасодиф билан, қинғир йўл билан бўлса-да, фронтга тушиб қолганидан мамнун. Мамлакат бошига жуда мушкул ва оғир кунлар тушган шундай бир пайтда ўзининг маҳбуслар лагерида бўлишини тасаввур этолмайди. Борди-ю, станцияда ўша олтин тасодиф рўй бермаса, ҳозир лагерда ўтирган бўлса нима қиларди? Албатта «фронтга юборинг!» деб ариза берган бўларди. Лекин рухсат этишармиди? Ана шу даҳшатли савол ичидан муздек изғирин ўтгандек қалбини ҳувиллатиб юборди. Йўқ, дейишса, унда нима қиларди? Қийналарди, ёнарди, изтироб чекарди, балки ёлворарди — бошқа нима ҳам қила оларди. Ҳозир ўша лагерларда жонини қурбон бериш иштиёқи билан ёниб ётган, ариза устига ариза ёзаётганлар каммикин?

Йўқ, нотўғри йўл билан бўлса ҳам Содиқ ўз ўрнини топди. Унинг жойи шу ерда, шу ўқлар чақнаб, миналар портлаётган, ҳар лаҳза ўлим совуқ ел уфуриб турган муқаддас ерда, шу окоп, шу ертўлада. Душман унинг мурдаси устидан босибгина бу ёққа ўтади. Агар у душманга бефарқ қараса, ўз муқаддас Ватани учун жон тикмаса, ўзи ўқ узиб, ўзи ҳимоя қилмаса, бошқалар ҳам шундай қилмаса, унда юрт-эл тақдири нима бўлади! Йўқ! Буни у миясига сиғдира олмайди. Арғамчига қил қувват, дейдилар. У ана шу душман томоғидан хиппа бўғадиган йўғон, бақувват арқоннинг ингичка бир қили. Бу билан у фахрланади ва охирги нафасигача шундай бўлиб қолади.

Содиқ ана шундай эзгу фикрлар оғушида мамнун бўлиб милтиғини тозалаб ўтирар экан, бирдан немис замбараклари ўқ ёғдириб қолди. Ертўланинг чеккаларидан шувиллаб тупроқ тўкилди, устунга илиб қўйилган котелок тарақлаб тушиб кетди, аллақаер қирсиллаб, нимадир шувиллади. Унинг ёнида ўтирган жангчилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

бундай вақтда қилинадиган одат бўйича, милтиғини олиб окопларига югурдилар. Гарчанд бу «зилзила» Содиққа янгилик бўлмаса ҳам, шошиб қолди. Чунки у милтиғини қисмларга бўлиб ташлаб, ҳафсала билан тозалаб ўтирарди. Йиғиштириш учун вақт керак эди. Шундай бўлса ҳам, «автоматчилари дарров босиб келиб қола қоладими, ҳозирча менинг ишим йўқ-ку» деб ўзига далда берди ва зуд билан милтиғини йиғиштиришга киришди. Шошганидан манглайи ва япалоқ бурунлари паррагида майда тер зарралари пайдо бўлиб, ўз окопига етиб борганда бўлинма командири уни суриштириб турган эди.

— Узр, ўртоқ командир! Мен шу ердаман! — дея қўлидаги милтиғини окоп брустверига қўйиб, кўзини снарядлар ваҒиллаб чиқиб келаётган томонга тикди. Кейин бизнинг артиллерия жавоб қайтарди. Шундай қилиб тўпчилар дуэли бошланиб кетди. Икки томоннинг снарядлари ўртада ётган ўқчи, бронтешар, кузатувчиларнинг устидан ҳуштак чалиб ўтар, бўғиқ гумбурлаши асабга тегиб, тутун аралашган чанги ер бағирлаб сузиб юрарди. Нима учундир, бизнинг тўпчилар отишни сусайтириб бориб тўхтатди.

— Ҳийлага кўчди! — деб қўйди Содиқ ёнидаги ғўлабирдан келган отделение командири Зубенко.

— Ким? — тушунмасдан сўради Содиқ.

— Ҳозир кўрасиз.

Содиқ «нимани кўрар эканман» деб турганда уларнинг окопини миномёт шунақа ўққа тутиб қолдики, у бу яқин орада бунақасини кўрмаган эди.

— Ўзларингни четга олинглар! — деб бақирди Зубенко ва отделениедан битта кузатувчи қўйиб, ўзи ҳам яширинди. Улар узоқ кутди. Лекин немис миномёти ҳамон тинмас эди. Жангчиларнинг асабига тега бошлади. Содиқ ҳам чидолмади:

— Бизнинг артиллерия нима қиляпти, жавоб қайтармайдими?

— Бояги дуэлдаёқ қирилиб битди шекилли, — ғўлдиради унинг ёнида милтиғини чоти орасига олиб ўтирган бири.

— Сабр! Жангда ҳам сабр керак, — деди Зубенко ва нима учундир осмонга қараб қўйди. — Сабр қилган ютади. Ҳозир ҳаммаси маълум бўлади.

Командирига ҳурмат юзасидан индашмади. Чунки Зубенко бундан аввал ҳам жанг кўрган, бу орада госпиталда ётиб чиққан, ўз ишининг маромини биладиган тадбиркор эди. Чиндан ҳам салдан кейин «ҳаммаси

маълум бўлди». Немис танклар билан атакага кўчганда тўпчилар шунақа ўққа тутиб бердики, «қирилиб битди шекилли» деган жангчи қизариб қолди. Бирорта танк олдинги қаторга етиб келолмади, уч-тўрттаси майдонда дабдаласи чиққанича қолди, қолгани қайтди. Лекин бояги миномёт ҳамон жангчиларни бош кўтартирмас эди. Кичик-кичик пауза қилиб «методик» ўққа тутарди.

— Бу сой томонда! — деди Зубенко миналарнинг учишига қулоқ солиб, — пана жойга ўрнашиб олганга ўхшайди. Лекин узоқда эмас.

Содиқ унинг гапини синамоқчи бўлгандек портлаётган миналарга қулоқ солиб, қаноат ҳосил қилгандек бўлди.

— Борди-ю, шуни ов қилсак нима бўлади? Окопда биқина бериб моғоллаб кетдик-ку.

— Жонга тегиб кетди деяверинг, — бу Содиқ билан ўрмонда илк бор учрашганда уларни суриштиравериб, бир дўстидан «онанг терговхонада туққанми?» деб таъна эшитган жангчи — Шубин эди. У сўнгги вақтда ўша «беодоблигини» ювмоқчи бўлгандек ўзини Содиққа яқин тутиб юрарди. Окоп қазиса ёнидан жой кўрсатади, бир ертўлада туради.

— Қандай ов қиласиз? — қизиқди Зубенко.

— Бўлмаса минаси тамом бўлгунича... — деб Содиқ гап бошлаган эди, Шубин илиб кетди:

— Ё ўзимиз тамом бўлгунимизча бурнимиз билан ер титамизми?

Миналар борган сари уларнинг окопи ёнига яқинлашиб келар, ерга тегар-тегмас портлаб, кўм-кўк ерда қопқора доғ қолдирарди. Ҳаммадан ҳам уларнинг чийиллаб келиб, қўнишга жой қидираётган қушдек бир лаҳза лапанглаб туриши қизиқ эди. Агар у кишига зарар етказмаса, учишини томоша қилиш мумкин эди. Бирдан ана шундай чийиллаган минадан биттаси уларнинг окопи тепасида лапанглаб туриб пастга шўнғиди, сал нарига тушиб, уларнинг устига тупроқ сочди. Зубенко бўйнига тушган майда кесакларни териб олар экан:

— Майли, боринг, лаънати ҳали-бери акиллашини қўядиганга ўхшамайди, — деди ва взвод командиридан рухсат олиб берди. Ташаббуснинг нималигини яхши биладиган взвод командири:

— Ким-ким борадi? — деди.

— Мен, — деди Содиқ. У сўзини тугатмай Шубин ҳам:

— Мен! — деди. Ғўлабирдан келган жангчи: «Мен ҳам!» деган эди, командир кулди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу ерда ким қолади? Ёғочга каска илиб қўямизми?

Командир Содиқ билан Шубинга рухсат бериб, муваффақият тилади:

— Эҳтиёт бўлинглар! Бу ерда ҳам ҳали қиладиган ишинглар бор.

— Менга қара, Шубин, — деди Содиқ сал четга чиқишлари билан. — Менинг бошимга бир фикр келди. Шунга сен нима дейсан?

— Хўш?

— Мақсад ўша олти қувурли миномётининг қаердалигини билиб, бу ёғини артиллерияга қўйиб беришми ёки сафдан чиқаришми?

— Уддаласак сафдан чиқарган яхши-я!

— Албатта, тўппа-тўғри бориб бўлмайди. Бир ҳийла ишлатсак.

— Ҳийла?

— Ҳа. Биримиз немис, биримиз рус бўламиз.

Шубин тушунмади:

— Қандай қилиб?

— Кейин айтаман! Сен олдин менга маслаҳат берчи, қаердан немис формасини топса бўлади?

— Бунисини билмадим, — ўйлаб қолди Шубин, кейин бирдан яшнаб кетди. — Агар кечаги асирни жўнатмаган бўлсалар...

Шундай пайтда бўладиган одатдаги чаққонлик билан Содиқ: «Бу ақлингга балли! Аслида Афлотунсану, ҳеч ким тан олмайди, холос!»— деганича чопиб кетди. Тўғри разведкачиларга борди, улардан асирнинг қаердалигини билди. У штабга кирганда немис асирини олиб чиқиб келаётган эканлар.

— Шунинг формаси менга керак эди, — деди у штаб бошлиғига ва мақсадини айтиб берди. Содиқнинг режаси қизиқчиликка ўхшаб, штаб бошлиғининг кулгисини қистатди. Лекин у «ишончи бордирки, дадил киришяпти» деган фикрга келди.

— Эгнидан ечиб оласизми? Ирганмайсизми? — қўли ифлос нарсага тегиб кетган кишидек ижирганиб деди штаб бошлиғи.

— Зарур бўлгандан кейин илож қанча! Кишилар дори бўлади деб илоннинг қусуғини ютган экан.

Штаб бошлиғи бу жўяли жавобдан яна кулди:

— Урушгача ким бўлгансиз?

Содиқнинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ўқитувчи, — бўшашиб деди у.

— Циркда қизиқчи экансизми дебман.

Суҳбатнинг бунчалик енгил тугаганидан хурсанд Содиқ индамай қўя қолди. Чиқиб кетаётган ерида бирдан тўхтатилган немис нима гаплигига тушунмай, кўзи олмакесак терарди. Ўзидан кўзини узмай турган Содиқдан хавотирда эди. Ваҳоланки, Содиқ унинг ўзини эмас, эгнидаги кийимини кўздан кечираётган эди, кимга сиғади: менгами — Шубингами?

— Майли, олинг! Лекин қайтиб бериш шарти билан.

— Омонлик бўлса!

— Омонлик бўлишига ишонмайсизми? — бирдан ажабланди штаб бошлиғи кулгисини йиғиб.

— Ишончсиз курашиб бўладими, ўртоқ капитан!

— Албатта, йўқ!

Немиснинг ихтиёри ўзига ўтганини билган Содиқ унга орқасидан юриш ишорасини қилди. Қўшни хонага олиб чиқиб, ечинтирди. Содиқ кутмаганда немис дир-дир титраб, ялингансимон алланималар гапира бошлади.

— Ҳа, лаънати, бунча титрайсан, музда ўтирибсанми, қаддингни кўтар, — деди у кителини қўлидан олиб бир четга қўяр экан. Танк орқасидан келаётганингда жуда бошқача кеккаясан-ку! Жонинг шунақа ширинми! Қўрқма, биз одам емаймиз, одамхўр! Қани шимни ҳам чиқар!

Содиқ немис формасини қўлтиғига қисганича Шубиннинг олдига келди:

— Мана бу ёғи бўлди! Энди ким кияди? Ўзим киярдим-ку, қорамағизлигим халақит беради, фрицнинг менга ўхшагани бўлмаса керак, гумонсираб қолмасин. Яхшиси сен кий, ҳар ҳолда ўхшашлигинг бор.

— Гапирма! Унга ит ўхшасин! — Шубиннинг зардаси қайнади.

— Ўзинг эмас, афтинг ўхшайди,— ҳазилга олди Содиқ. Барибир Шубин ён босмас эди:

— Афтим ҳам ўхшамайди!

Содиқ қараса, Шубиннинг чиндан жаҳли чиқяпти:

— Майли, ўзим кияман бўлмаса, — деди.

— Кийишга-ку кияман, лекин ўхшатмагин-да,— бўшашди Шубин.

— Ҳа, майли, ўхшамайсан, сира ҳам ўхшамайсан.

— Албатта, сира ҳам ўхшамайман.

Болаларча бу тортишув Содиқнинг кулгисини қистатган бўлса ҳам, лабини тишлаб, ўзини босди. Лекин Шубин ҳамон тийилмас эди:

— Ростини айтайми, бурнинг фрицникига ўхшайди десанг, кесиб ташлашга тайёрман. Бунақа бурунинг боридан йўғи яхши! Шу формасини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам ўлганимнинг кунидан кийяпман, бўлмаса-чи, теккан қўлимни уч марта совунлаб ювиб ташлайман. Фашист одамми! Ҳайвон ундан афзал. Ҳатто тегмасанг ваҳший ҳайвон ҳам сенга даф қилмайди, ёнингдан индамай ўтиб кетади, овчи бўлганман, биламан. Бу ифлос-чи, эшигингни очмасанг, турмини бузади, уйга киритмасанг, ўт қўяди. Тавба, шуларни ҳам одам боласи туққанми?

— Бўлмасам-чи.

— Ишонмайман, худо ҳаққи, ишонмайман!

— Гап туққанда эмас, дўстим, тарбия қилганда. Тарбия эгрини тўғри қилгандек, тўғрини майиштириб кетиши ҳам мумкин.

— ҳей, ўша тарбиячисини...

— Ҳа, балли, энди ўзингга келдинг. Айб ўша тарбиячисида. Бўлмаса қайси онаизор ўз боласини ёмон бўлсин дейди. Ким онасининг қорнидан бомба қучоқлаб, автомат ушлаб тушибди!

Содиқнинг кўз олдига ўз меҳрибон онаси — «жон болам хола» келиб кетди. У ҳамма оналарни ўзиникига қиёс этар, ўзиникидек мўмину муштипар деб фараз этарди. Ҳозир қаерда ўтирганикин? Содиқ жим бўлиб кетганидан хавотирдамасмикин? Содиқ неча марта унга хат ёзмоқчи бўлади-ю, тағин бирорта ғаламис изига тушиб қолишидан чўчийди. «Сал ўзимни тутиб, суягим қотсин-чи», деб орқага ташлайди.

— Жуда яраши, — деди Содиқ Шубин немис формасини кийиб бўлгач. Унга эриш кўриниб бўйнини сал бир томонга эгиб, кўзини қисган эди, Содиқ дарров гапини бурди:

— Ҳазил! Энди қиладиган ишингни биласан-а? Мана бу автоматни қорнингга тираб ол, гўё мени асир олгансану, ҳайдаб келяпсан. Гут? Гутми? Қани бўл!

Улар то маълум ергача биқинишиб, атрофни кузатиб боришди. Ҳамон отишма тўхтамасди. Энди осмонга самолётлар ҳам чиққан. Аллақаерга яширинган зенит тўпларининг ўқлари осмонда гуп-гуп ёрилади. Қаердадир станокли пулемёт сидирғасига ўқ узиб қолади автомат тариллайди, тўплар гумбурлайди.

Содиқ билан Шубин бир қанча жойгача индамай боришди. Фақат оёқлари остида эзилаётган сариқ ўтларнинг шитир-шитири ва қўллари билан ёриб ўтаётган майда новдаларнинг шивир-шивири эшитиларди. Фронт анча четда қолди. Энди тўплар овози бўғиқ ва ер остидан келаётгандек эшитилади.

— Четлаб кетиб қолмадикми? — деди Шубин бир вақт.

— Ҳозир! — Содиқ югуриб бориб бир тепага чиқди, ундан ҳеч нарса кўрмади шекилли, дарахтга тирмашди. Унинг енгил чиқиб кетаётганини кўрган Шубин тегишли:

— Мушук бўлиб кетинг-е!

— Керак бўлгандан кейин мушук бўлиб тармашмай, ит бўлиб олишмай нима иложимиз бор— деди дарахтдан тушиб келиб ва бошлаб кетди.— Сал четга ўтибмиз, Лаънати ҳалиям отиб ётибди.

— Ўқи тамом бўлмабдими! — кулиб қўйди Шубин. Унинг ёдига окопдаги суҳбат тушган эди.

— Ҳозирча тамом қилмай, отиб тургани дуруст, бўлмаса ориентировкани йўқотиб қўямиз.

— Ундай бўлса, қани товонингизни мойланг, тезлатинг, дўстларга жабр бўлиб кетди.

Яна бир оз юришгач, тахмин қилинган ерга чиқишди. Улар полкига ҳужум қилаётган немис қисмининг сўл қаноти шу ер бўлиши керак эди. Кузатиш буни тасдиқлади.

— Топган жойини қара, Шубин, буюртма-я! Осмондан келиб қарамасанг, топиб бўлибсан, артиллериямизнинг қийналганича ҳам бор экан. Ҳовонча-я, ҳовонча!— деди Содиқ Шубинни ёнига чақириб. Чиндан ҳам немис миномётчилари қулай жойда эди. Лекин улар ҳозир, нима учундир, ўқ узмай турарди. Содиқнинг мақтаганини эшитган, ўз позициясининг жуда қулай эканини кўз-кўз қилаётгандек бирдан ҳаракатга келиб қолишди. Сал орқароқда телефон трубкасини қулоғидан қўймай турган биттасининг алланималар деб берган буйруғи ва бир қўлини кўтариб силташидан кейин ёнма-ён қўйилган миномётларнинг учаласи ҳам баравар ўқ узди. Тошбўронга ўхшаб миномёт қувурларидан кетма-кет чиққан миналар вишиллаб кўкка тикка кўтарилиб, кейин олдинга интилиб шўнғиди, сал ўтмай пақир-пуқур ер қўпоргани эшитилди. Яна такрорланди. Яна...

Фронтда душманнинг ўзини бамайлихотир тутишини ва ўқ узишини кўришдан даҳшатли нарса йўқ. Чунки ўзининг кучига ортиқча ишонганидай, қаршисидаги рақибини писанд қилмаганидагина, у шундай иш тутади.

Режа билан кетма-кет отилаётган миналар ўзининг бошига ёғилаётгандек, Содиқ ортиқ чидаб туролмади. Ёнида кузатиб турган Шубиннинг ҳам кўзида ўт ёнарди.

— Шубин, — деди Содиқ унга ўгирилиб,— қани бўл,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мени олдингга сол! Ҳайда! Тўйри миномётга ҳайда! Лекин ўзингни тут! Қиттай хато ҳам иккаламизнинг бошимизни ейди.

Эгнидаги немис формасини ирганиб кўздан кечирган Шубин юзини буриштирди:

— Шу роль менга ёқмаяпти-да, Содиқ, уддалолмайман. Кел, сал нарироққача эмаклаб бориб, тўғри ўқ узаверайлик.

— Йўқ! — қатъий қаршилик билдирди Содиқ.— Шу ергача келдикми, бу ёғига ҳам таваккал қиламиз. Тўрттабешта расчётини ўққа тутган билан иш битмайди, ўрнига бошқаси ўтади.

— Артиллерия бор-ку!

— Артиллерия! Артиллерия дейдиган бўлсак, ҳозироқ орқамизга қайтиб, хабар қилишимиз мумкин. Лекин ўшангача булар жойида турадими, кўчиб қолса нима бўлади? Кел, кўй, дўстим, битиб турган ишни орқага сурма! Қани, бўл, автоматингни қорнингга тира! Мен кетдим. Маслаҳат бояги!

Содиқ «келишдикми?» дегандек, орқасига бир қараб, ёқасининг тугмачасини ечди, бошидан пилоткасини олиб чўнтагига тиқди, гўё асир қиёфасига кирди.

— Мана буни ҳам осиб ол. Ўлжанг!— деди у автоматини узатиб, кейин беш-олти қадам қорни билан сурилиб бориб аста турди, қўлини баланд кўтарганича юриб кетди. Роли ёқмаган Шубин ноилож қолиб, кетидан автоматини ўқталиб йўлга тушди.

Содиқнинг бир нарсадан қаттиқ хавотири бор эди: немислар шошиб қолиб ёки орқадаги «немис» Шубинни кўрмай қолиб, бирдан ўқ узиб юборса борми! Лекин бошқа бир томондан кўнгли тўқ эди: уруш бошлангандан бери узлуксиз олға юраверib, кибри ҳавога берилган немис, чекинаверib гўё жанг жонига тегиб кетган «руслар»нинг бунчалик ҳийла ишлатишига ишонмаслиги мумкин. Унинг наздида гўё совет аскарларининг қаршилик кўрсатгиси йўқ, фақат коммунист командирлар ва комиссарларнинг зўри билан бунга мажбур бўлмоқда. Бу қаршилик ҳам гўё узоққа бормайди.

Содиқ ўз позициясида бамайлихотир иш кўраётган душманни илк бор кўриши эди. Шунинг учун бўлса керак, уларга очиқ-ойдин кўзи тушиши билан эти жимирлаб, беихтиёр бораётган кишидек кўнгли алланечук бўлиб кетди. У мўлжаллаган ергача ўзини тутолмай қолиб, ишнинг пачаваси чиқишидан қаттиқ қўрқар эди. Ана шунда у фавқулодда бир куч билан ўзини босиб,

кўнглида: «Содиқ, бу умрингнинг синови, йигит бўлсанг ўзингни тут. Ё устидан ё остидан. Яшашни-ку билардинг, зарур пайтда уддалаб ўла билиш ҳам бир санъат» — деди-ю, қадамини дадиллаштирди. Лекин бу дадиллик эҳтиётсизлик эканини, душман пайқаб қолиб, шубҳага тушиши мумкинлигини фаҳмлади-ю, яна дарров ўзини «тақдирдан нолиб» бораётган ҳарбий асир ҳолатига солиб олди, қўлларини шалвиратиб баландроқ кўтарди. Аммо энди зиққол кўрина бошлаган немислардан кўзини узмас, мўлжалланган ерга етгунча зарурат туғилиб қолса ўзини қоёққа олиш, қандай қаршилик кўрсатишни кўнглидан ўтказиб, ён атрофини кузатиб борарди.

Шубин эса, асабий бир сергаклик билан автоматини қорнига тираб, уни ҳайдаб борар, «ҳайдаб бораётган асири»дан кўра, кўзи немисларда эди. Содиқнинг «Сен ўзингни тут, икки кўзинг менда бўлсин, иложини қилолсанг, мамнун одамдай сал кулиб тур, мабодо немис дурбиндан қараб қолса, гумонсирамасин!» деганини ҳозир унутиб бўлган эди. Гўё у олдида ҳамма нарсадан умидини узгандек хомуш бош эгиб, лапанглаб, баъзан туртиниб-суртиниб бораётган Содиқни кўрмас эди. Содиқ буни пайқагандек турқини бузмасдан, лаб учида аста шивирлади:

— Шубин, ўзингни қувноқроқ тут!

Ана шундагина Шубин ҳайдаб кетаётган «асири»нинг сочлари ўсган, ўртаси чуқур бўйнини, шалпанг қулоғини кўрди. «Нега қулоғининг шалпанглигини аввал пайқамаган эканман? Ё ҳозир кўзимга шунақа кўриняптими?», деб кўйди кўнглида Шубин. Шу маҳалда эсига шунақа бўлмаґур нарсалар келганидан ўзи ажабланиб, сал жилмайиб қўйди. «Йўқ,— деди кейин ўзига ўзи,— ҳозир бундай бўлмаґур нарсаларни ўйлайдиган пайт эмас, бутун диққатим шу қаршидаги немисда бўлиши керак. Ҳа, ростанам, ҳали ўз вақтида Содиқнинг автоматини ўзига беришим зарур-а! Яна ёдимдан чиқиб қолмасайди! Йўқ, нега эсимдан чиқсин, асосий вазифамдан бири шу-ку! У ёрдамлашмаса бир ўзим ёлғизлик қилиб қоламан. Ҳа, шу пайтда Содиқ нимани ўйлаб кетаётганикин? Бирдан немис ўқ узиб қолса бошлаб уни майиб қилади-я! Йўқ, унга тегмаслиги керак, мен шундай чақконлик қилишим керакки, у зарар топмасин. Унинг юраги увушаётганмикин? Увушса керак. Ҳар ҳолда қўлида қуроли йўқ. Қурол кишига катта далда. Йўқ, юраги увушмаса керак, увушса, чўчиса, немисни пайқаши билан «бўлди, қани энди қайтдик, жуда ноқулай жойда

www.ziyouz.com kutubxonasi

экан, артиллерияга айтсак, ўзи боплайди!» демасмиди! Мен сал ишора қилганимда ҳам унамади. Демак ўзига ишончи зўр. Бу ишончмикин ёки душманга нафратмикин? Киши душмандан қаттиқ нафратланса, кўзига ҳатто ўлим кўринмайди, дейишади. Шу жуда тўғри. Буни ўзимдан қиёс қилсам бўлади. Агар немис менинг болачақамни кўчада сарсон қилиб, ўз кучим билан тиклаган хатамни ёндириб ташламаганида, балки ундан бунчалик нафратланиб, дарғазаб бўлиб, мана бундай қалтис ишга рози бўлмаган бўлар эдим. Бундай десам, Содиққа қандай алам ўтган? Унинг юрти узоқда, бола-чақаси тинч-ку. Йўқ, юрти узоқлиги тўғри, лекин оиласи тинч эмас. Шу немис туфайли тинчлиги бузилган. Ҳаловати кетган. Демак унинг ҳам дарди бор. У узоқдаги уйига ўт қўядиган, оқ соч онасини қон йиғлатадиган фашистнинг қўлини шу ерда, худди шу рус ерида узиб ташламоқчи!

Шубин чувалиб кетган ўйи билан бўлиб, бундоқ қараса, Содиқ анча узоқлашиб кетиб қолибди. «У бунча чопади, немис қочиб кетаётгани йўқ-ку! Ё асаби бардош беролмай қолишидан қўрқяптими? Йўғ-е!» деб кўнглидан ўтказди, немис уни ёлғиз пайқаб, бирдан ўққа тутиб қоладигандек қадамини тезлатиб, етиб олди.

— Ана, биттаси бизни пайқади!— деди Шубин салдан кейин.

— Кўриб турибман!

Содиқ немиснинг бунчалик кеч пайқаганидан хурсанд эмас эди. Бирортаси шошиб қолиб, ваҳима кўтариши мумкин эди. Йўқ, ундай бўлиб чиқмади. Ҳаммадан аввал пайқагани югуриб бориб, телефон трубкасини кулоғидан қўймай, минадан бўшаган темир қутилар устида ўтирган офицерга хабар берди. У бир лаҳзагина трубкани қулоғидан узоқлатиб, дурбинини қўлига олди, бош яланг, ёқавайрон, ҳолдан тойгандек гандираклаб келаётган «асир»га қаради. Унинг орқасида мамнуният билан автоматини қорнига тираб келаётган «немис автоматчисини» кўриб, бир зумда юзига табассум сочилди. Хабар берган солдат оппоқ тишларини кўрсатиб, нималардир деди. Бу орада бошқалари ҳам пайқаб, «қани, берироқ келсин-чи, бу қанақа коммунист экан, бошида шохи бормикин?» дегандек мўлтиллашиб, турган ерларида қотиб қолишди. Содиққа шу керак эди. У дарров уларни санаб чиқди. Дурбинли офицерини алоҳида назардан ўтказди. Худди шу вақтнинг ўзида, мабодо улар чекингудек бўлса, қайси томонга қочишларини ҳам тахмин қилиб қўйди. У Шубин билан келишиб қўйган

шартига кўра, муккалаб кетган кишидек бир ҳаракат қилди. Шу лаҳзада қиладиган ишини хаёлидан қочирмай келаётган Шубин, фавқулодда бир эпчиллик билан қўлидаги автоматни унга ирғитди ва ўзи ёнидаги «ўлжа» автоматга ёпишди.

Эстафетада қўлига калтакча тегиши билан бирдан чопишни тезлатган чопқирдек, Содиқ автоматни илиб олган замон ўт очди. Кутилмаган бу ҳодиса немис миномётчиларининг бир нечтасини турган ерида ер тишлатди, қочишга улгурганини эса, ўқ қувиб етди. Содиқ милтиқдан нишонга олиб отишга ўрганиб қолганиданми, автомат қўлига тегиши билан олдинга ташланиб, бир тўнка устига автоматини қўйиб ўқ ёғдирмоқда эди. Ундан сал чапда Шубин тик турганича ўқ сочар эди. Содиқ атрофга қараб, оёқ устида бирорта ҳам немис қолмаганини кўрди-ю, олдинга югуриб кетди. Лекин нимага югурганини ўзи ҳам билмади, осмонга оғзини очиб турган миномётлар олдига бориб тўхтаб қолди. Унинг орқасидан етиб келган Шубин «энди бу ёғи нима бўлади?» дегандек, Содиқдан кўзини олмасди. Кутилмаган муваффақият уларни шошириб қўйган эди. Ахир немисни битта ўқ узишга қўймаслик, енгил гапми?

— Қани сен атрофни кузатиб тур!— деганича Содиқ немис солдатлари ёрдамга келишини гумон қилган томондаги тепаликка югуриб чиқиб кетди, разведкачилардагина бўладиган зийраклик ва қувлик билан атрофга кўз ташлади. Бу ёқдан хотиржам бўлди шекилли, Шубинга:

— Қани, миномётларини ишдан чиқар. Шундай қилгинки, бирортасидан отиб бўлмасин!— деди ва ўзи ўша ерда кузатганича қолди.

Дўстининг ишонч билан берган буйруғидан ғайратланиб кетган Шубин бошлаб миномётларнинг узоқлик ва отиш бурчагини белгилайдиган асбобларини мажақлаб ташлади, кейин ўзини ағдариб, мумкин бўлганича пачақлади, синдирди-ю, «тағин нима қолди!» дегандек орқасига қараб, ётган ерида Содиқни нишонга олаётган немисга бирдан кўзи тушиб қолди, «қоч, Содиқ!» деб уни огоҳлантиргунича бўлмай ўқ унинг ўзини оёқдан йиқитди. Ўқ товуши балан ҳушёр тортган Содиқ ёнига ўгирилиб, эгилганича қочиб кетаётган немисни кўрди. Турган жойида ўқ узиб қўя қолиш ўрнига, нима учундир Содиқ уни қувиб кетди. Бутун жони фақат бўйнида, бўйнини яширса бошқа ерига теккан ўқдан зиён кўрмайдигандек, бўйнини икки елкаси орасига қисиб олган фриц пилдир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб борарди. Содиқ эса, бўрига ташланган чўпон итидек қувар, ўқ узиш хаёлига ҳам келмас эди. У энди қувиб етиб, орқасидан ёқасига чангалини солай деганда немис ўзини таппа ерга ташлаб, ағдарилди-да, унга ўқ узди. Ўқ Содиқнинг шундоқ қулоғи остидан шанғиллаб ўтиб кетди. Қўрқув аралаш нафратдан дарғазаб Содиқ чопиб кела туриб унинг тўппонча ушлаган қўлига бирни тепди. Тўппонча учиб кетди. Немиснинг қўли оғриди шекилли, бўғилганга ўхшаш бир овоз чиқариб, жон ҳолатда оғзига ўша қўлини тиқди. Лекин қаршисидаги қора терга тушиб, ҳаллослаб турган қорамағиз совет жангчиси унга қўлининг оғриғидан ҳам даҳшатли кўриниб кетди. У, қўл экан-ку, ўзини сафдан чиқариши мумкин эди. Қўрқув ичида буни фаҳмлаган немис оғриқни унутиб, ётган ерида иккала қўлини барала кўтарди.

— Даюс, аҳволинг шу экан-ку, ўқ узиб нима қилардинг, — деди энтикиб Содиқ ва аламдан титраб биқинига бирни тепди. Немис юзининг томири тортишгандек буриштириб, «хиқ» этиб қўйди, лекин қинидан чиқиб кетай деб чақчайиб турган кўзини ундан олмас эди. Содиқ қаёққа юришини автоматининг учи билан кўрсатиб:

— Тур тўнғиз, олдимга туш!!— деди.

Немис, иштонига булғатиб қўйиб, онасининг шапатасини юрак ўйноқилик билан кутаётган гўдакдек кўзи жавдираб, олдинга тушди. У шу маҳал, Содиқ отиб ташламасликка ваъда берса, ит бўлиб акиллашга, чўчқа бўлиб чийиллашга тайёр кўринарди.

Содиқ уни олдига солиб, Шубиннинг ҳузурига келганда у ўқ теккан ярасини боғламоқда эди. Немис «мана энди, мени унинг кўз олдида отади! Ёки унинг ўзига оттирармикин?» дегандек жуда эсанкираб қолди. У Содиқнинг:

— Кўрдингми, ифлос, қилган ишингни? Онангнинг ҳақи бормиди унда!— деганга тушунмай гоҳ унга, гоҳ бармоқлари қон Шубинга кўзини лўқ қиларди.

Содиқ, немиснинг ўзидан нарироқда орқасини ўгиртириб қўйиб, Шубиннинг ярасидан хабар олмоқчи бўлган эди, немис «мени отгани тўғрилаяпти» деб, бағиллаб оёғи остига ўзини ташлади, улар билмаган тилда шафқат сўради, йиғлади, ёлворди.

— Ҳолинг шу экан-ку, ифлос, тағин аслзодалик, қаҳрамонлик даъво қиласан. Ўтир бўлмаса, мен унинг ярасидан хабар олай,— деди Содиқ ва Шубиннинг ҳолини сўраб, ярасини боғлашга ёрдамлашди, қўлидан ушлаб турғизди.

— Уҳ! — деди Шубин оёғини босмоқчи бўлиб. — Ишим чатоқ, юриб бўлмайди.

— Хотиржам бўл, сени юргизмаймиз, олиб кетамиз, — деди Содиқ ва немисга ўгирилди — қани, жаноб олий ирқ, бир эшаклик қилинг, — кейин Шубинга қаради. — Бунга опич! Олиб боради, олиб бормасин-чи... Бекорга ини қувиб, ушлаб келдимми!

Фриц Содиқнинг ишорасини тушуниб, тирик қолишига кўзи етиб, қандайдир миннатдор боққанича елкасини Шубинга тутди.

— Тортинма, — деди Содиқ ийманаётган Шубинга, — сенинг шунча бегуноҳ кишиларимизни қонга ботиргандан, бир марта эшак қилиб минсанг минибсан-да!

Содиқ миномётчилар позициясидан чиқиб чакалакзорга кириб олгунча немислар билиб қолишидан, мабодо отишишга тўғри келса ёлғизлик қилиб қолишидан юраги ачиб борди. Бугун унинг бахти ростакамига кулган экан. Ҳеч қандай ҳодиса рўй бермасдан етиб олди.

Уни қарши олган штаб бошлиғи Шубинни опичлаб келаётган асир немис ефрейторини кўриб, тегишди:

— Сопини ўзидан чиқарибсиз-ку!

Содиқнинг қисқача рапортини эшитиб яна ҳам қувониб кетди.

— Хилватга ўтиб, минабозлик қилиб ётган экан денг, о, лаънатилар-е! Боплабсизлар!

Бу суҳбат устига чиқиб қолган полк комиссари уларнинг гапига бир оз қулоқ солиб, кўзойнаги тепасидан қараб турди-да, кўзойнаги халақит бераётгандек, қўлига олди, бир қулоғининг орқасига ҳовучини қўйиб тинглади. Сўнгра мамнун термилганча бир қадам олдинга юриб, Содиқнинг елкасига қўлини ташлади.

— Мана бу матонат! Мана буни маҳорат дейилади! Баҳли, сизларга! Сизнинг ярангиз оғир эмасми! — деди кейин Шубинга. Уни тезда санбатга жўнатиш ҳақида фармойиш берди, самимий сўзлар билан кўнглини кўтарди. — Ишонаманки, сизларнинг бу қаҳрамонлигиннизни қўмондонлик керагича тақдирлайди. Энди дам олинглар.

Шубинни носилкада санбатга олиб кетар эканлар, Содиқ анча ергача эргашиб борди. Ўзи соғ-саломат қолиб, у яралангани учун бир нима демоқчи бўларди-ю, нима деб гап бошлашни, тўғриси, нима дейишини билмас эди.

— Оғайни, — деди у Шубиннинг қўли устига қўлини қўйиб, — мендан хафа бўлмайсан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нимага?

— Лаънатининг сенга ўқ узганини айтмайсанми...

— Сенга отса яхши бўлармиди? — ўзини зўрлагандек кулди Шубин.

— Шундай бўлса ҳам... яхши бўлмади, — деди ийманиб Шубин.

— Борди-ю, нобуд бўлганимда нима қилардинг? Бунинг отини жанг дейдилар, ҳаёт-мамот жангги. Қурбон бўлишимиз ҳам мумкин. Ҳаммасини бўйнимизга олиб майдонга кирганмиз, дўстим. Бу ерда сенинг нима гуноҳинг бор!

— Шундайку-я... — иқрор бўлиб бўшашди Содиқ.

— Лекин сен мени кечиришинг керак, Содиқ. Мен сенга бир беодоблик қилиб қўйганман.

— Беодоблик?

— Ҳа. Катта беодоблик. Биринчи марта учрашганимиз эсингизда борми?

— Ҳа, бор.

— Шунда сендан шубҳаланиб, саволлар берганман. Эсингдами?

— Тўғри қилгансан. Мана шеригим пачоқ чиқиб қолди-ку!— деди Содиқ хижолатомуз бир оҳангда.

— Шеригингни гапирма. У одамми! Қоши хунук эди! Ахир мен унимас, сени сўроқ қилганман.

Содиқ қараса, Шубин ўша қилган ишидан хижолатда. Жўрттага ҳазилга бурмоқчи бўлди:

— Сен ҳали ҳам ўшани эслаб юрибсанми? Менинг хаёлимдан ҳам кўтарилиб кетибди. Ўзи қачон бўлган эди?

— Биласанми, Содиқ, кишига ишонмасликдан ёмон нарса дунёда йўқ.

— Биламан! Жуда яхши биламан, дўстим, қалбингга ништар бўлиб ботади. — Содиқ ўзининг шубҳа ва туҳмат билан қамалганини эслаган эди.

— Ана шунинг учун ҳам сен мени кечиришинг керак.

— Аллақачон кечириб юборганман.

— Менинг гўллигимни қара, келиб-келиб сендай одамдан шубҳа қилибман-а! Бу калламас мендаги, қовоқ, хом қовоқ.

— Ундай дема, Шубин, мен хафа бўламан. Қани ҳаммада ҳам сенинкидай бошу, юрак бўлса!

— Шундайми? Чинингми?

— Чиним!

Икки ўртоқ ўпишиб хайрлашди.

Содиқ унинг орқасидан узоқ қараб қолди.

* * *

Содиқ билан Шубиннинг шу қаҳрамонлигидан хабар топган фронт газетаси, мухбирини юбориб, Содиқ билан суҳбат уюштирди ва сувратини олиб кетди. Бир неча кундан кейин каттагина материал билан сурат босилиб чиқди. Гарчанд бу жанговар очеркда мухбир ўзидан ҳеч нима қўшиб-чатмаган, имкон борича бўлган воқеани ҳалоллик билан тасвирлаб берган бўлса ҳам, Содиқ ўзини аллавақтгача ноқулай сезиб юрди. Ҳаммадан ҳам сурати чиққанига хурсанд эмас эди. Фронт жангчи, командирларига ибрат қилиб босилган бу сурат Содиқ учун ёмонликка хизмат қилиши мумкин эди. Ахир Содиқ ўзининг қилган гуноҳини — қочоқ эканини бирор лаҳза унутмас, баъзан бу нарса қалбини исканжага олиб эзарди. Борди-ю, унинг қочганидан хабар топишган бўлиб, қидирув эълон қилинган, ўша қидирувчилар қўлига шу сурат тушиб қолса борми!

Содиқ ана шуларни ўйлаб беш-олти кун қаттиқ безовталаниб юрди. Мухбирнинг илтимосини астойдил рад этиб туриб олмаганига ачинди. Ахир, йўқ, керак эмас, деб оёғини қаттиқ тираб турганда зўрлаб суратга олмас эди-ку. Тўғри, камтарлик қилган кишидек бўйин товлади. «Шубин тузалиб чиққанда бирга оларсиз. Иккаламиз борганмиз» деб баҳоналар кўрсатди, суратга тушишни ёмон кўришини ҳам айтди, мухбир кўнгандай бўлган ҳам эди-ю, полк комиссари кириб қолиб, ишни катта қилиб юборди:

— Албатта сурати билан беринг, бу кичкина иш эмас. Қандай жанг қилишни бошқалар ўрганишсин! — деб алоҳида таъкидлади. Ноилож қолган мухбир «айб менда эмас, комиссарингиз илтимоси» дегандай аппаратини тўғрилади. Содиқ ҳам ичидан зир кетганича бир нарса деёлмади. Мана ўша сурат газетада. Кичиккина бўлса ҳам майли экан, каттагина. Яна бирам тиниқ чиқибди!

Содиқнинг уйқуси қочиб ташвишланганича ҳам бор эди.

Уни бир маҳал тергов қилган Чуханов ана шу дивизиянинг оператив группасида эди. Уруш бошланиб, фронтда унинг касбидаги кишиларга ҳам зарурат туғилганда сафарбар қилинган ва бир қанча вақтдан бери шу ерда эди. У эрталаб нонуштадан туриши билан унинг ҳазилкаш ўртоқларидан бири:

— Элатингизнинг қаҳрамонлиги билан табриклаймиз, ўртоқ Чуханов! — деб тегишди, қўярда-қўймай қўлини олиб сиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қанақа элат? — бепарвогина сўради у.

— Ахир ўзбекистонликмисиз? Мана, марҳамат, элатингиз билан танишувингиз мумкин!

Ҳазилкаш дўсти артистона ҳаракат билан газетани унга узатди. Чуханов газетанинг учинчи бетидаги Содиқнинг суратини кўрди-ю, таниш одамини учратгандай бирдан юзи ёришиб кетди. Лекин қандай таниш эканини ҳадеганда хотирлаб ололмади. Унинг қувонганини кўрган ҳазилкаш ўртоғи яна тегишди:

— Таниш ҳам чиқиб қолдими? Демак, яримтага эрийсиз. Шу бугун кечқурун столга қўясиз, ё ҳозир ташкил қилиб юборасизми?

Чуханов индамади. У кўнгилсиз бир нарсани эслагандек юзидаги табассум пардаси туширилаётган саҳнадек йиғиштирила бошлади. Унинг бит кўзлари бир нуқтага қадалиб, сочсиз кенг пешонаси йилтиллади. У Содиқни танигандек бўлди. «Наҳотки у? У қандай қилиб фронтга тушиб қолади? Йўқ, у эмас. Бирор ўхшашидир» деб ўйлади Чуханов ва суратга яна тикилиб қаради. Ўзидан узоқроқ тутиб қаради. «Йўқ, худди ўшанинг ўзи!»

Бу сурат унга қизиқ бир жумбоқ бўлди. Ҳазилкаш ўртоғидан бир амаллаб қутулиб, ўзига ажратилган хонага кирди. Очеркни ўқиб чиқди. Суратни яна қаршисига қўйиб мулоҳаза юритди, тагига етолмади. Совет ҳокимиятидан дакки еган Содиқдек бир одамнинг бунчалик матонат билан жанг қилишига, оддий тўқнашув пайтида эмас, балки ўз хоҳиши билан талаб этиб бориб қаҳрамонлик кўрсатишига Чухановнинг ақли бовар қилмас эди. Ахир бундай мардлик фронтда ҳар куни содир бўлавермайди. Очеркка кўз югуртиб туриб, полк комиссарининг у тўғрида айтган сўзини ўқиди: «Она-Ватанини жону дилидан севган кишигина, душманга қаҳру-ғазаб билан тўлиб-тошган жангчигина бундай мардлик кўрсатишга қодир!»

Чуханов бу фикрга қўшилди. Лекин у билган Қўчқоров шундай ишнга қодирмиди?

Чуханов Содиқ масаласига жуда қизиқиб қолган эди. Бир хаёл билан ўзи ўша қисмга бориб, суриштириб келмоқчи бўлди. Аммо бу ерда вақти зиқлигига ачиниб, ўрнига бир ёрдамчисини юборди. Уни узатар экан, тайинлади:

— Штабга кир, ҳужжатларини кўр. Агар командири коммунист, ишончли киши бўлса аста суҳбатлаш: қачон, қаердан келган?

Эртасига ёрдамчи доклад қилди:

— Штабда ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ. Қисм қуршовдан чиққан куни йўлдан қўшилган. Тунов куни немис томонига қочиб ўтиб кетаётганни отган ҳам шу жангчи экан. У қочган ўз ҳамроҳи, ҳамшаҳари бўлган.

Чухановнинг яна шубҳаси ошди. Содиқ, у билан Қўчқоровга, ўзи тергов қилган Қўчқоровга ўхшаса ҳам, унинг ватанпарварлик ишлари ўхшамас эди.

— Ажабо! — деди у бошини чангаллаб, — бу қанақаси бўлди? Бунақасини ҳеч учратмаган эдим.

У яхшилаб текширишга қарор қилди.

Худди шу куни кечқурун Содиқни ўзига яқин тутадиган, айниқса мана шу машҳур воқеадан кейин у билан фахрланиб юрган взвод командири уни бир четга чақириб, дивизия штабидан оператив ходим келиб, уни суриштириб юрганини айтди.

— Бу нима қилишгани? Бирор ишингиз йўқми? — деди.

Содиқ «йўқ!» деди-ю, юраги «шув» этиб, орқасига тортиб кетди.

8. ХОИН ВА ЖОСУС

Мирсалим ҳам ўша куни Қодирни кўрган эди.

Аввалига «Қодир бу ерда нима қилсин?» деб гумонсиради. Кейин синчиклаб қараса ўша, худди ўша зумрашанинг ўзи! Нима учундир у ҳатто бошқалардан ажралиб турарди. Мирсалим уни таниди-ю, баданини чумоли талагандек тирноғигача жунжиб кетди. Лекин Қодир уни кўрган кўрмаганини аниқ билмас, шундай бўлса ҳам юзма-юз туришга бардош беролмай, орқасини ўгириб олишга мажбур бўлди. Бу билан ҳам кўнгли тинчимади. Қодир ҳамон унга кўзини ништар қилиб қараётган, бу ништар орқасини тешиб юбораётганга ўхшарди. Назарида, у югуриб келиб «ҳали сизнинг ичингиз билан ташқингиз бошқа-бошқамиди! Кўкракка уриб «шўроларга жон фидо!» деб юришларингиз пахтавон гаплармиди!» деб ёқасидан тутиб, акасининг хунини талаб қилаётган, машинадан тортиб тушираётгандек туюларди. Ана шунда янги бошлиқлардан бир оз ўпкалади ҳа, хўп, ўз розилигимиз билан легионингга ёзилганимиз тўғри. Лекин нега бу лагерга олиб келиб, дўст-душман олдида кўз-кўз қилиб юрибсан! Тўғри олиб кетаверсанг бўлмасмиди? Энди нима бўлди? Кишининг кўнгли хижил, хиралалтакесак чақмаса ҳам, кўзинг тушса этинг сесканади-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан, дегандек, то машина ғуриллаб, орқасига тутун қайтариб лагердан чиқиб кетгунча Мирсалимнинг ичидан қиринди ўтди. Ташқарига чиққандан кейин бундоқ қараса, баданида терга ботмаган мўйи қолмабди!

Муҳтарам китобхоннинг эсида бор, Мирсалим ўша фронтга тушган куниёқ отишмадан қуёндек дир-дир титраб ўтирган окопида қолаверган эди. Бир маҳал ҳуши ўзига келиб, окопдан бошини чиқариб қараса, немислар жанг майдонини хазончинак қилиб юрибди. «Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема!» — деди-ю милтиғини окопда қолдириб иккала қўлини кўтариб, биров «Ие, сен тирик экансан-ку!» деб тарс отиб қўядигандек баланд кўтариб, то немис пайқаб териб олгунча гоҳ унисига, гоҳ бунисига кўзини лўқ қилиб турди, беллари толиб, кўзлари тиниб кетди. Бир очатқи немис «окопдан чиқ!» деб ишора қилиши билан лип этиб олдига тушди. Уруш бошланиши билан ёдлаб машқ қилган немисча сўзларидан битта-иккитасини аранг эслаб, нимадир деди. Немис илжайиш ўрнига хўмрайиб қўйди. «Немисчани билмайдиган немис шекилли бу» деган хаёл билан бошқа хушомад қилмади. Ўқ товушлари узоқлашиб кетганига шукур қилиб, немис имо қилган томонга қўйдек кетаверади. Уни сойда, бир катта шохи бомбадан синиб, осилиб қолган эманнинг соясида ўтирган кишиларга олиб бориб қўшиб қўйди. Улар ичида оёқ-қўли бутун ёлғиз у эди. Шунинг учун бўлса керак эманга суяниб ўтирган, бир оёғи узилиб тушган сержант у келиши билан «давангидай бўлиб соғ-саломат асир тушгани уялмадингми?» дегандек шундай бир хўмрайдики, Мирсалим кайфи тарқаган кишидек ҳушёр тортиб, гандираклаб кетди, ўзини унинг кўзидан четга олди.

Мирсалим лагерга тушиши билан ҳеч кимга тузуккина аралашмади, ўзини якка тутди. Лекин у ўлимдан қаттиқ қўрқар, бир ери сал санчса ҳам ваҳимага тушиб худога нола қиларди, ғиштнинг орасига кўмиб келган, бувасидан қолган уй-жой, ер васиқаси кўз олдидан пирпир ўтаверарди. Бу мол-мулклар у ўлиб, яна аллакимларга қолиб кетаётгандек ич-ичидан ёниб куярди. Қизи Азиза ҳам яхши чиқмади. Агар у отасининг измидан чиқмай, нима деса, лаббай деб турганида бирор таглитахтли йигитга узатган бўларди. Тагли-тахтли куёв албатта унинг сўзини иккита қилмас, фарзанд ўрнини босиши мумкин эди. Шунда хотиржам бўлиб, ўша васиқаларни ҳозир унга бериб келган, бирор бахтсизлик рўй бериб

(иссиқ жон-да!) қайтолмай қолса, у вақти соати келганда ворис сифатида мулкни ундирган бўларди.

Мирсалим шуларни ўйлаб, оч-наҳор қолиши ҳам кўзига кўринмай юрган кезларда бир куни Али Наимхон келиб қолди. У кўзига нажоткор бўлиб кўринди, унинг эскича бир талаффуз билан муллабаччалардек юмшоқ гапиришидан эриб кетди. Уруш бошланганда йилтиллаб, фронт ва лагерга тушиши билан устини даҳшат кули босган умид учқунлари яна чақнади. Ҳаммадан ҳам Али Наимхон: «Эй, турк ўғлонлари, ғафлат уйқусидан энди уйғонинг! Ислом байроғини поклаб, юқори тутинг!» — деганида кўзига ёш қалқиб келди. «Эй, хизир назар қилган банда, тур, энди ўз жойингга ўт» — деди-ю, биринчи бўлиб қўл кўтариб чиқди. Шу онда қизини тагли-тахтли куёвга чиқариб, васиқани унга бериб келмаганидан хурсанд бўлди: ўзи ғолиб кириб бориб барчасини ундириб олади, даври-даврон суради!

Мирсалим Қодирни кўриб қолгунича мана шу ширин хаёллар оғушида масту аласт эди. Қодир унинг оромбахш тушини бузиб, бирдан уйғотиб юборган кишидек даҳшатга солди. Ахир у Содиқнинг укаси эди! Акасининг қамалишида унинг қўли борлигини яхши билмаса ҳам, ҳар ҳолда гумони бор, шу гумонни Али Наимхонларга сал билдирса борми! Хайрият, Қодир бундай қилмади. «Бу ҳам худонинг марҳамати» деган Мирсалим машина лагерь дарвозасидан чиқиши билан оғир бир уҳ тортиб, шукроналик қилиб қўйди.

Машина шу кетганича ҳеч қаерда тўхтамай, уларни поездга солди. Кузатувчилар эртасига поезддан тушириб, яна машинада олиб кетди. Машина Германия босиб олган мамлакатлардан бирининг катта шаҳри ёнидаги ҳарбий лагерга олиб келиб ташлади. Шу куниёқ уларни ҳаммомга тушириб, немис формасини кийдиришди. Форма немис-фашист солдатиникининг айнан ўзи бўлиб, фақат ёқасига «Олло, Туркистон биз билан» деб ёзиб қўйилган эди. Бўлинмаларнинг командири немислар эди.

Уч кун ўтгач Али Наимхоннинг ўзи келди. «Ассалом, турк ўғлонлари! Шонли ишларингизни олло хайрли қилсин» деганидан кейин, барча билан бир-бир суҳбатлашди. Навбатини сабрсизлик билан кутиб турган Мирсалим, у якка-якка қабул қилаётган хонага бисотидаги бутун иззату икром ва назокатини ишга солиб кириб борди. Гарчанд устида ҳарбий форма бўлса ҳам, муллабаччалардек қўл қовуштириб, қаддини эгиб турди. Али Наимхон суҳбат бошлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Номи шарифингиз, афандим?

— Мирсалим Мирзоҳидий.

Гўзал Туркистонимизнинг қаеридан бўладилар? У ерда ҳам шу ном билан юрармидилар?

Мирсалим гап фамилияси охиридаги «ий» қўшимчаси ҳақида бораётганини тезда фаҳмлаб, айбдорларча ишшайди.

— Асли шундай эди, кейинчалик...

— Тушунарли! — Али Наимхон «бас, кўп эзмалик қилма» дегандек унинг сўзининг дамини қайтарди. Лекин қўполроқ чиқиб қолганини ўзи ҳам пайқаб қолди шекилли, кетини табассуми билан юмшатди. — «Мир», «амир» сўзининг ихчамлаштирилгани эканини биладиларми?

— Ҳавво, тақсир! — мамнун тиржайди Мирсалим.

— Мадрасада таҳсил кўрганмидилар?

— Бир оз. Қолгани уйда бўлган.

— Жуда яхши! Жуда яхши! Қуръони шарифдан хабарлари бордир, албатта?

— Бор, афандим, бор.

— Қани бўлмаса, бирор сура тиловат қилсинлар. Кўпдан бери ватандошимизнинг табаррук овозларини эшитганимиз йўқ.

Мирсалим кўрсатилган ерга одоб билан ўтириб, бир-икки томоқ қирди. Қайси сурани яхши билишини хаёлидан ўтказди. Кейин қаршида турган Гитлернинг суратига кўзини тикиб, иккала қўлини тиззасига қўйганича бутун санъатини кўрсатиб қироат бошлади.

Али Наимхон бошини сал бир томонга эгиб қулоқ солди, лаби билан нималарнидир пичирлаб қўйди. Қироат тамом бўлиб, фотиҳа тортилганда, у ғайри ислом кишилардагина бўладиган бир қовушимсизлик билан қўлини юзига олиб борди. «Мусулмонлиги бешакдур, лекин қўли бундай ишлардан чиқиб кетибди. Бўлмаса, қуръон ўқилган пайтда бош яланг ўтирармиди. Олло ўзи кечирсин!» деб қўйди уни кўриб Мирсалим.

— Сизга бир хизматни топшириш ниятида турибман, — деди Али Наимхон қуръон тиловатидан кейин чўккан жимликни бузиб, — албатта рад этмасалар керак.

Али Наимхон ўзига «тақсир», «афандим» деб мурожаат этилишини хуш ёқтирарди. Буни келган куниёқ кимдандир эшитиб, кўнглига тугиб олган Мирсалим шу торни зарур-нозарур черта бошлади:

— Бош устига, афандим! Гўзал Туркистонимиз шаъни-шукуҳи учун ўтга киришга ҳам розимиз, тақсир!

— Ҳа, балли! Офарин! Олло ниятингизни берсин! — деди Али Наимхон, гарчанд ёш жиҳатидан Мирсалимдан фақат икки-уч ёш катта бўлишига қарамай ўзини улуғвор ва юксак мансабдор сифатида тутиб. Мирсалим эса, хушомад билан баттар чўкиб борарди:

— Ташаккур, афандим!

Ёшларимиз ислом расми-русумларидан анча бегона бўлиб қолибди. Бу, албатта, бандаий мусулмонга уят. Шу гумроҳларни ўзлари йўлга солсалар, ибрат кўрсатсалар.

Мирсалим вазифаси нимадан иборат эканини тўла ва аниқ тасаввур қилолмаса-да, бундай иззату ҳурмат ва мартабадан талтайиб, миннатдорлик билан қабул этди.

— Токи йигитлар орасида мавқелари мавжуд бўлсин учун зарур унвон ҳам берурмиз, — қўшиб қўйди Али Наимхон.

Сал кундан кейин бу амал ва унвон нималиги маълум бўлди. Шу кундан бошлаб Мирсалим Мирзоҳидий «обер мулла» унвони билан бўлинма йигитларига қайси ёнбошни босиб ётиш шарҳийлигидан тортиб, таҳорат олиб, беш вақт намозни қандай ўқишгача — ҳамма-ҳаммаси ҳақида таълим беришга киришди.

Мирсалим олдинига оддийгина кўринган бу вазифанинг кунлар ўтган сари мазасига тушуниб, мартаба даражасига кўтарди. Бир хонани масжид учун ажратиб олди. Унинг қибла томонига меҳроб ўйдириб, қуръондан бир байт шеър ёздирилди. Аллақаердан истамбул докасини топиб, салла ўрнида бошига ўраб, имомликка ўтди. Бора-бора йигитларнинг шапкасини тескари қилиб намоз ўқиши ҳам ёқмай қолди. Дўппини, иложи бўлса ҳар бирининг бошида салла бўлишини кўнгли тусади. Болалигини эслаб, оқ картон билан тушь топишларини буюрди. Ундан чуст дўппи ясаб,намуна қилиб кўрсатди. Гарчанд қалампир нусха гули тўйган зулукка ўхшаб қолган бўлса ҳам «дўппи — мусулмонлик рамзидир» деб мақтади, ҳамманинг ўзига биттадан дўппи ясаб олишни, шу дўппи билангина намозга кириши шартлигини алоҳида таъкидлади. Эртасигаёқ бу фармойишини бажармагани, яна шапкада чиққани учун бир йигитни беш қамчи урдирди. Бошқа бирини сўз қайтаргани учун гаупвахтага юборди. Шундай қилиб «ўз обрўйини тиклаб», ҳар ўтганида солдатларни мутеларча қўл қовуштириб турадиган қилиб олди. Бу, табиатан мансабпараст Мирсалимнинг айни муддаоси эди. У ўзини сувга ташлаган балиқдек эркин ҳис қилиб, эртанинг завқ-шавқи билан маст эди. У энди ғолиблар қатори Туркистонга кириб боришига шак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шубҳа қилмас эди. Ёз бўйи яхши ҳужумда борган немис армияси қиш кириши билан тўхтаб қолиши, кейин Москва остонасида пешонаси ғурра бўлиб чекиниши унинг кўнглига бир оз шубҳа солган бўлса ҳам, кейинчалик Али Наимхон билан бир қилган суҳбатидан сўнг яна ишончини тиклаб олди. Бу орада Али Наимхон нима учундир қисқа муддат Туркияга бориб келди.

У ердан олиб келган, лупа билан ўқиладиган чўнтак қуръондан биттасини зўр ифтихор билан Мирсалимга узатди:

— Марҳамат, обер-мулла афандим, бу биздан сизга инъом!

— О, нақадар шараф бу! — Мирсалим қуръонни Али Наимхон қўлидан гарчанд кафтда йўқ бўлиб кетадиган кичкинагина бўлишига қарамасдан букилиб, икки қўллаб олди ва ўпиб пешонасига босди, аллақаёқдан кўзида ёш ҳам пайдо бўла қолди.

Обер-мулла Мирсалим Мирзоҳидий китобнинг дуч келган ерини очиб ўқимоқчи бўлгандек кўз юритди, кўзи ўтмади, ҳайрон бўлди. Али Наимхон «эй, гўл, шунга ҳам фаҳминг етмадими? дегандек таъна билан ишшайиб, ёрдамга келди:

— Бу мана бундай ўқилади, афандим! — деди ва қуръоннинг бир четига ингичка ипак лента билан биркитилиб қўйилган тангадек лупани олиб, сўзлар устида юритди.

— Бу мўъжиза! — яшнаб кетди Мирсалим. Хатга кўз юритди. — Жуда тиниқ кўринар экан! Қандай бежирим, ёнда олиб юрса бўлади.

— Худди шунинг учун ҳам ихчам ишланган.

— Қани ҳар йигитимизга биттадан бўлса!

Али Наимхон индамади. Унинг қараши «мен улардан ҳезалак муллабачча эмас, солдат тайёрлайман, менинг шаъни-шукуҳим учун жон олиб-жон берадиган автомат-солдат тайёрлайман. Бу қуръону сен қилаётган ишлар ҳаммаси бир гапики нарса! Буларга менинг ўзимнинг ҳам ортиқча ихлосим йўқ» деган маънони ифодалаб турарди.

Али Наимхон легиончиларнинг бир умум йиғилишида «турк қардошлардан» бўшашибгина салом топширди, бошқа бир нарса демади. Мирсалим бир вақт орзу қилган бу «ажойиб мамлакат» ҳақида сўраб-суриштиргиси келди-ю, ботинмади. Шунча қулай вақт қидирди — бўлмади.

Бугун эрталаб Мирсалим ҳар кунгидан ҳам барвақт

ғуриб, казармани айланди. Эшик олдидаги навбатчи легиончининг бош кийимини бир четга олиб қўйиб, мудраб ётганини кўриб жон-пони чиқиб кетди. Постда ухлаб қолгани бир айб бўлса, бош яланг ўтириши зўр гуноҳ эди. Олдига оёқ учида келиб, шарт қулоғидан олди-ю, чўзиб тортди. Кутилмаган бу даҳшатдан чўчиб уйғонган навбатчи қаршисида турган обер-мулла Мирзоҳидийни кўриб даг-даг титради. У немис командиридан ҳам шаҳм эди.

— Бу нима қилиқ, аблаҳ! — деди Мирсалим.

— Маъзур тутасиз обер-мулла афандим, айб менда!

— Иккита совет разведкачиси кириб, ҳаммани чавақлаб кетса нима бўларди! — деди атайин баланддан келиб Мирсалим, гарчанд то бу казармага келгунича йўлда қанча соқчи борлигини у яхши билса ҳам.

Легиончи ҳамон даг-даг титраб, мўлтайиб турарди. Мирсалим бундоқ қараса, эндигина мўйлови сабза урган ёшгина йигит. Агар шу оқариб турган юзларига қон югуриб, сал кулса борми, қиз боладек чиройли бўладиқолади. Ахир унга ҳам бир хизматкор керак-да! Қачонгача бўлар-бўлмас ишларга ҳам югуриб, чойини ўзи дамлаб, ўрнини ўзи тузатади. Али Наимхоннинг ёнида ҳам доим мирзалик қилиб юрадиган бодомқовоқ чиройли йигитча бор.

Мирсалим шундай ширин ўйлар билан қаршисида турган легиончини яна бир бор кўздан кечирди, бирдан жиловни бўшатгиси келмади.

— Бунинг учун отиш керак!

Йигит йиғлаб юборди: бу ерда одам отиш ҳеч гап эмас-да!

— Афандим, афандим...

Мирсалим раҳми келгандек, оёғига ташланган йигитнинг бошига қўлини қўйди.

— Кўз ёшинг ҳаққи, кечираман, тур. Турк боласига йиғлаш уят! Сенга ўзимнинг алоҳида хизматларим бор.

— Бош устига! Жоним билан афандим!

Шу ондан бошлаб йигитча унинг бармоқларига боғланган визвизак бўлди: истаса айлантиради, истаса ёнига солиб қўяди. Шу кундан бошлаб Ашрафхон (у йигитнинг номи шундай эди) Мирсалим оёғини ювганда сув қуйиб, ҳаммомга тушса ходимчилик қилиб, кирини ювиб, ботинкасини тозалаб, ўрнини тузатиб, чой дамлаб бериб юрди. Қилган жиноятн янгилигида унча малол келмаган бу ишлар кунлар ўтган сари оғирлик қилиб, энсасини қотирди. Мирсалим Ашрафхоннинг пайига тушди. Бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

куни зўрлаб олиб кириб, унча-бунча иш буюрди. Билдики, энди у билан муроса қилиб бўлмайди. Уни чиқариб юбориб, кетидан икки-уч ерини бир амаллаб кўкартирди, кийим-бошини йиртиб, орқасидан фарёд солиб югурди. Казарма дарвозасида унинг ёқасидан бўғиб ўзига суиқасд қилганини, улуғ фюрер шаънига ножўя гаплар айтганини, қочиш ниятида ундан пул сўраб кирганини бичиб-тўқиб, қамоққа оллдирди, кейин оттириб юборди. Кўнгли тинчиб бошқа бирини кўз тагига олиб қўйди. Бу орада легионга келиб қолган Али Наимхон унинг зийраклигидан миннатдор бўлиб, кўнглини сўради:

— Шундай бўлди, афандим, сал бўлмаса лаънати бетавфиқ...

Унинг сўзини бўлди Али Наимхон:

— Олло ўзи бир сақлабди. Зийраклик ҳар вақт зарур, айниқса бизнинг ишда.

— Албатта, афандим, албатта.

Мирсалим бир ҳезалак легончига буюриб тиктирган чуст дўппини иззату икром билан Али Наимхон бошига кийгизди.

— Бай-бай, заб яраштди, афандим! — дея нархини кўтариб қўйди.

Аслида ярашиш у ёқда турсин, уни жуда тасқара қилиб юборган эди. Дўппи кийишнинг ўзи ҳам Али Наимхоннинг эсидан чиқиб кетган бўлса керак, бошида туппа-тузук турган дўппини пешонасига суриб, худди калнинг ўзи бўлди-қўйди. Кейин қўлига олиб, томоша қилди, ношуд қўл тиккани кўриниб турган бўлса-да, санъатини мақтади. Мирсалим буни қочириқ тушуниб: — Гўзал Туркистонга муборак пойқадамлари етган куни бир аъло дўппи биздан, афандим, — деди.

— Албатта! Албатта! — деди тамаъгирларча Али Наимхон. Сўнгра дўппини катта оғзи чакаги узилган эски кавушдек таноби қочиб турган ёнидаги хотинига узатди. Хотини ўша хунук ишшайишда темир қанот қарқиноқ қўлига тушган боладек қотиб қолди. Икки-уч айлантириб томоша қилди.

— Офарин! Минг офарин! — деди ўзининг лайлак уя сочи устига дўппини қурбақасалла қилиб қўндирар экан. — Қаёқдан олдинглар?

Али Наимхон бу тайёрланаётган совғадан ўз айғоқчилари орқали аллақачон хабар топган эди. Хотинининг «легионда ҳали шунақа ойимқизлар ҳам борми?» деган хаёлга боришидан андиша қилган Али Наимхон Мирсалимга муғамбирларча кўз қисиб, ўзи жавоб қилди:

— Анқо қуши гўзал Туркистонимиздан келтирилган, хоним афандим.

— Бўлмаса бу сизга ярашади, жаноб президент, — деди хотини ва яна калга ўхшатиб, эрининг бошига кўнқайтириб қўйди.

Али Наимхон мамнун табассумдан ўзини аранг тутиб турарди...

Шу куни у Мирсалимни ўзи билан бирга овқатланишга таклиф қилди. У келиб тушган меҳмонхонада ўтган бу меҳмондорчилик Мирсалимнинг анча кўзини очди. Али Наимхоннинг «гўзал Туркистон» ҳақидаги фикри ҳам жуда ғалати. У ердагиларнинг барчаси аҳмоқ, нодон, ғуроҳу, бефаҳм, фақат ўзигина маърифат олиб бораётган кўринади. У бормагунча Туркистоннинг ҳусни очилмайди! У ўзини қанча фуқаропарвар тутишга уринмасин, шиша орқасига чироқ шуъласини яшириб бўлмагандек, унинг худбинлиги, шуҳратпарастлиги, тезроқ Туркистон тахтига ўтириш учун ичикиб ўлаётгани, бағри тош, бераҳмлиги яққол кўриниб турарди.

— Қилич бир қонга беланиши шарт, акс ҳолда Туркистон тўғри йўлга тушиб ололмайди, — деди у ётган ерида сигара тутатар экан, бошланган суҳбатни давом эттириб. — Давлатни бошқарадиган кишилар шу ердан бориши керак. Қилич кесмаганни сўз кесиши лозим. Биз учун Гитлердан ортиқ меҳрибон йўқ. У киши Туркистонни яхши кўрадилар. Фюрернинг музаффар қўшини Туркистон дарвозаларига етиб бориши билан у ёғини ўзимизнинг йигитлар суриб кетади. Бунинг учун ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан тайёр бўлиб туришимиз шарт. Шундай эмасми, Мирзоҳидий афандим.

— Албатта! — тасдиқлади, у гарчанд винодан боши гувиллаб гапнинг мағзига тушунмаган бўлса ҳам.

— Эҳтимол, сизга масъулиятли вазифалар юклашга тўғри келиб қолади. Барчасига ҳозир турмоқ ҳам қарз, ҳам фарз.

Гап Туркистонга борганда бериладиган лавозим ҳақида боряпти, деб лабининг таноби қочган Мирсалим, қуллиқ қилиб:

— Сиз нимани маъқул топсангиз шу! — деди.

— Қани энди барча ҳам сизга ўхшаб зарбу шижоат билан ғайрат камарини боғласа!

Эртасига Али Наимхон уни ўзи билан Берлинга олиб кетди. Етиб боришган куни тушгача уни ўз машинасида шаҳар айлантирди, томоша қилдирди. Ярим яланғоч чиройли қизлар саҳначасида рақс тушиб турган муҳта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шам бир ресторанда овқатланишди. Рақс тугагач, Али Наимхоннинг ишораси билан оркестр «Қичқир, хўрозим» куйини чалди, ўзи хиргойи қилди. Мирсалим ўзи яхши кўрган, кўнгли хушнуд бўлиб турганда хиргойи қиладиган ашулани Али Наимхон ҳам ёқтиришини кўриб, ичидан офтоб чиқиб кетди. Мароқланиб қўшилди. Куй тугагач, Али Наимхон керилиб қўйди:

— Ўзим ўргатганман.

— Ўзингиз нима чаласиз? — жуда қизиқди Мирсалим.

— Най. Болалигимда сал-пал машқ қилган эдим. Сизчи?

Мирсалим дутор, танбур чалишини пеш қилгиси келиб турса ҳам, шу онда ботинолмади:

— Бир оз танбурга ҳавасим бор.

— Биз ҳам Туркистонда мана шунақа нозанинлар ўйин тушадиган ресторанлар ташкил қиламиз, албатта ташкил этамиз.

— Ҳа, ростанам, бояги гапингиз чала қолди, — деди Мирсалим йўлдаги суҳбатни эслаб, — кўп хотинлик масаласида ўз фикрингизни айтмоқчи эдингиз!

— Модомики, шариат йўлини тутмоқчи эканмиз, бир эркакка тўрт хотингача ижозат берамиз. Бошқа илож йўқ.

— Демак учта запасим Туркистонда денг, — тиржайди Мирсалим. Али Наимхон уни маъқуллагандек кулиб қўйди.

Овқатдан кейин у Мирсалимни қаватини санаб улгурмаган кўп қаватли қоп-қора бинонинг дабдабали бир хонасига олиб кирди.

Эшикдан кирган заҳоти Али Наимхон «Ҳайл Гитлер!» дея олдига қўлини узатган эди, қаршидан худди шундай ҳаракат билан бир ҳарбий киши чиқиб келди. Анчадан бери қўли ўрганиб қолган Мирсалим ҳам буни такрорлади ва кабинетга кўз ташлади. Шерпанжали катта стол. Усти тўла телефон. Девор остларида чиройли стуллар. Тўрда Гитлернинг жуда катта сурати. Унинг ўнг томонидаги деворда Гиммлерники, лекин у кичикроқ. Паркет полга патгилам тўшалган. Хуллас, кабинет жуда ҳашаматли.

Улар кабинет эгаси — чигирткадек кам гўшт, бурнига пенсне қистирган, ялтироқ этикли кишининг таклифи билан ўтиришди. Али Наимхон у билан немисчалашиб кетди. Легионга келганидан бери немис тилини ўрганишга астойдил киришган Мирсалим унча-мунча тушуниб

турарди. Гап Мирсалимнинг келажаги ҳақида борарди.

— Шу киши жуда боп. Синалган ва тажрибали. — деди Али Наимхон. — Айниқса ислом динига ижозат берилган ҳозирги Туркистон учун бу кишининг диндан хабардорлиги жуда қўл келади.

Немис Али Наимхонга қаттиқ ишонганиданми ёки Мирсалимга ўхшаганлар билан учрашавериб, пих ёрганиданми, ортиқча гапни чўзмай:

— Яхши! — деди ва кнопка босиб, одам чақирди. Мирсалимни кирган кишига топшира туриб: — Қисқа муддатликка! — деб уқтирди.

Шу кундан бошлаб Мирсалимга жосуслик таълими ўргатилиб, Ўрта Осиё шаҳарларидан бирига юбориш тайёрлиги кўрила бошлади.

9. СЎНГГИ ШУБҲА, СЎНГГИ ТАШВИШ

Содиқ, дўсти Шубинни санбатда кўриб чиқиб келарди. У «узоқлашиб кетсам ўз полкимни йўқотиб қўяман» деб госпиталга кетишга рози бўлмаган, бунинг устига яраси ҳам унчалик оғир эмас эди. Содиқ ўтган гал келганида «орденингни тақиб келмабсан-да, ярашган ярашмаганини айтиб берардим» деб тегишган, «бир савлат тўкиб келишини» илтимос қилган эди. «Ҳали ўзиники қўлига тегмаганидан ҳаваси келяптими (унинг тузалиб чиқишини кутиб туришарди), майли, тақсам тақиб келай, ҳарна кўнгли кўтарилгани. «Кўнгли кўтарилгликнинг дарди тез арийди, дейишади» деган хаёл билан бугун Содиқ жанговар Қизил Байроқ орденини тақиб келган эди. Унинг кўкрагига кўплар суқланиб қараган, ҳатто баъзи тафсилотларини суриштирган, фахрланса арзигудек мукофот бўлса ҳам, бари бир Содиқнинг дили равшан эмас, кўнглининг аллақаери хира тортиб, аллақаери ҳувиллаб турарди. Чунки бу зўр мукофотга сабаб бўлган воқеа қанчалик унинг обрўйини оширган бўлса, шунчалик ташвишга ҳам солиб қўйган эди. Сурати газетада чиқиб, қандайдир оператив ходим суриштириб кетганидан бери ўз қилмиши ўзига аён. Содиқ ўйлаб ўйига, юриб йўлига етолмас эди. Шундан бери ҳаловати кетган, чақирилмаган ерга меҳмонга келган кишидек ўзини нохуш ҳис қиларди, ранги рўйи ҳам ўзгарган бўлса керак, ўртоқлари «Сенга мукофот ёқмадими!» — деб тегишарди. У, ўша кўнгилсиз хабарни взвод командиридан эшитган туни деярли киприк қоқма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Ётган ери тош битиб икки-уч ташқарига чиқиб келди. Ертўла оғзида турган аскардан тамаки сўраб, кафтига олиб чекди, то бармоғи куйгунича сўриб чекди. Кейин окопдан чиқариб ташланган нам тупроқ устида ҳулкар оғишига, юлдузлар учишига қараб ўтирди. Тун жимжит. Гир атрофда на йилт этган бир чироқ бор, на қилт этган ҳаракат. Дарахтлардан тушган соялар ола бужир, мудҳиш ва сирли. Фақат немис кузатувчисининг баъзан-баъзан отиб турган ёруғ мушаги борлиқни қоплаган қора пардани бирдан кўтариб, бир зумгина яна алланечук совуқ кўриниш кашф этади. Ана ўшандай мушакдан бири камалак каби доира ясаб, нурли из қолдирганича кўкка вижиллаб кўтарилди, кейин пақ этиб товуш бердида, ҳамма ёқни тиниқ ёритди ва шўнгиб кетди. Содиқ унинг ёруғида кундузи отишма бўлиб ўтган, кўзига хунук кўринган қонли ораликка назар ташлади. У ер ҳозир қанчалик тинч. Кундузи у ерда юзлаб мина ёрилганига, минглаб ўқлар учганига ҳозир киши ишонмайди. Бу сокинлик эмас, ҳатто кундузги ажал ҳиди келиб турган отишмалар ҳам шу лаҳзада унинг диққатини тортмади. Ҳаммасига қўл силтагандек бепарво ўрнидан туриб, кириб ётди. Бари бир уйқуси келмади. Шу кечаси унинг ўйламаган ўйи, тузмаган режаси қолмади. Демак оперативчилар унинг пайига тушган. Эртами-индин келиб, ҳайдаб олиб кетади. Яна тергов, яна суд. Бу сафар албатта суд қилишади, ўтган галдагидек «махсус кенгаш» орқасидан ҳукм чиқариб қўя қолмади. Бу гал суд учун материал етарли. Яна ўша занглаган тикан симли лагерь. Конвой билан ишга бориш. Ишдан қайтиш. Эрксизлик. Яна уфқда йилт этган нури йўқ ҳаёт...

Содиқ эркин ҳаётнинг энди таъмига тушуниб, қоясига кўтарилган сор бургутдек парвоз қила бошлаган бир пайтда яна лагерга қайтишнинг оғирлиги учунгина эмас, балки элу юрт тақдири жанг майдонида ҳал бўлаётган бир вақтда оёқ-қўли боғлиқ кишидек ёки қўлидан бирон тузук иш келмайдиган ногирон-мушфиқдек лагерда ўтиришига асти чидамас эди! У, бу гал ўзини маҳбусликдан қочган кишидек айбдор ҳисобларди. Бу гуноҳнинг кечирилмаслигини биларди, биларди-ю, ич-ичдан куйиб-ёнарди. Ахир у бу гуноҳи содир бўлгунича бутун вужуди билан ўзини бегуноҳ ҳис этиб, истаган ташкилоти ва кишисига мурожаат этишга маънавий эркинлик сезарди. Энди-чи? Энди унинг тили қисиқ. Энди унинг бу тарихини билган киши ҳеч ҳам ёнига тушмайди, ҳимоя қилмайди, ҳимоя қиладиган топилмайди. Эҳ, қани ўша

одамлар ҳаётда бўладиган нуқсону тасодифлардан қўрқмаса-ю, кишининг юрагига, ишу идрокига қулоқ солса. Оҳ, кўкси сўқирлик кўзи сўқирликдан қанчалик ёмон! Шунча ажойиб машиналар кашф этган доно одамлар нега кишининг юрагини, фикру эътиқодини рўйирост кўрсатадиган, аниқлаб берадиган бирорта асбоб ўйлаб тополмайдилар! Ана шунда қандай яхши бўларди. Терговчилар ҳам қаршисига турғизиб қўйиб, «қани кимсан, нимасан, юрагингни очиб ташла!» деб қон бўлиб ўтирмас эди. Ана ўша машинага рўпарў қиларди-ю, ҳаммасини биларди-оларди.

Содиқ сой устига ташланган якка чўп «қўлбола» кўприкка келганда, нима учундир, ундан ўтишга оёғи тортмади, кўнгли алланечук бўлиб, сув ёқасига ўтирди. Назарида, шу «қўлбола» кўприк афсонадаги пулсироту, унинг устидан ўтиши тақдирини ҳал қиладигандай эди.

Содиқнинг кўнглига шундай шубҳа тушувига жиндай сабаб ҳам бор эди. Сойнинг у соҳилида штаб ўрнашган бўлиб, уни зимдан суриштириб келган оперативчилар ўша ерда эди. Содиқ у соҳилдаги ёғоч уйларга назар ташлади: уни суриштириб келган ва бугун-эрта олдига солиб ҳайдаб келадиган оперативчи қайси бирида яшаркин? Анави тунукаси кўкка бўялганидами ёки бўсағасидаги йўғон эманга болалар қушга тахта уя қўйганидами? Эҳтимол усти қамиш билан ёпилганидадир! Йўқ, улар бу уйларнинг ҳеч бирида турмайди. Уларга алоҳида пухта ертўлалар қазишган — ахир махфий ҳужжатлар шундай омонат, бир бомба билан дабдала бўладиган уйларда сақланармиди! Демак улар хавфсиз ерларда яшашади. Ана шундай хавфсиз ертўлалардан бирида унинг ҳам янги очилган делоси сақланади. Унда нималар ёзилганикин? Эҳтимол, улар Содиқни бундан бехабар деб ўйлашса керак. Бўлмаса нега шунча вақтдан бери индашмайди. Ёки лагерга хат ёзиб, аниқлашаётганмикин? Шундай бўлса керак, акс ҳолда, аллақачон унинг оёғини ерга тегизмай олиб кетишарди. Ёки «қочган билан сичқон уясини ижарага олиб, бир кавакда тиқилиб ўтирмабдику! Жонини фидо қилиб жанг майдонида юрибди. Ёмон нияти бўлганда шу вақтгача ошкор бўлиб қоларди. Соф бир совет граждани бўлса, шунчалик бўлар-да! Келинг, уни безовта қилмайлик. Нотўғри ишлар қилиб қўймаслик учун зимдан кузатиб турсак кифоя» деган фикрга келишганмикин? Қани энди шундай бўлса! Майли, истаганларича текширишсин, астар-аврамни ағдаришсин, кузатишсин, лекин эркимни қайтиб олишмаса, кўп қато-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ри гражданлик бурчимни шу фронтда оқлашга рухсат беришса, бас! Менинг шундан бошқа олий орзум йўқ!

Бу ўйлар сув ёқасида хомуш ўтирган Содиқни бирдан жонлантириб юборди, туман босган тоғдек кўнглига нур тўлдирди, руҳини кўтарди, ҳатто, бояги мудҳиш ўйларга борган ўзи эканига шубҳаланиб қўйди. Демак энди уни қамашмайди, унинг гуноҳини кечишган, у кўп қатори бехавотир жанг қила бериши мумкин.

Содиқ ирғиб ўрнидан турди. Сувни шалоплатиб юзини ювди, гўё сув билан унинг кўнглига ўтирган гард ҳам ювилиб кетгандек енгил тортди. Шу пайт ўзидан сал нарида, сувдан чиққан барги қалин ўтга бир оёғини тираб турган қурбақага кўзи тушди, унга гап қотди:

— Шунақа ишлар, оғайни, энди яна фрицнинг онасини уч қўрғондан кўрсатамиз. То чиққан кавагига қўйиб келмасак асти ҳисобмас. У ҳали чучварани хом санаб, сичқон бўлиб, филга ташланиб юрибди.

Қурбақа унинг сўзига тушунаётгандек бўртиб чиққан йирик кўзини бир-икки пирпиратди, оппоқ бақбақасини серкиллатиб, бесўнақай катта оғзини очиб ёпди.

— Нима, сенинг ҳам юрагингда армонинг борми? Ким сени безовта қиляпти? Сен ҳам туҳматга йўлиққанмисан? Бечора! Сабр қил, ҳаётдан умидингни узмасанг бас. Ҳақиқат ўз ўрнини топади. Лекин унинг кўп вақт поездга ўхшаб кечикиб келиш одати бор. Шуниси ёмон! Майли, эзгуликнинг эрта-кечи йўқ. Яна яйраб қоласан. Мен ҳам ўз уйимга, бола-чақам олдига кетаман. Биласанми, менинг ерга урсанг кўкка сакрагудай шўх ўғлим бор. Сенга ўхшаб у ҳам сувни яхши кўради. Эртаю кеч сувдан чиқмас эмиш. Қоғоз қайиқлар оқизармиш. Ўша ариқда сенинг элатларинг бордир. Қайтиб борганида сендан уларга салом айтайми? Албатта айтаман, кўнглинг тўқ бўлсин.

Қурбақа «яхши, бу олижаноблигингни сира эсимдан чиқармайман. Раҳмат! Хайр!» дегандек яна чақчайган кўзларини пирпиратиб, оппоқ бақбақасини серкиллатди, кейин «шўлп» этиб сувга шўнғиб кетди. Содиқ меҳрибон суҳбатдошидан ногоҳ ажралган кишидек қўл силкиб, кузатиб қолди. Содиқ, қурбақага юрагида йиғилиб ётган дардини тўкиб солганидан бўлса керак, боягидан ҳам хурсанд, ҳалигина ҳаммомдан чиққан кишидек руҳи жуда енгил эди. У қирғоқдаги оқ қайиннинг жигар ранг чивиғини синдириб олди, ўйин қилиб этиги қўнжига урганича «қўл бола» кўприкдан ўтди. Ҳалиги таниш қурбақа яна сувдан чиқиб уни кузатиб тургандек орқасига қараб, боя шўнғиб кетган ерни кузатди.Қурбақа кўринмас эди, у оёғини қўйиб турган новча ўт эса, майин шувқинга эргашиб силкинарди.

Содиқ папирос чекиб келаётган аскарни кўриб, кўнгли суст кетди, чекадиган одамдек хумори тутди.

— Бир чектирмайсизми, биродар? — деди у етиб келиши билан.

— Шу қолганини беришим мумкин, — деди аскар, лекин уни ҳам дарров бера қолмай босиб-босиб икки-уч тортди. Содиқ шунга ҳам рози бўлиб турар экан, аскар унинг кўкрагидаги орденни кўриб қолди, бирдан ўзгариб:

— Кечирасиз, мен бошқа бераман, — деди ва чўнтагидан катта бир чимдим олиб, қоғоз билан узатди, — мен сизни танимабман. Немис миномётчиларининг таъзирини берган сиз бўласиз-а! Жуда қойил қилибсиз! Комиссар кеча партия мажлисида сизни гапирди. Партиясиз экансиз-а?

«Партиясиз экансиз» сўзи Содиқнинг қулоғига аллапечук эшитилиб, тамаки берган аскар кўздан ғойиб бўлгунича ҳам қулоғи остида янграб турди. Тўғриси, таънага ўхшаб эшитилди. Наҳотки у партиясиз! Ноҳақ қамалгани қамалган, наҳотки партиядан ўчганича қолиб кетаверади!

У, шу муносабат билан батальон комиссарининг тунов кунги суҳбатини эслади. У ҳам Содиқни партиясиз ҳисоблаб, «Сиздақаларнинг ўрни партияда!» — деганди. Бечора, билмайдики, унинг стажи ўзиникидан кам эмас. Шундай бўлса ҳам Содиқ: «Анча тайёрлик кўриш керак», — деган баҳона билан орқага силтади. Комиссар: «Албатта тайёрланинг. Битта тавсияни ўзим бераман», — дегачча кетди. Содиқ эса, ёлғон гапирганидан яна виждони безбаттар қийналганича қолаверди. Бир хаёл билан комиссарга ҳаммасини очиб ташлагиси келди, лекин унинг оқибатидан юраги чўчиди: оперативчилар уни бошқа бир иш юзасидан суриштириб юрган бўлса буни эшитиб, панд бериб қўйишмасин. Комиссарнинг ўртага тушишга, ажратиб олишга қурби етадими? Етмай қолса нима бўлади? Йўқ, яна бир оз сабр қилиш керак. Чўнтагидаги партбилет эмас, виждон инобат, виждоним коммунистик бўлса бас-да!

Худди шу пайт кўк тунука уйлар томонда бетартиб отишма бошланиб қолди. Содиқ ўқлар товушига қулоқ солиб, немис автоматини дарров таниди. «Ие, немис автоматчиларими?» дея хаёлини йиғиб олгунича, унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаршисидан бир тўда жангчилар елиб келаверди. Содиқ бундоқ қараса, энг олдинда полк комиссари, қўлида ялангоч тўппонча. Содиқ қаршисига чиқиб «нима гап ўзи, демасданоқ, комиссар: «Десант! Немис десанти!» — деди-ю, елиб ўтиб кетди. Содиқ унинг ҳаракатидан билдики, немис штабни бирдан босиб олиш ниятида тўсатдан қандайдир десант ташлаган. Десант кечикиб пайқалган, акс ҳолда комиссар бунчалик шошиб, ўзи шу атрофдаги жангчиларни бошлаб, ҳужумга отланиб қолмас эди. «Ие, мен бу ерда нима қилиб турибман», деб қараб қолган Содиқ, автоматини елкасидан олиб, комиссарнинг ёнига ўтди. Улар бораётган ер майда ўрмонлик бўлиб, йирик дарахтлардан бачканаси, майда шохобчалиги кўп эди. Бу майда новдалар гоҳ юзга, гоҳ кўзга шарт-шарт урилиб, юришга халақит берарди, йўлни ўзгартириб туришни талаб этарди. Комиссарнинг бошлаб боришига қараганда улар мўлжалига етолмай ўрмонга, унинг ёнидаги паст-баландликка чекинган десантнинг ёнидан чиқишлари керак эди. Худди шундай бўлиб чиқди. Комиссар немис десантлари кўриниши билан беижозат битта ҳам ўқ узмасликни алоҳида тайинлаб, эмаклаб олдинга сурилишга буйруқ берди, ўзи олдинга тушди. Ёши анчага бориб қолган, кўзойнаксиз ёмон кўрадиган комиссарнинг бунчалик эпчиллик билан қорнида сурилиб кетишини кўриб Содиқ ажабланди, умр бўйи шуни машқ қилган кишига ўхшарди. У анча ергача шу хилда боргач, тўхтади. Ўгирилиб орқасига қаради. Жангчиларнинг ҳаммасини етиб келишини кутиб турди, кейин ўрнидан иргиб туриб, «Ватан учун, олга!» деганича олдинга ташланди. Ҳамма «ура!» билан унга эргашди. Отишма бирдан қизиб кетди. Буларнинг муваффақиятли маневридан руҳланиб кетган қаршидаги штабчилар ҳам ёпирилиб келди. Икки томонидан қуршаб олинган немис десанти жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатарди. Аслида унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Бу пайтда улар таслим бўлишни ҳали ўзига ор билар, ўз кучига ҳаддан ортиқ бино қўйиб гожлик билан қаршилик кўрсатар, яраланса ҳам, охирги патронгача отишар эди.

Жанг қизигандан-қизиб борди. Содиқнинг икки кўзи комиссарда эди. У, шундай жанговар тўқнашувларга жангчи бошлаб кириб юрган командирдай зийраклик ва идрок билан ўз тўдасини йўлга солиб турар, нишон олиб тўппончасидан ўқ узарди. Ана, у тўппончасида ўқ тугаб қолганини тепкисини бир-икки босганидан кейингина фаҳмлаб, уни қинига солди-ю, ҳалигина йиқилган жангчининг автоматини қўлидан олди, ғужанак бўлиб чекиниб бораётган десант кетидан йиқила-қўпа ўқ узди. У торлаб кетган, гимнастёркасининг бир енги тирсагигача йиртилган эди.

Содиқ комиссардан кўзини узмай, унинг ёнида душманга ўқ ёғдириб борар экан, ўзидан анча нарида бир командирнинг уч-тўртта немис автоматчиси қаршисида қолгиз қолганини, ҳали замон нобуд бўлиши мумкинлигини фаҳмлаб ўзини ўша томонга урди. Содиқ етиб келганда командир паноҳ тутиб турган тепалик орқасидан сапчиб чиқиб, немисларга ташланди, иккитасини ўқ билан йиқитиб учинчисини босиб тушди, бир-бирини ағанатишиб олиша кетди. Елиб келганидан командир нафаси тиқилиб, энтикиб қолдими ёки барзангидай немисга чоғи келмадими, ҳадеганда остига тушганича чиқиб ололмади, то Содиқ улар тепасига етиб келгунича уддалолмади. Қўтосдай немис эса, биратўласи уни бир ёқлик қилиб қўя қолиш ниятида қўлидан учиб кетган автоматига зўр бериб интиларди. Шунинг устига етиб келган Содиқ фрицнинг бошига автоматнинг қўндоғи билан бирни тушириб, уни сулайтирди-да, командирнинг устидан суриб олиб ташлади. Ҳамон ўзини ўнглаб ололмаган, усти боши қон командирни кўриб, Содиқ девор бўлиб қолди. Ўз кўзларига ишонмади, мудҳиш туш кўраётгандек сесканди. Неиложки, туш эмас, ўнги эди. У бир зумгина жанг майдонида эканини унутиб, турган ерида ўтириб қолди. Командир эса, ётган еридан зўрға туриб ўтирди. У яраланган эди.

— Раҳмат! Сиз етиб келмаганингизда... бу фриц бошимни ерди, — деди ҳолдан толган командир бўшашиб. Содиқнинг эса, тили сўзга келмас эди!

Бу командир — Содиқнинг терговчиси Чуханов эди. Чуханов Содиқнинг қайси аҳволдалигини билиб турганиданми, очиғига кўчди:

— Мен сизни таниб турибман. Сиз ҳам мени танидингиз, албатта. Мени ўлимдан қутқариб қолганингизга жилла ҳам хурсанд бўлмасангиз керак. Шундаймасми?

Содиқ уни эшитмас, унинг қулоғи аллақачон том битиб қолган, кўзлари бир нуқтага қадалиб, хаёли мудҳиш камерада, бир маҳал тергов берган номерли хоналарда сарсари бўлиб кезиб юрарди. У энди ўзининг адойи тамом бўлганига шубҳа қилмас эди. Ахир у Чухановнинг қанақалигини яхши билади. Ахир шу қаршисида ўтирган ярадор ўша ўзи билган Чуханов бўладиган бўлса, унинг қўлидан нималар келиши маълум! Ахир

www.ziyouz.com kutubxonasi

энди уни кўраётгани йўқ!Содиқ, бўлар иш бўлди, деб таваккал билан тик боқиб:

— Таниб турибман! — деди. Лекин уни ўлимдан қутқариб қолганига қандай муносабатда эканини айтмади. Бу эса, Чухановга ғалати таъсир қилди, очиқ айтиб қўя қолди:

— Ўлимдан қутқариб қолганингизга пушаймонингиз бўлса, отиб ташлашингиз мумкин. Бу тўполонда ҳеч ким билмайди. Бемалол!

Бу гап Содиқнинг нафсониятига теккан, ҳатто ғазабини келтирган эди, чидаб туролмади, у ҳам очиғига кўчди:

— Сиз мени ким деб ўйласангиз ўйланг, лекин мени ҳақорат қилманг. Мен фронтга сизни учратиб, ўч олиш ниятида келган эмасман. Гарчанд тасодиф билан фронтга тушган бўлсам ҳам.

Чуханов унинг қизишиб бораётгинини кўриб, жўрттага ҳазил билан қистирди:

— Диловархўжа босмачини отиб ташлаганингиз ҳам тўғри.

— Бу ҳам тўғри! — ҳамон ёниб туташар эди Содиқ. — Хўш, айтинг, энди нима қил дейсиз? Қуролимни ташлаб, лагерга қайтиб кетайми? Шуми муддаоинглар!

— Биров сизни лагерга қайтинг деётгани йўқ. Агар қайтарадиган бўлсак, аллақачон ўша ерда бўлардингиз, — босиқлик билан деди Чуханов.

— Бўлмаса нега орқамдан суриштириб юрибсизлар?

— Бу бошқа гап. Суриштирганимиз тўғри. Суриштирдик, билдик, муҳокама қилдик.

— Кейин... кейин... нима қарорга келдинглар? — шошиб қолди Содиқ. Боя сув бўйида кўнглига севинч солган хаёл ҳақиқатга айланаётгандек кўзлари чақнаб кетди, илк марта Чухановнинг кўзига кўзини уриштириб, тик қаради. Чуханов бўлса, мурдага ҳаёт инъом қилаётган кишидек мамнун кулиб турарди.

— Индамай қўйганимиздан кейин нима қарорга келганимиз ўз-ўзидан маълум.

— Демак гуноҳимни кечдинглар?

— Биз кечганимиз йўқ, ўзингиз гуноҳингиз йўқлигини исбот этдингиз.

— Яъни?

— Кўкрагингиздаги орденни нимага олган бўлсангиз, ўша билан!

Содиқ кўкрагидаги орденни энди биринчи марта кўраётган кишидек унга суқланиб боқди, унинг нақадар кўркам ва салобатли эканини энди фаҳмлагандек бўлди,

чанг ўтиргандек устини артиб қўйди. Шундан кейингина Чухановнинг яраланиб ётганини эслаб, кўмак бермоқчи бўлиб чўнтагидан шахсий тиббий пакетини олган эди, Чуханов:

— Ўзимники бор, — деди.

Чуханов ўнг кўкрагининг тепароғи — елкага яқин ёридан ўқ еган, ўқ ичкарида қолибди. Содиқ унинг гимнастёркасининг олдини шарт йиртиб ташлаб, яра оғзига пахта қўйиб, докасини елкаси оша икки айлантирган эди, узоқлашиб кетган отишма бирдан яқинлашиб қолди, қандайдир ўқ улар тепасидаги қарағайнинг кўмкўк шохини ширт узиб туширди. Яна иккитаси шу атрофда чатнади.

— Қани туринг, четроққа ўтмасак бўлмайдиганга ўхшайди — деди Чуханов ва Содиқнинг елкасига қўлини қўйиб ўрнидан турди. Содиқ доканинг учини ушлаганича уни суяб борди. Улар панароқ ерга ўтиришди. Содиқ ярани боғлаб бўлгач, ачингандек:

— Ўқ ичида қолибди, — деб қўйди.

— Ҳеч нарса қилмайди, магнит билан тортиб олишади, — деди Чуханов жилмайиб. Содиқ бу гапнинг чинми, ҳазил эканини билмади.

Бир оздан кейин отишма тугади. Қирилиб битгандан қолган немис десантчи-автоматчиларини ҳайдаб олиб ўтиб кетишди. Чуханов Содиққа суяниб санбатга борар экан, юрагини очди:

— Қўчқоров! Бошқа кўришамизми, йўқми — билмайман. Шунинг учун сизга бир ҳақиқани айтмоқчиман. Мен сизни қаттиққўллик билан ўша вақтда тергов қилган эканман — бу тўғри. Хафа бўлишга ҳаққингиз бор. Лекин шуни унутмангки, мен сизни душман деб, душманга қилинадиган муомалада бўлганман. Бу менинг бурчим эди.

— Қизиқ. Туҳмат бўлса ҳам-а!

— Бу сиз учун, бошидан кечирган киши учун қизиқ, холос. Ахир биз уч кишининг гувоҳлигига қандай қилиб ишонмаймиз. Лекин баъзан шубҳаланардим, ҳам... Ўша суратингиз чиққан куни яна шубҳам ошди, биз қилган хатони қандайдир бир мўъжиза йўли билан тузатаётганингизни билдим. Чунки сиз биз айблаган киши бўлганингизда фронтга эмас, бошқа ёққа йўл олган бўлардингиз, бирор хилватда Гитлернинг ғалабасини кутиб, унинг тани-жони соғлиғини тилаган бўлардингиз. Фронтга йўл олишингизнинг ўзи кифоя қилгани ҳолда, яна жонбозлик кўрсатиб жанг қиляпсиз. Буларнинг ҳаммаси бизга

www.ziyouz.com kutubxonasi

маълум бўлганидан кейин хатоимизнинг нақадар қўпол эканига иқрор бўлиб, сизни безовта қилмасликка қарор қилдик. Лекин сизнинг барча кузатувимиздан хабар топишингиз қизиқ. Бу сир қолиши керак эди. Сизга ким айтди?

— Бу сир, — кулди Содиқ. — Кечирасиз, айтолмайман, беодоблик бўлади.

— Энди аҳамияти йўқ, майли, — уни хижолатдан чиқарди Чуханов. Кейин барча гапига якун ясагандек, — мана шунақа гаплар, ўртоқ Содиқ Қўчқорович Қўчқоров! — деди. Бир оздан кейин яна қўшиб қўйди: — Энди нима ёрдам керак бўлса, марҳамат.

Содиқ шу кунгача нафрат билан эслаб юрган одамининг юрагида шунча самимий гаплари боридан жуда ҳайратда эди. Унинг елкасига қўлини қўйиб, қоқилиб кетса яраси зирқираб келаётган Чуханов, у билган, уни бир неча кунлаб қаттиқ қўллик билан тергов қилган Чухановга сира ўхшамас, Содиқ уни қанча ўхшатишга ҳаракат қилса ҳам, ўхшатолмас эди. Ана шунда, наҳот одамнинг қалбида шунча эзгу ҳислари ётиб, ана ўшандай ташқи кўриниш билан яшай олса! Ё хизматлари шунга мажбур этадими, деб ўйлади. Бир томондан унга раҳми ҳам келди — демак уларга ҳам енгил эмас экан.

Булардан ташқари, Содиқнинг ўз дарди ҳам унинг юрагини тирнарди-ю, очилиб гапиришга нимадандир хавфсирарди. Шундай бўлса ҳам учини чиқаришга мажбур бўлди:

— Биласизми, менинг ҳужжатларим ҳали чатоқ. Шуни бир ёқлик қилиш керак эди.

— Биламан. Партия масалангиз ҳам. — Шунда Чухановнинг юзида бирдан табассум пайдо бўлди, ҳазил қилди. — Партияга кирмоқчи бўлсангиз иккинчи тавсияни мен беришим мумкин.

— Шундан ҳам хабардормисиз? — деди Содиқ комиссарнинг «партияга биринчи тавсияни ўзим бераман» деганини эслаб.

— Ҳа, бўлмасам-чи! Овқатни қайси жағингизда чайнашингиздан тортиб, чўнтагингизда бир украин ўртоғингизнинг ёдгор тамаки тўрваси борлигигача биламиз!

Содиқ ўзининг элакдан роса ўтказилганига энди сира ҳам шубҳа қилмади. Бу эса унга бемалол гаплаша бериш ҳуқуқини берди. Яна ҳалиги илтимосини такрорлади.

— Очиғини айтайми сизга? Бу масала ҳозирча мураккаб, шернинг оғзидан ўлжасини қайтариб олишдек хавфли. Кўп жойларга ёзиш керак. Бирорта калтабин яна

халақит бериб қўйиши, ишнинг пачавасини чиқариши мумкин. Бунинг ҳозирча аҳамияти йўқ. Виждонингиз пок. Қийналаётганингиз йўқ.

— Шундай бўлса ҳам...

— Бу тўғри. Лекин кейинроқ тўғрилаш енгил бўлади. Труш бир оз олдинга босиб, енгишимиз ҳаммага ошкор бўлсин. Ҳозир алғов-далғовроқ.

Содиқ «қўл бола» кўприкдан ўтишгач, бир оз дам олишга таклиф этди. Чуханов қаршилик билдирмади. Ёнидан тамаки чиқариб ўради, Содиққа ҳам тутди:

— Раҳмат, чекмайман.

— Чекардингиз-ку.

— Диққинафаслигимдан баъзан чекиб қўяман.

— Энди-чи? — боя йўлда кулганига ўхшаб жилмайди Чуханов.

— Энди зарурат йўқ.

— Ундай бўлса жуда хурсандман. Кераги йўқ, чекманг!

Чуханов папирос тутатди, Содиқ боя ўтирган ерига бориб, сувга қаради. Таниш қурбақани излади. Нариги соҳилда турган бир қурбақани кўриб қолди. «Ўшамикин?» деди-ю, термилиб қолди. Унинг оппоқ бағбақаси чиройли кўриниб кетди, бағбақаси эмас, ҳатто ўзи ҳам эски қадрдонидек меҳрини тортди. У билан юрагини очиб суҳбатлашгани эсига келди-ю, Чухановдан ийманиб, унга:

— Қурбақа ҳам қизиқ махлуқ: эртаю кеч сувда. Музлаб кетмагани! — деди.

Унинг кўзига фақат қурбақа эмас, қирғоқдаги анави тош ҳам, пўрсилдоқ сассиқ ўтлар ҳам, сийрак булутли кўкка учларини найза қилиб санчибтурган анави қарағай, оқ қайин, эман, арча ҳам, кишилар оёғи остида эзила бериб кукун бўлиб кетган қумларҳам — ҳамма-ҳаммаси ҳозир жозибадор бўлиб, ўзгача ҳусну латофат кашф этиб кўринарди...

... У шу кечаси биринчи марта оёғини бемалол узатиб ётди.

10. СИНОВ ДАҚИҚАЛАРИ

Қодир эрталаб кўзини очса, баракнинг ҳидига туриб бўлмайди. Бу аччиқ ва қўланса ҳиднинг ифлос кийимбош, бир қанча вақтдан бери ювинмаган бадандан чиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қан тер, қони оқиб ётган яралар, остларига солинган пичан чириги ва яна алланимабалолардан мураккаб топганини у яхши биларди. Айниқса, ғалаён қилган лагердан келтирилганлар қўшилганидан кейин жуда ҳам сасиб кетди.

Қодир турли алфозда ғужанак бўлиб ётган одамлар орасидан ўтиб, иложи бўлмаганида устидан хатлаб ташқарига чиқди. «Эҳ, тоза ҳаво, бор экансан-ку» дегандек, чуқур нафас олиб, бурун катаклари керилди. «Шу пайт битта папирос бўлармиди?» деган фикр кўнглига келди. Унинг эрталаб чекиш одати бор эди. Ўзига ўхшаб тоза ҳавога чиқиб, тўдалашиб юрган кишиларга кўз ташлади: қани бирортаси чекаётган бўлса, уят бўлса ҳам сўрарди, таги билан эмас, бир тортиб бериш учун сўрарди! Йўқ, ҳеч ким чекмаяпти! Шу пайт, худди унинг ғашига тегишни ният қилгандек бир немис солдати чекиб ўтиб қолди. Папирос унинг кўзига шунақа чиройли кўриниб, тутуни димоғига шунақа хуш ёқдики, кўзи тиниб кетди! Бундоқ ўйласа, бу яқин бир ой ичида чекмаган эди. Немис, Қодирнинг кўнгли папиросга суст кетиб турганини сездими ёки одатдаги «эрмак»ларидан бирини қилгиси келиб қолдими, икки қадам бурилиб чекиб турган сигаретини қаттиқ бир тортди-да, итга суяк ташлагандек ерга иргитди.

— Ол! — деди масхаралаб Қодирга.

Қодирнинг қанчалик чеккиси келиб турмасин, «оғзинг тўла қон бўлса ҳам душманинг олдида туфурма» деган хаёл билан ўзини тийиб:

— Раҳмат! Чекмайман! — деди.

— Чекишингни биламан. Ол! Сенга нозни ким қўйибди! Ўлиб турибсан-ку. Ол! — немис қўнжи калта этигини учи билан сигаретани унга яқин сурди.

— Сарқит чекмайман! Гадой эмасман!

Немис истеҳзо билан қаҳ-қаҳ уриб ёнига қўл солди, сигарета олиб, масхаралаб узатди.

— Бутунини чекасизми! Билмабман, хах-хах-ха. Совет кишисиман денг. Ғурурим баланд денг!

Қодир билмади: «ҳа, совет кишисиман, нима дейсан!» дегандан кейин бир мушт солиб, немисни ағдардими, ёки ағдаргандан кейин шунақа дедими, бир вақт эси ўзига келиб, бундоқ қараса, бегона бир баракнинг даҳлизида турибди. Орқасига ўтирилиб, немис йиқилган ерда олаговур кўтарилганини кўрди. «Бир оз босилсин!» деганича шошиб ўзини баракка олар экан, эшик орқасидаги юмшоқ бир нарсага оёғи тегиб кетди, ундан чўчиб

устидан хатлаган эди, ўмбалоқ ошиб кетишига сал қолди. Эшик орқасида ётган ўлик эди. Унинг устида қандайдир қонли нарсалар ўрмалашиб юрарди. Қодир уларнинг каламуш эканини дарров пайқади, чунки уларнинг баранида ҳам кечалари чийиллаб уйқу бермас эди.

Қодир тимирскилаб ердан тош топиб, каламушларга отган эди, у бориб мурданинг юзига «шалоп» этиб тушди. Бу товуш Қодирни шунчалик даҳшатга солдики, додлаб эшикка чиқиб кетганини ўзи билмай қолди. Бунинг олдида немисга тарсаки солгани ҳеч гап эмас эди...

Шу куни кечқурун текширишда етти киши етмади.

— Улар қани? —деди лагерь фельдфебели асирлардан танлаб «капо» — кузатувчи қилиб қўйган ўз кишисига.

«Капо» унинг олдига, итоаткорона югуриб бориб доклад қилди:

— Ўлган.

— Ўлган бўлса нима қилиш керак эди! Ё ҳар куни ҳисоблатиб туриш шартми!

— Йўқ, шарт эмас, жаноб фельдфебель! Ҳозир!

Югурдак «Сен! Сен! Сен!» деб беш-олти кишини сафдан олиб, чопиб кетди. Салдан кейин ўликларни бараклардан судраб чиқиб, фельдфебелнинг оёғи остига, саф олдига қатор қилиб ётқизиб қўйди. Қодир уларга боқиб «отган тошим башарасига тушган қайси бири экан? Ҳа, анависи бўлса керак, қулоғини каламуш кемириб кетибди-ку» деб хижолат тортиб ачинди.

Ҳисоб тўғри чиқди. Саф тарқатилди.

Қодир шу кечаси «немис эртага таниб қолса нима қиламан?» деган ташвишдан эмас, мурдага қилган беодоблигидан даҳшатга тушиб ухлолмади.

* * *

Қодир умрида кўрмаган бир қуш келиб улар ўтирган ердаги баракнинг чети нураб кетган томига қўнди, ундан нимаданидир чўқиб, тикка кўтарилди, қатор-қатор тикан симлар, унинг ёнида турган автоматчиларнинг устидан парвоз учиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Қодирнинг унга ҳаваси келди: шу қушча ҳам бахтиёқ. Шу қушга айланишга рози эди.

Уни кузатиб турган Пушкарёв:

— Одам бахтли бўлиши учун кўп нарса керак эмас, шундаймасми, Қодир? — деб қўйди.

— Албатта. Масалан, менга ҳеч нарса бермасин, ҳеч

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарса демасину, фақат ўз ҳолимга қўйиб берса, бас.Тўғри дарвозага борсам, уни очсам, ундан чиқиб кетаверсам, кетаверсам.

— Кейин нима қилардингиз? — унинг соддалигидан жилмайди Пушкарёв.

— Кейин нима қилардим? Жангга кирардим, душман енгилгач, маза қилиб яшардим.

— Тўғри, Қодир, бир инсонча яшашдан яхши нарса йўқ. Менимча, ҳар одам ўз тақдири билан дунёга келади. Биров умри бўйи эзгу ишдан бошқани билмайди, унча кўзга ҳам ташланмайди.

— Кузда, хазончинак пайтида қалин барглар орасида қолган тўппидек беҳига ўхшаб, — гап қистирди Қодир.

— Беҳи ўсган боғларни тоза соғинибсиз-а.

— Соғинмай бўладими, айниқса мана бу жаҳаннамда. Очигини айтсам, соғиниш нималигини энди билдим. Киши қанчалик оғир кунда қолса-ю, узоқ кетса, шунча қаттиқ соғинар экан. Эҳ!

— Бу тўғри, — деди Пушкарёв асл мавзуга қайтиб, — баъзи одам эса, умрида бир марта, фақат бир мартагина рўйирост туриб «олға!» дейиш учун туғилади, узоқ ҳам яшамайди. Модомики, шундай экан,умрнинг узун-қисқаси йўқ. Дунёга келиб, бир шамча ялт этиб кетмаган умр умрми? Одамдан «Қанча яшадинг?» деб эмас, «Дунёга келиб нима қилдинг?» деб сўраш тўғри бўлади. Биров бутун бир китоб ёзади...

— Бошқа биров «шип» этган товуш эшитса, кирпига ўхшаб бошини ичига олиб яшайди, — унинг сўзини оғзидан олди Қодир. — Эҳ, ҳаёт, ҳаёт! Нақадар мураккаб нарса! Мен шу ҳаёт китобига бир вергул қўёлсам жон дердим.

— Ҳали вергул эмас, бутун-бутун сўзлар ёзасиз Ҳали сизга аталган ишнинг бирорта қати ҳам бузилгани йўқ.

Буларнинг шундай жаҳаннамда ўтириб,баҳор чечакларининг иси билан маст бўлаётганларидан кулгандек қистаган Мўрдахай «буларнинг эси жойидами?» дегандек бир-бир кўздан кечириб, бўйнини қичиди. Бу гаплар унга эртак бўлиб туюлди. У, шу кунларда жуда забун юрарди, озиб-тўзиб кетган эди, бошини титроқ чолдай лиқиллатиб:

— Мен ташқарини ўйламай қўйдим. Қорним тўйиб турса бўлгани эди, — деди.

— Қорнинг тўйиб турса бўлдими? — кесатди Қодир.

— Бошқа нима илож бор? Қочганларни кўряпсиз-ку, отиб, оёғидан судраб келишяпти.

— Ўша ҳам ўлими олдидан бир неча минут бўлсада, эркин нафас олиб қоляпти. Ўзингни тут, Мўрдахай!

— Ичи тўла заҳар бўлгандан кейин косаси олтин бўлди нимаю, сопол бўлди нима, Қодиржон ака, бари бир заҳрми! — Мўрдахай маъюс бир қараш қилиб, дўстларини менсимагандек туриб кетди. Бу Қодирга алам қилди.

— Бўлмаса легионга ёзилинг, устингиз бутун, қорнингиз тўқ бўлади.

— Нега мен ёзилишим керак экан? Сиз-чи? Сиз нега ёзилмайсиз!

— Чунки мен сизга ўхшаб қорним ғамига тушиб қолганим йўқ.

Қорним ғамига тушганим хоинлик қиламан дегани эмас. Сиз мени яхши билмас экансиз. Акангиз сизга ҳунда қанақа тарбия берган бўлса, менга мактабда шунақа таълим берган.

Бу кутилмаган жавобдан Қодирнинг нафаси ичига тушиб кетди. Пушкарёв ҳам «кераги йўқ, тортишманг» дегандек унинг тирсагини турти. Мўрдахай жадаллаб юриб кетди. Орқасидан Пушкарёв:

— Мана бу узоққа бормайди, — деди.

— Сабаб?

— Қорни ташвишига тушган узоққа бормайди. Бу ерда қорин ғами билан эмас, қадр ғами билан яшаш керак.Ҳаёт ишончини, эркинлик ишончини йўқотмасликка керак. Инсон ўзи ўйлаганидан кўра, бардошли ва қадрлатли. Бундан ўз ўрнида фойдаланиш учун эса, юрак ва ишонч керак. Яна бир-икки ой ўтсин, ўзингиз билиб қоласиз.

— Яна бир-икки ой? Наҳотки!

Пушкарёв кеча қошиқ сопидан цементга едириб ясалган «қўл бола» устарада олинган, бир неча ери ёсилган оқ сариқ юзини йилтиллатиб жилмайди.

— Ҳа, эртага қўйиб юборади, деб ўйлайсизми?

Қодир эрта-индин қўйиб юборилишини ўйламаса ҳам, бу ҳаётнинг яна бир неча ой чўзилиши мумкинлигидан ваҳимага тушди, бирдан тутақиб кетди:

— Йўқ-йўқ! Яхшиси ўзимни ўлдираман!

Кўпни кўрган ва ёши улуғ Пушкарёв Қодирнинг соддалигидан кулди.

— Бу мардлик эмас. Мана бу бадбахт ҳаётдан омон чиқиш, кейин яшаш ва курашиш мардлик.

У синовчан кўзлари билан кузатиб турар экан, Қодир у кутган жавобни қилди:

— Буни қаранг, — тиканли симларни кўрсатиб тўрт

www.ziyouz.com kutubxonasi

томонга алангланди Қодир, — қуш бўлиб учиб ўтмасанг... Йўқ, иложи йўқ!

— Гап шунда-да! Иложи бор! — товушини пасайтириб қулоғига деди Пушкарёв.

— Иложи бор?

— Ҳа.

— Мен тайёрман.

— Тайёрман, дейишнинг ўзи етмайди, тайёрланиш керак.

Қодир тушунмади.

— Қандай тайёрланиш керак?

— Фақат сизу мен билан иш битмайди-да. Тўнгизни гоз ўқи билан отиб бўладими?

Қодир фаҳмлади, кўплашмаса бу зулм тошини кўтариб бўлмайди.

— Мен розиман. Қани, нима қил, дейсиз?

Пушкарёв Қодир тобига келганлигига қаноат ҳосил қилди, шунча вақт уни кузатиб чакки қилмапти, энди унга ишонса бўлади. Лагерда олиб борилаётган яширин ишдан уни хабардор қилди, лекин ҳеч кимнинг номини тилга олмади.

— Сиз мени биласиз, вассалом, бошқа билан ишингиз йўқ. Мен эса сизга ишонаман.

— Раҳмат! — Қодирнинг қоронғи дунёси ёришиб кетди, лабининг таноби қочди: — Энди бу иш қачон бўлади?

— Тайёрлик кўришимизга боғлиқ. Лекин сизни огоҳлантириб қўйишим керак: тунов кундаги сингари қизишиб немисни тарсакилаб юришни энди қўйинг, бефойда, тошга сув сепгандай ўзингизга сачрайди.

Қодир хижолат тортиб, ўзини оқламоқчи бўлди:

— Кишини масхаралагандан кейин...

— Масхаралаш? Отиб ташлаганда қўлингиздан нима келарди. Яхшиям тополмади!

Қодир бошини қуйи солди.

— Гап шундай, дўстим, булар барчаси беҳуда уринишлар, бирлашиб, тагидан қўпориш керак. Шундай қилиш керакки, зилзиласи Гитлернинг уйқусини қочирсин! Келишдикми?

— Келишдик.

— Ҳа, ростданам, бирортаси гапга солса, оғзингиздан гуллаб қўйманг тагин. Патриот ниқобидаги иғвогарлар ҳам бор-а бу ерда.

— Хотиржам бўлинг!

Қодир бу томондан кўнгли тинчиб, бир неча кундан

сўнг юрагини ғаш қилиб келаётган бир саволни унга берди:

— Тунов куни келган Али Наимхон ким? У ёқдан Гитлер билан тил топиб олибди?

— Пес билан пес қоронғида топишар, деган мақол бор ку, худди шунинг ўзи. Бир маҳал Германияга келиб, қолиб кетган савдогар боласи, ватанфуруш. Энди Гитлернинг тувагини ялаб юрибди.

Али Наимхоннинг қилмиши эмас, товушининг ҳам ҳунуклиги Қодирнинг эсига тушди, ифлос нарса босиб олгандек кўнгли беҳузур бўлиб кетди:

— Ватан, ватандошлар, эмиш! Қайси қўйган устунинг учун жонинг ачийди! Уялмагани!

Пушкарёв яна таъкидлади:

— Гап шу, ўртоқ Қўчқоров!

Албатта, ўртоқ Пушкарёв! Ўлмоқ бор, қайтмоқ йўқ!

Қодирнинг хаёли баҳор қушларидек чаман кезиб кетди. Кўз олдига Азиза келди. «Қани энди у юрган кучадан яна бир юрсам, у узган гулдан ҳидласам, у чанқоғини босган ариқдан бир ҳовуч сув ичсам, у севги уфурган ҳаводан кўксим тўлиб нафас олсам. Майли эди шундан кейин ўлсам, ўлдирсалар! Йўқ, шундан кейин ҳаётнинг қадрига етиб яшасам, маза қилиб яшасам. Яшашим керак!»

Пушкарёв Қодирга топшириқ бериб, барак орқасига ўтиши билан, уни бир «капо» тўхтатди. «Оббо, лаънати, бугун гапимизни эшитиб турган экан шекилли» деб у ўзини қаршилик кўрсатишга тайёрлаб улгурмай «капо» гап бошлади:

— Мен сиз билан очиқчасига гаплашмоқчиман. Ростини айтсам, сиз жуда қалтис иш тутяпсиз. Эҳтиёт билан иш кўраётганга ўзшайсизу, ҳаммаси сезилиб турибди. Яна ҳозир шу қорача йигит билан учрашувингизни ёмонлик. Нима гаплашганингизни эшитмаган бўлсам ҳам, билиб турибман.

— Нима гапиришибмиз! Ҳеч нарса гаплашганимиз йўқ!

— Ўзингизни гўлликкка солманг! Ҳаммасини биламан: кеча оқсоч украин билан кўришганингиз-чи! Анави нучуқ казак-чи! Тунда бурни катта арманини нимага четга олиб ўтдингиз. Тунов куни нега бошқа баракда ётиб қолдингиз? Ёнингиздагилар ким эди! Барчаси кафтимда!

— Буни Пушкарёв кутмаган эди. У шак келтиролмаса

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам, иқрор бўлиши мумкин эмас эди. Бу хилдаги курашни ўзига вкасб қилиб олган кишиларга хос ирода ва матонат билан сира пинагини бузмади. Бундай кишилар эгилмайди, тик турганича йиқилади.

— Мени ким биландир адаштиряпсиз, — деди у хотиржам.

— Сизнинг бу хотиржамлигингиз мени ажаблантирмайди, чунки сизнинг кимлигингизни биламан, жуда яхши биламан, ўртоқ чекист! Ҳозир гап бунда эмас, бошқа ёқда! Сиз мени сотқин ҳисоблайсиз. Бир томондан бу тўғри. Менинг вазифамни бажариш ўзи хоинлик. Лекин мен хоинманми? Бу бошқа масала! Мен сиз билан бирга бўлмоқчиман. Ишонасизми?

Бу учрашув оқибати бундай кескин тус олиши Пушкарёв учун сира кутилмаган янгилик эди! У чексиз хаёл тўфонида қолиб кетди: бу ким? Ўз қилмишидан пушаймон кишими ёки иғвогарми? Иғвогар бўлса ҳамма нарсадан хабардор экан, нега энди унинг ўзига айтиб ўтирибди? Ўзини бир кўрсатиб олиб, кейин хўжайинларига хабар бермоқчими? Ёки шу атрофдаги яширин партия ташкилотининг топшириғи билан лагерда ишлаётган одамми? Унда бундай қўпол бир йўл билан алоқа боғлашнинг қанчалик зарури бор? Ё жони ширинлик қилиб қолган қўрқоқми?

Ишқилиб, Пушкарёв қанча уринмасин, унинг кимлигини тушуниб етмади. Лекин бир нарса аниқ эди: агар у чиндан ҳам иғвогар бўлса, уюштирилаётган қочишни барбод қилиш учун етарли маълумотга эга. Демак шундай экан, ортиқча ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Пушкарёв шарт кесди:

— Борди-ю, сизга ишонсак нима нафингиз тегади?

— Бу сизнинг қобилиятингизга боғлиқ! Мен лагерь корчалонлари қўйнига узатилган қўлингиз бўла оламан. Истасангиз юрагини, истасангиз жигарини суғуриб бераман.

Бу ўта ботирлик Пушкарёвни яна чўчитди: ё у чиндан ҳам довюрак ёки сояси юпқа чиранчиқ.

— Майли, — деди у, — эртага қош қорайганда еттинчи барак орқасида учрашамиз.

— Хўп! — «Капо» хайрлашмасдан жўнаб кетди. Нарироқ бориб ҳуштак билан қандайдир куйни хиргойи қилгани эшитилди. У жуда бепарво борарди.

Пушкарёвнинг эртага ваъдалашишдан мақсади шундай эди: эртагача ҳамфикрлари билан маслаҳатлашади,

агар қочишни уюштираётган яширин қўмита унга ишонса-ю, хўп-хўп, ишонмаса унда нима бўлади?

Беш кишилик қўмита шу куни кечаси ва эрталаб узоқ маслаҳатлашди; бир фикрга келишнинг иложи бўлмади: ҳаммадан ҳам «капо»нинг олтин тоғ ваъда қилиши, тили ботирлиги уларни эҳтиёт бўлишга ундарди. Шунда бирдан Қодирни иккита немис аскари келиб олиб кетганини эшитиб қолдилар.

— Тамом! Иғвогар экан у! — деди бири.

— Агар иғвогар бўлса мендан бошлаши керак эди, — деди Пушкарёв.

— Сабр қил, сен билан менга ҳам навбат келиб қолади.

— Қизиқ, нега Қодирдан бошлашди? — тушунмас эди Пушкарёв.

— Чунки у орқали калавани чувалатиш енгилроқ бўлса керак, — деди кеча «капо» тилга олган казак.

— Кечирасиз! Қодир унча-мунча тошда чақиладиган ёшроқ эмас! — қатъий деди Пушкарёв.

— Мана энди маълум бўлади, — гапга аралашди «капо» тилга олганлардан бири — армани йигит.

— Агар ўша менга учрашган «капо» хабар берган бўлса, Қодирдан сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ. У ҳаммани билар экан, Қодир ёлғиз менигина сотиши мумкин.

Пушкарёвнинг шу сўзидан кейин ҳеч ким ҳеч нарса демади. Ҳамма ўз фикри-ўйи билан бўлиб қолди.

— Тўдалашиб, хаёл суриб ўтиришимиздан фойда йўқ. Қани бир қарорга келайлик! — деди ташаббус кўрсатиб Пушкарёв.

— Бу хилда ўтиришимиз бўлса, қидириб юришмасдан ҳаммамизни шу ерда босиб олиб қўя қолишлари турган гап, — бошини кўтариб деди казак.

Қарор Қодирнинг иши бир ёқлик бўлгунича йиғилишмаслик, «капо»ни эса бўғиб ташлаш бўлди. Бу ишга ишонч тайинланди. Лекин бир маҳал ўлимга ҳукм қилинган «капо»нинг ўзи Пушкарёвни қидириб, баракка келиб қолди. Уни кўриши билан Пушкарёв «ҳа, ифлос, мени олиб кетиши учун одам бошлаб келяпсанми?» деб кўнглидан ўтказгунча, у жуда эҳтиётлик билан бир четга ишора қилди. Пушкарёв «бўлар иш бўлди — энди очиқ гаплаша бериш керак» деб, кўрсатган томонга ўтиши билан «капо»:

— Қодирнинг ишидан хавотирланманглар, — деди ва тафсилотини айтмасдан бепарво юриш қилиб чиқиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетди. Пушкарёв суриштиришга улгурмади, кишилар халақит берди.

Пушкарёв бу хабардан ҳайрон бўлганича қолаверди. Ҳамфикрларига маълум қилди. Улар яна ишонишмади. Ҳамма нарсани яна бирор кишининг лагердан турмага олиниши ҳал қиларди. Агар «капо»нинг қўли бўлса, у билган кишилардан бирортаси бугун-эрта қўлга олиниши керак эди. Кечгача ҳеч қандай ҳодиса содир бўлмади. Қош қорайиб келарди. Тайинланган кишилар «капо» билан ваъдалашилган ерга келса, уни нобуд қилиб қўйишлари мумкин эди. «Эҳтимол у иғвогар эмасдир!» — шундай фикрга келган Пушкарёв шерикларига учрашди, қарор ижросини орқага суришни маслаҳат кўрди:

— Чиндан ҳам иғвогар бўлса-ку хўп-хўп, бир эмас, минг бор ўлдирсанг ҳам оз. Борди-ю... йўқ, ўртоқлар, яхши ўйлаш керак. Унинг бизга кўп фойдаси тегиши мумкин.

— Пушкарёв, сен бу мулоҳазаларинг билан ҳаммамизни қопқон бир-бир оёғимиздан қисгунча сабр қиладиганга ўхшайсан. Мен бу фикрингга қўшилмайман. Биздан биттамизни олдими, иложи бор экан, биз ҳам биттасининг бошини еймиз, — деди казак.

— Сеники жуда христианчасига-я: тиш учун тиш, бош учун бош! — ҳазилга олди Пушкарёв.

— Қандай тушунсанг, шундай тушунавер! Лекин мен душманга шафқат қилолмайман!

— Бу шафқат эмас, эҳтиёткорлик, дўстим! Бегуноҳ чиқиб қолса, айт-чи, виждонинг қийналмайдими?

— Бегуноҳ бўлса «капо»лик қиладими! Қўйсанг-чи!

— Бу менинг фикрим холос. Яна кўпчилик билади.

Кўпчилик ҳукмни икки кун орқага сурди. Бугунги учрашувга Пушкарёвнинг ўзи борадиган бўлди. Қодирнинг нимага турмага олинганини, ўзини қандай тутаётганини билишни унга топшириқ қилиб беради.

Бир жиҳати бу «капо» учун синов-тақдирини ҳал қиларди.

* * *

Қодирнинг қўлга тушиши қизиқ бўлди.

Қодир, қизнинг ўзидан ҳам хаёли ширин бўлар экан, деб кўнглида Азизани ўйлаб, қуёшдан кўзини пана қилиб ёнбошлаб ўтирган эди, бирдан кимдир:

— Тур, камарни еч, — деб қолди.

Юзига ташлаб қўйган рўмолчасини олиб, тепасида

[illegible] немис фельдфебелининг ўзини кўрди. Кундан[illegible] дармонсизланиб бораётган тиззаларини қирсилла[illegible] ўрнидан турди. Фельдфебель унинг кир бўлиб кетган [illegible]ёстёркасининг этагини кўтариб, шимини тутиб тур[illegible] [illegible]ик камарни кўрсатди.

— Чиқар! — деди яна.

Қодир дарров фаҳмлади: фельдфебелни камар эмас, [illegible]нинг тўқасидаги қизил аскар рамзи бўлган беш қиррали [illegible] [illegible]тинч қиляпти. Пушкарёвнинг «энди қизишиб [illegible]тманг» деган насиҳати эсига тушиб, камарни чиқа[illegible]ермоқчи ҳам бўлди-ю, шимининг тушиб кетишини [illegible] хаёллаб қолди. Лагернинг ҳокими — мутлақ ҳў[illegible]нинг фельдфебелга шунинг ўзи етиб ортарди. У [illegible] кетди. Бир тарсаки туширди, сўкинди. Қодирни[illegible] тарсаки зарбидан кўз олди чақнаб кетган бўлса ҳам, Пушкарёвнинг танбеҳини эслаб, индамади, ноилож беш қиррали юлдуз қадалган қизил аскар камарини чиқариб бе[illegible]ди. Лекин фельдфебель, айтган заҳоти чиқариб бер[illegible]ганидаммі ёки ўзининг итлиги тутдими, иккита киши[illegible] чақириб, уни бериб юборди. Кетидан ўзи бориб:

— Нима учун қизил юлдузни олиб юрганингни била[illegible]. Яна кимларда бор! — деб дағдаға қилди. Қодир бўш [illegible] сари ошиб кетаверди, яна бир-икки уриб қолди. Шунда Қодирнинг сабри тугаб, нималардир деб бақирди, [illegible]кди, турмага тушди.

Турма лагердан девор билан ажралган бўлиб, лагерь [illegible] кўча томондан эшиги бор. Бу ерда девори қалин, поли [illegible]мент қоронғи ва зах камералар бир талай. Шулардан [illegible]ирига Қодирни киритиб, устидан шарақлатиб, қалин [illegible]ахтадан бўлган, қўш қулфли эшигини ёпдилар. Қодир бу [illegible]рма ҳақида аввал эшитган — унинг тирик мозор [illegible]ини биларди. Шундай бўлса ҳам, ортиқча қўрқмади, [illegible]ига камар учун отиб ташламасалар керак, ахир» деган [illegible]ид билан қоронғи ва каталак камеранинг бир четига, [illegible]мент полга ўтирди. Камерада на каравот, на табуретка [illegible]ди. Фақат бурчакдан, тўпнинг оғзидек туйнукдан [illegible] тушиб турарди, у ёруғнинг ҳам ярмини темир [illegible]анжараси бўғиб қоларди. «Панжара тутмаса, бу ердан [illegible]ам қуш бўлиб учиб чиқиб кетадими?» деб ўйлади у. То [illegible] цемент ҳиди келиб турган мудҳиш бу хонанинг [illegible]оронғисига ўргангунича кўп вақт кўзини юмиб турди. [illegible]та-секин кўзи кўниккан сари бу камеранинг даҳшати [illegible]ила борди: деворлари доғ-дуғ, қотган қон излари, [illegible]ифтнинг бурчакларини ўргумчак уяси босган. Полидан [illegible]уз чиқади, бирпас ўтириши билан бутун баданини

www.ziyouz.com kutubxonasi

совуқ қоплади. Кейин туриб юришга мажбур бўлди. Унинг нима қилаётганини кузатаётгандек эшикдаги туя кўзидек тешикдан кимдир тез-тез қараб турарди.

Ана шуларнинг ҳаммасини аниқ кўриб, тасаввур қилгандан кейин, Қодирни ваҳима босди: арзимаган бир иш учун шундай жойга ташлаган фельдфебель нега отиб юбориши мумкинмас? Ким ундан ҳисоб олади-ю, кимдан у ҳайиқади!

Эртаси тушгача Қодирнинг бор-йўғини ҳеч ким суриштирмади. На бир бурда нон бор, на бир қошиқ сув, фақат тунда бир-биридан тўрт энлик олисликда ёнмаён михланган тахта-шита узатдилар. Шунинг устида ётди. Ётиш қаёқда, аганаб чиқди. Тахтанинг қаттиқлигидан эмас, камеранинг захлигидан, тақдири қоронғилигидан кўзига уйқу келмади.

Эртасига туйнукдан тушган ёруғдан кун ёришганини сезиб ўтирган эди, бирдан қўш қулфли эшик даранглаб қолди. Уни олиб чиқиб кетдилар. «Яна қаёққа олиб борадилар?» деб юрак ўйноги бўлиб борган Қодир, беш минут ўтмай, ўзини ўша фельдфебель билан яна бир СС офицери ҳузурида кўрди. Русчани унча-мунча билган фельдфебель СС офицерининг сўроқларини яримта-юримта қилиб таржима қилиб турди. Берилган саволларнинг юлдузли камарга алоқаси йўқ эди. Офицер жуда баланддан келарди:

— Лагерда сенинг нима иш қилишингни биламиз. Агар ўзинг иқрор бўлиб, шерикларингни ҳам номма-ном айтиб берсанг ҳаётингни сақлаб қоламиз. Истасанг Туркистон легионига юборамиз.

Қодир аввалига чўчиб тушди: кўз олдига Пушкарёв келди. Наҳотки булар ҳаммасидан хабардор? Агар билса, нега энди мендан суриштириб ўтиради? Билмайди. Билса бундай қилмас эди. Менинг нимамга жони ачийди. Булар қоронғи уйда тахмин билан тош отиб юрибди.

Шу ишонч унга куч бағишлади ва ўзининг ўлимдан хабари бор, аммо бундай «аҳмоқлик»лардан мутлақо бехабар қилиб кўрсатди. Офицер бари бир унга ишонмади, конкрет сўроққа кўчди:

— Анави рус тунов куни сенга нима деди?

Қодирнинг юраги шиғиллаб кетди:

—Қайси рус?

— Ўзингни гўлликка солма, офтобда учрашганинг.

— Эсимда йўқ. Ҳеч ким билан учрашмадим. Кимни кўрибман?

Бирдан унинг қулоғи тагига шапалоқ тушиб қолди:

— Нега ёлғон гапирасан. Мана бу нима? — у сурат кўрсатди. Унда Қодир Пушкарёв билан ёнма-ён турарди.

— Мана бу-чи? — яна бирини узатди.

Мана энди сени қўлга туширдим деб кибрланиб турган офицер, Қодирнинг жавобидан бешбаттар тутоқиб кетди:

Қодир эса, суратни кўриши билан «бу фақат сурат, ўзимизни қаёқдан билади. Шу билмаганидан мени тергаётган-да, акс ҳолда, унинг оёғини ерга тегизмай олиб кетарди. Демак бу ёғи менга боғлиқ. «Эй, қалбим, энди мустаҳкам бўл, тилларим тош қот! Ўлсанг ўлу, лекин сирнинг ичинда қолсин» деган фикр билан жавоб қайтарди:

— Ҳа, буми, бир маҳал бизнинг томонларда бўлган экан, ҳозир ўзгариб кеттандир деб сўраётган эди.

— Яна нима деди?

— Ҳеч нарса.

— Исми нима экан? Қизил Армияда ким бўлган экан?

— Бунисини айтмади, мен ҳам суриштирганим йўқ. Унинг исмини билганим билан қорним тўярмиди.

— Қорнингни тўйғизсак, билиб берасанми?

— Айтармиди? Айтмайди. Бу ердаги одамлар пишиқ экан.

Унинг соддалиги офицерга ёқди, мағрур жилмайди, фельдфебель билан кўз уриштириб олди:

— Биз ёрдам берамиз.

— Уддалолмасман... Уддалолмайман! Бекорга айғоқчи деб ўлдириб қўйишади.

— Жонинг шунақа ширинми?

— Кимнинг жони ширин эмас. Қари онам бор...

— Ҳа, балли, ўша қари онангни кўргинг келса, биз билан ишлашинг керак. Устинг бутун бўлмаса ҳам, қорнинг тўқ юришига кафилмиз.

— Йўқ. Қўлимдан келмайди, уддалолмайман.

— Очликдан ўлиб кетасан-ку, бу ҳолда.

Қодир «бошқа қандай иложим бор?» дегандек елкасини маъюс қисди. Шунинг устига тувов куни Пушкарёвни ухлатиб, ўз хизматларини таклиф этган «капо» эшик тақиллатиб, кириб қолди. У эгилиб салом берди, лекин офицер ҳам, фельдфебель ҳам менсимагандек сал бош қимирлаб қўя қолди.

— Демак сен советлар келиб, озод қилишидан умидворсан, ҳа, қизил шайтон! — Офицер яна қутура бошлади. Унинг энгаҳидан кўтариб қўйди, — бўлмаса нега ўлдан ўлишга розисану, биз билан ишлашмайсан!

— Қўлимдан келмайди, — яна бўшашиб жавоб қилди Қодир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Келади! Келтирамиз. Рози бўлсанг бас.

Бу гал Қодир индамади. Тўғриси, нима деб жавоб қилишни билмасди. Яна ўша жавобни қайтариш қутурган ит оғзига қўл тиқиш эди.

Офицер унинг оғзини пойлаб турди, ҳадеганда жавоб бўлавермагач:

— Хўш, нима дейсан? — деди сабри тугаб.

Қодир жўрттага яна бўшашди, «йўқ, қилмайман» дейишга ботинмай ётиғи билан:

— Қилолмайман, уддалолмайман, — деди.

— Уддалайсан!!

— Йўқ.

Қиласан!

— Йўқ!

Ана шундан сўнгра Қодир етти ухлаб тушига кирмаган қийноқни кўрди. Уни бегона қўрага кирган дайди итдек уриб-суриб қўшни хонага олиб чиқдилар, бир оёғига арқон солиб, шипдаги ҳалқага осиб қўйдилар. Бутун еган-ичгани оғзига келиб, оёғидан ушлаб, бозордан олиб келинаётган жўжахўроз қанотидек қўллари шалвираб, анча вақт қолиб кетди. Бу орада офицер шошмасдан битта сигарета чекди. Алланима ҳақида «капо» билан немисчалашди, фельдфебель қаёққадир чиқиб келди. Яна папирос тутатиб чиқиб кетди. Кейин офицер «капо»га немисчалаб гапирди, у Қодирга таржима қилиб бериб турди. Савол яна бошидан бошланди: «Анави рус сенга нималар деди? Ниманинг режасини туздиларинг? У қаерда ишлаган экан? Биз билан ишлашга рози бўласанми йўқми?»

Қодир тушундики, жавоб бериши бефойда. Модомики, ўзига маълум сирни очмоқчи эмас, улар билан ишлаш нияти йўқ экан, ҳар қандай жавоб фақат ортиқча калтак ва ҳақорат учун восита бўлиши мумкин. У индамади. Назарида оёғи узилиб кетаётганга ўхшарди.»Икки оёгимдан осганда ҳам бунчалик бўлмасдим» деган хаёл билан тишини тишига қўйди. Аввал тўпиғи, кейин тиззасининг кўзи, ундан кейин бели кесак бўлди, сезиш ҳиссини йўқотди. Бора-бора икки қўли ҳам ўзига оғирлик қилиб қолди, қўлтиғининг ости зирқирарди, томоғига нафаси тиқилиб, кўз олдини туман босиб келди. Худди шу пайтда офицернинг:

— Хўш, ўйлаб бўлдингми? — деган товуши аранг қулоғига кирди. Салдан кейин ўйлаш эмас, эшитишдан ҳам қолди: қулоғи том битиб, кўз олдини тун қоронғилиги босди.

У ҳушига келганда бошқа бир камерада ётарди. Бу ер аввалгисидан сал катта бўлиб, иккита занг босган каравот ҳам қўйилган эди. Биттасида ётган одам у кўзини очиши билан ўрнидан туриб, саломлашди. Нимага қамалганини сўраб, ўзиникини айтиб берди. Шу билан камерада одатда бўладиган дастлабки суҳбат тугади. Салдан кейин у одамни олиб чиқиб кетдилар. Туни билан қайтмади. Эрталаб:

— Гитлерни кўмишга чиқдим. Мендан бошқа ҳеч ким йўқ, оёғидан судраб кўмиб келдим, — деб, қаҳ-қаҳ солиб кириб келди. Куни билан кулгидан тўхтамади. Туйнукдан тушиб турган ёруғга қараб, қушга ўхшаб толпинди, каравоти устига чиқиб сакради. Жим қолди. Яна қаҳ-қаҳ урди. Камерада Қодир борини пайқамади ҳам. Ўзи билан ўзи сервар бўлиб, кунни ўтказди. Кечга яқин олиб чиқиб кетдилар, бошқа қайтмади.

У жинни бўлиб қолган, уни отиб ташлаган эдилар.

Қодирнинг унга раҳми келиб, ўз тақдиридан ваҳимага тушди: мен ҳам жинни бўлиб қолмасам!

Ортасига бу даҳшатли ваҳимадан қутулиб, камерага «кўникканлик» бўлди. Уни кўздан кечирди: аввалгисидан сал ёруғ. Ташқаридан сал-пал товуш ҳам эшитилади. Бу товуш қулоғига илк бор кирганда бағрини тилиб кетди: инсон товушининг бунчалик ҳаётбахш эканини ўнди туйгандек эди. Чанқоқ киши сувга ёпишгандек қулини ҳовуч қилиб, ташқарига қулоқ солди, лекин товуш келарди-ю, уни англаб бўлмас эди. Бу ҳам бора-бора жонига тегди. Камера деворларини «томоша» қилаётиб, бирдан чумчуқ кўзидек ковакдан бир нарсанинг чиқиб турганини пайқаб қолди. Гавҳарга йўлиққан гадойдек энтикиб, уни тортиб олди. У ҳимарилган қоғоз эди. Бу кафтдек қоғозга хат ёзилганини ёруғга солганда билди ва ўқиди:

«Бу ерда сиёҳ йўқлигидан қоним билан гугурт чўпида ёзяпман. Мен оддий совет кишисиман. Маслагим йўлида ҳалок бўляпман. Қалбим тинч. Хайр, дўстлар: Биз енгамиз! А. Овчаренко».

Бу хат унга бир олам куч-қувват бахш этди.

* * *

Пушкарёв, умуман қочишни уюштирувчи яширин кўмита Қодирдан кейин ҳеч кимни немислар безовта қилмаганидан ҳайратда эди. Мана бугун бешинчи кун. Уни кузатиш учун топшириқ олган «капо» ҳам еттинчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

барак орқасида ўша бир учрашгандан кейин лагерь зонасида кўринмай қолди. Бу яна қизиқ эди.

Бу жумбоқ қўмитанинг қўлини боғлаб қўйган эди. Агар шу ҳодиса рўй бермаса ёки «капо» орага тушиб қолмаганида шу бугун-эрта лагерь оёққа турган ва ўз бахтини синаб кўрган бўлар эди. Ҳозирги ҳолатда иш бошлаб бўлмас эди. Балки немислар шу ҳодисанинг бошланишини бутун лагерни қириб ташлаш учун бир баҳона сифатида атайин кутиб тургандир. Унда барча тайёрлик бир пул бўлиши туган гап.

Қодирни яхши таниган Пушкарёв жуда безовта эди, қўмитанинг иши орқага судралиб путур етишидан бир чўчиса, ёшгина ажойиб йигит Қодир учун яна бир жони ачир эди. «Нима ҳодиса рўй берди экан» деб ўйлаб ўйига етмас эди. Шу паит фикрдоши арман йигит уни қидириб келиб қолди:

— Чиқ, «капо» ҳовлида юрибди. Сени қидираётган бўлмасин! — деди.

Пушкарёв шошганиданми ёки ҳаяжониданми ирғиб ўрнидан туриб, эшикка отилар экан, орқасидан етиб келган арман йигит фақат у эшитадиган қилиб:

— Ҳовлиқма! — деб қўйди. Шундагина Пушкарёв ўзининг ноўрин ҳаракат қилганини сезиб, дарров бепарво тусга кирди.

Чиндан ҳам «капо» уни кўзлаб юрган экан, Пушкарёвга кўзи тушиши билан бир четга ишора қилиб, унинг орқасига ўтди. У орқасида юрганича гапириб кетаверди. Пушкарёв ҳам ўзича кетаётгандек қулоқ солди. «Капо» Қодир ҳақида тўплаган хабарини етказиб, кетидан:

— Унингиз унча-мунча олмос кесолмайдиган ойна экан! — деб қўйди.

— Яхши! — деди хотиржам бўлиб Пушкарёв, лекин Қодирнинг тортган азобидан юраги ачишди. — Энди нима бўлади?

— Айтолмайман. Камерада ётибди.

— Аниқ айби бўлмаса чиқариб юборишлари ҳам мумкинми?

— Айтиш қийин. Лекин йигит ўн йил ётганда ҳам сизларга касри урмайдиган. Бу ёғидан хотиржам бўлишингиз мумкин. Бунақаси кам бўлади.

— Худди шунақалиги учун ҳам уни қутқариш керакда! Акс ҳолда сатқайисар дердик.

«Капо» бош қашиб қолди: бу жуда оғир жумбоқ эди.

—Сенга топшириқ шу: бир йўлини қил! — деди

нкарёв қатъий.

Боши қотиб қолган «капо» ўйлаб туриб:

- Бирор тўполон бўлганда эди, мен уни олиб чиқ-... — деб қўйди.

«Капо»нинг бу гапи қочишни уюштирувчи «яширин ...ита»нинг ишини тезлатишга туртки бўлди.

Қодирдан кўнгли тинчиган қўмита, яна икки автомат ...га туширганидан кейин қочиш кунини белгилади. ...ишма вақтида Қодирни камерадан олиб чиқишни ...мани яхши билган «капо» билан яна беш-олти кишига ...ширдилар.

- Бу бошқа гап! — деди «капо». Кетидан қистирди: Омон-эсон бу жаҳаннамдан қутулиб олсак, менинг ...лигим ҳақида ўзингиз гувоҳлик берасиз-да.

- Бу ёғидан кўнглинг тўқ бўлсин.

- Бу амалим хатоимнинг мажбурий оқибати эди. Бир ...ни ҳаммасини айтиб бераман.

— Албатта.

Якшанба куни, немислар айни ширин уйқуда ётади-...н тонготарга яқин лагерь оёққа турди. Тайёрлик пухта ...ганидан операция шунақа тез ва муваффақиятли ...лга ошдики, қочоқлар бир соат ичида мўлжаллаган ...рмонларига кириб олдилар.

Қодирни камерасидан жуда эпчиллик билан олиб ...иққан «капо» лагерь дарвозасида ўқ еб йиқилгач, уни ...кки кишилашиб ортмоқлаб келган Қодир салдан кейин ...да, ўрмон оғзида қолдиришга мажбур бўлди. У ҳаёт-...ги ўз бурчини ўтаб бўлган кишидек кўзини мангу ...ган эди. «Капо» ўз ҳалокатини билгандек, қўйнидаги ...ир парча қоғозга шундай деб ёзиб қўйган эди: «Павли-...кий Вадим Тодорович, немис тили ўқитувчиси...» кей-...и адреси.

Бир ойдан кейин ўрмонда пайдо бўлган партизанлар ...ряди оғизга тушди, бу атрофда немисларнинг ҳаловати ...ўқолди.

11. ОНА ЮРТГА ҚАЙТГАНДА

Қодир она шаҳрига кириб келганда айни ёз эди.

Бу юртнинг ёзига нима етсин: ишкомида чарос қо-...йиб, полизида қирқ хил қовун дум беради, нашватиси ...тир таратиб, қимизак олмаси кўнгил очади, гилоси кўз ...ямаштириб, анжири тил ёради. Қайрагочдаги сават ...исида лайлак томоқ қоқиб мусичалар куккулашганда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

захча чагиллаб, булбуллар боғу чаманни куйга ғарқ қилганда, ариқ суви осмондек тиниб, қўнғироғини бир текис чалганда, кундузи тупроғига тухум кўмсанг пиширгудек исиб, оқшоми оромбахш салқин тортганда бу ўлкани айланганмисиз? Миришкор боғбон супасида бир бош ҳусайни ёки эчкиэмарни сувга чайиб еб, бобо деҳқон чайласида тунаб, саҳарда аланас, кўкча, оқуруғнинг тарсиллаб ёрилишини эшитганмисиз? Шода-шода кўсак боғлаган кўм-кўк пахтазор бошида, айни туш пайтида, уста пахтакор қўлидан бир пиёла кўк чой ичиб, ёғлиқ паловдан кейин ўнлаб канал, юзлаб анҳорлардан бирига шўнғиганмисиз? Йўқ? Демак мўъжиза юртни кўрмабсиз, дунёда шундай оромижон ҳам бўлишини билмабсиз!

Ана шуларни ўйлаб она шаҳрида поезддан тушган Қодир, илк қарашидаёқ ҳамма ёқда бундан неча-неча минг километр узоқдаги даҳшатли урушнинг таъсирини кўрди. Юзидан ёшлик шоду хуррамлиги, қувноқ шўхлиги сочилиб турган йигитлар сийрак. Отаси, ака-укаси, эри, фарзандини фронтга жўнатиб, уларнинг ўрнини босган қиз-жувон, ўсмир-кексаларнинг рангирўйида аввалги завқ шукуҳ, табассум йўқ. Кийимбошлари ҳам соддалашган: енгил ботинкалар, туфлилар ўрнини қўпол этик, ипи қайишли оғир ботинкалар, ипак ўрнини ип алмашган эди. Қарашлар оғир ва ўйчан. Бошига мушкул иш тушиб, пардоз-андозини унутган жувондек кўча-кўйларнинг бурунги файзи йўқ. Трамвайнинг жиринглаган товушида ҳам қандайдир ўзгачалик бордек. Уруш гўё бу шаҳар, бу юртнинг ҳуснини ўғирлаб қўйганга ўҳшарди.

Қодир телеграмма бермаган эди. Ҳамманинг ўз иши бошидан ортиб ётган ҳозирги тиғиз пайтда ҳеч кимни овора қилгиси келмади. Азизанинг фронтдалигини хатдан билади. Уни кутишга ойиси-ю, Жаннат кеннойиси чиқа олади, холос. Ким билади, онаси акасининг ғами устига Қодирнинг шунча вақт бедому дарак бўлиб кетганидан кейин қандай ахволга тушган? Эҳтимол ғам букиб қўйган, станцияга чиқишга ё кучи етади, ё йўқ! Бу оила бошига қора кун тушганда меҳрибонлик қилиб турган кеннойисини безовта қилишни ўзига эп кўрмади. Иннайкейин, бу кунларда вокзалда киши кутиш, гул тутиш қабристон тепасига «Марҳабо, хуш келибсиз» деб ёзиб қўйгандек эришга ўхшаб кўринди. Шошмасдан кириб борса ҳам бўлаверади. Нимани қойил қилиб келяптийки, уйига телеграмма бериб, вокзалга одам тўплайди!

Ўша тонгда немис лагеридан қочгандан кейин Пушкарёв тузган партизан отрядида жанг қилиб юрди: поезд қулатди, кўприк портлатди, кўп қатори чоғи келган немис гарнизонларига ҳужум қилди, хоинларни тутиб отди, разведкага борди. Хуллас, нима буюрилса йўқ демади, қўлидан не иш келса, бош тортмади.

Шундай тўқнашувлардан бирида сони ва қорнидан ўқ еб, узоқ ётди. Охир бўлмагач, самолётда «Катта ер»га эвакуация қилишди. Денгиз ёқасидаги бир шаҳарда керагича даволаб, мана энди олти ой отпускага юборяптилар.

Қодир таниш кўчалардан ўтиб, эшигига яқинлашган сари юраги гуп-гуп уриб, нафаси ўпкасига тиқиларди.

Бу нима? Ҳаяжонми? Йўлида кўзи тўрт меҳрибон онасининг соғинчими? Немис лагерида тортган азоб-уқубатларининг ҳоврими? Тўққан қоннинг шукуҳи, она шаҳрининг олов меҳрими? Нима бу?

У, бир бурда қора нонга зор бўлиб, лагерда озиб-тозиб, битлаб юрганда, ифлос немис офицери калтаклаб-калтаклаб, оёғидан шифтга осиб қўйганда шу лаҳзани, шундай тотли лаҳзани ўйлаганмиди? Ҳа, булар бари осмондаги оймомага қараб талпинган гўдакникидай ширин хаёллар эди, холос. Мана, кўз олдидан бир лаҳза ҳам нари кетмаган ўша оддийгина эшик! Мана, унинг остонаси тубидан шилдираб оққан кумуш ариқ. Мана чинорга оғир шохини эркалик қилиб қўйиб турган акация дарахти. Шохлар орасида чумчуқлар ҳам аввалгидек чуғурлашади, осмон ҳам ўша, қуёш ҳам ўша. Ҳамма-ҳаммаси ўз жойида. Фақат уладан уруш туфайли файзу ором кетган, тинчлик кетган. Ана шу чинор, ана шу ариқ, ана шу чумчуқлар, ана шу осмон, қуёш, ер, эсган шамол, ана шу она шаҳар, гўзал юртнинг ҳусни, латофати, кўрки, жозибаси бўлмаса, завқи шавқи, фароғати, файзи-ҳаловати бўлмаса, уларнинг дарди билан ёнмаса фронтларда қон кечиб, лагерда зардоб ютиб, душман орқасида жанг қилиб юрармиди! Шулар борки, унинг бағри бутун, кўнгли тинч.

Қодир ҳаяжондан титраган қўллари билан эшик зулфини ушлади, аста итарди: қани илк бор кимни кўраркин?

Ҳовли сув қуйгандек жимжит. Адолат хола қўшнисидан ўтган балхтут соясидаги супачада нима биландир шивирсиб ўтирибди: кўзида кўзойнак, бошида оппоқ дока рўмол. «Мен кетганда кўзойнак тутмас эди, демак анча қарибди-да. Тағин ҳам фил экан — шунча ғамга бардош бериб келяпти», деб ўйлади Қодир. Бирдан кириб бориб

www.ziyouz.com kutubxonasi

уни қўрқитиб юбормаслик учун томоқ қириб йўталди. Ҳар қачонгидай зийрак «жон болам хола» кексаларга хос сиполик билан товуш келган томонга қаради, қаради-ю, эшикда турган одамнинг кимлигини аниқ кўрмаган бўлса ҳам, оналик қалби билан унинг Қодир эканини туйди. Дарров кўзидан кўзойнагини олиб, яна термилди, энди яхши таниб, шошиб қолди. Ўрнидан тураман деб, супа четидаги пиёлани тушириб юборди.

— Қодиржон, болам, болагинам! — она бошқа бир сўз айтолмай, яланг оёқ келиб, ўғлининг елкасига қўлини ташлади, йиғлаб юборди, севинчидан ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

— Ўз оёқларинг билан эшик қоқиб кириб келадиган кунларинг бор экан-ку! Онанг бечорани бунча қийнамасаларинг. Бирингники етмагандай сеники ҳам бормиди, жон болам. Сен-ку қамоқда эмас эдинг, бунча жим бўлиб кетмасанг. Онам куйиб-ўлсин дедингми!

Адолат хола йиллаб юрагида йиғилиб ётган севинчини ҳам, гинасини ҳам айтиб тугатолмас эди. У дам куйиниб йиғлар, дам кўз ёшлари орасидан кулиб, ўғлини қаерга ўтқазишни билмас эди. Қодирнинг ҳам ўпкаси тўлиб, димоғи ачиб келса-да, ўзини аранг тутиб, ёшини ичига ютди. Елкасидаги сафар тўрвасини супа четига қўйиб, ўзи ҳам шолчага омонат ўтирди. Адолат хола уйдан нимдошгина кўрпача олиб чиқиб тўшади:

— Тур, болам, ерда ўтирасанми, кўрпачага ўт. У ер захлик қилади.

Қодир этигини чиқариб ташлади. Она нимдош бир калиш олиб келиб, супа остига қўйди:

— Акангники, болам келса кияди деб олиб юрибман. У келгунича сен кийиб тура тур. Ака-уканикининг айби йўқ. Бориб келганимиздан бери ундан дарак йўқ, болам. Нималигини билмайман. Хат ёзамиз, жавоб йўқ, суриштираман биров бир нарса демайди. Ўз ёғимга ўзим қовурилиб юрибман.

Она бу гал ўртаниб, юрак-бағри эзилиб кўзига ёш олди. Лекин бари бир қаршисида ўтирган ўғлининг келиш севинчи устун чиқиб, дока рўмолининг бир учи билан кўзини артди, бу қилмишига узр сўрагандек:

— Сен хафа бўлма, болам, кўзим шунақа серёш бўлиб қолган, киши қаригандан кейин шунақа бўлар экан! — деди ва самоварга олов ташлаб юборди. Дастурхон ёзар экан, нонга бўлган очереддан нолиб қўйди:

— Каллаи саҳарлаб очередга чиқаман, мана бугун ғафлат босиб ухлаб қолган эканман, нонсиз қолдим. Энди кечқурун келганидан оламан. Очередим бор. Ҳурисонинг кетиданман.

Адолат хола дастурхонга биттагина қора гижда қўйиб, қуруқ мева-чева сочди:

— Бу ўзларингга асраб қўйганимдан. Бултургисига қурт тушиб кетган экан, данагини чақиб едик. Буниси яхши. Барака топгур Икром ота ҳар йили бир-икки челакда ўрик, тоғолча, шафтоли бериб юборади. Ҳеч кимга бийлатмай «бу ердагиларнинг оғзи тегиб юрибди» дейману қуритаман-қўяман.

Қодир сафар тўрвасини олдига тортиб, ундан нон, консерва концентрати олиб, дастурхоннинг ойисига яқин томонига гўё совға-саломдек қўяр экан, Адолат холанинг юзи ёришди: шукур, тузатиб кутиб ололмаётганимга яраша ўғлим ўзига тўқ экан!

Адолат хола аввалгидан анча чўккан, чакак тишлари тушиб, лунжлари ичига ботиб кетган эди. Сочининг ҳам қораси қолмабди ҳисоб. Кўзининг қорасини парда босгандек, оқиш тортган, унча-мунча нарсага чимирилиб қарарди.

«Темирни занг, одамни ғам кемиради» деб кўнглидан утказди Қодир, ялпиз ҳиди келиб турган шафтоли қоқидан оғзига солар экан. Кейин ҳаммани бир-бир суриштириб чиқди.

— Кеннойим соғ-саломат юрибдими?

— Шукур. Яхшиям бахтимга ўша бор экан.

Онасининг жавобидан кўнгли алланечук ҳолга келган Қодир Маратни сўради. Она бирдан яшнаб кетди:

— Дастёр бўлиб қолди. Бирам ширин бўлган шу кунда...

Адолат хола ўғлининг жим бўлиб қолишини ўзича тушуниб, ёрдам бермоқчи бўлди:

— Азиза томонни сўрамайсан, хабаринг борми?

Қодир сал қизариб:

— Ҳа, Азизанинг фронтдалигини биламан. Хат олгандим — деди.

— Йўқ, Мирсалим шумқадамнинг келганини айтяпман.

— Мирсалим? Мирсалим ака келдими? Қачон? — чўчиб тушди Қодир.

— Ҳа, анча бўлиб қолди. Тут пишиғининг охирида эди.

— Шу ердами?

— Қаерда бўларди, болам, шу ерда. Ёмонни бало ҳам урмайди! Юрибди. Тани носоғроқ шекилли, боласини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташлаган биядай бўшашиб юрибди. Тунов куни узоқдан бир кўзим тушган эди. Сен уни фронт-мронтда учратганинг йўқмиди?

— Йўқ. Нима қилди?

— Шундай, ўзим айтяпман.

— Ё бировга мени кўрдим дебдими?

— Йўқ. Безовта бўлганингга айтяпман.

— Дарров қайта қолганига ҳайрон бўляпман, — гапни бурди Қодир.

— Бунақалар тегирмондан ҳам бутун чиқади, йўлини топади.

«Чиндан ҳам йўлини топганмикин?» — ўйлаб кетди Қодир. Унинг кўз олдига ҳамма лавҳа бир бутун келди: ҳарбий асирлар лагери, галстугида фашист белгиси бор. Али Наимхон, дарвозадан кириб келган усти очиқ машина, унинг устида турган Мирсалим...

«Ажабо, бу қандай бўлди? Ахир у легионга ихтиёрий ёзилганлар қаторида эди-ку? Ёки кейин эси ўзига келиб, яна бу ёққа қочиб ўтдими? Бошқа иш билан, ёвуз ният билан келган бўлса-я! Али Наимхоннинг темир чангалидан чиқиш ўнгай эмас, бунинг бир балоси бор! Суриштириб кўриш керак».

Шу мулоҳазаларга борган Қодир уни у ёқ-бу ёқдан чўқилаб кўриб, ишлаётган жойини сўради.

— Жаннат, куздан ўз мактабига борар эмиш, деяётган эди. Ҳозир бекор юрибди шекилли! Ҳа, болам, бунча сўраб-истаб қолдинг?

Қодир кулгига олди:

— Қайнатам бўлганидан кейин қизиқаман-да!

Адолат хола лақ этиб тушди, ишонди:

— Азизанинг ўзи яхши бола, отасига ўхшамайди-ю, тилим қисиқ. Бўлмаса...

— Хўп, демасмидингиз? — яна ҳазилнамо қилиб сўради Қодир.

— Менинг жаҳимни очма, болам, — оғрингандек бўлди Адолат хола, — пайғамбар бўлса умматлигидан чиқиб кетардим. Дарё бўлиб эшигим тагидан оқса оёғимни чайқамасдим, қизини келин қилиш экану! Одамми? Ундан тўрт оёқли ит яхши. Кет десанг тушунади, боқсанг дўстлик қилади.

— Шундайку-я... — хаёл суриб кетди Қодир. Адолат хола буни «гапим боламга оғир ботди, минг қилганда Азиза унинг севгани-да» деб, ўйлади, юпатди:

— Лекин, болам, сен кўнглингни бўлма! Азиза топилмайдиган қиз. Сендан кейин то фронт кетгунича биздан

хабар олиб турди, мен ҳам ширин сўзимни аяганим йўқ. Сен йўқ десанг ҳам, мен йўқ демайман. Кейин, болам, сени деб озмунча азият чеккани йўқ. Минг балога қалқон бўлди.

— Мен бир нима деяпманми, ойи! — ўзини оқлагандек деди Қодир.

— Шундай бўлса ҳам... Берган сўзинг устида тур, шиғитлик бурдингни кетказма, болам.

Қодир Азиза ҳақида ўйламаётганидан бу танбеҳлар унга оғир ботмади. Унинг фикри-ўйи Мирсалимда эди. Унинг қандай қилиб келиб қолганидан ҳайрон.

«Ҳар ҳолда бир суриштириб кўриш шарт. Ножўя чақилган битта гугурт оламни ёндиради-я!» деган қарорга келди.

Бу орада кўча беткайидаги қатор теракларнинг шамдек ёниб турган учидан олов ўчди. Жаннат билан боғчадан қайтган Марат амакисининг бўйнидан қучоқлаб кўришиб, бир вақт, фронт кетаётганида буюриб юборган «Чапаевникига ўхшаган қиличини» даъво қилиб қолди.

— Қани? Олиб келдингизми?

Қодирнинг эсидан чиқиб кетган эди, хижолат тортгандек бўлди. Ўртага Адолат хола тушди:

— Дадангнинг ўзи олиб бораман, дебди.

— Шунақами, амаки? Маза!

Марат ўзида йўқ қувониб, амакисининг бўйнидан яна қучоқлади, бошқалар хомуш тортди.

* * *

Мирсалим Қодирнинг олти ой отпускага келгани эшитди-ю, чўғ босиб олган яланг оёқ одамдек типирчилаб қолди.

«Энди қандай бўлди? Қодир ўшанда мени лагерда кўрмаган бўлса-ку, хўп-хўп. Кўрган бўлса-чи? Унда иш тамом». Йўқ, кўрмаган. Умрида мени ҳеч ҳарбий формада кўрмаган одам қандай қилиб, дарров таниб ола қолади? Ҳа, мен уни таниганимда, нега у мени танимайди? Таниган! Кўрган! Менинг бу ерга қайтганимни ҳам эшитган. Эшитгану органга хабар берган. Орган «қани, ўзинг келиб, исбот қилиб бер» деб уни отпуска баҳонаси билан чақирган! Йўғ-е, жуда ҳам бунчалик эмасдир! Ҳа, айтгандай, ўзи қандай қилиб бу ёққа ўтиб қолди? Мен уни лагерда ўлиб кетгандир деб юрибман. Ўлмабди-да. Шунча азоб-уқубатга бардош берганини қара! Бўлмаса қанча одам очдан қирилиб кетди. Тавба, жони пўлат эканми дейман! Эҳтимол ўзининг ҳам этаги ифлосдир. Тағин подадан олдин чанг чиқариб, ўзимни-ўзим балога

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўймай! Сабр қил, Мирсалим, сабр. Сени бу ёққа ўтказиб юбораётганларида нима деган эди бошлиқларинг: устингга тоғ қуласа, дод демасанг ютасан! Ҳали бу нима бўпти? Фақат шубҳа-ку! Эҳтимол ҳеч нима бўлмас. Йўқ, бепарво ҳам бўлма, отингни қамчила, олдини ол!» — шундай мулоҳазалардан кейин Мирсалим Қодир билан тасодифан бир учрашиш, унинг қўйнига аста қўл солиб кўриш фикрига келди. Мис чилимини бир-икки босиб тортиб, хотинининг: «Ҳой, дадаси, айтган ширчойингизни қиляпман», дейишига қарамай наридан-бери кийиниб чиқиб кетди. Эрининг келганидан бери бутун кечасидай бетоқат бўлганини кўрмаган хотин, «ўзи бунга бир нарса бўлдими, чаён чаққан одамдай бир ерда ўтиролмай қолди!» деганича ширчойнинг оловига сув сепди.

Мирсалим кўчага Қодир кутиб тургандек қанчалик шошиб чиққан бўлса, хўжайинларининг «Шошиб ичсанг, совуқ сув ҳам оғиз куйдиради» деганини эслаб, бирдан шунчалик тез ҳовридан тушди. Бошидаги сурма ранг чор қирра дўпписини олиб, жиягига ёпишган гардни бармоғини ҳўллаб тозалади, кичкинагина қулоқлари тепасидаги энди оқ оралаган сочини бостириб қайта кийди, ёқасини тузатди. Бу орада у анчагина юриб қўйган, катта кўча юзига чиқиб қолган эди. Муюлишда тўзиб ётган қандайдир қуш патларини кўриб, нима учундир, юраги орқасига тортиб кетди: унинг кўзи олдидан мушук босган парранда кетмай қолди. Бағри тош Мирсалимнинг ўша қушга сабабсиз раҳми келди, кейин кўнглини ғаш қилиб, диққатини оширди. Нега? Ўзи ҳам билмас эди. Ё шу парранда куни бошига тушадими?

Мирсалим кўчани анча айланиб юрди, Қодирларнинг эшиги рўпарасидан бир-икки ўтди, у юриши мумкин бўлган кўчаларга бурилди. Ҳеч қаерда Қодир йўқ эди. «Аксига олади, бир маҳаллар рўпарамдан чиқавериб, ғашимга тегарди, энсамни қотирарди. Энди-чи? Энди хоҳласанг кундуз чироқ ёқиб қидир!» деганча, Мирсалим қорни очиб уйига қайтди. Унинг рўзғори ташқаридан ғарибона кўринса ҳам, аслида бут эди. У жудда катта пул билан бу томонга ўтган, хўжайинлари унинг бир-икки йилининг ғамини еган эди. Фақат пулгина эмас, у керакли ҳужжатлар ва алоқа қилиб туришга зарур турли-туман аппаратлар билан ҳам таъминланган, бу ихчам нарсалар кийим-бошининг чоки, тугмачаси, астари, елкаси, пошнаси, чарми орасига жойланган эди. У омон-эсон етиб келган кунининг эртасигаёқ буларнинг барчасини ўргатганларидек қилиб, шаҳар четидаги гадой топмас

бир хилват жар ёқасига яширган ва хўжайинлари билан боғланишга ҳам улгурган эди. Унинг асосий вазифаси бу атрофга ички Россиядан кўчирилган ҳарбий объектларнинг қаердалигини хабар қилиш ва халқнинг аҳвол-руҳиясини билиб туриш, керак ерда тутантуруқ тутиб юбориш эди. Али Наимхон бир суҳбатда айтганидек, унинг зиммасига «Туркистонни ичдан тайёрлашдек олижаноб бурч» юкланган эди. Бу иш қанчалик оғир ва ғураккаб, Мирсалим қанчалик тихирлик қилган бўлмасин, бунинг оқибатидаги шону шараф, бойлик, обрў, ҳаверса «Ҳайл Гитлер!» деб ичган қасами мажбур этган эди. Кейин бу иш узоққа чўзилмайди, то немис ағдунича, вассалом. Унинг Туркистонга кириб келиши яқин, узоқ эмас. Ундан кейин, оёғини узатиб ётади: дегани бўлган, айтгани айтган!

Мана булар барчаси энди худди саробга, айниқса Қодир келганини эшитган дақиқадан буён аллақачон кўрилган ёки аллакимдан эшитилган тушга ўхшарди. Берлинда таълим олиб юрган кезлари беш-олти ой эртасидин келадиган кундек жуда яқин туйилган бўлса, энди ҳар соат бир йилга, бир ой асрга ўхшар, санаб тугатолмас эди. Агар немис-фашист қўшинларининг ёз чиқиб, қилиб турган ҳужумлари бўлмаса, у «ўзи хон, ўзи бек, дориламон кунлар»ни кута-кута, унинг илинжида аллақачон жиннни бўлиб қолган бўларди. Ҳозир эса, буларнинг ҳеч бири унинг эсига келмас, фақат жони кўзига кўринар эди. Қодир уни лагерда кўрмаган бўлса-ю, уни тинч қўйса бас! Унга бошқа ҳеч нарса керак эмас! Йўқ, аслида ундаймас, ҳозир дўпписи тор келиб тургани учун шундай деяпти. Эртага тинчиб кетса, яна ўша тотли орзуси кетидан қувади, уни деб бутун бир шаҳарга ўт қўйишга тайёр бўларди!

Мирсалим диққинафас бўлиб уйига қайтди. Хотини эрталабки ширчойни иситиб, олдига қўйган эди, зардаси қайнаб кетди:

— Мен буни нонуштага буюрганман! Тишга босадиган бирор нарса пиширсанг ўласанми, падар лаънати!

— Падаримни ўқимасангиз ўрнига ўтмайдими? Сизга падарим нима қилди? Қизини сизга чўриликка бериб, ҳеч кимга зиёни тегмасдан гўрида ётибди!

— Ҳа, бир зиёни тегмаган ўша гўрдаги даданг қолувди! Гапир!

— Шунча қора кунни кўриб, тавба қилмаган ношукур банда! — деди хотин унинг олдидан ширчойни олиб, ошхонага бурилар экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аламини кимдан олишини билмай турган Мирсалимга шу қифоя эди. Иргиб ўрнидан турди. Зарб билан ошхонанинг эшигини очиб, бир зумда дакангхўроздай хотини қошида пайдо бўлди:

— Нима дединг? Яна бир қайтар!

Хотин ўгирилиб қарагунча бўлмай, Мирсалим бир тарсаки қўйди, бунга ҳам кўнгли тўлмай тепиб юборди. Аганаб тушган хотинининг тепасига бориб яна ўдагайлади:

— Мен шу ёмон кунларнинг не-не азобини ким учун чекиб юрибман? Сен учун, манжалақи! Қизинг учун! Отасининг юзига туфуриб кетган қизинг учун!

Қўлидан учиб кетган коса синиқларни йиғиб олар экан, хотини йиги аралаш деди:

— Худо хайрингизни берсин, мен учун бўлса, ҳеч нарса қилманг. Узатган оёгингизни йиғманг. Мен ўлаю, сиз қутулинг.

Мирсалим шу куни кечгача қилар ишини билмай, овсар одамга ўхшаб юрди. Шом қоронғисида яна чиқиб Қодирнинг йўлини пойлади. Яна қон бўлиб қайтди. Назарида Қодир қаердадир унга чоҳ қазиш билан овора эди!

Айвонга ўтса хотини ўрнини бошқа солиб ётибди. Бу яна алам қилиб кетди. Жаҳл билан бориб «мен «пуф» сассиқ бўлиб қолган бўлсам, бор, яхшисини топиб ол» деб тепиб-тепиб юборгиси келди-ю, яна шайтонга ҳай берди, ўзини тутди. Ўрни устида бошини солиб ўтирди. Туриб ҳовлида юрди. Бир кўчага чиқиб келди. Фикрини қанчалик ширин хаёлларга бурмасин, охири айланиб бориб, Қодирга тақаларди. Қодир эса, уни томоғидан хиппа бўғиб, НКВДга судраётганга ўхшарди. Уйга кириб, яшириб қўйган эҳтиёт ампуласини кўздан кечирди — уни сичқон тортиб кетган ёки биров олиб қўйгандек кўринарди. «Наҳотки сен жонимга қасд қилиб, шу ерда турган бўлсанг!» — деб унинг оғирлигини салмоқлагандек кафтига олди. Бу, хўжайинларининг «керак бўлишига ишонмаймизу, қоидада бор. Энг сўнгги чора сифатидагина зарур бўлади» деб берган заҳарларидан бири эди.

Мирсалим ампулани кафтида ушлаб туриб, ўзига жуда-жуда раҳми келди. Эртаги ажойиб кунлардан маҳрум бўлаётган одамдек жони ачиди, бекорга ўлиб кетаётганига хўрлиги тутди. «Али Наимхонга маза, ўша ёқда юрганларга маза! Уларни ҳеч ким таъқиб қилмайди. Истаса, яланғоч хотинлар рақс тушган ўша ҳашаматли ресторанларда айш-ишрат қилади. Оёгини бемалол узатиб ётиб, эрталаб хотиржам ўрнидан туради. Мен-чи? Мен нина ютган итдек бетоқатман. Бугуним қанақа ўтишини билмаганим устига эртамдан хавотирдаман. Аслида ўша ёқда «йўқ» деб туриб олсам бўлар экан. Мен ҳам ўшаларга ўхшаб тайёрига кириб келардим. Катта бўлмаса, кичикроқ бир амал тегарди, албатта. Йўқ, яхши бўлмади! Ажойиб, бахтли кунларнинг келишини билиб, бунга ишониб туриб ўлиб кетиш қандай даҳшат! Наҳотки ўша кунларни кўрмайман? Йўқ, кўраман, кўришим шарт. Фақат бардош керак, бардош» — шундай ўйлар билан ўзини овутган Мирсалим, заҳарли ампулани жойига қўйди. Унинг ўрнига токча орқасида турган шишадаги спиртни олиб, жиндаккина сув аралаштириб ичди. Бирпасда боши гувиллаб, шерга айланди. Қодир кўзига шиндек кўринди. Ўзининг бояги ҳолатидан кулиб айвонга чиқиб келди. Қатиқ тўкилгандек ола-чалпоқ ойдинда ётган хотинининг ёнига ўтирди. Ҳамма нарсани унутиб, унинг бағрига қўлини юборди. Хотин чўчиб уйғониб:

— Бу нима қилиқ? — деган эди:

— Ҳа, қизлигинг эсингга тушдими, жоним, — деб устига ўзини ташлади. У, нима учундир, хотинини йиғлаб қучоқларди.

* * *

Қодир Мирсалим билан учрашиб, уни шубҳалантириб ўтирмасдан, тўғри керакли идорага хабар қилди. Қаршисидаги мўъжазгина майдонида денгизчи йигит ҳайкали турган бу идора ходими, Қодирнинг ҳикоясини бир сўз қўшмай охиригача эшитиб, ўзи папирос тутатди-да, унга ҳам тутди:

— Сиз кечикиб хабар беряпсиз, ўртоқ Қўчқоров, — деб кулди у, — Мирзоҳидов сизнинг устингиздан аллақачон анонимка ташлаб бўлган. Марҳамат, мана ўқинг!

Қодир кўзларига ишонмади: анонимка унинг тўғрисида нималар демас эди — уни ўз ихтиёри билан душманга топширилишидан тортиб, гитлерчиларга қилган аллақандай хизматларда айбларди. Сўнгида «партизанда бўлгани бекор. Ҳужжати сохта» дейилган эди.

— Қалай, бунга нима дейсиз? — илжайди ходим.

— Текшириш керак, эҳтимол шунақадир.

Ходим яна кулди:

— Бунда ҳам кечикдингиз

— Йўғ-е!

— Ҳа, — иккала кўзини чирт юмиб қўйди ходим.

Анонимка Мирсалимнинг дастхати эмас эди. Қодир ҳайрон бўлиб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу Мирзоҳидовнинг хати эмас-ку! — деди.

— Ҳали ҳам соддасиз, Қўчқоров, шунча чийриқдан ўтиб ҳам пишимабсиз. Анонимка ёзган киши очиқ имзо қўйиб, ўз хати билан ташлайдими!

Бунақага ҳеч иши тушмаган бечора Қодир бу найрангларни қаёқдан билсин! У елкасини қисиб қўя қолди. Ходим унинг қўлини сиқди:

— Раҳмат, ўртоқ Қўчқоров! Катта ёрдам бердингиз. Бу ёғи энди, бизнинг ишимиз. Ишонамизки, барчасини сир тутасиз. Шундай қилингки, Мирзоҳидовнинг ўзи ҳам сиздан шубҳаланмасин!

...Бир қанча вақтдан кейин Мирсалим бутун ашқолдашқоллари билан жиноят устида қўлга олинди.

12. ҲАҚ ЖОЙИГА ҚАРОР ТОПАДИ!

Содиқ бугун эрталаб кўзини очди. Кўзини очди-ю, бошини боғлиқ, ўзини госпиталда кўрди. Лекин қачон яралганини эслолмади. Фақат кўкда немис самолёти пайдо бўлгани ва кимнингдир «Қўчқоров! Қоч!» дегани ёдида. Демак шунда...

Содиқ бошини ёстиқдан сал кўтариб, ярасининг зирқирашига қулоқ солди: унча оғриқ сезмади. Ён-верига назар ташлади: оқланган оддийгина хона. Шифти тилим-тилим тахтадан. Эшиги бир тавақалик. Итальянча деразасининг кўзларига очиқ қайчи шаклида қоғозлар ёпиштирилган. Юқоридаги бир кўзи ўрнида кўкимтир кардон. Ёнидаги ярадор унга орқасини ўгириб ётганидан ухлоқми-уйғоқми билолмади. Битта ўрин бўш. Ундан наригисида сочлари сариқдан жигар рангга ўтиб кетган биттаси ётибди, кўзи очиқ бўлса ҳам, қилт этмайди: ё қаттиқ хаёлда, ё ярасі оғир. Содиқ уни безовта қилишни истамасдан ўзи ҳам шифтга кўзини тикди, хаёл уни судраб кетди.

Эшикни аста очиб, тиббий ҳамшира кирди. Ўйноқи кўзлари Содиққа тушиши билан дўндиқ юзини кулги тўлқини қоплади. «Тез юрсам этагимнинг шамоли озор бермасин сизларга» дегандек, қадамини мулойим босиб ҳаммани бир-бир кўздан кечирди-да, Содиқ қошида тўхтаб, сал энгашди:

— Кўзингизни очиб ётганингиз қандай яхши! Ҳадеганда ўзингизга келавермай, бирам ҳаммани қўрқитиб юбордингиз! Азиза Мираслимовна сизни танир эканми, жуда қўрқиб кетди.

Содиқнинг кўз ўнгида чақмоқ чақилгандек бўлди! Лекин бу таниш исмни дарров хотирлаб ололмади:

— Азиза Мирсалимовна?

— Ҳа, бизнинг врач, Танийсизми? Мирзоҳидова!

Содиқ нима дейишини билмай қолди. «Танийман» десса, эҳтимол бутун тарихни очишга мажбур бўлиб қолар, шунинг учун дудмал қилди:

— Кўрсам танимасам...

— Вой, мен ҳозир чақираман! — Тиббий ҳамшира ужжаси бегона бўлиб кетаётган кишидек шошиб қолди. Қўлидаги дорини Содиқ каравоти олдидаги тумбочка устига қўйиб, энди югуриб чиқиб кетмоқчи бўлган эди, Содиқ қўлидан тутди:

— Менга аввал бир пиёла сув беринг, томоғим қуриб кетяпти.

Ҳамшира чиқиб кетгач, Содиқ ўзини қандай тутишини ўйлаб, стакандаги сувни чўзиб ичди.

Бир маҳал коридордан тапир-тупур оёқ товушлари эшитилди. Кейин қия эшик шарт очилиб, остонада оқ халат кийган, Содиқ назарида, у юз йилларча бурун кўрган қиз пайдо бўлди. Азиза ўша-ўша эди. Фақат кам гўшт юзларида, чақнаб турган кўзларида, асабли қисилган лабларида ёшига яраша улуғворлик, сиполик ва билимдонлик барқ уриб турарди. Тўғри, Содиқ у билан ҳеч қачон ёзилиб гаплашган эмас, лекин орқаворотдан таърифини кўп эшитган эди. Кейин билса, Қодир билан иккиси бир-бирини севишиб қолибди. Шундан кейин-ку унга сира кўринмайдиган бўлиб кетди, ҳатто Мирсалим уйига меҳмонга чақирганда ҳам у бўлмас эди. Ана шунда Содиқ ўзини тутган, ақли бутун қизга ўхшайди, ўз обрўйини тутиб юрибди, олдимга чиқиб «мен укангизнинг маъшуқаси бўламан» деб жилпонглай берганда нима бўларди, деган фикрга келган, агар Қодиржон уйланишдан оғиз очса, тўйига бошқош бўлишни орзу қилган эди.

Азиза шиддат билан очган эшикни ёпишни ҳам унутиб, тўғри Содиқнинг тепасига келди, келди-ю, нима дейишини билмай йиғлаб юборди. Мижжасидан тирқираб чиққан маржон ёшлар оқаринқираган кам гўшт юзида йилтироқ излар қолдириб, Содиқнинг узатилган қўлига томди.

— Сизни ҳам кўрадиган кун бор экан-ку! — дея олди Азиза ва титраган қўллари билан ғойибона қадрдон бўлиб қолган Содиқнинг қўлини ушлаб, кўксига бошини қўйди. У пиқ-пиқ йиғлар, оқ қалпоқ кийган боши, энсиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

елкаси силкиниб-силкиниб тушарди. Нималардир деб сўзларди-ю, йиғи товушини бўғиб, эшитишга халақит берарди.

Бундай самимий учрашувдан шошиб қолган Содиқ унинг титраб турган елкасига қўлини қўйиб, оталарча силар, зўр бериб:

— Нега йиғлайсиз? Йиғламанг, қўйинг! — дер эди.

Азизанинг кетидан кирган бояги ҳашира эса уйнинг ўртасида қотиб қолган эди.

— Фронтда экансиз-ку, бир энлик хат ёзмайсиз-а! — дея гап бошлади Азиза. — Бизлар... уйингиздагилар минг хаёлга бориб ўтиришибди. Ўша! Ўшасиз-а, Содиқжон ака. Ҳеч ҳам ўзгармабсиз! Фронтга юборишдими, ё ўзингиз талаб қилдингизми?

— Ўзим... — астагина жавоб қилди Содиқ.

— Жуда яхши-да! Ҳозир одамнинг сараси фронтда.

Азиза дастрўмолини олиб, юзида йилтиллаб турган ёш изларини артди, пешонасига тушган майда сочларини тузатди. У севинчини қанақа қилиб ифодалашни билмас, эсига келган гапларни палапартиш гапириб ташламоқда эди. Унинг бу оқ кўнгиллиги ва самимий соддалиги Содиқни бир зумда мафтун этди. Ичидан укасининг дидига тасанно ўқиб қўйди, Азизага ҳурмати ошди.

— Адолат холам яхши юрибдилар, икки кўзлари сизнинг йўлингизда, қиш келса узум асраб, ёз келса райҳон ўстириб, «ўғлим келса, ошига кертиб ичади» деб ўтирибдилар. Марат-ку азамат йигитча бўлиб қолган, қачон бўлса «дадамни поездда борсангиз кўрасиз» деб паровоз бўлиб қичқиргани-қичқирган. Жаннат кеннойимдан ажралмайди, боғчаларига бирга бориб, бирга келади. У киши ҳам соғ-саломат.

Содиқ «Қодирни қанақа қилиб таърифлар экан» деб Азизанинг оғзини пойлаб турган эди, у буни пайқади шекилли, бирдан қизариб, сипо тортди.

— Қодир акам фронтдалар, — деб қўя қолди.

— Анча бўлдими кетганига?

— У киши уруш бошидаёқ кетган.

Содиқ Азизанинг баттар қизариб кетаётганини, ҳатто бурни устига майда тер тошганини кўриб, Қодир тўғрисидда бошқа гап сўрашни лозим топмади.

— Дадангиз-чи? — дея бошқа ёққа бурди. Бу Азиза учун кутилмаган савол бўлиб тушди. У дадасининг сўралишини, айниқса, ундан озор чеккан киши томонидан шу лаҳзада сўралишини кутмаган эди. У бирдан ҳушёр

тортди. «Жўрттага сўраяпти, мени синаяпти. Муносабатимни билмоқчи» деб ўйлаб, пинагини бузмасдан жавоб қилди:

— Фронтдалар, «урушга кириб-кетяпман» деб икки энлик хат ёзганларича дом-даракси кетяптилар.

Содиқ бир нарсани фаҳмлагандек димоғи билан астагина «ҳимм» деб қўйди. Нима учундир, кўз олдига Мирсалим эмас, Диловархўжа келди.

Содиқ Азизани зимдан кузатиб, «дадаси туфайли мулзам қилиб қўйдим шекилли» деган фикрга келган эди, йўқ, ундай бўлиб чиқмади. Азиза «дада танлаш менинг ихтиёримда бўлса, ўзим билардим» деганга ўхшаб малол чекмай ўтирар, ҳар қанча савол бўлса ўзига олмасдан жавоб беришга рози кўринарди. Ана шундан кейин Содиқ бир вақт мактаб илмий мудирининг «қарқиноқдан булбул чиққан» деганини, Жаннатнинг «Мирсалимнинг қизи дадасига ўхшамайди, ўз ишига пухта, мустақил, унча-бунча совуққа барги қовжирамайди» деб таърифлаганини эслади ва уларнинг фикрига қўшилди. Унга меҳри товланиб:

— Ўзингиз кўпдан бери бу ёқдамисиз?

— Ҳа, институтни тугатдиму, сафарбар қилишди.

Эшикда шошинқираган кишининг боши кўринди:

— Доктор Мирзоҳидова! Янги ярадорлар келди! — деди у ва ўтиб кетди. Азизанинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолиб, кечирим сўраганича чиқиб кетди. Содиқ орқасидан «булар ҳаётдаги ўз ўрнини яхши биларди, ота боласи бўлишдан одам боласи бўлишнинг нақадар афзаллигини тушунади. Булар совуқда музламайди, иссиқда айнимайди!» деб қўйди, кўнгли таскин топгандек ўрнига бемалол чўзилиб, оёғини узатди. Лекин сал кўзи илинган экан, кўнгли хира тортиб уйғонди. Бундоқ ўйлаб қараса, Азизага ёлғон гапириш билан иш битмайди. Шунинг учун у Азиза янги келган ярадорларни қабул қилишда ёрдамлашиб, яна кириб келганда барча воқеани очиқ-ойдин айтиб берди.

— Шунақа гаплар, синглим, — деди у охирида, — уруш тугасин-чи, кейин нима бўлса бўлади. Ҳозир «ҳайт» деган туяга дармон бўлиб турган пайт.

Азиза хомуш тортиб қолди. Зийрак Содиқ буни сезса ҳам, аччиқ-чучукни кўра бериб пишиб кетганидан ортиқча парво қилмади.

— Азизахон! Кечирасиз, албатта. Бир вақтлар Қодир билан учрашиб туришингиз қулоғимга чалинган эди. Ҳозир қандайсизлар, деб сўрашга тилим бормаяпти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг фожиам зарар бермадими?

Энтиккандек қизариб кетган Азиза уялинқираб жавоб қилди:

— Олдинига сал... кейин, ўзимизни тутиб олдик.

— Раҳмат синглим («келин» деб юборишига сал қолди), Қодир ёмон йигит эмас, — деди Содиқ, кейин кулиб қўшди: — Бизнинг уругда ёмон йўқ, лекин ёмонга чиққан бор: Масалан, менга ўхшаб.

— Қани ҳамма ёмон сизга ўхшаган бўлса, шаҳарга соқчи-ю, дарвоза керак бўлмас эди!

Азизанинг бу ишончи Содиқни руҳлантириб юборди:

— Ростини айтайми, Азизахон, турмаю лагерь менинг юртимга, халқимга бўлган меҳру муҳаббатимни қилнинг қийиғича сусайтирмади, аксинча, уларни қалбимда яна ҳам яхшироқ ардоқладим, мана шу меҳр мени шу кунгача омон сақлаб келаётган бўлса ажаб эмас. Йўқ, шу меҳр, фақат шу меҳр туфайли барча қийинликларга бардош бердим. Ишончи комил бўлмаган, умидсизликка тушганларнинг озмунчаси нобуд бўлиб кетдими! Бу йиллар мен учун бир синов бўлди, зўр синов бўлди.

— Бундай эътиқод, бундай ирода ҳар кимда ҳам бўлавермайди, — деди Азиза кўпни кўрган одамлардек ҳикматомуз қилиб.

— Чунки виждоним пок эди. Виждон пок бўлса киши бардошли бўлар экан! Жисмоний азобдан виждон қийноғи ёмон-да! Ўша ерда ажалим етганда ҳам балки қийналмасдан ўлардим. Виждони тоза одам енгил ўлади, дейишади.

— Қўйинг, ўлим қурсин! Шунча одам ўлиб, ер тўйяптими?

— Йўқ, синглим, ўлимдан қўрққаннинг куни қурсин. Ўлим қўрқоққа даҳшат! Ҳаётда ўз ўрнини топган, идеали юксак одам учун ўлим умрнинг қонуний якунланиши! Чунки у нима мақсадда яшаб, нима учун ўлаётганини билади. Олий мақсад йўлида яшаб, дунёдан ўтиш нақадар шараф! масалан, мен ҳозир яраланиб ётибман, оғирми-енгилми билмайман...

Азиза «ярангиз анча оғир» дейишга тили бормай:

— Унча оғир эмас! — деб қўя қолди.

— Оғир бўлганида ҳам, жиндай бўлсин ташвишим йўқ, чунки тўкилган қонимнинг қимматини биламан. Эҳтимол эртага халок бўларман. Шунда ҳам беармон кетган бўламан. Нега десангиз, эл-юртимнинг энг оғир кунларида йиртиғига ямоқ узуғига улоқ бўлдим, гарчанд

гирромлик қилиб фонтга тушган бўлсам ҳам, меҳнатимда, жангимда гирромлик йўқ. Ахир файласуфлар «тасодиф зарурат элчиси» дейишади-ку.

— Бу ҳам сизнинг бахтингиз, Содиқ ака, жуда катта бахтингиз. Бўлмаса сиз тушган вагон қулармиди!

— Секинроқ айтасизми! Агар шу тасодиф рўй бермаганда, билмадим, лагерда қандай яшардим. Ўзимни еб қўйсам керак эди! Шу кунларда юртига астойдил хизмат қилмаган одам, бир куни келиб «мен чин совет кишисиман» деса бекор! Инсоннинг марди ҳозир майдонга чиқиши керак. Бу кунлар зўр синов: сараги саракка, пучаги пучакка ажраладиган пайт.

— Баъзи бир пучаклар кейин ўнгланиб олишади! — кулиб қўйди Азиза. Унинг эсига олий маълумотли бир кўшнисининг уруш бошланиши билан бир заводга бронь учун ишга киргани келди.

— Виждонини-чи? Виждон теракнинг барги эмаски, икки бети икки хил бўлса. Партия бунга йўл қўймайди, йўл қўймаймиз! Ҳозир асосий масала улар эмас, фронт. Фронтни тўғрилаб олиш керак. Душман Москва бўсағасида манглайидан зарба егани билан ҳали кучли. Ҳали анча-мунча иш бор: талай куч, талай одам керак.

Содиқ дардини тўкишга ҳамдард топган, юрагини бўшатган, энди дунёда армони қолмаган одамдек енгил эди. Ичида қамалиб ётган ўша оғир ҳавонинг энг сўнггисини ҳам чиқариб ташлаётгандек узун нафас олди.

— Уруш яқинда тугармикин? — хотин-қизларга хос соддалик ва кўнгилчанлик билан сўради Азиза.

— Жонингизга тегдими? — яна мийиғида кулиб деди Содиқ.

— Менинг-ку жонимга теккани нима бўларди, ярадорларни кўриб раҳмим келади.

— Ҳалок бўлаётганларни айтмайсизми! Йигитларнинг сараси кетяпти. Нечора! Биз уруш бошлаганимиз йўқ. Урушишга мажбурмиз, еримизда охирги гитлерчи автомат билан юрар экан, жанг қиламиз — бу бурчимиз. Гитлерчининг бу иши семиз қўчқорнинг қутуриб, темир дарвозага калла қилишига ўхшайди, шохи синиб, боши пачоқланишини билмайди.

Содиқ мизғиб қолганида бўш каравотга келтириб ётқизилган ярадор уйқу аралаш инграб уларнинг диққатини тортди. Азиза иргиб ўрнидан туриб, унинг қошига борди, одеялини бошидан тушириб, юзига боқди:

— Қаттиқ оғрияптими? — деди. Ярадор кўпдан бери ёл кишининг майин ва ёқимли товушини эшитмагани-

www.ziyouz.com kutubxonasi

данми, бирдан кўзини очди. Тепасида ёшгина қизнинг меҳрибонона боқиб турганидан иймангандек, бошини кўтаришга уринди.

— Қўзғалманг! Қўзғалманг!

Бари бир ярадор хотин киши олдида узала тушиб ётишни ўзига эп кўрмагандек ярим туриб ўтирди, оғриқни куч билан енгаётгани юз гўштларининг таранг тортилиб, тишини тишига босиб туришидан сезилмоқда эди. У аввал Азизага, кейин боши салладек қилиб докалар билан ўраб ташланган Содиққа салом берди. Содиқ ярадорларнинг илк учрашганда бир-бирига берадиган саволи билан янги қўшнисига мурожаат этди:

— Қаерда яраландингиз?

Янги ярадор шундай шаҳарчанинг номини айтдики, Содиқ ўз қулоқларига ишонмади. Аниқламоқчи бўлди:

— Ташлаб чиқишди дейсизми?

— Йўқ, озод қилишди. Кеча фрицни у ердан қувиб чиқардик. Ҳозир бизникилар анча илгарилаб кетишди.

Гарчанд бу хушхабар бўлса ҳам, Содиқни ташвишга солиб қўйди. Ярадор тилга олган шаҳарчани Содиқ яхши билар, у ерда ўз сапёр отделениеси билан (у сўнгги вақтда сержант унвони олиб, отделение командири эди) жанг қилган, тутиб туришнинг иложи бўлмаганидан кейин, полк ташлаб чиққан эди. Ана шунда командир уни чақириб, шаҳарчада бўлган биттаю-битта тўрт қаватли мактаб биносини миналаштириб чекинишни топширган, Содиқ буни икки жангчиси билан немис киришидан салгина олдин тугатган, бино учинчи куни кечқурун портлаши керак эди.

Содиқ шошинқираб туриб, ўрнига ўтирди:

— Ростданми?

— Фронтда ҳам ёлғон гапирадими киши! — ярадорнинг нафсониятига теккандек бўлди. — Кеча ўша шаҳарчадаги дала госпиталида эдим, мактаб биносида.

— Мактаб биносида? — Содиқ баттар энтикди, — тўрт қаватли-а?

— Ҳа, биласизми?

— У бино миналаштирилган эди-ку! Ана холос!

Содиқ нафаси оғзига тиқилиб, Азизадан қачон бу ерга келганини сўради. Сўради-ю, яна бешбаттар бўлиб, оёғи куйган товуқдек зир югуриб қолди. Каравоти тепасида турган гимнастёркасига ёпишди. Уни кийиб, тугмасини солмасданоқ эшикка югурди, эшикда қиладиган ишини шу ерда ҳам битириш мумкинлигини идрок қилиб қолдими, орқасига қайтиб, Азизага тушунтира

кетди:

— Мана, ҳозир соат бир, яна беш соатдан кейин бино портлайди. Ичи тўла одам, ярадорлар.

Азиза ўзининг нима ёрдами тегишини тушунмай кўзи жовдираб турарди. Янги келган ярадор ҳам ўрнига ўтириб олган, бу даҳшатнинг ваҳимаси билан ўз оғригини унутган эди.

— Госпиталнинг машинаси борми? — деди қатъий бир фикрга келиб Содиқ. Азиза бор, дейиш ўрнига ўша ваҳиманинг ташвиши билан шошиб эшикка отилди, орқасидан Содиқ югурди. Азиза майда қадам билан чопиб борар, унинг орқасидан етиб олгудек бўлиб Содиқ шошарди. Азиза коридорнинг у бошига бориб, бир эшикни тортди. У очилмагач, ёнидагини тортди. У ҳам берк эди. Кейин Содиққа:

— Сиз шу ерда туринг! — деганича пастки қаватга тушиб кетди. Ҳар лаҳваси бир соат туюлган бир неча минутдан кейин Азиза паканадан келган, дум-думалоқ бир кишини — госпиталь бошлиғини бошлаб чиқди. Бошлиқ шошмас, бунақа нарсаларни кўраверib эти ўлиб қолганлигидан салмоқлаб гапирарди:

— Бугун кечқурун портлаши аниқми? Ё портлаб бўлганмикин? Яхши биласизми?

— Албатта! Ўз қўлим билан мина қўйганман!

— Сиздан бошқа биладиганлар ҳам борми?

— Бор! Лекин портлағични қаерга ўрнатилганини ёлғиз мен биламан. Мендан бошқа одам зиёнсизлаштиролмайди.

Бошлиқ «аттанг, сендан бошқаси ҳам билганда яхши бўларди. Сени шу аҳволда қандай юбораман» дегандек уни кузатиб, ахир:

— Бошингиздан жиддий яралганингизни биласизми? — деди.

— Биламан, ўртоқ медицина хизматлари майори. Лекин илож қанча! Шунча одамнинг нобуд бўлиши...

— Хабар бериб қўя қолсак нима қилади? Ярадорларни тезда олиб чиқишади — вассалом!

— Бино-чи, бино?

— Шунча вайрон бўлган биноларнинг биттаси-да!

Содиқ — «шундай дейишга уялмайсизми?» деб юборишига сал қолди.

— Ўша машинада ўзим бора қолсам бўлмайдими?

— Мен сизга тушимни айтаяпманми! — деди жеркиб бошлиқ. У Содиқнинг бу «беодоб»лиги учун ўзидан баланд турган бошлиқлар олдида жавобгар бўлиб қолиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан чўчиётган эди. Бу қўполликдан Содиқ «смирно» ҳолатига келди. Бошлиқ калта оёқларини катта-катта босиб пастга тушиб кетди. Ўз бошлиғининг бу қўполлигидан ҳижолатда қолган Азиза, изоҳ берди:

— Ўзи ёмон одам эмас, бир оз юраги торроқ.

— Машина бермаса бермасин, бари бир бораман! — деди Содиқ ғазабдан кўзлари чақнаб. Бу асабийликдан боши зирқираб кетди, қўллари билан икки чаккасини чангаллади.

— Кўряпсизми? — деди Азиза ҳам раҳми келиб, — бошлиқнинг рози бўлмаганича ҳам бор. Ярангиз оғир.

— Ўша бинода ётган, кечқурун кули кўкка совуриладиган ярадорларга енгилми? Уларнинг жони жон эмасми? Бошлиғингизни оқламанг, кимлигини кўриб турибман: дунёга ўт кетса кетсин, менинг кабобим пишса бас, дейдиганлага ўхшайди.

Содиқ шу гапларни айтди-ю, зарда билан қўлини силтаб пастга тушиб кетди, бирор ўткинчи машина билан жўнашни мўлжаллаб, катта кўчага чопди.

Салдан кейин Азизани кабинетига чақиртирган бошлиқ.

— Тажанг ҳамшаҳарингиз қани? Айтинг, ташқарида машина турибди, бориб келсин, — деди. Азиза эшикдан чиқар экан, яна огоҳлантирди: — Иссиқроқ кийинсин!

Сал бўлса Содиқнинг назарида қораланиб қолай деган яхши бошлиғининг бу меҳрибонлигидан хурсанд бўлган Азиза, Содиқни қидиришдан аввал ўз хонасига кириб, сафар қопчиғидан оппоқ иссиқ пайтава олди, ўрни устидаги одеялни қўлтиғига қизди.

Бу пайт Содиқ катта кўча четида совуққа қотган одамдай у ёқдан-бу ёққа асабий бориб-келиб турарди. Ёнига келиб тўхтаган машинани кўриши билан унга ташланди, бояги гина-кудурати эсидан чиқиб, Азизанинг қўлини сиқди.

— Раҳмат, Азизахон! Мана бу бошқа гап!

Азиза бошлиғини оқлаб олмоқчи бўлиб:

— Майор юборди! — деди.

— Бошлиқ деган мана бундай бўлибди! Хайр, Азизахон.

— Нега хайр бўлади, ҳали қайтиб келасиз-ку.

— Албатта! — Содиқ машинага ўрнашиб ўтирди, — у ерда бошқа қиладиган ишим йўқ. Бирорта жонон врачми, ҳамширами ушлаб қолмаса!

— Шунақа ишларингиз ҳам борми?

— Бўлмаса-чи! — Содиқ мамнун эди.

— Ҳали тўхтаб туринг, ҳаммасини Жаннат кенойимга айтиб бермасам.

— Йўқ, йўқ! Тавба қилдим. Бўйинимга осилса ҳам ташлаб келаман.

Азиза хандон солди:

— Ҳа, қўрқмас экансиз!

— Буни қўрқиш эмас, ҳурмат дейдилар, Азизахон, ҳурмат!

Содиқ Азизанинг зўрлашига қарамасдан фақат иссиқ пайтавани олди, одеялни қайтарди.

— Кишини тантиқ қилиб юборманг жудаям!

Азиза шунга ҳам хурсанд бўлиб, қўл силкиб қолди. Сал ўтмай машина уфққа бигиздек санчилиб бориб, кўздан ғойиб бўлди.

Қорасовуқ эди. Ялангоч дарахтлар чўлтоқ супургига ўхшайди. Унда-бунда учраган арча ёки қарағай «совуқ менга чўт эмас» дегандек кўм-кўк бўлиб турарди.

— Неча соатда етиб борамиз? — деди Содиқ машинанинг бензинидан бошини четга тутиб.

— Уч соат мўл вақт кетади, — деди шофер унга қарамасдан. Кетидан изоҳ берди: — Йўл ёмон! Кўряпсизми, чўтирнинг бетига ўхшайди, рессорни синдириб юборай деяпти. Кейин сизнинг бошингизга тез юриш тўғри келмайди, бошлиқ тайинлаган.

— Машинангиз тез юра оладими, ҳайдайверинг!

Ўз касбини яхши кўрган шоферга жон кирди, ичида «бормисан, ўзимнинг ҳам юрагим сиқилиб бораётган эди» деди-ю, учириб кетди.

— Мана бу бошқа гап!

Содиқнинг мамнун бўлганини кўрган шофер мийиғида кулиб, гап ташлади:

— Ҳалиги доктор қиз сизга ким бўлади?

— Ҳамшаҳар.

— Ажойиб одам-да. Бунақаси кам бўлади. Баъзан жаҳли чиқиб қойиса ҳам, мукофот бераётганга ўхшаб туюлади. Бўлмаса унар-унмасга ишшая бермайди, қовоғини солиб юради. Ўзи кўрган замонинг юрагингдан «жиз» этиб оладиган чиройли ҳам эмас, шу нимадан бўларкан? Одамлар кўнгли очиқлигидан дейишади.

— Эҳтимол, —деди Содиқ оҳиста. Унинг бутун фикри-ўйи ўша мактаб биносида эди: вақтида етиб борадими? Безиён қилишга улгурадими? Ё ҳисобда адашган бўлса, портлаб бўлганми? Анча одам ҳалок бўлгандир. Йўғ-е! Ҳали вақт бор. Албатта етиб борадиг!

Бино портлаб кетгудай бўлса, у кечирилмас жиноятга қўл урган, фақат у туфайли шунча киши нобуд бўлган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

умрбод виждон азобида қоладигандек ўзини ҳис қиларди. Шу маҳал сапёрликка ўтганидан ҳам хафа бўлиб кетди: жангчилигини қилиб, пақ-пуқ отишиб юраверса бўлмасмиди? Энди нима бўлди? Худо кўрсатмасин, порт-лаб кетгудай бўлса, шунча одамнинг уволи бўйнида!

— Ҳайданг, иним, ҳайданг. Кечиксанг бўлмайди, ҳа, айтгандек, ҳеч нарса олмабман, бирор ердан ломми, кирками топиладими? Болта ҳам бўлади.

— Топилади. Йўлда ишлаётганлардан оламиз.

— Шунди қилинг. У ерда қидириб юрамизми. Қайтишда ташлаб кетамиз.

Шофер жавоб ўрнида бошини қимирлатди. У рулга ётиб олгудек энгашган, икки кўзи йўлда эди. Йўлнинг четида пачоқ машиналар, дабдаласи чиқиб кетган аравалар, ёнбошига ағдарилиб тушган бузуқ тўп-замбарак ва унинг ускуналари, занжири узилганича ўтириб қолган ёки куйиб қорайиб кетган немис танклари тўпларининг ҳалқумини кўкка тираганча қотиб қолган. Ана биттасининг люки қийшайиб кетибди, замбарак ўқи теккан бўлса керак. Текис ерлардаги қорларни шамол ялаб кетган бўлса ҳам, бомбадан пайдо бўлган чуқурларда оппоқ тўпланиб ётибди. Ана, анави тепачанинг орқасидан бир гала ола қарғалар бири қўниб-бири учади, қаг-куги оламни тутади, ниманидир хом талаш қилади. «Одам мурдаси эмасмикан?» деган фикр Содиқнинг хаёлидан ўқ тезлигида ўтди ва этини жимирлатиб юборди, кетидан «фрицники бўлса, бу ҳам кам!» деб ўзига тасалли берди.

Машина учиб борарди...

Икки қишлоқдан босиб ўтишди, бирида хумча илгудек қозиқ ҳам қолмаган: ҳамма нарса вайрон бўлган, қолганини олов кемирган. «Ҳаммом» деган тунука вивеска битта михга илиниб қолибди, шамолда соат маятнигидек бориб келади. «Кишилари қаёққа кетганикин?» деб ўйлади машина ойнасидан қараб бораётган Содиқ... Бундан кейинги қишлоқ анча бутун қолган, баъзан ёғоч уйлар мўрисидан «бу ерда ҳаёт бор» дегандек тутун бурқсийди. Кимдир кўча юзидаги вайронаси чиққан ғиштин иморатининг деворига плакат ёпиштириб кетипти: Сочига оқ тушган ишчи кийимдаги бир киши, сенга гапиряпман, дегандек бармоғини бигиз қилиб турибди, остида: «Ўртоқ! Душман устидан ғалабамизни яқинлаштириш учун бугун сен нима иш қилдинг?» деган ёзув бор. Бу плакат Содиққа ёқди, «ҳамма ерга буни ёпиштириш керак экан, ҳатто жангчининг окопида ҳам бўлсин» деб

кўнглидан ўтказди.

Машина бирдан тормоз бера бошлади. Содиқ, бузилдими, деб чўчиб кетди. Буни пайқаган шофер:

— Ломми, кирками керак деяпсиз-ку. Анавилардан оламиз, — дея изоҳ берди. Содиқ «ҳа-ҳа!» дегунча шофер машинани кўчанинг бир четида тўхтатиб, кўприк тузатаётган аскарлар олдига кетди. У аскарлар билан нима ҳақидадир тортишди, лекин Содиқ эшитмади. Бир маҳал шофер битта киркани елкасига олиб, кетига бурилган эди:

— Ўзингдан оламан, машинанг таниғлиқ! — деган товуш қулоғига чалинди. Унга шофер:

— Қўрқма, махоркага алиштириб чекмайман, даданг-дан мерос қолган бўлса ҳам! — деганича орқасига қарамай келаверди. Лекин уни машинага ташлар экан:

— Пишиқ йигитлар экан, бунақалар отининг нушхўрлиги ҳам бегона қилмайди, — деб қўйди.

Машина яна йўлга тушди, Содиқ безовталаниб немисдан ўлжа туширган, тунда ёнадиган соатига қараб қўйди, ўзича ҳисобини чиқарди: улгуради! Машина бузилиб қолмаса, ёки бирор ҳодиса рўй бермаса, бас!

Лекин ярим соат ўтар-ўтмас, у хавотир олган нарса содир бўлди. Қаердандир пайдо бўлган иккита «Миссер-Шмид» йўл ҳаракатини тўхтатиб қўйди, узун йўлнинг у ёғидан бу ёғига шўнғиб, машина, араванигина эмас, ҳатто кўзга ташланган ҳар бир кишининг кетидан қувар-ди. Бунақа йўлларда юравериб, пих ёрган шофер, самолётни кўриши билан машинасини чакалакзорга урди, устига шох синдириб ташлаб ниқоблади, ўзини четга олди.

Самолётлар ҳали-вери кетадиганга ўхшамас эди. Содиқнинг ичини эса, мушук тирнарди: кўзи кўкда сурлик қилиб ваҒиллаб юрган самолётда, хаёли миналаштирилган бинода эди. «Кечгача шу ҳол давом этса-я!» деб ваҳимага тушиб кетди. Шу пайт йўл устида биғиллаган бола товуши келди. Беихтиёр югуриб борган Содиқ билан шофер йўл ёқасида, чуқурда қонга беланиб ётган кампирни ва унинг тепасида биғиллаб турган 5-6 яшар қизчани кўрди, самолёт уларни пайқаб, ўққа тутиб кетган эди. Содиқ бора солиб, қизчани бағрига олди, кейин уни шоферга узатиб, ўзи кампирнинг бошини кўтариб, ҳаёт сўниб бораётган кўзига боқди. Кампир:

— Неварам... неварамни — деди-ю, бошқа сўз айтолмай унинг қўлига шилқ этиб тушди. Шу лаҳзада яна улар тепасида пайдо бўлган самолёт, ўз «санъати»нинг сама-

www.ziyouz.com kutubxonasi

расини томоша қилаётгандек, бир қанотини қия қилиб шўнғиб ўтди, сочган ўқи улардан сал нарини ниқталаб, қора чангини чиқарди. Шу кетганича самолётлар қайтиб келмади. Содиқ қизчани тўпланган беш-ўнта қишлоқ аҳолисидан бирига «қайтиб келгунимча, омонат» деб топшириб, ўзи машинага сакраб чиқди:

— Ҳайданг, жуда кечикиб кетдик.

Чиндан ҳам вақт жуда зиқ қолган эди. Энди Содиқ хаял ўтмай соатига қарар, йўли борган сари олис тортиб кетаётгандек туюларди, умрида машинанинг бунчалик секин юришини кўрмаганга ўхшарди. Охир чидолмади:

— Ҳайдасангиз-чи, бунча эҳтиёт қиласиз, ҳар мурвати олтин бўлса ҳам!!

— Юз ўнда кетяпмиз, ортиғини мотор кўтармайди!

Содиқ «наҳотки шу кетишда соатига юз ўн километр босяпмиз» деб шофер олдидаги тезлик кўрсатгичига щубҳа билан қараган эди, тўғри чиқиб, шофердан ҳижолат тортди, кейин то етиб боргунча оғиз очмади. Шаҳарга яқинлашган сари мудҳиш фожиадан хабар топиб, ёрдамга келаётган одамдек юраги дук-дук урриб нафас оғзига тиқилди, ҳатто тер чиқариб юборди. У нима учундир бинонинг бутун турганига шубҳа билан қарар, бу шубҳа унинг виждонини бешбаттар қийнар эди. Ана у кўчадан бурилиши билан бино кўзга ташланиши керак: мана юз метр қолди, мана эллик, мана ўн... «Ҳа хайрият, ҳали бутун экан!» деб юборди, бағридан тўфон кўтариб чиққан севинч юзига мамнуният табассуми сочди, боши зирқираб, кўзи чақнаб кетди. Лекин соатига қараб бағрига муздай ел уфургандек бўлди: бинонинг портлашига йигирма беш минут қолган эди!

У бино олдида машинадан тушганда ҳаммаёқ жимжит, бинога ўрнашган дала госпитали ўзининг одатдаги иши билан машғул эди. «Наҳотки унинг йигирма минутдан кейин портлаб кетишини ҳеч ким билмаса!» деганича подвалга ўзини урар экан, шофер:

— Менинг керагим йўқми? — деди.

— Нима эди?

Шофер нозик иши бор бўйдоқ йигитлардек маъноли қилиб кулди:

— Бир ерга кириб чиқаман.

Содиқ «севган қизи шу ерда экан-да» деб рухсат берди-да, ўзи подвалга шўнғиб кетди. Подвал қоронғи, ундан зах ҳиди келарди. Содиқ шофердан олган қўл фонари билан йўлини ёритиб, таниш бурчакка ўтди. Яна йигирма минутчадан кейин портлашига ишора берадиган «машина» мана шу ердаги деворнинг ғиштин-фундаменти орасига жойлаштирилган эди. Уни Содиқ ўз қўли билан шундай пухталаб қўйган эдики, ҳозир зиёнсизлантириш анчагина вақтни оларди. Бунинг устига немис шубҳа қилмасин, деб подвалда турган ўтин қақир-қуқирларни икки жангчиси билан шу бурчакка қалаштириб ташлаган, энди уни олиб, жой очиш ҳам ҳазил иш эмас эди. Ана шунда шоферга рухсат бериб чакки қилганини билди. Бир хиёл билан госпиталдан ёрдам сўрамоқчи бўлди, лекин кишилар билиб қолиб, тўс-тўполон, шовшув кўтарилишидан, бу орада вақт ўтиб, улгиролмай қолишидан чўчиди. «Ўзим қилганим яхши!» деди-ю, ўтинни жадал билан олиб ташлай бошлади. Ўтин унинг назарида шунчалик кўп эдики, қанчалик тез ва зуд билан олмасин, бу яқин бир-икки соат ичида тугайдиган кўринмас эди. Унга сари қўли-қўлига тегмай ишлар, бармоқларининг тимдаланиб кетганига, аллақаерининг чанг кириб ачишига қарамай қучоқлаб олиб ташлар, икки кўзи очиладиган девор фундаментида эди. Унинг ҳатто соатига қарашга юраги бетламас, бордию, бир-икки минут қолган бўлса нима қилади.

Ахийри энг сўнгги тўнкани олиб, бир четга улоқтирди. Қора терга ботган юзини чангли бармоқлари билан сидириб, киркани қўлига олди. Мўлжал қилиб, зарб билан урган эди, фундаментдан ялт этган олов чиқди-ю, кирка орқасига силтаниб кетди, камарига қистириб қўйган қўл фонари ерга тушиб чил-чил синди, ҳамма ёқни қоронғилик қоплади. Чироқ қидирадиган пайт эмас эди, Содиқ фонарь қизғиш шуъла сочиб турганида эсида қолган ерга тусмол билан яна кирка урди. Қўли билан пайпаслаб, олмадай ғишт кўчиб тушганини билди. Яна урди. Бу гал ҳалиги ғиштнинг қолгани кўчиб тушди. Кейин унинг ёнидагиларни кўчириш қийин бўлмайди. Содиқ мўлжални тўғри олган экан, бир оз ўтгач ҳосил бўлган каваккa қўлини тиқиб, ҳозир унинг назарида энг катта даҳшат бўлган ўлимбахш қутининг муздай «танасини» сезди. Энди унга қутидан тортиб олиб кетилган симни узиш керак эди. Пичоқ қани? Пичоқ тугил, ёнида бирор дами ўткир буюм ҳам йўқ эди. У ўйлаб ўтирмай, қутини каваҳдан суғуриб олди-да, бир оёғини деворга тираб, силтаб тортди. У шундай шиддат билан тортган эканки сим узилибгина қолмай, ўзи орқаси билан силтаниб бориб, йиқилди, боши қаттиқ нарсага урилиб, кўзидан ўт чиқиб кетди, кўнгли беҳузур бўлди. Шунда ҳам даҳшат тўла қутини ташлаб юбормади. Эсини йиғиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

унга қулоқ солди. Портлашга сигнал берадиган қутидаги пружина ғизиллаб бориб, чиқ этиб урилди. Демак, портлаш муддати бўлди, лекин у безиён эди! «Икки минутча қолганда улгирибман-а!» деган Содиқ оёқ-қўллари бўшашиб, ўтирган еридан турди ва маст кишидек гандираклаб эшикка йўл олди.

У кийим-боши тупроқ, юз-кўзи тердан лой, бошидаги докаси қонга беланиб подвалдан чиққанда, госпиталдагилар бинонинг миналаштирилганидан энди хабар топиб, қий-чув билан ярадорларни ташишар, деразалардан кўрпа-ёстиқ ҳовлига учар, ит эгасини, мушук бекасини танимас эди!

Ҳолдан толган Содиқнинг подвалдан гандираклаб чиқиб келаётганини кўрган командир кийимидаги бир киши «анави ким?» дегандек ёнидаги шеригининг тирсагидан тортди. Шериги бир нарсани фаҳмлагандек Содиқнинг қаршисига шахдам юриб келди. Содиқ ҳам ўшалар томонига девонасифат боқиб келарди. Улар етиб келиши билан куч-қуввати узилган кишидек зўрга оғзини очиб «бино зиёнсизлаштирилди!» деди-ю, ўрилган пичандек турган ерида йиқилди, қўлидаги қути учиб кетди.

Бу унинг охирги сўзи бўлди. Шу ҳушидан кетганича қайтиб ўзига келмади. Ўзи ўлимдан қутқарган ярадорлар ётган шу бинода ярим соатдан кейин жони узилди.

Эртасига, ўтказилган дафн маросимида унга партияга киришни таклиф қилган комиссар қабри устида:

— У олтин одам эди! Олтин эса, зангламайди! Эр йигит эл учун туғилади, эл учун ўлади. Унга шон-шарафлар бўлсин! — деди ва қабрига ўз қўли билан Содиқнинг исми-шарифи ёзилган, учи беш қирра юлдузли темир таёқ қадади, ўз тўппончасидан ўқ узиб, унинг шаънига берилган салютга қўшилди.

13. ХОТИМА

Кечагина чирсиллаб турган қаҳратон бирдан бўшашди.

Йилт этиб куннинг кўзи кўриниши билан тарновдаги кумуш сумалак учидан чиқ этиб бир томчи ерга тушди ва ойна синиқларидек чил-чил бўлиб, нурланиб кетди. Тушга бориб, тарновлар тўлиб сув оқди, том бошида қор қолмади.

Сал кундан кейин ариқ лаби кўмкўк сабза уриб, балх тут шохида турган чумчуқ ипдек ингичка чўпни кўндаланг тишлаб бўғот остига кириб кетди.

Кейин бинафша лаб очди, чучмома бўй чўзди, лола хандон кулди. Кейин оппоқ бўлиб бодом, чўғдек бўлиб шафтоли гуллади, ёнғоқ кучала ташлади, кейин... кейин баҳор, тенги йўқ гўзал баҳор барқ урди!

Шу баҳор майсасидай мўйлаби сабза урган, қуралай кўзларида баҳор қуёши яширинган, бўйдор ва миқти вужудидан ўсмирлик камолоти гуркираб, бир боқишдаюқ дадаси Содиқни эслатиб турган Марат ўртоқлари билан боғ сайрига чиқиб, бир ҳовуч довучча олиб келди. Айвон устунига суяниб, хира кўзларини ҳовлида чир айланаётган оқ тўш қалдирғочларга тикиб ўтирган бувисига:

— Буни қаранг, буви данаги қатиқ бўлибди! — деди ва оппоқ зич тишларига бир данагини чирс этиб босиб, мағзини айириб олди, этини эса, бувисининг ҳавасини келтираётгандек касир-кусир чайнади. Адолат хола ҳам йўлини топди: бир кафтини ошга бостирди, иликдек юмшатиб нордонгина тамшади.

— Ойим ҳақларини кетказиб бўлибдилар! — деб кулди буни кўриб Қодир. Тиззасида ўтирган бир ярим яшар Лоланинг ҳам оғзига довуччанинг этидан эзиб солди. Лола аввалига нотаниш бу хушхўр тамдан аяси Азизаникига жуда-жуда ўхшаш қош-кўзларини бир чимириб, кейин чапиллатиб еди. Унинг акаси Алишер эса, 6-7 ёшли болаларга хос шўхлик ва «очкўзлик» билан дадасининг олдидан чиққан довуччаларни сапчиб олиб оғзига солар, кимнингдир ҳавасини келтираётгандек бошини сарак-сарак қиларди.

— Бунақа қилма, уят бўлади жон болам! — деди унга таълим бериб мункиллаб қолган Адолат хола. — Яхши бола бўлсанг, Марат аканг эртага ҳам олиб келиб беради.

Маратнинг ёнида ўтирган сочлари оқ бўлса ҳам юзларини унча ажин босмаган, ёниқ кўзларида бардош ва матонат олови гуриллаб турган Жаннат, ўзига хос меҳрибонлик билан олдидан чиққан довуччани Алишергa узатиб турарди, у билан кўз уриштириб «бемалол еявер, яна чиқса сеники» ишорасини қиларди. Алишер мамнун ишшайиб, Маратнинг болалигини унга эслатарди.

Самовар ёнида ўтирган Азиза ошдан кейин биринчи пиёла чойни ўрнидан сал қўзғалиб иззату икром билан қайнанасига узатди.

Жамоат жам, шу тотли дам олиш оқшомининг эртасига почтальон ташлаб кетган тўрт энлик хат оиланинг шаънига ҳамон иснод келтириб, дилини ғаш қилиб ётган

www.ziyouz.com kutubxonasi

доғни баҳор тошқинлари қиш қирмочларини сидиргандек тозалаб, ювиб кетди.

Бу Содиқнинг пироварди расмий жиҳатидан ҳам реабилитация қилинганлиги ҳақидаги хабар эди!

Қодир олти ой отпускасидан кейин яна фронтга кетган, уруш тугагач Венадан қайтиб, Азизадан акасининг тарихини эшитган, кетидан қувган эди. Бари бир ҳеч нарса чиқмади. Фақат партиянинг XX съездидан кейингина баҳор кунларидан бирида унинг ҳам аризасига кенг йўл очилган эди.

Оила ўз ҳақ-ҳуқуқларини сал кунда тиклаб олди. Марат дадаси ҳалок бўлган шаҳар комсомол комитетига хат ёзиб, у портлашдан олиб қолган мактаб пионерлари билан алоқа боғлади. Пионерлар Содиқнинг қабрини топиб, уни кузатиб туриш оталигини олганликларини хабар қилишди. Кейин ўз мактабларини Улуғ Ватан уруши қаҳрамони Содиқ Қўчқоров номига қўйиш масаласини қўзғаб, бунга муваффақ бўлишди. У билан бирга жанг қилишганларни қидириб топишди. Ўз навбатида Марат ҳам суриштириб, унинг дафн маросимида иштирок этган, муҳтарам китобхонимизга таниш, батальон комиссари билан боғланишди. Комиссар Содиқнинг ўша қаҳрамонлиги учун олий мукофотга тавсия этилганини батафсил ёзиб, Москвадан, архивдан суриштиришни маслаҳат кўрди, ўзи ҳам ҳаракат қилажагини билдирди. Чиндан ҳам Содиқ Ленин ордени билан мукофотланганлиги маълум бўлди.

Мана шу жума куни кечқурун ана шу мукофотни марҳумнинг оиласига топшириш маросими бўлди.

У директор бўлган мактабнинг катта залига одам сиғмас эди.

Умрида биринчи марта президиумга чиқиб ўтирган Адолат хола, ҳамма фақат унга қараётгандек ўзини ноқулай сезиб, атрофга кўз юритар экан, кимнингдир пастдан «ҳой, айланайлар, ўтирайлик, мажлис увол бўлмасин» деганини эшитиб, мийиғида кулиб қўйди. У билан бирга президиумнинг олдинги қаторида бутун оила аъзолари ўтирибди, орқада — саҳна тўрида эса, Содиқнинг катта қилинган фото сурати гулларга ўраб қўйилган. Ҳаммадан ҳам Марат терисига сиғмай мамнун.

Мажлис олдидан орденни кимнинг қўлига топшириш ҳақида гап борганда кўпчилик Адолат холани маъқул топган бўлса-да, «жон болам хола»нинг ўзи қарши турди:

— Ўғли олсин, отасининг чирогини ёқадиган у. Мен

мингдан-минг розиман! — деди. Маратнинг шу вақтдаги ғурурини кўрсангиз!

Район партия комитетининг секретари шахсга сиғиниш даврининг хунук оқибатлари тўғрисида гапириб келиб, охирида шундай деди:

— Эътиқодли кишилар — олтин кишилар. Олтин эса, зангламайди. Ҳатто шахсга сиғиниш йилларининг рутубатлари ҳам унга путур етказолмади. Содиқ Қўчқоровнинг қисмати бунга ёрқин мисол бўла олади. У бутун ақлу идроки, меҳру садоқатини энг оғир кунларда Ватан йўлига бағишлай билди. У доим биз билан бирга, биз уни унутмаймиз.

Район халқ маорифи бўлимининг мудири Содиқнинг маориф соҳасида қилган ажойиб хизматлари ҳақида, кекса ўқитувчи-пенсионер Икром ота Содиқнинг инсоний фазилатлари ҳақида гапирди:

— Кишиларнинг оғирини енгил қилиб юрар эди, умрининг охирида ҳам кишиларнинг фалокатини аритиб, дунёдан ўтибди, йигит бечора. Чироқнинг сасиб узоқ ёнгани эмас, қисқа бўлса ҳам чарақлаб, барчанинг дилини ёритиб ёнгани инобат. Содиқжон ана шундай чироқ бўлди! — деди у кўзига ёш олиб.

Икром отадан кейин ҳарбий комиссарлик комиссари минбарга чиқиб Содиқ ҳалок бўлган шаҳардаги Содиқ Қўчқоров номли мактаб коллективининг хатини ўқиб берди. Мактаб коллективи ўз мактаблари биносини, ундаги юзлаб ярадор кишиларнинг ҳаётини, ўз жони эвазига сақлаб қолганини алоҳида қайд қилиб, шундай фарзандни тарбиялаган онага, халққа миннатдорлик билдирарди, унинг онаси, хотини ва ўғлини шаҳарларига таклиф қиларди. Қасиданома бу хат шундай сўзлар билан тугалланарди: «... Содиқ Қўчқоровнинг ўқитувчидан чиққанлиги бизни айниқса фахрлантиради. У қандай яшаш ва курашишни ёш авлодга синфдагина ўргатиб қўяқолмай, вақти келганда унинг ажойиб намунасини ўз тимсолида кўрсатди. Биз унинг номини пок сақлашга ваъда берамиз!».

Сўнгра комиссар гулдурос қарсаклар остида Маратга орденни топширди. Ғайрат ва чаққонлик билан ўрнидан турган Марат бутун залнинг ўзига иштиёқ билан боқаётганини кўрди-ю, боядан бери ҳижжалаб ўтирган чиройли сўзларини эсидан чиқарди-қўйди. Ҳаяжондан титраган қўллари билан олий мукофотни олар экан,

— Отам каби яшашга, отам ишини давом эттиришга

www.ziyouz.com kutubxonasi

тантанали сўз бераман! — дея олди. Бу қасам Марат кутганидан ҳам зўр қарсакка сабаб бўлди.

Адолат хола эса, севинчидан ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ўтирарди.

Тантана тугаб, Жаннат Адолат холанинг қўлтиғидан олиб турғизар экан, чидолмади, унинг нимжон елкаларига бошини қўйиб, йиғлаб юборди, ёшларини тиёлмай йиглади. Бу ёш шунча йиллардан бери ичида йиғилиб ётган алам, ҳасрат, кудуратни ювиб чиқараётган ўкинч ёши эди!

Ўз қисматидан рози Азиза йўлда келаётиб, эрига деди:

— Ҳу анави гапингиз эсингизда борми, Қодиржон ака?

— Қайси гапим? Сизга жуда кўп гаплар гапирганман.

— Йўқ, биттаси жуда алоҳида. Ўлсам ҳам эсимдан чиқмайди.

— У қайсиси экан?

— Акангиз қамалиб, сизни институтдан бўшатишгандан («ҳайдашгандан» дейишга тили бормади) кейин бир учрашдик-ку, чинорли хиёбонда. Мен сизни уйингиздан чақириб чиқдим.

— Хўш? Хўш? — Қодир ўша мудҳиш кечани эслади.

— Ана шунда «энди орани очди қилиб қўя қолайлик, Азиза!» дегандингиз. Шундай дейишга қандай тилингиз борган? Шу гапингиз эсимга тушса, ҳали-ҳали сесканиб кетаман.

Қодир юраги орқасига тортгандек бўлиб кулди:

— Шунақа деганманми, а Азиза? Ўзимиз ҳам ҳазилакам кунларни бошимиздан кечирмадик-да!

— Тўғри! Ҳеч кимнинг севгиси бизникичалик қаттиқ синовдан ўтмагандир! Ё бизга шунақа кўринадими, дадаси?

— Билмадим, аяси! — ҳазилга олди Қодир ҳам.

Қодирни қўлтиқлаб келаётган Азиза унинг қўлларига шундай қаттиқ ёпишдики, пинжига кириб кетгудай бўлди, эркаланди.

Шу пайт Марат улар орқасдан етиб келди:

— Дарров кетиб қолибсизлар. Мен сизларни қидириб юрибман.

— Биз сени Гули билан танца тушгани қолдинг деб ўйлабмиз.

— Ойиси билан келган... — деди Марат уялинқираб.

— Ойиси бўлса танца тушолмайсанми?

Марат индамади, кеннойисини қўлтиқлаб олди. Азиза «болани қизартирманг!» дегандек эрининг қўлини қисиб қўйди.

Кумуш баркашдек ой қоқ тиккага келган эди.

Шунча ғам-ғуссага чидаган Адолат хола, яхши кунлар севинчини кўтаролмади: тантанадан кейин уч кун ётиб вафот этди.

1963-1965.
Тошкент-Москва-Тошкент.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭЪТИҚОД МАШЪАЛИ

Ўзбек романининг мумтоз намуналари сирасига шоир ва адиб Шуҳратнинг «Олтин зангламас» асари киритилгани бежиз эмас. Бундан бир неча йил муқаддам Шуҳрат домланинг етмиш йиллик таваллуд саналари муносабати билан ёзган мақоламда «Олтин зангламас»ни икки йилу яна бутун умр давомида ёзилган роман деб айтган эдим. Дарҳақиқат, бу асар ижодкорнинг ўнлаб китоблари орасида алоҳида бўртиб кўринади, ажралиб туради. Фикримни ойдинлаштириш учун адибнинг ҳаёт ва ижод йўлини бир қур назардан кечирмоқ лозим бўлади.

Тақдирнинг тасодифини қарангки, бу йил Шуҳрат аканинг илк шеъри матбуотда эълон этилганига олтмиш йил тўлар экан. Ана шу олти ўн йилликнинг эллик беш йилдан ортиқроғи тўлиқ ижод ва изланишлар билан кечди. Домланинг ўтган давр мобайнида чоп этилган китобларини тахминий хом чўт қилиб кўрсам эллик номга яқинлашар экан. Объектив ва субъектив сабабларни инобатга олганда, йилига қарйиб биттадан китоб тўғри келади. Бу бир инсон умри давомида қилиши мумкин бўлган ишдан бир неча ҳисса ортиқ бўлса борки, кам эмас. Албатта, гап сонда ҳам эмас. Аммо мен Шуҳрат аканинг бирор китоби дўкон пештахталарида чанг босиб ётганини билмайман. Аксинча, ҳатто у қадар харидоргир бўлмаган шеърий тўпламлар ҳам Шуҳрат қаламига мансуб бўлса, қўлма-қўл бўлиб кетганига далиллар кўп. Сабаби, бу шеърлар самимияти, оҳангдорлиги, китобхон қалбига тез етиб бора олиши билан халқимиз ўртасида машҳур. Ўзбекнинг тўю томошаси, кую қўшиғи Шуҳрат шеърлари билан ҳам кўркли, файзу футухлидир. Домла умр бўйи шеър ёздилар. Ижодий таржимаи ҳол шеър билан бошланиб, шеър билан якун топди...

Тўрт ўғлини ерга бериб, юраги безиллаб қолган косиб Аминжон ота бешинчи ўғлини Азроил назаридан сақлай деб Оллоҳ қули, яъни Ғуломжон деб атади. Ғуломжон ёши етиб аввал қўшни «Отинбиби»да, йил ўтиб эса туғилиб ўсгани Тошкентнинг машҳур Хасти имом маҳалласидан сал наридаги янги мактабда таҳсил олади. Абдураҳмон ва Абдумажидхон исмлик тараққийпарвар муаллимлардан бошланғич сабоқ олиб, илмга чанқоқлигини намоён қилган Ғуломжон кейинроқ транспорт техникумида ўқишни давом эттиради. Худди шу ерда унинг кўнглига шеър учқуни қўнди. Адабиёт муаллими шоир Юнус Латифнинг билимдонлик ва завқ билан ўтган дарслари ўспирин йигитчанинг ҳам қўлига қалам олишга даъват этди. Бугина эмас, Юнус Латиф Ғуломжоннинг илк шеърини ўқиб, бироз таҳрир билан техникум деворий газетасида эълон қилдирди. Бир йилдан сўнг эса «Ленин учқуни» Республика газетасида чоп этилишига йўлланма берди. Шу кезлари техникумдан Ўрта Осиё транспорт инженерлари тайёрлаш институтига ўтиб ўқиётган бўлғуси шоир шеър ҳаваси ила инженерликдан воз кечиб, Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг Консультация бюросига котиб бўлиб ишга киради. Бу пайтларда ёзувчилар Уюшмаси Қодирий, Чўлпон, Фитрату Ойбек, Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон, Усмон Носир ва Миртемир каби адабиётимиз тиргаклари келиб турадиган файзли маскан эди. Шуларнинг суҳбатлари, йиғин, муҳокама ва мунозараларидан баҳра олиб, унинг адабиёт ҳақидаги тушунчалари шакллана бошлади. Уюшма ташкил этган ёш ёзувчиларнинг олти ойлик курсида ўқиди. Ёниб, завқ-шавқ билан шеър дунёсига шўнгиди. Ана шу шавқ билан Шуҳрат дея тахаллус танлади. Машқлари эндиликда матбуот саҳифаларида тез-тез кўрина бошлади. Устозларнинг назарига тушди. Хусусан, Ҳамид Олимжон шоирнинг «Орзу ва қасос» поэмасини маъқул топиб, ўз таҳririдаги «Баҳористон» альманахида бостиради. Бу пайтда Шуҳрат Тошкент Давлат педагогика институтининг талабасига айланиб, «Дилкаш» ва «Кўнгил чашмалари» номли икки шеърий тўпламини ҳам қўлёзмада тайёрлаб улгурган эди.

Шуҳрат Педагогика институтида 1936 йилдан то 1940 йилгача ўқиди. Балки тасодифдир, балки билим-тажриба зарурати, балки яна бошқа андишадир, ҳар қалай у Ёзувчилар Уюшмасидан бу ташкилот файзли маскандан кўра, қатағонча фатво берувчи маъмурий идорага айланиши арафасида кетди. Чунки у ҳалол, виждонли одам эди. Шунинг учун ҳам у жамиятда бошланиб кетган душман излаш жараёнларини бирданига тушуна олмади.

«Кел, ичайлик; меҳрибон ҳамдам
Шу бечора ёшлигим учун!»

дея аламу армон билан ўз даврида қадаҳ кўтарган буюк Пушкинга раддия қилиб, шоир машъум 1938 йилда

Кўтаринг, дўстларим, олтин қадаҳни,
Яшнатиб, яйратиб оташ нигоҳни,
Жаҳонга танилган ёшлигим учун,
Чаманга кўмилган ёшлигим учун,
Шу кунга етказган устозим учун,
Бу бахтни куйлаган ёш созим учун.

деб «шодликни куйлаган» устозига эргашди. Эргашиб яна «Меҳрол» номли эртак-достонини ёзди ва фақат шу асаринигина урушгача китоб ҳолида чоп эттира олди, холос.

Шуҳрат 1940 йилнинг кузида Армия сафига чақирилади. Шу кўйи хизмат яримлаб қолганда Улуғ Ватан уруши бошланиб, у оловли жанггоҳларга кириб кетади. Урушнинг охирлаб Польша сарҳадларига етган палласида оғир жароҳатланиб уйга — ота юртига қайтади.

Урушнинг Шуҳрат қалбида кечган аламу изтироблари ва даҳшатини билмоқчи бўлган китобхонга адибнинг шундан кейинги йилларда яратган ўнлаб асарлари энг ишончли шаҳодат. Жангоҳларнинг нақ ўзида қоғозга тушган таассуротлар бошлаб «Шинелли йиллар» номли

www.ziyouz.com kutubxonasi

йирик шеърий туркумга жамланди. Шоирнинг урушда кўрган-кечирганлари шеърга сигмасди. Унинг ўзи ёзганидек:

Жанговар йилларнинг эртаги узун,
Ҳар ўқнинг учиши ўзи бир достон.

Интиқом туйғуси билан ёнган казак йигитининг жасорати куйланган «Фарзанд», «Мардга ўлим йўқ» деган қадимий ақидани ҳаётий воқеалар мисолида тасдиқ этган «Сўлмас чечаклар» поэмалари шу зайл ёзилган.

Адиблар бўладики, йирик насрий асарларга ўтиш учун узоқ тайёргарлик кўрадилар, узоқ изланадилар. Аввал ҳикояда, сўнг қисса ва бадиаларда тажриба қилиб кўрадилар. Булар кўпинча мусаввир санъатини эслатувчи эскизлар вазифасини ўтайди. Айримлар ҳатто эскизлардан нари ўтолмай қоладилар. Чунки романнинг юки оғир, масъулияти улуғ.

Шуҳрат урушдан кейинги дастлабки йилларда наср тажрибасисиз, дабдурустдан романга киришди. Тўғри, дастлаб қисса ёзиш нияти билан қўлига қалам олган адиб, бу билан «юрагини бўшатиб» олишига кўзи етмай романга ўтиб кетади. Уни бундай журъатга ундаган бош омил романнавислик ҳаваси эмас, балки йиллар давоми окопларда ётиб, қўлда қурол билан дунё кезиб, турли ҳодисаларни кўргани, турфа табиатли инсонларни кузатгани, фикри тўлиб, хотираси саргузашту воқеалардан қабатланиб кетгани, шуларни имкон қадар борича бойитиб китобхонга етказиш истаги эди. Буни адибнинг ўзи ҳам эътироф этган: «Асосий материал бўлиб ўз биографиям хизмат қилди. Тўғриси, кўрган-билганларим далда бўлди. Бунга дўстларим ҳаёти, ижодий тўқималарим қўшилиб кетди». (Шуҳрат. Танланган асарлар, 1-жилд, Тошкент, 1969 йил, 8-бет).

Шуҳратнинг илк романи «Шинелли йиллар» шундай ёзилган эди. Бироқ роман биографияси бу билан тугамайди...

50-йиллар собиқ Совет Иттифоқи тарихига Сталинизм даври қатагонларининг учинчи тўлқини бўлиб кирди. 1929 йилларда бир қур, 1937 йилдан иккинчи бир даҳшатлироқ ишлаган қатағон машинаси 50-йилларга келиб миллат зиёлиларининг етишиб келаётган навқирон авлоди орасига ҳам қутқу солди. Бирини хиёнаткор, бирини «жиноятчи»га айлантирди. Худбин, журъатсизлари дамини ичига ютди, виждонли, дадиллари Сибирь совуқларига бадарға этилди, отилди, осилди. Шуҳрат ака бу даврни бир оғиз жумла билан, яъни «ҳаётимизда ленинча нормаларнинг бузилиши» дея ўз таржимаи ҳолида қистириб ўтади. Гўё бутун ҳаётини остин-устун қилиб ташлаган тўрт-беш йиллик даврни эслагиси келмагандек. Зеро шу бир оғиз жумлани 80-йилларнинг ўртасига қадар кўпчилик (ҳамма эмас) гап орасида оддийгина қайд этар, тафсилотларига эса тўхталиб ўтирмас эди. Тўхталишга ҳеч бир имкон ҳам берилмас эди. Ваҳолангки, сўнгги етти-саккиз йилда маълум бўлган далиллар ҳар қандай совуққон кимсани ҳам ларзага солиши, шубҳасиз.

Шуҳрат домла ҳам кутилмаганда, ўтмишни идеаллаштирувчи, Шўроларга қарши фаолият юритувчи гуруҳнинг аъзоси деган сохта сиёсий айбнома билан йигирма беш йилга «кесилади». «Халқлар отаси»нинг ўлими билан жамиятда юз берган бурилишлар туфайли

оқланиб, яна уйга, ижодий ишга қайтади. 1947 йил бошланиб, ярмига етганда қолиб кетган «Шинелли йиллар» романи энди аламу изтироблардан туйқус бир неча ўн йилларга улғайиб келган ёзувчи қўли билан давом эта бошлайди. Энди аввалгидек жимжима, баландпарвозлик сўниб, ўрнига ҳаққоният, воқеликнинг ишонарли тасвирлари кучайиб боради. Асарнинг бош қаҳрамони ЭлмуроД уруш даҳшатларини реал ҳис этиб бир неча бор ожиз ҳолатларда кўрсатилади. Мана шундай лавҳаларда муаллифнинг ҳаёт тажрибаси билан бирга Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеясидан, айниқса князь Андрей Болконскийнинг Бородино жанггоҳларидаги руҳий ҳолатларининг бадиий таҳлилидан ижодий ўрганганги, қаттиқ таъсирланганлиги яққол сезилади. Бироқ 20-30-йилларда бутун авлоди каби Шуҳрат аканинг ҳам онгига муттасил сингдирилган Партия ва Совет тузумининг идеаллиги, халқлар дўстлиги каби сохта тушунчалар романнинг сўнгги боблариga келиб бўй кўрсата бошлайди. Орзу-хаёл, ёзувчи иродаси шафқатсиз воқелик тасвирларидан устун келади. Бу балки романнинг сўнгги боблари ёзилаётганда партия XX съезди ўтиб, гўё адолат, ҳақиқат, яна тиклангандек туюлгани туфайли бўлса ҳам ажаб эмас. Акс-ҳолда адиб таржимаи ҳолида ленинча нормаларнинг барқарор топиши ижодини илҳомлантирганини алоҳида таъкидламаган бўлар эди.

«Шинелли йиллар»даги каби мураккаб вазиятлар, ҳаётий зиддиятлар ифодасидан сўнг жўшқин сентименталлик билан омухталашиб кетадиган умидбахш якун, ижобий ечим Шуҳрат аканинг кейинги барча роман ва қиссаларига хос хусусият. Буни торайтириб илмий тарзда ёзувчининг услуби ёки индивидуал манераси деб ҳам аташ мумкин эди. Аммо бу бутун совет адабиётининг услуби, аниқроқ айтганда, социалистик реализмнинг асосий принципи эди. Шуҳрат ака бу принципга жуда қатъий амал қиларди. Хоҳ «Олтин зангламас»ни олинг, хоҳ «Жаннат қидирганлар» романини ёки қатор қиссаларни, ҳаммасида буни яққол кўриш мумкин. Бу принципга амал қилмай кўрингчи эди. Қанча-қанча буюк асарлар социалистик реализм қолипларига тушмагани учун йўқ бўлиб кетди, қанчадан-қанча ижодкорлар бу метод қурбони бўлдилар. Бироқ социалистик реализм исканжасига тушган барча ижодкорларни бир қаторга қўйиб бўлмайди. Назаримда ундан камида икки йўсинда фойдаланувчилар бўлди. Бир гуруҳи кўркўрона амал қилгани ҳолда, бадиий асарнинг барча унсурларида қолип доирасидан чиқолмай нурсиз, ўлик битиклар яратишдан нари ўтолмаган бўлса, иккинчи тоифа адиблар истеъдодларининг қудрати туфайли сезиб-сезмай социалистик реализмни ҳийлаъи шаърий маъносида ниқобга айлантириб олдилар. Шу сабаб «Тинч оқар Дон», «Клим Самгин», «Қутлуғ қон», «Василий Тёркин», «Биринчи ўқитувчи», «Тириклар ва ўликлар» каби буюк асарлар дунё юзини кўрди.

Социалистик реализмни бугун кескин инкор этиб турганимизда, бу каби асарларни ажратиб олаётганимиз, очиғи уларнинг ўн йиллар оша умрбоқийлиги шундан.

Наздимда, Шуҳрат ака ҳам, билиб-билмай, шу иккинчи ижодкорлар йўлидан борди. Албатта, улар даражасидаги юксакликка эришиш осон гап эмас. Аммо адиб Шуҳратнинг ижод ҳалоллиги, самимияти, мавзу танлаш журъати ва фақат кўрган-билган, бошдан кечирганларини асос қилиб белгиланши юқоридаги мулоҳазамизни тасдиқлайдиган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дек. Бинобарин, уруш энди тугаб, унинг кўлам ва моҳиятини англаб улгурмаёқ умумиттифоқ адабиётида биринчилар қатори уруш ҳақида катта роман яратишга уруниш, «илимилиқ» даврлари ўта бошлаб жамият турғунликка юз тутаётган даврда шахсга сигинишнинг ноҳақликларини дадил ёритиш, чириш палласига кирган Совет тузумини мафкуравий тозалаш ва мустаҳкамлаш авж олаётган пайтда, гарчи салбий йўсинда бўлса ҳам, Совет Иттифоқидан хорижга қочиб кетаётган кимсалар образини романи марказига чиқариш ёзувчи Шуҳратнинг социалистик реализм қолипларига кўр-кўрона амал қилмаганини, эркин адабий тамойилларга мойил бўлганини англатади. Балки шундандир, Шуҳрат аканинг бирор романи «силлиқ» тақдирга эга эмас, «Олтин зангламас»нинг бир қисми «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилингач, давоми бир неча ой тўхтатиб қўйилади, «Жаннат қидирганлар» романи эса совет воқелигига зид, туҳмат дея айрим танқидчилар томонидан қораланади. Бундай баҳо учун Сталин давридагидек ўлим солмаса ҳам, муаллифнинг маънавий таъқиб ва тазйиқлар остида қолиши шубҳасиз эди. Қисман шундай ҳам бўлди. Бир чеккаси журъатли романлари, яна бир чети ҳақиқаттўй устозига садоқати учун расмий доиралар эътиборидан четда юрди. Аммо Шуҳрат аканинг адабиёт мухлислари, китобхонлари ўртасидаги обрў-ҳурмати завол кўрмади, аксинча қизиқиш ортиб, ҳалол, заҳматкаш ижодкор сифатида эътибори ошиб борди.

«Олтин зангламас» ўзбек адабиётида қатагон йиллари ҳақидаги биринчи роман ва сўнгги йилларга қадар ягона роман бўлиб турди. Ким билсин, ижтимоий ўзгаришлар бўлмаганда яна қанча вақт «ягона» бўлиб турарди. «Олтин зангламас»ни ўзга фазилатларидан қатъий назар муаллифининг фақат ижодий жасорати учун ҳам ўзбек романининг мумтоз намуналари қаторига қўшса арзийди. Чунки қатагон йилларини эслаб, ҳанузгача шивирлаб гаплашадиган одамлар бор. Бошидан шунча уқубатларни ўтказиб келиб, танасидан Шимол қаҳратонларининг заҳри кетмай, шулар ҳақида ошкора ёзиш бу ҳазилакам гап эмас эди. Тўғри, «илимилиқ» даври умумиттифоқ адабиётида, хусусан рус адабиётида шахсга сигиниш йилларининг иллатларини фош этган бадиий бақувват асарлар анчагина яратилди ва баъзилари асосан Александр Твардовский раҳнамолигида «Новый мир»журналида эълон қилинди ҳам. Аммо бу тоза нафас Россиянинг чекка совет мустамлака ўлкаларида бир эпкин бериши мумкин эдию, аммо, давомчилари пайдо бўлиб, шундай интилишлар бўлишига йўл қўйилиши даргумон эди. Буни жуда яхши билгани учун Абдулла Қаҳҳордек забардаст адиб ҳам қатагон мавзуидаги «Зилзила» асарини тўхтатиб қўйган бўлса, эҳтимол. Ана шу шароитда Шуҳрат юрак ютиб «Олтин зангламас»ни ёзди. «Олтин зангламас»даги ҳаётни мен яхши биламан, — деб ёзади адиб ўз «Таржимаи ҳол»ида, — улар мен билан бирга бўлган, менга учраган кишиларнинг ҳаёти. Мен бу ҳаётнинг атрофидамас, нақ ичида бўлганман. Бу мавзуда бирон нарса яратмасам, кўнглим ўрнига тушмас эди. Буни виждоним тақозо этарди». Дарҳақиқат, адиб виждон бурчини бажарди. Ҳалол, покиза, фидойи бир инсоннинг қуруқ туҳмат ва бўҳтонлар туфайли чеккан машаққатларини тасвирлаб, ўзи ва ўзи билан тақдирдош бўлган юзлаб, минглаб Сталин лагерларида бегуноҳ жабр тортганларнинг эл-юрт ва фарзандлари

олдида юзларини ёруғ, қаддини баланд кўтариб юришларига бадиий бир шаҳодатнома берди.

Романни қайта ўқир эканман, Шуҳрат ака билан сўнгги учрашувлар, суҳбатларни эслайман. Охирги йилларда оғир дардга дучор бўлиб, юришга, сўзлашишга қийналишларига қарамай кўп ўқирдилар ва менинг қатагон даҳшатлари, тоталитар тузумнинг аввало ленинизм ғоялари билан бошлангани ҳақидаги янги-янги далиллар асосида ғоҳи лол бўлиб, ғоҳи ғазабланиб айтган сўзларим ёки сўровларимга «барчаси ўтар экан» дегандек, қўлларини силкиб қўя қолар эдилар. Шуни ўйлаб, ўз-ўзимга савол бераман: Агар «Олтин зангламас»ни адиб ҳозир янгитдан ёзса, қандай бўлар эди. Менимча, домла баъзи жузъий ўзгариш ва таҳрирларни демаса, ўшандай ёзган бўлар эдилар. Негаки Содиқнинг ҳаёти Шуҳрат аканинг ва у кабиларнинг ҳаёти. Содиқ 1936 йилда қабул қилинган Сталин конституциясини «жаҳонда тенги йўқ демократик ва инсонпарвар конституция» деб билгани, «коммунизмни олий ҳаёт» тушуниб, фарзандлари унда яшашига муқаррар ишонгани, партиядан ўчганини ўқиб, умрида биринчи марта ҳўнграб йиғлагани каби унга тенгдош авлод ва ҳатто кейинги яна бир неча авлод кишилари ҳам Шўро ақидаларига шубҳа билдирмай яшадилар. Романдаги маҳорат билан топиб тасвирланган вазият ва ҳолатларда, яъни Содиқ фуқаролар уруши йиллари босмачи душман деб курашган Диловархўжа қўрбоши билан қамоқда юзма-юз кўришганда ҳам, ноҳақ жазодан гинахонликка берилмай, аксинча «эл юртга нафи тегар» деб сургунда виждонан ишлаганида ҳам, болаларча соддалик билан «келажакка хатлар» ёзиб, девор пойдеворига териб юборганида ҳам ва ҳатто Улуг Ватан уруши жанггоҳларида жасорат кўрсатганида ҳам унинг ўша ақидаларга эътиқоди сусаймайди, балки мустаҳкамланади, ишончи барқарорлашади. Содиқ каби кишилар эътиқодидан қатъий назар ҳурматга сазовор шахслар. Дунёда эзгулик уруғи завол топмай яшаётган экан, инсонийлик, меҳр-мурувват, олижаноблик бор экан, бу Содиқ мисол одамларнинг шарофати. Унинг садоқати, содиқлиги аслида коммунизм тушунчаси билан пардаланган инсоний юксак ақидаларга қаратилгандир. Виждонли диёнатли кишилар совет ақидаларини шундай тушуниб келдилар. Романдаги Қодир, Азиза, Пушкарёв, Икром ота каби персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳолатлари ва гап-сўзлари ҳам мулоҳазаларимизни тасдиқлайди.

Асарда жуда жонли, ичдан кузатиб тасвирланган образлардан бири Мирсалимдир. Ёзувчи бу шахс тимсолида риёкорликнинг турли товланишлардаги кўринишларини тасвирлайди. Замон қандай туса кирмасин мирсалимлар йўқолмайди. Дарҳол мослашиш йўлини қилади, қиёфасини ўзгартиради, моҳиятини ниқоблайди. Худди Мирсалим Содиқни қаматиб, ўрнига директор бўлиб олгач, мактабда ўз «режими»ни ўрнатганидек, Жамият вақти-вақти билан шундай кишилар қўлида қолиб ҳам кетади. Ана шу пайтда ададсиз фожиалар юз бераверади. Афсуски бу азалдан абадгача давом этадиган ҳодиса. Гарчи «Олтин зангламас»да умумий метод талабига кўра Мирсалим, Диловархўжа каби тубан кишилар маҳв этилса-да, бу фақатгина метод учунгина топилган йўл эмас, бу муаллифнинг ҳам ҳоҳиш иродаси, балки орзуси эди. Шуҳрат домла табиатан оптимист ижодкор. Худди қаҳрамонлари Элмурод, Содиқ ва Умматалиларга ўхшаб кўпроқ ёруғликка ишонар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

келажакка кўз тикар эди. Бунга унинг шеърларидан ўнлаб иқтибослар келтириш мумкин:

Бу ҳаёт тарози — икки палладир,
Бирида шодлигу биридан алам
Таҳрирга муҳтождир тақдири қалам,
Севинчни кўпроқ ол, гар бўлсанг қодир!

«Таржимаи ҳол»нинг шеър билан бошланиб шеър билан тугаганини айтган эдик. Аслида шеър умр бўйи Шуҳрат домла қалбини тарк этмади. Йирик романлар ёзилиб турганда ҳам, қатор қисса ва пьесалар чоп этилиб, театр саҳналарида ўйналиб турганда ҳам шеър, сўз оҳанги йироқ кетмади. Матбуотда ёки мўъжаз китобчалар шаклида Шуҳрат аканинг шеърий тўпламлари босилиб турди.

Кечаги кунларим шеъримда қолди,
Эртаги куним ҳам унда қолади.
Мен ўзим кетаман! Ўлимим олди,
Энг сўнгги онимни шеърим олади.

Адиб саксонинчи йилларнинг бошларида беназир шоир, сўфий Боборахим Машраб ҳақида роман ёзиш тараддудига тушди. Ўқиди, ўрганди, изланди... Ниҳоят асар устида иш бошланиб, яримлай деб қолганда ўтмиш йиллар азоблари, уруш асоратлари ўз ишини қилди. Домла бедаво хасталикка йўлиқдилар. Узоқ муолажалардан бироз дармонга кирган адиб энди йирик асарларга қуввати келмаслигини сезиб, фақат шеър билан бўлди. Оиласи тириклик тиргаги бўлган эса, шеърият маънавий суянчи, ҳамдами бўлди. Сўнгги ўн йилда биринкетин «Кечки нурлар», «Ҳали тун узоқ», «Ёшлигимнинг давоми», «Қалбим жилоси» каби ўнга яқин шеърий тўпламлар дунё юзини кўрди. Уч ва икки жилдлик «Сайланмалар» нашр этилди.

Шуҳрат ака умри сўнгларида замона «ўйин»ларидан чарчаган нуроний файласуф таассуротини уйготар эди. У сўнгги йилларда ҳақиқатан ҳам аксар фалсафий шеърлар ёзди, авлодларига беозор, ҳикматли панду-ўгитлар бағишлади.

Бу йўлдан ўтганлар беҳисоб, сонсиз,
Биридан шон қолган, биридан армон.
Сен ўтмоқ истасанг кўз ёш, армонсиз,
Аввал бил нимадир яхшию ёмон!

Қайта қуриш алғов-далғовлари барчанинг кундалиқ мавзуига айланганда Шуҳрат домла буюк Саъдий ҳикматини эслатиб, «ин ҳам мегузарад» дегандек қўл силтаб қўярдилар. Фақат шу кезлари қатағон ва турғунлик йиллари ғуборидан форигланган буюк Чўлпон, Фитрат, Элбек, Ботулардан сўз кетса, лоқайдлик ўрнини ҳаяжон эгаллаб, қийналиб бўлса-да, хотиралар сўйлашга тушардилар. Айниқса Усмон Носирни суйиб, куйиб хотирлардилар. Кўзлари ёниб хотирлардилар. Шундай дақиқаларда мен домланинг бош китоби қаҳрамони Содиқни кўргандай бўлардим. Эзгулик дея шаҳид бўлган Содиқ ўз муаллифи тимсолида нуроний қиёфа касб этиб, дунёдаги энг барқарор, муқаддас тушунчалардан — ҳақиқат ўлмаслигидан, ҳақ сўз — санъаткор сўзи боқийлигидан, руҳ абадиятидан сўйлаётгандек туюларди.

Бу умр карвони доимо йўлда,
Гоҳида чўққида, гоҳида чўлда.
Манзилга бехато етиб боради,
Эътиқод машъали гар бўлса қўлда.

ШУҲРАТ РИЗАЕВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Бирини қисм 5
Иккинчи қисм 131
Учинчи қисм 239

Шуҳрат

ОЛТИН ЗАНГЛАМАС

РОМАН

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
1995
Тошкент

Муҳаррир *А. Аҳмедов*
Бадиий муҳаррир *М. Аъламов*
Техник муҳаррир. *Е. Лукьянова*
Мусаҳҳиҳлар *Ю. Бизаатова, Н. Муҳамедиева*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ш97

Шуҳрат.

Олтин зангламас: Роман (Таҳрир ҳайъати: И. Шоғуломов ва бошқ.).'—Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1995. — 400 б. — (XX аср ўзбек романи).

Ўз2

Теришга берилди 16. 12. 94. Босишга рухсат этилди 25.05.95й. Бичими 84x108 1/32. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 21.0. Нашриёт ҳисоб табоғи 23,6. Адади 25000. Буюртма № 3255. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси, 700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

www.ziyouz.com kutubxonasi